



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ŞARK YÜLDÜZI



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

9 '1993

62-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

(Танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири)

Тоҳир МАЛИК

(Масъул котиб)

Мурод МАНСУР

(Наср бўлими мудири)

Омон МУХТОРОВ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Икром ОТАМУРОД

(Назм бўлими мудири)

Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН

(Мерос ва қадрият бўлими мудири)

Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ

(Мақоланавислик бўлими мудири)

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

Ислом ҚАРИМОВ:

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди.

* * *

Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жиқслаштирувчи асоси ҳисобланади.

Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр амри, объектив реалликдир. Айна вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражага эришиш услуби ва воситасидир.


* * *

Ўзбекистон Шарқ маданиятининг энг яхши анъаналари йўлидан бориб, меҳмондўстлик ва аҳил дўстлик эшигини кенг очди, бадарға қилинганлар, ватанидан жудо бўлганлар, урушлар ва таъқибларнинг қурбонлари ҳар доим Ўзбекистонда бошпана топганлар, халқимизнинг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлганлар.

* * *

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган.

ЖАМОАТ КЕНГАШИ: Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Бўрибой АҲМЕДОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Қодиржон ИБРОҲИМОВ, Хуршид ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурад МУҲАММАД ДУСТ, Тўлан НИЗОМ, Умарали НОРМАТОВ, Гулчеҳра НУРИЛЛАЕВА, Эркин САМАНДАР, Жуманазар САЛАЕВ, Ҳайриддин СУЛТОНОВ, Улмас УМАРБЕКОВ, Носир ФОЗИЛОВ, Шуқур ҲОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Бобоҳон ШАРИПОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Азиз КАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚУЧҚОРОВ



Ҳамид Ғулом
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

РУҲИЙ ПАРВОЗ

Шунчаки юзаки қараганда ҳеч нарса ўзгармагандай: шаҳарлар, кишлоқлар, дала-лар, йўллар, бинолар, бозорлар, хуллас, жамики ташқи қиёфа қайта қуришдан аввал, ислохотдан илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам деярли шундай: Тошкентдаги томи ёпилмаган баланд биноларнинг қурилиши ҳамон чала, уч-тўрт шаҳарда қад кўтараётган меҳмонхоналарнинг эшиклари ҳамон очилгани йўқ. Зайнитдин ҳожи лимузорларининг доврўғи ҳамон янграйди, фақат бир дона лиму энди уч сўм эмас, уч юз сўм, ҳамон дала-ларда асосий ишловчилар аёллар. Нарх-наво осмонда, унинг қачон бир ерда тўхташини ҳеч ким башорат қилиб айтолмайди: беш, ўн минг сўмлик қогоз пуллар чўнтақларда даста-даста, эллик минг сўмликларни ортган вагонлар, тайёралар ҳам Россиядан биз томонга йўлга чиқяпти...

Лекин, халқнинг руҳи тетик — энг муҳими ана шу. Юртимиз тинч, элимиз ҳамжи-ҳат, эртанги кунга ишонч дилларда барқарор, истиқболимиз порлоқлиги катта-кичиқ жами фуқарога кун сайин аён бўлиб боряпти.

«Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди, — дейди Президентимиз Ислом Каримов. — Биз мустақилликни қўлга киритиб, эндиликда уни мустаҳкамлаш ва шунинг асосида янги, адолатли жамият қуриш йўлига ўтдик. Тарих шуни кўрсатадики, истиқ-лолнинг қадри доимо баланд бўлган. Бугунги шароитимизни осон деб бўлмайди...»

Янги давр бошланди... Бир ярим асрлик хоризм истилосидан кейин салкам етмиш беш йиллик совет яққа ҳокимлиги — тоталитар буйрукбозлик тузумидан кейин Ўзбе-кистон тарихида янги давр бошланди. Эндиликда мустақил давлатимизнинг ихтиёри ўз халқи ва умумхалқ сайлаган ўз Президентининг ихтиёрида. Истиқлолимиз чин истиқлол бўлгани учун, мустақил давлатимизнинг Конституцияси жаҳон афкор оммаси томонидан адолат қонуни сифатида тан олингани учун шу кунгача дунёдаги 160 давлат уни маъқуллади ва Ўзбекистон республикасини тан олди. Нью-Йоркда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти юқсак биносининг олдида, бошқа мустақил давлатларнинг байроқлари каторида бизнинг байроғимиз ҳам хилпираб турибди. Президентимиз қайси китъа, қайси мамлакатга бормасин, уни алоҳида иззат-икром билан кутиб олаётган-ликлари бежиз эмас. Ислом Каримов қуруқ сўзни, тумтароқ ваъдабозликни ёмон қў-ради. Турклар таърифи билан айтганда, у — иш кишиси. Билимдон иқтисодчи ва моҳир режашунос, сиёсатда узоқни кўрабилувчи ҳақиқатгўй — чин башоратчи. «Ўзбекистон — келажаги буюқ давлат» — бу фақат ҳикматли иборагина эмас, айна вақтда шунчаки бир шиор ҳам эмас, бу — буюқ моддий ва маънавий асосга эга бўлган ҳаётий башо-ратдир.

Модомики, келажак бугундан бошланар экан, истиқлолнинг тамал тошини ва истиқ-болнинг метин пойдеворини ҳозирдан зирҳли-залворли қилиб қўйиш зарур.

Мустақил давлатимизда қайта қуриш маънавий қадриятларни тиклашдан, тарихий хазиналаримиз тилсимлари кўзини очишдан, улуғ бобокалонимиз руҳини шод этишдан бошланди. Даҳо устозимиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги умумхалқ Нав-рўз байрамига уланиб, эл-юрт тантаналари Ўзбекистон Миллий боғидаги байнал-минал байрам билан бошланди. Улуғ Навоий ҳайкали қад кўтарган майдон яхши кунларда доимий сайилгоҳ, жаҳон аҳли учун зиёратгоҳ бўлиб қолди.

Мусулмон олами маънавиятининг чўққиси, башар камолотининг рамзи — «Қуръо-ни карим» халқимиз тарихида биринчи марта ўзбек тилига моҳирона ва мукаммал тар-жима қилиниб, нашр этилди. Бу савобли ишда кадрли журналимиз «Шарқ юлдузи» жамоаси ташаббускор бўлганлиги, мазкур масъулиятли ва шарафли меҳнатни сидқи-дилдан адо этганлиги билан фахрланамиз.

Улуғ бобокалонимиз, тасаввуф таълимоти ва шеърятининг буюқ салафи ва устозин Хўжа Аҳмад Яссавий шарафли номининг тиклангани, асарларининг мукаммал нашр этилиб, Туркистон диёри бўйлаб юбилейнинг умумхалқ байрами сифатида кенг нишон-

лагани — бу шундай бир тарихий, буюк воқеадирки, истиқлолдин аввал, яъни совет истибдоди даврида биз бундай воқеа содир бўлишини тушимизда кўришга ҳам журъат этаолмас эдик.

Бу йилги яна бир улуғ воқеа — Яссавий замондоши ва маслакдоши Баҳоуддин Нақшбанднинг жаҳоншумул юбилейдир. Бухоро фарзанди, Туркистон элларининг раҳнамоси Нақшбандни эслаш, айниқса улуғлашни «кофир-замон» — XX аср бошланишлар ҳукмронлиги даврида хаёлга келтириш ҳам мумкин эмас эди. Ўзбек халқи, Ўрта Осиё эл-элатлари янги кутлуғ давр, мустақиллик туфайли аждодларини улуғлаш, тарих маънавиятини бутун тўлаликлари ва юксакликлари ила тирилтириш, тиклаш бахтига муяссар бўлдилар.

Гўзал Наманган ўртасида Машраб боғи яшнаб турибди. Хиёбонлари, ишқомлари, шийпонлари, гулзорлари, ошхонаю чойхоналари, гўзал музей биноси билан бекиёс кўркем бу чаманинг бунёд этилганига атиги бир йил бўлди. Буюк инсонпарвар шоир Бобораҳим Машрабни тушкун мутаассиб, ёқавайрон девона, «олабўжи» каландар деб таърифлаган тескари замон ўтиб кетгани учун Оллоҳга минг катла шукр. Бобораҳим Машраб водийнинг, элнинг, улуғ мустақил ўзбек давлатининг асил фарзанди, ҳақиқат куйчиси сифатида номи, каломи тикланди; илҳоми янги авлодга, янги замонга, янги мустақил давлатга хизмат қилаётгани чин бахтдир.

Ўзбекистон деганда жаҳон аввало, биз юқорида зикр этган улуғларни ҳамда улардан аввал ва кейин ўтган олимлар, шоирлар, муаррихлар, хаттотлар, калам, соз ва овоз соҳибларини тушунади.

Ўзбекистон деганда жаҳон буюк саркарда, амирул-мўминин, ягона ва улуғ туркий давлат бинокори, Турон саркардаси Амир Темур Кўрагонни билади, танийди, унинг адолати ва иродаси олдида бош эгиб, таъзим бажо келтиради.

Мухтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлиги ғоясини шу минтақадаги мамлакатлар ҳамда халқлар раҳбарлари эътиборига ҳавола этди. Ўзбек заминидан, ўзбек халқи юрагидан пайдо бўлган бу бирлик ва қардошлик мафкураси башоратни аниқ кўзлаган бўлиб, ғоятда ҳаётбахш ва истиқболдир. Бу дўстлик ва қардошлик ғояси буюк Амир Темур амалга оширган тарихий дастурул-амалнинг бизнинг давримиздаги ифодасидир.

Марказий Осиё давлатлари бирлиги, буюк Шарқ минтақасидаги халқлар, миллатлар ҳамкорлиги, мустақил давлатлар зиёлиларининг ўз ўтмишига, салафларнинг яқинлиги ва иноқлигига мурожаат, кадимий қардошликни тиклашга саъй-ҳаракатлар узок-яқинлардаги жаҳонгирларга ёқмаётганлиги ажаб эмас. Улар бизнинг ўлкаларимизни хом-ашё минтақаси, эл-элатларимизни арзон қора куч сифатида кўришга одатланиб қолганлар. Шу сабабдан ҳам заминимиз истиқлоли, халқларимиз эрк-саодати уларга ёқмайди, озод элларнинг мустақил фикр тариқи, мустақил иш юритиши, мустақил давлатлари ва ўзга мустақил давлатлар билан тенгхуқуқлилиқ асосида бирлашишлари, ҳамкорликлари жаҳонгирларга ёқмайди.

Бизнинг халқимиз, унинг эркесвар содик, курашчи фарзандлари жаҳонгирларнинг ва турли ёғйларнинг жабру зулмларини кўп тортганлар, алам-ситам, азоб-қийноқларини бошларидан кечирганлар, эрк ва истиқбол йўлида жами азоб-уқубатларга бардош берганлар, ҳатто ўлимга ҳам тик борганлар.

Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Боту, Элбек, Ш. Сулаймон ва булар авлодига мансуб ўнлаб олим, шоир, адиб, адабиётшунос алломалар тарихини, асарларини ҳозирги авлод эндиликда яхши билдилар, ардоқлайдилар, фахрланадилар. Ахир, бу улуғларни ноҳақ жазолаган махфий шўро идоралари эшикларига осилган чўян қулфлар кечагина, фақат истиқлол туфайлигина очилди-ку! Эндиликда буларнинг ҳар бири бир дунё, чексиз маънавий хазина, жабрдийда халқ йўлида машғал бўлганини ўз кўзимиз билан кўриб, ўз ақлимиз билан идрок этиб турибмиз.

«Марказ»нинг «чекка ўлка»ларга муносабати нақадар мудҳиш бўлганини Истиқлол туфайли, тарих ва ҳаёт ҳақиқати юзага чиқаётгани туфайли эндиликда аён кўриб турибмиз. Усмон Носирнинг Сталинга ёзган хати яккахоким тузум зўравонлиги ва истибдодининг нақадар ҳаддан ошганига мисол бўла олади. Сибирь камок лагеридаги огир бетоб Усмон Носир ўз хатида ҳали ёш эканини, ўз юртига қайтарилса, даволаниб, ижод билан машғул бўлиш орзусини билдиради. Афсуски, шоирнинг аризаси сансалорликка солинади, мудҳиш залим ва унинг хушомадгўйлари шоирни қийноқларга, бевақт ўлимга маҳкум этадилар.

Юртимиз, элимиз «Марказ»га, «Доҳий»га қарам бўлган даврда адолат, ҳақиқат инсонлар учун мисли бир пуч сароб эди.

Алоҳида макр ва шайтоний ҳийла билан тўқилган «Пахта иши» тоталитар тузумнинг охириги ялпи хуружи бўлди, Ўрта Осиё минтақасида атайлаб уюштирилган миллий низолар, кўшин ва қардошларни бир-бирига қарши солиб, қон тўкишлар эса, «Марказ»нинг жон талвасасидаги фитналари ва жазаваларидан бошқа нарса эмас эди.

Алхамдулиллоҳ, зулм, жабр, адоват, хунхорликлар орқада қора соядай, мудҳиш тушдай қолиб кетяпти. Халқлар ўзларининг эрк ва ҳуқуқларини собит туриб, ҳимоя этишга қодир эканликларини исбот қилмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг ўз минтақасидаги, қардошлар даврасидаги ва дунё миқёсидаги обрў-эътибори — бу фақат ширюу ваъдаларга қурилган мавке эмас, аксинча ота юртимизнинг моддий ва маданий бойликларига, маънавий хазиналарига, халқининг кенг имкониятларига асосланган мустаҳкам мавқеидир.

Биз истиқлолимизнинг иккинчи йиллигини нишонлаяпмиз. Икки йил — бу тарих олдида фақат бир лаҳза. Лекин, шу лаҳза ичида қилинган ишлар мазмуни ўта салмоқли, кўлами ва масофаси кенг, кўтарган юки оғир ва залворлидир.

Яккахокимлик қишанларидан, «Марказ» зулми ва тазйиқларидан халос бўлган халқ ўз тараққиёт йўлини топиб олгунча анча изланишлар билан машғул бўлди. Туркия тажрибасига, Европа ва Осиёдаги иқтисодий раванқ топган, саноати, деҳқончилиги ривожланган кўпгина давлатлар тажрибасига мурожаат қилди. Америкадан Кореягача, Покистондан Индонезия ва Сингапургача, Ҳиндистондан Голландия, Германиягача — қаерда йилт этган илғор ғоя, қаерда самарали тажриба бўлса — ҳаммасидан иложи борича фойдаланишни Ўзбекистон республикаси раҳбарияти ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳар бир даврнинг ўз маданияти, адабиёти ва санъати бўлади. Мустақил давлатимиздаги кенг кўламли, узок давом этадиган, қандай ривожланиб бориши, нақадар юксакликларга кўтарилиши ўзимизга, ўз меҳнатимиз ва жасоратимизга боғлиқ бўлган давр маънавияти ҳам ўз саъй-ҳаракатимизга, истеъдодимизга, хошиш-иродамизга боғлиқ.

Янги адабиётни пухта заминга, мустаҳкам пойдеворга қурмок даркор. Насрда бизнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз» каби буюк романларимиз бор. Биз Лотин Америкаси мамлакатлари киносининг «Оддий Мария» каби бир неча юз серияли ўртача фильмларини марокланиб кўряпмиз. Ҳолбуки, бизнинг ёзувчиларимиз, кино санъаткорларимиз Навоийнинг «Ҳамса»си ёки «Бобурнома» бўйича юксак бадиий савияда кўп серияли миллий кино асарлари яратишлари мумкин. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи асосида яратилган беш серияли телефильм Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари асосида дастлаб йигирма-ўттиз серияли телефильмлар яратиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Истиқлол адабиёти — шеърини, насри, драматургияси яратилапти. Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи менда чуқур таассурот қолдирди.

Истиқлол биз, адабиёт аҳли, ижодкорлар учун тарих ва ҳаёт ҳақиқатини рўй-рост ёзиш имконини берди.

Истиқлол миллатимиз ва унинг зиёлилари, жумладан, қалам аҳлини бирлаштиришга кенг йўл очди. Рус большевиклари босқини ва иккинчи жаҳон уруши натижасида ер қурраси бўйлаб тарқалган ўзбеклар бир-бирларини топа бошладилар. Озодлик ва мустақиллик қондош, жондош диллардан дилларга кўприк ташлаб берди. Эндиликда хориждаги ўзбекларнинг ўз она Ватани — Ўзбекистонга келиши ёки ўзбекистонликларнинг Саудия Арабистони ёки Туркияга, Европа ёки Америкага бориб, миллатдошларини зиёрат қилишлари, бунинг натижасида Ватан тараққиёти учун ҳамкорликда иш қилишлари муаммо бўлмай қолди.

Мустақил давлатимизда фан, техника, маданият, адабиёт ва санъат тараққиётига ўткир эҳтиёж туғилганлиги замоннинг энг долзарб талабидир. Икки йил ичида ўн минглаб ўзбек йигит ва қизлар юксак тараққиёт этган хорижий мамлакатларнинг дорил-фунунларида таҳсил ола бошладилар. Халқ ичидан етишиб чиқаётган навқирон ишбилармонлар эса, Германия ва Туркия, Корея ва Голландия, Покистон ва Сингапур, Араб амирлиги ва Миср, яна ўнлаб мамлакатлар фирмалари билан баб-баробар ҳамкорлик қилмоқдалар.

Мустақил давлатимиз саноати, деҳқончилиги, тижорати, маданияти ва ўзга соҳаларини юксак замона талаблари асосида қайта қуриш энди бошланди.

Жами ишларга бош-қош Президентимизнинг ажойиб фазилати бор: у ҳар бир иш юзасидан билимдонлар билан маслаҳатлашади, фойдали, илғор фикрларга қулоқ солади, ўйлайди, чуқур мулоҳаза қилади ва ҳар бир ишни тезу соз ҳал этади.

И. А. Қаримовнинг бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказган мазмунли суҳбати ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Президентимизнинг учрашувдаги кириш сўзи — маърузасини унинг битта ибратли жумласи тўла ифодалайди.

«Олдимизда турган энг муҳим масала, бу — миллий истиқлол мафқурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир».

Бу нурли ғоя ва олий мақсад И. А. Қаримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоаларида ҳам, бошқа нутқ, маъруза, мақолаларида ҳам асосий мазмунни, бош йўналишни белгилайди.

Мен болалигимда Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпонлардан, Қодирий ва Усмон Носирдан миллий истиқлол ҳақида кўп эшитганман. Минг надоматлар бўлсинки, ўз халқининг эрки, ўз давлатининг истиқлолини орзу қилганларни ўзларини большевиклар деб атаган рус истилочилари шафқатсизларча қатл этдилар.

Мана, бир асрнинг тўртдан учи орадан ўтгач, бобокалонларимиз, отахонларимиз

орзу килган ғоялар тирилди, миллий ғурур янғидан уйғонди, адолатли миллий давлат курилди ва биз юртбошимиз тилидан миллий истиқлол ғояси ўз заманимизда, ўз муस्ताкил давлатимизда барқарор бўлиши зарурлигини эшитиб турибмиз.

Демак, Президентимиз халқимизнинг асрий орзу-армонларини ифодалаяпти, буларни амалга ошириш йўлларини излаяпти, бу улуғ ишга ва тарихий курашга халқнинг энг илғор, энг етук фарзандларини, жами олимларни, қалам аҳлини, юрагида ўти бор зиёлиларнинг ҳаммасини даъват этипти.

Юртбошимизнинг бу даъвати биз зиёлилар, ёзувчилар учун улуғ ишонч нишонасидир.

Биз зиёлилармиз. Зиёли дегани — нурли дегани, нур тарқатувчи дегани. Нур манбаи эса, истиқлол ғоясининг тугамас чашмасидир.

Муस्ताкил давлатимиз икки ёшга тўлди. Шу қисқа вақт ичида биз кўп нарсани библиб, ўрганишга, англашга улгурдик. Аввало, «қизил» империянинг қуллари бўлиб яшаганимизни, «марказ»га тобеликни бахт деб англашгача тубан кетганимизни, миллий ғуруримиз оёқости килинганини англаб етдик. Халқимиз, унинг илғор зиёлилари ҳақиқатнинг кўзига тик боқишга қодир эканликларини амалда исбот қилдилар.

Олдимизда турган вазифа жуда масъулиятли ва ғоятда шарафлидир. Бу — юртбошимиз бизга долзарб бурч этиб топширган вазифа — миллий истиқлол мафқурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш вазифасидир.

Бу олий вазифани бажариш учун аввало, руҳимиз пок бўлиши, тамомила янги-ланиши ва озодлик, ҳаёт қуши Семургдак юксак парвозга тайёр туриши шарт.



Ғулом Исмоилов

БИЗНИ ЙЎЛДА КУТАЁТИР БАХТ

Она Ўзбекистон! Бу не бахт? Гўё
Сен сари оқяпти беҳисоб дарё.
Дўстона ёрдамга чўзиб қўлларин,
Сени қутлаяпти бу азим дунё.

Салом муस्ताқиллик, эй рўзи дилсўз!
Сенга минг тасанно, эй эрк наҳори!
Тасвирингга қандай топайин бир сўз,
Жонларда гупурган Ватан баҳори!

«Мустамлака» деган асрий бирёндан
Жабру жафо ичра қутулган диёр —
Қаддин ростламоқда мисли бўронда
Муз юкин иқитиб яшнаган чинор.

У шифо топмоқда, жаҳон қалбига
Ҳали нидоси кўп, ҳали арзи кўп.
Қуллик занжирини узиб қалқиган
Малҳамталаб элнинг ҳали фарзи кўп.

Шу сабаб, иқболин кўролмас бирдан
Зулуклар зулмида қақшаган Ватан.
Аммо, эрк гавҳари топталган ерда
Ох, бугун мўъжиза унди дафъатан.


Ҳаммаёқ ҳувиллаб қуриққан чоғда,
Юрагидан неъмат сочади бу халқ.
Қаҳратонда балққан илоҳий боғдай,
Сийнасидан жаннат очади бу халқ.

Гоҳ ёвғон бўлса-да таоми, лекин
Душман иғвосига учмайди бу халқ.
Не-не машаққатни енгару секин,
Дўсту биродардан кечмайди бу халқ.

Тоғдан қулагандай азим қоялар,
Ўзгарди ғоялар. Ўзгарди замон.
Фақат қуламади ҳамон ҳақиқат,
Ҳамон чиркинликдан безгинлар виждон.

Шунданки, қуюнли зулматни ёриб,
Йўл сурган карвондай нотинч водийда —
Эл ишлар борлигин умидга қориб,
Бозор иқтисодин гирдибодиди.

Шу палла шамолда таркаган дуддай,
Тун эриб, ажиб бир тонг отаяпти.
Туманга бурканган ёри хушнуддай,
Балки бизни йўлда бахт кутаяпти...



Ғафур Йўлдошев



УЙШУН ОТА ҒОРИ

Қисса

Улим — бу соғиниш экан... Дийдорига, қучоқларига мени ташна қилиб кетган, энди фақат тушларимдагина сўзлашаётган отам — Турғун полковнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

Бувам ғалати бир чол эди. Бугун «овқатнинг таъмини сезмай қолдим, тиш бўлмаганидан кейин аҳволинг шу экан-да», дея тарашадай бармоғи-ла лалшайиб қолган лабларини керганича оғзини очиб кўрсатса, эртасига «милкларим кичишяпти, тиш чиқади шекилли», деб яна бошқа аломат гапларни айтарди.

Хатто бир кунн ён кўшнимизга: «Ох, Мўминжон болам, бошимдан салламин ололмаيمان, жуда уялчанман - сочларим қорайяпти», деяётганини эшитиб қолганман. Кўшнимиз эса: «Одам юздан ошганида қайтадан тиши чиқиб, соч қораяди, дейишарди, рост экан-да», деб ҳайратланганди. Бувам: «От йилида тутилганман, арна ишигида саккиз мучалга кетаман», дея одатдагидек кўрган-кечирганлари ҳақида эзмаланиб гапиришга тушарди.

Мен у пайтда бола бўлганим учун бувамнинг бу гапларига, шунингдек: Уйшун ота ҳақидаги хикоясига ҳам эътибор бермаганман. Энди ёдимда қолган воқеаларнинг қайсиниси рост-у, қай бири ёлгон - билмайман. Тан олиб айтсам, баъзида ўзим кўшиб юбораётганга ҳам ўхшайман. Лекин воқеалар оқими ҳар гал ҳаёлимда қайта-қайта жонланганида, бувамнинг суврати кўз ўнгимда аниқ-таниқ гавдаланади. У дарвозамизнинг олдидаги катта тош устига чопонини ёйиб ёнбошларди-да, ҳамма «кўзичок»ларини оғзига қаратиб, хикоясини бошларди: «Уйшун отани кўрганымда беш-олти ёшлардаги болакай эдим. Раҳматга йўлик-кур, мукиллаб гўрдан чиқиб келар, устида оҳорли яқтак, соч-соқоли ўсиб кетган, ялангбош... Тенг-тўш болакайлар катта харсангтош орқасида писиб ётиб, уни томонга қилардик. Чол сойдан челақда сув олиб, бир қўли билан ушлаганича, аста юриб ичкари кириб кетарди. Хийла вақт ўтгач, қайтиб чиқарди. Яна сув олиб, ортига қайтарди. Қиладиган иши шу: кунн бўйи гўр ичига сув таширди.Биз уни жинни дердик: на овқат ейишни билади, на бир оғиз сўз айтишни. Эртадан то говгумгача фақат сув ташийди.

Оналаримиз «жинни дема, ёмон бўлади, олдига борма, ўлиб қоласан», деб уқтиришарди. Биз барибир бораверардик.

Сенлар билншмайсан, хўв Девонатепанинг орқасида Уйгурдан келиб қолган Аҳмадхожи деган одам турарди. Ушанинг бизга тенгдон икки ўғли бўларди. Бир кунн шунинг кенжаси — Азамати «мен чолнинг олдига бораман», деди. Ҳаммамиз донг қотиб қолдик. Акаси Алишер, «онамга айтаман», деди. Азамат қайсарлик қилиб қўл силатади-да, ўрнидан туриб кетди. Чол сувини олиб ортига қайтаётганида рўпара чикди. Уйшун ота аввалига сезмадимми, нидамай бораверди. Икки қадамча қолганида бошини кўтариб, йўлини тўсиб турган Азаматга қаради-ю, тамом! Азамат ўзидан-ўзи додлаб юборди. Орқасига қайрилиб югурмоқчи бўлганди, қоклиб кетдимми, муккасидан тушди. Қилт этмай қолди. Биз бақирганча кишлоққа чондик. Одамлар келишди. Азамат ўша мук тушган жойида ўлиб бўлган экан.

Ўғлини кўмганидан кейин Аҳмадхожининг хотини кунда Азамат ўлган жойга бориб, йиғлайдиган одат чиқарди. Уйшун ота гўрдан чикмай қўйди. Бора-бора Аҳмадхожининг хотини ҳам у ерга бориб йиғлаштини бас қилди.

Бир кунн болалар жинни чол яна сув ташияпти, деб қолшди. Тагин томонга бордик. Эртасига Алишер катта қайиш кўтариб келди. Укамнинг ўчини оламади, деди. Уйшун ота сув олиб гўрга қайтаётганида Алишер харсангтошнинг устига чикди-да, қайишга тиззанинг кўзидек тошни жойлаб, айлантирганча отди. Тош бориб чолнинг нақ гарданига тегди. Шу захотиёқ кўлидаги пақир ерга ағанаб, сув тўкилди. Чол тебраниб ортига ўгирилди. Алишерга қаради. Оғзини очди. Кейин чалқанчасига йиқилди. Биз қочдик.

Қочиб кетяман-у, Уйшун отанинг кўрнини кўзимнинг олдида: соч-соқоли ўсиб кетган, юзининг оқиқ жойи оппоқ, кўзлари бир бошқача - йилтираб туради. Шунча пойлаб, чолнинг кўзини ҳеч кўрмаган эканмиз.

Гўр томонга боргани юрагимиз бетламай қолди. Эртасига эса Алишер касалга чалинди. Онам отамга «Аҳмадхожининг катта боласи ҳам бетоб эмиси, оғир дейишади, тавба қилдим-у, ўзи буларга бир нарсга тегди», деди. «Алишер жинни чолни урган, энди ўлади», дедим мен. Сўнг бор гапни айтиб бердим. Отам ўйлашиб туриб, «Уйшун ота гўрига чироқ ёкиш керак», деди. Эртасига онам Аҳмадхожиларшиқига кетди. У ердан уч-тўртта отини бир бўлиб жўнашди.Биз уларга эргашдик. Жин-шундан кўркиб, бир-биримизнинг ишижимизга кириб бордик. Гўр атрофида ҳеч зог йўқ. Ушанда чолнинг қўлидан тушиб кетган пақир ҳамон думалаб ётарди.

Аҳмадхожининг хотини ўғли ўлган жойни кўрибқок йиғлаб юборди. Енидагилар уни қўлтқиқлаб олишди. Кейин гўрнинг шундоқ оғзига чироқ ёкишиб, тошларга ўтириб тиловат қилишди.

Эртасига роса қизик бўлди. Аҳмадхожининг хотини саҳарлаб уйимизга ки-

риб келди. Пинглаб туриб, боласининг оғирлашиб қолганини айтди. Онамни мажбурлаб, яна чирок ёкиш учун гор томонга судраб кетди. Мен эргашгандим, онам уришиб берди. Ортларидан беркиниб якка ўзим боргани кўрдим. Лекин улар тез қайтишди. Онам ичкари кирган ҳамон: «Ё кудратингдан, э тавба қилдим-а!» деди. Кейин отамга қараб: «Гордан отилиб сув чиқяпти! Икки тегирманча бор», деди.

Бу гап тезда қишлоққа тарқалди. Одамлар йиғилишиб, ўша ёққа йўл олшди. Биз ҳам бордик. Ростдан ҳам гордан сув чиқарди: буг кўтарилади, несик, ранги сарғишроқ, озгина ҳидиям бор. Ҳаммадан кизини, чолнинг пақирни думалаб ётган бояги жойда бир дарахт пайдо бўлибди. Одам бўйидан сая баландроқ. Қишнинг пақ чилласи бўлишига қарамай, ним пушти гуллаган. Жийданкидай несиям бор, хуш бўйи димоқни ёраман дейди. Гордан чиқаётган сувнинг бир қисми жилга бўлиб, тошларни оралаб ўша дарахтнинг тагидан тепаликка қараб оқяпти.

Одамлар қишлоққа қайтишигандан сўнг, тўпланиб маслаҳатга киришишди. Ахйир, Уйшун ота Алишернинг гуноҳидан ўтибди, энди унга шу сувдан ичирин керак, дейишди. Эртасига Аҳмадхожи кўй етаклаб бориб, горнинг ёшида қурбонлик қилди. Қайтишда бир сатилда сув олиб келди. Қишлоқнинг домласи Куръон тиловат қилди. Алишерга шёллада сув тутишди. Маҳалланинг Мисржон деган устаси бўларди ўша Алишернинг елкасидан тутиб турди. Ҳамманинг кўзи унда. Алишер ярим ётган кўйи, шёлладаги сувни аста ичди. Афти буришиб, тамшаниб қўйди. Лекин пидамади. Сувнинг ҳаммасини ичиринди. Афти яна бўймайди. Ётди.

Кейинги кунни Алишер овқат еяётганини, деган гап тарқалди. Не ажаб, ҳафта ўтмай Алишер ўрнидан туриб, ҳеч нарса кўрмагандай юриб кетди. Одамларга шу туртки бўлди. Энди ким касалга чалднса, горга югуришни одат қилди. Пақирнинг ўрнидан ўсиб чиққан ҳалиги дарахтга латта боғлаш расм бўлди. Аммо бунинг қандай дарахт эканлигини ҳозиргача ҳеч ким билмайди. Барқ уриб гуллайди-ю, мева тугиша келганда гули тўкилиб кетади. Эртасига бир кечада яна очилади. Одамлар, бунда ҳам ўзига яраша ҳикмат бор, вақти келганда юзага чиқади, деб юришади.

Уйшун ота авлиё экан, биз унинг кадрига етмабмиз, деган гаплар ўшанда тарқалган. Горга ҳам ўшандан бошлаб Уйшун ота номи кўйилган.

Кейин бу одамнинг кимлигини суринштириб қолишди. Энди бунинг тарихи янаям қизик.

Қадим замонларда бу ерларда ўзига тўқ бир элат яшаган экан. Пингитлари барно, қизлари сулув. Одамларнинг кўзиде ҳаё, сўзиде ибo, кексаларнинг тилида дуo экан.

Бир кунни ёмон шамол келибди. Эл оралаб бир эсинидаёқ одамларнинг кўксиде кибру ҳавo пайдо қилибди. Эркаклар ўз аёллари қолиб, қўшини келишчакларга ола қарайдиган, қиз-жувонларнинг кўзлари сумбати келишган эркакларни кўрганда йилтирайдиган бўлибди.

Нисонлардан фирибгарлар, амалнарастлар, қўйиники, ҳароми зотлар туғила бошлабди. Пулга ўч, амалга ўч, шаҳватга ўч бўлиб ўса бошлашибди.

Аммо... элнинг кудрати пул билан эмас, юртдаги тож-тахт, амал билан эмас, аҳиллик-бирлик билан, имон билан ўлчанади. Ёмон шамол буин одамларнинг ёдидан учириб юборибди.

Шундай бир пайтда, кулай фурсатдан фойдаланиб, юртга ганим бостириб кирибди. Фақат ўз жонинигина қутқариш ташвишида бўлганларни осонлик билан мағлуб этибди. Сўнгра халқни ўз измига юришига мажбурлабди. Динимга кирсан, дея зўрлабди. Кўп талафотлар етказибди. Пингитларни аскарликка, мардикорликка ёллаб, қизларнинг номусига тегибди. Устига-устак ганимнинг тутган тутуми ҳам асло одамникига ўхшамасмиш: пешоб қилганида ёки бошқа шундай ҳолларда юз-қўлни ювмай тановулга ўтиравераркан.

Азоб тортиб хор-зор бўлгач, халқнинг ақли равшанлашибди. Энди улар имон, аҳиллик, келажак ҳақида ўйлай бошлашибди. Оқсоқоллар маслаҳатга тўпланишибди. Шунда Уйшун дегани:

Одамлар, - дебди. — Мен ўттиз уч ёшимда мшиг йиллик сарсон кексаликни, бир бегуноҳ гўдак котиллигини бўйнимга оламан. Душманини снгишдан ўзга чора йўқ. Бунинг эвазига сизлар имон билан аҳил бўлиб, бир-бирингизни

эъозлаб, ҳалол ва покиза яшашни бўйнингизга олсангиз бас. Тақдирим менга раво кўрган азобларга ризо бўламан, ғаним эса енгиледи. Фақат, ҳаром, очкўзлик менинг руҳимни безовта қилади, сизлар шунга эҳтиёт бўлинглар...

— Розимиз, розимиз! — қичкирибди оломон.

Тонг отгач ғаним подшоси босиб олган юртни кўриш учун бу ёкка келётгани маълум бўлибди. Аскарлар эса ерлик йигитлардан бир қанчасини занжирбанд қилиб, қурбонликка сўямиз, деб майдон ўртасига олиб чиқишибди. Лекин подшо ҳали қишлоққа кириб улгурмай, ўша икки тоғнинг ўртасидан ўтаётган пайтда ажиб иш бўлибди. Уларнинг олдини Уйшун тўсиб чиқибди. Ҳамма ҳайрон эмиш. Лак-лак лашкарлар килт этмай қолибди. Бамисли Уйшун уларнинг кўзини боғлаб, жойидан жилдирмай қўйгандек. «Мен халқнинг қасосини олиш учун келдим, юр бу ёкка!» дебди у ғанимларнинг подшосига. Подшо ҳам худди сеҳрлангандек отдан тушибдию индамай Уйшуннинг орқасидан кетибди. Ғорга киришлари ҳамоно бирданига гумбира-қасир этиб чакмоқ чақиб, тоғу тош ларзага келибди. Тенадан катта харсанглар ёғилиб лак-лак лашкарлар асфаласофилинга кетибди.

Шундай қилиб, халқ ғанимлардан қутулибди. Яна аввалги ҳаётига қайтиб, аҳил-инок, оқибатли, ор-номусли бўлиб яшай бошлашибди.

Уйшун эса одамларни ҳайрон қолдириб, шу бўйи бир йилдан кейин ғор оғзида пайдо бўлибди. Ўттиз уч ёшли йигит ўрнида соч-соқоли оппоқ оқарган бир чол намоён бўлибди. Лекин ҳеч ким билан гаплашмабди. Яқинлари борибди, хотини борибди — на бир оғиз сўз, на имо-ишора. Аксинча, одам ёнига яқинлашаётганини сезса, шошиб ғорга кириб кетармиш. Ғорнинг ичига назар солишса — поёни йўқ. Бир йилда бу одам нима еб, қандай кун кечирганини инсон билмайди. Шунда халқ ўртасида миш-миш тарқалади: Уйшун ҳалиги ғаним подшосининг гўштини еганмишу энди қиёмат қойимгача туз тотмай яшайверармиш. Фақат сув ичармиш. Ҳақиқатан ҳам, одамлар узокдан кузатишса, чол фақат сув ташиш билан овора. Уззукун қиладиган иши сув ташиш...

Мана энди, «кўзичок» ларим, Уйшун ота дунёга машҳур бўлиб кетди. Не-не жойдан одамлар келиб, уни зиёрат қилишяпти, ғорнинг сувидан шифо топишяпти. Аммо, бу сувнинг хосияти аввал жуда аъло эди-да. Фақат бир йили, ўшанда ҳам от йил эди, Николай пошшо тахтдан қочибди, деган хабар тарқалган йиллар, инглиз деган биттаси келди. Мадаминбекнинг йигитларига қўшилиб шу ўрталарда юрди. Бир вақт ўша палакат ғордан хабар топиб қолибди. Мен унинг ичига қираман, дебди. Шам ёқиб, қалта иштонда, шир яланғоч кириб кетибди. Одамларнинг кейинчалик айтишича: «Чамаси икки юз қадамча юрдим-ов, тош қисилган жой бор экан, у ёғига ўта олмадим, лекин бу сувнинг шифобахшлиги рост» деганмиш.

У нима деган бўлса десин-у, ғорнинг сувига путур етказиб кетди-да, падарлаънат. Сувни булғади. Энди қасал одам ичса фойдаси бўлмай қолди. Халқ шундан сўнг фақат яра-чақа, сўгал чиқсагина ювиниб, шифо топадиган бўлди. Авваллари бу сув минг бир дардга даво эди-я!

Яна бир нарсдан кўрқаман-да: олдинлари шифо истаб келувчилар сувни пақирда бир чеккага олиб чиқиб қивинишарди. Ҳозир ечиниб, шундоқ ичига тушишади. Уйшун ота ниҳоятда покликни ёқтирарди. Оқибат, бирорта бетаҳорат аралашиб, ғордан биратўла сув чиқмай қоладими, деб юрагим ҳадикда. Озми кўпми бўлса-да, халққа фойдаси тегиб турибди. Ҳарқалай, чиқиб тургани яхши. Ҳа майли, ишқилиб эл-юрт тинч бўлсин!

Ҳа-я, тагин битта нарсани айтиш эсимдан чиқаёзибди. Буни сизларга билдириб кетиш бўйнимиздаги қарз: Уйшун отанинг руҳи асли-азалдан бор экан. Бу руҳ одамдан одамга ўтиб, халқни поклаб, шифолаб, барча балоқазолардан халос этиб келаркан. Юртни қачон бирор фалокатга олиб келувчи офат оралаганда Уйшун ота руҳидан ёрдам сўраш керак бўлади. Тушундиларингизми? Бу гап ҳамиша қулоғингизда турсин. Чунки, вақти келиб сизлар ҳам катта одам бўласизлар, юртнинг тақдири қўлингизда қолади. Агар халқ бошига бирор мушкулот тушса, Уйшун ота руҳини огоҳ этинг, ундан мадад сўранглар... И-я, бу полвонни чарчатиб қўйибмиз-у, а? Вой дингилингдан, кўзичок. Кимнинг уқаси бу? Қани, тезда уйга жўнанглар-чи. Ҳа азаматлар-а! Майли, кўзичоклар, энди сизлар ҳам бораверинглар, қолганини эртага гапириб

бераман. Ушанда Уйшун ота руҳини қандай қилиб ёрдамга чақиршни билиб оласизлар. Мен бугун хийла толиқдим».

Бувам шундай дея тошга ёнбошлаган жойида мизғий бошлаган, биз бетоқатлар тўп тепгани мактаб ҳовлиси томонга чопгандик.

Эҳ афсус, ўшанда нафақат Эркиннинг укаси, бутун кишлоқ ухлаб қолганида ҳам мен бувамнинг сўзлари давомини кутишим, Уйшун ота руҳидан қандай мадад сўраш ҳақидаги сўзларини охиригача эшитишим керак экан. Ҳа, бу жуда-жуда зарур экан! Эндиликда кишлоғимнинг тақдири наинки кўшнилари, балки каттакон дунё билан боғланган. Дунё одамлари эса еримизнинг барча жойини эътиборсиз қўйишмаётгандек, бу тарафларга ҳам оқиб келишяпти. Уларнинг нопок хулқи, бетайин урф-одатлари тўпори одамларимизга худди ўлатдай юқяпти.

Нимасини айтай, дард кўп, дармон йўқ...

* * *

Евбосар гўшткеттиникига таъзияга келиб, жигаранг дарвозанинг икки томонида қаторлашиб турган одамларни бир ҳол таажжубга солиб қўйди: Чўғолнинг яккаю ёлғиз қизи — Улжамол бир алпозда келди-да, довдираганча ўзини ичкари урди. Ичкарида — ҳовлининг ўртасидаги икки тобут атрофида уввос тортаётган хотин-халаж ҳам қизни бу аҳволда кўриб, лаб тишлади.

Улжамол тўғри тобутлар олдига борди. Бирдан юзини тирнаганича ўкириб юборди. Хотин-халаж кўзлари тепасида тутиб турган рўмол ва дуррачаларини жичча суришиб, бир-бирига маъноли қарашди. Айни чоғда, таъзияга келган янги одам эвазига овозлар бир парда кўтарилди:

«Жувонмарг бўлган қадрдонларим-ов!..»

«Гул умрида хазон бўлганларим-ов!..»

«Етдим деганда айрилганларим-ов!..»

Талотум ичида биров Улжамолнинг билагидан аста ушлади:

— Айтиб йиғланг, ёмон бўлади.

Қиз бу сўзларни на эътиборга олди, на гапиргувчига ўғирилди. Юзи қон-талаш, йиғлай берди.

Хотинлар аста-секин тобут атрофида камайиб борди. Ахийри бояги озғин аёл, белини боғлаган жувон ва Улжамолгина қолишди.

Бир маҳал нарироқдаги уйнинг айвонида пайдо бўлган Олтиной дастурхончи ёнидаги хотинларга:

— Рўмоли бўлса ҳам кошки эди, бу нима қилиқ-а?! — деди Улжамолга имо қилиб.

— Ёш-да, — деди оқ рўмоли остидан кумуш сочлари кўриниб турган бир аёл.

— Буларга ўзи қанақа қариндош бўлади? — сўради устунга суяниб турган жувон.

— Ҳеч қариндошлик жойи йўқ, — деди дастурхончи.

— Фатҳиддин билан бирга ўқишарди, — орага гап қўшди кимдир.

— Э-э, кўнгил беришганларданми?! Ё тавба, муштдек бошидан-а!

— Одамлар ўлиб ҳам сизлардан қутула олмас экан-да? Ҳеч бўлмаса бугун жим туринг!

— Қизик гапни гапирасиз, Тўпахон, муштдай бошидан яхши кўришга бало борми! Ҳай, ана, афтини қаранг — мусулмончиликка тўғри келадими шу?

— Сизнинг ғийбат қилишингиз мусулмончиликка тўғри келади! — кесатди Тўпахон. — Яхшиси Махпират билан Салимани энди берирокка олинглар, бечоралар бир йўла йиқилиб қолишмасин.

— Бола дунёга бир келади, унинг ўлимини кўриш ҳеч кимга насиб этмасин. Тагин бир эмас, иккитаси! Махпират билан Салима йиғламай, мен йиғлайинми? Ўз жигари, ҳар қанча кўз ёш тўкса арзийди! Фақат, анови фарга ҳайронман, нима бор унга бу ерда! — Олтиной дастурхончи бобиллаганича ўртага қараб юрди. Тўғри бориб Улжамолнинг билагидан ушлади. Қулоғига нимадир деб шивирлади-да, чеккага тортди. Шу кўйи ҳовлининг эгагидаги дарчагача судраб борди. Дарчадан ташқарига чиқишгач, қаддини ғоз тутиб, қўлларини белига қўйганича:

— Қиз бола бошинг билан шундоқ юришинг уят эмасми! — деб чийилла-

ди.— Шарм-хаёни биласанми! Бор, уйингга кет! Ота-онангни ҳам иснодга кўясан-ку, бунакада!

Чўғолнинг қизи бу гапларга эътиборсиз эди.

— Бор, кет, хой, эшитяпсанми, сенга айтипман! Уят бўлади-я, ахир! Киз боланинг шаънига тўғри келмайди бу иш!

— Бирдан ҳовлидаги йиғи овози кучайиб кетди.

«Ўртоқларингиз келишди, вой-дод!» — айтиб-айтиб йиғлади биров.

— Ана, болалар ҳам келишди, мен борай, сен бошқа кирмагин-а? — деди дастурхончи ва тезда ичкарига қайтди.

Танҳо қолгач, Чўғолнинг қизи ўзини сўқмоққа ташлади. Йиғига яна эрк берди.

Хиёл фурсат ўтгач, дарчадан ўрта ёшлардаги жувон чикди.

— Улжамол, тинчликми?! — сўради у киз ёнига келиб.

Улжамол йиғлай берди.

— Тур-э, бу нима қилик! — жувон дағдаға билан кизнинг елкасидан олди. Киз эса «амма!» деди-ю, ўрнидан тура солиб, ўзини унинг кучоғига отди. Аммага бу каби муомала ва жиянининг юрак-юрақдан титраб-қакшаётгани ўз таъсирни ўтказди, гап оҳангини ўзгартириб, мулойимлик билан:

— Юр, уйга кетамиз, бўлди-бўлди, — деди.

Улар бир-бирига суянишганича, дарвозадан узоқлашишди.

Кишлоқ аҳли эса бу дамда Евбосар гўшкетининг ҳовлиси томон оқиб келарди. Жанозага келаётганлардан бири:

— Нима бўлибди ўзи? — деб сўраса, бошқаси жавоб берарди:

— Болаларини машина уриб кетибди.

— Воҳ бечоралар-эй! Еш эканми?

— Каттаси — ўғил, ўнинчига ўтган экан, кичиги — киз, саккизинчида ўқийди.

— Э, тавба қилдим, энди каторга киришган экан-а, эссиз, кўргулик-да. Машина қаерда урибди?

— Девонатепанинг қайрилишида дейишяпти. Ярим кечаси экан. Хайронман, у ерда нима қилишаётган экан?

— Ажали етган-да, бўлмаса у овлоқда нимаям қилишарди? Ҳа, айтгандай машина босган бўлса, докторлар ичини ёриб, текширишгандир!

— Ҳа, ўшанинг учун дафн кечга қолди-да...

Шу каби гап-сўзлар билан навбатдаги одамлар жанозага келиб қаторлашиб турганлар сафига қўшилишарди. Ортдан эса худди шундай мавзуда гаплашиб яна бошқалар келишарди. Евбосар гўшкетининг ҳовлиси кишлоқ одамларига тўлиб борарди.

Нихоят, кимдир «жасадларни тезроқ ювиш керак, ҳадемай кош қораяди», деди. Шундан сўнг ўғил жасадини бериги хонага, киз жасадини нариги хонага олиб киришди. Болаларнинг онаси — Махпират ўзидан кетиб қолди. Кимдир сув тутиш билан, кимдир елпиш билан овора бўлди. Жасадларни ювиш пича чўзилди. Мурда юувчилар қайтиб чиққанларида, юзлари бўғриқиб кетганди. Лекин одамлар бунга кўп ҳам эътибор беришмади, чунки кош қорайиб борарди.

Хуллас, ўша куни бир оз шошилиш бўлса-да, барча лавозиматлари ўрнига қўйилиб, Евбосар гўшкетининг икки фарзанди кишлоқ қабристонига дафн қилинди. Одатдаги маросимлардан бунисининг фарқи: одамлар қабристонгача ёр-ёр айтиб боришди. Қабр учун қазилган жойдан майин тупроқ чикди. Бу марҳумларнинг пок одам ўтганлигидан далолат бераркан.

Эртасига эса бу икки норасиданинг ўлими ҳақидаги миш-миш кишлоққа ёйилди. Маълум бўлишича, Чўғол болаларни қандай қилиб машина уриб кетганини биларкан. Бу ўша Чўғол — ёлғизгина қизи жанозага келиб одамларни лол қолдирган Улжамолнинг отаси эди.

* * *

Унинг ҳикоясини эшитишдан аввал ўзи ҳақида билганимизча тўхталсак. Чўғол асли ўзбек исмларидан бўлиб — тетик ва паҳлавонсифат маъносини англатаркан. Яна айтишадик: Чўғол ҳамда Тўмиғ исмлари буларнинг оиласида азалдан авлоддан-авлодга ўтиб, сақланиб келаркан. Тўмиғ — Чўғолнинг тўқ-

сон олти ёшли отаси. Отаси хақида мавруди билан тўхталармиз, ҳозир Чўғолнинг ўзини айтайлик.

Ўрта бўй, элликлардан ошиб қолган бу одам ёшига нисбатан анчайин тетик кўринади. Аскарча этик кийиб, еру кўкни титратиб юради. Йилнинг олти ойи энги химарилган бўлади. Билак мушаклари бўртган. Гап-сўзларга қараганда, камокда ётган пайтида сил касалига йўлиққан, озодликка чикқач, даво истаб ит гўштини еган экан. Ҳамон бақувватлиги шунданмиш.

Чўғол бир эмас, икки маротаба камокхонада ётган. Бунинг тарихини қисқача шундай баён қилиш мумкин: сакказинчи синфни битиргандан кейин ҳеч кимга индамай бу ердан кетиб қолади. Ота-онаси қидира-қидира чарчайди. Орадан уч йил ўтиб ота-онага суддан чакирув қоғози келади. Боришади. Чўғол ким биландир уришиб, пичоклаб қўйган экан. Саккиз йилга камалади. Орқасидан ота-она камокхонагача боришади. Чўғол улар билан учрашишни хохламайди. Шу қўйи, олти йил камокда ётади. Кунларнинг бирида гўзапоё сотгани шаҳарга борган Асом аравакаш гап топиб келади: «Э-э, Чўғолни турмадан бўшатишибди, эрта-индин кишлоққа келаман деди!» Бир ҳафта ўтиб, бозорга мол олиб борган Ҳасан сартарош: «Чўғолни кўрдим, уйланаётган экан, ҳаммани тўйга айтди», деган хабар билан қайтди. Ота-она ноилж, ахтариб боришади. Топишади. Ўғлининг бой-бадавлат бир хонадонга куёв бўлиб улгурганидан, куда томон буларнинг иззатини жуда жойига қўйганидан таажжубда, индамай ортга қайтишади. Ўша йили ёзга чиқиб Чўғолнинг ўзи кишлоққа кириб келади. Гап сўраганларга хотин билан иккимиз тўғри келмади, дейди қиска қилиб. Лекин ҳеч қанча ўтмай хотини ўзи уни излаб келади ва шу ерда қолади. Бирок улар муким яшамайди. Келгуси йилга хотини қайтиб кетади. Чўғол ҳам ҳеч қанча ўтмай кишлоқда кўринмай қолади. Йил ўтиб, тагин Асом аравакаш гап топиб келади: «Шаҳарда Чўғолни учратдим. Тан-жони соғ, иккинчи марта уйланибди. Бу хотини аввалгисидан минг чандон чиройли. Фақат бир жойи бор: буниси нўғай экан». Яна йил ўтади, яна янги гап: «Бу Чўғол индамасимиз жа-а хотинбоз чиқиб қолди-ю, а? Учинчисига уйланибди! Қисталокнинг бахти чопгани-чи, ҳозиргиси аввалгиларидан ҳам кетворган!»

Сўнг бир муддат кишлоққа Чўғол хақида ҳеч қандай хабар келмай қўяди. Ҳаёт ташвишлари билан овора одамлар энди уни унутишаёзган бир вақтда, Чўғол кўкқисдан пайдо бўлади. Аммо, ҳамкишлоқлари бу сафар аввалгидек камгап, ичимдагини топ бир одамнинг ўрнида бутунлай бошқа — сергап, жангари, кизиккон кишини кўришади. Хайрон қолишади. «Чўғолни шаҳар бузибди,» дейишади. Чўғол эса орадан кўп ўтмай «шаҳар бузгани рост экан»лигини исбот этади: бош ҳисобчи билан айтишиб қолади. Бош ҳисобчи Чўғолларнинг кўшниси — Носир буванинг томорқасини бошқа одамга хатлаб бермокчи бўлади. Раҳбарларнинг ошиқча ерига тегмай, уруш мажруҳ қилган Носир буванинг томорқасига қўз олайтираётганидан Чўғолнинг жаҳли чикади. Маҳмудга «бу ишни қилмагин», деса, у менсимай қўлини пешлаб гап қайтаради. Чўғол: «Хе-э, сендака худо танимаснинг онасини...» дейди-да, мушт солади. Уч-тўрт киши ажратгани яқинлашса, уларга ҳам «насибасини» беради. То бош ҳисобчи: «Мен билмабман, кечиринг, Чўғолбой!» деб одамларнинг олдида кечирим сўрамагунича қўйиб юбормайди. Эртасига эса милиция уни олиб кетиб, қаттиқ огоҳлантиришади. Чўғол у ердан қайтиб келади-ю, атайин одамларни тўплаб, ҳамманинг олдида Маҳмудни роса дўппослайди. Маҳмуднинг укалари ёрдамга келганида, ёнидан шартта пичоғини чиқаради-да, яқинлашсанг ҳамма-ҳаммангни сўйиб ташлайман, дейди. Бош ҳисобчи тиз чўққанча кишлоқ ахли олдида яна кечирим сўрайди. Лекин ярим кечага бориб Чўғолни милиция уйидан тутиб кетади. Суд бўлади. Беш йилга озодликдан маҳрум этилади. Суд залидан қийиб кетаркан, Маҳмудга қараб бақиради: «Худо хохласа, яна беш йилдан кейин сен билан ҳисоб-китоб қиламан!» Лекин беш йил яшаш Маҳмудга насиб қилмаган экан, кейинги йили саратон касалига чалиниб оламдан ўтади. Чўғол муддатини ўтаб қайтгач, Маҳмуднинг укалари бундан қочиб юришади. Кейинчалик бу уларни кечиради.

Аммо Чўғолнинг ўша ўжарлиги, қаҳри қаттиқлиги ҳали ҳам йўқолган эмас. Ҳозир у колхознинг ўттиз икки гектарлик бедапоёсига қоровул. Ёнига дандон сопли катта пичокни осиб, доимо қўшотар милтиқни орқалаб юради. Ҳеч бир инсоннинг мол-қўйи бедапоёга яқинлаша олмайди. Милтиғини кўтариб ўдағай-

лаб қўяди: «Хов болалар, кани, бирортангининг молинг ё қўйинг бедапояга ярим сантиметр кирсин-чи — нақ отиб ташлайман-а!» Унинг бу гапига негадир катталар ҳам ишонишади. «Икки маротаба қамалиб келган одамга битта сигирни отиб юбориш нима деган гап», дейишади. Ўзи ҳам шу коровул бўлганидан бери колхоз ем-хашак планини ошириб бажаради. Раис ундан хурсанд: «Чўғолбой, бирон зот колхознинг бедапоясига теголмай колди, десам булар сизнинг милтигингиздан қўрқинишар экан-да, а!» деб ҳазиллашади.

Чўғолнинг кишлоқдан кетмаётганидан мамнун ота-онаси унинг бошини икита қилиш тараддудига тушишади. Хозирги хотини — ёлғиз онаси бор, унинг устига уйда ўтириб қолган киз — Холнисани топишади. «Отаси Тўмиғ аканинг ҳурмати учун майли», дея Холнисанинг онаси рози бўлади. Тўйдан бир йил ўтгач эса улар қизлик бўлишади. Улжамол дея исм қўйишади.

Чўғол ҳақида яна шуни қўшимча қилишимиз мумкин: одамларнинг айтишича, унинг хулқи шунчалик бўлса-да, Холнисага бирон маротаба қўл кўтармаганмиш. «Хотин кишини уриш эркак кишининг иши эмас», деркан хайрон бўлганларга. Қизи Улжамолни эса у еру қўкка ишонмайди. Ҳатто бир воқеа халихануз кишлоқ одамларининг ёдида. Қизчаси иккинчи синфда ўқиётганда мактабдан йиғлаб келади. Ўқитувчи урганмиш. Чўғол қизчасини етаклаб, ранглари бўзариб мактабга боради. Синф эшигини тепиб дарс ўтилаётган хонага киради-да, ўқитувчининг рўпарасига қизчасини олиб боради.

— Бунга қайси қўлларинг билан урдинг, қани кўрсат! — дейди муаллимга. Муаллим ўзини йўқотганча қаловланиб қолади.

— Тиз чўк! — ўшқиради Чўғол. — Қўлларини ўп қизимнинг!.. Йўк, тегма!!! Сен аблаҳ ҳаром оғзингни унга теккизма!..

Шунда отасининг вазоҳатидан қўрқиб кетган Улжамол йиғлаб юборади. Чўғол чўкка тушиб, дарҳол қизчасини бағрига босади.

— Агар эртага мактабда яна сени учратсам, одам эмасман — қўлларингни кесиб ташлайман! — дейди ўқитувчига.

Ўқитувчи шундан кейин бошқа мактабга ишга кетишга мажбур бўлади. Одамлар эса: «Чўғолга инсоф, имон теккани рост бўлсин-э», дейишади.

Қисқача таърифлаганда, Чўғол ана шундай одам.

* * *

— Йўк, Евбосарнинг болаларини машина қандай қилиб уриб кетганини мен кўрганам йўк, — дейди Чўғол, воқеа тафсилотига қизиққанларга. Сўнгра кўрган-билганларини ҳикоя қилишга тушади: — Ўчакишгандай, кеча эрталаб ухлаб қолган эканман. Сал ҳаяллаб турдим. Шу-у, соат олтилардан ўтганди-да, чайладан ташқарига чиқсам, баччағар, бедапоянинг нариги четида иккита сигир бемалол ўтлаб юрибди! Шошганимдан бетни ҳам ювмай жўнаб қолибман, хэ-э кисталок, энди ҳаммаси эсимга тушяпти. Мотоциклини ур-ра ҳайдадим. Асфальт йўл билан мана бунақасига айлангириб солдим. Шу, молларга етишимга эллик кадамча қолганди-да... Э худо! Иккитаси йўлнинг устида қонга беланиб... уф-ф... абжағи чиқиб кетган, ётибди-да! Тавба қилдим! Бу ярамас гўшкеттига нима етишмаётганди, хайронман. Тагида машина, дунгиллама уй! Очофат, ҳар куни ярим кечаси иккита сигирини болаларининг қўлига тутқазар экан, бедапояда икки-уч соат айлангириб, халқ уйғонишидан олдин қайтариб келасан, деб. Вой ярамас, пастлигини билардим-у, аммо-лекин бунчаликка боради, деб ўйламагандим. Тағин ўша куни қизи билан ўғлини чиқариб юборганини айтмайсизми? Ҳар куни кичик ўғли билан ўша каттаси бирга бораркан. Шу кеча кичкинасининг тоби қочиб қолгани учун кизини мажбуран жўнатган экан, ярамас!

Бу бола бечоралар, нима қилишган денг? Молларни бедапояга қўйиб юбориб, тунги аёзда совқотишган, куёшининг тафти қолган асфальтга ётиб исинишган. Бола-да. Баданига сал иссиқлик югурганидан кейин кўзлари илинган, тамом!.. Уф-эй, ўзиям йўлга кўндаланг — бири оёғини у ёққа, бошқаси бу ёққа қилиб чўзилишган экан...

— Чўғол ака, босиб кетган машинани чироғи йўк эканми? Ўзи қанақа машина экан у? — деб сўрайди қизиқувчилардан бири.

— Хах, хайдовчиси ҳам уйкусираб келаётган бўлса керак-да, айтяпти-ю, ярим кечаси деб, — дейди яна бири.

— Қайда, Россия томонга помилдори юклар, милиция кўрмасин деб, атайин чирогини ўчириб кетаётган ўғри машина экан. Ҳалиги, катта, пизиллаб юради-гани бор-у, ўшандан.

— Э тавба, ўн олти тонналик «Алка»данми? Унда бола бечораларни... вой-эй, гапиришни ўзи ҳам одамни сескантиради!

— Айтяпман-у, иккаласининг ҳам одам ахволи йўқ.

— Чўғол ака, яхшиям сиз йўлиқибсиз, сал кўзингиз пишган. Худо кўрсатмасин, ўшнақа пайтда биздақалар бўлса, билмадим...

— Қайда-эй, менинг ҳам кўнглимни бир алғов-далғов қилиб ташлади. Турмада бир воқеани кўрганим бор. Иккитаси уришиб қолди. Биттаси шундоқ қилиб пичоқ билан наригисининг қорнини ёриб юборди. Ўшанақа пайтда ичак-чавоғи олдинга осилиб тушаркан-э. Қорни ёрилган қўли билан мана бундай қилиб ўзининг ичак-чавоғини йиғиштириб олди. Чангаллаб жичча турганидан кейин, тез қайрилиб индамай олдинга юрди. Етти-саккиз қадам босганидан сўнг гупиллаб йиқилди. Аммо-лекин ўша воқеани кўрганимда ҳам кечагинчалик чўчимагандим.

— Кейин нима қилдингиз, Чўғол ака?

— Олдинига милтиқни кўлга олдим, бориб шартта Гўшкеттини отиб ташлагим келди. Яна ўзимни босдим. Иккита боласи мундай ётибди, тагин беш-олтитаси бор, деб ўйладим. Бир ёқдан хотин бечорага жавр бўлди. Аммо, бир вақти келди, шу ўзимни зўрға тўхтатиб қолдим-да! Аҳволни кўрдим-билдим, энди ота-онасига хабар бериш керак. Бордим. Ишонасизми, эр-хотин донг қотиб ухлаб ётишибди! Шунақа жаҳлим чиқди, кани энди замон кўтарсаю, қарсиллатиб отиб ташласанг!

* * *

Ана, Чўғол шунақа жангари, қаҳри қаттиқ, камалиб чиққан одам. Лекин кўнгли кенг. Гарчи ўша пайтда Ёвбосар гўшкеттини ёмон кўрган эса-да, то дафн маросими тугагунча униқида бўлди. Елғиз қизи Улжамол жанозага келганида у йўқ эди: Ёвбосарнинг кўшниси Азизбек: «Эртадан бери тик оёқдасиз, юринг, ярим коса мастава ичиб олинг», деб ўз уйига олиб кириб кетганди. Шу боис, Чўғол кизининг қай алпозда жанозага келганини кўрмай қолди. Умуман у ўша куни ўз оиласи аҳволдан беҳабар бўлди. Мархумларни кўмиб қайтишганларида кеч бўлганди, чайлага қараб кетди. Қўшнисига, бизникиларга айтинг, кечки овқатимни далага элтишсин, деб тайинлади. Шомдан кейин овқат олиб келган бола эса «ҳозир телевизорда кино бошланади», дедию жўнаб қолди.

Эртасига у воқеа тафсилотини сўраб, қизиқиб келувчилар билан кунни кеч қилди. Индинига, кош қорайган маҳали аввалги кунги болақай велосипедни гийқиллатиб келиб қолди.

— Чўғол тоға, уйга бораркансиз, Улжамол опамнинг тоби қочиб қолибди, — деди у.

Бу гапдан Чўғолнинг юраги ҳаприқди. Кечаси алғов-далғов тушлар кўрганию кунни бўйи кўнгли ғашланиб юрганининг сабаби аён бўлгандек туюлди. Дарҳол мотоциқлини ўт олдириб, уйга жўнади.

* * *

Чўғол ўғил кўришни орзу қиларди. Хотинининг оғироёқлиги сезилгандаёқ, албатта ўғил кўраман, деб ўйлай бошлаганди. Лекин ўша кечаси суюнчи олган доя аёлдан қиз кўрганлигини эшитганида, онаси «худонинг бергани, илоё умри билан, ақлу хуши билан берган бўлсин» деганида, унчалик афсус чекмади. Аксинча, қалбида қандайдир гурур пайдо бўлди. «Учтасига уйланиб, бола тугдира олмади, бунинг пушти куйиб кетган!» деб оғзига эрк берувчиларнинг гаплари энди пучга чиққанди.

Қолаверса, хотинининг қиз туғишини у аввалроқ эшитганди. Бу ҳақда хотинининг ўзи айтганди.

...Ўчақишгандек, у ўша куни даладан кечроқ қайтди.

— Каерларда юрибсан? — сўради хавотирли оҳангда онаси.

— Тинчликми?

Юр! деди сирли қилиб онаси, уйга етакларкан. Қўлида ун тўла товок.

Уй ичи эса исирик тутунга тўлиб кетганди. Қорни дўппайган хотини бир қўлини белига тираганча, қилнаглаб айлашиб юрибди. Кўпчиб кетган юзидаги доғлар узра ёш оқаётди. Инкиллаб нафас олади. Онаси Холнисани тўхтатиб, ушли товокни унинг боши узра баланд кўтарди. Нималарнидир пичирлаб, уч маротаба айлантирди.

Уҳ-к! — кўзларини юмди Холниса. Юзини буриштириб белини силай бошлади. Бунга сайини кўз ёшлари кўнайиб борди. — Буви, энди ёмон огрияпти, деди қайнонасига.

— «Тез ёрдам» чақирайликми? — сўради қайнона ҳам дарров. Сўнг ўглига қараб: — Бор! Йўк, тўхта... сен шу ерда қолгин, кўшинининг боласига айтаман, мактабдан қўнғирок қилади, — деганича чиқиб кетди.

Эшик ёпилиши билан Холниса ётиб олдди.

— Уф-ф! — дея йнгламсирааркан, яна боягидек иккала қўли билан белни силади.

Чўғол бу ҳолдан гўё гаранг турарди. Нима қилишини билмай, хотинининг ёнига чўкди. Хотини эса бирданига эрининг юзига қаради-да, ўкириб йнглаб юборди.

Энди мендан қўнғилнигиз қолади, — деди ҳикиллаб.

И-я?!

Қиз кўраман!.. Бувим айтди: агар тўлғоқ қориндан бошласа — қиз белдан бошланса — ўғил бўларкан...

— Ўғилми-қизми, ишқилиб... — каловланди Чўғол. Сўнг, ўзи минг азобда бўла туриб шундай гапларни гапирётган хотинидан аччиқланди. Ўрнидан туриб кетди. Гапга оғиз жуфтлаб, хотини томонга ўгириларкан, унинг аҳволини кўриб тўхтаб қолди. Юраги ачшиди. Бурилиб нари кетди. Хотини ҳақида ўйлади. Тўртинчисини у аввалгиларидан минг чандон яхши кўрарди. Холниса ишқоятда покиза аёл эди. Андишали, уятчан. Мана турмуш қурганларига сал кам икки йил бўляпти, ҳалигача баданини тузукрок кўрган эмас. Олдингилари шир яланғоч тўрсайиб ётишаверарди. Э-э, Холниса — олтин аёл-ку!..

Онаси йўталиб ичкари кириб келаркан, Чўғолнинг хаёллари бўлинди.

— Вой, яна ўтириб олдингизми? — деди онаси Холнисага. — Юринг, юриб туринг, енгил тортасиз. Туринг, туринг ўринингиздан, юринг у ёқдан-бу ёққа, кейин ҳам қийналмайсиз.

Онаси Холнисани ўрнидан турғазгач, Чўғолга қаради:

— Мейли акани чақириб чиқмасанг бўлмайди шекилли, «Запорож»ида гизиллатиб ташлаб қўярди. «Тез ёрдам»га ишонган одамга худо тўзим берсин...

Мейли ака кўнди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, «Запорож»да марказга жўнашди. Кейин Холниса ростдан ҳам қиз туғди. Тугрукхонага келмасидан олдинроқ кўнғилда гумон пайдо бўлгани учунми, у бу хабарни ранжимай эшитди. Сўнграқ чакалоқни кўз олдига келтираркан, унинг зурриёти эканлигидан, ота бўлганлигидан қувониб кетди.

Қисқаси, у қиз кўрди. Тугрукхонадан қайтишда онаси бояги гапларини қайтарди. «Қизми-ўғилми, худонинг бергани, умри билан, аклу хуши билан берган бўлсин! Бу дунёда тирноққа зор бўлиб ўтаётганлар камми, қиз экан, насиб қилса — давлатбони бўлади...» У чин дилдан бу сўзларга қўшилди.

Янги меҳмонни туғрукхонадан олиб келинганча, Чўғолнинг отаси — Тўмиг бува қизчага Улжамол дея исм қўйишни лозим топди.

— Улжамол раҳматли энамнинг оти, — деди отаси. — Тўксон ёшида ҳам биронта тиши тўкилмаган, оёғидан қуввати кетмаган бақувват аёл эди. Қизқочган қирдан ўтаётганларида аравага қўшилган отнинг айрили узилиб кетиб, жарга қулаб тушган, бўлмаса юздан ҳам ошарди.

Улжамолни ростдан «катта энасининг руҳи қўллаб-қувватлагандек» эди: у жуда тетик, биладель дўмбоқ, оёқчалари семиз-семиз, дўндик чакалоқ эди. Одамга тийрак қараб тураркан, бирданига яйраб қулиб юборарди. Бармоқчаларини юқори чўзиб, чиройли кимирлатарди. Шундай пайтда унинг лўппи юзларидан ўнгиси, ҳикиллаганига қарамай, исига маст бўлиб, соатлаб бағрига босиб тургисен келарди Чўғолнинг.

Лекин олти ойлик бўлганида чақалокка «кўз тегди»: биғиллаб йиғлайдиган одат чиқарди. Биқик қўлчалари билан юзини тимдалаб, оёқчаларини кимирлатгансига чинқиради. Ота ва онанинг юраклари қон бўлиб кетди. Чўғол ҳатто бир сафар болага қарашни билмайсан дея Холнисани жеркиб ҳам ташлади. Сўнг, яна барибир ўзидан хафа бўлди: хотини бечора шундок ҳам озиб-тўзиб борарди.

Орадан ҳафта ўтгач, Улжамолнинг касали аниқланди: сувчечак экан. Чақалокнинг баданига майда пуфакчалар тошиб, ўша жойлардан сув чиқа бошлади. Шўрлик бунга сайин биғиллаб йиғлайди. Холниса кўзида ёш, ўтириб норасидани қашинга тушади. Йиғи бироз пасаяди, бора-бора чақалокнинг кўзи иллинади. Аммо хиёл ўтгач, яна йиғи оламни тутлади.

— Улжамолни Уйшун ота горига олиб бориш керак, ўша ернинг суви фойда қилади, — деди Тўмиг чол.

Лекин, киш-ку? Олти ойлик чақалокни тоғ-тошнинг орасида ечинтириб, сувга туширишни ўйлашнинг ўзи бемаънилик-ку?

Чўғол бир жуфт челақ кўтариб, Уйшун ота горига жўнади. Қора совуқ авжигга чиққан, чилланинг чирсиллаган кунинда гордан сув олиб келишнинг иложи бўлмади. Илик эса-да, икки чақиримдан зиёдрок масофани босиб келгунча челақдаги сув музга айланди. Эритиб кўришди, бўлмади — сарғиш, бироз хидли сув бўтқасимон тус олди.

— Бу сувга болани чўмилтирсак, баттар бўлмасин, — деди Тўмиг чол.

Хозиргина кўзи илинган чақалок яна биғиллаб йиғлашга тушди. Чўғолнинг кўзига дунё тор кўриниб кетди. Эндигина одамларнинг гап-сўзларидан кутулганида, бу қандай бало! «Сен эркак эмассан!» деган таъна-маломатлар юрагини пармалаб келгани каммиди!

У яна Уйшун ота горига йўл олди. Тиззага етгудай қорни кечиб, совуққа бенисанд борди. Гордан оқиб чиқаётган бир тегирмон сувдан кета кетгунча ҳовур кўтарилмоқда. Сирли дарахт эса ҳамон пушти рангда чаппар уриб гуллаб турибди. Атроф оппоқ қор, лекин горнинг ёни-берида ҳали замон майсалар униб чиқадигандек.

Чўғол горнинг рўпарасига чўкка тушди. Қўлини юқори кўтариб, овозининг борича нола қилди. Хаёлига, тилига нима келса айтаверди. Кўзларида шашқатор ёш, чарчагунча, оёқлари толикиб, баданлари совуқдан қакшагунча гор оғзида турди. Қаромат рўй бермади. Ҳеч ким келиб, елкасидан олмади. Муккасидан тушди-да, жим қолди.

У шу кўйи қанча ётди, нима бўлди, аниқ билмайди. Кейинчалик, кизи тузалиб кетганидан сўнг ҳам эслашга кўп уринса-да, хаёллари ўз-ўзидан чағлиб, фикрини ҳеч йиға олмади. Фақат бир нарса ёдида: ўрнидан турганида вужуди енгиллашган, фикри тиникиб қолганиди. Горнинг тепа тарафига қараб юрди. Чапроқда тарвақайлаб кетган каттақон тут бор эди. Унинг остига тош айлана терилиб, майдонча ҳосил қилинган, ёзда шифо истаб келганлар шу жойда дам олишарди. Пастдаги горнинг ҳароратидан бу ер хозир қорсиз, яланг. Чўғолнинг хаёлига кичкинагина уйча қуриш фикри келди. У ҳаллослаганича уйига қайтди. Борибоқ эшакни аравага қўшди. Келгусен йили кўча деворларини янгиларман, деб саратонда уйиб қўйган гуваладан кўтарганича ортди. Боядан бери ўглининг ҳаракатларини жим кузатиб турган Тўмиг чол унинг мақсадини сўради, эшитгач:

Урниншларинг бефойда, қишда лойга жир битармиди, уқаланиб кетади, деди.

Лекин Чўғол қайтмади. Гувалаларни кўзлаган жойига олиб борди. Тўрт марта қатнаб гувала ташиди. Бешинчисида тупроқ ортди. Иккита пақир билан кетмон олиб, молхонада ётган эски деразани аравага юклади. Битта нонни куруқ ҳолда чайнаб кетди. Етиб боргач, дам олмоқчи бўлди-ю, кизчасининг ҳолати кўзига кўриниб, иш бошлади. Буги кўтарилиб турган горнинг илқ суви лой қоринга қўл келди. Айни чоғда, тахир эса-да, чанқоғини ҳам ўша сув босди. Говгумгача жон-жаҳди билан уриниб, одам бўйидан баландроқ, эшик ва деразани ўрни қолган икки қулочли айлана девор кўтарди. Қош қорайгач, ишларининг имкони бўлмай қолди. Аравага ёнбошлаганча, эшакни «хих!»лаб уйга қайтди. Судралиб иссиқ хонага кирганида, хотини чақалокни тиззасига олиб, мудраб ўтирарди.



— Вой!.. Ха?.. Ким?! — деди у чўчиб кўз очаркан. Эрини кўргач, кўксига туфлади.

— Энди кўзи илинса зора бечора боламни, кун бўйи йиғлади, — деди чакалокни ёнидаги тўшакка аста ётқизиб. Сўнг чой кўйишга уринди. Чўғол келиб, кизчасига қаради. Чакалок ҳар замон юзини тириштириб кўяди. Аввалги лўп-пилигидан асар ҳам қолмаган, сўлгин.

У чакалокни қўлига олди, бағрига босди. Ширин хид димоғига уриларкан, бор чарчоғи ёйилиб кетди-ёв!

Бу орада Холниса дастурхон ёзди. Чўғол девор тарафга ўтаркан, чакалокни тиззасига жойлаштирмоқчи бўлди. Лекин кизча уйғониб кетди-да, биғиллаб юборди. Чой чойлигича, нон нонлигича қолаверди. Боланинг йиғиси гўё дунёни тутиб кетди. Холниса барча ишини ташлаб, чакалокни қашишга тушди. Қашиди... кўзида ёш билан, то норасиданинг овози пасайиб, бора-бора кўзи илин-гунча қашиди...

Аммо кизча узок ухламади. Холниса энди чойни дамлаб келганида яна уйғониб кетди. Яна аввалги ҳол такрорланди. Яна ухлади, яна уйғонди, яна, яна... то тонггача бу кўргулик давом этди. Томоғидан қил ҳам ўтмай қолган Чўғол ўтирган жойида саҳаргача мудраб чикди. Эрталабга яқин чакалокнинг навбатдаги йиғисидан уйғонаркан, тишини-тишига босиб ташқарига чикди. Бет-кўлини ювиб, белидаги чорсига артинди-да, молхонага кирди. Эски печкани топиб чикди. Тутун чиқаргичлар, ўтин, тўсин, том ёғочларининг ҳаммасини шу айвонга йиғди. Осмон ҳам ёриша бошлади. У тагин Уйшун ота ғорига йўл олди.

Ҳорга етиб келганида атроф тамом ёришган, тоғнинг этагида бўри увилларди. Дастлаб кеча улгурмагани — деразани ўрнатди. Печкани қурди. Ойанинг бир кўзини олиб, мўрини чиқарди. Ишлари юришиб кетди: оёғининг остига харсанг тош қўйиб, деворларни яна уч қатор кўтаргач, иккитагина тўсин ташлади; ораларини беркитди. Печка исита бошлагани учун кўпроқ лой қилишнинг имкони бўлди. Сўнг минг машаққат билан томга лой ёзди. Озгина ошиб қолганини деворнинг очик ерларига чаплади. Ерикларни беркитиш учун номигагина суваб чикди. Шу билан ҳовурга тўла лой ҳиди анқиган торгина хона тайёр бўлди. Биргина эшик йўқ эди. Боз устига, яна кеч кирди.

Чўғол уйига қайтиб, яна кечаги аҳволнинг устидан чикди. На овқат қилишнинг иложи бўлади, на одамга ўхшаб бемалол ухлашнинг.

Эртасига эрталаб Чўғол пиёда йўлга тушди. Бориб эшик ўрнида қолган жойга эски шолчани икки буклаб тутди. Тошфонарни ёқиб, печкани роса гуриллатди. Туш пайтида Улжамолни кўтариб, онаси билан Холниса эшак аравада етиб келишди. Дастлаб кампир хўп тиловат қилди. Сўнгра чакалокни ечинтиришди. Улжамол биғиллаб йиғлади.

— Ҳозир, мана, ҳозир, ҳа-а энанг айлансин-а, мана-мана, бўлди-бўлди, кизим, — деди Улбиби кампир. — Йўл аро миқ этмай келганди-я. Эна кизим, мана, ҳозир...

Оқ чойшабга ўралиб, тоғорадаги сувга туширилган чакалок бирданига йиғидан тўхтади-қолди. Ҳатто хиёл жилмайгандек ҳам бўлди. Шундагина Чўғол «уф!» дея енгил нафас олди, елкасидан тоғ қулагандек бўлди.

Эртасига бу гап қишлоққа ёйилди. Қишнинг бекорчи кунларидан зерикиб, уйда биқиниб ётган одамлар ғор томон оқиб келишди.

— Во ажаб, қишда лойга жир битишини энди кўрдим! - деди уларнинг бири.

— Уйшун отанинг руҳи кўллаган, — деди бошқаси.

— Бу сувнинг таркибида олтингугурт бор, мана тупроқнинг формуласи, — деб нималарнидир қоғозга ёзиб кўрсатди муаллим Қодиров.

Улжамолни эса эртасига ҳам, индинига ҳам шу ҳолда даволашди.

Бир ҳафтадан сўнг чакалок аввалгидай ширин жилмайиб, қўлчаларини чиройли қимирлатадиган бўлди.

Уйшун ота ғорининг суви фойда қилди. Улжамол уч ёшгача қайтиб касаллик нима эканлигини билмай ўсди. Аммо уч ёшга тўлиш арафасида сарик касалдай балога чалинди-ю, яна хонадондан файз кетди.

* * *

Унинг уйида жамоа жам эди. Улбиби эна қўшни кампир билан айвонда ўтирарди. Синглиси — Мехринисо Холниса билан ичкарида.

— Келдингизми, ака,— деди у хўрсиниб. Холниса эса рўмолининг учи билан юзини тўсаркан, унсиз йиғлаб юборди.

— Ҳа, тинчликми?!— сўради у ва овози қалтираб чикканини ўзи ҳам сезди. Сир бой бермаслик учун жавоб ҳам кутмай, уйнинг юқори томонига юрди. У ерда Улжамол ётарди. Чўғол кизига яқинлашиб, чўкка тушаркан, беихтиёр юраги увишди: кўзларини юмиб ётган Улжамолнинг ранги сарғайиб кетган, куни-кечаги чиройидан асар ҳам йўқ.

— Қизим!— деди у аста.— Қизим, Улжамол?

Улжамол кўзларини очаркан, Чўғолнинг томоғига нимадир тикилиб келди: унинг ич-ичига тортиб кетган кўзлари юзи каби сап-сарик, ости шишган эди. Гапирмоқчи бўлдим, оғзини базўр очди. Юзлари тиришди, лекин уни чикмади. Бу ҳол отанинг жон-жаҳонини куйдириб юборди. Титраб-қакшаб бошини эгаркан, кўзларидан ёш юмалади. Ешини кўрсатмаслик учун ўрнидан шарт туриб ташқарига отилди.

— Ака, — деди унинг оркасидан айвонга чиккан синглиси. — Сизнинг гапнингизга кўнади, айтинг, доктор чакирайлик денг.

— Қим?— ҳеч нарсага тушунмади Чўғол.

— Қизингиз-да, кечадан бери доктор чақирманглар деяпти...

— Нима?! Эҳ... сенларни ўзи!!— у бор гапни англади-ю, сўкиниб юборди. Жон аччиғида кўчага қараб юрди.

Қишлоқда фақат мактаб биносида телефон бор эди. Зарур бўлганида одамлар шундан фойдаланишарди. Чўғол ҳам ҳозир мактабга қараб кетди. Бош-кети йўқ ўй-хаёллар исканжасида бир чақиримча масофани қандай босиб ўтганини билмади. У ерга кириб борганида қоровул Бозорвой ака диванда ёнбошлаганича телевизор кўриб ўтирарди.

— Қизингиз тузукми?— ҳол сўраган бўлди у.

— Шунга доктор чақиргани, — деди Чўғол. Айни замон, қишлоқда гап ётмайди-да, бу киши қаердан эшита қолди экан, деб ўйлади ўзича.

Сим қоқишди: қисқа-қисқа товуш. Яна... Кутишди. Сим қоқишди: тағин ўша-ўша.

— Мейлибойнинг келини оғироёк бўлганида коммутаторга телефон қилгандик, ажаб эмас, ўшалар улаб беришса,— деди Бозорбой ака.

Коммутаторга сим қоқишди:

— Кутиб тулинг,— деди аёл киши.

Ноилож диванга чўкишди. Бозорбой ака пиёлага чой куйиб унга узатди. Сўнг салмоқлаб гапиришга тутинди:

— Энди, ука, буни ўз номи билан ёшлик дейди, сен кўп ҳам хафа бўлаверма, ҳозирги болаларнинг ҳаммаси ҳам ўзи шунақа.

Чўғол Улжамолнинг қасалига ишора қилиб бу киши мендан ҳол сўраяпти, деб ўйлади-ю, тасдиқ маъносида бош қимирлатиб кўйди.

— Аммо, раҳматли шу бола ўзи бир бошқача эди-да,— дея гапида давом этди Бозорвой ака.— Евбосар гўшкетнинг тукига ҳам ўхшамасди бу бола.

Чўғол аввалигидек бош қимирлатаркан:

— Қайси болани айтаяпсиз?— деди бехосдан.

— Ҳа шу, Евбосар гўшкетнинг катта ўғлини айтаман-да. Яхши бола эди, худо раҳмат қилгур. Мактабга ҳам доимо азонлаб келарди. Печкаларни ёқиб, «тоға-чи, тоға, иш борми яна?» деб ўзини ўтга-чўғга урадиган бўлувди-да...

Қоровул тин олди.

— Энди урганинг билан ҳам, сўкканинг билан ҳам фойдаси йўқ,— деб давом этди қоровул.— Ешлик-да, шунақа кўнгил бериш деган гаплар бўларкан...

— Э-э, қанақасига ёш бўлади у ярамас гўшкетти! Ўша пайтда уриб ўлдириб қўймаганимга афсус қиламан! Қизиксиз-а, Бозорвой ака, ўша ит эмганнынг томонини оласизми, қўйинг-эй!

— Ҳе-э инсон, мен уни гапирганим йўқ. Евбосарни шу қилмиши учун ўлдириб ташлаган одам савобга қоларди. Мен қизингни айтаман.

— Ўлай агар, ҳеч нарсага тушунмаяпман! Нимага ураман қизимни?!

— Сенинг одатингни яхши биламиз-у, қизингни ургандирсан-да, мана энди доктор чақириб юрибсан.

— Нима учун ураман қизимни, ахир, ҳе йўқ, бе йўқ?!

— Урмасанг нимага доктор чақирасан, ургансан-да.

— Ахир, қайси айби учун ураман уни! Бирор маротаба болага қўл кўтарган одам эмасман!

— Мендан беркитмай қўявер, қишлоқдаги ҳамма сенинг одатингни яхши билади. Қолаверса, боласи минг ширин бўлганида ҳам қизини жанозага ўша ахволда кириб келганини кўрган ҳар қандай ота-она жонини ачитиб уради...

— Тўхтанг, Бозорвой ака! Тўхтанг, гапни айлантирмай очигини айтинг, нима демокчисиз ўзи?!

Мактаб қоровули ҳар бир жумлага урғу бериб тушунтира кетди:

— Қизинг кўнгил берган бўлса ҳам ўша куни жанозага чакки борди! Сенинг ўрнингда мен бўлганимдай албатта урардим! Қўй энди, кўп хафа бўлавермагин, деб сендан хол сўраган бўляпман! Тушундингми энди!!

— Қизим жанозага бордимиз?! — шундай деди-ю, Чўғол бирданига ҳамма гапга тушунди. Бутун вужуди ловуллаб кетди.

Одамга алам қилар экан: йиллаб авайлаб, эъозлаган яккаю ёлғиз қизи шунақа ишлар қилиб юрса! Тагин, гўшкеттидай ярамаснинг боласини деб-а!

У жойидан кимирламай қолди.

— Бу коммутатор ҳам жим бўлиб кетди, — деди телефонга қўл чўзиб Бозорвой ака.

— Намунча бетокатсиз, кутиб туринг дедим-ку! — минғиллаган овоз эшитилди телефон трубкасидан. Чўғол шу захотиёқ Бозорвой аканинг қўлидан трубкани юлиб олди.

— Ҳов қанжик, одам ўляпти бу ерда, ахир! Тушунасанми, итдан таркаган!! — деди жаҳл билан.

Телефон трубкасидан қиска-қиска товуш эшитила бошлади.

— Хе-э онасини... бунақа дунёни! — Чўғол шарт ўрнидан туриб, ташкарига чиқиб кетди.

Тош кўчадан судралиб ортга қайтаркан, унинг кўнглига қил сиғмасди. Боши гувиллар, ҳеч нарсани идрок эта олмасди. Юлдузлар сочилиб ётган осмонга, ёришиб нур тўқаётган ойга, танларни яйратиб эсаётган «деҳқон шабада»га эътиборсиз. Ҳаётида биринчи маротаба барваста гавдаси букчайиб қолди. Қамалганида ҳам, «пушти куйган эркак» сўзини эшитганида ҳам, чақалоғига қўйир тошганидаю кейинчалик қизчаси сарикка йўлиққанида ҳам бундай букчаймаган эди.

Қаердадир сигир маъради. Қабрлар мисоли қаторлашган қишлоқ уйлари орасидаги кинғир-қийшиқ кўчада базўр бораётган одам буни ғайришуурий илғади: эндигина соғилган сигирнинг товуши... «Эгаси бирон жойга боргандир — кеч соғибди».

* * *

Ўшанда Улжамол уч ёшга тўлаётганди. Қишлоқдаги кичкиналарни ёппасига эмлаш бошланиб, йигирмадан ортиқ бола бирданига сарикка чалинди. Чўғолнинг ёлғизи ҳам бошқалар қатори, қўшни қишлоқдаги кесалхонага ётқизилди. Қасалхонанинг қаровсизлиги бир бўлди-ю, болаларнинг якка ўзларини олиб қолишгани бир бўлди.

Одамлар касалхона дарвозаси олдидан кетишмасди.

— Мана! — деди бош врач уларга аллақандай қоғозни кўрсатиб. — Вазирликнинг қарори бу! Икки ярим ёшдан ошган барча болалар юкумли касалликка чалинса, ота-онасиз ётиб даволанишлари керак!

— Бемаъни гап! — деди кимдир.

— Бу соғликни саклаш вазирлигининг қарори! — ўшқирди бош врач.

— Ўша кунунни чиқарган вазиринг ўз боласига шуни эп кўрармикин!

— Ўргилдим вазирлигингдан!

— Мард бўлса, ўз боласини шу ерга ташлаб кетсин-чи!

Ғала-ғовур кучайди.

— Кечгача ҳал қилмасанг, болаларимизни олиб кетамиз! — дейишди одамлар. Сўнг йўл ёқасидаги ариқча бўйига ёйилиб ўтириб олишди.

Тушга бориб жамоа хўжалига раиси келди. Уни кўриб, одамлар бир-бир ўринларидан кўзғалишди. «Худди турма бошлиғини кўрган аристондай юраги чиқади-я буларнинг», хаёлидан ўтказди Чўғол, гаши келиб.

Раис ҳамма билан кўл олишиб чикди.

— Энди гап мундай, — деди раис. — Ҳаммасидан хабарим бор. Жуда ёмон иш бўлибди! Ҳозир ўша Қодир дўхтирни қамокқа олиб кетишди. Жамоа хўжалигининг шаънига ҳам доғ тушди. Энди неча йиллаб бошимиз ғалвадан чиқмайди. Хуллас, гапнинг индаллоси шу — ҳозир ҳамма уй-уйига тарқайди. Битта автобус ажратдик, эртадан бошлаб тайинланган вақтда ҳаммани олиб келади, олиб кетади. Фақат ичкарига кириш йўқ. Бу юқумли касаллик. Шу равотнинг ёнида туриб гаплашасизлар. Тўғрими, Мамажон? — раис бош врачга ўғирилди.

— Тўғри, лекин яна битта гап бор, Қаримжон ака, — деди у. — Ҳар битта палатага биттадан аёлни қўйиш мумкин, бунга рухсат бор. Мана ўзлари келишиб, одам ажратилсин. Болаларни бизга ишонинмаса, ўша ўзлари қўйган вакилга ишониншар?

— Мана бу дуруст, — раиснинг юзи ёришди. — Қани, ўзларинг сайланглар, кимларнинг хотини болаларга қарайди?

Гала-говур кўтарилди. Ҳар ким ўз томонидан одам қўйишни хоҳларди.

— Инсоф борми ўзи сенларда, бу нима деган гап? — ўшқирди раис. — Тамом, кўнгилга қараш шунчалик бўлади! Мен ўзим ажратаман, раз сенлар келиша олмас экансан! Ахир, даволаймиз дейишяпти, ўлдирамиз дейишмаяпти-ку, нонинсофлар!

Раис шу гаплардан кейин бешта аёлнинг номини бирма-бир айтди. Ҳар бир номдан кейин полончининг хотини ишчан, болага меҳрибон, тўғрими дея, гапини тасдиқлатиб олди.

Бешинчи аёлдан кейин раис беихтиёр Чўғолга эътибор бериб қолди. Бош врачга ўғирлиб нимадир дегач, бу томонга қараб, овозини баландлатди:

— Энди яна бир гап, мен Мамажондан илтимос қилдим, шу Чўғолбойнинг хотини ҳам қолади. Маъқулми? Хўп, келишдик. Қани энди, ҳамма машинага, — Қаримжон раис нарироқдаги юк машинасини кўрсатди. Жадаллаб бориб, тепага чикди-да: — Болтавой ака, сиз кабинага кириш. — деди одамлар орасидаги қарияга.

Одамлар ноилж машина томонга судралди. Чўғол лабини тишлаганича уларнинг орқасидан юраркан, «ха-х, уйшунлигим-а!» деб қўйди афсус билан.

Боланинг қанчалик азиз ва ширин бўлиши жигаргўшанг касалхонада ётганда билинар экан. На даладаги, на уйдаги бирор нинда унум бўлади. Урин йиғилмаган, ҳовли-жой супуруксиз, уст-бош кир-чир, сизир оч, хаёл эса касалхонада — болада. Яхшики ҳар куни кечга томон боришади, кўришади. Яхшики, касалхонанинг девори нураган, ўтиб, кизчасини кўлига олади, ўйнатади. Ҳар куни хайрлашш чоғида Улжамол йиғлайди. Холниса болани бағрига босганича олиб қолади. Касалхонадан ҳар кеч юраги эзилб қайтади.

Аммо, Чўғолнинг бу аҳволи бошқаларникидан тузукрок экан. Бир кеч қўшниси Адҳам хотини билан бирга болаларни кўргани боришди. Адҳамнинг кизи Улжамол билан деярли тенгдош, уч ёшга тўлиш арафасида эди. Ўша нураган жойдан ўтганларида Холниса Улжамол билан Адҳамнинг кизчасини боғинида ўйнатиб ўтирарди. Болалар буларни кўриб бўзлаганича чопиб келишди, хотини ҳам кўзига ёш олди. Бироз ўтгач, ҳар ким ўз оиласи билан андармон бўлди. Ва ниҳоят хайрлашадиган вақт етиб келди.

— Отажон, яна жичча ўтиринглар, йиғламайман! Жо-он отажон! Аяжон, мана йиғламайман, яна жичча ўтиринглар, аяжо-о-он! — дерди Адҳамнинг кизчаси зорланиб. Бу аҳволдан дийдаси каттик Чўғолнинг-да кўзларига ёш келди. Унинг Улжамолини ҳарқалай онаси олиб қолади. Бу норасида-чи? Ноласини эшитиб ота-онанинг юраги сув бўлиб кетмайдими?

Ота-онага қийин-да. Адҳамнинг хотини кизчаси олдида ўзини тийиб турган экан, ташқарига чиқишгач, чунонам йиғладикки, ахийри, юришга мадори етмай ўтириб қолди. Адҳамнинг ҳам кўзларида ёш, гоҳ хотинига далда берган бўлади, гоҳ пўпса қилади. Ҳаётнинг навбатдаги машаққатлари олдида қуйиб турган бу эр-хотинларнинг ҳолати Чўғолнинг хўрлигини келтирди. Томоғига нимадир тикилди...

— Ака, сизмимиз?! Вой туф-эй, кўркиб кетдим! Нима бўлди, «тез ёрдам» чакирдингизми? — Чўғол ўзига келди. Атрофига разм солди: ойдинда илондай товланиб ётган ўша кинғир-кийшик кўча, кабрлардай тизилган уйлар, факат қаердан келиб колдики ёнида синглиси!

— Ака, нима бўлди? Кўнғироқ қилдингизми? — қайта сўради Меҳринисо.

— Менга қара, жиянинг Гўшкеттиникига жанозага борганмиди?!

Меҳринисо аввалига анграйиб қолди. Кейин шартта ерга чўккалаб, акасининг тиззаларини кучоқлади.

— Жон ака, ўзингизнинг болангиз, ёшлик қилибди, кечиринг, жон ака! — деди йиғламсираб.

— Демак, рост экан-да! — Чўғолнинг ичида нимадир узилиб кетгандай туюлди. Бўшашиб, уф торти.

Акасининг қаҳри бир келса ёмон бўлишини билган Меҳринисо ўзини туюлмай қолди. Баралла йиғлаб юборди:

— Жон ака, шу сафарча шайтонга ҳай беринг! Жон ака, ахир, ўзингизнинг болангиз-ку!... Ахир, болангиз-ку, жон ака!...

— Тур ўрнингдан! — деди синглисига қатъий оҳангда.

Меҳринисо елкасига тепки тушишини, акасининг шитоб билан уйга жўнашини кутганди. Дарҳол қаддини ростлади.

— Ака, дўхтирни ўзингиз бориб айтиб келмасангиз бўлмайди. Биласиз-ку, унча-мунчага келишавермайди, — деди. — Жон ака, ўзингиз бора қолинг. Улжамол баттар оғирлашиб қолди. Юринг, тезроқ юринг!

Синглисининг бу гапи яхши бўлди. Чўғол ҳозир уйга борса яна юраги сиқилишини, оқибат бирор қор-қол рўй беришини сезарди.

— Дўхтирларга қаттиқроқ гапиринг. Ҳозир юрасан деб туриб олинг. Биласиз, бугун кеч бўлди, эртага борамиз деб баҳона кўрсатишади... — Йўл бўйи тинмай акасига гап тайинлади Меҳринисо.

* * *

Шундай қилиб, Чўғол ўн олти чақирим олисдаги туман марказига жўнаб кетди. Олдинда эса унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборувчи ходисалар, тўғрироғи, бахтсизликлар кутарди.

Чўғол қўшни Қари Янтоқ қишлоғидан ўтиб бораркан, бир вақеани хотирлади.

Бола атак-чечак қила бошлаганида ота-она бир суюнса, тили чиққанида бир қувонаркан. Бу каби шодон дамларнинг уланиб келавериши эса таърифга сиғмас бахт бўларкан. Қуни-кеча бир парчагина эт эди, бугун жамалак сочларини силкитиб мактабга кадам кўйди. Кечагина бурро-бурро қилиб «а-а, б-б, в-в», деганича китоб варақларди, бугун эса бўйи онасига тенглашиб турибди — ота-она учун бундан ортиқ бахт борми!

Чўғолни суюнтирган яна бир нарса — Улжамолнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши эди. Бошқа иш чала қолса колардики, лекин қўлига кирган китобни ўқиш тугатмагунича кўнгли жойига тушмасди.

— Отинча кизим-да бу! — деб Улбиби кампир фахрланарди. — Худо хоҳласа, ҳали каттакон бўлиб «Волга»ларда юради.

— Овқат маҳалида ўқишга бало борми, — деб Тўмиғ чол гўлдирарди. — Қиз бола асли камроқ ўқиса ҳам бўлади. Пушти куйиб, «каттакон» бўлиб юрганидан кўра, бир этак боласи билан уйда ўтиргани яхши.

Лекин Улжамолнинг кўп китоб ўқиши ўз таъсирини кўрсатди. У хаёл сурадиган одат чиқарди. Тўққиз ёшлигида, қош қорайиб келаётган маҳалда Чўғол унга ҳовлининг этагидан юк ташийдиган аравагани олиб келишни буюрди. Қизи тайсалланиб туравергач, «бўл, тез!» деди.

— Кўрқаман, зовурда девлар бор, — деди киз.

Чўғолнинг жаҳли қикса-да, ўзини туюлмай қулиб юборди.

— Ҳэ-э, кўкнорихаёл, девлар эртақларда бўлади, — деди сўнг.

Қизи барибир бормади.

Ноилж ўзи аравагани олиб келиб, ишини давом эттирди. Бирок, кейин-

чалик бу вокеа хаёлига ўрнашиб қолди. Қизининг тасавури бойиб бораётганига тан берса-да, кўнглининг бир чеккасида хавотир уйғонди. «Ҳаммаси кўп китоб ўқиганидан», дея хулосага келди сўнгра. Уни тергайдиган одат чиқарди. Бирок, Улжамол отасидан яшириб барибир китоб ўқийверарди. Бунга сайин унинг «кўкнорихаёл»лиги ортиб борар, ҳатто соатлаб хаёла суриб қоларди.

Афеуски, навбатдаги дарднинг ёпишиши ҳам китоб ўқиётганида рўй берди.

Балоғат остонасида тургани сезила бошлаган кунларнинг бири эди. Ховлининг адоғидаги қизил олма соясида, эски шолча устида, кўлида китоб, чўзилиб ётарди. Авваллига оёқ томонидан кимдир келаётгандек туюлди. Мутулаага берилиб кетгани учун, уй юмушларини қилиб юрган катталардан бири бўлса керак, деб аҳамият бермади. Лекин бир маҳал гардани оша муздек нарса сирғалиб олдинга ўта бошлади. Улжамол шошиб ўгириларкан, нақ рўпарасида ўзига тикилиб турган бир жуфт совук кўзларинигина кўрди.

— Ило-о-н-н!!!

У ҳушидан кетди.

Чорпойда кўрпа қавиб ўтирган Улбиби кампир:

— Вой, туф-эй! Холниса, ҳув Холниса! Улжамол бир нарса дедими, қараб кўйинг, — деркан, сабри чидамай, ўзи ўрнидан турди. Қизил олма тагига етиб келди-ю, баайни уйнинг устунидек йўгон илоннинг неварасини ўраб олганини кўриб, хуши бошидан учди. — Войдод, ким бор! Войдод, ёрдам беринглаар!

Ховлида Тўмиг чол билан Холниса бор эди, чоғиб келишди. Тўмиг чол дарҳол аёлларни четлатиб, ҳассасининг учини илонга ўқталганича:

— Кет! Кет-кет! Кет!!! — деб бақирди.

Илон силкинди. Чолга ўгирилиб вишиллади. Тўмиг чол мулоҳимланди.

— Кет, жонивор! Кетгин, кет-кет!! — шу сўзларни тинмай қайтаришга тушди. Бу орада Холниса қаерданир бешлик тоғиб келди. Илонга санчмоқчи бўлиб интилаётгани, қайнотаси тортиб олиб, ўзи ўдагайлашга тушди. Илон вишиллай-вишиллай, охири Улжамолни огушидан чиқарди. Сирғалиб, ховлининг этагидаги зовур томон кетди. Холниса билан Улбиби кампир оғзидан оқ кўпик келиб ётган Улжамолга ташланишди. Тўмиг чол уларни нари суриб, неварасини ердан кўтарди, оёқлари қалтираб, бир амаллаб чорпоёга олиб борди.

— Сув! Сув олиб келинглаар! — деди аёлларга. Чўмичдаги сувни олиб, неварасининг юзига сепди. Улжамол бир сесканди. Кўзини очиб, тепасида турганларга қаради-ю, нафаси бўғзига тикилиб келди. Ўқчиди. Бутун гавдасига титроқ кирди. Йиғламсираб силкинишга тушди.

— Қизим, мен шу ерданман, қизим! — Холниса ўзини йўқотиб, Улжамолга ташланди.

— Отинча қизим, бу биз... бизмиз! — дерди Улбиби кампир ҳам неварасининг кўлларига ёпишиб.

Улжамол ўша кунни кечгача дам ўзига келиб, дам ўзидан кетиб, алаҳлаб ётди.

Кечкурун даладан қайтган Чўғол аҳволни кўриб, ўзини туюлмади қолди. Пичоғини кинидан суғуриб, зовур томон кетди. Дарахтзорнинг этагидаги зовурда ўсган қуруқшаган ўт-ўланлар, шовуллаган қамишлар одамни ютаман деб турарди. У қулочдай бир шохни дарахтдан снидирди-да, зовурнинг ичининг ағдар-тўнтар қилишга киришди. Ҳансираганича анча жойини кезиб, илондан асар ҳам тополмади. Охири юз-кўллари тилинган, балчиққа беланган аялдода бўшашиб қайтиб келди.

Улжамол ниҳоят ухлаб қолган, катталар унинг ёнида чой ичиб ўтиришарди. Холниса дарҳол эрига илиқ сув келтирди. Чўғол этининг ечди, юз-кўлини ювди. Дастурхонга яқинлашаркан, отасига зардали нигоҳ ташлади.

— Бешликни санчиб, калласини мажақлаб ташламайсизми! — деб юборди, падарига ҳеч қаттиқ гапирмаган одам.

Тўмиг чол бошини эгди, индамади. Мийиғида кулган бўлди.

— Менга қара, — деди бир оздан кейин. — Улжамол ўзи кўрқиб кетди. Аслида илонга тегмасанг, одамга зиён етказмайди. Буям итга ўхшаган бир жонивор — одамга дўст бўлади. Раҳматли энам илонларни бўйинга ўраб юрадди. Авваллари илонлар бу атрофда тозаям кўп бўларди. Мана энди, ўн-ўн беш йилнинг бу ёғида кўринмай қолди. Чамаси, бу узокроқдан келган шекилли.

Илоннинг келиши яхшилик аломати. Илон бор жойда кут-барака бўлади.

Э, ўшанақа кут-баракани ҳам! — Чўгол жаҳл билан ўрнидан туриб кетди. Уй ичига йўналаркан, йўл аро гўлдиради: -- Неварасини ўлдириб кўяй дебди-ю, булар насихат сўкади-я!..

Ўгли ичкари кириб кетгач, Улбиби камшир чолига танбех берган бўлди:

Ахволини кўриб турибсиз-у, хўп деб кўйиш ўрнига каердаги гапларни гапирасиз-а!

Нега йўқ ердаги гаплар бўларкан! Энам раҳматли менга нақ иккита келадиган басавлат аёл бўлган, бунақа илонлардан тўрттасини бемалол кўтаришга қурби етарди. Болалигимдамиди-ей, бир куни эрталаб уйгонсам, болишимнинг тагидан камчиининг учидек бир нарса чикиб турибди. Илоннинг думи эканига фаҳмим етмай, шартта болишини кўтарибман. Кулча бўлиб ётган экан! Дод, деб бақирдим. Энам жонни ҳалак югуриб келди. «Ҳах, болам-а, юрагини чиқариб юбординг, буям бир жонзот-да, ҳеч нарса қилмайди!» деб илонни кўлида ушлаганича ҳовлига олиб чикиб кўйиб юборган.

У пайтдаги одамлар билан ҳозиргиларни солиштириб бўларканми, деди Улбиби камшир. У вақтда одамлар кишида музини тешиб чўмилишарди. Ҳозиргиларни ахволини кўриб турибсиз-у. Мана ўзингиз, икки кунда бир шамоллайсиз.

Ҳамма нарса ўрганишга боғлиқ. Мен ҳам энди сенларнинг кўйингга тушиб, шунақа бўлиб қолдим-да. Асли, илон зотидан кўрққан одам эмасман. Бизни кўзи нишсин, деб энам раҳматли илонларни кўлида ушлаб туриб эртақ айтиб берарди. «Ҳайвон борми, парранда борми — ҳаммаси одамга ўхшайди, уларда ҳам одамникидақа жон бор, гаплашсанг, сенга дўст бўлади», дерди, худо руҳини шод қилгур. Сен ўзи илоннинг келиб чиқишини эшитганмисан: Икки ошиқ-мошиқ бир-бирларига етишолмай, «бундан кўра бирор махлуқ бўлиб яралганимиз ҳам яхши эди», деб нолиганларида, ношукурчилиги бошларига етиб, худойим уларни илонга айлантириб қўйган экан. Энам: «Агар илоннинг кўзига яхшилаб қарасанг, ана ўша ошиқ-мошиқларнинг...»

Вой, туф-туф-эй! Гапингиз курсин-эй! - деди Улбиби камшир. Туркига ўт тушсин ўша илон деганининг! Кўйинг, бошқа гаплардан гапиринг.

Ҳозир хаёлимда айланаётган яна бир гапни айтсам, сенлар тунов кунгидақа, бу мияси айниган чол деб, тагин устимдан кулишасан, биламан. Лекин шунақа бўлсаям айтиб кўяй: бу илон неварангга бекорга ёпишмаган-ов! Илоннинг ниятини кўрдинг, ёмон эмасди...

Э-тавба, нима демокчсиз бу гапингиз билан! Ахир, ўраб олиб, неварангизни авраётган эди-ку!

— Аврамаётганди. Илон одамни қандай аврашини мен биламанми ё сен биласанми? Биринчидан, фақат қора илон одамни аврайди, неварангга ёпишгани олачинор эди. Иккинчидан, Эмин бригадир шийпонда ухлаб ётганида ёнидаги толдан илон тушиб, авраётганини ўз кўзим билан кўрганман. Илон одамни бунақа қилиб аврамайди.

Яхши ҳам ўша Эмин бригадирни авраётганини кўрган экансиз, шу бир умр сизга дастак, минг марта айтгансиз шуни!

Айтган бўлсам нега мен билан тагин тортишасан? Бу илон неварангни аврамаётганди. Агар илоннинг нияти ёмон бўлганида, ўша заҳоти қилгилгини қилиб бўларди.

Хўп, сизинки тўғри. Боринг энди, намоз ўқийдиган вақтингиз ҳам бўлди.

Пўк, тўхта, мен нима демокчи эдим, ана, гапимдан ҳам адаштириб юбординг. Ҳа, бўлди, эсимга келди. Бу илон, раҳматли энам ўша пайтларда сийлаб юрган илонлардан бўлса керак. Ушанда энамнинг ўлимини олдиндан сезиб, булар бизникидан кетворинган. Айтдим-ку, бизникида илгари илонлар кўп бўларди, деб. Бу хойнаҳой, ўшалардан бири, мана энди қайтиб келди. У ёгини сўрасанг: яхши ният қилиб неварангга Улжамол деб ўша энамнинг отини кўйганмидик, руҳи шод бўлсин, номи унутилиб кетмасин, деб тўғримми? Энамнинг руҳини излаб келган илонлардан-ов.

Тўминг чол ўрнидан туриб, таҳорат олишга кетаркан, яна гап қўшди:

Ҳар эҳтимолга қарши хушёр бўлсин, демокчи эдим-да. Агар чамам тўғри бўлса, худо сақласин-у, илон тагин келади.

Бўлди-бўлди, боринг энди. Холниса, ҳув Холниса! Қаёққа кетдингиз,

келинг, айвоннинг чироғини ёқиб юборинг, бугун қоронғи ҳам эрта тушдими дейман.

Холниса келиб чироқни ёқаркан, Улбиби кампир кутилмаганда додлаб, чорпоядан отилиб тушди.

— Вой дод! Вой дод!! — дерди у узум волишига аланглаб.

Волиш ораларида бояги илон нақ Улжамолнинг устига осилиб тушиб келарди. Ҳақиқатдан, кампирнинг шовқинидан Улжамол ҳам уйғониб кетди. Илонга кўзи тушиб, қочмоққа интилди. Бироқ, чорпоядан ағдарилиб, қимир этмай қолди.

Чўғол ичкаридан югуриб чиқди. Аҳволни кўрди-ю, атрофга аланг-жаланг қаради. Икки қадам нарида ётган болта жонига оро кирди. Тезда кўлига олди-да, илонга яқинлашиб қоқ бошига туширди. Газанда бор гавдаси билан чорпояга шалоплаб тушди. Чўғол уни бўлаклаб ташлади.

Шу фурсат Холниса билан Улбиби кампир Улжамолни нари олишди. Қизнинг оғзидан яна оқ кўпик келган, оёқ-қўллари шалвираганча беҳуш ётарди. Тағин юзига сув сепишди. Қиз ўзига келар-келмас титрашга тушди.

Шу баҳона Улжамол юрак ўйноғи касалини орттириб олди. Баъзида «вой-эй, юрагим ўйнаб кетди!» деб юборадиган одат чиқарди.

* * *

Юраги ўйнайдими, кўр-соқов, гунг, чўлок бўладими, муҳаббат барибир ҳамманн ўз домига тортаркан.

...Пахта йиғим-терими мавсумида мактаб ўқувчилари кўшни дала шийонида тунашарди. Қунарнинг бирида:

— Қизлар, янгилик! — дея энтикиб, эшикдан кириб келди Сожида. Хонадагилар унга қарашди. Улжамол кўрпасини ёйиб, устида ўтирганича нимчасига тугма қадаётгани, у ҳам ўгирилди.

— Йигитлар бизни бўлиб олишибди! — деди Сожида.

Жимлик чўкди.

— Вой яшшамагурлар-эй! — деди Мавжуда, кампирга ўхшаб.

— Нима, биз молмизми, бўлиб олишса! — Феруза жиддий сўзлади.

— Қўркма, сени яхши йигит танлаган, — деб Сожида унга ҳазил қилди.

— Пишириб е, ўзингдан ошмасин ўша яхши йигитинг!

— Ким экан у яхши йигит? — қизиксинди Мавжуда.

— Рустам!

— Нима?! Ҳозир кириб ўшани етаклаб чиқай, кейин сен билан гаплашаман!

— Феруза ўрнидан кўзғолди.

— Бор, бор, — деди Сожида. — Кийимларини еч-иб ётишибди, қани бир кўрайлик-чи, кирасанмикин?

Феруза жойида қотиб қолди.

— Мен сенга ўхшаган... — деди-ю, гапининг давомини айтмай, ўрнига бориб ўзини ташлади.

— Эй, менга нима қипти! — Сожида унга томон интиларкан, қизлар тутиб қолишди. — Мен икки дунёда ҳам у ерга қадам босмайман, билдингми!

— Ана, ўйиндан ўт чиқди, — деди Мавжуда, Сожиданинг овози тингач.

— Ҳаҳ, Феруза ўлгур-а, жичча жим турганингда биз ҳам йигитлик бўлиб қолардик-а.

— Сени ўзингга ўхшаган тили икки қарич Аливой танлаган! — деди Сожида терс оҳангда.

— Нима, нима дединг? Оҳ-оҳ, ўзимни Аливойим-эй! Ҳозир мени ўйлаб ётибдикикин-а! — деркан, Мавжуда худди ҳаво етишмаётгандек кўксини сийпалаб кўйди.

Гурра кулги кўтарилди. Сожида ҳам бир оз тиржайди.

— Ке энди, қолганлар ҳам бир йўла йигитлик бўлиб қолишсин, айтиб бера-қол. Мени-ку суюнтердинг, кечаси бемалол ухлайман, булар-чи, нима қилишди, — деди Мавжуда Сожидаса, қизлар томон имо қилиб.

Сожида шалдир-шулдир бир қиз эди. Ҳозир ҳам хиёл лабини буриб турди-да, Мавжуда яна бир зўрлагач, чиройи очилиб, гапиришга тушди. Унинг айти-

шинча, синфдош йигитлар кизларни «севиб», бир-бир танлаб олишибди. Хусусан, ким-кимни танлаганини у навбат билан санашга тушди.

— Синфкомни комсорг яхши кўраркан. Иккита бошик зап бир-бирга тўғри келишибди-да, — деди Сожида, навбат Улжамолга келганда. «Синфком» Улжамол, «Комсорг» — Фатҳиддин эди. Улжамолнинг юзлари ловуллаб кетди.

— Пишириб е ўша комсоргингни! Хэ-э, гап топиб келмай ўл, — деди Улжамол кўрпа катини очиб, ўринга кираркан.

Лекин шу захоти Мавжуда орага гап қўшди:

— Тек! — деди у. — Гапир, Сожи, гапиравер.

Бу гапдан кейин Сожида яна оловланиб, навбатдагиларни санашга тушди.

Синфда Эргаш номли боши каттарок бир бола бор эди. Дарс тинглаганида оғзи очилиб, бошини қийшайтириб туриши боис уни Эргаш калла деб чақирди. Худди шунингдек, Бахтикуш деган бир киз ҳам улар билан бирга ўқирди. Уни «артист» дейишарди: гаплашганда сахнадаги артистлардек қилпиллайдиган одати бор эди. Сожида хозир шулар ҳақида гапириб, Эргаш калла Бахтикушни танлаганини айтди. Кизлар қийкириб юборишди.

Улжамол ҳам дугоналарига қўшилиб кулди. Кейин девор томонга ўгирилиб ётди. Беихтиёр Фатҳиддин ҳақида ўйлади. «Комсорг»ни у деярли ёшлигидан биларди. Биринчи синфга келмасидан олдин ҳам кўшини кўчадаги аммасиникига борганида уни кўп кўрарди. Тан олиш керак, синфдош болаларнинг ичида бу йигитнинг ўзига яраша обрўси ҳам бор эди. Яна, шеърлар ҳам машқ қиларди. Факат... факат, нега энди бу ўлгур яхши кўриб қолибди! Қачон улгура қолди экан? Муомаласи ўзи...ҳалиги... боқишлари ҳам кейинги пайтда бошқачарок бўлиб қолувди. Бугун Улжамол терган пахтани хисобчи Қахҳор ака кўтариб чиқаётганида ҳам галатирок қараган эди. Ўшанда буни роса ёмон кўриб кетгандир-а? Ажаб бўпти! Шунчалик экан, ўзи олиб чиқиб берсин эди...

Улжамол шундай хаёллар билан кўзи илинганини сезмай қолди. Тушида эса Фатҳиддинни кўрди. Бу тинмай пахта терармиш, у тинмай хирмонга таширмиш. Бу тераверармиш, у ташийверармиш. Факат, йигитнинг кўзлари... Қараб тураверармиш, қараб тураверармиш. Гоҳ қувнок, гоҳ таънали, гоҳ хафа, гоҳ чакнок кўзлар...

Эртасига эрталаб яна янги гап чиқди: бугун йигитларнинг ҳар бири ўзи танлаган киз билан эгатга ёнма-ён тушиб пахта терармиш. Бу янгиликни ҳам Сожида топиб келди.

— Менинг ёнимга биронтаси яқинлашиб кўрсин — ўлдираман! — деди қошларини чимириб Феруза.

— Ох, ўзимнинг Алижоним-эй, ёнимга қандай келаркин-а! — деб одатдагидек ҳазил-мутойиба ила гапирди Мавжуда. — Кундузи пахтазорда, ёнгинамда, кечаси тушларимда, вой Алижонимдан-эй!

Кизлар кулишди.

Ниҳоят, нонушта тугаб, йўлга тушишди. Икки чақиримча юриб, Тошлов дасисига етилган жойда олдинда кетаётган йигитлар тўпидан бирданига қийкирик янгради. Кизлар дарҳол хушёр тортишди.

— Айтсам айтавераман-да, нега айтолмас эканман! — дегани эшитилди Рустамнинг.

— Кани, амалда кўрайлик-чи! — деб кимдир гижгижлади.

— Мана хозир, сенлар нарироққа бориб туринг, — деди Рустам ва йўлнинг четроғига ўтиб тўхтади. Йигитлар хиринглаб, нари кетишди. Йигирма кадамлар босгач ўгирилиб, томошаталаб қараб қолишди.

Кизларнинг юраги музлади. Ҳаммасининг уни ўчиб кетди. Узоқдан келаётган тракторнинг бўғик шовқини ва оёқ шарпаларингина жимликни бузарди. Кизлар Рустамнинг рўпарасига келганларида:

— Феруза, тўхта, бирга кетамиз, сенда гапим бор, — деди Рустам.

Феруза индамай кизлар орасидан ажралиб чиқиб, Рустамнинг олдига борди. Борди-да, қўлидаги нон, пиёла, коса ва яна бошқа зарур нарсалар солинган халта тугуни билан йигитнинг кулок-чаккасига бир туширди. Рустам мувозанатини йўқотиб, ағдарилиб тушди.

— Вой! — деб юборишди кизлар. Йигитлар қотиб қолишди.

Рустам тезликда ўрnidан турди-да, Ферузага рўпара келди. Шарт қўлини кўтарди. Лекин киз кинрик қокмай тик қараб тураверди. Йигитга бу таъсир қил-

ди, кўли хавода муаллақ қолди. Гезариб, кўзларини пирпиратиб турди-да, сўкиб юборди. Сўнг пахтазор томон бурилиб, югуриб кетди. Айни чоғ Феруза ҳам халтани бир чеккага улоктириб, юзини кафтлари билан тўсди-ю, йиғлаб юборди.

Кечкурун синф раҳбари Нурматов йиғилиш ўтказди.

— Эркак — Ватаннинг шаънини, шу ҳисобда аёлларнинг ор-номусини ҳимоя қилувчи — муқаддас инсон дегани. Зинҳор-базинҳор муҳаббатдай покиза туйғуни топтаб ҳиринглаб юргувчи хотинчалиш бир кимса дегани эмас! — деди у.

Йигитларнинг боши эгилди.

— Аёл, айниқса киз бола — тўғри келган одамни супургиси билан қулочкашлаб солувчи ялмоғиз кампир эмас. Андиша, ҳаё, ифбат — киз боланинг бўйнига осилган марварид, қалбининг тубидаги маёқ бўлади! Унинг муқаддас эканлигини сурбетлик ёки бетгачопарлик кўрсатмайди! — деди синф раҳбари буларга.

Қизларнинг юзлари лоларанг бўлди.

Шу кўйи Нурматов роса гапирди. Кимгадир каттиқ тегди, кимгадир насихат қилди. Яхши кўриш деган гапларга ўша куни чек қўйилди. Эртасига эрталаб йигит ва кизлар бирга-бирга пахтазорга жўнашди.

Аммо Улжамол билан Фатҳиддиннинг ўртасида бошқача муносабат сақланиб қолди. Йигит кизни кўзлари билан таъкиб этиб, хурсанд ёки нимадандир норозилигини шу орқали изҳор қиладиган одат чиқарди.

Бир кун эса мактабдан қайтган Улжамол «Адабиёт дарслиги» катидан озода конверт топди. Юраги кафасдаги қушча мисол безовталаниб кетди. Бармоқлари калтираганича, шундоқ ҳам очик конвертдан бир дона варақни зўрға олди. Ўқиди:

«Улжамолнинг кўзларида толди кўз,
Лабларида ҳаётимдан қолди сўз.
Жонлар ҳалак уни кўрган ҳар кунда,
Айрилиши дард кўзғайди ҳар тунда.
Мурод айтдим охир ўзга чора йўқ:
Орзусига ошно бўлай умрбод,
Лайли экан Мажнун бўлай умрбод.

Жавобини эртага дарсдан сўнг синфда кутаман. Ф.»

У ҳеч нарсага тушунолмади, қайта ўқиди. Яна... Қоғозни ғижимлади. Яна текислади, ўқиди... Тагин... тагин... тагин...

Эртасига дарс охиригача Улжамол минг хил ўйда, минг хил кайфиятда ёнди-ўчди. Феруза каби, Фатҳиддиннинг ҳам таъзирини бериб қўймоқчи бўлди, лекин кўз ўнгига сиймоси келаркан, ўлақолса унга қўл кўтара олмаслигини тани олди. Вақт эса ўжар қалбига қулоқ тутиб имилларди.

Шу вазиятда куннинг ярми ўтди-кетди. Чарх урган ўйлар, танаффус пайтида йигитдан ўзини олиб қочишлар, иложи борица у томонга қарамасликка ҳаракат қилишлардан боши оғриб, тоби қочиб қолди. Оқибат, бешинчи соат бошланишидан олдин, «мен дўхтирга кирмоқчи эдим, дарсдан сўнг сумкамни олиб кетсанг», дея Мавжудага илтимос қилди-да, киши билмас, уйига кетди.

— Ҳа, қалайсиз энди, қочқоқ ойим! — деди унинг сумкасини олиб келган Мавжуда.

— Бошим оғриётганди, — ўзини бемалол кўрсатишга тиришди Улжамол.

— Бошингиз? Эҳтимол, юрагингиздир? Бизни алдамай кўя қолинг!

Улжамол дув кизарди. Дарров атрофига каради: кўчанинг икки томони кимсасиз эди. Ҳолсиз, дарвоза раҳига суянди. Пастки лабини тишлаганича, кўзлари пирпираб осмонга тикилди. Осмон зангори. Кўзини юмди: қаердандир тўрғай сайрапти. Чуқур нафас олди. Йиғлаб юборди. Чопганича уйига кириб кетди. Мавжуда унинг орқасидан юрди.

Ҳовлида ҳеч ким йўқ. Улжамол ичкари уйда тўшакка юзтубан ётганича йигларди.

— Жинни бўлдингми, — деб Мавжуда унинг ёнига чўқди-да, худди катта одамлардай бошини силади. Улжамол бундай муомаладан эриб, шарт турди-да, ўзини дугонасининг кучоғига олди. Тўйиб-тўйиб йиғлади.

— Сумкангни олиб қайтаётсам оркамдан келди. Сени сўради. Кейин ҳам-

масини айтиб берди. Агар йўк деса ўзимни ўзим ўлдираман дейди. Шундай бола-я! — дея Мавжуда гапга тушиб кетди. Улжамол йиғидан тўхтаб, ҳикиллашга ўтганида: «Уф-эй, қани энди Тожиддин ака менга ҳам шунақа деса, ўзим билардим-а,» — деди.

— Қайси? — бор дунёни унутганча қизиксинди Улжамол.

— Сен танитайсан, шахардаги холамнинг ўғли.

— Вой анови, акангнинг тўйида ўйинга тушганми?

— Вуй, кўрганмисан-а! Ўша-ўша, роса зўр ўйнаганди-а?..

Бўлди — қизларнинг ҳасрати бошланиб кетди. Мавжуда Тожиддин акасини таърифлашга, Улжамол ўзида юз бераётган ўзгаришларни гапиришга тушди.

— Уни яхши кўрмайман-у, лекин биронта қиз билан гаплашса ғашим келди, — деди Улжамол.

— Вой ўл, ана шу севганинг-да, — деди Мавжуда.

— Лекин... лекин... халиги, ҳеч у билан... — тутилди Улжамол.

— Нима?

— Халиги бор-у, у билан ўп-иш... ўпишиш, ҳеч...

— Ха, ўл-а, бу кишимни жи-и-м юради десам, балосиз-ку, а? Уни йигитлар ўйлайди.

— Йўк Мавжу, рост, ҳеч жаҳонда одам шундай ҳам яхши кўрадимми?

— Индамай юрган писмиқдан чиқади ҳамма гап! — деди Мавжуда. — Сен аввал ҳа, деб жавоб бергин, кейин ўзи келиб қандай ўпиб кетганини билмай қоласан!

— Ҳечам! — деди Улжамол.

— Бу нима деганинг тағин. Жиннимисан?

— Йўк!

— Нима «йўк?» Унда бечора йигит ўлиб кетаверар экан-да, а? Ичингиз ачимайдими-а?

— Йўк, ўлмасин.

— Ростмана жинни бу, ўлмасин дейди-ю, тағин йўк дейди.

— Ўлмасин, унда мен ҳам ўзимни ўлдираман.

Мавжуда уни эрмаклаб кулди.

— Вой эсим қурсин, сен билан валаклашиб мен ҳам жинни бўлай дебман, — деди бир замон Мавжуда. — Ойим, дарсинг тугаши билан қайтгин, укаларингга қараб турасан, мен Олтинкўлга бориб келаман деганди. Хўп, яхши қол, ҳали мени ойим ўлдиради.

Дарвоза ёнига борганида:

— Айтгандай, Фатҳиддинга нима дейин? — бирдан эслаб қолди у.

— Билмасам, — деди бу.

— Унда, сен ўзингни ўлдирсанг, Улжамол ҳам ўзини ўлдирар экан, деб айтаман, майлими? — шарақлаб қолди Мавжуда.

— Ўзинг биласан.

— Хўп, ўзим билсам гап шу; у ўлса, сен ҳам ўзингни ўлдирасан! — ҳамон кулганича дарвозадан ўтди Мавжуда. Лекин ташқарига чиққач, туриб қолди.

— Сен... қизик... мен... — бирданига тутилиб, рангига қизиллик югурди. Кўчани хавфсираб қузатди. — Сен халиги... ўп... ўпишиш тўғрисида ҳам ўйлар экансан-а, менинг ҳеч хаёлимга келмабди.

— Ҳаҳ, ўла, бор ойинг кутиб қолди, — деди Улжамол.

Мавжудани кузатиб қайтгач, Улжамол уйига кириб, узок ўйланиб ётди. «Фатҳиддин ўзини ўзи ўлдираман деб рост айтдимикин? Ҳазиллашдимикин? Йўк, у рост гапиради, ҳазиллашадиган одати йўк. Қизик, қандай қилиб ўзини ўзи ўлдираркин? Катта каналга ташлаворса керак-да. Э жинни, у ўғил бола-ю, сузишни билади. Пичок билан ўлдирармикин! Уф-эй, Фатҳиддин ўлса, мен ўзимни қандай ўлдираман? Овқат емай кўяман. Одам уч кун овқатланмаса ўлади, дейишади-ю...»

Унинг хаёллари чексиз эди. У жуда кўп нарсаларни ўйлар, шу билан бирга, эртага мактабга борса, Фатҳиддин билан қандай учрашишлари борасида ҳам режалар тузарди.

Аммо эртасига Фатҳиддин мактабда унинг олдига келмади. Гўё ҳеч гап бўлмагандай бемалол юра берди. Дарслар тугаёзди ҳамки, йигитдан садо чикмади.

Аксинча, локайд бўлиб қолгандек эди. Бу Улжамолга алам килди. «Яхши кўрмай қолдимикин? — дея ўйларди у. — Ажаб бўпти, қутулибман!» — дерди-ю, лекин ўзига бўйсунмас бир ўжарлик юрагини ўртарди.

Дарслар тугаб, уйга қайтди. Мактабдан узоқлашганида, йигит ортидан етиб келди.

— Улжамол, сени кузатиб қўйсам майлими? — сўради Фатҳиддин.

— Раҳмат, доим юрган йўлим, мени бўри емайди, — деди Улжамол.

Йигит бундай муомалани кутмаган шекилли, бир оз иккиланиб қолди.

— Эҳтимол, бугун бўри еб кетар, — деди кейин, орани юмшатишга интилиб қулумсираганча.

— Еб кетса, яхши бўларди, жонимга тегди ҳаммаси!

— Унда мен бўри бўламан.

— Сендан бўри чиқмайди.

— Агар сени ейиш керак бўлса — чиқади.

— Ўзи нима хоҳлайсан мендан? Мавжудага айтдим-ку «йўқ!» деб.

— Унга яна бошқа гапни ҳам айтибсан-ку.

— Бошқа ҳеч нарса деганим йўқ!

Қулумсираб турган Фатҳиддин бирдан хушёр тортди.

— У мени алдабди-да, — деди бўшашиб.

— Билмадим, буни бориб ўзидан сўра. Мени холи қўй.

— Йўқ, олдин айт: у ўзини ўлдирса, мен ҳам ўзимни ўлдираман, демардимми?

— Уф-ф, жонимга тегди ҳаммаси! Бор, ё олдинга ўтиб кет, ё орқага қайт!

Агар ҳозир кетмасанг, дод деб юбораман!

Фатҳиддин жойида тўхтаб қолди.

— Мени алдабди-да, — деди йигит, кўзларида мунг пайдо бўлиб. — Сен ростдан ҳам ундай демаганмидинг? У мени аҳмоқ қилибди-да! Ҳозир бориб кунини кўрсатаман!

Улжамол йиғлаб юборди.

— Жонимга тегди ҳаммаси! Бор йўқол! Йўқол!! — деди ва юзини тўсиб, югуриб кетди.

* * *

Улжамол уйига яқинлашаркан, йиғиси босилиб, кўнгли равшан тортиб борди. Фатҳиддиннинг муҳаббатини ички бир туйғу билан англай бошлагач, хафа-ҳоллик шодиёна кайфиятга ўрин бўшатди. Шу йўсин, ҳозир Фатҳиддин Мавжуданинг олдига боришини, дугонасини ёлғончиликда айблаб уришишини, охир-оқибат, йигитнинг ўзи бўш-баёвлик қилиб Улжамол билан гаплаша олмаганини, жаҳли чиққан пайтда унинг юзи қандай тус олганини тасаввурига келтираркан, кайфияти бутунлай кўтарилиб кетди.

«Лекин Фатҳиддин Мавжудани топа олмаса-чи? — хаёлида ногаҳон шу фикр ялт этди. — Анча жаҳли чиқди, Мавжудани топа олмай, тагин ўзини ўзи ўлдириб қўйса-я?!» — кизнинг кўнглига яна ғашлик соя солди.

Уйга келди. Сумкасини қўйиб, усти-бошини алмаштирди. Улбиби энаси билан чорпояда ўтириб чой ичди ҳамки, хаёлида фақат бир нарса: «Фатҳиддин Мавжудани топдими-йўқми?»

— Худойимга шукур, — деб гап бошлади бир пайт энаси. — Мана, яна одамларга имон қайтди: кеча телевизорда кўрсатган кизларни қара, бир чиройли. рўмол ўраб, намоз ўқиняпти. Сен ҳам, отинча кизим, аллақачон шу нарсаларни ўрганишинг керак эди. Эртага, буванг билан мен бу дунёдан ўтиб кетсак, орқамиздан чирогимизни ёкадиган сенлар қоласан. Отанг билан онангни аҳволи бу бўлса, қалима келтиришни ҳам ўргатишмайди. Рухимиз чиркираб, гўримизда тинч ёта оламизмикин? Билиб қўй, ўлганларнинг руҳини чиркиратиш яхшиликка олиб келмайди...

Қампирнинг гапи оғзида қолди. Улжамол ўрнидан туриб, уй ичига кириб кетди.

«Ўлганларнинг руҳини чиркиратиш яхшиликка олиб келмайди», Фатҳиддин Мавжудани топа олмай, ўзини ўзи ўлдириб қўйса-я? У ориятли йигит. Унда унинг руҳини мен чиркиратган бўламанми?! Хаёлига келган ўйдан у бир сесканди. Юраги талвасага тушиб, кимсасиз уй ичига ҳадиксираб кўз югуртирди. Ним

коронгу уйнинг каеридадир рухнинг бир жуфт нигоҳи таъкиб этиб тургандек туюлди. Юраги гусирлаганича, тез ортига қайтиб чикди.

— Менга қара, — деди Улбиби энаси. — Бугун сенга бир нарса бўлдим, худди пулини йўқотган гадойга ўхшаб хаёлинг паришон, у ёққа кирасан, бу ёққа чикасан. Эсар бўлиб қолдинг охирги пайтда, тинчликми? Е бирор жойнинг оғрияптими?

— Йўқ, ўзим... шундай...

— Агар хозир қиладиган ишинг бўлмаса, бор, помилдорининг эгатларини ўт босиб кетибди, юлиб қўйгин. Ҳали буванг анча жавради. Ўзи ҳам келиб қолса керак, тўйга кетгани.

У индамай эгатлар томон кетди. Хаёллар тўзониди, четдаги эгатни оралаб, ўтларни бир-бир юла бошлади.

«Агар Фатҳиддин ўзини-ўзи ўлдирса, унинг ҳам руҳи... «Рухи чирқирайди!» Э, тавба қилдим! Мени сен ўлдирдинг деб келармикин? Арвоҳлар оқ кийимда келади, дейишади. Оқ кийимда! Фатҳиддиннинг кўриниши унда қанақа бўларкин? Менга ташланиб, ўлимимга сабабчи бўлдинг деса-я! Э худо! У ўзини ўлдирса, мен ҳам ўзимни ўлдираман! Овқат емай қўяман, ҳеч ҳам овқатланмайман...»

Шу чоғ Улжамолнинг хаёлларини бўлиб мудҳиш вишиллаш эшитилди. У чўчиб тушди. Эндигина юлмоқчи бўлган ажрик томон каради-ю, сал наридаги илоннинг тухумдай бошини кўрди. Дод солиб, ўрнидан турганича қочди.

— Вой-хай... тагин нима бўлди?! — деди юраги чиқиб кетган Улбиби кампир.

Илон! Илон!! — нафаси бўғзига тикилган Улжамол чорпоя ёнига чопиб келди.

Улбиби кампир «илон» сўзини эшитиб бир қалқди. Нарса ахтариб ёнига аланглади. Лекин ранг-кути ўчган Улжамол чорпояга ўзини таққлади-да, кутилмаганда чап кўксини чангаллаб қолди. Бу ҳол кампирни бутунлай шошириб қўйди.

— Вой!.. Вой!!! Улжамол! Болам!.. — кампир нима қилишини билмай, ўзини йўқотганича неварасининг қўлларини тутди.

— Их... кк... их-кк... ох-ҳ-х! — дерди Улжамол юзлари тиришиб.

Улбиби кампир неварасининг кўлини силаб, «болам, ўзингни қўлга ол, хозир ўтиб кетади, иш буюрган энанг ўлсин-а, болам!» дейишдан нарига ўтолмасди.

Хийладан кейин Улжамолнинг нафас олиши меъёрнга тушди. Кампир пиёлага чой куйиб, неварасининг бошидан тутганича ичишга ундади. Улжамол чойни ютоқиб ичди. Чуқур нафас олди. Бўшашиди. Беҳол, тўшакка чўзилди.

Шу чоғ Тўмиғ чол келиб қолди.

— Ҳах, шунга шунчами, — деди аҳволдан хабар топгач. — Теша сопидай бир олачипор илон пайдо бўлиб қолган, икки ҳафтача бўлди. Одамга зиён қилмайди, яқинига бориб қолган бўлса шунчаки вишиллагандир-да.

— Э худо! — деб юборди Улбиби кампир. — Неварасининг юраги ёрилиб ўлай деяпти-ю, бунинг гапларини қаранглар!

— Неваранг кўркиб кетган бўлса, жонивор айбдор эмас-ку. Қолаверса, у ҳам худонинг бир яратгани.

— Э-э, сизга гап топиб бўларканми, доим сиз ҳақсиз. Хозир ўзим бориб ўша зоримандани кетмон билан чопиб тапшамасамми, юрган эканман шу пайтгача! — кампир кетмон излаб нари кетаркан, чоли ортидан гапириб қолди:

— Гуноҳга ботиб нима қиласан, қўйсанг-чи юраверсин.

Улжамол ўша куни кечгача чорпоядан тура олмади. Вақти-вақти билан юрагини худди кимдир чангалида тутиб тургандек, қисиб-қисиб қўяётгандек азобларди. Оғрикдан қутулаётган дамларда хаёллар қуршовга оларди. Эндигина унутилаётган оғрик хаёллар таъсирида зўраяр, чап кўксига гусир-гусир безовталик пайдо бўлиб, нафаси бўғзига тикилар, юкорида — коронгулик қўйнига ўзини топшираётган узум сўритоклари орасида оқ кийимдаги арвоҳ бунни бемалол кузатиб, унинг оғриқларига тагин-да оғрик қўшарди.

* * *

Эртасига эрталаб ранги-рўйи бир аҳволда кўзлари кизарган, вужудида дармон йўқ Улжамол мактабга отланди.

— Бугунча бормай қўявер, — деди Улбиби кампир.

Ўўк, бугун иншо ёзамиз, – деди Улжамол.

Бораверсин, бироз кўнгли ёзилади. Ётган касал ҳеч қачон тузалмаган, деди Тўмиғ чол.

Бувасининг гапи тўғри чиқди. Кўчада кетаркан, у ўзини тобора яхши ҳис қила борди. Айниқса, кадрдон синфни, у ердаги ўн йилдан буён ўрганиб кетган таниш чехраларни кўрганнда, кизнинг юзларига яна кизиллик югурди.

Лекин ҳали дарслар бошланмасидан олдин мудҳиш фалокатдан дарак берувчи совук хабар эшитилди.

Болалар, Фатҳиддин ўлиб қолибди! — деди Сожида синфга отилиб кетаркан.

Ҳамма унга ялт этиб қаради..

«Ўзини ўлдирган!» -- чакмоқдек ўй келди Улжамолнинг хаёлига. Партага бўшашиб чўқди-ю, бехосдан тоқ урган одамдек сесканди: «У мени деб ўзини-ўзи ўлдирган!»

Киз даст ўрнидан турди-ю, ҳаммани ҳайрон қолдириб, синфдан чошиб чиқиб кетди.

Кўчада шуурсиз кетиб бораркан, «энди албатта ўлганим керак!» дерди ўзига ўзи.

Уйга етиб келганида вужудни ловулар, боши оғирлашиб, нуқул гувилларди. Ховлида ҳеч ким кўринмади. У ичкари уйга кириб ўзини тўшакка ташлади. Ёйлади. Узок йиғлади. Сўнг ўша кўзларни кўрди. Кейин йиғит намоён бўлди. У имлаб овоз берди. Овозини аниқ эшитди. Кўзлари ярқ этиб очилиб кетди. Уй ичига кўз югуртирди: ёлғиз ўзи нимқоронғи хонада ётибди. Кўзи илдидими? Ҳеч нарсага тушуна олмади. Бадашни аввалгидан баттар ловуллаяпти, бошини каттик оғрияпти, пешонасида реза-реза тер.

Шу замон кўчадан кимнингдир овози эшитилди. У ихтиёрсиз қулоқ тутди:

.. Ёвбосар аканиқига жанозага-а-а!

Киз бир қалқди. Ўрнидан туриб кетди.

Бўлиши мумкин эмас! Мен уни кўришим керак!..

Олдинга бир кадам ташлади. Кўзи тиниб, гандирақлади. Деворга суянди. Айни чоғ чан кўксини ўткир бармоқлар кечагидек чангаллади.

Оғриқ босилгунча кўзларини юмиб, тишини-тишига кўйиб турди. Сўнг, нафас ростлаб, деворни ушлаган кўйи ташқарига юрди.

«Уни кўришим керак!.. Уни кўришим керак!..» хаёлида фақат шу сўзлар чарх урарди.

У кўчадан чиқаверишда нариги маҳалладан келаётган жарчинни учратди.

.. Ёвбосар аканиқига жанозага-а-а-а! -- дея бакирарди велосипедли киши.

Улжамол бир сесканди. Сергакланди. Оёқларига дармон кирди, чошиб кетди..

Ёвбосар гўшкеттаникига бориб, баҳмал ёпилган тобутларини ўз кўзи билан кўргач, у аммасининг ёрдамида уйга келди-ю, аҳволи баттар ёмонлашди. Тасаввурида оқ чойшаб ёпинган арвоҳ ва совук илонлар айкаш-уйқаш ҳужумга ўтди. Ўша машъум темир «бармоқлар» яна юрагини қисншга тушди. Энди ҳар сафаргидан ёмонроқ эди. Жуда ёмон, аёвсиз қисди! У қочмоқчи бўлди. Бакирди-чакирди. Оёқ-кўллари измига бўйсунмади. Овози бўғилиб, жисмига бевафоллик қилди. Икки кун арвоҳ ва илонларнинг совук башаралари қуршовида вужудни хокитуроб қолиб кетди.

Икки кун азоб! Тасаввурига келганки нарса -- азоб! Ҳали ўн гулдан бир гул очилмаган бир хилқат ахийри азобларга таслим бўлди!

* * *

Чўғол эса бу пайтда туман касалхонасига кириб борарди.

Касалхонага кираверишдаги қоровул бўлинимасида уч киши бор эди: ранги ўчган стол ёнида ўрта ёшлардаги киши билан бир йиғит шахмат ўйнар, нарироқдаги тахта қаравотда ёши етмишлардаги чол чалканча ётарди. Чўғол салом бераркан, чол ўрнидан турди, қўл бериб сўрашди. Сигарет тутатаётган шахматчиларнинг катта ёшдагиси ҳам ўрнидан туриб кўришди.

— Уйшундан келяпмиз, дўхтир керак эди, кисталоқ тилпон ишламасан, деди Чўғол.

— Тинчликми? — сўради чол.

— Қизимизнинг тоби қочиб қолиб... шунга.

— Унда ҳов анови бинога кирасиз, — дея чол очик дераза орқали кўрсатди.

— Ундан биринчи эшикни очсангиз, дўхтир ўтирибди. Ўша кишига учрайсиз.

— Киргани билан бефойда, барибир ҳеч қаёққа бора олмаймиз, бензин йўқ.

— деб шу замоно орага гап қўшди пахмоқсоч йигит, шахматдан кўз узмай. Чўғол ҳайрон, тўхтади.

— Ха энди, аввал бир кириб кўрсин-чи, — деди чол. — Дўхтир бир нима дер, узокдан овора бўлиб келибди.

— Жа-а, бир қизиқ одамсиз-да, Усмон тоға, — тўнғиллади йигит. — Қоровуллингизни қилиб жи-им ўтирмайсизми? Нима қиласиз сизга алоқаси йўқ ишларга аралашиб?

— Ие-е, хали шунақами? Хой, қани кўтар-чи бу ердан тарақа-турукингини!

Чик! Хэ-э, сендақа инсофини булғайдиганни... Чик-чик! Бу ер қоровулхона, шофёрмисан, бор машинангда ўтир! Келади — нонни еб, чойни ичиб, тагин менга тўнғиллаши ортикча бунни, қани чик!

— Одамгарчилик ҳам... — гапирмоққа чоғланди йигит.

— Нима-нима?! Одамгарчилик?! — унинг гапини бўлди қоровул. — Ҳамма гапирса ҳам сен бу тўғрида жим турганинг тўзук эди. Мана, — Чўғолни кўрсатди, — мана, қани шу инсонга бир одамгарчилик қилгин, кўрайлик! Агар бу бечора болаларининг ризқини қийиб ўн сўм бермаса, одамгарчилик қилармикансан-а! Ҳеч қимга бир тийинлик фойданг тегмайди-ю, тагин одамгарчилик дейсан-а. Қани, чик бу ердан!

— Оғзингизга қараб гапиринг-э!

— Чик-чик, кейин мен оғзимга қараб гапираман! Эрталаб тўғри райкомнинг олдига қираман, қани, сўраб кўрай-чи, касалхонанинг машинасига нимага ёғ берилмаяпти экан!..

Чўғол вақтни ўтказмаслик учун дўхтир хонаси томон кетди. Лекин у жойда ҳам қутилмаган ҳолнинг устидан чикди. Қоровул айтган эшикни топди-ю, қишлоқ одамларига хос одат билан тақиллатмай, шунчаки томоқ қириб ичкарига кирди. Не ажаб: шундоқ рўпарада иккаласи ҳам оқ халатда бўлган эркак билан аёл бир-бирларига қанишиб туришарди. Улар қирувчини сезиб тез ажралишаркан, аёл гандирақлаб кетди-да, ўтириб қолди.

— Э-э! — деб Чўғол шошиб орқасига қайтди.

Ҳиёл ўтгач, эркак йўлакка чикди. Бу — қирк беш ёшлардаги тепакал, қўнғиз мўйловли одам эди.

— Қизимиз касал бўлиб қолувди... шунга келувдим, — деди Чўғол.

— Қаердан келдингиз?

— Уйшундан.

— Қизингиз неча ёшда?

— Ўн саккизга қирипти.

— Нима бўлди?

— Шу... ўзидан ўзи оғирлашиб, ётиб қолди.

— Бугун тоби қочдимми?

— Икки кун бўлди.

— Қаери оғрипти?

— Ха... шу... — Чўғол нима дейишини билмай қолди. — Ҳамма ери.

— Ҳм-м...

— Ҳозир жуда оғир ётибди, бормасангиз бўлмайди, дўхтир.

— Бориш-у, қочмас, лекин... лекин мен бу ерни ташлаб кетолмайман-да, деди қўнғиз мўйлов.

— Энди бормасангиз... жуда оғир-да, — деркан, «ха-а баччағар, ўйнашинг яққа қолади-да!» дея ичида уни сўқди Чўғол.

— Ҳозир шундай қилсак, мен сизга керакли дориларни бераман, бир амаллаб турасизлар, эрталаб бориб кўрамиз, зарур бўлса, касалхонага олиб келамиз.

— Агар касал оғир бўлмаганида кечаси шундан-шуёққа келмасдим, дўхтир, илтимос.

— Илтимос қилманг, барибир иложим йўк. Мен касалхонани ўз холига ташлаб кета олмайман. Дўхтир боришни жуда-жуда хоҳлаётган бўлсангиз «тез ёрдам»да одам бор, аслида чакирикка ўша юради, шу билан боришингиз мумкин. Яна бирор соатлардан кейин келиб қолади. Ҳозир касал кўргани кетган.

— Қаерга?

— «Ленин йўли»га. Хўш, нима киласиз, кутасизми?

— Энди, дўхтир, ўзингиз дарров бориб келардингиз...

— Э, гапга тушунмайдиган одам экансизу, а! Битта қизингизни деб бу ердаги юзга касални ташлаб кетишга ҳаққим йўк.

— Мотоциклда «Ленин йўли» колхозига борсаммикин энди, касал жа оғирда, дўхтир.

— Сизга айтдим-ку, у касал кўргани кетган, агар касал бизга тўғри келмаса, шаҳарга олиб кетишлари ҳам мумкин. Тагин ўзингиз биласиз. Майли, ўйлаб кўринг. Агар кутаман десангиз, қоровулхонага бориб ўтириб туринг, ўша томондан келади.

У қоровулхонага қайтиб борди. Энди бояги чолнинг якка ўзи ўтирарди. Чўғолнинг нега қайтганини эшитгач:

— Ана, булар ҳаммаси имондан қайтган имонсизлар! — деди бўғилиб. Сўнг, «Эртаманганча кутасиз бунақа ўтиришда, — дея давом этди. — «Тез ёрдам»нинг дўхтири Ҳамиджон деган йигит. Ҳали туш пайтида гаплашгандик, бош дўхтир билан орамиз ёмонлашиб қолди, бугун акам ўғлини уйлантиряпти, шундай кунда ҳам навбатчиликдан бўшатмаяпти, деб нолиганди. Ҳозир сиз билан гаплашган ўша имонсизни ўз ўрнига илтимос қилиб қолдириб кетган. Қирганингизда ўзи якка эканми?

— Йўк, бир аёл билан...

— Падарлаънати! Ҳали кўрасиз, халқнинг уволи тутади буларни! Қизидан ҳам кичик ўша мегажин! Кўряпсизми буларни...

Чўғол ортик чидаб тура олмади. Шарт ўрнидан туриб дўхтир хонаси томон кетди.

— Каттиқрок гапириб, пўписа қилмасангиз унамайди. Е пул бериб кўринг, бешиқда буларнинг танглайини пул билан кўтаришган, — деганича қолди чол.

У индамади. Бинога кираркан, пичоғини қинидан суғурди. Эшикка яқинлашганида зарб билан тепди. Хонада бу сафар кўнғиз мўйловнинг бир ўзи ўтирарди. Қандайдир қоғозларни титкилаётган экан, буни кўрди-ю, қотиб қолди. Пичокка кўзи тушганида, ирғиб ўрнидан турди.

— Ҳозир, ҳозир борамиз, — деб шошилганча зарур анжомларини йиғиштира бошлади. — Ҳозир... ҳозир, мана, кетдик, — деди-ю, Чўғолга яқинлашишга юраги бетламай, жойида туриб қолди.

— Олдимга туш, — буюрди Чўғол. Сўнг орқама-кетин йўлга тушишди.

— Шопирни чакириб олайлик, — деди дўхтир ташқарига чиққанларида қоровулхона томонга қараб.

— Тўғрига юр, шопиринг машинада! — деди Чўғол.

Ҳақиқатан ҳам «ёш шахматчи» «тез ёрдам» нинг ўриндигида мизғиётган экан. Кўнғизмўйлов туртганди, кўзини очди. Пастга тушаркан, Чўғолни кўриб қолди.

— Қадамбой ака, биласиз-ку, бензин йўк, — деди ҳафсаласи пир бўлиб.

— Йўк, борасан, қани бормагин-чи, нақ кекиртагингни узиб ташлайман! — Чўғол пичоғини ҳайдовчининг бўғзига қадади. — Қани, ҳайда машинангни! Бўлмаса, яшашдан умид қилма, аблаҳ! Ҳайда деяпман!!

— Хўп-хўп, — хирқиради кўзлари ола-кула бўлган ҳайдовчи.

Чўғол ҳайдовчининг ёнига, врач орқага жойлашишди.

— Менга қара, — деди у «тез ёрдам» ҳайдовчисига. — Огоҳлантириб кўяй, агар сал ножўя ҳаракат қилсанг, сениям дўхтирингниям молдай бўғизлаб ташлайман! Қани ҳайда, етиб боргунимизча сенларнинг бахтингга қизим омон бўлсин, йўқса, барибир сўйиб ташлайман! Бўл тез!

Жўнашди.

Езнинг ўша туни жуда гўзал эди. Юлдузлар чарақлар, тўлин ой сахийлик билан мўл-кўл ёғду улашар, роҳатбахш шабада майин эсар, чигирткалар чирил-лаб, қурбақалар қуриллаб, ҳаводан райҳон иси анқирди...

Езнинг ўша тунида бир одам пичок тутамлаб, «тез ёрдам» да борарди...

Езнинг ўша тунида ўн олтидан ўтгану ўн етига етмаган бир киз сўлган, шахло кўзларининг нури сўниб, ҳаёт билан видолашганди...

Езнинг ўша тунида яна бир кимса ўз ташвиши билан уйғок. бозорга олиб бораман, деб памилдори териш билан овора эди.

Ҳа, Евбосар гўшкетти болалари ўлганининг учунчи куни, ярим тунда, томорқасини оралаб памилдори терарди.

«Ким нима деса деяверсин, — ўйларди у. — Гапиришгани билан менга битта нон бериб қўйишармиди. Бу жонивор кўчатларнинг ҳар бири эрта баҳорда фалон пулдан тушган. Уч мингтаси олти юз сўмга келган. Қизаришини кўргунча ичкаларим узилиб кетди-ку. Мана энди, қўлга пул тегадиган пайтда, бозорда бир килосининг нархи от билан туянинг баҳосига чикканида, сотилмаса увол бўлади! Пешонада бор экан, кўргулик экан — ўладиганлар ўлиб кетди, энди тирикларни ўйлаш керак. Ҳали ўлимликнинг ўзига пул кетади. Маърақаси, йигирмаси, кирки, пайшанбалари, ҳайитлари... вой-вўй, буларни ўтказишнинг ўзи бўладими! Мана, тайёр пул, бир тоғорасини олиб борсанг ярим соатда бўшатасан. Ўша миш-миш таркатадиганларнинг биронтаси шу олтига боламни икки кун бока олармикин? Йўқ, уларнинг қурби факат гап-сўзга етади. Тинмай меҳнат қилганим учун кам бўлганим йўқ: «Газ-24» бор, иккита сўким, иккита сигир, саккизта қўй боқувда. Буларни ким менга текинга беради? Отам нима мерос қолдириб кетганди: ўн сотих ер, битта тор ҳужра, холос. Ҳозир-чи, ўттиз икки сотих томорқа, бу томонда қасрга ўхшаган уйлар. Ҳэ-э, ўзи бўладими? Аммо, падарлаънатиларнинг ҳеч бири менга тортмади. Агар гапимга кирганида иккаласи ҳам ҳозир тирик юришарди. Айтдим-а, молларни қўйиб юборгач, бекор турмай беда ўришгин, бир боғи уйга келсаям ҳарна, деб. Тўнғиллади, ўрок билан этакни ташлаб кетди, мана оқибати: ўзини ҳам, сингисини ҳам бошига етди. Қўча ўртасида ухлашга бало бормиди? Мен бундайлик пайтимда тегирмондан тирик чиқардим...»

Челак тўлиб колди. Уни тўккани кетаркан, ёшлигидан меҳнатга берилган дамларини ўйлаб кетди.

Саккиз ёшлигида уй тикловчи уста Мамажон бужурга шогирд тушганди. Чилла совуғига саратон жазирамасига қарамай итдай ишлашарди. Евбосарга гўшкетти лақабини ҳам шу уста қўйганди.

Қолхознинг катталаридан бири, Олим буғолтирникида молхона тиклашаётганди. Қолхозчилардан беш-олти киши ишдан озод, буларга ёрдамчи этиб тайинланган. Устанинг кўрсатмаси бўйича ҳамма иш билан машғул. Евбосар гўн-ларни бир жойга тўпларди.

— Вой-бўй, бу йил суварак йилими, уста, мана буларни кўпайганини каранг, — деди у, гўнг остидан ёпирилиб чиккан ҳашаротларга ишора қилиб.

— Суваракни туси қора бўлади, булар — кулранг-ку. Буларни гўшкетти дейишади. Ўзи гўнгда юрса ҳам, ейиши гўшт бўларакан ярамасларнинг, — деди уста. Бироз туриб эса: — Қизик, шулар худди сен баччафарга ўхшайдида, — дея гапида давом этди. — Гўнгда яшашида-ю, емиши гўшт бўлади.

— Худди ўзи, худди ўзи! — дейишди атрофда турганлар хахолаб қулишаркан.. — Буни ўзи гўшкетти десак ҳам бўларкан. Евбосар гўшкетти, ва-ха-ха-хо!!!

— Унда гўшкетти эмас, гўшт еди дейиш керак, тўғри келади, — деди биров.

— Йўқ-йўқ, бу гўшкетти деган сўзнинг тагида ҳам ўзига яраша маъноси бор, — деб эътироз билдирди уста. — Қабристон дарвозаси ёнида шу ярамасларнинг биттаси доимо пойлоқчилик қиларкан. Одамлар жасад солинган тобутни кўтариб ичкари кириб кетиши ҳамона, шерикларига жар соларкан: гўшкетти-ёв, келавер, гўшкетти, деб.

— Унда шогирдингизга ўхшамас экан, уста, — гап ташлади кимдир.

— Бу факат ўзимга бўлсин дейдиган хилидан.

— Тўғри, бу томони ўхшамайди. Евбосар ёрилиб ўлса ўладики, би-

ровни шерик қилмайди. Фақат бошқа томонлари бор — ўхшайдиган. Нима кўринса, уйига ташийди, эртасига ҳеч нарса билмагандек судралиб, бечораҳол, ишга келади. Бунинг шу судралиб юриши жуда-жуда гўшкеттига ўхшайди-да, э тавба қилдим. Оламни сув босяпти экан, деб ҳамма ваҳимага тушса, одамлар андармон пайтда нимани ўмариб қолсам экан-а, дея бунинг кўзи чаноғидан чикиб туради. Одам ҳам шунчалик бўладими? Отанг раҳматли бунақа эмасди, хайронман, сен ўзи кимга тортдинг?

Устанинг бу гапларидан одамлар хахолаб кулиб юборишганди. Шу-шу ҳазил-ҳазил билан гўшкетти дейдиган бўлишган ва кейинчалик бу лақаб муқим қолганди.

Ўша пайтлар хаёлига келаркан, Евбосар гўшкетти ҳар доимгидай ўзини овутирди:

«Ана, Мамажон бужур ҳам, ўша куни хахолаб қулганлар ҳам на бир арава орттиришди, на бир тузикроқ ҳовли-жой. Қаллани ишлатиш керак. Билиш керак, қайси пайтда қандай пул топишни. Мана ҳозир ўлимга қараб, ўшандай одамларнинг оғзига қараб истиҳола қилганимда, пулдан қолардим» — дея ўйларди у.

Нихоят ишини тугатди. Памилдориларни тоғорага жойлаб, «ГАЗ-24» нинг юкхонасига солди. Лекин бундай қолдирса, эртага биронтаси кўриб қолиши, кейин ҳар хил гап-сўз тарқашни мумкин, деб бозорга яқин жойда яшовчи таниш бир олиб-сотарга памилдорини килограммига бир сўмдан камроқ олиб, бериб келишни афзал топди. Шу ўйда йўлга отланди.

Қишлоқ уйқуда, кўча кимсасиз, ҳеч ким кўрмаётганидан хурсанд эди. Нариги маҳаллага ўтганида чироқларини баралла ёққан қандайдир машинанинг тўхтаб турганини кўрди. Евбосар гўшкетти истамайгина сигнал берди. Машина кимирламади. У яна сигнал чалмоқчи эди, туйқусдан аёлларнинг бўзлашини эшитиб қолди. Эътибор бериб, йиғи Чўғолнинг уйидан чиқаётганини англади. Машинадан тушди. Қўлини соябон қилиб, машинанинг «тез ёрдам» эканлигини кўрди. Яқинлашди-ю, у ердаги манзарадан юраги орқага тортиб кетди. Кабинанинг чап томондаги эшиги ланг очилиб, боши пастга осилганча оқ халатдаги врач ўлиб ётарди. Хайдовчи эса тепага қараб бақрайиб қолибди.

— Ҳой ука, тинчликми? Нима бўлди? — деди у хайдовчига. Лекин йигит индамади. Шунда эътибор бериб хайдовчининг қок бўйнидан бўғизланганини кўриб қолди. Даҳшатдан жойида қотди.

— Ҳа-а!!! Мана, яна кимни ўлдиришим керак!!!

Ногаҳонда биров унинг орқасидан бакириб қолди. Шарт қайриларкан, Чўғолни кўрди.

Ёқик қолган машина чироқлари Чўғолнинг бўғриқиб кетган юзини, пичоқ чангаллаган қонли қўлини яққол ёритиб турарди.

— Ҳа-э... э... тинч-ликми? Вой, Чўғолбой, сизмисиз? — деди Евбосар гўшкетти, тиззаларидан мадор кетиб.

— Қизим ўлди! Уни сен ўлдирдинг!

— Э тавба қилдим! Нега?! Ҳой, шошманг!!!

— Йўк, мен шошяпман!

Чўғол пичоқни ўқталганича Евбосар гўшкеттига қараб юрди.

— Э-э, шош... шошмасангиз...

— Йўк! Сен ифлоссан! Сен ҳам ўласан!

Евбосар гўшкетти тез бурилдию қочди. Чўғол бакирганича ортидан югурди. Евбосар гўшкетти бутун кучини оёқларига берди.

Тўхта! Барибир ўлдираман!..

Чўғол югурарди, бакирарди. Бакирарди, югурарди.

Ёзининг ўша бетинч окшомида икки киши — бири қочиб, бири қувиб Уйшун ота ғорига бориб қолишди. Жон сакловчининг кўзига ғорнинг қаърида нимадир порлаб ётгандай туюлди. У ўзини ғор ичига ураркан, белидаги чорсиси билан бошидаги дўпписини ечиб чеккага отди. Ҳарсиллаганича, юзидаги терларни сидириб, тиззадан сув кечиб ўша ёққа интилди.

Қувиб келувчи унинг ортидан яқинлашаркан, ғорнинг тубида баркашдек тўлин ой нур сочаётганини кўрди. Баркашнинг берироғида эса қора соя ҳаллослаб унга интилмоқда. У хайкирганча, қаҳр билан қора соянинг изидан кетди...

Эртасига дўппидек қишлоғимиз етти иқлимга гап-сўз бўлди. Кечасиёқ етиб келган масъул кишилар ўргатилган ит билан Чўғолни излаб боришди. Лекин ғор оғзидан бир белбоғ билан дўппини топишди, холос. Ит ғорга киролмабди. Врачни, «тез ёрдам» ҳайдовчисини ва Улжамолнинг жасадини олиб кетишди.

Тушдан сўнг яна масъуллар келишди. Яна ғорга боришди. Қишлоқ аҳли тўплашиб, ортидан эргашдик. Қизик, ғордан сув чикмай кўйганди.

— Нега сув чикмай колди? — сўради шляпа кийган одам ўша ердаги навбатчидан.

— Билмасам, — деди навбатчи.

Сўнг икки киши қуролларини шайлаб, бошқаси чўнтак чирокни ёқиб, ичкари кириб кетишди. Анча вақтдан кейин юзлари бўғриқиб, сочлари хурпайиб, курук қайтиб чиқишди.

— Ичкарида жуда кучли шамол бўляпти, канча кирсак, шунча кучайяпти, — деди ғордан чиққанлардан бири.

Кейин улар юрган йўлларини қоғозга чиза бошлашди. Хиёл чизишгач, бири шу йўлдан ўннга юрдик деса, бошқаси йўқ, чапга деди. Анча тортишишгач, аллақандай кинғир-кийшик чизиклар ҳосил қилишди. Чизикларга қараб кўпчилик маслаҳатлашишди. Яна икки киши аввалгидек ғорга кириб кетишди...

Шу кунни улар уч маротаба овора бўлишди. Тўртинчи маротаба кўплашиб кирамиз деб туришганида, ғордан гувиллаб шамол чиқа бошлади. Ярим соат, бир соат кутишди, шамол тўхтамади. Энди ичкарига кириш бефойда эканлигини ҳамма тушунди.

Ортга қайтарканмиз, Улжамолнинг дафн маросимига айтиб келаётган велосипедли ҳамқишлоғимизга дуч келдик.

— Улимидан олдин аммасига илтимос қилибди, Ёвбосар гўшкетнинг ўғлининг ёнига кўминглар деб, — деган гапни эшитдик жанозага борганимизда...

— Бошимнинг остига мана буни кўшиб кўминглар деб, тўрт букланган қоғозниям берибди... — деди яна кимдир.

Кўйингки, бу ва яна бошқа шунга ўхшаш гап-сўзлар ўша кунни тинмади. Умуман, бутун ёз давомида турли миш-мишларни эшитавердик. Чўғол ва Ёвбосар гўшкеттини ахтариб Уйшун ота ғорига яна бир неча маротаба кирмоқчи бўлишди, лекин шамол тағин панд берди.

Куз келди. Уйшун ота ғори ҳақидаги миш-мишлар эскириб, одамлар хаёт ташвишларига ўралиб, барча воқеаларни эсдан чиқарай деб турган бир пайтда, тағин қизик гаплар тарқади. Эмишки, қишлоқдаги келинчакларнинг ҳаммаси ўрик гулига бошқоронғу бўлаётганмиш. Куз келди — ўрик аллақачон пишиб бўлган.

Баногоҳ, одамларнинг хаёлига ғор оғзида ўсган, кишин-ёзин барқ уриб, пушти рангда гуллаб турувчи ва ҳали ханузгача ҳеч қачон мева тугмаган дарахт келди. Ҳамқишлоқлар Уйшун ота ғорига томон шошилдилар, бироқ энди у ерда дарахтдан ном-нишон топишолмади.

Андижон



Абдулла Шер

ТОҚАТИМНИНГ БУ

СОКИН ШАМИ

* * *

Ўша кенглик, ўшадир осмон,
Сой оқади фақат жилдираб.
Нураётган кўҳна тегирмон
Сўппайганча турар ҳилвираб.

Бари ўша: ҳар эрта қуёш
Шудринглардан думалаб ўтар.
Тегирмонга умр берган тош
Алафзорда юмалаб ётар.

Тушларида чўмилиб паррак
Неча йилки, яшар қовжираб.
Келиб қолмиш бу ерга эртак
Мозийлардан гўё довдираб.

Мен чорлайман қўйиб овозни,
Овози йўқ болалигимни.
Алафзорда учратиб ёзни
Сўроқлайман лолалигимни.

Нураб борар тегирмон эса,
Тоши йироқ, чирикдир дўли.
Ёза бошлар бир мунглуғ қисса
Хотиротнинг титраган қўли...

1989

Абдулла Шер — таниқли шоир. «Кўк-лам табассуми», «Алёр», «Атиргул сояси», «Роз», «Қуз ҳилоли», «Қадимий куй» сингари шеърӣ китобларнинг муаллифи. Шоир шеърларига хос хусусият — фикрнинг охорлилигида, мантикнинг лўндалигида, ташбеҳларнинг фавқулоддалигида, туйғуларнинг зичлигида намоён бўлади.

Ижодкорнинг Шарқ ва Ғарб шоирлари асарларидан қилган ўғирмалари ҳам сизга яхши таниш.

Абдулла Шер ижодининг яна бир қирраси бор. Бу — салафларнинг меросига бўлган ихлос. Улар хусусидаги кузатув. Шунинг натижаси: сўнгги пайтларда, унинг бу сирада бир қатор назарий ҳамда маърифий мақолалари юзага келди.

Абдулла Шер 50 ёшга тўлди. Ижодкорни ойнома жамоаси ва муштарийлари номидан қутлаб, хукмингизга янги шеърларидан намуналар ҳавола этмоқдамиз.

ТАХРИРИЯТ

* * *
Шамоллар уйғониб қоқ ярим тунда
Қарағай шохларин чалади сўзон.
Машшоққа кумушлар сочади шунда
Тўлин ой ўртигин суриб ногаҳон.

Борлиқни тинглаб, мен, ташлайман одим,
Овозсиз кезаман ўрмонда сайрон.
Жарангсиз судралар сенсиз ҳаётим —
Гўё кўнғирокдан ажраган карвон.

Ялта, 1990

* * *
Нега мунча мен тийдим ўзни,
Нега мунча қийнадим Сўзни?!
Бугун бориб ёнгинангга, мен,
Бир Сўз айтай жонгинангга, мен.
Бу Сўзни мен қуёшга отдим,
Жаранглади шунда нур тегиб.
Бу Сўзни мен ҳилолга отдим,
Сутга чайди ҳилол қад эгиб.
Илиб олдим дилим билан сўнг...
... Нега мунча, айт, тийдим ўзни,
Нега мунча қийнадим Сўзни?!

Балиққа ўхшайди ўжар ҳаётинг,
Бир куни қирғоққа ўзни отасан.
Қонталаш бўлару кумуш қанотинг,
Питирлаб, зўриқиб қумга ботасан.

Сен унга ишониб сакрайсан кўкка
Ва сувга тушасан, ниҳоят, мана.
Яна тўлқинларга боқасан тикка,
Қонталаш қанотга жон битар яна.

Оғзингни очасан нафас етмасдан,
Бу ҳаво бўғади сени мисли дуд.
Шу маҳал тепангда нари кетмасдан
Қуёшни тўсади бир парча булут.

Раҳмдил оқ булут яшасин бекам,
Бор бўлсин ҳамиша мовий самода
Ва яна яшасин сўнгни сакраш ҳам,
Қуму сув ўртаси — кўҳна дунёда!

Дўрмон, 1993

* * *
Ёмғирдан ҳўл этақларини
Йиғиштириб ололмади қиш.
Шафтолининг куртақларини
Савалайди ёчирлатиб тиш.

Шудгор бўйлаб жимирлар кўккам,
Жимирлайди яшарган жаҳон.
Қулоғимга шивирлар кўккам,
Эниб келаб пойимга осмон.

Алам қилар февралга, алам
Илинжлари чиқди-ку йўққа!
Парво қилмай чопади кўккам
Ранг улашиб замину кўкка.

Ният қилиб экдим мен гуллар,
Жон титрасин титроқларидан.
Самандарга айлансин қўллар,
Юракнусха япроқларидан...

Дўрмон, 1993

* * *
Сен ростдан ҳам келдингми, Ҳумо,
Барно қушим, бахти қаро қуш?!
Кўзларингда сайрар бир дунё —
Бирам хомуш, бирам фаромуш!

Қуюқлашар нечун тобора
Овозингда жигарнинг ранги?
Хомуш дунё бўлсин юз пора,
Бизни чорлар офтоб жаранги.

Қанотларинг ўша-ўшами,
Қандай уздинг, қушим, тузоқни?!
Тоқатимнинг бу сокин шами
Еритдими шунча узоқни?!

Ғамгин хотир достонин ёпиб,
Қўлингни бер, турайлик, қара.
Қара, баҳор боради чопиб,
Кел, қувайлик, етолсак зора!

* * *
Мен ёзлардан сени изладим,
Саратонда кутдим сарғайиб.
Айтгил, дедим, айт, деб бўзладим,
Менда бўлса агар зарра айб.

Мен кузлардан сени изладим,
Сунбулада ботдим қировга.
Адирларда танҳо кузладим,
Арз қилмадим ҳатто оловга.

Мен қишлардан сени изладим,
Жон-жонимдан ўтди изғирин.
Неча терлаб, неча музладим,
Ташламадинг аммо кўз қиринг.

Навбахорга чиққанда, охир,
Ҳасрат қилдим жажжи куртакка.
Куртак кулиб очдию бағир,
Олиб кетди мени эртакка.

Дўрмон, 1993

* * *
Тўнтарилиб титрайди из-из,
Қор кўрмасдан занглаган чана.
Яна кутдим, яна тикдим кўз,
Келаман деб келмадинг яна.

Уймалашиб қора бўлутлар,
Ғажиб ётар мовий осмонни.
Бу шалоббо, бу ҳўл худудлар,
Қурилади, эзиб дармонни.


Андухлардан кўкрагим тўлиб,
Чайқаламан сиғмай ўзимга.
Юрагимни иккига бўлиб,
Улашаман икки кўзимга.

Оҳ, ураман мен яна, яна:
«Бир кўрсайдим, қучсайдим битта!..»
Қор кўрмасдан занглаган чана
Тўнтарилиб йиғлайди четда...

Дўрмон, 1993



ИЗОҲ СИЗДАН...



Виктор Илюхин

ҚАТАҒОН

«Узбек иши» деб аталмиш ҳаром гапни ўйлаб топган ва ўн мингларча бегуноҳ кишиларни қамоқларда азоблаган, кўпларни бундай ваҳшиёна зулмга чидолмай ўзини ўлдиришга мажбур қилган, Ўзбекистон бошига 37-йиллар фожиасини солган ман-фур Гдлян ва Ивановлар адолатли суд олдида, қолаверса ўзбек халқи олдида жавоб бериши шарт.

Гдлян тўдасининг ваҳшийликлари

...1990 йил бошларига келиб кўп масалалар биз учун ойдинлашиб қолган эди. Биз Гдлян гуруҳи терговни қонунчиликка риоя қилмай, кўпол равишдаги қонунбузарликлар билан олиб борганлигига қатъий ишонч ҳосил қилдик. Бунинг натижасида уларнинг айби билан жуда кўп бегуноҳ шахслар судга берилганлигини аниқладик. Афсуски, уларнинг баъзилари устидан ҳукм чиқарилган бўлиб, аллақачон қамоқхоналарда жа-зо муддатини ўтар эдилар.

Биз фақат қонунбузарликларни аниқлабгина қолмай, шу билан бирга ҳуқуққа қар-ши, тергов олиб боришнинг Берия давридаги садизмни эслатадиган жинояткорона усул-ларнинг бутун бошли силсиласини очиб ташлашга муваффақ бўлдик. Мен гдлянчилар терговини 30—50-йиллардаги терговлар билан яққол солиштириб кўриш имкониятига эга эдим. Чунки 1989—1991 йилларда бошқармамиз ўша даҳшатли йилларнинг айб-сиз қурбонларини оқлаш ишлари билан, айниқса фаол шуғулланаётган эди. Деярли ҳар куни менинг столимга даста-даста НКВД ишларини келтириб қўйишарди. Бу иш-ларга, ҳукмларга, «учлик комиссияси» қарорларига, алоҳида кенгашлар ва бошқа шун-га ўхшашлар чиқарган ҳукмларга тайёрланган протест-норозилик ҳужжатлари илова қилинарди. Баъзан менинг хаёлимдан кишини ҳайратга соладиган фикрлар кечар эди. Хаёлимдан, Гдлян атайин мана шундай нотўғри усулларни ўрганиб чиққанми, ёки ҳеч қандай назоратсиз шароитда, Ўзбекистонда иш олиб борганлиги учун ҳам шундай бўлдимикан, деган фикрлар кечарди.

Мен гуруҳдаги барча терговчиларнинг юзларига қора чапламоқчи эмасман. Йўқ, асло. Бу ерда гап қонунбузарликка йўл қўйган кичик бир гуруҳ ҳақида боради. Булар Гдлян билан Ивановга яқин бўлган ўн-ўн беш кишидан иборат терговчилардир. Лекин мана шу кичик тўда Ўзбекистонда иш олиб борган олти йил мобайнида ўзининг сурбет-лиги, шафқатсизлиги билан ўнлаб ва юзлаб кишилар бошига беқиёс қайғу-алам ва фало-катлар солди. Бу ерда қуруқ гап бўлмаслиги учун мен ўз фикр-мулоҳазаларимни, ўзим чиқарган хулосаларимни далиллар билан, гувоҳликлар билан ва бошқа тергов маълумотлари билан изчил равишда исботлаб боришга ҳаракат қиламан.

Мана, масалан, ўша олти йил мобайнида Гдлян ва унинг командаси деярли 200 ки-шини ушлаб ҳибсга олиш тўғрисида қарорлар чиқарган. Шулардан 64 киши порахўрлик учун, қолганлари эса бошқа ҳар хил жиноятлар учун ва асосан «жиноий йўллар билан топилган бойликларни сақлаганлиги учун» ҳибсга олинган.

Бевосита Гдлян ва Иванов томонидан 15 та жиноий иш судларга жўнатилган. Шу иш-лар бўйича фақат 31 киши устидан ҳукм чиқарилган. Кўзғатилган тўртта ишни қайта қўшимча тергов қилиш учун уларнинг ўзларига қайтариб беришганида, бу ишларни ик-кинчи марта судга оширишга асос топилмаган.

Гдлян ҳали ишлаб юрган вақтларидаёқ, у жўнатган ишлар бўйича суд ҳибсда сақланаётган Ўзбекистон ички ишлар вазирининг ўринбосари Қаҳрамоновни ҳамда Қарши шаҳар саноат моллари савдо идорасининг директори Ғойиповни оқлаб, қамоқдан озод қилади.

Гдляни ишдан озод қилиш пайтигача унинг терговчиларидан бошқа терговчилар қўлига олиб берилган ишлар бўйича ҳали яна 29 киши ҳибсда сақланаётган эди. Кейинчалик улардан фақат 14 кишигина айбдор деб топilib, судланади, қолганларининг айбсизлиги тан олиниб, улар бутунлай оқландилар. Суд ҳукми билан қамалган яна бир неча шахс устидан чиқарилган ҳукмлар кассация тарзидаги ва назорат тартибидеги текширишлар натижасида бекор қилинди. Шундай қилиб порахўрлик учун қамалган кишилардан 25 киши, яъни деярли ҳар икки кишининг бири 1991 йилнинг биринчи сентябрга қадар бутунлай оқланади. Айбсиз кишилар 7—9 ойдан 3—7 йилгача ҳибсда сақланган. Масалан, Қаҳрамонов 3 йилу 3 ой турма камерасида ётди. Унинг ҳаммаси милиция генерали А. Муҳаммадиев 2 йилу 2 ой, милиция майори Видодил Иззатов 7 йил, авиация отрядининг командири Арслон Рўзметов 3 йилу 9 ой ва яна 21 кун турмада ётишган. Навоий вилоятининг ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Тўра Ҳайитов ҳеч қандай айбсиз 3 йилдан кўпроқ ҳибсда сақланади. Ана шу вақт ичида унинг хотини вафот этади, бироқ терговчилар унга марҳум билан видолашиб келиш имконини бермайдилар. Аёлининг ўлими тўғрисида Ҳайитовга орадан бир йил ўтгач айтишади. Ҳайитов озод қилинганч, ҳувиллаб ётган уйига келади. Барноев Мақсудга ҳам ўз отасининг дафн маросимида қатнашишга рухсат бермайдилар. Отаси ўлган куни у ҳам қонсуз равишда ҳибсда сақланаётган эди.

Инсоний фожиалар, одамларнинг тақдири ўша кезларда Гдлян ва унинг тева-рагида ишлаган терговчиларни мутлақо ташвишга солмайди. Улар одамларга ўта кибру ҳаво, нафрат ва аламзадалик билан муносабатда бўлишар эди. Улар ўзларича ҳар қандай кишини эгиб, букиб, ўзимиз истаган шаклга келтира оламиз дея ўйлашарди.

Олиб борган тафтишларимиз давомида гдлянчилар зулмининг яна бир айбсиз қурбонлари рўйхатини тузишги тўғри келди. Бу рўйхатда юздан ортиқ кишиларнинг исм-шарифлари рақам қилинган бўлиб, терговчилар уларни порахўрлик учун қамоққа олинган шахсларнинг бойликлари қаерда сақланаётганлиги тўғрисида зўрлик билан ахборот олиш, баъзан гувоҳлик беришга мажбур қилиш мақсадида қамаб қўйган эдилар. Гдлян уларнинг неча киши эканлигини санаб ҳам ўтирмасди, унинг учун бу кишилар тақдири писта пўчоғидек арзимас нарса эди. Ҳолбуки, уларнинг кўпчилиги 9 ойлаб ва ундан ҳам кўпроқ муддат мобайнида ҳибсда сақландилар. Уларга нисбатан қўзғатил-

*

ЎЗБЕКИСТОНГА, ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ

80-йилларнинг ўрталарида «ўзбек иши» деган гап тарқалди. Аввал республикамизда, кейин собиқ СССРда ва ниҳоят, бутун дунёда шов-шув бўлган «ўзбек иши» халқимизни жумла жаҳон олдига шарманда қилди. Гдлян ва Иванов бошчилигидаги бир гуруҳ «ҳуқуқшунослар» мана шу туҳматомуз ибора билан бутун бошли халқни «қўшиб ёзувчига» чиқардилар.

Ўзбекистонда қўшиб ёзишлар, планни ошириб кўрсатишлар бўлганми-ди? Бўлган эди! Аммо бундай иллат фақат Ўзбекистонда эмас, бутун мамлакатда авж олган эди. Камчаткадаги буғулар боши пландагидан анча камроқ эканлиги, Қозоғистонда қўй сурувлари берилган ахборотдагига нисбатан анча озроқ эканлиги маълум эди. Ўша пайтларда бир-биридан антиқа латифалар пайдо бўлганди. Эмишки, арман коньяги Париждаги кўр-газмага олиб борилибди. Нима учундир уч юлдузли коньяк мукофотга сазовор бўлибди-ю, беш юлдузлиси одамларга ёқмабди. Коньяк ишлаб чиқарувчилардан бунинг сабабини сўрашганида, улар ҳайрон бўлиб елка қисибдилар. «Билмаймиз, иккаласи битта бочкадан қуйилган эди-ку». Шундай қилиб, қўшиб ёзишлар Арманистонда ҳам, Гуржистонда ҳам, бошқа жойларда ҳам Ўзбекистондагидан кам бўлмаган.

Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб ўтказилган кечада Ўзбекистон президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов «ўзбек иши» баҳонасида марказ Ўзбекистонни полигонга айлантирди, гуноҳкорлар қатори минглаб беғуноҳ одамлар ҳам азият чекди, деб куюниб гапиргани бежиз эмас. Президентимиз шу йил май ойида «Труд» газетасининг муҳбири билан қилинган суҳбатда ҳам бу мавзуга қайтиб. «СССРнинг қоқ маркази — Москвада қўшиб ёзиш бошқа жойлардагидан кам бўлмаган» деб қатъий қилиб айтганида, тамомила ҳақли эди.

*

ган жиноят ишларининг бирортаси ҳам судга жўнатилмаган. Бунинг устига терговчилар ўзлари амалга оширган қонунсизликларни яшириш учун ўша кишиларни қамоққа олиш билан боғлиқ бўлган маълумотларни ҳужжатлар ичидан йиртиб олиб, йўқ қилиб ташлашарди. Бундай яширин ҳужжатлар сақланадиган жойларни Гдлянчи терговчиларнинг ўзлари «ўра» деб аташарди. Биз ана шу «ўра»ни узоқ вақт қовлаш натижасида у ердан топилган ҳужжатлар асосида одамларга ўтказилган зулм «манзара»сини тиклашга муваффақ бўлдик.

1984 йилнинг августида Бухоро вилояти партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби Каримов порахўрлик учун қамоққа олинган, кейин эса суд қилиб кесилган эди. Лекин, ўша вақтда яна бир қанча кишилар, шу жумладан суд ҳам Каримов иши бўйича яна 23 киши ушланганлигини ва қамаб қўйилганлигини, улардан олти киши бевосита Иванов чиқарган қарорлар бўйича қамалганлигини билмас эди. Камол, Анора ва Муҳиддин Саидовлар, Маҳмуджон Камолов, Баходир Каримов ва Лола Каримовалар 5—6 ойдан ортиқ ҳибсда сақландилар. Уларни ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар кейинчалик ҳужжатлар орасидан чиқариб ташланган ва суддан яширилган. Беш йил ва ундан кўпроқ вақт мобайнида одамлар айбдор ҳисобланиб, улардан яшаб турган жойидан ҳеч қаёққа кетмаслик тўғрисида тилхатлар олинган. Мана шу ўтган бутун давр мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишга жалб этилиши ва ҳаракатга келтирилиши борасида Гдлян ҳеч қандай қарор қабул қилмаган. Орадан 5 йил ўтиб собиқ махбус, энди эса озодликда бўлган кишиларни гувоҳ сифатида биз чақириб, улар билан суҳбатлашган вақтимизда бу кишилар ҳайратдан ёқа ушлаб, шундай дедилар: «Йўқ, йўқ, айбланувчи деган тамға ҳали-ҳануз бизнинг бўйнимиздан олиб ташлангани йўқ. Нега десангиз, бизга шундай айбни қўйишга қўйдилар, лекин ҳеч ким уни биздан олиб ташлагани йўқ, шу сабабли биз ҳозиргача айбланувчилармиз». Улар ҳақ эдилар. Фақат 1990 йилга келиб биз бу кишиларни батамом озод қилдик, улардан айблов тамғасини олиб ташладик ва натижада ҳаммаларининг покиза номлари тикланди.

Гдлян фаолиятидаги биз аниқлаган қонунбузарликларни қоралаш ўрнига, уни ҳимоя қилувчилар ҳам топилиб қолди. Улар: «Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади-да!» — деган нақлни пеш қилиб гдлянчиларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатларини ҳаспўшламоқчи бўладилар. Хўш, бу ишларнинг ҳўли қайси-ю, қуруғи қайси? Келинг, қўйидаги маълумот ва рақамлар хусусида бир бош қотириб кўрайлик: гдлянчилар деярли 200 кишини ушлаб ҳибсга олишга, обдан текширилгандан кейин шуларнинг 40 нафардан сал кўпроғи айбдор деб топилган. Ана энди Гдлян ўт қўйган ўрмонда қанча қуруқ ёғоч ёнгану, унга қўшилиб қанчадан-қанча кўм-кўк яшнаб турган нораства тақдирлар нобуд



Буни қарангки, марказдан келган жазо отряди Ўзбекистондаги барча табақаларни порахўр деб ҳисоблар эди. Улар бу ўлкада ҳамма бир-бирига пора беради, ҳамма бир-биридан пора олади, деб қатъият билан айтишар, марказий матбуот эса бу гапларни баттар шишириб, дунёга дoston қилар эди. Албатта, порахўрлар ҳамма жойда бўлиши мумкин. Бироқ уни бир халқнинг иллатига айлантириш ўша халққа нисбатан жиноятқорона тўхматдир. Лениннинг кўп йиллар дастуриламал бўлиб келган жилд-жилд китобларини ўқиб кўринг. «Бу лаънати мамлакатда пора бермасанг ишинг битмайди», деган жумла қайта-қайта таъкидланган. Собиқ доҳий бу гапни Ўзбекистон ҳақида айтмаган шекилли? Гоголь «Ревизор» асарида Туркистондаги эмас, Россиядаги порахўрликни фош қилган шекилли? Лев Толстой «Тирилиш» романида Ўзбекистон эмас, Россиянинг ҳуқуқ-тартибот органларидаги порахўрликдан азият чекиб ёзмаганми? Фозилбекнинг «Дукчи эшон воқеаси» асари «Шарқ юлдузи»да эълон қилинган. Ушбу асарда ғалати гап бор. Минора қулаб тушиб, бир қанча бола нобуд бўлади. Шунда ишни текшириш учун оқпошишо олий ҳазратларининг тўралари ташриф буюрадилар. Фозилбек бу манзарани шундай тасвирлайди. «Тўралар ҳалоққа кириб тўйиб чиқди шекилли, ошга ҳам турмасдан жўнаб қолди». Ушанда ҳалажойга кириб пора олган тўралар генерал губернаторнинг вакиллари эди.

Шундай экан, бутун бошли халқни порахўрликда айблашдан олдин марказнинг ўзи ҳам уёқ-буёғига қараб олса ёмон бўлмасди.

КПСС XXVIII съездида мен ҳам делегат бўлиб борган эдим. «Ўзбек иши» туфайли кўплаб беғуноҳ одамлар азият чекаётгани, бу хунрезликни тугатиш вақти етганини сўраб шахсан Горбачевга Ўзбекистон делегатлари бир неча марта мурожаат қилдилар. Жавоб бўлмаганидан кейин танаффус пайтида Горбачевнинг олдига бориб ўша саволни яна такрорладик. Мамлакат бошлиғи ҳеч нимани эшитмагандек илжайиб қўяқолди.

Марказнинг Ўзбекистонга муносабати қандай эканлиги Орол масаласида ҳам аниқ кўринди. Оролни қўтқариб қолиш муаммосини программага



бўлганини айтиш қийин эмас. Аслини олганда гдлянчилар қуруқ ёғочларни эмас, балки юзлаб кишиларнинг яшнаб турган умр дарахтини хазонларга буркаган жиноятчилардир.

Хўш, бундай ишлар 30-йиллардаги қатағонларни эслатмайдими? Бу ҳақиқатнинг разилона бузилиши, тергов маъносининг ва бутун адолат ишининг таҳқирланиши эмасми?

Ҳар бир хатти-ҳаракатнинг, ҳар бир хулқ-атворнинг ҳам ўз сабаблари бўлади. Гдлянчилар гуруҳи амалга оширган оммавий қатағонлар ҳам шунчаки бесабаб бўлма-са керак. Бизнингча, уларнинг ҳам ўз изоҳи бор. Кўп ҳолларда одамларни қонунсиз равишда ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш сингари ярамас усуллар ёрдамида терговчилар ўз қўлларидаги ишлар учун керакли бўлган маълумотларни тўплашга уринганлар. Бегуноҳ кишиларни ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилганлар. Шу тариқа сунъий равишда жуда кўп сохта далиллар «асоси» вужудга келтирилган. Бу — юзлаб беайб кишиларга нисбатан даҳшатли руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказиш эди. Бундай усулнинг қўлланиши натижасида худди 30-йиллардаги сингари ота-оналар ўз болаларининг «айбини очиш»га, болалар эса ота-оналарини «фош қилиш»га мажбур этилдилар. Манфур ва олчоқ гдлянчилар бу ишларнинг барчасини мажбурий гувоҳлик беришга қарши қонунлар, ман этувчи қоидаларнинг ҳаммасини оёқ ости қилган ҳолда амалга оширдилар.

Собиқ иттифоқдош республикаларнинг барчасидаги жиноят процессуал кодексларида сўроқ қилаётган ёки дастлабки тергов олиб бораётган шахс томонидан дўқ қилиш ёки бошқа ноқонуний йўл билан гувоҳлик беришга мажбур қилинганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи нормалар белгилаб қўйилган. Бундай хатти-ҳаракатлар учун, масалан Ўзбекистон жиноят кодекси бўйича икки йилгача, айбни оғирлаштирадиган ҳолларда эса 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар бунга куч ишлатиш ёки сўроқ қилинаётган шахс устидан ҳақорат қилиш ҳам қўшилган бўлса, у ҳолда айбдор шахслар беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланадилар...

Гдлян билан Иванов, шунингдек демократик муҳитдаги уларнинг ҳимоячилари, жанжал-тўполон чиқишининг олдини олишга ҳаракат қилиб, ғоят шубҳали фикр-мулоҳазаларни ўйлаб топдилар. Улар одамларнинг қонунсиз равишда кўплаб ҳибсга олинишида, шунингдек процессуал нормаларнинг бузилиши ва зўравонликка йўл қўйилган бошқа ҳолларда бу икки «қаҳрамон»нинг ҳеч қандай алоқаси йўқ деб исботламоқчи бўлдилар. Улар хатоларни рад этмаган ҳолда мазкур хатоларни бошқа терговчи-

—*

киритиш таклиф қилинганда мазкур таклиф ўтмади. Шунда Горбачевнинг ёнида ўтирган И. А. Каримов шартта ўрнидан туриб Президиумдан тузиб кетди. Ўзбекистон делегациясининг катта қисми ҳам залдан чиқиб кетди. Марказ бунга эътибор ҳам бергани йўқ. Негаки, Москва учун ўзбекнинг пахтаси, олтини, пилласи, мева-чеваси, ерости бойликлари керак эди. Орол қуриб кетадими, ер заҳарга тўлиб кетадими, болалар сариқ касалига чалиниб қурилиб кетадими — бунинг аҳамияти йўқ эди.

Гдлян ва Ивановлар гуруҳи Ўзбекистонда қилган зуғуми етмаганидек, марказий нашрларда Гдляннинг «чексиз қаҳрамонликларини» тасвирловчи қанчадан-қанча китоблар босилиб чиқди. Уларда яна ўша гап таъкидланар эди: Ўзбекистон бошдан-охиригача чириб кетган мамлакат. Уни фақат жазолаш керак!

Худого шукр, Москва адлиячилари орасида оқни оқ, қорани қора дейишга қодир одамлар ҳам бор экан. СССР прокуратурасининг масъул ходими Виктор Илюхин «ўзбек иши» бўйича узоқ текширишлар олиб бориб, ҳақиқатни тасвирловчи китоб ёзди. «Қабоҳат ёхуд...» деб номланган ушбу китоб Ўзбекистон нашриётида чоп этилди. Бунинг учун муаллифга ҳам, нашриётга ҳам ташаккур билдириш керак. Ойномамизда бу китобдан бир қанча обларни эълон қилар эканмиз, яна ўша машъум манзараларни эслашга тўғри келади. «Ўзбек иши» айна қутурган паллада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша пайтдаги биринчи котиби И. Б. Усмонхўжаев ёзувчилар билан учрашувда бизнинг республикамизда қўшиб ёзиш ва порахўрлик авж олиб кетгани туфайли йигирма уч минг киши қамоққа олинганини айтган эди. Менимча, ўшанда Иномжон Бузруквич бу гапларнинг чин эканлигига ишонгандек кўринади. Фақат бир нарса ҳам қизиқ, ҳам ачинарли. Бу киши орадан кўп ўтмай ўзи ҳам қамоққа тегилишини, минг бир хил турли азобларга дучор бўлишини, унга кўз кўриб қулоқ эшитмаган шантажлар қилинишини ўйлаганмикин? Гдлянчиларнинг иш услуби муттасил ҳақорат, руҳий ва жисмоний азоб бериш, тухмат, дўқ-пўпасалардан иборат бўлди. Виктор Илюхин очикдан-очик!

*

лар қилганлар, Гдлян билан Ивановнинг бунга сира алоқаси йўқ,— деб кўрсатмоқчи бўлдилар. Бу гаплар шу қадар асоссиз эдики, уларни беихтиёр қум устига қурилайётган иморатга ўхшатасан киши. Бизнинг тергов маълумотларимиз айбсиз кишиларга жабр-зулм ўтказганлиги учун Гдлян билан Иванов тўла жавобгарликка тортилиши кераклигини ишончли далиллар билан кўрсатиб беради. Чунки улар шахсан ўзлари чиқарган қарорлар асосида одамларни озодликдан маҳрум қилдилар. Уларнинг шахсан ўзлари тергов олиб боришнинг ваҳшиёна усулларини ўйлаб топдилар ва бу усулларни жорий этишга рухсат бердилар. Бу масалада ҳам мен жуда кўп далилларга, хусусан, терговчиларнинг гувоҳликларига асосланган ҳолда иш кўраман. Мана, қуйида улар берган гувоҳликдан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Иброҳимов: «Ҳар қандай шахсни ҳам фақат Гдлян ва Иванов розилик берганларидан кейингина ушлаб келардилар ёки ҳибсга олиб қамар эдилар...»

Абдурахимов: «Ҳа, ҳақиқатан ҳам биз ҳар бир ишни СССР Прокуратураси гуруҳининг раҳбари Т. Х. Гдлян ва Н. Ивановнинг бевосита кўрсатмалари билан амалга оширдик. Бойликларни ўз ихтиёри билан кўнгилли равишда бизга келтириб берган шахсларни ушлаб келиш тўғрисида ҳам улар кўрсатма беришарди. Ушлаб келтирилган шахсларни қамаб қўйиш тўғрисида ҳам бизларга шахсан улар томонидан кўрсатма берилар эди».

Мамедов А: «Пора берган кишилар, харидор ҳақига хиёнат қилган, ўғирлик қилган шахсларга нисбатан жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорлар фақат икки киши томонидан, Гдлян билан Иванов томонидан қабул қилинарди. Қамаб қўйиш, ушлаб келиш масалаларини ҳам улар иккаласи ҳал қилар эди. Биз, терговчилар бирор бир масалани ўзимизча мустақим ҳал қила олмасдик. Биз Гдлян ва Иванов ҳузурига келиб, ўз фикр-мулоҳазаларимизни уларга билдиришимиз мумкин эди, холос».

Кравченко В: «Ушлаб келиш ва ҳибсга олиш — бу фақат Гдлян билан Ивановларгина қабул қилиши мумкин бўлган қарор асосида амалга ошириладиган ишлар эди. Шунга қўшимча қилиб айтмоқчиманки, Гдлян билан Ивановнинг фикрича қонунда кўзда тутилган тинтув қилиш, пул ва бошқа бойликларни тортиб олиш ҳамда бойликларларни сақлашда айбдор бўлган кишиларни фош этадиган ҳужжатларни тўплаш билан овора бўлиб ўтирмай, балки ноқонуний бўлса ҳам осон йўлдан фойдаланиш керак эди. Улар энг самарали усул — бу одамларни ушлаб келиш ва қамаб қўйиш деб ҳисоблардилар... Шундай ҳоллар ҳам бўлар эдики, айбланувчилар ўз қариндош-уруғларини чақиб берар эдилар, улар шундай оғир шароитларга солиб қўйилар эдики, бошқа йўл тутишнинг иложи қолмасди. Улар аслида ҳеч қачон бўлмаган миллион-миллион сўмлик бойликларини қайтариб ҳам бера олмасдилар».

✱

ёзганидек, бу усуллар 37-йилларни эслатади. Баъзи ҳолларда қутурган терговчилар ўша пайтагидан ҳам ёмонроқ зулм қилишган. Улар пахта нималигини мутлақо билмаса ҳам, пахтада ишлайдиган деҳқоннинг не азоблар билан меҳнат қилиши етти ухлаб тушига кирмаган бўлса ҳам ўзбекнинг нозик жойини яхши англаб етганлар. Энг қалтис пайтда энг «таъсирли» усулни ишга солганлар: «Ҳозир болаларингни қамоққа тикамиз, рецидивистлар хотинингни зўрлайди, қизингни бадном қилади, сен эса эшикдан томоша қилиб турасан!» Эҳтимол, бундай беномус терговчилар учун хотини ёки қизининг ким билан ётиши унчалик аҳамиятли эмасдир. Лекин ўзбек бундай хўрликка чидай олмайди. Бундан кўра ўзига ўзи туҳмат қилиб хоҳлаган ҳужжатга имзо чекади.

Китобда хўрлик ва зўрликларга чидолмай ўзини ёлдирган маҳбуслар номма-ном айтилган. Шундайлардан бири шахсан Гдляннинг қурбони бўлган. Гдляннинг жирканчилиги ва юрсизлигини қарангки, мазкур масала текширилайётганида гўё Маҳмуджон исми йигит азбаройи терговчини яхши кўргани учун ўзини ёлдирганини исботлашга уринади. Гўё ўша кунни Гдлян «сен яхши йигит экансан, гуноҳинг йўқ экан, майли, уйингга кетавер», деган. Йигит бугунча шу ерда қолмоқчи эканини, Гдлянни чин дилдан ҳурмат қилишини айтган ва нима учундир ўзини деразадан ташлаб ёлдирган. Гдляннинг айтиши бўйича, йигит азбаройи қувониб кетганидан ўзини деразадан ташлаб юборган эмиш. Айтинг, шу гапга қайси аҳмоқ ишонади? Нима, Гдлян ҳаммани шунчалик гўл деб ўйлайдими?

Китобда яна бир воқеа бутун тафсилоти билан тасвирланган.

Пирцхалава деган терговчи, айниқса, ашадий бўлган. У кўлига тушган одамларни аёвсиз ҳақоратлаган, ваҳшийларча савалаган. Бу шахс Гдляннинг энг суюкли шогирди бўлган ва унинг ёрдамида амал пиллапояларидан шиддат билан кўтарилиб борган. СССР прокуратураси «ўзбек иши» масаласини қайтадан кўриб, Пирцхалавани қамоққа олиш ҳақида ҳукм чиқарганида Гуржистондан хат ва телеграммалар ёғилиб кетган. Гдлян ва Пирцхалаваларни ҳимоя қилувчи махсус гуруҳлар тузилган. Охир-

✱

...Гдлянчилар гуруҳи Ўзбекистонда «ҳамма пора олади ва ҳамма пора беради», деб ҳисоблар эди. Улар айна шу фикрдан келиб чиқиб, ҳар бир одамга ахборот манбаи деб қарашар ва ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам ундан ўша ахборотни суғуриб олишга ҳаракат қилишар эди. Айбсиз фуқароларни кўплаб ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш усули ҳам худди мана шундай назария асосида қурилган эди. Улар тахминан қуйидаги қоида асосида ишлар эди: «Қўлингдаги терговчилик шамширини ўнгга ҳам, чапга ҳам сермаб боравер, охири кимгадир тегади. Бу ерда ҳамма жиноятчи, шунинг учун сенинг хатти-ҳаракатларинг барибир тўғри бўлиб чиқади ва оқланади». Улар шу даражадаги тубанликка етиб боришган эдики, натижада бутун бир халқни жиноятчи деб эълон қилдилар.

Худди ана шундай разил назариянинг муттасил амалга ошириб борилганлигини бугун гдлянчилар фаолиятининг тафтиши исбот қилиб турибди. Бу тафтиш терговчиларнинг хатти-ҳаракатларидан, уларнинг хулқ-атворидан батафсил маълумот бера олади. Ўзбекистон Олий суди томонидан оқланган Ҳикматов бундай тергов усулига шахсан ўзи гувоҳ бўлган. Мана, у қандай кўрсатма беради: «Терговчи Иванов менга бундай деди: «Сиз Ельцин билан Жабборовга пора бермаган бўлсангиз ҳам, пора берганман, деб қўл қўйиб беринг. Ўзбекларнинг ҳаммаси порахўр эканлиги бизга яхши маълум».

Рад жавобини олгач, Иванов яна ўз гапини маъқуллаб бундай деди: «Биз судни ҳам мажбур қиламиз. Судлар биз нима десак шуни қилади. Биз И. Б. Усмонхўжаев ва О. У. Салимовни қамоққа олдик, улар энг олий жазога ҳукм қилинадилар. Биз улардан истаган одамга қарши гувоҳлик беришни талаб қиладиган бўлсак, улар бундай гувоҳликни берадилар. Суд Каримов, Қудратов, Музаффаровларни отишга ҳукм қилган эди, лекин улар бизга керак кишилар эди, шунинг учун биз уларни отишдан сақлаб қолдик. Улар олдида сен ким бўлибсан, бор-йўғи битта райкомнинг биринчи котибсан-да, яқин орада биз ҳатто Кремлда ўтирган кишиларни ҳам қамоққа оламиз. Агар сен ҳозир бизнинг айтганимизни қилмасанг, сени қип-яланғоч қилиб ечинтирамиз ва бутун Совет Иттифоқи бўйлаб сазойи қиламиз. Болаларинг билан бирга сени турмада чиритишади. Ёки сенга энг олий жазо беришларига эришаман. Сен ҳали бизнинг совунимизга кир ювмабсан, бизларни билганингда эди, бошқача одам бўлиб қолардинг».

Улар томонидан тўқиб чиқарилган яна бир назария бундан ҳам баттар, бундан ҳам ваҳшийроқ садистлик назарияси эди. Унинг маъноси шундан иборат эдики, бирор лавозимда ўтирган шахс «юқори»га пора бергани тўғрисида ёлгон гапиришга қийнаб мажбур қилинар эди. Қийноқлар азобидан эзилиб, жонидан тўйиб кетган маҳбус ҳар қандай гувоҳлик беришга рози бўларди. Гдлянчилар тилхат мазмунини айтиб турарди, маҳбус ёзар эди. Шундай пайтларда улар ўзлари мўлжалга олган кишиларнинг исми-шарифларини айтишар ва ҳатто ўша шахсга неча сўм миқдорда пора берилганлиги тўғрисида ёлгонни ҳам тўқиб ташлашарди. Бундай вақтларда, албатта катта миқдордаги сумма айтиларди. Шу тариқа, Гдлян жуда катта бир пирамида тузишга, битта катта занжирга ҳаммани маҳкам боғлашга уринарди. Бу занжирнинг ҳалқалари колхозлар,

✱

оқибат Грузия Олий Кенгаши миллий низо чиқиб кетиши мумкин, деган баҳона билан уни қамоқдан бўшатиб юборишни талаб қилиб хат ёзган. В. Илюхин йринли савол қўяди. Гуржи халқи халқ бўлганда, ўзбек халқи халқ эмасми, нима учун бундай хунрезликларга томошабин бўлиб турди, деб сўрайди. Бу саволни биз ҳам ўзимизга беришимиз мумкин. Биз нима учун бунчалик лоқайдмиз? Уша пайтда ўзбек халқига нисбатан зулм бўлаётганини кўра-била туриб, нима учун депутатлар, Олий Кенгаш аъзолари, меҳнат жамоалари марказга мурожаат қилмади? Пирцхалава терговдан қочиб юриб, охир-оқибат депутат бўлади ва адолатли жазодан қутулиб қолади. Тағин савол туғилади. Гдлянчилар нима учун Ўзбекистон депутатларини ҳе йўқ-бе йўқ қамоққа тиқаверган? Ўзбекистон учун қонун бошқа-ю, ўзга республикалар учун бошқамиди?

Мана шу армонли саволларни ўйлаганда хаёлимга бир фикр келади. Гдлянчилар бошқа «иш» эмас, айнан «ўзбек иши» деган манфур юмушни бажарганда масаланинг кўп томонларини ҳисобга олган кўринади. Биринчидан, Ўзбекистон марказий Осийдаги энг нуфузли республика. Ўзбекистон ер билан яқсон этилса бошқа жумҳуриятлар ҳам қўрқиб қолади... Империя сиёсатининг навбатдаги ўйини... Иккинчидан, ўзбек халқи ювош, лоқайд... Устига-устак ҳа деганда қатиги ивий қолмайди. Тасаввур қилинг, «ўрис иши», «украин» ёки «арман иши», «молдован» ёки «гуржи иши» деган гап чиқса қандай «томошалар» бошланмас эди!

Москвада бўлган ўша съезддаги тармоқ мажлисида минг машақатлар билан сўз олиб шуларни гапирганимда, «ўзбек иши» ижодкорлари бутун бошли халқни бадном қилибгина қолмай, шўро армиясида хизмат қилаётган йигитларимизнинг ўлимига ҳам сабабчи бўлаётганини, «икки юзиччи»

✱

совхозлар, участкалар, фермалардан бошланиб, охири «Кремлгача» борар эди. Бунинг учун аввал назария пайдо бўлар, схемалар ишлаб чиқилар, кейин эса шунга яраша зарур бўлган «далиллар» тўплашга киришиллар, энг сўнггида эса ўз тахминларини исбот қилишга уринардилар. Бунинг учун одамларни лавозими бўйича хаёлан сафга тизиб чиқишарди-да, энг даҳшатли воситалардан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, тергов маълумотларини сохталаштириб, айбсиз одамларни қамоққа олиб, ўз мақсадларини амалга ошираддилар.

...Бу хилдаги беҳисоб далиллашлар тўғрисида Қосим Нуриимбетов муфассал гапириб берган эди. Чунончи у шундай ҳикоя қилади: «Менга Гдлян кимга қанча пора берганлигим ва кимдан қанча пора олганлигимни айтиб турди, мен бу гапларни аризамга ёза бошладим. Бу тахминан шундай содир бўларди. Гдлян мендан районимизга юқори ташкилотларда ишлайдиган раҳбарлардан кимлар келганини сўраб оларди. Мен уларнинг номларини айтганимдан кейин у мени ўша кишиларга пора берганман, деб ёзишга мажбур қилар эди...»

С. Князов эса бу борада қуйидагиларни маълум қилди: «Хонага Иванов кириб келди ва қатъий оҳангда бундай деди: «СССР Бош Прокурори номига ариза ёз. Аризанг-да ўз қўл остингдаги камида 45—47 кишидан 500 минг сўмга яқин пора олганман, деб ёзасан, шунингдек, унда камида 12—15 эпизодни «юқорига» нисбатан ёзасан, улар ичида Осетров, Орлов, Абдуллаева, Ишков ва бошқалар бўлсин», деб буюрди...»

Тергов олиб боришнинг ваҳшиёна усуллари ашаддий тус олиб борар эди. Масалан, бирор кишини ё пора олишда ёки пора беришда айблаб қамоққа олишар, у эса ўз айбини бўйнига олмас, ёлғон маълумот беришни сира истамас эди. Шундай вақтларда унга ўз ўжарлиги билан оиласини, бутун қариндош-уруғларининг ҳаётини хавф остида қолдираётганлигини эслатиб туришарди. Ҳибсга олинган киши чурқ этмай, ёлғон гапирмай туришда давом этавергач, терговчилар дўқ-пўписадан амалий ишга ўтишарди. Турма камераларида ҳибсга олинган кишининг энг яқин қариндош-уруғлари пайдо бўлар эди.

Баъзан болаларни ота-оналари ётган камерага қўшни бўлган хоналарга жойлаштиришарди. Улар бир-бирларининг изтиробини сезиб туришлари учун атайин шундай йўл тутилар эди. Бу орқали шафқатсиз жаллодлар ота-оналик ва қариндош-уруғчилик ҳис-туйғуларидан ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланар эдилар.

Терговда ҳеч қандай маълумот бермайдиган камгап кишиларга уларни қамоққа олиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўрсатишарди. Хотин, бола-чақаларини прокуратурага, ДХКга, милицияга қандай олиб келинганлиги суратга туширилган видоёзувларни намойиш қилиб кўрсатардилар. Гап орасида уларни соқчилар олиб келишаётганини айтиб қўйишарди. Кейин эса гўё тасодифан шундай бўлгандек, тасаввур пайдо қилиб, турма йўлагига ота билан ўғилни, тергов изоляторлари кабинетларида она билан қизни атайин учраштириб қўйишарди. Ва яна ўз айбини бўйнига олмай турган кишига бундай мурожаат қилишарди: «Мана, кўраяпсанми, сен айбни бўйнингга олишни хоҳламаяпсан ва биз сенинг болаларингни, хотинингни қамаб қўйишга мажбур бўлмоқдамиз. Сен улар-

✱

юклар — темир тобутлар Афғонистондангина эмас, Совет Иттифоқининг ичкарасидан ҳам ёғилиб келаётганини, ҳамма ерда ўзбекларга «босмачи», «порахўр» деб таъна тоши отилаётганини айтганимда марказдагилар «нима деяпсан?» деб сўрамади. Бу гаплар КПСС XXVIII съездининг стенограммаларида қайд этилди, холос.

Гдлянчилар ўзбеклар ҳаммаси миллионер, улар қоп-қоп пул устида ухлайди, деб дунёга дoston қилишган, ҳатто Гдлян СССР Олий Кенгашининг мажлисларидан бирида Ўзбекистондан 140 миллион сўм пул топдик, деб мақтанган. Кейинчалик «100» рақами негадир тушиб қолиб, 40 миллион сўм устида гап кетган. Бироқ бу иш синчиклаб текшириб кўрилганида, гдлянчилар Ўзбекистондан тўплаган (аниқроғи, одамларни мажбур қилиб ўмарган) маблағ 15 миллион сўм чиққан. Савол туғилади. Қолган 25 миллион сўм қаяққа кетди?

Жазо отряди қайси хонадонни босмасин, ўмариб олган нарсаларини аниқ ҳисоб-китоб қилмаган. Кўп пул, қимматбаҳо зеб-зийнатларни уларнинг ўзи ҳамёнига урган. Китобда бу далиллар ҳам кўрсатилган. Энг муҳими, гдлянчилар одамларни очикдан-очик алдаган. Агар 100 минг сўм топиб берсанг, сени қамоқдан чиқариб юборамиз, деб ваъда қилган. Қамоқда ўтирган шўрлик бор-бисотини сотиб бўлса ҳам, қариндош-уруғларидан тиланиб бўлса ҳам айтилган пул билан уларнинг очофат нафсига уришга мажбур бўлган. Бу эса терговчилар учун қуртдек далил ҳисобланган. Мана, шунча пулинг бор экан, демак сен порахўрсан, деб яна бир «айб»ни бўйнига қўйишган.

Яхшиямки, Ўзбекистонда истиқлол рўй берди. Акс ҳолда дейлик, 1986 йили ўн йилга кесилган бегуноҳ маҳбус 1996 йилгача аллақайси га-

✱

нинг кадрига етмас экансан, агар уларни яхши кўрганингда бу ерларда азоб чекиб ётишларига йўл қўймаган бўлар эдинг. Тилга кириб гапирсанг, айбларингни бўйнингга олсанг, биз уларни қўйиб юборамиз ва улар яна озорликка чиқадилар...

Гдлянчи терговчиларнинг қарорлари бўйича тергов ўтказиш давомида Мусахоновнинг ҳеч қандай айби бўлмаган тўрт қариндоши — Нуримбетов, Камолов, Ражабов ва Жуманиёзовларнинг ҳар бирининг саккиз нафардан қариндоши, Усмонхўжаевнинг тўққиз нафар, Худойбергановнинг 15 нафар қариндош-уруғлари қамоққа олинган эди.

Шу воқеаларни кўриб туриб, беихтиёр 1930 йиллардаги қатагон тафсилотлари ёдга тушади. Афтидан, тарих такрорланаётган кўринади. Ўзбекистондаги айбсиз кишилар охири оқланади, лекин уларнинг ҳар бири 3 ойдан 5 ойгача ва ундан кўпроқ вақт мобайнида темир панжара ортида ўтириб чиқадилар. Улардан порахўрлик учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларга таъсир кўрсатиш учун фойдаланадилар. Бу воқеалар қандай кечганлигини сўроқ вақтида кўп кишилар бизга сўзлаб бердилар. Мана, масалан, Тўрабой Каримовнинг берган гувоҳлиги бунга мисол бўла олади. Уни кечаси уйдан ушлаб кетганлар. Унга одам ўлдирганликда, қотилликда айблаб олиб кетаётганликларини айтишган. Хотини қаттиқ кўрқиб кетган, йиғлаб ялинган. Бир ой мобайнида изоляторда олиб борилган сўроқларда ичига 500 минг сўм пул солинган дипломатни қаерга қўйганлигини айтишни, уни топиб беришни талаб қилганлар. У эса бу тўхматларни сира бўйнига олмасди, чунки ҳеч қандай пул тўла дипломатнинг ўзи бўлган ҳам эмасди-да. Мана маҳбус бу ҳақда қандай ҳикоя қилади: «Сўроқ вақтида ҳар хил дўқ-пўписалар билан мени кўрқитишар эди. Турмадан чиқмайсан, шу ерда чириб кетасан, биз сенинг қоқ пешонаннга яшил хол ясайимиз ва шу холни мўлжалга олиб сени отиб ташлаймиз, дейишарди. Ҳар доим сўроққа икки кўлимга кишан солиб олиб келишарди. Улар менинг хотиним қамоққа олинганини, қизларим институтдан ҳайдалганини айтишар, шу каби ёлғон маълумотлар билан мени кўрқитиб бўйсундирмоқчи бўлишар ва уйимга бульдозер солиб, уни ер билан битта қилиб, вайрон этишга қасам ичишарди. Лекин энг даҳшатли ишлар камера ичида содир бўлар эди. Бу ерда атайин мен билан бирга қамаб қўйилган ашаддий жиноятчилар мени мунтазам уриб-сўкиб ҳақорат қилишар эди. Камерага кириб келган заҳоти улар боёги терговчилар тўқиб чиқарган пул тўла дипломатни мендан талаб қилишар ва аёвсиз калтаклай бошлашарди.

Улар бошимга телпак кийгизиб томоқларим остидан ипини маҳкам танғиб қўйишар ва батамом кучдан қолиб йиқилиб тушмагунимча ўтириб туришга мажбур қилишарди. Шундан кейин жуда кўп миқдорда совуқ сув ичишга мажбур қилар эдилар. Агар бўйсунмасам тутиб олиб ўласи қилиб уришар эди. Узлари тўшакда ётган ҳолда, мени изғирин шамол кучлироқ эсадиган жойда пол устида ухлашга мажбур қилишарди. Ётган жойимдан туришга мутлақо рухсат беришмас эди. Шунга ўхшаш қийноқлар натижасида тез-тез бурним қонайдиган бўлиб қолди».

— *

дой топмас жойларда юрган бўлур эди. «Ўзбек иши» бўйича қамалганлар сони турли манбаларда турли хил рақам билан тилга олинади. Гоҳ 22 минг, гоҳ 30 минг... Кейинги пайтларда ҳўли куруқ баравар ёнган ўша йиллари 48 минг киши қамоққа тиқилган, деган гаплар ҳам бор. Боринги, шу одамлардан ақалли минг киши ноҳақ бир йилдан ўтирган бўлса ва терговчиларнинг бошига ҳам шундай кун солинса, уларнинг энг катта раҳбарлари (тўғрироғи, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг энг ашаддий душманлари) Гдлян билан Ивановнинг ҳар бири 500 йилдан қамоқда ўтириши керак бўладими? Етти пуштининг умри ҳам етмайди-ку бунга! Гдлян ва Ивановлар ҳозир Арманистон депутати бўлиб олиб, айшини суриб юрибди. Уларда депутатлик мандати бор. Ҳар қандай судга бормасликка ҳақли. Тагин ўша саволни такрорлашга тўғри келади. Бу шахслар нима учун Ўзбекистон депутатларини тўғридан-тўғри қамайверган?

Очигини айтсам, мен адлия қонунларини яхши билмайман. Лекин бир нарсага ҳайрон қоламан. Нима учун бегуноҳ қамалганлар Ўзбекистон Олий судига, Ўзбекистон Олий Кенгашига, боринги, шу ишнинг раҳнамоси бўлган Москвага ариза билан мурожжат қилиб, Гдлян ва Ивановларни қонун олдида жавоб беришга даъват етмайди? Агар Ўзбекистон Олий суди бу ишни кўриб чиқса, (табиийки, Гдлян ва Ивановлар, уларнинг ҳамтовоқлари судга келмайди) бу масала юзасидан сиртдан бўлса-да, адолатли ажрим чиқарса, тўғри бўлмасмикин? Гап бировдан қасос олишда эмас, гап шундаки, агар Ўзбекистон Олий суди улар устидан ҳукм чиқарса, бир нарса аниқ бўлади. Жаҳон жамоатчилиги дунёда Ўзбекистон деган мустақил мамлакат борлигини, унинг фуқароларига зугум ва зулм қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини ҳис этади. Бундай хунрезликлар қайта такрорланмайди.

Утқир ҲОШИМОВ

Камолов Қаллибек ҳам ёлғон кўрсатма беришдан воз кечади. Шундан сўнг унга нисбатан дўқ-пўписалар бошланади. Улар: «Ишлаётган жойингда бирон айбингни топиб ўзингни ҳам, болаларингни ҳам, хотинингни ҳам қамаб қўямиз»,— дейдилар.

Ҳомиладор аёл Нуриимбетова Аважон ўзида жиноий йўллар билан тўпланган ҳеч қандай бойлик сақланмаётганини айтганида терговчилар унга ҳам дўқ қилиб «...у ҳолда сени ҳозир турмага олиб кетадилар, сен болангни ўша ерда туғасан», деб уни қўриқганлар.

Жуманиёзова Зухра бизга маълум қилишча, сўроқ вақтида терговчи унга бундай деган: «Агар Исмоиловга қарши гувоҳлик беришга рози бўлмасанг, қизларингни зўрлаймиз...»

Хайитов Тўра ўзининг порахўрликка ҳеч қандай алоқаси йўқлигини қатъий билдиради. Шунда уни қамоққа олиб, болаларингни ва хотинингни ҳам қамаб қўямиз,— деб қўриқтадилар. Ўғлини қамоққа олишга қарор чиққанлиги тўғрисидаги ҳужжатни унга кўрсатадилар. Уни ўзи ва ўзгалар тўғрисида ёлғон гапиришга мажбур этиш учун барча ишни қиладилар. Хайитовнинг ўзи бу воқеаларни шундай эслайди: «1986 йилнинг 11 майида мени Иванов кабинетига чақиришди. У деразадан менга хотиним билан қизимни кўрсатди, улар ДХК биноси рўпарасида туришарди. У хотинимни чақиртириб сўроқ қилди. Агар у пул ва бойликларни келтириб бермаса ва менинг ҳузуримга кимлар келиб турганлигини, кимлар нима олиб келганлигини айтмайдиган бўлса қамаб қўяман, деб қўриқтиди. Озод бўлганимдан кейин бу ҳақда менга гапириб беришди, лекин бу гапларни судда ҳам, уларни сўроқ қилишаётган вақтда ҳам эшитган эдим. Терговчи ўшанда менга: «Мана, кўрдингни, хотининг билан қизингни қамоққа олиш учун бу ерга чақириб келдим»,— деганди. Хотиним бу ерда эрталабдан то кеч бўлиб қоронғу тушгунча типпа-тик турарди. Бундай ҳол 1986 йилнинг 20 майига қадар давом этди. Иванов ҳар куни хотиним билан қизимни чақирар ва уларни кўчада туришга мажбур қилар эди. Бир жойни кўрсатиб то ўзи жавоб бермагунча қимирламай туришлари кераклигини айтар эди.

Хотиним ўзи шундоқ ҳам бемор эди, аммо улар бунга парво қилмадилар ҳам, уни жазирама иссиқда оч-наҳор типпа-тик туришга мажбур қилдилар. Кичик ўғлимни, яна бир қизимни ҳам чақиртириб, унинг ёнида доимо тик туришга мажбур қилдилар. Оилам аъзолари ҳатто икки маротаба мени деразадан кўрдилар ва мен улар билан имо-ишоралар орқали гаплашдим. Сўнгра академиядан катта ўғлимни чақиртириб келиб, бир неча марта сўроқ қилдилар. Уни ҳам эрталабдан кечгача гоҳ кабинетда, гоҳ кўчада кутиб туришга мажбур қилдилар. Бу ишларни Боров билан Иванов биргаликда амалга оширдилар. 1986 йил 20 майида Иванов яна чақиртирди. У ҳар доим мени ўзимнинг собиқ кабинетимда сўроқ қилар эди. Бу бино илгари ЎзССР Ички ишлар вазирлигига қарар эди. Бу ишни ҳам улар атайин менга руҳий тазйиқ ўтказиш учун қилишарди. Кабинетга олиб келганларида Иванов билан Боров мени қабулхонага олиб чиқиб эшикни очишди ва мен қабулхона рўпарасидаги кабинетдан катта ўғлим Маҳмудни кўрдим. У бошини эгиб ўтирар, унинг атрофида эса Гдлян гуруҳидаги ходимлардан тўрт киши тик туришарди. Мени кабинетга олиб киришди, Иванов менга Урунов сўроқ қилинган протоколни кўрсатди. Урунов ҳар ойда унинг қўл остида БХСС инспектори бўлиб ишлайдиган ўғлим Маҳмуддан 1000 сўмдан олиб турганлигини ёзиб берган эди. Шу ҳужжат билан бирга яна ўғлимни қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ҳам кўрсатишди. Аммо, ҳибсга олиш тўғрисидаги қарорни, ариза ҳамда Уруновни сўроқ қилинганлиги тўғрисидаги протоколни менга узоқдан кўрсатдилар, қўлимга бермадилар... Улар турли хил ёлғон ҳужжатларни тўқиб ташлашарди. Шунингдек, бошқа айбланувчиларнинг болалари ва хотинларини қамашаётганлиги, Бухоро, Наманган, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида қандай қонунсизликларга йўл қўйилаётганлиги, терговчилар Хоразм областидаги бир туман партия қўмитасининг биринчи котибининг рафиқаси Қаҳрамон она Воисовани ва бошқа кўплаб кишиларни қаманликларини ҳам билар эдим, гдлянчилар ҳеч нарсадан тап тортмай ишлашарди. Улар қонунга бўйсунмасдилар, аксинча, қонун уларга бўйсунарди. Гдлян гўё «Бош прокурор», Иванов эса унинг биринчи ўринбосари эди. Иккаласи нимани хоҳласа шуну қилишарди...»

1924 йилда туғилган, собиқ вилоят партия қўмитасининг котиби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, бир неча марта олий давлат орденлари билан мукофотланган Бектош Раҳимовни гдлянчи терговчилар 1988 йил 5 декабрда ўз ҳовлисида қўлга оладилар, кейин тергов изоляторига жойлаштирадилар. Бу ерда у 9 ой ҳибсда ўтиради, кейинчалик тўла оқланиб озодликка чиқади. Тергов камерасида ўтказилган вақт ва олиб борилган сўроқларни у мисоли даҳшатли тушдек эслайди. Ёши етмишга яқинлашганда кишилар 30-йилларда бўлгандек даҳшатли кунларни бошидан ўтказди. Мана бу ҳақда Б. Раҳимовнинг ўзи нималарни ёзади:

«Кечқурун яна сўроққа чақиришди, яна бир неча киши бўлиб баравар сўроқ қилишди, улар нуқул битта масалани чайнайверар эдилар, яъни, агар мен улар талаб қилган пулларни топширсам, шу заҳоти озодликка чиқариб юборишларини айтишарди. Ҳатто пулларни келтириб берадиган бўлсанг унинг маълум бир қисмини ўзинга беришимиз мумкин деган бемаъни гапларни ҳам айтишди. Терговчилардан бири —

ўзбек одам узоқ гапириб мени шундай қилишга кўндирмоқчи бўлди. Бу усул ёрдам бермагач, улар мени ҳақорат қилишга ўтишди, куракда турмайдиган сўзлар билан сўкиб, мени кўрқита бошладилар. Айниқса, Гдлян дўқ-пўписани авжига чиқарди. У менинг Давлат хавфсизлиги комитети органларида офицер бўлган ўғлим тўғрисида гапириб, ҳозир буйруқ бераман, ўғлингни ҳамма унвонларидан маҳрум қилиб, ишдан ҳайдайдилар,— деди. Мен ўғлимнинг ушбу ишларга мутлақо алоқаси йўқлигини, биз учун у бекорга азият чекишини истамаслигимни тушунтиришга уриниб кўрдим. Улар менинг устимдан кулишиб, қаттиқ ҳақорат қилдилар. Менинг оталик ҳис-туйғуларимни кўзғатиб умримда қилмаган айбларни бўйнимга қўйишга уриндилар. Аммо, ба-рибир сўроқ натижаларидан ҳаммалари норози эдилар... Тахминан, 1988 йилнинг 25 декабрида мени Москвага олиб кетдилар. Янглишмасам, 28 декабрдан бошлаб мени сўроқ қилиш ишига Н. В. Иванов ҳам қўшилди. У Гдлян йўлини давом эттирди. Унинг фикрича, мамлакатимизда кераксиз одамлар кўпайиб кетибди, шунинг учун бунақа кишиларнинг баҳридан ўтиш керак эмиш. Бу йўлда бирмунча одамлар жонидан кечиш талаб қилинар эмиш. Унингча мен миллионер эмишман. Агар мен бор пулларимни уларга келтириб бермасам, мени ҳам ўша қурбонлар қаторига киришиб юборишлари мумкин эмиш... Гап фақат мен тўғримда борган вақтда, улар ҳаётимга хавф солиб дўқ қилган вақтларида ўзимни дадил тутишга ҳаракат қилдим, айтган сўзларимнинг ростлигига уларни ишонтиришга уриндим, бошқа кишиларга ёлғон-яшиқ гапларни тўнкаб, тухмат ва бўҳтон қила олмаслигимни айтиб, уларнинг бундай разилона таклифларини рад қилдим.

Кейинчалик Иванов яна менинг ўғлимдан гап очди. Унинг сўзларига қараганда, дастлабки айбимни «тан олган» кўрсатувларимдан кейин ўғлимни қамоқдан чиқариб юборишдан эмиш. Энди яна қамоққа олишар экан. У доим мени ўзи билан дўст бўлишга ундарди. «Биз билан дўстона муносабатда бўлиш керак»,— деб ўз сўзини яқунлар эди у.

Акс ҳолда — мени йўқ қилишиб, ўғлимни қамаб қўйишар эмиш. Бундай қатъий талаб менинг руҳиятимга кучли таъсир қилди»...

Мана бу эса Ережеп Айтмуродовнинг берган гувоҳлиги:

«Мен 1987 йилнинг 20 августда Тошкентда қамоққа олиндим. Мени Ўзбекистон ССР ДХК изоляторида бир неча кун ушлаб турганларидан кейин Москвага олиб кетдилар. Уша пайтдан эътиборан мунтазам сўроқ қилишлар бошланди. Сўроқ қилишни Гдлян билан Иванов олиб борарди. Менга чин юракдан ўз айбига иқрор бўлишнинг аҳамиятини узоқ тушунтирдилар. Барча қўйилган айбларни бўйнига олишни маслаҳат бердилар, яъни республикада йўл қўйилган қўшиб ёзишлар учун етакчи жавобгарлардан бирига айлантирамиз деб кўрқитдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари бўлиб ишлаган вақтимда бевосита бу ишларга алоқадор бўлганлигимни айтиб дўқ қилдилар. Улар менга кимки уларнинг ҳузурида ўз айбига иқрор бўлмаса, ундай кишини ўлим кутаетганлигини, кимки уларнинг айтганларини қилса, у кишига деярли ҳеч нарса бўлмаслигини қайта-қайта айтишарди. Мен яна шундай чурқ этмай тураверадиган бўлсам, хотинимни, ўғлимни, қизимни ва укамни қамаб қўйишларини айтиб кўрқитардилар. Ушанда Иванов ҳатто аллақандай ҳомиладор аёлни ҳам аяб ўтирмай ҳибсга олганликларини шаъма қилган эди...»

Мирзаюсуф Мусахонов физика-математика фанлари доктори, ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган ҳолда қамоқ камераларида бир неча ой ётади. Фақат орадан уч йил ўтганидан кейингина уни тўла оқлайдилар. У сўроқ вақтида Гдлян уни ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилганлигини сўзлаб берди. Чунончи Гдлян унга, агар сен зарур маълумотларни бермасанг, бойликларни топширмасанг, у ҳолда бутун Мусахоновлар авлодини қириб ташлаймиз,— дейди. Ана шундай қариндошларни ялпи жазолаш усули, ҳақиқатан ҳам амалга оширилади...

...Мен олти боланинг отаси Л. Муқимов сўроқ қилинган дами сира унута олмайман. У ҳеч қандай айби бўлмаган ҳолда изоляторда салкам 6 ой ўтирган. Мана, у нималарни гапириб берган эди: «Сўроқ вақтида Иванов менга «Сен кичкина одамсан, бизга ҳечам керак эмассан, қолаверса, болаларингни тарбия қилишинг керак, яхшиси сен Қосимжоновга қарши маълумот бер, яъни қайсидир жойда Қосимжоновга бир тугунча берганман деб айт. Қариндош-уруғларингдан ёки яқин дўстларингдан бу фактни тасдиқлай оладиган бирор кишини топ», деган. Лекин Л. Муқимов бундай кўрсатув бермайди, унга озодлик таклиф қилганларида ҳам ёлғон гапиришни истамайди. Сўроқлар деярли суткалаб давом этади, камерага олиб келганларида эса уни камерада ётган газандалар аёвсиз дўппослар эдилар.

Жўраев Болтабий фақат хизмат машинасида ЎзССРнинг собиқ ички ишлар вазири муовини Бегельмани олиб юрганлиги учунгина озодликдан маҳрум қилинган. Терговчиларнинг фикрига кўра, модомики у Бегельманининг шахсий шофёри экан, демак у вазир муовини ҳақида нималарнидир билиши керак ва билганларини сўзлаб бериши лозим.

Б. Жўраев сўроқлар тўғрисида барча тафсилотларни яхши эслаб қуйидагиларни бизга муфассал ҳикоя қилиб берди: «Мени кабинетга олиб келган вақтларида Гдлян

шу ерда экан, у мени бошқа бир терговчига кўрсатиб: «Уни бир-икки силтаб қўй-чи», деб кўрсатма берди. Гдляннинг ўзи эса мenden Бегельман кимлардан пора оларди, деб сўради, мен пора тўғрисида ҳеч нарса билмайман,— деб жавоб бердим.

Хонага терговчи Иванов кириб келди ва менга бундай деди: «Сен хавфли одамсан, не турмада чириб кетишинг керак». Соқчини чақирди-да, мени ертўлага жўнатди». Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Жўраев Болтабой ҳеч қандай қонунга хилоф иш қилмаган. Худди шунга ўхшаш бошқа бир ҳайдовчи — Бобожонов Шодмон ҳам ҳеч бир айбсиз бир неча кун ертўлага қамаб қўйилган. Ҳолбуки, у бемор бўлиб, терговчиларга ўз хасталигини айтган, дорилари битилган қоғозларни, справкаларини кўрсатган, дори беришларини илтимос қилган, лекин барча сўзлари терговчилар томонидан эътиборсиз қолдирилган.

М.Мирзабоев Гдляннинг кўрсатмаси билан икки кеча хизмат кабинетига қамалиб, устидан қулфлаб қўйилади. 1984 йил 7 июль куни эрталаб у ўзини деразадан ташлайди ва ҳалок бўлади.

...1987 йил 15 декабрь куни кечаси соат 24 ларга яқин Нукус шаҳридаги терговчилар гуруҳи врач Б. Есимуратовни гувоҳ сифатида ушлаб келадилар. Гдлян билан Карташян уни соат тўртгача сўроқ қилади. Ундан кейин Есимуратовни хизмат кабинетига қамаб устидан қулфлаб қўядилар, унга яна бир бор ўйлаб кўришни ва терговга зарур бўлган маълумотларни беришни таклиф қиладилар. Акс ҳолда уни «...турмада чири-тишларини» айтиб кўрқитадилар.

Лекин бу ишнинг бошланиши эди, холос.

Сўроқ нақадар даҳшатли тарзда олиб борилганлигини Есимуратов юрак-бағри изтиробга тўлиб, қийнақлиб эслайди. У ҳеч қандай жиноятга, жиноий йўл билан тўпланган бойликларга алоқаси йўқ киши эди. Бу ҳақда у сўроқ бошланган пайтидаёқ Гдлянга маълум қилган. Кейин нималар бўлганлигини у шундай эслайди: «Менинг бу сўзларим негадир Гдляннинг жаҳлини чиқариб юборди. У энди мени қўполлик билан сенсирай бошлади. Мени бу ерга гувоҳ сифатида чақириб келган бўлса-да, энди гувоҳ эмас, айбдор сифатида рўйхатга олишини, ҳозироқ гувоҳлар чақириб бўйнимга айб қўйишини, барча қариндош-уруғларим билан бирга... турмада чирийтишини айтди...»

Ўзларини ҳеч ким назорат қилмаётганлигига амин бўлган Гдлян гуруҳидаги терговчилар шу даражага бориб етдиларки, улар 1987 йилнинг кузида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида ўзларига бўйсунмаган, исталган маълумотни бермайдиган, камгап гувоҳлар учун махсус изоляторлар очиб олдилар. Ушбу изоляторга одамларни бир неча кунгача қамаб қўйиб, уларни овқатсиз, оч-наҳор қолдирдилар. Бундан кўзланган мақсад ҳам яна ўша — ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни қўлга киритиш эди.

Гдлян билан Иванов ўзлари қўлга киритган ютуқлар ҳақида бутун дунёга жар солиб мақтанар эдилар-у, лекин гуруҳнинг 30-йиллар қатағонини эслатувчи усуллари — одамларни қонунда ман этилган усуллар билан сўроқ қилишлари, уларни азоблашлари тўғрисида чурқ этмас эдилар. Худди қатағон йилларида бўлганидек гуруҳнинг айбдорларнинг айбини бўйнига қўйиб берадиган махсус кишилари бўлиб, уларнинг вазифаси маҳбусни калтаклаб, азоблаб ҳолдан тойдиришдан, нима қилиб бўлса-да, уни ўз айбига иқрор қилишдан иборат эди. Бундай вазифадаги терговчилар одатда кечалари ишлар эдилар. Яна уларнинг ўзлари «пианиночи» деб номлаган терговчилар ҳам бўлар эди. «Пианиночилар» сўроққа «тайёр» кишилар берган маълумотларни ёзув машинкаларида тезкорлик билан патиллатиб ёзиб ташлайвердилар.

...Одамларни гапиртирадиган «тўқмоқлар» мавжуд эканлиги тўғрисида гдлянчи терговчиларнинг ўзлари ҳам гапирар эдилар...

Сурбетлик ва ёлгон, шафқатсизлик ва одамларга нисбатан нафрат — бу ифлос «ўйин»ларнинг асосий негизини ташкил этарди. 1957 йилда туғилган Камолова Зиёда ҳам буларнинг барчасини ўзи бошидан кечирди. У қўлидаги эмизикли боласига қараш учун декрет таътилида юрган эди. Навбатдаги сўроқ 1988 йил 2 июнь соат 24 дан 3 июнь соат 13 гача давом этган. Ана шу ўтган вақт мобайнида чақалоғи ва иккита норасида болалари ҳам Зиёданинг ёнида қолган. Улар чақалоққа врач чақиритишга мажбур бўлишган. Уша кезларда Камолова Зиёданинг эри, онаси, қайнонаси ҳеч бир айбсиз қонунга хилоф равишда ҳибсда сақланар эди. Ёш онанинг юраги бундай азоблардан қандай ўртаниб ёнганлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ бўлса керак.

...Тергов давомида биз гдлянчи терговчилар маълумот олиш учун жуда кўп шахсларни калтаклаганликлари тўғрисидаги фактларни аниқладик ва бу тўғрида бир неча бор сўроқ протоколларини тўлдирдик. Бундай маълумотлар жуда-жуда кўп эди. Шу сабабли сўроқ қилинаётган кишиларни урганлиги учун терговчи Пирцхалавани жавобгарликка тортганлигимиз ҳам тасодифий эмас.

Бундан ташқари, биз яна икки «тўқмоқчи» терговчилар — Мавлонов, Карташянларни ҳам сўроқ вақтида зуравонлик қилиб, куч ишлатганлиги учун жавобгарликка тортдик. Тўғри, кейинчалик Бош прокурор Трубин ўзининг ҳеч қандай асосга эга бўлмаган тутуриқсиз хатти-ҳаракатлари билан бу қароримизни бекор қилиб, ишни ҳаракатдан тўхтатди.

Мен гдлянчиларнинг зўравонликларини тасдиқлаш учун қуйида бир неча кишининг гувоҳлигини келтириб ўтаман:

А. Саидова ва О. Гадоева уларни ҳибсга олганларидан кейин доим Карташян сўроқ қилганлигини, сўроқ давомида у бир неча бор ҳақорат қилганлигини, қўлларига урганлигини, юзларига туфлаганлигини баён этдилар.

Гдлян гуруҳининг аъзоси В. Шароевский шундай ҳикоя қилади:

«Мен Карташян билан икки ҳафтача бирга ишладим ва кейин Гдлянга бориб бу киши билан ишлаш олмаслигимни айтдим. Чунки унинг иш усуллари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган даражада эди. Гдлян менинг илтимосимни қондирди. Карташяннинг иш-лаш усули тўғрисида икки оғиз сўз айтмоқчиман. Одатда у сўроққа савдо ходимлари, магазин мудирлари ва бошқа соҳалардан ўнлаб ва ундан ортиқ кишини баравар қақирар эди. Бу кишилар билан олиб бориладиган ишдан кўзланган мақсад битта, яъни уларнинг раҳбарларга пора берганлиги тўғрисида ўз қўли билан ариза ёзиб бериш-ларига эришишдан иборат эди. Бунда терговчилар, шу жумладан, Карташяннинг қў-лида ҳам сўроқ қилинаётган кишиларнинг жиноий фаолияти тўғрисида ҳеч қандай ах-борот ва ҳатто уларнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлмас эди. Улар савдо системасида ишлайдиганларнинг ҳаммаси ҳам пора беради ва пора олади, деган фикрдан келиб чиқиб шундай йўл тутишарди... Карташян одамларни чидаб бўлмас даражада оғир усуллар билан сўроқ қилар, ўта ваҳшийлик билан иш тутар эди. Маъ-лум бир соатга бирваракайига ўн-йигирма кишини чақиртирар эди-да, уларнинг бир-гинасини кабинетга таклиф қилар эди. Қолганлар эса 40—50 даражали жазирамада ДХК бошқармасининг мутлақо соя жойи бўлмаган ҳовлисида ўз навбатлари кели-шини кутишга мажбур қилинар эдилар. Эртасига ҳам худди шундай ҳол такрорланар, ҳатто қиш кунлари ҳам ўша усул қўлланар, кишилар иссиқда қандай қийналган бўлса-лар энди совуқда ҳам шундай қийналар эдилар.

Карташян Қўдратов иши бўйича Гадоева Олимани сўроқ қилади. Гадоева пора берганлигини бўйнига олмади. Мен ўша сўроқда қатнашганман. У Гадоевани ўтириш-га таклиф қилди. Сўнгра ундан столга яқинроқ сурилиб ўтиришни талаб қилди. Шун-дан сўнг Карташян унинг рўпарасига ўтириб олди-да, бемаъни савол-жавобларни чарчаб гапиришга ҳам ҳоли қолмаган Олиманинг юзига қараб тупурди. Сўнг нима бўлганини мен билмайман, чунки таъбим бузилиб кабинетдан чиқиб кетдим. Карта-шян дейрли ҳар доим сўроқ вақтида сўроқ қилинаётган кишиларни оғизга олиб бўл-майдиган сўзлар билан ҳақорат қилар, шу жумладан, Жотин-қизларни ҳам сўқар эди...»

Икки йил мобайнида турмада азоб чеккан Қаҳрамонов гдлянча тергов қилишнинг бутун даҳшатларини ўз бошидан кечирган.

Гдлян ва Иванов ундан «юқори»га қарши, Москвага қарши, Кремль ходимларига қарши гувоҳлик беришни талаб қиладилар. Қаҳрамонов табиқки, бу талабларни рад қилади. Шундан сўнг нима бўлганини билиш учун унинг ўз ҳикоясига мурожаат қи-ламиз: «Мен бировга тўхмат қилишга рози бўлмаганимдан кейин,— дейди Қаҳрамо-нов,— Иванов мутлақо бошқа одам бўлиб қолди. У энди менга бақира бошлади, мени сенсираб «комсомолвачча» деб ҳақорат қилди, аблаҳсан деб сўкди. Партия ходим-ларининг барчаси порахўр деб айтди, уларни ҳақоратлаб беҳаёларча сўкинди. Узи-га ва Гдлянга тергов ишларини Сиёсий бюро топширганлигини, иккиласи қандай қар-рорга келса, шундай бўлишини таъкидлаб ўдағайлади. Сўнгра оёғимга қаттиқ тепиб, юзимга туфлади. Мана шундай таҳқирлар натижасида мен ҳушимдан кетдим...»

Москвага жўнатиш олдидан Иванов мени ҳузурига чақиртирди ва яна ўзи айтган шахсларга пора берганлигимни бўйнимга қўймоқчи бўлди. Мен бунга кўнмадим. Мен ундан бу ёлғон нима учун керак эканини сўрадим. Иванов менга қараб бақира кет-ди: «Овозингни ўчир, муттаҳам! Билиб қўй, биз сенинг қариндошларингдан қанча-дан-қанча қимматбаҳо буюмлар тортиб олдик, уларнинг ҳаммаси ўғри, ҳаммасини турмага тикамиз, бундан ташқари, сенинг итвачча ўғилларингни жиноятда иштирок этган шахслар сифатида ҳибсга оламиз ва қамаб қўямиз, онт ичиб айтаманки, албатта қаматаман.»

Москвада мени анча вақтгача сўроққа чақиринмади. Орадан бироз вақт ўтгач, 1985 йил июнида Гдлян билан Иванов мени яна қийноққа сола бошладилар. Москвага олиб келишгач, менга уларнинг кўрсатмаси билан кийимларимни ечиб олиб эски қамоқ кийи-ми беришган эди. Бу ҳам менинг шаънимни ниҳоятда камситиб, руҳимни тушириб юборди. Гдлян мени бу кийимда кўриб устимдан кула бошлади: «Оббо сен-эй, буни қара-я, кимларга ўхшаб қолибсан, бу ҳали ҳолва, фақат бошланиши, бундан ҳам ғаройиб ишларни кўрасан». У шундай дўқ-пўписалар қилганидан кейин хонадан чиқиб кетди. Хонада Иванов иккимиз қолдик. У менга хотиним ўлганини айтди. Мен даҳшатга туш-дим. Бунинг устига у менинг икки ўғлимни қамоққа олиш тўғрисидаги қарорларни кўрсатди...»

Энди Шамси Раҳимов берган маълумотларни кўздан кечирайлик. Уни ҳибсга олганларида у Бухоро вилояти ижрокўми ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўрин-босари лавозимида ишларди (ҳозирги вақтда у пенсионер). Уша вақтда Раҳимовдан Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги раҳбар ходимларига тўхмат қилишни, яъни улар

пора оладилар деб гувоҳлик беришни талаб қилгандилар. Ш. Раҳимов эса ҳар сафар у бундай қила олмаслигини айтиб, рад жавобини бераверган. Шундан кейин Ш. Раҳимовнинг айтишича, Гдлян унга нисбатан ўзининг барча ифлос найранглари ишга солган.

«Мени ашаддий жиноятчилар ётган камерага қамаб қўйдилар,— деб эслайди ўша кунларни Ш. Раҳимов,— улар қаердандир менинг милиция ходими эканимни билиб олишган экан. У ерда Добрин, Марат, илгари судланган Соловьев ва бошқалар ётарди. Ҳатто бу ерга қамоқ лагерларидан бошқа маҳбусларни ҳам келтириб атайдан мен ва бошқа милиция ходимлари ётган хоналарга киритиб қўярдилар. Уша ашаддий жиноятчилар бизга қамоқ лагерларида милиция ходимларини қандай ҳақоратлаб уриб-сўқишларини, зўрлашларини ва ҳатто турли усулларни қўллаб ўлдириб юборишларини сўзлаб беришарди. Бу ишларнинг ҳаммаси Гдлян, Иванов кўрсатмаси бўйича амалга оширилиб, бизни кўрқитиш учун, биздан ўзларига керакли маълумотларни олиш учун қилнардди. Биз ҳали ДХК тергов изоляторида ётган вақтимиздаёқ бизларнинг ёнимизда уларнинг «маҳбус» қиёфасидаги шогирдлари ўтирар эди. Улар бизни Гдлян таклифи бўйича «ўз айбимизга иқрормиз» деб ёзиб беришга ундашарди. Шундай қилсак қамоқдаги ҳаётимиз яхшиланар, бизга қариндошлар билан дийдорлашиш ва бошқа турли имтиёзлардан фойдаланиш имкони берилиши мумкинлигини айтиб, бизни аврашарди.

Гдлян билан Иванов бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида мени муттасил равишда камситиб сен энг хавфли душмансан, босмачисан, деб ҳақорат қилиб келди. Қўлларини пешонамга ниқтаб шу еринга хол қўямиз,— дейишарди. Сен дипломниям, депутатликниям, партбилетниям сотиб олгансан,— дейишарди. Мен туну кун тинмай ишлаганимни уларга айтсам, улар мени таҳқирлаб, сен фақат пора олиш учун югургансан, холос,— дейишарди. Гдлян руҳий таъсир ўтказиш мақсадида менинг қариндошларим устидан қўзғатилган еттита жиноят ишларини келтириб столга қўйди. Сўнг, улардан бирини қўлга олди-да, мана буниси сенинг жиянинг эмиш, унга аллақачон ўн йил берилди, қолганларини ҳам ўтқизамиз, бутун мол-мулкларини тортиб оламиз. Ҳаммасининг бола-чақаларига сен ва сенинг бола-чақаларинг билан бир умр адоватда яшашлари учун Сизнинг ҳаммангиз Шамси Абдуллаевичнинг касофатига қолдинглар, деб айтамыз,— деди. Мен унинг бу гапига сира чидаб тура олмадим»...

Катта авлодга мансуб кишилар 30—50-йилларда мутлақо айбсиз кишилар «халқ душмани» деган тамға остида, қандай азоб-уқубатларга дучор қилинганликларини яхши эслайдилар. Бундай даҳшатли кунларни Гдлян билан Иванов Ўзбекистондаги кишиларга яна бир бор эслатиб қўйдилар.

Гдлян ва унинг тўдасидаги сурбетлар бугунги кунларда ҳам жуда кўп айбсиз кишиларнинг бўйнига «порахўр» деган тавқи лаънатни осмоқчи бўлдилар. Бу ишни улар безбетлик ва шафқатсизлик билан амалга оширдилар. Улар кишиларни фақат ёлғон гапиришга, тўхмат қилишга рози бўлмаганлиги учун айбдор қилар эдилар. Деярли ҳар бир вилоят партия қўмитасидан, Ўзбекистондаги барча вазирликлардан Гдлян ва унинг терговчилари тўқиб чиқарган порахўрлик тўғрисидаги сохта ёзувларни топиш мумкин, десам хато қилмаган бўламан. Бу ёзувларда ҳеч қандай далил-исботсиз 3—4 қатор гап бўларди, холос. Лекин мана шу бир парча қоғозга қараб одамларни ишдан бўшатар эдилар. Уқув муассасаларидан четлаштирдилар, партиядан ўчираддилар. Хуллас, бир парча бўҳтон битилган қоғозни деб одамларнинг бундан кейинги умрини бутунлай заҳарлар эдилар...

Гдлян худди шу усуллардан фойдаланарди. Унинг терговчилари ҳам суд бўлаётган пайтда залга кириб ўтиришар, гувоҳларга суд сўроқ қилишидан олдин нима дейиш кераклигини, улар қандай гувоҳлик бериши лозим эканлигини обдан ўргатиб қўйишар эди. Агар гувоҳлар судда терговдагидан бошқачароқ гапиргудек бўлса уларга «энди ўзингдан кўр» қабилдаги шаъмалар қилиб қўйишарди. Гувоҳларни қайтадан қамоққа олиш, қайтадан жиноят иши қўзғатиш, қариндошларининг тинчини бузиш — буларнинг бари терговчилар измига кирмаганлиги учун ҳозирланган «совға»лар эди. Тергов изоляторларида ва қамоқхоналарда ҳибсда бўлган шахсларни уларга бериладиган жазони кўчайтириш билан чиқариладиган ҳукмга таъсир кўрсатишлари мумкинлиги билан кўрқитар эдилар.

Владимир Мулин: «Суд бошланишидан олдин Қудратовдан бошқа барча айбланувчиларни бир хонага тўплашди. Гдлян, Иванов, Вафин, Коваленков, Пантелеев ҳам шу ерга келишди. Гдлян биз билан суҳбат ўтказди. У суд яхши ўтади, биз сизларга яхши судьяни танладик, суд таркибидагилар ҳам яхши одамлар,— деди. Давлат қораловчиси Москвадан келади — яхши аёл, суд тез тугайди, суд тугаши биланоқ сизлар жазо муддатини ўтайдиган жойларга — очик ҳавода юрадиган лагерларга кетасизлар. Фақат аҳмоқлик қила кўрманглар. Айблов хулосасида ёзилган гапларни, судда биз айтган фикрларни тасдиқлаб гапиринглар, сизларга биз ниманики ваъда қилган бўлсак, ҳаммаси бажарилади,— деди.»

Н. Турсунов: «Суд бошланишидан сал олдин терговчи Коваленков чақирди. У мендан терговчиларга нима деган бўлсам, судда ҳам ўша гапни айтишим кераклиги-

ни тушунтириб, бу ҳақда мендан тилхат олди. Борди-ю, сен бошқача маълумот бергудек бўлсанг, ўша захотиёқ ҳибсга олиниб, изоляторга қолдирилсан, — деди. «Ҳуқмронлик ҳозир бизнинг қўлимизда...» — дея дўқ урди. 1985 йилнинг декабрида, аниқ куни эсимда йўқ, мени олий судга чақирди. Мен йўлакда ичкарига чақирдишларини кутиб ўтирдим. Шу пайт олдимга менга нотаниш бўлган 3 киши яқинлашиб келди-да: «Турсунов сенмисан?» — деб сўрашди. Мен: «Ҳа», — деб жавоб бердим. Шунда улардан бири чўнтагидан кишан чиқарди-да, менга кўрсатди, — агар илгари айтганларингдан тонсанг, мана шу кишанга тушасан, шу ернинг ўзидан тўппа-тўғри турмага кетасан, — деди. Мен чиндан ҳам қамаб қўйишди деб кўрқиб кетдим.

Гдяня ва унинг тўдаси одамларни суд жараёнига тайёрлаш чоғида фақат шундай усулларни қўллаш билан чекланиб қолмаганлар. Бундай «тайёргарлик» баъзан суд бўлишидан анча олдин бошланган. Маҳбуслар бир сидра «тайёргарликдан» ўтказилганидан кейин уларга баъзи бир мухбирлар билан суҳбатлашиш таклиф этилар эди. Бунда албатта, суҳбатнинг, мухбир берадиган саволларга қайтариладиган жавобларнинг йўналиши олдиндан келишиб олинарди. Мухбир билан учрашган киши, албатта, ўз айбини бўйнига олиши, қилган ишларига пушаймон бўлаётганини айтиши, очиқда юрган танишларига мурожаат қилиб, уларни ўзидан намуна олишга ва ҳамма гапни айтиб беришга, етказилган зарарни қоплашга даъват этиши шарт эди.

Мухбирлар ҳар доим Гдяня айтган гапларни ёзиб олишар ва асосан марказий газеталарда босиб чиқаришарди.

1991 йилда кўпгина газеталар, айниқса демократик йўналишдаги газеталар гдяничилар гуруҳининг аъзоси К. А. Прицхалава ҳибсга олиниб жавобгарликка тортилиши муносабати билан ҳар хил ахборотлар, интервьюлар ва бошқа турли мақолаларга тўлиб кетди. К. А. Прицхалава иши кенг жамоатчилик ўртасида, Россия ва Грузия парламентларида муҳокама қилинди. Гдяня ва Иванов мазкур иш судда кўрилмаслиги учун қўлларида келган ҳамма чорани кўрдилар. Зеро Прицхалава устидан чиқарилажак ҳукм — айна пайтда ўзлари устидан ҳам чиқарилган ҳукм бўлишини уларнинг ҳар иккаласи ҳам яхши билишарди. Аслида, улар ўз ҳамкасабаларини қутқаришдан кўра ўзларини ҳимоя қилиш тўғрисида кўпроқ қайғулар эдилар. Улар Зеленограднинг «исёнкор» дружиналарини оёққа турғиздилар, ҳар ерда ҳозир нозир бўладиган СССР халқ депутати Белозерцовни бу ишга жалб қилдилар. СССР Прокуратураси биноси олдига юзлаб одамларни тўплаб митинг қилдилар... Константин Прицхалава 1986 йил ноябрь ойида Т. Гдяня гуруҳида пайдо бўлганида эндигина 25 ёшга кирган йигитча эди. Ўзбекистондаги ишлар билан 1988 йил март ойига қадар шуғулланган. Шу вақт ичида СССР Бош прокуроридан бир неча марта ташақкурнома олган, шунингдек погонига янги-янги юлдузлар қўшилган, Грузияга қайтиб боргач, Гдяня ёрдамида, аниқроғи унинг тавсияси билан юқори лавозимга кўтарилган. Гдяня командасида ҳали таъкидлаб ўтилганидек, Константин «тўқмоқ» вазифасини бажарарди. «Тўқмоқ» ким эканлигини биз илгариги саҳифаларда айтиб ўтганмиз. Терговда гапирмаганларини, ҳеч қандай маълумот бермаганларини тилга киритиш айна мана шу «тўқмоқ»ларга топширилган. Терговчиларнинг фикрича, «тўқмоқ»ларнинг кўлига тушган ҳар қандай киши ҳам гапиришга, ахборот беришга мажбур бўлган.

1987 йил 26 ноябрь куни эрта тонгданоқ Прицхалава Беруний шаҳрига етиб келди ва тезда Комилжон Ражабовни қидириб топди. Ражабовнинг хотини вафот этган, вояга етмаган болалари билан бирга турарди. Болаларнинг бири 3 яшар, бири 7, яна бири 10, энг каттаси 14 ёшда эди. Худди ўша куни, 26 ноябрда ўғли Қудрат 10 ёшга тўлган эди. Шунинг учун Комилжон кечқурун ёзиладиган байрамона дастурхон ҳаракатини эрталабдан бошлаган эди. Терговчининг келиши унинг учун кутилмаган ҳол бўлди. Урганча мен билан бирга кетасан, деб туриб олгани бундан ҳам ошиб тушди. Ражабовнинг болаларим нима бўлади, уларга ким қарайди, деган сўроғига ҳеч ким қулоқ солмади. Болалар ёлғиз қолишди.

Шундан кейинги воқеалар ғоят жадаллик билан ривожланиб борди. Терговчилар тинимсиз ишлар, ҳар бири ўзига керакли маълумотларни имкони борича тезроқ тўплашга ва уларни яшин тезлигида Гдяняга етказишга ҳаракат қилишарди. Прицхалава Ражабовни сўроқ қилишга киришди. Сўроқ мобайнида ундан ўз амакисининг порахўрлигини билиши ва унинг бойликларини ўзида сақлаётганлигини тан олишни талаб қилди. Ражабов албатта бундай тухматга рад жавобини берди. Чунки ҳақиқатан ҳам у амакисининг порахўрлиги ҳақида ҳеч нарса эшитган эмас эди.

Прицхалаванинг қўлида К. Ражабов томонидан жиноят қилинганини исботловчи ҳеч қандай ҳужжат, далил йўқ эди. Аслида ҳам Ражабов томонидан бундай жиноятларнинг ўзи умуман содир этилмаган эди-да. Комилжонни тахминан сўроқ қилаётган эдилар. Прицхалава асабийлашарди. Охири у Ражабовни урмоқчи бўлиб қўлини кўтарган эди, Комилжон унинг қўлини ушлаб қолди. Сўнгра, кўзи қонга тўлган терговчи сўкиниб ҳақорат қила бошлади. Лекин бундай бемаъни усул ҳам у кутган натижани бермади.

Кечқурун Комилжонни Гдяня ишлаб ўтирган хонага олиб келдилар, унга ҳам Комилжон амакисининг олган пораси тўғрисида ҳам, унинг бойликлари тўғрисида ҳам ҳеч нарса билмаслигини айтди. Уйига қўйиб юборишларини сўради. Бинобарин, Ра-

жабовнинг илтимоси тамомила асосли эди, чунки, унга ҳеч ким ҳеч қандай айб қўймаган, уни ҳеч ким ҳибсга олмаган. Қолаверса, уни ушлаб келиш тўғрисида ҳам ҳеч қандай ҳужжат тузилмаган эди. Ражабов фақат гувоҳ саналарди, холос. Модомики, шундай экан, сўроқдан кейин у ҳеч қандай шартларсиз истаган жойига кетишга ҳақли эди.

Аммо гдлянчилар асло бундай қилмайдилар. Гдлян барча терговчилар олдида қўлини Комилжонга ниқтаб туриб жаҳл билан: «Уни ертўлага олиб тушиб бир адабини бериб қўйинглар»,— дейди.

1987 йил 29 ноябрь кuni ўтказилган сўроқ вақтида Комилжон Пирцхалавадан: «Айбсиз одамларни қамаб қўйишга сизларга ким ҳуқуқ берди? — деб сўраганда, у безбетлик билан: «Бизнинг шундай ҳуқуқимиз бор»,— деб жавоб беради.

1987 йил 2 декабрда К. Ражабовни тергов изоляторига олиб борадилар ва уни ҳеч қандай ҳибсга олиш рухсатномасисиз кун бўйи ўша ерга қамаб қўядилар. Комилжон ўшанда Пирцхалавага ўзини 4-қаватдан ташламоқчи эканлигини айтади, у эса «ўзингизни босинг, болаларни ўйланг», деб уни тинчитмоқчи бўлади ва яна икки кундан кейин озодликка чиқариб юборишга ваъда беради.

Учинчи декабрдан тўртинчи декабрига ўтар кечаси Пирцхалава изоляторга Комилжоннинг акаси З. К. Ражабовни олиб келди. Зарифбой қаттиқ калтакланганлигидан юзлари шишиб кетган, қорни оғриётганлигидан нолир, сўроқ вақтида уни Пирцхалава аёвсиз урганлигини айтиб йиғлар эди. 4 декабрь кuni эрталаб Зарифбойни терговчилар олиб кетдилар, К. Ражабовни эса уйига қўйиб юбордилар. Гдлян гуруҳи томонидан қонунга хилоф равишда ташкил қилинган тергов изоляторига Комилжон Ражабов ўтказган машаққатли 9 кун шундай тугади. Унга бу азобли кунлар тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат бермадилар, ундан ҳатто кечирим ҳам сўрамадилар. Ваҳоланки, унинг мурғак болаларини ҳеч қандай қаровчисиз қолдирдилик, қариндош-уруғлари, яқин кишилари ва хизматдош ўртоқлари олдида унинг обрўсини тўкиб, шарманда қилдилар. Лекин охир-оқибатда на Гдлян, на Пирцхалава Комилжонга ҳеч қандай айб қўя олмадилар. Негаки, уни айблаш учун арзигулик сабабнинг ўзи йўқ эди. Бу ҳам навбатдаги сохтакорлик ўйини эди, холос.

...Пирцхалава фаолияти юзасидан В. Н. Сабуров иш олиб борди. Бу киши тажрибали терговчи, жуда яхши тайёргарлик кўрган юрист эди. У прокуратурада 20 йилдан зиёд хизмат қилган ва тўрт йил мобайнида Пенза область судининг аъзоси бўлган. Мен уни ўз касбининг моҳир устаси, шунингдек тартиб-интизомли ва ўта холис киши сифатида билардим. В. Н. Сабуров терговни фоят юқори савияда олиб борди. Пирцхалава ишини кўриб чиқиш давомида В. Н. Сабуров К. Ю. Ражабовни қонунсиз равишда озодликдан маҳрум қилинганлигидан ташқари яна бошқа бир қанча жиноят фактларини ҳам аниқлади. 1990 йилнинг 14 ноябрида Пирцхалавага якуний айбномани кўрсатди. Айбноманинг мазмуни қуйидагилардан иборат эди:

«СССР баш прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Т. Х. Гдлян раҳбарлик қилган СССР Прокуратурасининг тергов гуруҳи терговчиси сифатида мансабдор шахс ҳисобланган К. А. Пирцхалава Ўзбекистондаги порахўрликлар тўғрисида қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов олиб бориш вақтида қонун унга берган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасидан чиқиб кетган, давлат манфаатларига ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига катта зарар етказган хатти-ҳаракатларга йўл қўйган, ғаразли ва бошқа ўта амалпарастлик мақсадларини рўйбга чиқариш учун ўз хизмат бурчларига мос келмайдиган, унга хилоф бўлган ишларни онгли равишда амалга оширган, ўзига берилган ҳуқуқлардан ва хизмат ваколатларидан нотўғри фойдаланган».

Пирцхалава 1987 йил 4 декабрдан 7 декабргача ўтган давр ичида Қодиров ва Ортиқовлардан керакли маълумотларни олиш учун ушлаб келишда жисмоний куч ишлатади ҳамда уларни узоқ вақт мобайнида ҳибсда сақлаб туриш билан кўрқитмоқчи бўлади.

Пирцхалавани айбдор сифатида жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор расмий процессуал, яъни адлия тили билан тузилган, лекин бундай чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, протоколнинг ҳар сағри ортида ҳеч қандай айби бўлма-са-да, К. Пирцхалава ва Т. Гдлян томонидан қийноққа солинган кишиларнинг азоб-уқубатлари ётади. Агар Пирцхалавага қўйиладиган айблар асосида ҳукм чиқариладиган бўлса, у 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши керак эди...

Унинг кетидан Юрченкони сўроқ қилиш бошланди. У дастлабки саволларга жавоб бериш вақтида ҳеч нимани яширмаслигини, фақат ҳаққоний маълумот беришини истаристамас тарзда бўлса-да, айтиб ўтди. Чунки у одамга зўрлик қилиш ва уни камситиш билан боғлиқ бўлган гдлянча тергов усулини ҳеч қачон маъқулламаган эди. У Хоразм вилояти прокуратурасининг иккинчи қаватида 1987 йил 3 декабрда ўзи ва Пирцхалава З. Ражабовни сўроқ қилганликларини тасдиқлади. Пирцхалава саволлар бериб турган, Юрченко сўроқ протоколини машинкада ёзиб турган, сўроқ давомида З. Ражабов ўзида қандайдир бойликлар сақлашини инкор этган. Пирцхалава асабийлашиб кетган, жабрланувчининг орқа томонидан келиб, уни энсасидан итариб юборган, лекин

Ражабов саволларга яна салбий жавоб қайтарган. Ушанда Пирцхалава унинг гавдасига қаттиқ мушт урган. Юрченко Прицхалавага ўша вақтнинг ўзидаёқ бундай сўроқ қилиш мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган усул эканлигини айтган. Сўнгра бу сўроқда бошқа иш-тирок эта олмаслигини айтиб, хонадан чиқиб кетган.

Юрченко берган маълумотлар биз тўплаган бошқа далилларга қўшилди ва бизга К. Пирцхалава устидан айбнома ёзиш, кейин эса ишни судга жўнатиш имконини берди. Лекин бу ишлар тезгина битиб қолгани йўқ. Иккинчи сўроқдан сўнг Пирцхалава Грузияга кетиб қолди ва биз қақирганимизда келмади. В. Н. Сабуров Грузияга юборилади, лекин у Пирцхалавани қидириб топа олмади. Гаграга борса — унга Пирцхалава Тбилисига кетган, деб айтишган. Тбилисига келиб сўраса унинг Гаграда эканлигини маълум қилишган. Шундан кейин Пирцхалавани қидириб топиш ва уни қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд.

СССР Ички ишлар вазирлигининг ходимлари қочқинни тезда топишди ва уни Москвадаги тергов изоляторидан бирига олиб келишди. Биз терговни давом эттирдик, айбдорни ва унинг ҳимоячисини тергов маълумотлари билан таништиришга киришдик. Худди ана шу кунларда кўчаларда митингбозлик авж олиб кетди. Зеленоградликлар прокуратура биноси атрофига тўпланиб, турли шиорлар кўтариб, шовқин-сурон қила бошладилар.

Аммо, прокуратура биносини қамал қилиш шу билангина туггани йўқ. Улар ўзларининг «содиқ хизматкори» — демократик матбуотни ишга солдилар. «Собеседник»да Пирцхалава қамоққа олинганлиги тўғрисида мақола пайдо бўлди...

Идорамизга Грузиядан Пирцхалавани қамоқдан чиқаришни талаб қилувчи телеграммалар ёғилиб кетди.

Грузия прокуроридан ҳам норозилик мактуби олинди. Унда прокуратурада ходимларнинг мажлиси бўлганлиги ва бу мажлисда қуйидаги қарор қабул қилингани айтилган эди:

«1. СССР Бош прокурори олдида СССР Бош прокурори ўринбосари И. И. Абрамовни ва бошқарма бошлиғи В. И. Илюхинни Грузия ССР Прокуратураси жамоаси билан учрашиш учун хизмат сафарига юбориш масаласи қўйилсин.

2. К. А. Пирцхалава зудлик билан қамоқдан озод қилинсин, унга нисбатан қилинаётган жиноий таъқиблар тўхтатилсин.

3. СССР Прокуратураси коллегиясидан Грузия ССР Прокуратурасининг ушбу талабларини муҳокама этиш сўралсин. Бунда келтирилган талабларнинг рад этилиши республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни жиддийлаштирибгина қолмасдан, балки Грузия ССР прокуратураси жамоаси йиғилишида таъкидланганидек, бу ҳол республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан СССР Прокуратураси раҳбарлигига қарши бир қатор норозилик ҳаракатларининг бошланишига сабаб бўлиши ҳам назарда тутилсин».

Хўш, бу борада нималар дейиш мумкин? Телеграммалар, мурожаатлар ғоят зўр ҳаяжон билан битилган, уларда ғазаб ва нафрат алангаси гуриллаб турибди. Бунга сабаб, ўша телеграммаларни юборган кишилар фикрича, гўё Пирцхалаванинг граждандлик ҳуқуқлари бузилганлиги эмиш, яна бунинг оғир оқибатларга, ҳатто, миллий низо-ларга сабаб бўлиши мумкинлиги хусусида огоҳлантиришлар ҳам йўқ эмас. Шу ўринда биз бундай «адолатпарварлар»дан бир нарсани сўрашни истар эдик: «Хўш, ўша митингга чиқиб, Пирцхалавага қўйилган айбларга норозилик билдирган кишилар, Пирцхалаванинг кимлигини ва у нима ишлар қилганини билишармикин?» Ишончим комилки, билишмайди. Мени ҳайрон қолдирган нарса Грузия прокуратурасидаги ҳурматли ҳамкасбларимнинг тутган йўллари бўлди. Қандай қилиб улар миллатчилик ботқоғига ботиб қолдилар? Нима учун улар ўзбек халқи вакилларининг граждандлик ҳуқуқларини назар-писанд қилмаган Пирцхалаванинг ёнини олдилар-у, қонунсиз равишда озодликдан маҳрум қилинган ўзбеклар олдида ҳаммалари финг демай турган эдилар. Нима, ўзбекларнинг ҳуқуқлари бирданига қадрини йўқотиб, грузинларнинг ҳуқуқларидан пастроқ бўлиб қолдимиз?! Нима учун ушанда ўзбекларнинг қадр-қиммати ва шаъни тўғрисида ўйлаб кўрилмади? Қани энди бу ерда адолат, холислик?!

Пирцхалава ишига СССР халқ депутатлигига сайланган З. Шенгелия, В. Адвадзе, В. Салувкадзелар ҳам қўшилишди.

Улар СССР Олий Советининг ўша пайтдаги раиси А. И. Лукьяновга ҳамда СССР Бош прокурори вазифасини бажарувчи А. Д. Васильевга мурожаат қилишиб, Пирцхалавани қамоқдан озод қилишни ва унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишнини тўхтатишни сўрадилар. Бундай илтимоснинг сабаблари бошқа телеграммалар мазмунининг худди ўзи эди.

А. Д. Васильев эҳтиёт чорасини ўзгартириб, маҳбусни қамоқдан чиқариб юбориш тўғрисида кўрсатма берди. Кейинчалик у ўзининг бу ҳаракатини унга СССР Олий Совети томонидан, тушунишимча, А. И. Лукьянов томонидан тазйиқ ўтказилганлиги билан оқламоқчи бўлди...

СССР халқ депутатлари В. Адвадзе, З. Церетели ва Р. Салувкадзелар шахсан қафил бўлганликлари учун 1990 йил 1 ноябрда Пирцхалава қамоқдан озод қилинган

эди. Бу кишилар биринчи чақирилишидаёқ Пирцхалаванинг судга етиб келишини таъминлаймиз, деб ўз устларига мажбурият олган эдилар.

Жиноят иши 26 ноябрда СССР Олий судига юборилди. Суд раиси Е. А. Смоленцев номига ёзилган хатда биз қуйидагиларни маълум қилган эдик: «Қонунга биноан бу иш Узбекистон ССР суди томонидан кўрилиши керак. Лекин, агар имконият бўлса, тўла холисликни таъминлаш мақсадида ушбу ишни бошқа республиканинг судига юборишни сўраймиз. Бунда яна шу нарсанинг ҳам ҳисобга олинишини сўраймизки, барча жабрланувчилар ва гувоҳларнинг аксарияти Узбекистонда яшайдилар. Уларнинг баъзилари эса анча кексайиб қолган кишилардир».

Албатта бизнинг ўзбек судьяларининг холислигига шубҳа қилиш учун ҳеч қандай асосимиз йўқ эди. Бундан бизнинг кутган мақсадимиз битта эди — биз кейинчалик ҳар қандай суд ҳукмининг атрофида бўладиган нотўғри талқин қилишларнинг олдини олмоқчи эдик, шу боисдан иш қаерда қараб чиқилиши бизни унча ташвишга солмади. Биз далил ва исботлар етарли эканлигига ишонар эдик. Фақат Россия судларида иш қараб чиқиладиган бўлса, унинг холис ва адолатли ҳал бўлишига бироз шубҳамиз бор эди.

Биз Россия Олий Советининг бошида Гдьяннинг эски сафдошлари ва ҳамфикрлари турганлигини яхши тушунар эдик. Минг афсуски, биз бошлаган ишларнинг пировард-натижаси ана шу кишиларга боғлиқ эди.

Е. А. Смоленцев ишни Қозоғистон Олий судига жўнатиш тўғрисида фармон берди. Қозоғистон Олий суди эса ўз навбатида ишни Чимкент вилояти судига юборди.

Орадан бир-икки ой ўтса-да, суд мажлиси тайин бўлмади. Пирцхалава эса Кавказ тоғлари ортига яшириниб, ишни кўриш юзасидан чақирилган суд мажлисига келмасдан юрарди. Менинг хавотириш тўғри бўлиб чиқди.

Пирцхалава тергов изолятори эшигидан остона ҳатлаб чиққан заҳотиёқ ўзининг оқланиши учун «жанг» бошлаб юборган эди. Лекин у қандай усуллар билан курашарди? Мана, шулардан бири: у Чимкент вилояти судига телеграмма жўнатиб, ўзининг даволаниш учун стационарда ётганлигини ва у ерга фақат 1991 йил февраль ойининг охирларида етиб бориши мумкинлигини билдиради. Пирцхалава яна ёлғон гапириб, ҳаммини алдаётган эди. У ҳеч қандай касал эмас эди. У вақтни бироз чўзиши керак эди холос, чунки у Грузия халқ депутатлари сайловига ўз номзодини қўйган эди. Бундан кутилган мақсад битта — яъни депутатлик мандатини қўлга киритиш ҳамда унинг қудратли ваколати билан судга бормаслик, қолаверса, республика Олий Советидан мадад олиш эди.

1991 йил февралда Пирцхалава Грузия халқ депутати этиб сайланди. Мен ҳаммиша бир нарсага ҳайрон қоламан: нега бизда халқ орасида обрўсини тўкиб шарманда бўлган кишилар қандайдир йўллар билан бирданига юқори жойларга сайланиб қоладилар? Ҳеч кутилмаган одамлар депутатликка сайланиб кетадилар. Мисол учун яна ўша Пирцхалавани олайлик. Биз у ҳақдаги ишни судга жўнатган заҳотимиз у худди «энди кўлингиздан нима келади», дегандек депутат бўлиб турибди. Гўё булар учун кимдир депутатлик ўрнини бекитишга тайёрлаб, протоколлар тузиб сайланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлардаги муҳргача босиб қўйган экан-да, деган тасаввур пайдо бўлади.

Айтмоқчи, ҳозир Пирцхалавани Грузия Олий Советининг қонунчиликни ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари қилиб сайлаганлар. Оғир жиноятлар қилганликда айбланган киши, қилган жиноятлари учун судга берилган киши қонунчиликнинг асосий ҳимоячисига айлантирилган бўлса нима дейсиз?! Даъвогаринг қози бўлса, дардингни кимга айтасан, деганлари чиндан ҳам бор гап экан.

Пирцхалава СССР Олий Судига ҳам келмади. Уни мажбурий равишда олиб келиш тўғрисидаги иттифоқ, Грузия Ички ишлар вазирликларига берилган топшириқлар ҳам бажарилмай қолди. Адолатли суд йўлига яна тўсиқ қўйдилар, уни яна бошқа бир ҳокимият билан алмаштирдилар. Бу тўсиқни фаол равишда Грузия Олий Совети Президиуми бунёд этиб борарди. Масалан, унинг 1991 йил 12 апрелдаги қароридан шундай сўзлар битилган эди: «Грузия Республикаси Олий Советининг аъзоси К. А. Пирцхалава ўз депутатлик вазифаларини бажаришни давом эттирсин ва СССР Олий Судига ишнини кўриб чиқадиган суд мажлисида иштирок этмасин...» Қарорга Грузия Республикаси Олий Советининг Раиси З. Гамсахурдия имзо чеккан эди...

Ҳозир сиз ўқиётган мазкур сатрлар ёзиб тугатилган вақтда, 1992 йилнинг февралда Пирцхалава устидан бир кишининг жонига қасд қилмоқчи бўлганлиги учун жиноят иши қўзғатилганлиги тўғрисида хабар келди. Грузия прокурори Пирцхалавага нисбатан биз қўзғатган ва кейинчалик тўхтатиб қўйилган жиноят иши маълумотларини юборишни сўраб Россия прокурорига мурожаат қилган. Эътибор берсангиз, бу ерда ҳам муайян бир қонуният мавжуд эканлигини кўрасиз. Жуда кўп терговчилар учун Гдьян мактаби изсиз кетмаган. Пирцхалава учун ҳам у изсиз йўқолмади.

Мен ҳар доим Гдлян билан Ивановнинг уятсизлигига, содир бўлган воқеа-ҳодисаларни бузиб кўрсатишига ҳайрон қолардим. Юмшоқроқ қилиб айтганда улар ғирт ёлғон ахборотларни, ҳали текширилмаган маълумотларни сира суриштириб ўтирмасдан ҳар қандай киши, ҳар қандай идорага худди рост гапдай еткази олиш қобилиятига эга эдилар. Бу гапларда олди-қочди ва мишмишлар қанчалик кўп бўлса уларнинг самараси шунчалик кўпроқ бўлур эди.

Шундай вақтлар Геббельс одамларни қандай қилиб лақиллатгани беихтиёр эсинга тушади. У махсус ёлғон ва бўҳтонлар, уйдирмаларни тўқиб чиқариш қоидаларини ишлаб чиққан бўлиб, уларнинг қисқача мазмуни шундай экан: тарқатиладиган ахборот ҳақиқатдан қанчалик йироқ бўлса, у шунчалик яхшироқ ҳазм бўлади, унга одамлар кўпроқ ишонадилар.

Гдлян билан Ивановнинг кўпгина нутқлари ҳам худди ана шундай ёлғонлардан иборат бўлар эди. Бундан ташқари, улар митинг ёки йиғилишга келган ўз мухлислари улардан нималар кутаётганини, ҳозир улар айтадиган фикрдан бошқа гапни тан олмай-диган, бир тўда оломон нималар кутаётганини жуда яхши тушунар эдилар.

Гдлян гуруҳида тергов олиб боришнинг ваҳшиёна усулларига чидай олмасдан ўз жонига қасд қилган кишилар ўлимида ҳеч қандай айби йўқлигини айтиб қасам ичар экан, Тельман Хоренович яна хафа бўлган киши қиёфасига кириб, «бизни ўн бир кишининг ўлимида берокга айбламоқдалар, биз фақат уларнинг тўрттаси билан иш кўрганмиз, холос»,— дейди. Бу рақамлар қанчалик ростлиги Гдляннинг виждонига ҳавола, лекин ўша тўрт киши ўлимининг ўзиёқ Гдляннинг қўли қон эканини исбот қилиб турибди-ку!

Тўртинчи, яъни охириги ўз жонига қасд қилган киши, Гдляннинг айтишича, пора-хўрли ҳақда валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузганлиги учун жинойий жавобгарликка тортилган Мирзобоев Ғанининг укаси Мирзобоев Маҳмуд бўлган. Мана, ўша суҳбат чоғида Гдлян айтган гапларни сўзма-сўз келтирамиз:

«Биз унинг укаси Маҳмуд миллион-миллион сўм пулларни яшириб қўйганлиги тўғрисида расмий маълумот олдик. Шундан кейин укасини чақириб сўроқ қилдик. У пуллар, тиллалар, бриллиантлар қаерга яшириб қўйилганлигини айтиб берди. У акасининг бойликларини яшириб қўйишда иштирок этганлиги учун биз уни қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқардик. Худди ҳозиргидек эсимда, Иванов, Бухоро вилоят ДХК бошқармасининг бошлиғи Муртазоев, терговчи ва мен ўтирган эдик. У ҳам шу ерда эди. Мен унга шундай дедим: «Маҳмуд, биз сизни озодликдан маҳрум қилишимиз керак, лекин сиз жинойий йўллар билан топилган бойликлар қаерга яширилганини айтиб бердингиз. Мен бундай ўйлаб қарасам, сиз бир ишчи одам экансиз. Қўлингизни менга беринг. Қаранг, бу қўлларингиз — меҳнат кишининг қадоқ қўллари. Мен сизни тушунаман. Акангиз илтимосини рад этиш қийин бўлган. Қонун бўйича мен сизни қамоққа олишим керак ва мана бу қарор ҳозирча унга сиз имзо чекмаганлигингиз сабабли тўла расмийлаштирилган ҳужжат бўлгани йўқ. Мана, сизнинг кўз олдингизда мен уни йиртиб ташлайман... Сизни озодликдан маҳрум қилишга менинг қўлим бормайди. У йиғлаб юборди. Мен бу хизматларингизни бир умр эсимдан чиқармайман, деди ва яна давом этиб, мен қилган гуноҳим учун турмага тушишим кераклигини яхши биламан, лекин сиз бугун мени озод қилиб менга иккинчи умр бердингиз, сизнинг бу яхшилигингизни ҳеч қачон эсимдан чиқармай, сиздан доим миннатдор бўлиб юраман, фақат бир илтимос, ҳозир кеч бўлиб қолди, мен кечаси уйга бориб ухлаб ётган болаларимни безовта қилмай қўя қолай, бу кечаси мен акамнинг машинасида ухлай қоламан (акасининг «Волга» машинаси ДХК ҳовлисида турган эди), эртага эрталаб бирга кетамиз ва мен сизга олтинлар қаерда эканини кўрсатаман»,— деди. Хонада ДХК бошлиғининг музлатгичи бўлиб унда пишлоқ, сариеғ, колбаса ва тандир нони бор экан. Мен унга сиз мана шу нарсалардан тановул қилиб олинг, биз меҳмонхонага кетамиз, бугун бу ерда ёш бир капитан навбатчилик қилади, биз унга сиз ҳақда тайинлаб кетамиз,— дедим. Шундан кейин биз хонадан чиқиб кетдик. Шу воқеанинг эртасига эрталаб саккиз яримда Маҳмуд ўзини деразадан ташлаган».

Буни қаранг, нақадар жозибали ҳикоя. Гдляннинг ижросида у янада содда, янада таъсирли жаранглайди. У ҳикояда ўзини ғоят олижаноб қилиб кўрсатишга устаси фаранг. Буни қарангки, у Маҳмудни озодликка чиқариб унга иккинчи ҳаёт бахш этибди, уни шу даражада қувонтириб юборибдики, натижада у бечора қувончини ҳеч қаяққа сиғдиролмай, иккинчи қаватдан ўзини ташлабди ва боши билан тушиб ҳалок бўлибди. Отасини соғиниб ётган болаларини уйғотиб қўймаслик учун кечаси уйига кетмаган эмиш. Ким ишонади бу гапга?

Гдлян ёлғон гапираётган эди. Ҳа, кўзини лўқ қилиб ғирт уйдирма гапларни айтаётган эди. Уша куни Маҳмуд сўроқ қилинган хонада ҳеч қандай ёпган нон-у, пишлоқ, колбасалар йўқ эди. Уша куни Гдляннинг қўлида Мирзобоев Маҳмудни қамоққа олиш тўғрисида рухсатнома ҳам йўқ эди. Ҳеч қандай прокурор бундай санкцияни Гдлянга бермаган эди. Маҳмуд ҳеч қандай бойлик ва пулларни яшириб қўйганлигини тан олган

эмас эди. Маҳмудни сўроқ қилиш протоколи эса Иванов томонидан кейинчалик, унинг ўлимидан сўнг тузилган эди. Шунинг учун ҳам у протоколларга имзо чекилмай қолган эди. Ҳеч қандай «меҳнаткаш одам, ишчи қўллар, қадоқ қўллар» ҳақида гап-сўзлар бўлгани ҳам йўқ эди. Зеро Мирзобоев Маҳмуд Бухоро вилояти матлубот кооперациясининг ишлаб чиқариш — реклама комбинатида директор ўринбосари бўлиб ишлар эди.

Хўш, аслида нималар бўлган эди, ўша фожиали тунда воқеалар қай тарзда ривожланган эди? Воқеа худди ўша Гдлян ва унинг шериклари синовдан ўтказган ваҳшиёна механизм тарзида амалга оширилган эди, яъни «порахўр» қамоққа олинганидан кейин унинг ҳеч қандай айби бўлмаган оила аъзоларини, қариндош-уруғларини, қўни-қўшнилари ва шунчаки унга таниш-билиш бўлган кишиларни ёппасига ушлаб келиш ва ҳибсга олиш бошланган эди. Акаси қамоққа олиниши билан Мирзобоев Маҳмудни ҳам ушлаб Гдлян ҳузурига келтирилди.

Маҳмуднинг хотини 39-болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайдиган Моҳира Мирзобоева бу ҳақда мана нималарни ҳикоя қилиб берди: 1984 йил 6 июль кечаси соат бирларга яқин учта милиция ходими келиб, уни машинага ўтқазиб олиб кетишади ва шундан кейин аёл уни бошқа кўрмайди. Фақат 7 июль кунигина Моҳирани Гдлян ҳузурига олиб келишади ва бу ерда унга эри ўз жонига қасд қилиб ҳалок бўлганлигини ва ҳозир ўликхонада ётганлигини маълум қиладилар. Бу гапни эшитган аёл ўзидан кетиб қолади. Уша куни кечқурун эса эрининг мурдасини олиб келишади.

1984 йил 6 июль куни эрталаб М. Мирзобоев уйда тинтув ўтказилади. Тинтув ҳеч қандай натижа бермайди. Тинтув олдидан, яъни М. Мирзобоев қўлга олиниб ушлаб кетилаётган пайтда унинг уйига милиция ходимини кечаси навбатчиликка қолдирганлар, унга ўйдан ҳеч ким чиқмасин ва бу ерга ҳеч ким кирмасин, деб тайинланганлар.

Мен бу ерда Маҳмудни ушлаб кетилган вақт кечаси соат бирларга яқин эканлигига алоҳида эътибор бераётганимга сабаб шуки, бу тўғрида ҳеч қандай процессуал ҳужжат тузилмаган. Худди шунингдек М. Мирзобоевнинг озодлигини чеклаб қўйиш учун ҳам терговчиларда ҳеч қандай асос йўқ эди. Буни яхши англаган терговчилар биз уни гувоҳ сифатида сўроққа чақирган эдик, деб таъкидлашлари турган гап. Бироқ процессуал кодекс гувоҳларни кечаси чақиртириш ва сўроқ қилишни қатъиян ман этиб, бунга асло йўл қўймайди. Шунинг учун улар Маҳмуд терговчилар ҳузурига олиб келинган вақтни ўзгартириб кўрсатганлар.

Биз олиб борган тергов маълумотларидан Гдлян ўз хизмат ваколатларини суистеъмол қилганлиги ҳеч шубҳасиз тасдиқланди. Айни унинг кўрсатмасига биноан айбсиз шахс ҳисобланган гувоҳни озодликдан маҳрум қилганлар, оқибатда бундай зулм ва ҳақоратга чидай олмасдан гувоҳ М. Мирзобоев ўз жонига қасд қилди. Шунинг учун ҳам Гдляннинг «терговчилик» фаолияти асосли равишда жиноят деб баҳоланган. Тўрт боланинг отаси бўлган бир кишининг ўлимига шахсан у айбдордир.

Маҳмуднинг ўлими муносабати билан 1984 йилда тергов қилган СССР Прокуратурасининг прокурори Г. К. Мазуркевич (у Г. П. Каракозовнинг қўл остида ишлайди) текшириш ўтказиши ҳамда терговчиларнинг ҳаракатларида жиноят аломатларини «кўрмаганлиги» учун жиноий иш қўзғатишдан бош тортади.

Хўш, бу хусусда нима дейиш мумкин?

Авалло текшириш ноҳилис тарзда ўтказилди. Прокуратура учун шармандали бўлган фактни яшириш ва уни ҳаспўшлаб юбориш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишди. Г. К. Мазуркевич ўз вазифасини ҳалол бажармади. Масалан, у ҳатто М. Мирзобоев сўроққа қачон ва ким томонидан олиб келинганлигини, у неча кун ҳибсда сақланганлигини текширишни мутлақо истамади, у айни пайтда бошқа шахслар ҳам ушлаб келтирилганлиги тўғрисида ҳам, ўшанда мазкур граждандарни озодликдан маҳрум қилиш учун ҳеч қандай асос бўлмаганлиги хусусида ҳам лом-мим демади.

Умуман олганда, Гдлян бу ишдан жуда осон қутулди. Унга фақат танбеҳ бериб қўя қолишди. Ҳолбуки, ўша пайтлардаёқ уни судга бериб қора курсига ўтқизиш учун барча асослар бор эди ва бу тамомла адолатли иш бўлур эди. Г. К. Мазуркевич ҳам ҳеч бир тўсиқларсиз пенсияга чиқдию кетди.

...Гдлян содир бўлишида ўзини айбдор деб тан олган тўртта ўз жонига қасд қилиш ҳолларидан ташқари яна бир киши — Тошкент вилоятидаги Оржоникидзе (ҳозирги Қибрай) район ички ишлар бўлимининг бошлиғи 52 ёшли А. Ҳ. Ҳожимуратов ҳам шундай ҳалок бўлганлигини унутиб қўйибди чоғи, ёхуд Гдлян бу тўғрида гапиришни истамадикин? А. Ҳ. Ҳожимуратов 1985 йил 23-24 декабрь кунлари Ўзбекистон Давлат хавфсизлик комитетида Гдлян гуруҳининг терговчилари А. Карташян ва И. Кунец томонидан узоқ вақт сўроқ қилинади. Орадан сал вақт ўтмай ўз жонига қасд қилган.

Гдлян билан Иванов Ҳожимуратов қандай сўроқ қилинганини ва унинг ўлими тафсилотларини яхши эслашлари керак. Нега десангиз, ДХК биносига кириш ва ундан чиқиш учун бериладиган рухсатномаларга улар имзо чекишар эди. Аминманки, улар А. Ҳожимуратовнинг порахўрлиги тўғрисидаги айбловлар ҳам совун кўпигидек ёрилиб кетганлигини яхши эслайдилар, чунки унга қилинган тўхмат ва бўҳтонларнинг адолатли хулосалар эканлигини исбот қиладиган ҳеч қандай далил

йўқ эди. Мен шу ўринда Ҳожимуратовнинг ўлиmidан сал олдин Бош прокурорга ҳамда Ўзбекистон КП МК котиби номига ёзган хатидан баъзи сатрларни келтириб ўтишни истайман:

«1985 йилнинг 23-24 декабрь кунлари мени СССР ДХК ва Прокуратураси вакили Карташян ДХК биносига таклиф қилди. Мен келсам, у билан яна бир киши бор экан. Улар икковлашиб, мени, болаларимни, ҳатто марҳум онамни ҳақорат қилдилар. Сен ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Д. Жамоловга пора бергансан, ҳозир шу айбингни бўйнингга олиб иқrorлик ёзасан, деб талаб қилдилар. Мени сўроқ давомида бўғиб қийнадилар. Улар биргина мени эмас, бутун бошли халқимизни ҳақорат қилиб сўқдилар. Нуқул, «ўзбекларнинг ҳаммаси — қўй, босмачи, фашист» деб сўқинишарди. Карташян хотинимни ҳам, қизимни ҳам ҳақорат қилди. Бунинг устига, у менинг юзимга тупурди. Мен бу азобларга чидай олмаддан, ёлғон маълумот беришга мажбур бўлдим. Мен шу азоб-уқубатлар билан қутула олмаслигимни, бу йиртқишлар ҳали яна анча вақт мени таҳрирлашларини кўнглим сезиб турибди...»

Мана шу мактубни ёзиб бўлганидан кейин А. Ҳожимуратов ҳаёт билан видолашди. Буларга яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, суд-медицина экспертизаси унинг баданида фақат сиртмоқ изларинигина эмас, айна пайтда у сўроқ берган вақтда терговчиларнинг зўравонлик қилганлигини исботловчи жароҳатларни ҳам тасдиқладилар.

Гдлян Мусахонов Мирзаюсуф (профессор, физика-техника фанлари доктори)ни ҳам эсламаслиги мумкин эмас. Чунки бу олим собиқ СССРдагина эмас, балки дунёнинг бошқа қатор мамлакатларида ҳам машҳур эди. У Тошкент Давлат дорилфунунида узоқ вақт самарали ишлаган, ўзининг қимматли илмий асарлари билан қадр топган инсон, ўнлаб иқтидорли олимларни тарбиялаб вояга етказган мураббий, устоз.

М. Мусахонов 1988 йил 24 октябрда Гдляннинг кўрсатмаси бўйича ҳибсга олинади. Кейин эса отаси томонидан «жиноий йўллар билан топилган бойликларни» яшириб қўйишда айбланиб қамалади. У беш ойдан кўпроқ вақт қамоқда азобланиб ётади. Унга қўйилган айблар нафақат қонунга хилоф, балки ҳеч қандай асосга эга бўлмаган бемаъни гаплар эди. Зеро Мирзаюсуфдан умри давомида ҳеч қачон кўрмаган миллион-миллион пулларни қайтариб беришни талаб қилганлар.

Гарчи эндиликда М. Мусахонов бутунлай оқланган, унинг пок номи тикланиб, у ўз севган ишига, оиласига қайтиб келган бўлса-да, ҳеч қачон у камерада ўтказган кунларни, терговчилар унга қилган ҳақоратларни ва жабр-зулмни эсидан чиқармайди.

Ҳақорат ва хўрлашлар шу қадар ҳаддан ошиб кетдики, оқибатда маънавий томондан ҳақоратланган, камситилган ва иложсиз қолган Мусахонов 1982 йил 16 ноябрь куни эрталаб ўз жонига қасд қилишга жазм қилди. Бироқ камерада у билан бирга ётган кишилар бундан воқиф бўлишиб, уни қутқариб қоладилар ва ўз вақтида бўйнидаги сиртмоқни чиқариб ташлайдилар.

У бўйнига сиртмоқ солиб, ўз жонига қасд қилишидан бир неча соат олдин СССР Бош прокурорига, шунингдек хотини ва бола-чақаларига хат ёзиб қолдиради. Мана, қуйида прокурорга мурожаат қилиб ёзилган ўша мактубдан айрим сатрларни келтирамиз:

«Мени отамнинг гўё жиноий йўллар билан топган миллион-миллион сўмлик бойликларини яшириб қўйишда айбламоқдалар. Мен бу қадар кўп бойликлар тўғрисида ҳеч нарса билмаслигимни айтдим ва ҳозир ҳам айтаман... Мен ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолганман. Халқдан ўғирлаб олинган миллион-миллион сўмлик бойликларни яшириб порахўрга ёрдам бергансан, деб менга қўйилган айблардан қутулишнинг, ўзимнинг айбсиз эканлигимни исбот қилишнинг ягона йўли — шу ҳаётдан кетиш деб биламан. Менинг бу қадамим гарданимга қўйилган ноҳақ айбларга ва шу билан боғлиқ ҳолда менга етказилган изтиробларга қарши норозилик ҳисобланади. Менинг ўлишимда камерада мен билан бирга ётган кишиларни айбламасликларингни сўрайман».

...Гдлян ва унинг атрофидаги кишилар Собирова Элнорани ҳам яхши эслашса керак. У 1988—89-йилларда асоссиз равишда 6 ойдан ортиқ қамоқда ўтирган ва фақат СССР Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. Д. Васильев бу ишга аралаганидан кейингина озод қилинган. Гдлян уни бир неча бор сўроқ қилган, уни қўрқитиб ҳам кўрганлар, алдаб ҳам кўрганлар, унга ҳархил ваъдалар берганлар ва охири сўқиб ҳақорат қилганлар. Лекин Элнора билан ҳаммадан кўпроқ бир терговчи — Карташян иш олиб борган. Гарчи, Гдлян Карташяннинг пешонасини Сукротнинг пешонасига ўхшатган бўлса-да, унинг қўл остида тергов берган бошқа кишилар унга ўзгача баҳо берадилар. Терговчиларнинг айтишларига қараганда, Гдлян гуруҳида Карташян биринчи ўриндаги «тўқмоқ» ҳисобланган. Унинг муомала луғат бойлиги унча кўп эмасди. Бу камчиликни у ҳаминша болаҳонадор қилиб сўқиб тўлдириб турарди. Унинг сўроқ қилиш усули йўл қўйиб бўлмайдиган бешафқат тарзда олиб бориларди.

Мен Карташяннинг айнан шу хусусиятлари тўғрисида тўхтаётганим тасодифий эмас. Э. Собированинг таъкидлашича, Карташян сўроқларига унча-мунча одам дош беролмас экан. Сўроқ вақтида аксарият кишилар ўзини ташлаб юборган ва ҳушидан

кейтиб қолган вақтлар кўп бўлган экан. Сўроқлардан бирида Собирова ўзининг қон томирини кесиб, бу азоблардан бир йўла қутулишга ҳаракат қилади, бу воқеани албатта Гдлян ҳам яхши билади. Э. Собирова билан бир вақтда унинг ўғли ва қариндош-уруғларидан яна 8 киши қонунсиз равишда қамоққа олинган эди. Кейинчалик ҳибсга олинган бу кишиларнинг ҳаракатларида жиноят йўқ деб топилиб, улар устидан қўзғатилган ишлар ҳаракатдан тўхтатилган.

«Шундай кунларнинг бирида тергов изоляторидида мени сўроқ қилаётганларида Карташян менга қараб «...Ҳозир сенинг эринг ўлимга маҳкум қилиниб отиб ташлаш учун деворга суяб қўйилган», — деди. Унинг бу сўзларидан кейин менинг аҳволим ёмон бўлиб, ўзимдан кетиб қолдим».

Суздальцев ҳикоя қилишича, у оғир аҳволда ётган Э. Собирова олдига келиб, унга томон энгашиб, нима гаплигини сўраганида, у қийнала-қийнала зўрға гапирсада, терговчилардан шикоят қилган. Сўроқда уни аёллик ғурурини ерга урганликларини гапирган.

Уша терговчиларнинг аксарияти маҳбуслар нима учун бу дунё билан видолашиб, у дунёни ихтиёр қилишганини ҳали ҳам эсдан чиқармаганлар. Бунга асосий сабаб — терговнинг ноҳолис тарзда олиб борилганлиги, шафқатсиз қийноқларни қўллаб, одамлар ҳақорат қилинганлигидир.

Бу ҳақда бизга терговчи Логвинов ҳам гапириб берди. Мен бу ерда Логвинов берган маълумотлардан парча келтириб ўтмоқчиман. Логвинов бизга яна битта мана шундай фожиа ҳақида гапириб берди: «Ҳозир ҳам ўзининг вена қон томирини кесган эди, мен буни яхши биламан. У қўлини бинт билан бойлаб юрганини кўрганман».

Мен бу ерда Бухоро область ички ишлар бошқармаси ДАН йўл-патруль хизмати алоҳида дивизионининг собиқ командири Видодил Иззатов иши ҳусусида тўхталиб ўтишни истар эдим. Олдиндан гапнинг хулосасини айтиб қўймоқчиман. У Гдлян олиб борган тергов маълумотлари бўйича суд ҳукмига кўра ўн уч йил озодликдан маҳрум этилган эди. Бу муддатни Гдлян ишни судга жўнатмасидан анча илгари, ҳали Иззатовни сўроқ қилиб юрган кезлардаёқ маълум қилган эди.

В. Иззатовнинг тақдирини фожиали бўлди. У етти йилга яқин умрини турли қамоқхоналарда ўтказди. Кейин СССР Бош прокурорининг ўринбосари ёзган протест, яъни норозилик хати бўйича Ўзбекистон Олий суди Президиуми бу адолатсиз ҳукмни бекор этди ва Иззатовни озод қилди...

В. Иззатовни 1984 йил 22 мартда қамоққа олдилар ва ҳар куни сўроққа чақириб уни қийнадилар, унга нисбатан ваҳшиёна зулмлар қилдилар. Хотинингни ва болаларингни қамаб қўямиз, деб уни кўрқитдилар, ҳақорат қилдилар. Сўроқлар бутун кун бўйи ва кечқурун ҳам давом этар, терговчилар навбат билан алмаштирилиб туриларди.

В. Иззатов сўроқлар давомида муттасил равишда уриб-калтаклашларга ҳам дучор қилинди. В. Иззатовни Иванов хонасида сўроқ қилиш учун олиб келганларидан азоб-уқубатли кунлар бошланди. Хонада Калинин, Карташян, Иброҳимов ва Тахтаровлар бор эдилар. Иванов тўпланганларга қараб: «Танишинг, ўртоқлар, мана бу туркларнинг ёввойи ҳайвони, иш вақтида унга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмаслиги керак», — деди. Чиндан ҳам Иззатовни аёвсиз қийнадилар. Бу ҳақда Иззатов шундай ҳикоя қилади: «Гдлян терговлардан бирида менга «Сен муттаҳамсан, ҳамма ўзбеклар бир-бирининг устидан ёзиб берапти, сен эса юртдош бўла туриб менга ёрдам беришни истамаяпсан», — деди-да хонадан чиқиб кетди, чиқиб кетаётганида ҳам, — «бунақа ўжарлик қиладиган бўлсанг, энди ўзингдан кўр», — деди. Эртага мен кўрсатма бераман, барча ДХК агентлари сен билан шуғулланишади, сен тўғринда маълумотлар тўпланади, ана ўшанда мен сени турмада чиритаман. Ҳозир ҳам 13 йиллик қамоқ нақд деб ҳисоблайвер, дея ўдағайлади.»

Иззатов яна шундай бир фактни эслайди: навбатдаги калтаклашлардан кейин Иванов унга дўк уриб шундай кўрқитади: «Йигитлар, агар у айбини бўйнига олмай ҳеч нима ёзиб бермаса, уни 3-қаватдан пастга ташлаб юборинглар, кейин ўз-ўзини ташлади деб акт тузамиз», — дейди.

Мен Иззатов берган маълумотларни ўқиган вақтимда беихтиёр сесканиб кетдим. Менинг кўз олдимга бир вақтлар ҳалок бўлган гувоҳ Маҳмуд Мирзабоев воқеаси келди.

Иззатовни маълумот беришга мажбур қилиш ишлари Бухорода бошланган эди, кейин уни Тошкентга, Гдляннинг хизмат кабинетига яқинроқ жойга қўчириб келдилар. Ҳибсга олинган кишиларни кўпинча бир изолятордан иккинчи изоляторга кўчириб турардилар. Зеро, бу ҳам уларга руҳий таъсир ўтказишининг бир йўли эди-да. «Бухорода гапиришни истамасанг, Тошкентга юборамиз, Тошкентда ҳам гапирмайдиган бўлсанг, Москвага, туғилиб ўсган жойларингдан узоқроққа жўнатамиз! Ёлгон гапиришни истаманг кўпгина камгап кишилар ана шу машаққатли масофани босиб ўтишга мажбур бўлдилар, лекин бу йўллар Иззатовни кўрқита олмас эди. Уни хотини ва болаларининг тақдирини ҳаммадан кўпроқ ташвишга солар эди. Уларни қамоққа олишлари мумкинлиги

гини деярли ҳар бир сўроқда Иззатовга таъкидлаб қўйишарди. Ишқилиб, нима қилиб бўлса ҳам Гдлян унинг иродасини букиш учун ҳар қандай аблаҳликка бориши мумкинлиги уа қатъий ишонар эди. Иззатовни фақат кўрқитиш билан чекланиб қолмадилар, унинг ўғлини изоляторга олиб келиб, унга кўрсатиб ҳам қўйдилар. Бу ишни улар гўё тасодифий ҳодиса қилиб кўрсатмоқчи бўлдилар. Яъни Видодилни сўроққа Ивановнинг кабинети томон олиб бораётганларида гўё тасодифий тўқнашиб қолгандек терговчилар рўпарадан унинг ўғли Олегни олиб ўтиб қоладилар.

Олег уни отаси билан бундай учраштиришганини яхши эслайди, яна бир воқеани ҳам эслаб бизга гапириб берди. Худди бошқа ўнлаб бегуноҳ кишилар каби Олегни ҳам қайта-қайта сўроққа чақиришарди. Ундан отасини фош қилувчи маълумотлар беришни талаб қилишар, лекин у ҳеч нима билмас эди. Иванов ҳар доим сени ертўлага қамайман, деб дўқ қилиб кўрқитарди. «Мен жуда кўрқиб кетдим, — деб ҳикоя қилади Олег, — мени қамаб қўймаслиklarини сўрадим... Мен хонада Коваленков билан бир ўзим қолган вақтда у мени ички кийимгача ечинишгача мажбур қилди, кейин у сени ҳозир ертўлада ётган ашаддий жиноятчилар ёнига олиб бориб ташлайман, улар сени зўрлашади», — деди...

* * *

Барноев Мақсуд — 1955 йилда туғилган, Ўзбекистон улгуржи савдо базаси — «Узоптбакалея» Бухоро вилояти базасига қарашли тамаки омборининг омборчиси, қарамоғида тўртта ёш боласи бор, у ҳам Гдлян гуруҳининг, Н. Иванов ўтказган терговнинг барча даҳшатларини бошидан кечирган.

Терговчилар Барноевни биринчи марта ўз ҳузурларига 20 февралда чақириганлар. У ўз бўйнига қўйилган айбларнинг ҳаммасини рад қилган. Уни Ражабов билан юзлаштириш ҳам терговчилар учун зарур натижани бермагач, сўроқ яна давом этаверган. Дўқ-пўписи қилиш бошланган, лекин Барноев тўхмат қилишга рози бўлмаган.

1985 йил 16 майда янги туркум сўроқлар бошланади. Ҳар сафаргидек бу гал ҳам сўроқ протоколи тузиб борилмайди. 21 майда навбатдаги сўроқ бўлиб ўтади. Энди сўроқ бўлганлиги тўғрисида протокол тузилади-ю, лекин унга М. Барноев имзо чекмаган. Ушбу протоколга терговчилардан Евстафьев, Попков ва Морозлар томонидан тузилган маълумотнома илова қилинган. Маълумотномадан шу нарса маълум бўладики, Барноев сўроқ қилинаётган вақтда тушки овқатга чиқиш учун танаффус эълон қилинган. Бироқ, шу бўйи у терговчилар ҳузурига бошқа қайтиб келмаган ва шунинг учун ҳам у протоколга имзо чекмаган. Чиндан ҳам ўша куни тушдан кейин Мақсуд сўроққа келмаган эди...

...Бухоро шаҳар касалхонаси ҳузурдаги «Тез ёрдам» хизматига соат 19⁵⁵ да Барноевнинг хотини кўнғироқ қилиб ёрдам сўрайди. Соат 20 дан 40 минут ўтганида Мақсудни касалхонага олиб келадилар. Тиббий ҳужжатларда шундай сўзлар ёзилган: «Бемор «Тез ёрдам» машинасида олиб келинди. Бош оғриғи ва боши айланишидан, қулоғи шанғиллаши, умумий аҳволи ёмонлигидан, тинка-мадори қуриб кетаётганидан, бўйин мушаклари қақшаб оғриётганидан ва нима еса қусиб ташлаётганлигидан шикоят қилди. Касалхонага олиб келинган вақтда баданининг кўп жойида кўкариб, қонталаш бўлиб қолган жароҳатлар бор эди. Барноевнинг сўзларига қараганда, 1985 йил 24 май кундузи соат 11 да Файзулла Хўжаев туман прокуратураси биносига терговчилар уни аёвсиз муштлаганлар.»

Шифокорлар сўраганда у ўзини терговчи Мавлонов урганлигини айтган.

26 майда Барноев вилоят прокурори Ю. Н. Матюшов номига ариза ёзиб, унда суд-тиббий текшириши ўтказишни, ўзини терговчилар урганлиги тўғрисидаги фактни тергов қилишни ва уларни жиноий жавобгарликка тортишни сўрайди.

Прокурор Бухоро вилояти прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Д. Қурбоновга тергов бошлашни топширади. Шунинг эътирофи этиш керакки, Д. Қурбонов топшириққа масъулият билан ҳамда ўз касбига тўла мувофиқ тарзда ёндошади. Орадан кўп ўтмай унинг қўлига суд-тиббий экспертизанинг қўйидаги қатъий хулосаси келиб тушади: «Бухоро вилояти 1-касалхонаси неврология бўлими қошида 6719 сонли касаллик тарихи маълумотлари бўйича 1955 йилда туғилган фуқаро Барноев Мақсуд Саидовичнинг суд-тиббий экспертизадан ўтказилиши асосида биз шундай хулосага келдикки, унинг баданларида қонталаш бўлиб қолган жароҳатлар мавжуд. Бундай жойлар унинг ўнг елкасида, ҳар иккала билагиди, ўнг оёғи болдирининг орқа томониди, чап елкасининг чуқурчасида, ўнг кўзи чеккасида яққол сезилиб турибди. Бу жароҳатлар учи тўмтоқ ва қаттиқ буюм билан уриш натижасида ҳосил бўлган бўлиб, енгил тан жароҳати тоифасига мансубдир. Жаро-

хатлар етказилган вақт 1985 йил 24 майга тўғри келиши мумкин. Бундай жароҳатни М. Барноевнинг ўзига-ўзи етказган бўлиши эҳтимолдан узоқдир».

Иш юзасидан бошқа маълумотлар ҳам пайдо бўлади. Уларда ҳам сўроқ вақтида Барноев калтакланганлиги тўғрисидаги тахминлар тасдиқланади. Барноевнинг ўзи ҳам Гдлян терговчилари билан бўлган учрашувларни яхши эслаб қолган бўлиб, улар тўғрисида муфассал гапириб беради. Уни бир неча марта сўроққа чақирадилар. Амакиси, И. А. Шарипов пора олганлиги тўғрисидаги фактларни тасдиқлаб ахборот ёзиб беришни талаб қиладилар. Барноев бу ҳақда ҳеч нима билмаганлиги боис ҳеч нарса ни сўра бера олмас эди. Сўроқлар тўхтовсиз бўлар эди-ю, лекин сўроқ протоколлари ҳар доим ҳам тузилвермасди. У терговчиларнинг амакиси устидан ёлгон маълумот ёзиб бериш тўғрисидаги тазлифларини қатъиян рад этади.

Бир кун ўзи, хотини ва болалари уйда ёлғаман вақтда эшикни бузиб кириб, унинг уйида тинтув ўтказганлар, унинг паспортни ва ҳарбий билетини олиб кетганлар. Уйдаги баъзи бир буюмлар йўқолган, улар қаерда эканини шу вақтгача ҳам ҳеч ким билмайди. Тинтув ҳеч қандай натижа бермайди. Чунки у ўз оиласи билан оддий ҳаёт кечирган бўлиб уйда арзигулик ҳеч нарса тополмайдилар. 24 майда уни қаттиқ қийноқлар билан урадилар. Бу ҳақда Барноев қуйидаги маълумотларни ёзиб берди: «Прокуратурадаги хоналардан бирида мени сўроқ қилишаётганда, Мавлонов, Карташян ва яна соқол қўйган баланд бўйли икки терговчи бор эди. Мен уларнинг фамилияларини билмайман. Яна бир озарбайжонлик, мўйлов қўйган терговчи ҳамда пакана ориқ одам — Туркменистондан келган терговчи ҳам шу ерда эди. Ҳаммалари мендан иқрорнома талаб қилишарди. Менга бир варақ оқ қоғоз беришди ва ҳаммалари баравардан бош прокурор номига ўз ихтиёринг билан иқрорнома ёзиб бер, деб талаб қилишди. Мен рад этдим. Сўроқ соат 9 дан 50 минут ўтганда бошланган эди, соат 13 ларга бориб тамом бўлди. Мен ҳеч нарса ёзиб бермадим. Сўроқ вақтида мени Карташян, Мавлонов, ҳалиги соқол қўйган икки терговчи ва мўйловли терговчи урдилар. Гоҳ бир киши, гоҳ эса бирдан бир неча киши, икки-уч кишилашиб ҳам урдилар. Кафтларини қирраси билан бўйнимга, биқинимга, қўлларимга урдилар. Оёқлари билан оёғимга ҳамда юзимга тепдилар. Калтаклар зарбидан бурним қонаб кетди. Соат 13 да тушликка қўйиб юборишди ва Евстафьев менга тушдан кейин, соат 14 да яна келишимни айтди».

Шундан кейин Барноев сўроққа келмаган, сабабларини юқорида айтиб ўтган эдик. У ўша кун ишхонасига келиб ишдан жавоб сўрайди. Чунки ўзини жуда ёмон ҳис қилади. Уйига кетади. Кечқурун эса хотини ва ота-оналари «тез ёрдам» машинасини чақиривади.

Гдлян билан Ивановнинг қўллари эса қаёққа узатса етар эди. Улар қилган биринчи иш шундан иборат бўладики, М. Барноев билан тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкинлиги тўғрисида врачлар хулосасини қўлга оладилар. 1985 йил 4 июлда М. Барноевни Гдлян ҳузурига чақирадилар. Шуни айтиш керакки, бу пайтда Гдлян унга нисбатан қаҳр-ғазабга тўлиб, ундан жаллодлардек ўч олишга шайланиб турган эди. У М. Барноевга ўша кун — 1985 йил 24 майда мени амаким И. А. Шарипов урган эди, деб ёзиб беришни таклиф қилади. Айни пайтда у Мақсудни порахўрлик тўғрисида туҳматчилик қилишга ҳам ундайди. Зеро, бу вақтга келиб Гдляннинг қўлида ўз жиянини урганлиги тўғрисида Шарипов томонидан ёзилган «иқрорнома» бор эди. Кейинчалик суд вақтида Шарипов ушбу «иқрорнома» ундан дўқ-пўписалар ва зўрлик қилиш йўли билан ёздириб олинганлигини сўзлаб беради.

Гдлян ўзи мўлжаллаган бу тадбир билан икки қуённи урмоқчи эди. Бир томондан, Шариповни фош қиладиган қўшимча маълумотга эга бўлса, иккинчи томондан, Барноев воқеасини ўзи ва шериклари учун доғ тушмайдиган тарзда тугатмоқчи эди.

Лекин Барноев яна ўжарлик қилади. У ёлгон гапни тасдиқлашни рад этади. Уни ярим кечагача терговчилар хоналари бўйлаб олиб юриб сарсон қиладилар. Кейин эса, Иванов уни ушлаб келтирганлиги тўғрисида қарор ёзади ва уни камерага қамаб қўяди. Ҳолбуки, ўша кун Мақсуднинг қўлида у ҳали ҳам даволанишда юрганлиги тўғрисида ҳужжат бор эди.


Азоб ва қийноқлар билан ўтказилган сўроқлар, камситиб ҳақоратлашлар натижасида М. Барноев мутлақо билмайдиган ишларни биламан, деб ва аслида ҳеч қачон қилмаган ишларини қилганман, деб «иқрорнома» ёзиб беришга мажбур бўлади.

Башарти, Гдлян ва Иванов менинг ёзганларимни, М. Барноев тўғрисидаги фикрларимни рад этмоқчи бўлсалар, у ҳолда И. Шарипов ўз жиянини ургани учун уни нима сабабдан суд жавобгарлигига тортмаганликларини тушунтириб берсинлар. Нима сабабдан Барноевни ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш билан боғлиқ бўлган мазкур факт бўйича тўпланган маълумотлар, 60 кундан ортиқ унинг қамоқда сақланганлиги билан боғлиқ бўлган барча маълумотлар иш орасидан сўғуриб олиб ташланган? Биз кейинчалик бу ҳужжатларнинг бир қисмини топдик ва ишга баъ-


зиларини тиклаб қўйдик. М. Барноев тўрт йил мобайнида айбланувчилар қаторида бўлган, фақат 1990 йилнинг июлига келибгина у тўла оқланган ҳамда унга етказилган моддий зарар учун товон тўлаганлар.

Бу саволларга Гдлян ва Ивановлар бирор маънили жавоб берадилар, деб ишониш қийин. Бинобарин, бу ишлар бизлар учун энди ойнадек равшан. Улар иш орасидаги маълумотларни қисман йўқ қилганликларига сабаб битта. Агар шундай қилмаганларида уларнинг далилларни сохталаштирганликлари, қонунсизликка йўл қўйганликлари ва гувоҳларга жабр-зулм ўтказганликлари очилиб қолган бўлур эди.

Охири келгуси сонда



ИЗОҲ СИЗДАН...



Нурullo Остонов

НИГОҲИМНИНГ ТҮЛҚИНЛАРИДА

Кунлар

Бир қиздай қўйнимга киради кунлар,
Бир қиздай кетади юракни ғашлаб.
Тириклик даштида адашганлармиз,
Бу ғариб очундан кетмагил ташлаб.

Минг йилки яшасам будун хайлида,
Сийратим комрону ғамнок ўтарман.
Минг йилдан кейин ҳам гул бўлиб унсанг,
Мен сени шаббода бўлиб ўпарман.

Дашт бўлсанг, бағрингда дарё бўлурман,
Ой бўлсанг маҳварим, бўлурман куёш.
Бир куни элсанг, бир кун элсанг,
Мен сенинг кўзингда бўлурман кўзёш.

Қутблар туташмас, йўллар туташмас,
Жуфтламоқ кўкламу кузни бефойда.
Ва лекин, албатта, биз учрашурмиз,
Тўрт фасл, тўрт қутб кесишган жойда.

Шунда сен камалак бўлиб ётурсан,
Мен балки бўлурман баҳорнинг байти.
Ошиқлар учрашган дамда бизлар ҳам
Бу ёруғ дунёга келурмиз қайтиб...

Актёр

Сен шундай яшайсан ўзингни ўртаб,
Тилингда битта дард, дилингда минг дард.
Даврага чиққанда сен Лайли бўлиб,
Бутун зал Мажнунга айланмоғи шарт.

Тилингда келади илоҳий сўзлар,
Япроқдай титрайди тинглаганда жон.
Аёллар қўлидан тушмас рўмолча,
Йиғламаслик қийин, йиғламоқ осон.

Эркаклар ғижимлар, маъюс, асабий,
Чўнтакда эзилган сигаретани.
«Наҳотки шундай бир ҳаёт бўлмаса,
Наҳот яшолмасак ёниб, ўртаниб?!»

...Утар бир соатми, икки соатми,
Томоша тугайди.
Кўзёшлар тамом.
Қолдириб саҳнанинг фожиасини,
Кетасан иккинчи фожа томон.

Андиша

Мени ўлдиради бир куни бу куч...
Қонида тарихнинг истилоси бор.
Мен унинг измидан қутулолмайман,
Бугуним сиртмоғу оқибатим — дор!

У эса улғаяр, улғаяверар,
Мен эса қимтиниб, чўкиб бораман.
У эса кулади кўзи ёшланиб,
Мен эса кўздан ёш тўкиб бораман.

Бу кучни қул Тарлон деб айтайинми,
Риёзат дайрида кезган дарбадар?!
Ёронлар бу улуғ Аждар туфайли
Кечдилар хотиндан то дўстга қадар.

Товоним қаварди, томир қаварди,
Кўтариб юрмоқдан бу оғир юкни.
Бир куни у мени бўғиб ташлар-да,
Қўйворар вужудга қамалган руҳни...

Аргумоқлар кўкка интилар

Висоцкийни эслаб

Аргумоқлар кўкка интилар,
Ғурч ёллари оловлангандир,
Аргумоқлар кўкка интилар,
Аргумоқлар... жиловлангандир.

Пистирмада, майли қолсинлар,
Чик, элингнинг ўғлони бўлсанг,
Не гапинг бор, тирикликда айт,
Кўзинг очиқ кетмасин, ўлсанг.

Титратади томирларимни
Оҳангларнинг шиддаткор кучи,
Нигоҳимнинг тўлқинларида
Аргумоқлар бормоқда учиб.

Бир кун чечак унса қабрингда,
Тиниқлашса рости ёлғонлар,
Минбарлардан эслашар сени,
Пистирмада омон қолганлар.

Бу шиддатнинг алангасига
Асабларинг чидаса, отил.
Сўнгги дамда чекинсанг кўрқиб,
Сўнгги дамда бўласан қотил.

...Аргумоқлар учади кўкка,
Шиддатига тўлар бўшлиқлар,
Учар оёқлари миҳланган,
Қанотлари осмон кўшиқлар.

Ўткинчи дўст, шу йўлдан келсанг,
Бир лаҳзага эгиб ўт бошни.
Учаётган аргумоқларнинг
Кўзларидан артиб ўт ёшни...

* * *

Кимдир ўтса кўчангдан сархуш:
Муножотми, Ушшоқни куйлаб,
Ярим тунда уйғониб кетсанг,
Бу оҳангдан юрагинг ўйнаб.

Чиқиб кетсанг инграб кўчага,
Вужудингга сиғмай қолса жон
Ва кўшиқнинг маҳзун байтлари
Лабларингдан учса беимкон.

Юрт дардини юракка жойлаб,
Шундай куйласангки... куйласанг,
Одамларни иссиқ оғушдан,
Ярим тунда суғурса оҳанг.

Келаверса оқимдек, селдек,
Юрагида балққанча қуёш.
Озодликнинг сарбадорларин
Кўшиғига бўлиб оҳангдош...

Ярим тунда уйғониб кетсанг...

ҚУШ ЖОНИГА ТУТАШДИР ЖОНИМ

Бир юракнинг минг тори,
Минг торда ҳам дил зори.
Дунёга сиғмаганнинг,
Қанотидир чилтори.
Чилторим-ов, чилторим,
Куйла дилимда борим.
Забонимни музлатган —
Эрисин юрак қорим.
Кипригимнинг остида,
Қорлар эриб оқди, ёр.
Ҳижронинг ҳам аслида,
Менга мурувватдир, ёр.

Чилторим-ов, чилторим,
Чилторимда дил зорим.
Сойда оқиб боради,
Дилимдаги озорим.
Тун тўкилди сочимдан,
Ой айланди бошимдан.
Самога боққин, ёрим,
Юлдузи — кўз ёшимдан.
Чилторим-ой, чилторим,
Куйла кўнгулда борим.
Куйни синдириб билмас,
Дилни синдирган ёрим...

* * *

Ўтган куним — ўтмас куним,
Кўксимдаги тош бўлди.
Тошни ортга отар бўлсам,
Косамдаги ош бўлди.

Насимийнинг кўзин ўйган,
Чипқонлари бор ҳали.
Пайтин пойлаб, нишин урган,
Илонлари бор ҳали.

Еру кўк бўш. Бу самовот,
Кимларга талаш бўлди.
Она тупрок, зарраларинг
Қайси кун кўз ёш бўлди?

Ўтган куним, ўтда куйдим,
Кўзларимга ёш тўлди.
Ёшларимни артар бўлсам,
Косамдаги ош бўлди.

Ўтган куним ўтмас бўлди,
Ҳамон ҳақнинг боши ҳам.
Қодир Оллоҳ, Қодирийлар
«Халқ душмани» ҳали ҳам.

Ким тун бўйи бўзлаб-бўзлаб,
Қон тупурди саҳарда.
Ё раб, ҳамон қон туфлайди
Кимдир, ушбу маҳалда!

Ўтган куним — ўтмас куним,
Кўксимдаги тош бўлди.
Тошни ортга отар бўлсам,
Косамдаги ош бўлди.

* * *

Мен ҳеч қачон «соғиндим» дея,
Сиздан меҳр талаб қилмайман.
Қаршингизда жим куя-куя,
Азоб билан кулиб тураман.

Ул осмоннинг булутларига
Ёшларимни артиб йиғлайман.
Сизга неки унут, барига —
Юрагимда қабр ясайман.

Қуш жонига туташдир жоним,
Қанотимда баҳор, ёз элтгум.
Баъзан, кўргим келса ҳам, тониб,
Ёт осмонга жим униб кетгум.

Девонаваш хаёлим менинг,
Ёнаётган қушга боқингиз.
Бепарво дашт шамолим менинг,
Сур булутлар сари оқингиз.

Улар — соғинч, айтолмаганим,
Кўргим келиб, қайтолмаганим.
Қанотимни куйдирганда ёш,
Ёшларимни артолмаганим!..



Паҳлавон Содик

САЛСАБИЛ ҚАТРАСИН ЛАБИМГА ТОМИЗ

Абрлар индириб майсага шабнам,
Ёмғирлар тиндиргай ғубор сасини.
Шамол тийнатида мунаввар, шабранг
Ҳувайдо кезинар балқиб, исиниб.

Шуъла ҳам титранар, саросар сари,
Талпиниб, парчалаб нурнинг нуқтасин.
Нимёруғ кунларга улашиб берар,
Зиёлар таратар дирмав — муттасил.

Тангри тухфасидан илоҳий неъмат —
Тавбани тамадди қилар оғули.
Парвона шаклида урилган келбат
Дунё куйикадир дардманд, доғули.

Ифорлар сачрайди сармаст сабода,
Муғанний маъвода қилар навозиш.
Оҳангдан намиққан хилхўл ҳавода,
Кўкларга қўшилиб кетар овози...

Масъуд дамларидан эсдалик — ёдгор,
Қисмат қопқасига мойил қафасда.
Ёлғизлик қартайиб қолади абгор —
Жунжикиб кетар «оҳ» деган нафасдан.

Салқиган саслардан дудлар қораяр,
Шарори ўчади ғамгин, синикиб.
Мовий маконларга менгзаб тораяр,
Мовий маконларда олар тиникиб.

Тупроққа урилган товушлар нафис,
Уфурар димоққа андуҳ исини.
Юракдан юксаклаб кетган таниш ҳис,
Бағирга қайтганча яшар писиниб.

Ироқнинг куйидан сармаст ва сағир
Саксовул чайқалиб, силқорар бода.
Бу майнинг таъми талх ва чандон тахир,
Юрак ялангликда... пою пиёда!..

Силтаниб-силтаниб қўяди нарвон,
Тортилиб-тортилиб таранглик толар.
Осмон тахти узра қўйилган нарвон,
Сулаймон пойида сарғайиб қолар.

Аршнинг айвонига туташгувчи йўл,
Тинимсиз чорлайди юксакка руҳни.
Мен эса эслолмай бўламан малул,
Исми ўчиб кетган яшил андуҳни...

* * *

Диллар сарҳадининг канорасида,
Сўқир сабрларга йиқилса тўзим.
Кўнгулнинг кофурий пиёласида,
Гавҳар тиниб қолса, ичилса кўзим —
Навони ушатиб, дегум: «Ол, насиб!»

Юракка қулф солса илоҳий туйғу,
Даҳрни ёдласам, бўлгунча унут.
Бир қўшиқ янграса, мусиқи — қайғу,
Билмасам созини — торми ва ё уд —
Навони ушатиб беринг: «Ё, насиб!»

Шамол шевасини қизғониб равиш,
Ҳар куни итоат этса туфроққа.
Сўзишдан сўзласа, сўзлари — сўзиш,
Тавбани алишиб қўйса гуноҳга —
Навони ушатиб бергум: «Бу — насиб!»

* * *

Асро кечасида
Кетамиз, дединг —
Бир басир туғёнга тўлғондим.
Асро кечасида
Кетамиз, дединг —
Бир сўқир исёнга чўлғондим.

Асро кечасида
Кетамиз, дединг —
Ер узра малаклар қора мушк сочиб,
Доналар тизганда қўллари очик,
Юлдузлар тиланиб қайтганда гадой —
Даҳр араваси хунук ғичирлаб
Ахтарган чоғида дайрдан нишон,
Лабларинг такрорлайверди пичирлаб:
«Асро кечасида кетамиз, ишон,
Асро кечасида кетамиз, ишон!»

* * *

Сан — телба хонумон, ай дил, хона — ман,
Зоҳирим — замирдир, ботиним — ғариб.
Зиё-зим, зим-зиё, тийралик Ватан,
Шамс — шабистондир, шабистон — зариф.

Ман — хона, сан — телба хонумон, ай дил,
Сийрат — узлат эмас, узлатнишиндир.
Олов — шамол жисми, шамол эса гил —
Жисмидаги оғриқлигин тушунгин.

Қабр ҳамён эмас, сабр — ҳамён, де,
Жон саҳни — бағирдир, бағир — саҳни жон.
Вужуд эгнимдадур, ўзим урён, де,
Ман — хона, ай дил, сан — телба хонумон...

* * *

Сайр камандига боғланган сайёр,
Салсабил қатрасин лабимга томиз.
Юлдузлар чангига ўранмиш даввор,
Юр, нурли маъволар сари кетамиз.

Бир малак узорин кўрмак бизга ком,
Чекмак толе бизга васли ранжини.
Илло, қўлларимиз узанган бу жом —
Четида изи бор Хайём панжини!¹
Сайр камандига боғланган сайёр...



¹ Панжаси маъносида.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИКЛАР ИККИНЧИ ВАТАНИГА КЎЧМОҚЧИ

Боқий дунёдаги бобомга хатлар

Бадиа

Қорақалпоқчадан ўзбекчага Раҳим Отаули ўғирган

Кетар бўлдик энди бизлар бош олиб...
ҚОЖИНИЕЗ

Бу ердан бош олиб кетсам, мени йўқлар
кишим борму!
МАШРАБ

Сувнинг кўплиги ҳам офат келтиради, камлиги ҳам.
МАҚОЛ

Бобожон! Мени кечиринг...

Ўйлаб қарасам, ўзингиздан яқинроқ сирдошим, ҳамдардим, ҳасраткашим йўқ экан. Шунинг учун ҳасратга тўлиб кетган юрагимни сизга бўшатгим келиб турибди.

Сиз қайтмас бўлиб кетгандан буён бу фоний дунё неча турланди — айтолмайман, лекин сўнгги йилларда шунақанги эврилди, дунёқарашларимиз шунақанги чеврилдики, хай-хай, ишқилиб, охири бахайр бўлсин! Авлиё деб ишонганимиз иблис, оқ деб билганимиз қоп-қора бўлиб чиқди, бобожон! Бу ҳолдан кимлардир кўзлари эндигина очилган мушукболадек ўзини йўқотар даражада севиниб, сакраб-ўйноқлашга тушдилар. Бундай ўйноқлашлардан кўркқулик, бобо! Зеро, ўша ўйинқароқлар, мушукболаларга ўхшаб, билиб-билмай ўт билан ўйнашмоқдалар-да! Оловли панжаларнинг ҳар бир ҳаракатидан ёнгинлар ловулламоқда, ўзлари эса, ўйинга маҳлиёлар. Ишқилиб, шу кетишда жаҳонга ўт ёкмасалар, ўйиндан ўт чиқармасалар бас!

Қотган бошларни баттар гаранг қилувчи ҳол тагин шундаки, қайда тартиб-интизом йўқолиб, ёмонликнинг ошиғи олчи бўлса, гулханлар ловуллаб, ит эгасини танимайдиган бир ҳолат ҳукм сурса, бунга тирикларни гуноҳкор деб билиш удумдан қоляпти, бобо. Барчаси учун марҳумлар балоғардон этилмоқдалар. Бир томони — шу сабабдандир кўпчилигимиз қай дунёда яшаб турганимизни фарқлаёлмай қоляпмиз. Кўрган-кечирганларимиз ўнгимизда эмас, тушимизда бўлаётгандек. Лекин жисмимдаги оғриқ, юракдаги санчиқ «мана мен», деб турибди-ку. Шунга асосланиб, «Йўқ, бу тушим эмас, ўнгим!» дея ўзингни ишонтирмоқчи бўласан. Бирок атрофингиздагиларни ғафлат уйқусидан уйғотиб, босиринқи туш кўраётганидан огоҳ этиб бўладими? Уйғонар-уйғонмас айбни ўзидан эмас, бошқалардан, тагин денг, марҳумлардан кидиришга тушганларга-чи? Нима дейиш мумкин?

«Ўз айбини ўзгалардан кидириш — ўтакетган тубанлик» дейдилар. Бу гапни кимга айтасиз? Бор-йўқ айбни марҳумларнинг елкасига ағдариш асосий машғулотга айланиб кетаётган бўлса-чи? Бунисини кимга айтасиз?

Халқимизнинг «Марҳумларни улуғлаган тириклар бой бўлади» деган доно мақоли ҳаққос рост бўлиб чиқмоқда. Бугун биз маиший жиҳатдан ҳам, руҳий жиҳатдан ҳам, бошқа жиҳатлардан ҳам беҳад кашшоқлашмоқдамиз.

Эсингиздами, бобожон, 1914—1945 йиллардаги машъум уруш даврида оила аъзоларидан ақалли биттаси урушда ўлмаган хонадон аҳли овулдошлар кўзига алланечук шумшук кўринишар эди. Бизнинг оиламиз ҳам ёмонотлик бўлишига бир баҳя қолди ўшанда: сиз қария бўлганингиз, отамнинг кўзлари яхши кўрмаслиги, қолаверса, «хўжаликда ишлайдиган битта тажрибали деҳқон ҳам керак», дея бошқарма махсус қарор

чиқаргани, тўнғич неварангиз — мен ўн икки яшар бола бўлганим сабаб, хонадонимиздан ҳеч ким урушга қатнашмаган эди-да. Ҳайтовур, онамнинг икки инисию бир оғаси, холамнинг икки азамати урушга кетиб, бирин-кетин ҳалок бўлгани инобатга ўтган эди ўшанда.

Бугун бизнинг бошимизга ёғилаётган табиий офатни ана ўша урушга қиёслагулик, бобожон. Энди ўз хонадонидан, кам деганда, энг яқин қариндошларидан кимдир ўлмаса, сурункали касалга чалинмаса, касалхонада ётиб чиқмаса, ўша овулдошлари олдида шумшук кўринадиган бўлиб қолди.

Худога шуқр дейинми, қайдам, ишқилиб, менинг оилам ҳам шумшук эмас; ўзим сариқ касаллар шифохонасида нақ ярим йил даволаниб чиқдим. Эғизак (ўғил ва қиз) невараларим бу ёруғ оламга икки кунгина мўлтираб... Ҳа, кўрган-кечирганларимиз ҳақидаги рост гапни рўй-рост айтишга, борингки, дод-фарёд чекишга маънавий ҳаққи борларданман...

Сиз казо қилган машъум 1952 йилда, мен талаба эдим. Раҳматлик отам — ёлғиз ўғлингиз Қайпберген сизни мангулик йўлига узата туриб, «Тўлапберген, ўғлим бобонгни кўмишга бормаи кўяқол, қадамнингни пойлаб юрган нокаслар ёшгина талаба диний бидъатга берилди, деб келажагингга зиён-заҳмат етказиб юрмасин тагин» дея мени қабристонга орбормаган эдилар. Жойинг жаннатда бўлгур отам ер тагида илон қимирласа билар эканми, қайдам, ўшанда ўз отасини тупрокка қўйиб, қабристондан қайтган захоти у кишини бир милиционер тўппа-тўғри шаҳарга олиб кетди. Хайриятки, уч кундан кейин қайтиб келди. Уч кун мобайнида обдан уриб-сўкиб, оддийгина дехкон отамнинг қисилган бўйнига тақилган айбнома, бор-йўқ гуноҳи — ўз отасининг жасади қошига уч-тўрт қарияни тўплаб, жаноза ўқитгани экан...

«Нима бўлса бўлсин, ақалли энди бобомнинг қабрларини топмай қўймайман», деган шарт билан яқинда қабристонга бордим. Ҳайхот, бобожон, бу не кўргилик, бу не синоат?! Қабристон шунақанги кенгайиб, чеки-чегараси, боши-охирни, тили-забони йўқ улкан шаҳарга айланибди-ку! Телварагидаги овуллар эса, назаримда, аксинча, кичрайган. Сиз тириклик чоғингизда уркан бир элат бўлган кадрдон овулини Чўртанбой ҳам, ана, шундоққина кўз олдимда ёв чопгандек хувиллаб ётибди!.. Кўзларимга ишонмадим, ҳушимдан адашдим, маст одамдек тентирадим, нимасини айтай, хуллас, қабрингизни тополмадим, бобожон! Кошки овулда бирон тирик жон билса экан уни! Кошки сизнинг ёлғиз ўғлингиз — отам тирик бўлса экан!..

Хотирасини йўқотган гуноҳкор бандангни ўзинг кечир, Худованди қарим! Оқибат-сиз неварангизни ўзингиз кечиринг, бобожоним! Худбин ўғлингизни ўзингиз кечиринг.

ТАРЖИМОНДАН:

Бундан етти йил муқаддам «Қорақалпоқнома» роман-эссеси таржимасига қўл урар эканман, асарнинг айниқса бир жиҳатидан кўнглим тўлавермади. Фикримни муаллифга ҳам айтдим: «Бутун бошли бир халқ ҳақида минтақадаги тўнғич роман-эссени ярағибсиз-у, бироқ Орол ҳақида лом-мим демабсиз-ку, оқсоқол? Қорақалпоқни Оролсиз тасаввур этиб бўладими, ахир?» Ушанда Тўлапберген ога ўзларигагина ярашиқли бир хокисорлик билан ёлборгудек бўлиб, шундай луф қилдилар: «Қорақалпоқларнинг кенг-кенг пешоналарига сўмай турган Орол менинг манави ҳажми ўртача романимга сўғадими, иничак? Дард дафтариمنى кавламасанг-чи! Орол дарди оламга сўғмайди-ю...»

Дилда бор экан, мана, «оламга сўғмас дард» атиги юз эллик саҳифалик бадиъага сўғибди. Ҳарқалай, иймоним қомилки, асар келгусида Орол қомуси яратилгудек бўлса, мазкур асар унга асос вазифасини ўтай олади.

Тагин нима деса бўлади?

«Қорақалпоқнома» каби бу асар билан ҳам таниша туриб, худди донишманд бобом билан суҳбатлашгандек сездим ўзимни. Раҳматли Маман бобомдан (ўзим кўриб улгурмаган Отай бобомнинг ўрнини босган тўнғич амакидан) болалик чоғларимда эшитган бир латифанамо ривоятни эсладим. Шу ривоятни сизга ҳам эслатгим келиб турибди: Афанди кўчада кетаётиб қараса, дарвоза олдида бир чол юм-юм йиғлаб ўтирган эмиш. «Нима бўлди, оқсоқол, нега йиғлаясиз?»— сўрабди Афанди. Чол йиғлай туриб ҳасрат қилибди: «Отам... урди. «Ие, ўзлари чол бўлсалар, оталариям тирик бўлсалар, бунинг устига ҳоллари келиб урсалар... қизиқ-ку!»— ўзича қаттиқ ажабланибди Афанди. Сўрабди: «Отангиз бекорга урмагандирлар?» Ушанда чол сабабини айтибди: «Эрталаб бобомга салом беришни унутиб қўйган эканман...»

Ҳа, боболаримиз ҳамини барҳаёт! Ўзлари бўлмаса, руҳлари тирик! Етмиш йилдан буён уларга салом беришни унутиб қўйган эдик, мана, роса тазъиримизни едик!.. Франция давлат наشريётларидан бирининг буюртмасига кўра ёзилган ва яқин ойларида француз тилида чоп этиладиган мазкур асар, назаримди, аввало боболаримизга салом беришни ўргатиши, шунингдек, Орол фожиясининг тўб илдизларини илмий-бадиий таҳлил этиши жиҳатидан қимматлидир.

уни кўз қорачигидек асраб-авайлаган, бетайин келажагини беҳисоб хатарлардан ҳимоя қилиш йўлида ўз жонига қўшиб ажодлар хотирасини ҳам қалқон қилган балоғардон отажоним!..

Ҳа, бобожон, ҳулласи калом, сиз билан ақалли хат орқали тиллашсам, шу билан таскин-тасалли топмасам, бири иккинчисидан мудҳишроқ ўйлардан бошим тарс ёрилиб кетадигандек.

«Мени тинч қўй, бўтам, тириклик таъвишини тириклар тортаверсин» демоқчидир-сиз, балким? Неча марта айтдим ўша тирикларга. Хаттоки, жаҳон аҳли эшитгулик улкан минбарлардан айтдим! Бирок... «Ҳаммалари гарангми, нима бало!» деган густоҳларча ҳаёлга бораман гоҳо. Энди нима қилай? Сиз тинглашни ҳам, тинглатишни ҳам яхши биладиган меҳри — дарё, қаҳри — довул бир фидойи жон эдингиз, балки тўнғич наби-рангизнинг оҳ-зорини эшитиб, ўзингиз у дунёдагиларни оёқда тик турғизарсиз? Сизлар мадад бермасангизлар, бу замон аҳлини уйқудан уйғотиш амримаҳолга ўхшайди, бобожон!

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Боқий дунёдагилар фариштаю шайтонга, яхшию ёмонга, доною нодонга бўлинсалар эҳтимол, бироқ шоху гадога, оқу қорага, саводлию саводсизга бўлинмасалар керак. Шу боисдан, гарчи камбағал ва саводсиз бўлсангиз-да, бу фоний дунёда бировга ёмонлик соғинмай, ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол-покиза яшаб ўтганингиз сабаб, барча яхшилар қатори жаннатда юргангизга шубҳам йўқ. Оллоҳнинг ягоналигини тан олган бандалар учун жаннат ҳам ягона, дўзах ҳам. Ишончу иҳлосда собит оккўнгил жонларни Яратган Эгам, иншооллоҳ, дўзах оловига гирифтор қилмас! Демакки, жаннатсиз, бобожон.

Эсингиздами, бобо, сиз хасталаниб ётганингизда қошингизга кириб, «Ҳали кун яшайсиз», дея кўнглингизни кўтармоққа ўзимча уринганимда, «Кўй, бўтам, яшашдан ҳам кўнглим қолиброк турибди. Тенг-тўшларимнинг кўпчилиги у дунёга кетиб бўлди. Навбатим билан мен ҳам кетмасам, бу дунёдагиларнинг кўзларига шумшук кўриниб қоламанми, қайдам», деган эдингиз.

Қасалхонада шифтга термулиб ётибман-у, бугун мен ҳам шундай ўйларга бораман, бобожон. Ахир, бугунги кунда нариги дунёга қариялардан кўпроқ ёшлар кетмоқдалар! Айниқса, шу аҳволда тириклар билан гаплаша туриб, кўнглимда «Буларнинг кўзларига шумшук кўринаётганим йўқми экан?» деган хавотир уйғониши табиий, албатта. Ана ўшанда адигей халқининг «яхши қариялари йўқ элнинг яхши ёшлари ҳам бўлмайди», деган нақли эсимга тушади-да, айрим тенгдошларимдек қариб қуюлмаган осий бандга эмас, яхши қария бўлгим келади. Сиз «Одам боласининг ақли ҳамиша хотирасидан қувват олади», деган гапни кўп такрорлар эдингиз. Мана, мен ҳам энди кўпроқ хотирамга сўянадиган бўлиб қолганман.

* * *

Қасалхона ўз номи билан қасалхона. Бу ерда тани соғ одам ётмайди. Дунёда қасални даволашдан ҳам огирроқ иш борми экан? Шифокор халқининг зуваласи меҳр-шафқату чидам-тоқат билан пишитилгани рост экан, улар ҳар бир беморнинг атрофида гирдиқапалак, дардини олиб, кўнглини равшан торттиришга астойдил камарбаста. Буёқда эса, беморлар уларга умид кўзларини тикиб, нажот истаб жовдирашади, айни чоғда, бир-бирларига фавқулудда шафқат-саховатли, ҳамдард-меҳрибон...

Ҳа, шифохонада меҳр мўл, шафқат сероб, лекин, барибир, мусибат рўй бермаган кун камдан-кам!

Сўнги маълумотларга қараганда, одам боласи ўзаро 2796 тилда гаплашар экан. Лекин мусибатга таржима не ҳожат? Бу тил барчага баробар тушунарлидир. Бир-бирларининг тилларини мутлақо тушунмайдиган беморлар ҳам бир лаҳзада оппа-осон тиллашиб-тоғулашиб, кимлар кўз юмса, ўша «ўлиқ чикқан палата» аҳли неча кунлар мотам тутади... Афсуслар бўлғайки, бир палатага қиёслагулик бу миттигина курран арзда, унинг ҳар бир қаричида ақл бовар қилмас бераҳмлиқлар, шафқатсизлиқлар, поинсофлиқлар, ёвузликлар...

Ўзр, бобожон, ҳаёлим андак чалғибди, шекилли. Шундай қилиб, қасалхонанинг ўзига қайтсак. Одатда оёқда тик тура оладиган беморлар йўлак ё ҳовлидаги офтобшувоққа чиқиб ўзаро гурунглашадилар. Табиийки, бу гурунгларда ҳар ким ўз дардини ақалли бир муддат унуттиш ва ё бошқаларга унуттириш ниятида қизиқ-қизик ҳангомалар, афсоналар, ривоятлар ва нақллар айтадилар.

Менинг аҳволим анча огир. Ўззукун осма дори қабул қиламан. Ҳар бири камда уч-тўрт соатга ўзилади. Бу вақт ичида ҳамшира ёнимдан жилмай ўтириши керак. Бирок шифохонада ким кўп -- менга ўхшаш қасал кўп. Қўшни палатада мендан огирроқлар ҳам бор, ахир. Бу ёғини сўрасангиз, нанки бу шифохонада, бутун Қорақалпоғистонда шифокору ҳамширалар етарли эмас. Улар аҳоли жон бошига олганда собик

СССРдагидан икки баробар кам, касал эса... Лекин бу дунёда ҳамма нарсанинг иложи ни топса бўлади. Шифохонамизда ўз оёғида юра оладиган дарди енгилроқ беморлар ҳисобидан «ўтирувчилар» тайинланган экан. Бир одамга иккинчи бир одамнинг, тагли денг, беморга беморнинг жимгина термулиб ўтиришидан қийинроқ иш борми? Бунинг ҳам йўли топилибди: «ўтирувчилар» асосан ҳангома деганининг кифтини келтирадиган гапга чечанлардан танланар экан, тамом-вассалом.

Шундай қилиб, менга осма дори солинганида беморлар орасидан танланган махсус «ўтирувчилар» келадиган бўлишди. Қарабсизки, кимдир афсонами-чўпчак айтади, бошқаси уни илмий маълумотлар билан тўлдирди, яна бири бугунги аҳволимиз ҳақидаги арзи ҳолини баён қилади. Хусусан, кейингилари, мазамни баттар қочирмаслик ниятида бўлса керак. Ўзларининг антика саволларга тўлиб-тошган арзи ҳолларига мендан жавоб ҳам кутмайдилар. Начора, тақдир экан, қирк йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлар экан, паймонаси тўлганни бу дунёда ушлаб қолиш амримаҳол экан, уларнинг аксарияти бугун тириклар орасида йўк...

Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз-да. Бир-биримиз билан дийдорлашиб-юз кўришиб турганимизда бу ганимат дамларнинг кадрига етавермаймиз-ку, шундай эмасми? Йўқса, ўз пайтида уларнинг ақалли исм-шарифини ёзиб олмайманми! Лекин шуниси аниқки, ҳар бирининг ҳар бир гапи халқимизнинг, Оролнинг, Амударё билан Сирдарёнинг, Қорақум билан Қизилқумнинг кечмиш-кечирмишларига, хуллас, бизларни бугун хасталикка гирифтор этган иқлим ўзгаришларига бевосита боғлиқ эди. Ўзлари у дунёда бўлсалар-да, талайгина гаплари тириклар хотирасида яшаб қолганини айтиб, уларнинг руҳи покларини шу йўл билан шод қилиш умидида айримларини манови хатимда яна бир қарра эслаб ўтмоқчиман, бобожон.

Неча йилдан буён тоза сув ичмаганимни билсангиз эди. Фақат мен эмас, бутун қорақалпоғистонликлар шу аҳволда. Нега шундай? Нега Орол денгизининг бўйида, жаҳондаги энг серсув дарёлардан бири — Аму соҳилида бир култур сувсиз қолдик? Нега сувдек сероб неъмат бугунга келиб тахчил бўлиб қолди?

Мийиғида кулаётганингизга қараганда, гапларимга ишонмайроқ турибсиз, чамаси? Бирон нарсага ишонтириб бўладими ўзи сизни? Ҳа-а, «Нух тўфони қачон бўлган экан?» деб сўрамоқчисизми? Марҳамат, жавоби тайёр. Баъзи ҳисобларга қараганда эраминдан аввалги 3247 йилда, бошқа тахминларга асосан эса, одам боласи бу ёруғ оламда 2256 йил яшаганидан кейин содир бўлган.

* * *

Очиғини айтсам, бобо, кейинги пайтларда жуда-жуда безовта-беҳаловатман. Шу топда айниқса икки дард қаттиқ азоб беряпти. Биринчидан, кўпчилик қатори сариқ касалга чалинганман. Иккинчидан, аждодларимиз руҳи мени бир зум ҳоли-жонимга қўймай, уйқумни ўчиряпти, уйқусиз тунларда ҳисобсиз саволлар чор тарафдан исқанжага олаверади: Нега биз аждодлар тажрибаларига амал қилмаймиз? Нега бир иш қилсак, орқа-олдини тузукроқ ўйлаб кўрмаймиз?

Жаҳонда биргина халқ яшайдиган бутун бошли мамлакат тугул, ақалли биттау битта шаҳарни ҳам топиш амримаҳол. Одам боласининг жисми-жони шу қадар ўзаро пайванд-вобаста. Тўғри, қаер қайси халқнинг номи билан аталса, ўша ўлка ўша халқники, албатта. Масалан, Ҳиндистон — ҳиндники, Қозоғистон — қозоқники, Ўзбекистон — ўзбекники. Бас шундай экан, ўша ўлка обод эмас, хароб бўлса, бунга аввало бузилган ўлканинг номини бошида кўтариб юрган халқнинг ўзи айбдорми-йўқми?

Ҳа, Қорақалпоғистоннинг бошига ёғилган жамики офат-балоларга биринчи галда биз — қорақалпоқларнинг ўзимиз айбдорлигимизни мардона тан олишимиз керак бўлади. Ўзимиздаги жоҳиллик, нодонлик, ноаҳиллик, сотқинлик ва ҳоказо иллатлардан қидиришимиз керак уни! Аввал ўзимиздан, кейин бошқалардан қидиришимиз керак!

Хўш, биз шу кеча-кундузда юртимизда қандай танглик содир бўлаётганини атрофлича биламизми? Турон халқи эмас, ақалли қорақалпоқ халқининг келиб чиқиши, мингминг йиллик тарихи, халқ сифатидаги маънавий-руҳий олами, уларни аён кўрсатувчи афсона-ривоятлар-у, илмий манбалар-у, тарихий маълумотлар кўламини лоақал умийроқ тарзда тасаввур қила оламизми? Боринги, биз ўз юртимизда шу кеча-кундузда нималар бўлаётгани, бу юртнинг табиий иқлими, шарт-шароити, об-ҳавоси хусусида қанчалик билимга эгамиз? Юртга эгалик юрт ҳақидаги билимларга эгаликдан бошланмайдами, ахир?..

Илмий маълумотлардан: Бугун бу ёруғ оламда яшаб турган жамики қорақалпоқларнинг асосий қисми (тўрт юз эллик мингга яқини) Амударёнинг ҳозирда қуриб қолган ўзани ёқларида ва ўлик денгизга айланган Оролнинг қибла томонида қўним топган. Қолган қисми Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистоннинг айрим вилоятларида, бир неча минг нафари — Афғонистон ва Туркияда яшаб турибди. Маълум бир қисми Гуржистонда ҳам «қорапаҳлар» номи остида умр кечирмоқда.

Ҳозирги Қорақалпоғистон ерларида ўтроқлашиш ва суғорма деҳқончилик неолит давридан, яъни, эраминдан аввалги IV—II асрлардан бошланган.

Қорақалпоғистон Ўзбекистон Жумҳурияти таркибидаги мухтор жумҳурият бўлиб, майдони унинг 37 фоизини ташкил этади, яъни, 165,6 миллион квадрат километр. Ҳозир бу ўлкада саксонга яқин миллат вакили яшаб турибди.

Улканнинг иқлими кескин континентал. Қиши 4,9-7,6 градус оралиғида совуқ, ёзи 26-28 градус иссиқ. Йиллик ёғин ҳар квадрат метрга 110 миллиметр. Ҳозирги жумҳурият давлат тили қорақалпоқ тилидир. Қорақалпоқлар туркий қавмлардан бири бўлиб, антропологик жиҳатдан асосан икки қатламдан таркиб топган, дейиш мумкин: бир томондан — қадимги (антик) даврда Оврўпа халқлари, иккинчи томондан — мўғул ва Осиёдаги бошқа халқларнинг қаттиқ таъсирида бўлган. Эрамиздан аввалги VII-II асрларда Орол денгизининг жанубий қирғоқларида яшаган сак ва массагет қабилалари қорақалпоқларнинг ҳам аجدодларидир. Эрамизнинг II-IV асрларида Шарқдан хунлар келиб, маҳаллий қабилалар билан қўшилиб кетган. VI-VIII асрларда эса, уларга бошқа туркий қавмлар келиб қўшилганлар. Бу даврда Орол бўйларида печенеглар ва ўғизлар шаклланган. VIII-X асрларда улар ичидан қорақалпоқлар шакллана бошлаган. X асрнинг бошларида печенегларнинг бир қисми Жанубий Рус далаларига кўчиб, Киев Руси йилномаларида «черные клобуки» номи билан аталувчи алоҳида бир қавм бўлиб яшаганлар. Уларнинг бир қисми эса, Эдил ва Урол оралиғида ўтроқлашиб, шу даврда Иртиш дарёси томонларидан келган қипчоқлар билан аралашиб, уларнинг тилини қабул қилган ва қипчоқ уруғлари орасида «қора бўрклилар» номи билан аталган. XIV-XV асрларда нўғайлар билан чатишиб қорақалпоқ этногенезида ўзининг кучли таъсирини қолдирган. Қорақалпоқларнинг миллий маданиятида Шарқий Оврўпа, Оролбўйи ва Урта Осиё халқлари маданиятларининг таъсири аён кўриниб туради.

Айрим тарихий манбаларда Туронзамин Хоразм деб аталгани кўпчиликка маълум. Шу боисдан ҳам Туркистон халқларини, айниқса, қорақалпоқларни Хоразм хонлиги тарихидан ажратиб тушуниш амримаҳолдир.

Қорақалпоқлар ислом динидадир. Улар бу динни Хоразм хонлигига мансуб халқлар қатори, милонинг 712 йилида қабул қилганлар.

XIII асрда Хоразмда бўлган Ёқуб исмли араб сайёҳининг ёзишича, Хоразмдек аҳолиси зич жойлашган ва ҳар томонлама гуллаб-яшнаган яна бир мамлакатнинг ер юзида борлиги даргумондир.

Беморнинг арзи ҳолидан: Хўш, XIII асрда жаҳонни ҳайратда қолдирар даражада гуллаб-яшнаган Хоразм хонлигига қарашли халқлардан бири бўлмиш биз қорақалпоқларнинг бугунги аҳолимиз қандай? Ўзим жавоб бера қолай — ёмон, жуда ёмон! Фақат бизда эмас, бутун Урта Осиё ва Жанубий Қозоғистонда ҳам! Гапимга ишонмасангиз, куйидаги рақамларга диққат қилинг: Орол атрофида, қолаверса, бутун Урта Осиёда ўзлаштирилган 95 фоиз ер суғорма деҳқончиликка асосланган. Собиқ СССРнинг 95 фоиз пахтаси, 40 фоиз шолиси, 25 фоиз сабзавот ва полиз экинлари, 32 фоиз узум ва ҳўл мева қачонлардир Оролга оқиб турган сув ҳисобига етиштирилди. Бунинг устига, ҳосилдорликни оширамиз, деб ҳар гектар ерга ўртача кўрсаткичдан 20—25 баробар кўпроқ заҳарли кимёвий моддаларни бу ерларга ўйламай-нетмай тўкавердик... Ўзимиз қилгулини қилиб қўйиб, энди йиғлаганимиздан нима фойда! Балонинг боши ўзимизнинг чаласаводлигимиз, калтабинлигимиз, лоқайдлигимизда. «Оғрисак ҳукуратимиз бепул даволайди» деб ҳар бир алдовга лаққа ишониб яшайверадиган даражада лақманодонлигимиз сабаб ҳаммасига! «Ана, Урта Осиё халқлари зўр, аҳил, меҳнаткаш...» деб жумҳуриятлар байроқларига тақинчоқлар тақилгани, бошқаларимизнинг кўкраклариди ялтироқ темирлар кўпайганига суюниб, Амударё билан Сирдарё сувини куритаёздик, Орол денгизини эса, ўлдирдик...

Орол ҳақида афсона: Орол денгизи Туронзаминда тўхтаган Нуҳ кемасининг ўрнигина эмас, ана ўша кеманинг ўзидир. Оллоҳ Таоло бу кемани осмонга олиб кетган эмас, албатта. Балки сўнгги манзил — Туронда яшаяжак халқларни шимолнинг совуқ шамолдан ҳимоя қилувчи табиий қалқон сифатида қолдирган. Тўнкарилган улкан отов шаклида бўлгани сабаб, кема атрофида яшаб қолганлар уни Орол деб атаганлар.¹

Оллоҳи карим ана ўша Оролни ер юзининг тўрт тарафини баравар кўрарга кўз қорачиғи, одамлар оқаганларида ризқ-рўз улашадиган улкан дошқозон ҳам бўлса деб қолдирган. Шу ниятда кемани мўъжизавий денгизга айлантиргандир, балки? Даврлар ўтиши билан улкан кеманинг баланд устунлари емирилди, майда отовлар ҳосил бўлган. Кема ичидагилардан қолган нарсалар ҳар хил ер жинсларига, тахталарга сириб тикил-

¹ Орол туркий тилда «отов» деган маънони англатади. «От» қадим туркий сўз бўлиб, «тўнкарилган осмон ости — шу сирли хилқат»нинг ўзидан тортиб то Оқтепага Сочтепага қадарлик бу кўҳна очунлиги жамики табиий гамбаз-у, тепалар, масалан, Орол денгизининг қоқ ўртасидаги «Борса келмас» оролчаси ҳам бир сўз билан «отов» деб аталган. Бошқача айтганда, фалак — Оллоҳнинг ижоди, палак (сўзана) эса одам боласининг ундан илҳомланиб яратган ўз ижоди бўлганидек, отов — Оллоҳнинг, ўтов — одам боласининг муждасидир. Яна шу холга ҳам диққат қилингки, Орол денгизи ер юзидаги «орол» сўзи билан аталувчи ягона сув ҳавзасидир, яъни, баҳри муҳитдаги қуруқлик эмас, аксинча, энг улкан қитъанинг қоқ ўртасида, бунинг устига, жаҳон уммони сатҳидан эллик метрча баландликда жойлашган ягона баҳри муҳитдир. (Тарж).

ган сағри терилар — қат-қат бўлиб жипслашган лой қатламларига, одамларнинг емишларидан қолган суяк-саёқлар эса, катта-кичик балиқларга айланган гўё...

Илмий маълумотлардан: Орол суви чучук. Қадимий Турон юртида жойлашган. Орол денгизи сифимиға кўра жаҳонда Каспий денгизи, Шимолий Америкадаги «Юқори» ва Жанубий Америкадаги «Виктория-поаянц» кўлларидан кейинги тўртинчи ўринда туради. 60-йилларга оид маълумотларга кўра, Оролнинг ичида жами уч юзга яқин катта-кичик отовлар бор. Уларнинг барчаси жамлангудек бўлса, денгизнинг 3,5 фоизини ташкил этади. Денгизнинг умумий кўлами 64,5 минг квадрат. Узунлиги — 428 километр. Энг қисқа жойи энига 235 километр. Теранлиги асосан 20—25 метр атрофида. Энг чуқур жойи — 67 метр. Сув юзасининг температураси ёзда 25—30 градус иссиқ, қишда 0 градус атрофида. Қаҳратонда қисқа муддат музлайди. Денгиз суви соат милининг йўналиши бўйлаб ҳаракатланади.

Олим П. И. Чаловнинг радиоуглерод усули илмий тадқиқоти натижаларига кўра, Орол денгизи бундан 12-13 минг йил аввал пайдо бўлган.

Орол денгизига Ўрта Осиёнинг энг улкан икки дарёси келиб қуйилади (тўғрироғи, яқин-яқинга қадар қуйилар эди!) Булар Амударё билан Сирдарёдир.

Амударё (Аму — лотинча Оксус, арабча — Жайхун, яъни, асов, ўжар, телба дарё демақдир. Баъзи илмий фаразларга кўра Жайхун ҳам асли туркий сўз бўлиб, Жойхун, яъни, хунларнинг жойи», деган маънони билдиради) — бу ном қадимги ёзма манбаларда жуда кўп учрайди. У Оролга эраמידан 22 минг йил муқаддам қуйила бошлаган. Сўнги маълумотларга кўра, Аму Оролга плейстоцен даврининг охиридан буён қуйилади (яъни, демоқчиманки, асримизнинг 80-йилларига қадар қуйилган).

XX асрнинг 60-йилларига қадар Амударё Урта Осиёдаги энг серсув дарё эди. У Помир-Олой тоғлари билан Тангритоғдан бошланувчи Панж ва Вахш дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Дарёнинг узунлиги 1415 километр. Лойқалиги бир кубометрга 3,3 килограмм. Ҳозирда у бошқа дарёлардан фарқли ўлароқ, ўзининг бутун сувини йўл-йўлакай икки қирғоқдаги кўпгина ёплар-солмалар ва каналларга сарфлаб тугатади. Амударёдан қардош Афғонистон ҳам сув ичади.

Сирдарё (Сир — лотинча Яксарт, арабча Сайхун, яъни, тинч оқар дарё деган маънони аңлатади. «Сайхун» сўзи ҳам асли туркий сўз деган илмий фаразлар мавжуд бўлиб, Сойхун, яъни, «хунларнинг сойи» демақдир) — Олтой ва Тангритоғ чўққиларидан тушган сувлардан ҳосил бўлувчи Нуриндарё ва Қорадарёларнинг қўшилишидан туғилади. Оролга Амударёдан аввалроқ қуйила бошлаган. Бу фикр ҳозирга қадар баҳссталаб бўлиб турибди.

Муҳими — Фотима-Зухрадек бу икки дарё ҳозирги Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларини — қадимий Туркистон ўлкасини гуллаиб-яшнатиб, ўлкадаги халқларга ҳаёт бахш этиб келаётган энг асосий икки қон томири.

* * *

Сариқ касал деганлари жону жигарнинг кушандаси экан, бобожон! Биз — қорақалпоғистонликлар учун бу касал ҳам минса бўладиган уловдек гап, бироқ уни жиловлаш миншдан қийинроқ экан. Узим ётган ўртамиёна касалхонадан ўлик чиқмаган кун йўқ...

Халқимизнинг «Ёшларга тақир ҳам бозор, қариларга гулзор ҳам мазор», деган нақлини эслаб, атрофимга бошқачароқ кўз билан қарашга уринаман. Узим туғилиб ўсган юрт — Оролбўйининг бугунги кунда кўзларимга улкан мазордек кўринаётганига мутлақо ишонгим келмайди. «Айб ўзингда, қарибсан, ошна!» — танбеҳ бераман ўзимга... Тўғри, қаридим, қарининг кўнгли эса, боладек инжиқ, бироқ уни боладек алдаб-авраш осон эмас-да! Шу топда кўнглимга қил ҳам сиғмай турибди. Ақалли зиғирдеккина юпанчга зор, таскин-тасаллига интиқ. Орол денгизининг қоқ ярми қаро ерга, йўқ, оппоқ тузга айланди, ахир. Бу туз кундан-кунга кўпчиб-тўзиб, кўчма қум, қумбосқин тусини олмоқда. Юртдаги оти оламга таралган икки улкан қумлик — Қорақум ва Қизилқум оралиғида тагин бир қумлик — Оролқум ёки Оққум пайдо бўлмоқда!..

Илмий маълумотлардан: Қорақум Туроннинг ҳозирда Туркменистон жумҳурияти деб аталувчи қисмида, Амударёнинг жанубида жойлашган. У Танж ва Мурғоб дарёлари, шунингдек, Амударёнинг аввалги ўзанларидаги қуриган кўллар, катта-кичик сув ҳавзалари ўрнида бундан 30-20 минг йил муқаддам пайдо бўлган. Эгаллаган майдони — 350 минг квадрат километр. Орол бўйларидаги, буниси ҳам «Қорақум» деб аталувчи алоҳида бир бўлагининг ўзи эса, катта Қорақумнинг ўндан бирини ташкил этади, яъни майдони 35 минг квадрат километр. Қумнинг ўртача ҳарорати қишда 3 даража иссиқ — 5 даража совуқ. Ёзда эса 28-34 даража иссиқ. Йиллик ёғин ҳар квадрат метрга 60—150 миллиметр оралиғида.

Ер ости сув захирасига бой. Қудуқ қазилса, Амударёга яқин жойларда 3—6 метр чуқурликдан, қолган жойларда эса, 300 метрга қадарлик чуқурликдан сув чиқариш мумкин.

Корақумнинг беш фоизи шувиллаган кўчма қум барханлари бўлиб, бу жойларда ҳеч бир гиёҳ унмайди.

Қизилқум — Амударёнинг шимоли-шарқида, Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган. Шарқи — Тангритоғ ва Помир-Олой тоғларига, жануби-шарқи — Амударёга, шимоли-ғарби эса Орол денгизига улашиб кетган. Эгаллаган майдони 300 минг квадрат километр. Ер сатҳидан баландлиги жануби-шарқида 300 метр, шимоли-ғарбида 53 метр. Асосий майдони гиёҳ унмайдиган кўчма қум барханларидан иборат. Иқлими тез ўзгарувчан. Ези иссиқ. Қишда 0—9 даража совуқ. Йиллик ёғин бир метрга 100—200 миллиметр оралиғида. Устида ҳеч қандай сув йўлининг излари йўқ. Лекин ости сув захирасига бой.

* * *

«Шамол билан ёришма — ушлаёлмайсан, кўланкангни қувлама — етишолмайсан», деган гапингиз бор эди, бобожон. Бугун элимиз бошига ёғилган офат-балоларнинг айбдорларини лаънатлаб, ниманки айтмай, қандай айтмай, худди шамол билан ёришгандек, соямни қувлагандек бўлавераман. Тагин нима чора қолди? Жойинг жаннатда бўлгур Федор Достоевский сўзлари билан «Ким табиатни севмаса ҳеч бир одамни севолмайди, унинг ўзи ҳам одам эмас» деб, қўлимни бир силтайинми ё?

Урта баҳорданоқ денгиз томондан ўқтин-ўқтин кўтарилиб, шаҳримиз устига ёғилладиган тузли қум тўзони авжига чиққанида... қадрдон овулимиз Чўртанбойни эслаб кетаман. Уша ўзингиз кўрган Чўртанбойни жуда-жуда қўмсайман, бобожон.

Дарвоқе, овулимизнинг бир чеккасида ҳам қумлик бор эди-я... Ҳалигача шундоққина кўз олдимда: овулнинг кунботарида Чўртанбой сойи тўлиб-тошиб оқади. Кунчиқар билан шимол оралиғида эса, буни қарангки, Тузлоққум деб аталувчи қумлик ястаниб ётади. Ез жазирамасида Чўртанбойда маза қилиб чўмиламиз. Кузу кўкламда эса, Тузлоққумда чўп терамиз. Буниси энди маза эмас, турмуш ташвишлари... Уша Чўртанбойда маза қилиб чўмилиб юрганимизда сойни қачонлардир қуриб қолади, деб ўйлабми эдик? Тузлоққумда чўп териб юрганимизда «кунлардан бир кун бу қум овулимиздаги экинзорларни босиб олади» деб-чи? Туш кўрибмизми! Ҳозир эса... овулимизнинг қоқ ўртасида ҳам... уюм-уюм қум! Ҳолбуки, ўша Тузлоққум Оллоҳ таолонинг биз ғофил бандаларга «Балодан сақланинг!» деган огоҳлантириши экан! Ҳолбуки, бундай «огоҳлантирувчи» қумлик Қорақалпоғистоннинг барча овулларида бор эди-ку! Чўртанбойдан чиқиб, Қораўзак, Тўхтақўпир томонларга, ундан Бурчитовга қараб юрсангиз, қанақанги қумтепаларга дуч келар эдингиз-а! Кунлардан бир кун Орол қурийдими ва бу қумтепалар бирлашиб, Оролқумга туташади, деб ўйлабмидик?!

Ҳа, нафақат ўша улкан-улкан қумтепалар, ҳаттоки овулимиздаги Яхшимурод отанинг уйи ёнидаги атиги ўн-ўн беш гектарлик кичкина қумтепа ҳам ниҳояти биз болакайлар учун овунчоқ эмас, Оллоҳ Таолонинг жиддий огоҳлантиришларидан экан-да! Уша қумтепадан нари борса минг қадамлик масофада овулимизнинг ўрта мактаби бўлар эди. Каттагина мактаб эди. Муаллимларимиз ҳам кўпчилик эди. Лекин улардан биронтаси нақ бурнимизнинг тагида турган ана ўша қумтепанинг ўтмишию келажаги, мақсадию вазифаси ҳақида, бу тилсиз-забонсиз ёв ҳақида, худди кўрмагандек-билмагандек, лом-мим демабди-я!

Ёсингиздами, бобожон, машъум урушнинг иккинчи йили — 1942 йилнинг ёзида Амударё ўз ўзанига сиғмай, қирғоқдан нақ қирқ-эллик чақирим олисдаги овулимизни ҳам сув олди. Овул аҳли чорва молларини ҳайдаб яқинроқдаги Тузлоқтепага чиқиб жон сақлади. Ушанда қумтепани худонинг қаҳри эмас, марҳамати деб тушунганмиз. Биз учун даҳшатлиси сув тошқини эди-да, ахир! «Сув балоси»дан қўрқиб сиздан сўрадим:

— Тўфон деганингиз яна бошландими, бобо?

— Тўфон эмас-ку, бироқ бу ҳам Оллоҳнинг қарғиши, бўтам. Кейинги пайтларда унинг биру борлигини унутишга юз туган эдик-да,— дея чуқур хўрсиндингиз сиз.

Ушандаги урушни гарчи сиёсатчилар «Улуғ Ватан уруши», «СССР билан Германия ўртасидаги уруш», деб атасалар-да, оддий халқ оғзида «Ҳитлер — Сталин», «Сталин — Ҳитлер» деган жуфтлик тез-тез такрорланар эди. Гўё немислар фақат Ҳитларни, биз эса, фақат Сталинни ҳимоя қилиш учун уруш бўлаётгандек. «Хайл Ҳитлер!», «За Сталина!» деган хитоб ва чақириқлар тили, калимага келадиган ҳар бир одамга туппа-тузук тушунарли эди... Бу ёқда очлик-юпунлик, у ёқда кети узилмас қора қоғозлар, яна бир ёқда — жангга янги чақириқлар... Шуниси етмай тургандек, 1942 йилги тошқин дард устига чипқон бўлди. У овулдошларим учун Нух тўфонидан кам туюлмади. Қумлоқтепа баайни Нухнинг нажот кемаси бўлиб хизмат қилди ўшанда.

Овулда бақувват эркаклар йўқлиги сабаб, қариялару норасида болакайлар Амударё тошқинини тўхтатишга отланди. Улар орасида, табиийки, сизу мен ҳам бор эдик. Тошқинни тўхтатиб, қирғоқни мустаҳкамлаш мақсадида бир ой белдан сув кечиб, шох-шабба чопиб ташиб, ахийри бир амалладик.

Кумтепа устида жон сақлаб ўтирган овулдошларимиз қошига қайтиб келган кунимизнинг эртасига шамол эсиб, кўча-кўч пайти йўқолган қопқоқсиз қозондаги ёрма гўжа обдан қумга беланганини овқатни ича туриб билдик. Тишлар орасида кум фичирлайди, лаб-лунжда кум... Бошқа овқат бўлмагач, нима қиламиз, мажбуран ичамиз-да...

— Қумрон қотса тош бўлур, деган гап бор. Биз қари-қартанлар-ку, кўрадиганимизни кўрдик, бироқ манави невараларимизнинг ичагида қумрон қотмасин, ишқилиб,— дея оғир хўрсинасиз сиз.

— Қўйинг, чол, булар ҳам қумронни энди кўриб туришибдими!— сизни юпатмоқчи бўлади раҳматли момом...

Ҳа, бобожон, ўзингиз кўп айтганингиздек, «кунлар борки — қурбони бўлсанг, кунлар борки — қувалаб урсанг арзийди». Энди ўйлаб қарасам, ўшанда зап қувалаб урадиган кунлар бўлган экан-да! Ҳам уруш, ҳам қорахат, ҳам кўзёш тошқини, ҳам қумрон...

— Бўтам, худога шукр, эр етиб келяпсан, балки ўзинг ҳам билиб юргандирсан,— йиғлагудек бўлиб ҳасрат қилдингиз бир куни,— дарёни ёқалаб бошдан-оёқ кезиб чиқчи, хўжакўрсинга битта мачитми-мадраса топилармикан? Ҳаммаси бузилиб, деворлари пахтага ўғит бўлди. Марҳумларни хотирлаш ҳам удумдан қолди. Қабристонлар қаровсиз. Бунинг устига, эски қабристонлар бузилиб, ўрнига пахта экилаяпти... Болам-ов, шу қабристонларда ётганлар ҳам куни кеча худди бизлардек дунёнинг йиқилмас устуниман, деб юрган тирик жонлар эди-ку!... Эрта бир кун уларга нима деймиз?..

Сизнинг титраб-қақшаб айтган бу гапларингизни ёнимизда ўтирган момом ҳам эшитди. Бир оғиз гап қўшмади, лекин кўзларидан дув-дув ёш қуйилди. Уйимизда динни қаттиқ ушлаган одам — момом, бинобарин, бу йиғи тушунарли эди. Бироқ сизнинг юртда ғоят изчиллик билан содир этилаётган ўпирилишлардан юрак-бағрингиз хун бўлса-да, ҳаммасига чидаб юраверадиган бардоши бениҳоя, тошметиндек бир жон эканингизни илк бор теран ҳис қилдим ўшанда.

Сизнинг табиатингиздаги собитлик эл-юрт табиатини ўпиришлардаги изчилликдан қолишмасди. Ҳарқалай, ҳар бир гапингизни вақт-соати билан яна-да тўлдириб, далиллаб, менда ўша гапнинг тўғрилигига тула ишонч ҳосил қилишга ҳамisha интилар ва буни қўйилмақом қилиб уйдлар эдингиз. Ўша арзи ҳолдан сўнг кўп ўтмай мени Амударёнинг жанубий қирғоғида яшайдиган қариндошларимиз овулига етаклаб бордингиз. Ниятингиз бизга нисбатан тўқроқ яшайдиган ўша қариндошларимиздан дон сўраш эди. Улар нимагадир шимолий қирғоқдагилардан тўқроқ яшардилар. Яна бир, тўғрироғи, бирламчи ниятингиз эса, жума намози ва жаноза билан боғлиқ асрий удумларимизни менга кўрсатиш эди...

Лекин дарёнинг шимолий қирғоғида... турмушнинг «мушт» баттар тугилиб, одамлар минг йиллик урф-одатларидан ажралишда давом этавердилар. Ҳарқалай, момо Амударёмиз гувраниб оқиб — кўнгилларга тоғдек таянч бўлиб, бобо Оролимиз Қорақалпоғистоннинг балиқчилик бўйича доврўғини ошириб тураверди. Денгиз ёқасидаги ярим отовга жойлашган Мўйноқ шаҳри ва унинг атрофидаги овуллар Германия билан СССР ўртасидаги қонли урушга, яъни Ҳитлер билан Сталиннинг ҳокими мутлақлик талашлари даврида, ўзининг оч-юпун халқини тўйдириб-тўйдирмай, жанг майдонларига кўпдан-кўп ноёб балиқларини узлуксиз жўнатиб турди. Урушда асирликка тушганларнинг анчагина қисми ва ўз ватанларидан кўчирилган қалмоқларнинг улкан бир гуруҳи учун Қорақалпоғистон иккинчи ватан бўлиб хизмат қилди. Худонинг қудрати билан, ростдан ҳам, Орол денгизи очларнинг қорнини тўйдирувчи улкан заҳира вазифасини ўтади ўшанда!..

Халқимизда «Ўз боланг бола эмас, болангнинг боласи бола» деган мақол бор. Бу гапнинг ростлигига ўзим ҳам неваралик бўлгач, мана энди иймон келтирмоқдаман, бобожон. Одам қаригач, болаликни кўмсаб қолиши сабаблими, қайдам, феъли соддалашиб, болалар билан осон тиллашадиган бўлиб қолар экан. Бола тили — поклик-беғуборлик тили. «Энди бола бўлсам, ўтакетган шум бола бўлар эдим-да!» деган экан бир қария. Ҳарқалай, неварангга нисбатан ҳаётини тажрибанг қиёслаб бўлмас даражада кўплигидан ўз вақтида ўғил-қизларингга айтолмаган гапларингни унга айтиб хумордан чиқар экансан киши!

Ўйлайманки, сиз вақтида обдан хумордан чиққансиз, бобожон. Лекин менинг кўрган-кечирганларим шу қадар бемисл-беҳисобки, уларни невараларимга айтиб тушунтиролмайман, ўз сояси билан курашаётганларга айтиб уқтиролмайман, юрагимни бўшатгани ташландиқ қудуқ тополмайман, топсам, қачонлардир қамиш ўсиб чиқишига ишонмайман... Энди тушимга қўшиб ўнгимда кўрганларимни ҳам сувга айтсамми экан? Лекин... қани ўша жони бор — ичида балиғи бор сув, тирик денгиз?!

Беморнинг арзи ҳолидан: ...ҳамма соҳалардаги ютуқларимизни 1913 йилга қиёслаб ўрганганмиз! Бу қанақаси? Ун йилдан кейин ҳам ўша қиёс, эллик йилдан кейин ҳам ўша қиёс, етмиш йилдан кейин ҳам! Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ ақл ва бойликка эга бўлиш мумкин эмасми, нима бало? Е 1913 йилдагидан яхшироқ яшаётганимизни айтиб ўзимизни овутиш учун керакми бу қиёс?..

Афсонавий Гераклнинг шундай бир гапи эсингиздами? «Ҳайвонлар одамларнинг

ёнида яшаб қўлга ўргандилар, бироқ одамларнинг ўзлари ёнма-ён яшасалар ҳам ўзаро одамга ўхшаб муомала қилолмайдилар».

Айтайлик, дарёнинг қуйи оқими атрофида қўним топган халқни боладек ёввош деб ичиб турган сувидан жудо этиш, ерини дабдала, тўқайини пайхон қилиш одамийликданми? Модомики ҳайвонлар ҳақида гап қўзгаган эканман, гўринг нурга тўлгур Монтеннинг ҳам бир гапини эслатиб ўтай: «Ҳайвонларда яхши бир одат бор: арслон арслонга тобе, ит итга қарам, от отга қул бўлмайди». Лекин биз — одамлар-чи? Яхши одатларни ақалли шу онгсиз махлуқлардан ўргансак экан! Бир-биримизга тобе, қарам, қул бўлганимизни яшира-яшира, мана, қаерга етиб келдик!

Очиғини айтсам, ҳеч ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман. «Ватанга чексиз муҳаббат»у «халқларнинг мустақкам дўстлиги» ҳақида роса мақтанар эдик-ку! Қани ўша меҳр-муҳаббат, қани ўша дўстлик? Шу ер, шу сув, шу Оролми?

Илмий маълумотлардан: Амударё билан Сирдарё 1961 йилга қадар Оролга ҳар йили 20—22 миллион тонна туз олиб келиб қуйган бўлса, ҳозирда шўр ва оқова сувлар дарёга қуйилгани сабаб, икки дарё сувининг таркибида жами 80—100 миллион тонна туз йиғилади. Модомики бу дарёлар бугунги кунда Оролга етиб бормас экан, уларнинг қуйи оқимидаги экин далаларига йилига 50—60 миллион тонна туз муттасил таралиб турибди. Шамол билан қуриган денгиз ўзанидан учиб келган туз бу ҳисобга кирмайди, албатта. Денгизнинг фақатгина шарқий қирғоғидаги очилган ўзанидан йилига 750—800 миллион тонна туз тўзонга айланиб чор тарафга тўзғимоқда...

Беморнинг арзи ҳолидан: Орол қурий бошлаганидан буён тиниқиб ухлаганимни билмайман. Қана бемалол ухлай, ахир, эркакман-ку! Ҳар бир эркак ўз элининг бир устунни деганлар. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, устунларни қурт еб бир чеккадан қулашга тушди. Шу касалхонанинг ўзида фақатгина сариқ касал қуртига ем бўлиб неча азамат ётибмиз. Бирин-кетин ўляпмиз. Юрт суянадиган устундек азаматлар ўляпти. Касалхонани кўрмай ўлганлар қанча! Ишонмасангиз, кечалари қон йиғлаб чиқаман. Аччиқ кўз ёшларимга қовоқларим ҳам чидаёлмай шишиб кетади. Эшитгандирсиз, мен ётган олти кишилик палатада кечадан буён иккита ўлик чиқди. Шу бугун эрталаб ғаройиб афсона айтиб, бутун палатани оғзига қаратиб ётган бир бечоранинг оғзидаги — оғзида, бўғзидаги — бўғзида қолди. Қариндошлариям ҳар хил касал билан бошқа шифохоналарда ётган экан денг, бечоранинг ўлиги кўчада қолди. Қай бир жонқуяри ўликхонадан олиб, ювиб-тараб, ўраб-чирмаб, қачон кўмади — бунисини худо билади.

Мана, мен Улуғ Ватан уруши қатнашчисман. Баъзи бир оғзига кучи етмаганлар бу муқаддас урушни ўзларича «Ҳитлер билан Сталиннинг уруши» деб таърифлашади. Начора, бош кесмоқ бор-у, тил кесмоқ йўқ. Ким қандай таърифласа таърифлайвермай-дими, ҳарқалай, ўша уруш доҳиймиз Сталиннинг раҳнамолигида оламшумул ғалаба билан якунланди. Бу ғалаба барчамизни руҳлантириб, ғуруримизни ошириб, доҳиймизга ва ўз-ўзимизга ишончимизни мустақкамлади. Уруш пайтида тўкилган кўз ёшлар қуриб, чекланган қайғулар унутилиб, тинч-осуда ҳаёт бошладик. Экинзорлар кенгайтирилди, кўриқ ва бўз ерлар ўзлаштилди. Сунъий кўллар яратилди. Янги электростанциялар қурилди. Хуллас, ҳамма соҳаларда ишлар қизигандан қизиб кетди. Ҳамма бир сафда ёнма-ён туриб меҳнат қилди.

* * *

Мен жуда-жуда ўзгариб кетдим, бобожон, сиз биладиган неварангиз эмасман ҳозир... Ўз кунимга ўзим эга, ўз умримга ўзим хўжайин эмасман, аксинча, «кун кўриш, тирикчилик — тирриқчилик» деб аталмиш ҳоқими мутлақ кўп қатори менга ҳам хўжайин бўлиб олди. Ҳа, назаримда тақдирини ўз қўли билан яратаётганларга нисбатан тақдирга тан бериб умргузаронлик қилаётганлар сони тобора ошмоқда. Узимизнинг қадрдон овулимизни эсласам, юрагим зирқирайди. Тақдирга тан бериб яшаётганларнинг ўзига хос авахтаҳонаси кўз олдимда гавдаланади. Бир қарашда ҳамма ишлар жойида, муомила силлиқ, йўллар равон... Биров бировга қарши гапирмайди. Биров бировга бетга чопарлик қилмайди. Ҳамма бошлиқнинг ҳар бир гапини таёқдек тўғри деб билиб, унга эргашиб кетаверади. Раис айтдими, тамом, қўмондоннинг оддий жангчига уйғуридик қабул қилинади. Раис ҳам, ўз навбатида, ҳеч қачон ўз номидан гапирмайди — ҳамиша аллакимларнинг номини рўқач қилади. Уша аллаким эса, тағин бошқа бир аллакимни!.. Балки кимдир ичида «Ҳе-е ўша аллакимингни!!..» дея ўйласа ўйлар, лекин тилда, амалда... Қачондан бошланди бу бало, аниқ бир нима деёлмайман. Менинг кўрганим-билганим уруш йилларидан бу ёғи... Бола тасаввуримда ўша кўзга кўринмас одам, ҳар қандай одамни истаса — бор, истамаса — йўқ қиладиган ўша аллаким худога шерик — яна бир Оллоҳ эди. Бу ҳолга одамларнинг кўнгани-кўниккани шу қадарликки, мабодо кимдир «менинг ўйлашимча» дея гап бошласа, кўпчилик олдида масҳара бўлар эди. Тўғри, уруш ва урушдан кейинги йилларда кўпчиликнинг муштарак бир мақсад йўлида тўла сафарбарлиги, бинобарин, хилма-хил тушунчаларнинг вазлашиб, ягона тушунчага айланиши табиий бир ҳолдек — яқдилликдек эди. Афсуски, бизиятдан келиб чиқиб вақтинча ҳосил

бўлган бу ягона тушунча аслига қайтиш ўрнига, аксинча, унинг бошқа тушунчаларга, ҳаётнинг ранг-баранглигига таҳдид-таъйиқи тобора кучайиб, ўсиб, ривожланиб бора-верди. Сталиннинг ўлими ҳам бу жараёни, унинг моҳиятини ўзгартирмади. Дейлик, бир гулзорда ҳар хил гул ўстириб, бир боғда сархил мева етиштирган боғбон олқишга сазовор эмас, аксинча, масҳарали қарашларга рўпара бўлди. Оқибат-натижда «анови овул пахта экади», «манавиниси шоли экади», «униси чорвачилик қилади» қабилидаги ажратиб-бўлишлар «ўсиб-униб», бутун-бутун халқлар аввалгидек инсоний тирикчиликнинг барча соҳалари билан эмас, биргина соҳаси билан шуғулланадиган бўлди-қолди.

Эссингиздами, бобожон, ўша 1942 йилдаги дарё тошқинидан сўнг «Ассов Амударёни жиловлаш керак!» деган қаҳриқлар пайдо бўлди. Бундай қаҳриқлар эшитган қулоқларга жуда-жуда хуш ёқди ҳам! Бироқ сиз ўшанда қаттиқ ажабланидингиз: «Ишқилиб, бундай чиранишларнинг охири бахайр бўлсин-да! Оллоҳнинг дарё ёқасидаги элатларга аталган раҳматини ғазабини қандай қилиб жиловлаш мумкин?!» Бу гапларингизни фақат мен эшитдим, албатта. Энди очигини айтсам, ўшанда уларнинг менга ёқмагани шунчаликки, ўзимча «Бобом қариб, мияси суюлиб қолганми, нима бало!» деган хаёлга ҳам бордим. Сиз руҳий ҳолатимни савқи табиий ила ҳис қилдингиз, шекилли, ўшанда гапни кўпайтириб, мендан фикр сўрамадингиз. Бироқ орадан озгина вақт ўтиб, бир тенгқурингиз ўз ўғли билан муросаси келишмай, уйдан бош олиб кетиш фикри борлигини айтиб, маслаҳат сўраганида сиз аввалига қаттиқ ҳаялга толдингиз. Сўнг тагин гапни қисқа қилдингиз: «Узинг ўйлаб кўр, ошна! Одам қариганидан кейин, ўғил-қизларининг, ҳатто невараларининг қизган чизигидан юрмаса, замондан ортда қоладими дейман...» Ушанда ўзимча: «Хайрият, бобом Амударёни жиловлаш кераклигини ахийри тушунибди-да», деб ўйладим. Ахир бу ёқда овул ёшларини, ҳаттоки, ўзим тенги болакайларни «Амударёнига эмас, бутун табиатни жиловлаб, жамият манфаатларига хизмат қилдирамиз!» қабилидаги шиорлар руҳлантириб турган бўлса-ю, у ёқда сиз!.. Ниҳоят, тушуниб бошлаганингиздан, илғор қарашли, бунинг устига, маслаҳатгўй бобом борлигидан анчагача суюниб юрдим... Орадан кўп ўтмай бири иккинчисидан ажойиб-ғаройиб хушхабарлар овул бўйлаб қанот қоқа бошлади: нима дейсан, Қорақалпоғистоннинг пойтахти Нукуснинг шундоққина ёнида, Таҳиятош деб аталувчи қисноқда Амударёга улкан тўғон қўйилар эмиш. Тўғон қошида қудратли электростанция қурилар эмиш. У Ўзбекистон билан Туркманистоннинг бир қанча вилоятларини, бу ёғи бутун Қорақалпоғистонни электр қуввати билан таъмин эта олар эмиш. Яқин йилларда ҳамма ишлар электр ёрдамида бажарилар эмиш. Таҳиятош ёнидан Бош Туркман канали ҳам қазилар эмиш. Бу каналдаги сув қўшни Туркманистоннинг барча чўл-биёбонларини гулистонга айлантирар эмиш... Кўп куттирмай хушхабарларда жон борлиги кўрина бошлади ҳам. Таҳиятошга гурас-гурас мутахассислар, уюм-уюм қурилиш ашёлари келиб, Амударёнинг Нукусга қарама-қарши соҳилида янги шаҳар қад ростлашга тушди. Бу манзара барчани яна-да қувонтирди. Сиз бўлсангиз, бобожон, тагин кенг пешонангизга шапатиллаб, чуқур хўрсиндингиз: «Ё худо! Бу қандай имтиҳон? Ортиқча бахт йўқлиги ростга ўхшаб қолди-ку!»

Бу галги хўрсинишингиз менга мутлақо ёқмадигина эмас, кўнглимда қаттиқ норозилик уйғотди ҳам:

— Бош Туркман канали туркманлар билан бизнинг дўстлигимизни мустаҳкамловчи кўприк-ку, бобо!— дедим анча-мунча нарсага ақлим етиб қолганини намойиш қилиб. Сиз саволимга савол билан жавоб бердингиз:

— Бу гапнинг маъқул, бўтам. Бироқ биз дўстликни мустаҳкамлаб юрганимизда Оролнинг насибасини ким бериб туради? Орол яримлаб қолса, нима бўлишини биласанми?

Мен бўш келмадим:

— Орол яримлаб қолса?! Нега энди яримлаб қолар экан? Билими чуқур ишбошларнинг каллалари бордир, ахир?..

Сиз алланечук «талашиб-тортишгулик саводим йўқ, бўтам. Бироқ шуни яхши биламанки, Амударёнинг суви Оролга бормаса, Оролнинг суви камаяди, Оролнинг суви камайса, бу аймоқда иқлим бошқача бўлади», дедингиз.

Мен ўйлашиб қолган эдим, сиз ўтов керагасида осийлиқ турган ўроқни ола туриб:

— Оллоҳнинг ўзи яратган нарсани одам боласи йўқотмаслиги керак,— дедингиз-да, ўт ўргани чиқиб кетдингиз...

Илмий маълумотлардан: Ҳозирда жони нақ ҳалқумида турган Орол денгизи батамом ўлса, даставвал денгиз яқинидаги майдонлар, чунончи, умумий майдони 165,6 квадрат километрни ташкил этувчи Қорақалпоғистон, сўнгра Қозғоғистоннинг Қизилўрда (Оқмачит) вилояти бутунлай харобага айланади. Мазкур вилоятнинг майдони бутун Қорақалпоғистондан ҳам каттароқ — 224 минг квадрат километр. Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ҳам вайрон бўлади — унинг ер майдони 73,6 минг квадрат километр. Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ҳам қип-қизил саҳрога айланади. Бу вилоятнинг ер майдони нисбатан озроқ — 4,5 минг квадрат километр. Лекин унутмаслигимиз керакки, Хоразм Туроннинг жаҳонга машҳур уламоий фузалолари етишиб чиққан муқаддас замин, жаҳон фани ва маданиятининг қадимий марказларидан бири...

Орол минтақа иқлимини мўътадиллаштириб турувчи ўзига хос кондиционердир. Бу кондиционернинг ишдан чиқиши Оролбўйидагина эмас, бутун Туркистон ўлкаси ва унга яқин мамлакатлар иқлимида ҳам кескин ўзгаришлар ҳосил қилади.

Беморнинг арзи ҳолидан: Худованди карим одам боласини бир балога дучор қилишдан аввал унинг ақлини пасайтириб, миясини ишлатмай қўядими дейман-да! Мана, ўзимдан қиёс: шу касалга чалинишдан аввал талай хатоларга билиб-билмай йўл қўйдим. Вақтида овқатланмадим. Ичаётган сувимни аввал челақка қуйиб, «химикат» деган балоси обдан тубига чўккунича икки-уч кун тиндириб қўйиб, ана ундан кейин яхши қайнатиб ичмадим...

Кеча Москвадан Оролга бағишланган махсус телекўрсатувни кўриб ўтириб, роса қон босимим ошди-да! Нима бўлди денг! Тинглаб қарасам, қозоғистонликлар ўз қўшиғини, қорақалпоғистонликлар ўз қўшиғини айтиб ётишибди. Очиғи, ҳаммаларининг эс-ҳушлари жойидалигига шубҳаланиб қолдим. Қайси бирига аввалроқ ёрдам кўрсатилса бас, ўшаниси бошқалари билан мутлақо иши бўлмади, ўз йўлига кетаверадигандек... Минг жойда туриб, минг оҳангда дод-вой қилайлик, барибир, дарднинг давоси битта — шу шўрликкина Орол эмасми, ахир! Орол ҳаммамизнинг ўртамаздаги умумий очилдастурхонимиз эмасми! Энди бўлинмаган Орол қолдими!.. Бундай олаоғизликлар давом этиб, ҳар ким ўз кўмочига кул тортаверса, ўчоқдаги олов ҳам ўчади, Орол ҳам қурияди. Уларнинг бошларини қовуштириб, жамики иллатларнинг микробларини бутун жисми-жонимиз бўйлаб муттасил тарқатаётган энг улкан балонинг бошини янчиб, бизни азалий ўзлигимизга қайтаришга қодир куч, хўрланган-ҳақоратланганларга зиғирча меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, ҳиммат-марҳамат нури бу ёруғ оламда топиларми экан? Ё кўрган-эшитганимиз фақатгина миннат бўлаверадими?!

* * *

Тагин сизни безовта қилишга мажбур бўлиб турибман, бобо! Сиз яшаётган боқий оламда, бу оламнинг жаннатмакон гўшасида баҳузур юрган Ҳегел отлиғ аллома бу фоний дунёдаги ақли ноқисларни минбаъд кечирсин! Афсуски, у кишининг «ўзини бошқаролмаган одам табиатни бошқаролмайди» деган ҳикматли гапини анча-мунча бошлиқларимиз писанд қилмадиларгина эмас, бу гапдан мутлақо беҳабар ғофил эди-ёв! Ҳа, бизда (Ҳа, бизда шунақанги калтабин, ҳафтафаҳм, шалпангқулоқ, ўзини бошқаролмайдиган бошлиқлар юрт бошқаришдики, асти қўяверасиз. Мана, оқибати — шўримизга шўрва тўкилиб турибди...)

Эсингиздами, бобожон, бир куни икков овул чеккасидаги Тузлоққум этагидан тариқ экиш ниятида бир парча янги ер очиб бошлаган эдик. Ушанда сиз пешона терингизни сидира туриб, Тузлоққумга бир муддат тикилиб қолдингиз-да, оғир хўрсиндингиз.

— Нима бўлди, бобожон, тинчликми?— сўрадим мен.

— Бу ишимиздан бир натижа чиқарми экан, бўтам? Салгина эпкиндан кейин анови қум манови еримизни қайта босиб олмаслигига ишонсак бўладими? Шуни ўйлаб бошим қотиб турибман-да.

— Нега мунча умидсизликка тушаверадиган бўлиб қолдингиз, бобожон? Ўзингиз айтасиз-ку, «чумчуқдан кўрққан тариқ экмайди» деб. Куни-кеча мўр-малаҳдек фашистни енгиб, энди табиатни енгмоқчи бўлиб турган халқ шу бир парча қумтепадан енгиладими?— дедим мен аллакимлардан эшитган гапларимни тўтиқушдек такрорлаб. Сиз жимгина кетмонингизни қўлингизга олдингиз-да, ер ўзлаштиришда давом этдингиз. Ёшингиз етмишдан ошган бўлса-да, ҳали бақувват эдингиз, шундай жон-жаҳд билан кетмон чопдингизки!.. Мен ҳам сиздан қолишмаслик умидида тиришиб-тирмашдим... Шу орада овулимизнинг хабарчиси: «Ҳой, одамлар, эшитмадим деманглар, кейин армонда қолманглар, овулимизга кўзбойлағич келди...» дея жар солганича ёнимиздан от чоптириб ўтиб кетди.

— Кўзбойлағичга борамизми, бўтам?— сўрадингиз нимагадир мийиғида кулиб. Мен ич-ичдан орзиқиб илтижо қилдим:

— Борайлик, бобо!

— У ҳолда икковимиз иккита тезак топиб олишимиз керак.

— Тезакни нима қиламиз?— ажабланиб сўрадим.

— Айтишларича, тезакнинг ўртасини тешиб, шу тешикдан қарасанг, кўзбойлоғичнинг бутун сир-асрори кўринармиш-қолармиш.

— Йўғ-э! Синаб кўрганмисиз ўзингиз?— сўрадим қизиқсиниб.

— Шу пайтгача мавриди келмай юрувди, мана, бугун синаб кўрамиз-да, бўтам. Мен Тузлоққумга чопқиллаб бориб, ҳар бири кетмондек-кетмондек иккита тезак олиб келдим.

Кечқурун томошахонага кираётганимизда эшик олдида турган паттачи қўлимиздаги тезакни кўрган заҳоти айюҳаннос солиб оламини бошига кўтарди:

— Ҳой, одамлар, мановиларга қаранглар! Уялмай-нетмай қўлларига лагандай-лагандай тезак ушлаб олишибди. Ҳаммаёқни саситади-ку булар. Нима, бу томошахонами, тезакхонами?..

Кимдир бизни масхаралаб кулди. Кимдир ҳолимизга ачиниб қаради. Сиз муддаонгизни қандай тушунтиришни билмай лол қолдингиз. Шу орада, афтидан, томошахона қоровули қўлингиздаги тезакни тортиб олиб, у билан менинг қўлимдаги тезакни бир уриб синдирди. Бобо-набира қаршилик кўрсатмай, бориға барака қилиб ичкариға кирдик. Чунки томоша бошланган — саҳнада кўзбойлағич олдида тизилиб турган ўнчача тухум устида қўлидаги чивикни ўйнатиб:

— «Олғал!», «Чапгал!», «Ўнгал!» — дея буйруқ беришга тушган эди. Бўш жойга ўтира туриб қарасам, ҳамма саҳнага кўз тикиб сеҳрлангандек ҳангу манг!

— Неча тухум экан?— сўрадим ёнимдаги аллакимдан. У «ўн бешта» деб шивирлади. Ана ўшанда сиз, бобожон, кўнглингизга келган гапни беихтиёр айтиб юбордингиз:

— Ўн беш тухум — ўн беш республика бўлса керак-да!

Шундай деган эдингиз ҳамки, аллаким ўрнидан сапчиб туриб, саҳнага югуриб чиқди-да, паттачидан бешбаттар аюҳаннос солди:

— Эшитдингизларми, ҳой яхшилар, анави тескаричи чол барчамизни емиш деди. Ўн беш республикани бир чивик билан бошқариладиган ўн беш тухумга тенглаштирди. Биласизларки, тухум пишириб ейилади. Нима, Совет ҳукумати бизни пишириб еяптими!..

Кўзбойлағич ашқол-дашқолини апил-тапил йиғиштирди. Саҳнага яшин тушгандек, одамлар ёппасига туриб, эшик томон отилдилар. Саҳнадаги «жарчи» эса, эсингиздами, бобожон, ўшанда иккимизни имлаб тўхтатди-да:

— Қани, чол, сиёсий хатоингни тан оласанми-йўқми?— дея сизни қистовга солди.

— Қандай хато?!— ҳанг-манг бўлиб сўрадингиз сиз.

— Ҳозиргина айтдим-ку! Нима, одамлар сендек тескаричи билан бирга ўтиришни истамай, чиқиб кетганини ҳам ёлғон дейсанми? Кўриниб турибди, тўриндан гўринг яқин. Бироқ шуни билиб қўйки, сенинг касрингга манови неваранг эрта-индин институтдан ҳайдалади.

— Кечир, чироғим, ростдан ҳам хато қилибман, мендан гуноҳ ўтибди, энди бир қошиқ қонимдан кеч, бўтам!..— элдингиз сиз.

Ўша кунни томошахонадан уйга касал бўлиб қайтдингиз... Сизни томошага қистаб, нақадар кечирилмас гуноҳ қилганимни ўшандаёқ тушунган эдим, албатта. Бироқ мен ўшанда лол эдим, музгар эдим, ит қувган соқовдек ноилож эдим. Менинг тилимни тишлаб жимгина турганимдан кейинчалик хафа бўлмадингиз, аксинча, қаттиқ суюндингиз. Узоқ вақт тўшака михланиб ётар экансиз, кўргани борганимда ҳар гал алланечук сирли ва шикаста товушда шивирлаб сўра эдингиз: «Ишқилиб, тинчлик-омонликми, бўтам, ўқишларинг жойидами?...» Уқиётганимга ишонч ҳосил қилгач, ҳар гал мени алқар эдингиз: «Ёмоннинг ёмони ёмон экан, бўтам, унга худонинг ўзи бас келмаса, бандаси ожиз экан. Ёмонга қўшилиб ёмон бўлмаслик керак экан. Ўшанда гап қайтармай жуда ақлли иш қилдинг-да, болам!..»

«Кўрчиган кўзга чўп тушади» деганлари тўғри экан, барибир, ўша йили ўқишни қўятуришимга тўғри келди. Чунки менинг ҳам эски дардим кўзиб қолди. Тўғри, кейинчалик соғайгач, битирдим ўша ўқиш савилни! Бироқ, барибир, сизни тузалмас хасталик балосига дучор қилган, устига устак, қилгуликни қилиб қўйиб, соқовдек гап эшитиб тураверганимни ҳали-ҳануз кечира олмайман. бобожон!

Гоҳо невараларимни эргаштириб бориб, сизнинг сўнги марта кетмон урган далангизни — ўз далангизни уларга кўрсатгим келади. Кошки кўрсата олсам! Уша дала аллақачон Тузлоққум остида қолиб кетган, ахир! Устида уюм-уюм қум!.. «Эсиз шунча оворагарчилик, эсиз шунча меҳнат!» дейман. Вақтида сиздек деҳқонлар тажрибаси билан ҳисоблашилмагани учун ўзимни айбдор сезаман ҳозир...

Дарвоқе, сиз бу ёруғ олам билан видолашган, орадан салгина вақт ўтиб, 1953 йилнинг кўкламида «дунёнинг йиқилмас устун» — Иосиф Виссарионович Сталин ҳам ўлганини билсангиз эди, бобожон! Уша кунни сиз тирик бўлганингизда ҳамма қатори кўз ёши тўқар эдингизми, ё «шу балодан қутулар кун ҳам бор экан-ку!» дея суюнар эдингизми — бир нима деёлмайман. «Сталин ўлибди!» деган хабар барчанинг дилида алланечук даҳшат ва «Энди нима бўлади?» деган ваҳима уйғотгани шу қадарлики, Оллоҳ таоло Нуҳ тўфонидан кейин бизни қум босқинидан бешбаттарроқ кулфатга дучор қилган эди гўё! Овулимизда ҳамма зор-зор йиғлади. Балки ҳар эҳтимолга қарши — чор-ночор йиғлаганлар ҳам бўлгандир, ким билади дейсиз, лекин шуниси аниқки, йиғламаган одам қолмади. Бутун элда мотам эълон қилинди.

Мотам кунлари овулимиз деҳқонларию мактабимиз муаллимлари учун мисли қўрилмаган баҳс-мунозара кунлари ҳам бўлди: «Энди Бош Туркман каналини қозиш давом эттириладими ё тўхтатиладими?» деган савол атрофида ўзаро талашув-тортишувлар авж олиб, унда ҳар ким ўз кўнглида борини айтишга сал-пал журъат этди:

— Бош Туркман канали тўхтатилса керак,— деди аллакимлар.

— Ана ўша Амударё қоқ иккига бўлиниб, Оролнинг ризқи қийилмайди,— дея астойдил севинишди бошқа бировлар.

— Хомхаёл бу!— деди тагин аллакимлар.— Ахир, Бош Туркман канали учун маблағ Сталин тириклигида ажратилган. Таҳиятош шаҳрига дастлабки ғишт 1952 йилда қўйилган. Нима сизнингча, партия бошлаган ишини охирига етказмайдими? Сталин бошлаган ишни-я!!

— Албатта,— дея уларни қувватлади яна аллакимлар,— шонли коммунистик партия бошлаган ишни охирига етказмай қўймайди. Буёғини сўрасангиз, Бош Туркман канали — дўстлик канали, ахир!

— Йўқ, бу дўстлик канали эмас, душманлик канали!— дея шивирлашдимипичирлашдимиди баъзи бировлар.

— Бу ҳукуматинг Хусанбойнинг тақиясини Ҳасанбойга кийдиришнинг обдан ҳадисини олганми, нима бало!— дея аччиғланиб ошқора пичинг қилганлар ҳам бўлди...

Беморнинг арзи ҳолидан: Хўш, одам ўз умрида неча марта қувониб, неча марта қайғурса, бахтли бўлади? Бу гапга ҳеч ким жавоб беролмайди, албатта. Лекин шуниси аниқки, халқ билан бирга дард чекиб, бирга йиғлаш ҳам бахт. Модомики, бу юртдаги денгизу дарё, суву тупроқ халқиники экан, уларнинг дардига дардкаш бўлмаслик ё дардкаш бўлганин масхаралаб кулиш, ҳаттоки кулфатдан ҳам ўзига шахсий манфаат қидириш — ўтакетган ноинсофлик. Шундай эмасми? Мана, мен ўзим Сталин даврида Амударёни яримжон қиладиган Бош Туркман канали қазилиши ҳақидаги хабарни дастлаб эшитганимда хилват жой топиб юм-юм йиғлаганман. Хрушчев аввалига бу қурилишни бекор қилганида севинганимдан ўйинга тушиб, кейинчалик Қорақум каналини қаздирамиз деганида эса, қўни-қўшниларимнинг олдида ҳўнграб йиғлаганман. «Бунисидан Сталиннинг ўлса ўлиги ортиқ экан-ку» деб, ўша ёвузнинг руҳига садақа берганман ҳам!..

Нима демоқчиман?

Гап шундаки, яқинда Оролни уч томонга тортқилочви уч мақола ўқиган эдим денг, устига устак, куни-кеча қарасам, Нукус телевидениесига Оролга бағишланган махсус кўрсатув бўляпти! «Қани, булар қаёққа тортқилар экан?» дея қизиқсиниб кўрдим. Азаматларнинг гапларини эшитиб ўтириб, юрагим уришдан тўхтаб қолай деди-ёв! Нега дейсизми? Нодонларнинг вайсашини эшитсангиз, сиз ҳам шу аҳволга тушар эдингиз. «Орол ҳақида баҳс» деганига тинглай қолган эдим, қарасам, Орол бир чеккада қолиб, Орол муаммоси хусусида қорақалпоқлардан ким биринчи бўлиб гап айтгани ҳақида шунақанги талаш-тортиш бўлдики, ҳайратдан ёқамни ушлаб қолибман. Унис «Мен биринчи айтганман» деса, буниси «Мен биринчи айтганман», дейди, учинчисям... Ҳозирги бош масала кимнинг биринчи айтганини аниқлашми? Вой, нодонлар-эй! Шундай қорақалпоқларга нима деса, бўлади? Уларга Орол эмас, биринчилик керак! Илоё халқнинг ҳисобидан ўзига шон-шўҳрат қидирганлар тил тортмай ўлсин! Илоё Оролга қайта жон бағишлаш ниятида юрганларнинг умри узун бўлсин! Оллоҳу акбар! Бўлди, бошқа гапим йўқ!

* * *

Франсуа де Ларошфуко деган донишманднинг айтишича, одам боласи ўз бошига қандай бахтсизлик ёғилай деб турганини билса, шуниси биланоқ маълум даражада бахтли экан. Биз бўлсак, Сталин ўлиб, ўрнига Хрушчев келгач, уч йил мобайнида эртамик қандай кечишини билмай, аросатда яшадик. Биз учун улкан мамлакат бошига ким келганига нисбатан Бош Туркман канали қурилишининг тўхташ-тўхтамаслиги, бу ишнинг бахт ё бахтсизлик келтиришини олдиндан билиш аҳамиятлироқ эди-да. Узингиз менга «бахтнинг ҳеч бир ўлчови йўқ, лекин ҳар қандай бахт таққосда билинади», дер эдингиз. Биз ҳам кўрган кунимизга таққослагулик ниманидир кутдик. Тагин ўша Ларошфуко айтганидек, «ҳамма бошқалардан сир олишни яхши кўради, бироқ бошқага сир бой бериб қўйишдан кўрқади». Сталин тахтини эгаллаган Никита Хрушчев нақд уч йил ниятини шунақанги сир сақладик!.. Фақат 1956 йилга келиб бирданга ўзгарди-қолди. Сталин тириклик пайтида биз билмаган хатолари очилиб, ҳатто жасади мавзолейдан чиқариб ташланди. Мана шундай олашапрон пайтида Оролбўйи халқларининг бахтига оризқи кутилган қувончли янгилик, ниҳоят, рўй берди: Бош Туркман канали — Сталиннинг йўл-қўйган хатоларидан бири сифатида баҳоланди. Одамлар «Ана энди Амударёнинг суви ўз ҳолича оқади, Оролнинг ҳам, Оролбўйи халқининг ҳам ризқи бут бўлади» дея суюнганларидан телпақларини, яъни қора қалпоқларини осмонга отдилар. Лекин орадан салгина вақт ўтиб аҳвол тагин ўзгарди — Бош Туркман канали «Қорақум канали» дея бошқачароқ номланиб, Нукуснинг ёнидан эмас, сал тепароқдан бошлаб қазилиши ҳақидаги «янгича» қарор пайдо бўлди. Бундай «қайта қуриш» янги каналга яқинроқда қўним топган санокли жон учун қувончли бўлса бўлгандир, бироқ Оролбўйи халқлари учун Бош Туркман каналига нисбатан беш баттарроқ қайғули янгилик эди.

«Бошдаги сув ичар, оёқдаги ув (заҳар) ичар» деган халқ мақолининг қанчалик ростлигини ана энди кўраверамиз»,— дея чувиллашди Оролбўйи халқлари.

Лекин уларни тинглайдиган одам топилмади. «Сталин ўз пайтида халқнинг арз-до-

дини тингламади» деган айбнома остида халқни тингламаслик сиёсати янги босқичга кўтарилди. Худди кимдир: «Ма, сенларга кераги янгиликми?» дегандек, янгилик устига янгилик қўшилаверди. Чаламуллаларнинг ҳайбаракаллачилиги остида табиатга қарши жанговар ҳужумлар авж олиб кетди. Чеки-чегараси йўқ қум барханларининг қоқ ўртасидан янги сув ўзани — Қорақум каналининг қурилиши бошланди. Апил-тапил битирилди ва тез орада сув юборилди ҳам! Чор тарафни кислородга тўйинтириб турган дарахтзорлар, минг-минг гектар тўқайзорлар текисланиб, ўрнига пахта экилди... Қарабсизки, етмишинчи йилларнинг бошларига келиб, пайдо бўлганидан буён биринчи марта Амударё суви Оролга етиб боролмай қолди. Ушандан буён ҳар йили кўклагми экин мавсумидан бошлаб бутун баҳору ёз бўйи шу ҳол такрорланаверади. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида эса, Оролга сув юборишга узил-кесил чек қўйилди...

Илмий маълумотлардан: Амударё сувининг асосий қисми Қорақум канали орқали Қашқа ва Сурхон воҳаларини четлаб ўтади. Каналнинг узунлиги 840 километр. Шунинг 450 километрида энг улкан кемалар ҳам бемалол қатнай олади. Каналнинг биринчи навбати 1959 йилда (узунлиги 400 километр), иккинчи навбати 1960 йилда (узунлиги 140 километр), учинчи навбати 1962 йилда (узунлиги 300 километр) ишга туширилган... Қорақум канали бошланган жойга секундига 300 кубометр сув ўтказувчи улкан тўғон ўрнатилган. Тўғон кемалар қатновига мослаштирилган. Канал суви улкан-улкан еттига сув омборига таралади. Уларда 12-15 куб километр сув сақланади. Канал кўчма қум барханлари оралаб ўтгани сабаб, уни бошдан охиригача ичиб тўймас аждаҳдек баҳайбат сувютқич деса бўлади. Ҳатто аэрофотода ҳам қирғоқдан 2-3 чақирим узоқларга қадар кўлланган сув бир томондан — қумга узлуксиз сингаётгани, иккинчи томондан муттасил буғланиб, ҳавога учаётганини аниқ-тиниқ кўра оласиз.

Бутун канал сувининг қирқ фоизи ерга сингаётганию ҳар бир километр масофада йилига 600 минг кубометр сув буғланиб кетаётганини эътиборга олсангиз, «Орол денгизининг суви қаёққа гумдон бўляпти?» деган саволга жавоб топасиз-қўясиз.

Беморнинг арзи ҳолидан: Бизлар ростдан ҳам худо қарғаган бандалар эканмиз-да! Билмадим, халқини ё унинг нодон йўлбошчилариними!.. «Бир қумалоқ бир қорин сарғғни каситади, бир томчи заҳар бир қозон ошни тўктиради» деган ҳикматли гап бор. Уша бир қумалоқ, ўша бир томчи заҳар ким экан-а? Қилгуликни қилиб, ҳеч нима кўрмагандай-билмагандай орамизда ювошгина бўлиб юргани йўқми, мабодо у падариқусур! Агар ўрнида мен бўлсам, бундай касалхонама-касалхона судралиб юрмай, нақ пешонамдан дарча очардим-қўярдим, худо ҳаққи!

Ота-боболаримизнинг «Бераман деган қулига — чиқариб қўяр йўлига, бермайман деган қулидан — тортиб олар қулидан» деганлари рост экан. Мана, бизнинг қўлимиздан тортиб олди-ку! Ким тортиб олди? Тортиб олаётганини кўрмасак-билмасак майли эди! Қойил, бировнинг қалпоғини бошқасига кийдириб, ўз ишини битириш шунчалик бўлади-да!.. Олганларда не гуноҳ? Менимча, улар сув сўраганларида «фақат шу қорақалпоғистонликлар қўлидаги — ичаётганини тортиб олиб берасан» дейишмагандир? Халқ бошига шундай савдо тушаётганида лақма бошлиқларимиз нима қилишди? Даллолликми? Қаёққа қарашди? Чўнтакками, қорингами, ергами?.. Эҳ-ҳ, ҳаёт — абадий, дастинг — узун бўлса эканки, уларни қидириб топиб, «Халқ бахти билан савдо қилганнинг жазоси қилмиш-қидирмиш» дея боплаб сазойими-савдойи қилсанг!..

* * *

Афсус-надоматлар, ўкинч-армонлар юрагимни чор тарафдан исканжага олмоқда, бобожон. Бундай пайта додингни кимга айтишни билмас экансан киши. Шояд юрагимни сизга бўшатиб, андек энгил тортсам!.. Демак, афтидан, манови хатим ҳали-вери тугамайдиганга ўхшайди.

Бир пайтлар «Бўйинтуруқ оғир бўлса ҳўкиздан кўради» деган мақолни кўп такрорлар эдингиз. Мана, бугун биз — қорақалпоқлар бошимиздаги қалпоқдек қора кунимиз учун бир-биримизни айблаш билан оворамиз. Ҳолбуки, кўни кеча «СССР» деб аталмиш улкан мамлакатдаги жамики катта-кичик эл-элатлар ягона бир бўйинтуруқ остида яшаб турган эдилар-ку!

Плутарх бу ёруғ оламга шундай бир ҳикматли гапни мерос қилиб қолдирган: «Агар бошқаларни ҳам ўзингдек кўра билсанг эди, ўзингга ўзинг бу қадар маҳлиё бўлмас эдинг». Шу гапга амал қилишга интилганим сайин ўзимни ўзим ёмон кўриб кетаман. Мана, мен эринчоқман — кўпгина қариндошларим ҳам эринчоқ. Мана, мен чаласаводман — кўпчилик қариндошларим ҳам чаласавод. Мана, мен ҳамиша энгилнинг ости, оғирнинг устидан юргим келади — кўпчилик қорақалпоқлар менга ўхшайдилар... Балки биз бир-биримизга жудаям ўхшашлигимиз туфайли ҳозиргидек аҳволга тушгандирмиз?

Фикр доирамнинг торлиги эса, шу хулосамданоқ кўриниб турибди. Масалага кенгроқ қарашга ҳаракат қиламан. «Бутун бошли Орол денгизининг сувини фақат ўзимиз ичиб қуритмагандирмиз, ахир! — дейман юрагим ўртаниб. — «СССР» деб аталмиш улкан бўйинтуруқ остидаги жамики қўш тортувчилар ёппасига ютоқиб ичди-ку уни!

Бизларни кўшга кўшиб, кўлида маҳобатли чўқмор ўйнатган дев, ичиб тўймас мешқорин-чи? Қанча ичди? Қани аниқ ҳисоби? Қани ўша дев?!»

Тўғри, бизнинг бош айбимиз — гарчи чўқмор кўтаролмасак-да, азбаройи тариқдек тирқирамаслик умидида ҳар биримиз ақалли қамчи кўтаришга интилганимизда бўлди.

Ҳа, бобожон, у бўлди-бу бўлди, оқибат Орол денгизидек улкан бахтимизни бой бердик. Ҳарқалай, қайтмас бўлиб кетмаган, буткул йўқолмагандир у? Лекин ўғирлатганимиз аниқ! Ўғирлаганда ҳам, кўзбойлағичлик қилиб эмас, баланд саҳнада туриб эмас, шундоққина ёнимизда юриб, биз билан давра қуриб-гурунглашиб, ҳатто кулишиб-ҳазиллашиб, лекин очиқ-ошкор алдаб-лақиллатиб ўғирладилар, назаримда. Начора, Умирбек лаққидек алданиб-лақиллаб яшаш, ҳамиша — ҳар бир одамга, ҳар қандай қаро кунда — ёруғ келажакка боладек ишониб яшаш биз учун ота мерос бир одат, шекилли-да! Кўнглимизда ишонч бор экан, ўша ўғирланган бахтимиз қачонлардир қайтиб келишига, бугун бўлмаса эртага қайтиб келишига қаттиқ ишонамиз, бобожон!

Одамдаги энг мушкул иш — хаёл денгизида сузиш экан. Бу денгизнинг қаеридан шўнғиб, қай тарафига сузишни, қачон эшкак эшиб, қачон таянчлар билан иш кўришни билмайсан киши. Айниқса, ҳозир, табиий денгиздан жудо бўлиб, хаёлий денгизга юкуниб турганимда...

Фақат мен эмас, халқим ҳам шу аҳволда бугун! Мисли кўрилмаган экологик фожиалар фавқулудда теран ўйлар уммонига фарқ қилган уни! Жовдираган қоракўзлар аллақайлардан ва аллакимлардан нажот кутиб, мадад истаб баттар қораймоқдалар. Уларнинг дард-ҳасратлари, оҳ-фарёдлари, дарҳақиқат, оламга сиғмайди. Тўғри, жаҳондаги барча холис ниятли кишилар уларга ҳамдардлик билдириб, худди жаноза чоғларидагидек, тасалли-таскин бериб, сабр-тоқат тилашади, ҳатто елкаларига бош қўйиб бирга-бирга йиғлашади. Лекин йиғидан нима фойда! Шоир айтганидек, «кўз ёшларга Орол тўлмайди, аксинча, ер бўлади шўрроқ». Оролга сув керак!

Қани ўша сув?!

Бу саволга тайинли жавоб бера оладиган «қилни қирқ ёрувчи» олимлар борми? Бор, албатта. Бу оламда ўлимдан бошқа ҳамма иллатнинг давоси, дарднинг шифоси, саволнинг жавоби бор. Афсуски, ўша жавобни топиш мушкулроқ бўлиб турибди. Топилган жавоблар эса, энгил-елпироқ бўлиб чиқмоқда. Билмадим, бунга калла айбдорми ё сочми?

Шу топда буларни эслаб қолишимнинг боиси — дунёга сиғмас дардимни ақалли бир муддатга бўлса-да унутиш умиди эканини тўғри тушунарсиз, бобожон. Модомики унутолмаётган эканман, модомики шу умидим ҳам пуч бўлиб чиқаётган экан, гапни айлантирмай, тагин унинг пўсткалласига ўтишга мажбурман: отамиз Орол кўз олдимда жон олиб-жон бермоқда! Наҳот уни асраб қолиш мумкин бўлмаса?! Наҳот, Оролга Масиҳодек қайта жон бахш этиш ҳеч кимнинг кўлидан келмаса?! Наҳот, бу иш ечилмас жумбоқ бўлса, бобожон?! Онамиз Амударё-чи? Етимнинг кўз ёшларидек сизиб Нукусга қадар базўр етиб келаётган кечаги азим дарёемиз-чи? Наҳот, жумбоқнинг ечими шугина бўлса?!

Ўзингиз бир пайтлар айтганингиздек, бу оламда етимнинг кўз ёшидан аччиқроқ нарса йўқ. Ақалли шугина Оролга етиб боролса экан? Шугина орзуим ҳам ушалмас армон бўлиб қоладими, қайдам...

«Бечора болам-эй, лақмагина болам-эй, дарди-дунёингни менга айтгунча ёнингда-ёнбошингда турганларга айтмайсанми. Тириклик иши — тирикларники, демаганмидим? Ҳатто ўликларни ҳам минг кўйга солиб, истаса — бор, истаса — йўқ қиладиган ўшалар-ку!..» — қулоқларим остида таниш овозингиз қайта янграгандек бўлади.

Айтдим-ку, бобожон, айтдим ўша тирикларга! Тўғри, кечикиброқ айтдим. Эрта-роқ айтолмадим. Ахир, бизлар худди эртақлардаги жондош-қондош дўстлардек бир-биримизга маҳкам қўл бериб, «дўстлигимиз мустаҳкам, дўстлигимиз бузилмас, дўстлигимиз абадий, шунинг учун ҳеч қачон зорланмаслик керак, ношукр бўлмаслик керак» ва ҳоказо таъкидлару уқтиришлар остида соякидек яшаган эдик-да! Кейинчалик, бу дўстлик омонатлигини, жон дўстлик эмас, мол дўстлик эканини, дунёнинг ишларидаги беҳисоб пойнтар-сойинтарликлару пала-партишликларни кўриб, кўзбўямачиликлар замиридаги сир-асрорларни тушуна бошлагач, гоҳида қизишиб, гоҳида ўзимни вазмин-совуққон тутиб, фикримни гоҳида пардалаб, гоҳида яланғочлаб, Орол ҳақида, Оролбўйи халқи ҳақида «бир сўз» айтишга тушдим. Кўра-кўра кўсан бўлдим, сўзлай-сўзлай чечан бўлдим. Лекин ҳарчанд интилмасин, набирангиз ўз сўзларини том битган қулоқларга еткази олмади, бобожон.

Қандай айтдим, қачон айтдим, кимга айтдим?.. Насиб қилса, бу хусусда кейинги хатларимда батафсилроқ ҳикоя қилмоқчиман...

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Ҳарчанд қидирмай, сиздан яқинроқ ҳамдам-ҳамдардим йўқ экан! Атрофимни қуршаган одамлар орасида яқка-ёлғизман, бобожон!..

«Нима, дўстларинг йўқми, ақалли битта сирдош-қадрдонинг йўқми, бўтам? Бу қандай яшаш, чироғим!..»

Дўстларим йўқ эмас, албатта. Улар билан сирлашгим келади, лекин... нима десам экан... уларнинг ҳам ҳар бирининг ичи тўла гап — тинглашга эмас, тинглатишга иштиёқлари баланд! Бу ёғини сўрасангиз, ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз, ҳар кимнинг назарида ўз ўйлари денгиздан теранроқ. Улар орасида шунақанги сўзамоллари борки, эҳ-ҳе!.. Истаган йиғилишга бориб, гап айтишга чоғланиб кўринг, сизни тингловчиларга нисбатан тинглагувчига айлантириш иштиёқида минбар талашганлар кўп. Жўнгина шахсий қарашларини катта ижтимоий фикр деб кўрсатиш умидида то овози хирқираб қолгунча гап бериб, минбарда турган жойидан иссиққина чой сўраб ичадиганлар кўп!.. Хуллас, бобожон, ҳасратимни тағин ўзингизга айтмоқчиман. Йўқ, мақсадим фақатгина ҳасратимни айтиш эмас, аввало ҳозирги фожияларимизнинг бош айбдорларию асосий сабабларини аниқлаш. Айбдорларни топиш уларни суд қилиш учун эмас, кўпчиликнинг кўзига турқи-тароватларини, асл қиёфаларини кўрсатиш учун керак, токи одамлар уларни яхшигина таниб олсинлар, бошқа халқлар бизнинг хатоларимизни такрорламайсинлар, ҳар бир кўзбойлағичнинг ҳар бир гапига ўйламай-нетмай бешқарсак чалавермасинлар...

Бугунги кўргиликларимиз учун кимнинг дастидан, ниманинг касри-касофатидан дод дейишимиз керак? Қачон, қандай, нимадан бошланди бу кўргиликлар?

Бугун барчага беш қўлдек аёнки, Жан Жак Руссо давридан, айниқса, Лев Толстой давридан буён одамлар ҳар бир янгилик, ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир қадами учун қандайдир ўлпон тўладилар. Дейлик, қулай турмуш шароити учун тўлайсиз, жон койитмай соатига бир неча юз чақирим юргангиз учун тўлайсиз, енгил бир ҳаракат билан кечангиз чароғон, хонадонингиз иссиқ бўлгани учун тўлайсиз... Хуллас, моддий неъматларга мафтун-махлиё одам боласи жисми-жонининг ҳузур-ҳаловати йўлидаги ҳар бир қулай восита учун ўзига хос ўлпон тўлайверди, тўлайверди. Кўп ҳолларда ўз руҳини, ҳис-туйғуларини бу йўлда гаровга қўйди. Туйғулари саёз, иймони суст осий бандалар эса, барча йўқотишлари ўрнини бирваракайига қоплаш умидида ўзини қуршаган она табиатга қарши бош кўтариб, ундан қасос олишга тушдилар. Улар-ку, руҳий йўқотишлар эвазига қўлга ушлагулик нимагадир эга бўлдилар. Лекин биз ландовурлар... она табиатимизни ғорат қилишга қилдик, бироқ уни ақалли ўзимиз учун бир қадар турмуш қулайликларини яратишга хизмат қилдира олмадик ҳам! Ҳа, бизни ҳам хўрдадан, ҳам бўрдадан урдилар! Жуда ёмон яшадик. Жуда пала-партиш ишлар қилдик. «Ишонмасангиз, ҳозирги Қорақалпоғистонни келиб ўз кўзингиз билан кўринг!» демоқчи бўламан. Аммо, худо ҳаққи, таклиф қилинган меҳмоннинг иззатини жойига қўйишга ҳам имконимиз қолмаяпти. Тузимиз-ку, сероб, албатта. Лекин, нон билан сув... Айниқса, оби ҳаётдек беминнат илоҳий неъматни йўқ қилганлар кимлар?! Ҳамма нарсадан фақатгина ўз ҳузурижони йўлида фойдаланишга устаси фаранг «юрт эгалари», албатта...

Шу топда сиз айтиб берган бир ривоят эсимга тушиб қолди, бобожон.

Кунлардан бир кун аллақандай далли-девона ўзи хон — кўланкаси майдоннинг ҳузурига кириб, шундай дебди:

— Сиз ҳаммадан ҳамisha поклик-ҳалоллик талаб қиласиз, ҳаммани меҳнатсевар, халқпарвар, ватанпарвар бўлишга чақирасиз. Мана, мен сизнинг барча чақириқларингизга «лаббай» деб жавоб берган одамман. Бироқ кўриб турибсизки, кафангадоман. Чайнагани — тишим, қашигани — тирноғим қолмади. Хуллас, келинг, энди топган-тутганларимизни бир айрибом қилайлик: мендаги меҳнатқашлик ҳам, ҳалоллик ҳам, халқпарварлик ҳам, ватанпарварлик ҳам ўзларига сийлов! Эвазига сиз ҳам топган-тутганларингизни менга берсангиз!

Антиқа «кўтара савдо»ни эшитган хон «бу одамнинг эси жойидами ўзи?!» дея аччиғланиб, далли-девонани дорга осигга буюрибди.

Ҳа, шундай, бобожон — тўғри гапнинг тўқмоғи катта! Одатда моддий ва маънавий бойлик бир одамда сиғишавермайди. Ҳар бир одам, худди Афанди таклиф қилганидек, хоҳласа — унисини, хоҳласа — бунисини олаверади. Устига устак, маънавий баркамолликка чақирувчиларнинг каттагина қисми бундай жарчиликни моддий бойликка эга чиқишини қулайгина, енгилгина воситаси деб биладилар. Шунинг учун ҳам халқда кинояли мақол борки, «Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма».

Инсоний тириклик олдида ҳамisha кўндаланг турувчи азалий ва абадий савол ҳам шу: ҳалол-пок, ҳақгўй, халқпарвар, ватанпарвар далли-девоналик яхшими ё бундай «еб бўлмайдиган нарсалар»нинг баҳридан ўтиб, ўша хондек, ҳузур-ҳаловатларга кўмилиб яшаган яхшими?

Ҳарқалай, бугун шу ҳолга туппа-тузук ақлимиз етиб турибдики, бизни биринчи йўсинда тарбиялаб, тарбиячиларимизнинг ўзлари иккинчи йўсинда турмуш кечиришни афзал кўрганлар...

Модомики далли-девона камбағал-фақирлик руҳида тарбиялашган экан, модомики бизни шу кўйга солишган экан, энди бу руҳга сўнги нафасга қадар содиқ қолгим, уни юксакликларга кўтаргим, шу юксакликдан туриб халқим тақдирига теранроқ назар ташлагим келади, унинг нимани нимага айирбошлаб, нималарга эришганию нималарни бой

берганини беш қўлда билгим келади. Ўз руҳимни, унга қўшиб халқ руҳини, бу руҳдаги узлуксиз жараёнларни таҳлил қилгим келади. Ўзимнинг ва халқимнинг руҳий ҳолатимизни қойилмақом қилиб акс эттиргим келади. Афсуски, қирқ йиллик интилишлар ниҳоясида ҳали-ҳануз ўзимизни ночор-нотавон ҳис қиламан. Ҳарқалай, бу хусусда узил-кесил ҳукм чиқариш ҳамиша одил ҳакам — вақтнинг иши, дея ўзимни юпатишга ури-наман...

Беморнинг арзи ҳолидан: Бугун яширинча бозорга бориб келдим. Палатамизда мендан бошқа ўз оёғи билан юра оладиган одам бўлмагач, бормай нима қилай. Олти ҳамхонамдан иккитаси нос отади. Авваллари ҳамширага пул берсангиз олиб келаверарди. Энди олиб келмайди. «Холис хизмат»ни бош врач билиб қолиб, тағин шундай қилсангиз ишдан ҳайдаласиз, деб огоҳлантирган экан. Кашандаларни зориқтирмай ўзим бориб кела қолай дедим. Шифохона кийимида бозор оралаб юрган ёлғиз ўзим бўлсам, кўзга тушаманми, деган хавотирда эдим. Бекорга хавотирланибман — ҳеч ким парво қилмади. Парво қилганда-чи! Эртадир-кечдир, ҳаммининг киядиган кийими-ку бу!

Ҳай, майли, менинг айтмоқчи бўлаётган гапим бу эмас. Гап шундаки, бозорга кираверишда тумонат одам ниманидир томоша қилиб турибди. Мен ҳам томошадан куруқ қолмай деб бировнинг биқинидан, бировнинг қўлтиғидан ўтиб қарасам, бир милиционер билан аллақандай бир барзанги жиққамушт бўлиб турипти. Ақалли ўзларини аяшса-чи бу уришқоқлар! Милиционернинг ёнбошида осилиб турган тўппончаси ўқсизми, ё ўзида бу хўжакурсин матоҳдан фойдаланиш фикри йўқми, ишқилиб, ҳалигидай аҳвол. Уларни ажратиш ниятида: «Ҳой, тўхтанглр, бунақада бир-бирларингни ўлдириб қўясанлар-ку!» дея олға интилган эдим, мен етиб бормасимдан ҳалиги барзанги бир қўли билан милиционернинг ёқасидан олиб, иккинчи қўли билан бир мушт урди-ю, ерга сулайтирди-қўйди.

— Ҳо-ой, одамлар, анови бечора ўлди-ку!— деб жон ҳалпида қичқирганимни биланман, орқамдан аллаким шундай тепдики, гандираклар бориб ҳалиги милиционернинг устига ўзим ҳам шилқ тушдим. Кўзимни очиб қарасам, бечорада жон асари йўқ! Ўрнимдан сапчиб туриб:

— Ҳо-ой, мусулмонлар, манови шўрлик ўлибди-ку!— дея овозим борича чинқирдим. Анови барзанги пинагини бузмай шундоққина ёнимда пешона терини сидириб турибди. Томошабинлар орасидан кимдир луқма ташлади:

— Ўзинг шўрликсан!

Уни қувватловчи насиҳатлар, пичинглр ҳам қулоғимга чалинди:

— Бошингни ғалвага тиқиб нима қиласан, ҳой, овсар!

— Нима, жанжалга аралашмай жимгина турган шунча одам сендан аҳмоқроқми!

— Боши оғриманган-да, боши оғриманган...

Бундай паст-баланд гаплардан баттар қоним қайнаб:

— Одам одамни ўлдираётганда нега томошабин бўлиб турибсанлар, ҳой қонхўрлар?!— деб ҳайқирган эдим, ҳамма ёппасига барзангига ташланиш ўрнига ҳар бири ўз йўлига тумтарақай бўлиб кетди. Барзанги ҳам сафни ёриб, бир зумда кўздан йўқолди. Икми ёрдамга чақиршимни билмай, ўликнинг тепасида йиғлаб ўтирган эдим, бир қарасам, ердан чиқдим, осмондан тушдим, ёнимда «Тез ёрдам» машинаси пайдо бўлди-да, ичидан икки ҳамшира билан икки милиционер чиқиб келди. Ҳамширалар жасаднинг устига энгашиб томир уришини аниқлайман дегунча икки милиционер менинг қўлларимни аizza-базза орқамга қайириб, машинага судрашди. Милицияхонада обдан сўров-тергов, кийноқ-қистоққа олди. Қани бир оғиз гапимга ишонисса-чи! Шу орада биттаси устимдаги кийимимга зеҳн солиб, қайси шифохонадан қочиб чиққанимни сўраб билди-да, дарров бош врачни чақиртирди. Ростини айтсам, бош врачимизни кўрганимда ер ёрилмади — ерга кирмадим. Ҳайтовур, у киши милиционерлар билан гапни қисқа қилди:

— Бу одамнинг касали жуда оғир, қолаверса, юқумли! Ҳозир шифохонага обориб ётқизайлик, соғайганда тергайверарсизлар,— дея мени ўзи миниб келган «тез ёрдам»да олиб қайтди. Ҳозир ҳам оғир касал, ҳам ўта хавfli жиноятчи сифатида ёлғиз ўзим бир кишилик палатада ётибман.

Шунча гапни айтиб, нега эзмаланаётганимни тушундингизми? Суриштириб қарангиз, бизда кўп одамлар бошоғрик, яъни, дардисар экан. Ҳамма касалликлардан хавфлироқ касаллик бу! Ўзингиз биласиз, бошни кесиб ташлаб, ўрнига бошқа — соғлом ва ақлли бош ўрнатиш мумкин эмас... Хуллас, нима десангиз денг, ҳозир кўпчилик қаҳ-қор, қаттол, қонхўр бўлиб кетган. Қассобга ўхшаб вақти-вақти билан қон кўрмаса, кўнгли жойига тушмайди. Йўқса юзлаб одам бозорда тартиб сақлаб, ўша оломоннинг ўзини ҳимоя қилиб юрган милиционерни бир қаззобга ўлдиртириб, парвойи палак томошабин бўлиб тураверадими? Ана ўшаларни судлаш керак! Уша барзангини ораларига сиғдиргани учун ҳам судлаш керак уларни! Менинг аҳволим яхши эмас, албатта. Соғайиб чиқсам, балки қамаларман. Одам ўлди, ахир! Демак, кимнидир қотилликда айблаш керак. Ўликнинг ёнида мендан бошқа айбдор ҳам, гувоҳ ҳам йўқ эди...

Мана, сизга Орол фожиасидан беш баттар фожиал

Ҳар каллада ҳар хаёл деганларидек, дунёда нима кўп — нуқтаи назар кўп! «Ҳақиқат битта, ҳақиқат ягона, ҳақиқат бўлинмас...» дейишни яхши кўрамыз. Биттами у?! Битта бўлса, нега уни топа қолмаймиз? Муттасил қидираверамиз-қидираверамиз? Бу йўлда ягона бир тўхтамага, аниқ-таниқ хулосага келишимиз нега ўта мушкул?

— Дунё шуниси билан қизиқ-да!— дейди бировлар.

— Дунёнинг шунисидан безор бўлиб кетасан-да!— дейди бошқалар.

— Яхшиси — ҳар нарсага куйиб-пишавермай, бепарвороқ бўлиш керак, йўқса ўз бошингга балони сотиб олаверасан,— дейди учинчилар.

Донишмандлардан бири — Бруно Ясенский айтганидек, ҳар қандай дўсту душмандан хавфлироқ, ўт балосию сув балосидан даҳшатлироқ лоқайдлик касали хусусида нечоғли чуқур хаёлга толмай, барибур, калаванинг учини тополмайман. Тўғри, «Оролни куритганлар — ана ўша бепарволару бепарволиклар» деган хулосага келиб тўхтаман. Лекин яна ўйлаб қарасам, бу хулосам ҳам юзаки, масаланинг моҳиятидан йироқ, ҳақиқатдан узоққа ўхшайди. Узини лоқайд ҳисоблайдиган бирон-бир одамни топиб бўлмайди-да, ахир. Бу ёғини сўрасангиз, она табиат тақдирига ўзим ҳам лоқайд қарамаганимни аён кўрсатувчи далилларим жудаям ошиб-тошиб ётгани йўқ.

Ҳарқалай, шуниси аниқки, ҳозиргидек танг аҳвол тушимизга ҳам кирмаган эди. Ҳар жиҳатдан жаҳонда пешқадам мамлакатнинг фуқаролари эканимизга роса ишонтиришган эди, ахир. Ёдингизда бўлса, Амударё билан Сирдарёнинг суви озая бошлаганиданок Сибирь дарёларини Урта Осиёга олиб келиш ҳақидаги баландпарвоз гаплар авж олдирилди. «Асрга татиғулик ёлғон, асрнинг энг улкан ёлғони бу!» қабилидаги таърифлар энди чиқяпти. Уша вақтда шундай дейишга кимнинг ҳадди сифиб, тили борар эди?

Амударё сувининг озая бошлагани 60-йиллардаёқ сезилиб қолган эди. Лекин 1968 йилнинг қаҳратон қишида унинг суви ўз ўзанига сиғмай, Нукус шаҳрининг «Эски қалъа» деб аталувчи қисмини сув олди. Нукусдан бир юз эллик чақирим юқорироқда, Амударёнинг шимоли-шарқида жойлашган Беруний шаҳри эса, бутунисича сув остида қолди. Бу ерда ҳатто талай қурбонлар бўлди. Сув тошқинининг шиддати шу қадарлик эдики, туманинг биринчи раҳбари ўз отасини уйдан омон-эсон қиқариб улгуролмай қолди. Бу ҳодиса бошимизга ёғилишга чоғланиб турган экологик фожиа ҳақидага айрим узун-қулоқ гапларни батамом чиппакака чиқаргандек бўлди. Қолаверса, кўпчиликда эрта бир кун аҳволимиз танг бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ҳар қандай фаразларга кулиб-масхаралаб қараш кайфияти шаклланмоқда эди. Чунки ўша пайтларда матбуотда Оролнинг қуриши Урта Осиё учун чинакам бахт-саодат эканини исботловчи «илмий» ва оммабоп мақола-лар пешма-пеш чиқиб турарди-да! Оролнинг ўрнига келажакда ғўза экилса, бу ерда неча миллион тонна пахта етиштириш мумкинлиги, бу пахта жаҳон бозорида сотилгудек бўлса, Орол бераётган балиқ, қундуз, мўйна ва ҳоказолар баҳосидан бир неча минг баробар кўпроқ бўлишини уқтирувчи чиқишлар бўлганида, нафақат уларни қизгин қўллаб-қувватловчилар, балки мисли кўрилмаган бу иқтисодий фойдани олқишлаб суюна-суюна қарсак чалганлар ҳам озчилик эмас эди.

Ҳа, ўша пайтдаги жуда кўп гаплар сеҳрли эртакка ўхшар эди. Бу ғаройиб эртаклар сеҳридан четда туриш амримаҳол эди. «Келажакни олдиндан кўриб», оғизда жаннат яратувчи башоратгўйлар ҳақида нохушроқ гап айтган одам «халқда тушкун кайфият уйғотувчи», «халқни улуғ йўлдан чалғитишга урунувчи» ва ҳоказо, дея қаттиқ қораланар эди. Бундай ёрлиқлар «халқ душмани» тамғасидан кам эмас эди. Бинобарин, ҳақиқатнинг юзига тик боқиб, оқимга қарши сузиш амримаҳол эди...

Наҳот, бутун бошли Орол денгизи қуриб кетаверса, бобожон?! Худо ҳаққи, ҳеч ақлим бовар қилмайди. Бундан ҳам ғаройиброғи — денгиз тўлқинлари ўрнида қум барханлари ўйнаса, яъни, айб шундоққина кўзимизга кўриниб турса-да, ақалли биронта айбдор топилмаса?! Шунча бегуноҳ жонларни айбсиз айбдор қилган тузум нега бу масалада ҳам кимдидир балоғардон қилмади? Хўжақўрсинга бир вазвасни топиб айбдор қилиш шу қадар кийинми ё? Нега? Нега?.. Нега бундай беҳисоб саволларга жавоб бериши керак бўлганлар, худди кўринмас одамларга ўхшаб, биз эс-ҳушимизни йиғиб олгунимизча бўлмай, бир зумда гум бўлди-қолди?!

Ҳа, кўнгилда бош кўтарган жуда кўп саволларга тайинли жавобимиз йўқ, демакки, кўзимиз ҳалиям тузукроқ очилгани йўқ.

Илмий маълумотлардан: 60-йилларда Орол денгизиде 1100 куб километр сув бор эди. Ҳозир атига 300 куб километр сув қолган, холос. Тағин юз куб километрча сув кейинги йилларда пайдо бўлган сув омборлари-ю, сунъий кўлларда кўлмакланиб турибди. Хўш, қолган 700 куб километр сув қаёққа гум бўлди? Ҳаммаси янги ерларни ўзлаштиришга кетдими, ҳавога учдими ё... қумга сингдими?

Айрим маълумотларга кўра, эрамининг VII асрида Туронзааминнинг жануби-ғарбида 25 миллион одам яшаган. Уша даврда ўшанча одам яшаши учун Амударёнинг Туямўйин қисноғидан ўтиб турган сув етиб ортган. Бугунга келиб, Туямўйин қисноғи

кенгайтирилиб, улкан сув омбори бунёд этилганидан кейин, VII асрда 25 миллион одам яшаган ўлкада бугун яшаб турган атиги 4 миллион жонга сув етишмаётганини қандай тушуниш керак?

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, ҳамма сув захиралари экинзорларга, хусусан, пахтаю шוליға сарфланмоқда, дейиш масалаға бир томонлама қараш бўлади. Амударё суви, асосан, унинг қоқ белида йўқолмоқда. Бу атрофда экинзорлар йўқ. Дарё чўл-биёбон бўйлаб ўтади. Бироқ шу ўринда эсга олишимиз керакки, Амударё Ўрта Осиёдаги энг улкан табиий газ ҳавзаси устидан ўтади. Бу газ ҳавзасидан сўнгги йилларда 2-2,5 триллион кубометр газ сўриб олинди. Шунча ҳажмдаги газни сўриб олинган жойлардаги ер қатламлари, албатта, бўшаши. Сўнгги йилларда минтақада уч-тўрт маротаба қаттиқ ер силкинишлари рўй берди. Газли ва Бухоро зилзилалари озмунча вайронагар-чиликлар олиб келмади. Башарти ана шундай бир неча ташқи аломатни назарда тутсангиз, «Амударё сувининг кўпгина қисми ана ўша сунъий ўпқонга тортилиб кетаётгани йўқми экан!» деган хаёлға борасиз. Балки бу сув ерга жудаям чуқур сингмай, 50—100 метр оралиғида Амударёнинг Каспий денгизига қуйилган чоғларидаги қадимий ўзини орқали тағин ўша денгизга ер остидан қуйилаётгандир? Каспий денгизи Амударёдан талайгина қуйида жойлашган-да, ахир. Балки, кейинги йилларда Каспий денгизи сувининг сезиларли даражада кўпайганига асосий сабаб мана шудир?

* * *

Ўша, 1942 йилги дарё тошқини пайтида, азоб-уқубатлар ҳарчанд жон-жонингиздан ўтиб кетса-да, онамиз Амударёнинг бебошлиғи ҳақида норози бўлиб гапирмагансиз, бобожон. Аксинча, бизга шундай дея кўп ўқтирар эдингиз:

— Аслида, Амударёнинг мана шундай тошиб тургани яши, болаларим. Она ҳам ҳаддидан ошган болаларига жаҳл қилиб, керак бўлса, бир тарсаки уриб, уларни тўғри йўлга солади-да, ахир. Шунни билиб қўйингларки, ўз оналаринг қаттиқ урмайди. Мана, кўрасанлар, бу йилги тошқиндан сўнг, кузда ҳосилға барака дорийди, балиқ ҳам мўл-кўл бўлади. Ҳозирги қаҳатчилик пайтида узоққа бориб юрмай, овулимизга яқин жойданоқ кўп-кўп балиқ тутаверамиз. Оролда ҳам балиқ кўпаяди. Фронтга кўпроқ юбориладиган бўлади. Ризқ-рўз бергани учун халқимиз Оролни отов дейди, ота дейди, отадек азиз кўради. Илоё онамиз Амударё соғ бўлгай! Илоё отамиз Орол омон бўлгай!..

Бу гапларингизни ҳаттоки тушларимда ҳам эслайман-да, фарёд чекиб уйғонаман: тўйдирганинг қорнига тепмадикми биз?! Онабезорилиғи падаркушлик қилмадикми? Биз Оролни қуритмоқдамизми ва ё... у бизнинг таъзимимизни бермоқдами?

Беморнинг арзи ҳолидан: Кейинги йигирма йил мобайнида, айниқса, шу кечакундузда кўрган-боққанларимни танамга ўйласам, очиги, яшашдан ҳам безор бўлиб кетаман. XVII асрдаги маънавий отамиз Мурод шайхнинг сўнгги чорасини қўллагим келади. Мурод шайх ҳақидаги афсона эсингиздами?.. Ўз халқининг бахт-саодати, рўшнолиғи, қардош халқлар билан тотувлиғи йўлида қилмаган иши қолмаган бу авлиёсифат одамнинг! Афсуски, қорақалпоқларнинг ўзларида на тотувлик, на бирлик бўлган. Евуз ниятли босқинчилар қўшин тортиб келганларида ҳар бири ўз бошининг ташвишини қилиб, уруғлар бир-бирлари билан уришиб, ҳар бошчи ўзича бий, ўзича хон бўлиб, бошбошдоқлик авжига чиқиб, ёвга қарши туrolмабди. Тағин мағлуб бўлибди. Ота маконларидан тағин қувилибди. Полапон — бошига, турумтой — тўшига кетибди. Бундай парокандаликни кўрган Мурод шайх чидаб туrolмай: «Аё дўстлар, биродарлар, сизларнинг ҳам инсофға келиб, тавбаға таянадиган пайтларингиз бўладими-йўқми ўзи?! Халқни яна бир қарра хароб қилган сиз нопок-ноаҳил бийларни кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ! Халқимни бу аҳволда кўргунча кўзларим оқиб тушгани яхши!» дебди-да, ўз кўзларини ўзи ўйиб, ўзини қудуққа ташлаган экан...

Ростини айтсам, баъзан мен ҳам шундай қилсамми, деган хаёлға бораман. Нега дейсизми? Қай бирини айтай! Мана, шу касалхонанинг ўзидаёқ қанча одам азоб-уқубат чекиб, қанчаси ўляпти. Буниси етмагандек, умид билан кўз тикадиган ягона овуноғимиз — ойна жаҳон ҳам кейинги пайтларда эрталабдан кечгача ўлимни кўрсатадиган бўлиб қолди. Ҳали кимдир бомбанинг остида қолган, ҳали кимдир ўққа учган... Биз қорақалпоғистонликлар шундоғам ўлар аҳволда турибмиз-ку, ахир, бизга бомба билан ўқни кўрсатаверишнинг нима кераги бор?! Усиз ҳам заҳар-зақум сувни ўз ихтиёримиз билан ичиб, ўз ихтиёримиз билан касалға чалиниб, жимгина жон таслим қилиб турибмиз-ку! Сув ичмасак — яшаб бўлмаса, сув ичса — тағин яшаб бўлмаса... Гоҳо кимдир, қудратда Қодир Эгамдек бўлмаса-да, ўзини нақ осмон сановчи аллақандай иблис ҳаммасини аввал-бошдан шундай режалаштирганми, нима бало, деган ёмон хаёлға ҳам бораман, худо ҳаққи. Е паймонам тўлиб, ажал кўзимга кўриниб қолгани учун менга шундай туюляптими? Энди нима қилай? Ажалимдан беш кун бурун...

Бобо, сиз қаттиқ хасталаниб кўрпа-тўшак қилиб ётганингизда ёнингизда ўтириб, томирлари бўртиб чиққан қўлларингизни силаб-сийпаб, қандай, қай сўз билан юпатишни билмай қийналаётганимда менинг ҳолатимни ҳис қилдингиз-да, қўлингизни оҳиста тортиб олиб, ўзингиз силашга тушингиз.

— Нима демоқчилигингни билиб турибман, бўтам, — дедингиз овозингиз синиқиб. — Қўй, мени юпатаман деб овора бўлма! Улим ҳақ. Улим мен учун мотам эмас, байрам-ку, бутам. Насиб қилса, у дунёдаги кадрдонларим билан дийдорлашаман. Ота-онам, бобом билан момоннинг дийдорига обдан тўяман... Ўзинг ҳам сезиб юргандирсан, кейинги йилларда соғ пайтимда ҳам уйдан чиқмай қўювдим. Мен тенгиларнинг ҳаммаси кетди. Уларсиз бу дунёнинг қизиғи қолмади. Мабодо биз яшайверганимизда ҳам дунёнинг қизиғи қолмасди. Аждод — авлодга, бобо — неварога ўрин бўшатиб бериши керак-да. Дунё мана шуниси билан қизиқ-да! Энди бор-йўқ тилагим шуки, илоё Амударёемиз тўлиб-тошиб оққай! Илоё Оролимиз ернинг қуёшидек ҳамиша жимирлаб туравергай! Илоё сенларнинг, бу дунёга умид билан келган ҳар бир бандасининг умри узоқ бўлгай! Овмин, оллоҳу акбар!..

Бугун ўлар аҳволдаги она Амударёю ота Орол-чи, бобо? Улар нариги дунёдаги кимнинг дийдорига шошилмоқдалар? Улар кимдан зада, нимадан безор бўлганлар? Сиз-ку ўз невараларингизга ўрин бўшатиб бериш учун, ёшлар яшайдиган жой бир ўринга бўлса-да бўшасин, деган холис ниятда эдингиз. Ўз ўлимингиз билан кимдандир ўч олиш ниятингиз эса, мутлақо йўқ эди, билъақс сўнги дақиқаларда айрим дўстларингиз номини тилга олган бўлсангиз-да, душманларингиз ҳақида лом-мим демадингиз. Душманлар отини атамаслик бобида Аму ҳам, Орол ҳам сизга ўхшайди, бобожон. Бироқ улар ўз ўринларини кимга, нимага бўшатиб бермоқчилар? Қумтепаларгами? Қабристонларгами?..

— Дўстларинг отини тилдан қўйма, болам. Душманнинг оти ўчсин! Душманнинг юзи қурсин! У юзсиз ўз отини ўзи айтиб, қақирмасанг ҳам олдинга келаверади, — деган эдингиз, бобожон, бу дунёдан кўз юма туриб.

Хўш, Орол-чи? Агар унга тил-забон битса, қай дўстини тилга олар эди? Ё юраги вайрон, ўзи гирёнми эди? Йўқса, нега у девонавор тўлғониб, ўзидаги захар-заққум қумларни пардек тўзгитиб, атрофидаги халқлар устига, экинзорлар устига, яйловлар устига аёвсиз сочмоқда?

Шояд Оролнинг тилини тушунсам, уни жаҳлдан туширсам, деган умидда қошига бордим...

Мана, Оролнинг қуриган ултонида турибман ҳозир!

Мана, Оролнинг пойига тиз чўкиб, сизга тавалло қилмоқдаман, бобожон!

Кўз олдимда Орол яраланган паҳлавондек тўлғонмоқда. Бир умр унга талпиниб яшаган мен бечорадан қаттиқ дарғазаб бўлгандек, заққум зарраларини уст-бошимга тўзгитмоқда у! Тўзон ичида қолмоқдаман. Кўзларим уч қадам нарини кўролмайди. Бир зумда бутун аъзойи баданим қумга беланди. Тишларим гичирлади. Тишларим орасида қум гичирлади.

Илмий маълумотлардан: Шамол Оролнинг қуриган ўзанидан йилига 130 миллион тоннага яқин туз-қум кимёвий модда омухтасини ҳавога учирмоқда. Агар бу захар-заққумни вагонларга юклаб бўлса, 20 минг километр масофага чўзилувчи темир йўл эшелони керак бўлур эди. Кейинги йилларда денгизнинг тобора кенгроқ очилаётган ултонидан жами бир ярим миллиард тоннадан ортиқ шундай омухта ҳавога учиб улгурди. Агар улар вагонларга юкланса эди, ер қуррасини олти ярим маротаба ўраб олувчи темир йўл состави керак бўлур эди. Бу туз-қум-кимёвий модда қуюнлари, бошларга беомон ёғилаётган тош янглиғ, Орол атрофини, айниқса, унинг жанубий соҳиллари табиатини чинакамига кунпаякун қилмоқда.

* * *

Болалик чоғларимизда жуғрофий сабоқлар «Орол денгиз эмас, кўл» деган уйдирмани миямизга яхшироқ қуйишга йўналтирилган эди. Лекин соҳилда ҳар бири ўтовдек-ўтовдек тўлқинлар шиддатини ўз кўзимиз билан кўриб ўсган биз болакайлар: «Йўқ, Орол кўл эмас, денгиз!» дея ўжарлик қилар эдик. Бизлар ҳақ эдик, албатта. Чунки нариги чеккаси мовий осмонга туташиб кетган бепоён денгиз шундоқларина кўз олдимизда «мана ман», деб турар эди. Бўрон чоғлари-ку, тоғ чўққиларидек пурвиқор тўлқинлар бир-бирларига басма-бас қирғоққа ҳамла қилиб, соҳилдаги уйлари ямламай ютгудек бўлиб, кўнглимизда ваҳима-ғулғула уйғотар эди... Сокин-осуда кунларда эса, адоғи йўқ ажиб бир кенг-яссилик узра бетиним чақчақлашиб, ўзларича базми жамшид қурувчи чағалайлар ўйини бизнинг энг завқиёб, энг ҳузурбахш томошамиз эди. Денгиз ичкарасида балиқ овлашга йўл олган балиқчи кемаларни кузатиб қолиш ва, айниқса, кутиб олиш онлари, «денгиз

маржонлари» дея таърифланувчи улкан кумушранг балиқларини тўрдан чиқариб олишга кўмаклашув лаҳзаларини қандай таърифлай? Бу лаҳзалардаги руҳий ҳолатимизни қандай тасвирлай? Уларнинг тасвирига муносиб сўз борми экан!

Мана, энди ўша денгиз... йўқдек! Юрак-бағрим ўртаниб, буюк денгизимиз ултонидаги ўрқач-ўрқач қум барханлари орасида тобора авжига чиқаётган қора қуюн қўйнида базўр қад ростлаб турибман. Атрофим — қумтепалар, оёғим ости — шувиллаган қум зарралари. Бу қумнинг аввалги соҳилдаги қумдан яғона фарқи шундаки, у денгиз сувидан бешбаттар шўр! Беихтиёр кўзларимдан шашқатор ёш қуйилади. «Қўй, йиғлоқи бўлма, кўнгилини Оролдек чўктирма, бардам бўл, ошна!» дея ўзимга ўзим танбеҳ берган кўйи чўнтагимдан дастрўмол олиб, юз-кўзимни артаман. Оппоқ дастрўмол бир артишда қорақушқил тус олади. «Ана, энди йиғлаёлмайсан! — дейман тагин ўзимга ўзим. — Йиғласанг, кўз ёшингни артолмайсан ҳам!»

Кўзларимни базўр очаман. Ана, қумга ярми кўмилиб, қийшайиб-қинғайиб ётган баржалар, асл ранги ноаниқ баҳайбат кемалар, мўъжаз қайиқчалар! Худди қабристонда чала кўмилган ўликлардек ваҳимали кўринадилар! Кўз илғамас қадарлик олисларда, жуда-жуда олисларда, туянинг қўш ўрқачидек икки улкан қумтепа оралиғида, агар бутун диққатингизни кўзларингизга жамлаб қарасангиз, кўм-кўк денгиз элас-элас кўринадилар. Инсон пойқадамидан жон-жаҳди билан қочаётган денгиз! Жон таслим қилаётган денгиз! Кечаги денгиз!..

Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» қиссасидаги қария Сантяго эсимга тушади. Бу бечора ўлдим-толдим деганда мўмай ўлжага дуч келади — ўзи умр бўйи орзу қилган бир наҳангни қўлга киритади. Лекин, қарилги сабаб, ўлжани амал-тақал судраб бораётиб, дард устига чипқон азобини тортгани шунчаликки, ҳар соат, ҳар сонияда улкан бахти юлиниб-юлиниб, базўр қўлга киритган балиғининг ярми, чораги, чорагининг чораги... охир-оқибат, қуп-қуруқ қилтаноғи қолади. Ҳам хўрдадан, ҳам бурдадан — ҳам ўлжадан, ҳам силладан буткул мосуво бўлиб, тобора силласи қуриб бораётган ўша қариянинг бечора ҳолини ўзимча ҳис қиламан. Зеро, камина ҳам бугунги кунда ана ўша Сантягодек қарияман... Афсуски, қарилик палласига энди қадам қўйганимда менинг денгизим — менинг бахтим, менинг қисматим, нафақат менинг, бутун халқимнинг ишонгани, суянгани, кўрар кўзи, кўзларидаги умид нури кўз олдимда йўқолмоқда. Бу денгизни фақат қорақалпоқларники эди, деёлмайман. У ўзбекнинг ҳам, қозоқнинг ҳам, туркманнинг ҳам денгизи — барчамизнинг денгизимиз, ҳиндларнинг ҳам, афгонларнинг ҳам, арабларнинг ҳам денгизи — бутун инсониятнинг денгизи! Зеро, Орол батамом йўқ бўлса, наинки минтақада, бутун курраи арзда иқлим ўзгаради. Собиқ денгизнинг собиқ қирғоғидан бир неча минг чақирим олисларда ҳам экологик фожиалар пайдо қилади. Ер курраси, она сайёрамиз миттигина, осмон эса, чегара билмайди!

Бир авлоднинг шундоққина кўз олдида, менинг замонамда Осиёнинг буюк дарёларидан бири — Амударё кўклардаёқ ўзанида чанг тўзгиган миттигина жилғага, улкан денгиз эса, балиқлар ўрнида сассиқ алаф ёжиллаган бадбўй бир кўлмакка айланиб қолса! Кўламининг ярмигина, сувининг учдан биригина қолган қиблагоҳим, пуштипаноҳим — ота денгизимга не дейин?! Уни юпатгулик сўз қани? Йўқ, денгизимни ҳам, ўзимни ҳам овутиб-алдаёлмайман. Ичар сувимизу босар тупроғимиз захарга йўғрилганини, одамлар кўз кўриб-қулоқ эшитмаган касалликларга гирифтор бўлаётганини, айниқса, норасида гўдаклар қирчинидан қийилаётганини кўра-била туриб, нима деб овутай, қандай алдай?! Оёқларим остидаги захарли қумни дайди шамол нақ Помир тоғларидаги абадий музликлардан ошириб учирмоқда, ахир! Аҳвол шундай бўла туриб, Оролни сақлаб қолиш борасида кўп гап — эшакка юкдан бошқа аниқ бир амалий иш, тайинли чора-тадбир йўқ!

Наҳот, бирон-бир чораси бўлмаса?!
* * *

Ер куррасининг нариги томонида бутун бир шаҳар — Венеция сувга чўкиб бораётгани кўпчиликка маълум. Бугунги кунда жаҳоннинг энг ақлли кишилари, сайёрамизнинг энг билимдон мутахассислари бу қадимий шаҳарни ҳалокатдан асраб қолиш йўлларини зўр бериб қидирмоқдалар. Мана, Орол денгизи ҳам қумга сингиб йўқ бўлиш арафасида турибди. Не-не ақллилар ер юзидан Атлантидаю Тунгус метеорити ўрнини қидириб топиш ва ўзга сайёраликлар билан мулоқот ўрнатиш йўлларини изламоқдалар. Айни чоғда она сайёрамиздаги энг улкан қитъанинг ўрталиғида, Осиёнинг юрагида, қадим Туроннинг туб киндигида том маънодаги ҳалокат содир бўлмоқда. Бу ҳалокатга қиёсланда Атлантида тарихи даҳшатлироқ бўлса бордир, лекин бугуннинг аччиқ ҳақиқатимас, ўтмишнинг ғаройиб эртаги, ҳарқалай!

Бугунги кунда қорақалпоқ тилини ер юзида бармоқ билан санарлигина одам билса керак-ов! Барчани қатъий ишонтириб айтаманки, ўзга сайёраликлар тилига нисбатан қорақалпоқлар тилини ўрганиш анча осондир. Тўғри, бизлар сўзламай

ўламай, йиғламай ўламай, дод демай ўламай, жимгина ўлаверамиз, ўлгудек сабр-қаноатли халқмиз — шундай тарбия топганмиз. Айюҳаннос солиб жаҳонни бошимизга йиғишга ўрганмаганмиз. Лекин истисно тариқасида ақалли бир мартагина дод деб ўлиш мумкинми? Сидқидил ўтинччи изҳор этиб ўлиш мумкинми: ҳо-ой, миттигина сайёрада ёнма-ён яшаб турган сайёрадошлар! Биродари азизлар! Бизнинг додимизга ҳам етинг! Бизнинг фарёдимишга ҳам бир муддат қулоқ тутинг! Биз билан ҳам мулоқот ўрнатинг! Кечмиш-кечирмишларимизни тўғри тушунинг! Ҳолимизни тўғри ҳис қилинг! Ер юзидаги энг оғир экологик фожиа, мисли кўрилмаган фалокат бизнинг бошимизда қилич яланғочлаб турибди! Қутқаринг, қутқаринг!..

«Фалончи тоғни қайириб ташлаганмиш», «Писмадончи дарёни тескари оқизганмиш» ва ҳоказо «миш-миш»лардан иборат афсона-ривоятлар талайгина. Лекин одам боласининг бутун бошли бир денгизни қуритгани ҳақида на афсона, на чўпчак, на эртақ эшитганман. Орол денгизи бошига тушиб турган ҳозирги мусибат инсоният тарихида биринчи маротаба юз бераётган мислсиз кўргуликдир.

Беморнинг арзи ҳолидан: Бизларни ҳадеб дарбадарликка солиб, девонадек тентиратерадиган ким ўзи, а? Бу юртдан неча марта кўчамиз? Икки ярим аср аввал ота-боболаримиз сўнги маротаба ўзларининг азалий ватанларига қайтиб келиб, тинчгина меҳнат қилиб, ўз кунларини ўзлари кўриб ётган эдилар-ку! Боболаримиздек «Мўминга берсанг — бизга бер» деб, бировга ёмонлик соғинмай ўз аравамизни ўзимиз тортиб юришга уриниб ётибмиз-у, шундаям биз бечораларнинг бошимизга, қачон қарасанг, бир бало ёғилади-туради-да. Дарахтнинг бўшини қурт ейди, деганлари тўғри экан.

Билсангиз керак, ҳозирги Эллиққалъа туманида ота-боболаримизнинг меҳнаткашлигини яққол кўрсатувчи жами икки юздан ортиқ қадимий обида бор. Бу обидалар нега харобазорга айланган? Нега бу қалъаларни гуллатиб-яшнатганлар ўзларининг мустақам истеҳкомларини ташлаб кетишга мажбур бўлганлар? Қиз менга айтинг-чи, жаҳоннинг тағин қаерида «Борса келмас» деган жой бор? Ҳеч қанда! Фақат бизда! Битта эмас, биратўла иккита: бири — Орол денгизининг қоқ ўртасидаги отов, иккинчиси — Устюртнинг қоқ ўртасида! Бирвааракайига иккита «борса келмас»га эга халқ ҳақида нима деса бўлади? Бу антиқа халққа раҳм-шафқат керакмасми? Халқ нима қилсин? Ўз уйида сўлмаган ота-боболарининг йўлини тутиб энди қайга борсин? Борганда ҳам... қачонлардир тағин қайтиб келарми экан? Кела олармикан? Бу халқ аждодлари яхши ният билан мерос қолдирган шунча кенг майдонни, боболарининг киндик қони томган ватанини, беш яримта Бельгия жойлаша оладиган бутун отамаконини «борса келмас»га айлантирадимиз энди?!

Нега халқимизни ҳеч ким аямаган? Ҳар гал ҳар хил сабабга кўра ўтроқлашган маконидан қувилиб, замон ўзгаришлари билан ота юрт остонасига қайта бош уриб келаверган-келаверган. Бугунги кунда бор-йўғи ярим миллионга етар-етмас сатта рамақижонингни намунча осмонга кўтармасанг, дея мийиғингизда кулманг, азизим! Бутун Туркистон аҳли каби, бу халқ ҳам аввал-бошда жуда кўп сонли бўлган. Бироқ ноаҳил эди. Устига устак, ўлгудек ёввош эди. Ёввошларга қай замонда кимлар раҳм-шафқат қилган дейсиз? Уларни бўлиб-парчалаш, нимталаб-қиймалаш учун босқинлар бўлаверган-бўлаверган! Қашқир оралаган кўйлар подасида бирлик не қилсин, эрк не қилсин! Ҳар галги босқинда, навбатдаги қоч-қочда тобора озайиб бораверган-озайиб бораверган. Ҳалиям шу кунгача сақланиб қолганимиз учун худого шукр қилсак арзийди. Тарихда оти батамом ўчиб, зоти буткул йўқолган халқлар озмунчани, ахир!..

Яна такрорлайман: беҳисоб босқину тўзгинлардан сўнг тағин қадимий ватанини қайта топиб келаверадиган бечора боболаримизнинг харобага айланган отамаконларидан тағин ўтроқлашиб, уни боғ-бўстонга айлантириш йўлида қанчалик заҳмат-машаққатлар чеккани, елкасининг яғири чиқиб меҳнат қилгани, қон қақшаб-зардоб ютганига нафақат Эллиққалъа харобалари, бошқа қалъа атамалари, қабристон атамалари, кўл ва сой атамалари яққол далилдир. Маъносини теранроқ бўйлашингиз учун ўша атамалардан айримларини яна бир карра эслатиб ўтмоқчиман: Тупроққалъа, Қумбосган, Қизкетган, Болашаҳид, Қўйқирилган, Қонли кўл, Уташ ботирнинг қабри, Қонли ёп... Эшитганингиздаёқ беихтиёр юрагингизни зирқиратувчи бу атамалар азбаройи қизиқчилик учун яратилмаган, албатта. Уларнинг ҳар бири нақ ердаги дўзах азобидан туғилган. Одам боласи яратиши ҳам, чидаши ҳам мушкул бўлган улкан мусибатноманинг узуқ-юлуқ парчаларига ўхшайди улар!

Дунёда «жаннатмакон» дея таърифланувчи ватанлар кўп. Бироқ менинг бо-бокалонларим — қорақалпоқларга энчи қилиб берилган ер бир пайтлар, нақл қилишларича, «дўзах тўри» деб аталган экан. Йўқ-йўқ, бундай эмас асло! Аксинча, бу ерга худонинг раҳмати ёғилган — уни Оллоҳнинг ўзи боболаримизга энчи қилиб берган. Боболаримиз пешона терию билак кучи билан Худонинг назари тушган муқаддас тупроқни обод қилиш учун арналар қазиган, ёп-солмалар тортган, отиз-челлар яратган, экин эккан, боғ-роғ қилган... Ҳа, биз — ўша меҳнаткаш боболарнинг муносиб набиралари — ўз Ватанимиз билан фахрланишга ҳақли эдик бир пайтлар! Ўзи хаста,

ақли ноқис мақтанчоқнинг ҳавойи ғурури эмас бу! Гапимга ишонмасангиз, шундай бир афсона тингланг!

Тупроққалъа афсонаси: Нуҳ алайҳиссалом кемасидан тушиб, шу атрофни ватан қилганлар ўсиб-униб, ўзларидан кўпайиб, юрт — обод, руҳ — озода, бел — бақувват бўлгач, Туронни оламга танитгулик қандайдир оламшумул бир иш қилиш орзусига тушибдилар. Бу орзуларини рўёбга чиқармоқ учун буюк Хоразм шоҳидан кенгаш сўраб борибдилар. Шоҳ ташаббусни қизгин қўллаб-қувватлабди ва бутун Туронзаминдан маслаҳатгўйларни чақириб, улар билан кенгашишни маъқул кўрибди. Йиғилганлар орасида донишманди замонлар кўпчилиги экан, оти оламга овоза бўлгулик бир қалъа бунёд этиш йўлида ўз элатдошлари билан бажонидил камарбаста бўлажакларини айтибдилар. Ана ўша машваратда донолардан бири «Олим бўлсанг — олам сеники» дебди, бошқаси «Бирлашган ўзар» дебди, яна бири «Бўлингани бўри ер, айрилгани айиқ ер» дебди. Хуллас, оламнинг қай тарафида айтса арзигулик қандай қалъаю истехком бор бўлса, барчасини кўриб, ўрганиб, улгисини олиб қайтиш учун чор тарафга уста-меъморлар юборилибди.

Кунлардан бир кун эзгу орзулар ушалибди: Орол денгизининг шарқий қирғоғидан уч юз чақиримча нарида, Амударёнинг ўнг томонида, Қорақумнинг қибла этакларида, демакки, Орол — Отанинг паноҳио Аму — Онанинг бағрида, лекин Қорақум — Аждаҳонинг шундоққина оғзида мисли кўрилмаган улғувор бир қалъа бунёд бўлибди. Лекин у зўр нарсани кўрганда бузмаса туролмайдиган қинғир ниятли нокасларнинг кўзларига балодек кўринибди. Азбаройи ўша қалъа учун Турон мамлакатига ҳужум бошлабди. Халқ аёвсиз қирилибди. Омон қолганлар ота маконларидан бадарға этилибди. «Ер юлдузи» аталган буюк қалъа тупроқ билан баробар қилинибди. Қуришни эпполмагани сабабли бузишни боплайдиган ҳасадгўйлар муродмақсадларига етибдилар. Ана ўша «Ер юлдузи» кейинчалик тагин отамаконларига қайтиб, ўзларидан кўпайган авлодларга «Тупроққалъа» номи билан хотира бўлиб қолибди. Ўша Тупроққалъа бечора қорақалпоқларнинг бизгача етиб келган биринчи бош қалъаси — бошкенти бўлган экан.

Илмий маълумотлардан: «Тупроққалъа эрамизнинг II—III асрларида бунёд этилган хоразмшоҳларнинг ёзги қароргоҳи бўлган», деган фаразларни кейинги илмий тадқиқотлар инкор этади. Тўғри, у сулолавий қароргоҳ. Унда зардуштийлик даврининг руҳонийлари яшаб фаолият кўрсатганлар. Ботил худодлар — Зароастра даври, бу даврнинг бош худоси Ахурамазда, ҳосилдорлик ва Амударё худоси Анахита, Беруний шаҳодатига кўра, хоразмшоҳлар сулоласига асос солган Сиёвуш ва Кайхисрав шаарафига бунёд этилган қалъа бу!

Тупроққалъа меъморлик комплексидаги диққатга сазовор иншоотлар Қуйи сарой ва Юқори саройлардир. Ҳозирда Қуйи саройнинг ўрнигина сақланиб қолган, холос. Юқори сарой қолдиқлари икки қаватдан иборат. Унда, асосан, шу икки комплекс (Қуйи Сарой ва Юқори сарой)нинг соҳибларию хизматчилари истиқомат қилганлар. Меъморлар ва руҳонийларнинг ривоят қилишларича, Юқори саройдан то Султонувизтовга қадар ораликдаги яссилик остида ер куррасининг жон қуши бўлиб, шу боисдан бу атроф «Ернинг киндиги» дея таърифланган.

Тупроққалъа қурилиш йўсинига кўра Икки дарё мамлакатлари меъморлик обидаларига ҳамоҳангдир («Икки дарё мамлакатлари» — эрамиздан аввалги IV—III минг йилликларда Дажла ва Фрот дарёлари соҳилларида қарор топган). Бу қалъа баъзи жиҳатлари билан Вавилониянинг қадимий осори атиқаларини ҳам эслатади. Ибодатхона комплексининг баландлиги 14,3 метр. У Миср эҳромининг бир бурчагидан кесиб олинган бўлакка ўхшайди. Ҳа, Тупроққалъа, ҳақиқатан ҳам, Икки дарё мамлакатлари маданиятининг бевосита таъсирида бунёд этилган. У ўз даврида Осиёнинг энг юқори даражада ривожланган маданият маркази сифатида Ўртаер денгизи атрофидаги мамлакатлар билан, Чин ва Эрон билан, Дуру-Европоc шаҳри билан, Дажла ва Фрот дарёлари соҳилларидаги «Икки дарё мамлакатлари» билан фаол маданий ва савдо-сотик алоқаларини ўрнатган.

Охири келгуси сонда

Ойномамизнинг қадрли мухлислари!
Барча нашрлар қатори «Шарқ юлдузи» ҳам моддий қийинчилик даврини бошидан кечирмоқда. Қоғоз, матбаа, матбуот тарқатиш, йўл кира харажатлари қимматлашиб кетганлиги сабабли ойномамиз 3 ва 4, 5 ва 6, 7 ва 8 сонларини қўшиб чиқаришга мажбур бўлдик. Ўзбекистон Президентининг фармониغا биноан, нашрларга моддий ёрдам кўрсатилди. Бунинг учун биз минглаб ўқувчиларимиз номидан республика раҳбариятига, Президентга миннатдорчилик билдирамыз. Насиб этса, бундан кейин, йил охиригача

«Шарқ юлдузи»нинг алоҳида-алоҳида сонлари нашр этиб борилади.

Аввал ваъда қилганимиздек, қўшма сонлар ҳисобига ўқувчини ҳаяжонга соладиган китоблар чоп этишда давом этмоқдамиз. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан «Шарқ юлдузи» кутубхонаси» туркумида нашр қилинган «Мўъжизалар, ғаройиботлар, фалокатлар» деб номланган китоб бугун-эрта қўлингизга етиб боради. Ойномада ана шу китобдан баъзи парчаларни эътиборингизга ҳавола қиляпмыз.

ГИННЕСНИНГ МЎЪЖИЗАЛАР КИТОБИДАН

ОДАМНИНГ БОШИ — ҚИСМАТНИНГ ТОШИ

Энг узоқ давом этган ҳомиладорлик. 1961 йил май ойида Бирманинг Рангун шаҳрида 54 ёшли аёлни жарроҳлик йўли билан операция қилиб, ичига «ёпишиб қолган» боласини олишган. Боланинг оғирлиги 1 килою 300 грамм бўлган. Аёл ҳомиласини йигирма беш йил кўтариб юрган экан. 1936 йили уни тўлғоқ тутган, лекин бола туғилмаган.

Энг серфарзанд оила. Дунёда энг серфарзанд аёл 69 та туққан. Бу — Москва яқинидаги Шуи қишлоғида истиқомат қилувчи деҳқон Федор Васильевнинг биринчи хотинидир. Аёлни 27 марта кўзи ёриган. 16 марта эгизак, 7 марта учтадан, 4 марта тўртадан туққан... Шулардан қамида 67 нафари тирик қолган.

Ҳозирги пайтда дунёдаги энг серфарзанд аёл Чилининг Сан-Антонио штатидаги Эспиноса деган жойда 1921 йили туғилган Леонтина Альбинадир. 1981 йили у ўзининг кенжа фарзанди — 55-ўғлини туққан. Унинг эри Херардо Альбинанинг айтишига қараганда, улар 1943 йилда уйланишган. Ушанда, Аргентинадан Чилига кўчиб кетиш олдидан хотини 5 марта бир йўла уч эгизак туққан. Ҳаммаси ўғил бола бўлган. Ҳозир уларнинг 40 нафар фарзанди — 24 ўғил билан 16 қизи бар-

ҳаёт. Болаларнинг 15 таси зилзила пайтида ва тўлғоқ палласида нобуд бўлган.


Энг тез ўсган чақалоқ. Буюк Британиянинг Энфилд деган жойида 1779 йилда дунёга келган Томас Хиллс Эверитт тўққиз ярим ойлигида вазни 57 кило бўлган. Қизиги шундаки, бу паҳлавон 101 йил умр кўрган.

Канаданинг Квебек ўлкасида истиқомат қилган Тереза Парантин деган аёл эса тўққиз ёшлигида 154 кило экан.

Бир йўла энг кўп туғилган болалар. 1946 йили Бразилиянинг Бакакей деган жойида бир аёл бир йўла ўнта бола туққан. Шундан 2 нафари ўғил, саккизтаси қиз бўлган. 1924 йилида Испанияда, 1936 йилда Хитойда ҳам шундай ҳодиса қайд этилган. 1971 йили Австралияда, 1972 йили АҚШда, 1977 йили Бангладешда бир йўла тўққизтадан фарзанд кўрган аёллар рўйхатга олинган.

Энг новча эркак. АҚШнинг Иллинойс штатида 1918 йили 22 февраль тонгида туғилган Роберт Першинг Уодлоу дунёга келганда вазни 3 килою 850 грамм бўлган. 1940 йилда унинг бўйи 272 см. қулочининг узунлиги эса 288 см. бўлган. Агар у ўша йили ўлиб қолмаганида яна ҳам ўсиши мумкин экан. Паҳлавоннинг оғирлиги 222 килою 700 грам бўлган.





Тўлан Низом

ГИРЯ

«Қирқ кун достони»



Умр йўлдошим — Ҳикматхон
хотирасига бағишлайман.

МУҚАДДИМА

Эй фалак, эй юксак сирли коинот,
Турфа тақдирларга ошиён олам!
Турфа ғамга тўла экансан бот-бот...
Мингдан ҳам бирини ёзолмас қалам!

Энг оғир кулфатни бошимга солдинг,
Қай тоғни кулатдинг менинг устимга?
Бахту қувончимни қайларга олдинг,
Қайғу лашкарлари тушди қасдимга?!

Водариғ, иқболим забунми чунон,
Дунёдин юз буриб кулбамга чўкдим!
Қоним сиёҳ бўлди, қалбим сиёҳдон,
Қирқ кун мушкулотин қоғозга тўкдим!

Биринчи кун

Минг тўққиз юз тўксон иккинчи. Июнь,
Ун етти. Чоршанба. Келди қаро шом.
Изиллаб югурди еллар тинмайин,
Қушдек учиб кетди эс-ҳушим тамом.

Ер тубан йиқилди гул сарвинозим,
Содир бўлди наҳот бевақт шум ажал?!
Ичимдан отилди ингроқ — овозим:
— Бу қандай бало кун? — деганим маҳал!

Какликлар бошлади аччиқ бир нола,
Какликлар тошларга урди оғзини.
Дарахтлар силкинди тушиб бир ҳола,
Ҳеч ким эшитмади боғнинг арзини.

Самода юлдузлар тўкилди бир-бир,
Ой туннинг бағрини йиртиб юборди.
Даҳшат кучоғида кўрқинчли бир сир —
Уйлардан-уйларга югуриб борди.

Хилқатни чўчитиб чақнади чақин,
Ер каби айланди пишмаган бошим.
Чанқадим, чанқадим, тил курур тагин,
Ловуллаб куюди қалба қуёшим.

Паришон бўлди-ку бу шоир хаёл,
Сўзимдан сирғанур ўтли қалтироқ.
Қирқ беш ёшда кетди энг гўзал аёл,
Ер букчайди ва осмон қочди йироқ.

Қулоғим чинқирди, кўрмасди кўзим,
Бағримга санчилди айрилиқ тиғи.
Қулундай бўзлади ўғлим ҳам қизим,
Борлиқни титратди қудратли йиғи.

Қиз йиғиси

Оқшомлари суҳбат қурган,
Ҳам бахтимни тилаб юрган,
Сочларимни майда ўрган,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой онам-а!

Қуёш қулаб тушди пастга,
Йиқилдингиз басма-басга,
Улганингиз ўхшар ростга,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой онам-а!

АРМОН — КЎНГУЛДА ДАРД ЧИЗГАН СУРАТ

«Гиря» — андижонлик таниқли шоир Тўлан Низомнинг янги достони. Номидан кўриниб турибдики, қайғули. Ҳазин. Тўғриси, ўқиганда оғир юк босади. Одамни чуқур йў чулғаб олади. Бунинг боиси, асарнинг руҳидаги мундан.

Шоир ўзи ёзганидек, дoston — йўқотиш ҳақида. Улим ҳақида. Вафо ҳамда жафо ҳақида. «Гиря» — бир кўнгулнинг ғамгин кечинмалари. Йўл ўртасида турган изтироб. Бир кўнгул майдонида кўмилган мангу айрилиқ. Бир кўнгул имконида улғайган абадий ҳижрон. Кела-келмиш маълумки, дард кучайганда, ғам кўпайганда кўнгул майдони таранг тортиб, кўнгул имкони титраблар кетади. Назаримда, дostonнинг ҳаракат нуқталари: йиғи, ёд, туш. Уч ҳолат. Улар кўнгулнинг кечимларида бирлашади. Руҳиятнинг ягона қайғусига айланади. Асарнинг йиғи манзараларини ўқиётганимда, хаёлимдан шундай фикр ўтди. Ўзбекнинг қайғуси ҳам, азаси ҳам, йиғиси ҳам қудратли.

Шоир тушига сиғинади. Унинг мадади ила кўнгул майдонида умрининг хотира иморатларини тиклайди. Кечган ва кечаётган кунлари энди туш. Қирқ кун мобайнида руҳида содир бўлган туш.

Йиллар кечди ширин туш мисол,
Тушлар кўриб ётдим неча қур.
Тушларимда тунлари беҳол
Алла айтиб ёрим йиғлатур...

Қайғу фикрнинг тарҳини очади. Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовда шундайин бир калима бор: «Агар инсоннинг бошига мусибат тушса, унинг ҳар бир сўзининг тағида яна айтилмай қолган ўнлаб сўз ётади». Бу сўзлар армоннинг уйғунлиги билан топилади. «Гиря»да шу хил армон мавжуд. Армон — кўнгулда дард чизган сурат.

Икром ОТАМУРОД

Сўзларингиз хумор қилур,
Кўзларингиз зор-зор қилур,
Охир девонавор қилур,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой онам-а!

Баланд учган ҳой турналар,
Қанотларингиз — игналар,
Учолмайман дил тирналар,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой онам-а!

Қўлларимда қора рўмол,
Қараб қолдим йўлга беҳол,
Онажоним бўлди увол,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой онам-а!

Дарёга дардим солайин,
Гирдобларида қолайин,
Тоқатни қайдан олайин,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой онам-а!

Учар қушга қил боғлайин,
Кўнгулларимни доғлайин,
Фарёд чекиб мен йиғлайин,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой онам-а!

Онасизлиқ ёмондир-о,
Фарзанд рангги сомондир-о,
Ақли қочиб ҳайрондир-о,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой онам-а!

Белимга қаро боғладим,
Жисми боримни доғладим,
Онам, деб айтиб йиғладим,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой онам-а!

* * *

...Ипак билан безанди тобут,
Уни ёпди бахмал ва зарбофт.
Вужуд ёнди ва чиқариб дуд,
Нола чекдим менки, телбатоб:

Қора қошим, қора кўзим-а,
Қора сочим, ширин сўзим-а,
Гулим-о, Гулим-о!

Лайли — сен, Зухро — сен, Ҳикмато,
Дунёда танҳо — сен, Ҳикмато,
Гулим-о, Гулим-о!

Бахтимга сиғмаган санам-а,
Қизидай ўстирган онам-а,
Гулим-о, Гулим-о!

Фиғоним-а, армоним-а,
Ичга сиғмас ҳижроним-а,
Гулим-о, Гулим-о!

* * *

Оҳ, тобутни олди оломон,
Мозор томон юрдилар шахдам,
Куя-куя қуригач дармон,
Одамларга эргашдим мен ҳам.

Дод, тўхтанглар, қаён борасиз,
Гулдай ёрим керак ўзимга?!
Юрагимни мунча ёрасиз,
Она керак ўғлим, қизимга!

Элтишадур алвон тобутни,
Замин гўё ларзага келди.
Қандоқ узай ундан умидни,
Абадийлик лаҳзага келди?!

Парвардигор, борми шафқатинг,
Нега кўйдинг рўзгоримга ўт?!
Бир қулингга йўқми ҳимматинг,
Менинг билан йиғлаётир юрт!

Ҳой, тўхтанглар, қайга элтасиз,
Муҳаббатим, севгим, ишқимни?!
Мунча жадал юриб кетасиз,
Қон-қон қилиб кўзда ашқимни!

...Қуёш каби ясоғлиқ тобут,
Тупроқ узра кўйилди аста.
Менинг севгим бўлди-я, нобуд,
Лаҳад кутар чуқурда, пастда.

Ердан садо чиқмади асло
Ва кўйнига олди мулойим.
Ҳамма ўйчан қилдилар дуо —
У дунёсин берсин худойим!..

...Шундаймиди аҳду-паймонлар,
Қайда қолди у ширин онлар,
Айрилурми чирмашган жонлар
Нега ташлаб кетдинг, гул юзим?

Совуқ шамол эсгандай бўлди,
Бир сесканди вужуд, ранги-рўй.
Яна кўзим ёшларга тўлди,
Ихтиёрим олди чуқур ўй...

Сенга менинг боғим тормиди,
Сендан бошқа ёрим бормиди,
Ваъда шундоқ бўш қарормиди,
Нега ташлаб кетдинг, гул юзим?

Иккинчи кун

Кенг осмонда туриб қолди баркаш ой,
Ўттиз йил ортига кетди мажруҳ ўй.
Ушанда бизларда эди гул чирой,
Кенг айвон саҳнида бўлган эди тўй.

Қишлоқ. Олтин кузнинг сўлим оқшоми,
Сахий ойдан фалак кўйни чароғон.
Баралла айтилиб Қуръон каломи,
Никоҳ ҳам ўқилди жимиб оломон.

«Бахтинг-тахтинг бўлсин, қизим, худойим —
Отанинг дуоси тутди кўк томин —
Қўшганинг-ла қари, умр қур доим,
Кам бўлма дунёда, илоҳо омин!»

...Қиз кетди. Усган боғи йиғи кўзғотди,
Қарвонлари кўчган бир сарой каби.
Ҳаяжонли онлар тилларда қотди,
Ҳа, уй ободлиги бир қиз сабаби.

Тунда ҳамон ота қилади сукут,
Осмонда бесаноқ юлдузлар толди.
Тўлин ой юзини тўсди ёнғоқ тут,
Отанинг ўйлари мункайиб қолди...

* * *

...Кулманг ошиқ сўзига, Унинг ҳолига йиғланг. Қаранг селоб кўзига, Тақдир фолига йиғланг.	Оқарибди, сўлибди — Рангги олига йиғланг. Севган ёри ўлибди, Қон жамолига йиғланг.
--	---

Ердан қолмасин ҳеч ким,
Қадди долига йиғланг.
Йиғланг, йиғланг, бўлманг жим,
Севги заволига йиғланг...

* * *

Отанинг руҳига қилиб илтижо,
Онам арвоҳига айладим зикр.
Ҳазрат Навоийга ёлвориб танҳо,
Яна ўз жонимга етказдим жабр:

Шод эмасмен, чўккан руҳим, сиз, ки баланд этсангиз,
Ҳаддан ошур расволиғим, энди писанд этсангиз,
Қўлу оёғимни боғланг, розиман банд этсангиз,
Рози эрмасмен кўнгул чокини пайванд этсангиз,
Қолғонин ҳам кошки парканд-парканд этсангиз...

...Билдим, охир, ҳар кишини чин вафо ҳушёр этар,
Мардни лашкарлар эмас, жабру жафо тор-мор этар,
Беақл ёр бўлса гар, мард йигитни хор этар,
Телба итни демангиз мендек нединким ор этар,
Ақли ҳуш аҳлини бир Мажнунга монанд этсангиз.

Йўлдан урманг, қайтмагаймен, энди кирдим ўтқамен,
Нури покмен, кўшилурмен то қуёшга етқамен,
Ҳам гуноҳим, ҳам аламим, дардим била кетгамен,
Эйки дебсиз пандингиздин бодани тарк этгамен,
Тарк этай аввал мени шоистаи панд этсангиз.

Низомий борса жадал пир олдиға, эй дўстлар,
Уч сатрин кўшиб устоди сарбандиға, эй дўстлар,
Ҳақ йўлини кўрсатур, деб дилбандиға, эй дўстлар,
Гар аччиғ йиғлар Навоий пандиға, эй дўстлар,
Нетти оллинда туриб бир дам шакарханд этсангиз.

... Уғлимга насиҳат

Ун бешга тўласан бу йил, Онанг гўри силкидими,
Сен ўн бешта баҳор кўрдинг. Бир дақиқа минг йилча бор.
Ғамни билмай, қувноқ дил, Кўзингда ёш қалқидими,
Қулундай ўйноқлаб юрдинг. Кўз ёшинг-ла кетсин ғубор.

Менинг-чи, руҳимда тўлғоқ, Истабмидим, мурғак қалбинг,
Йиғламоқни қўймадим, мен. Денгиз янглиғ бўлсин нотинч?!
Бугун тунда ўлтириб уйғоқ, Кулгуни тарк этсин лабинг,
Сен ҳақингда ўйладим, мен. Юзларингдан ўпсин ўкинч?!
* * *

Юр, мозорга бирга борайлик,
Юр, онангга ўқиймиз дуо!
Руҳин ёд этмоққа ярайлик,
Уғлим, сендан шу илтижо!

Яна қуёш ботди секин, бепарво,
Борлиқни бўяди сўнгра қаро ранг.
Елғиз ўлтирибман куйган дил бежо,
Хаёлим паришон ва аҳволим танг.

Ой имлади: Мен гўзалман ҳойнаҳой,
Зўр малоҳат, ҳам нафосат менда бой.
Дедим ойга: Сенга бўлмама маҳлиё,
Олам фақат ёримга берган чирой.

Наҳотки, қолдим-а, энди мен ёлғиз,
Танҳолик нимадир, энг аччиқ тақдир?!
Ана, само кўйни тип-тиниқ денгиз,
Тўлин ойга шунда айтдим битта сир.

Ана, сенинг жамолингда ёғдули,
Доғлар кўрдим, завқим бир оз ўчди-ку.
Ой сузилди: Ёринг юзи қайғули,
Унинг доғи юрагингга кўчди-ку.

Дедим: Ойхон, дилимни сен эзмагил,
Эслатмагил, ҳижрон ғамин қувайн.
Кўзғотмагил, юрак чоҳин қазмагил,
Қандоқ қилиб ул доғларни ювайн?!
Учинчи кун

Итдайн қийналдим, Наҳот, йўқсан Ҳикмат,
Бўғзимга келди жон. Бевафосан рости?!
Хаёл қочди узоқ — Қайдан мунча кулфат —
Қуриб борар дармон. Бир оғир юк босди?!
Ичимда олов бор, Боғингни на қилай,
Куйдирар ўт — қуёш.. Кимларга ишонай?!
Йигитми шунча хор, Қўй, бағримни тилай,
Дил эмас шунча тош? Садоқатга қонай!..

Кун оғди, Тушди шом.
Уксиди бу олам.
Йўқ менда бир ором,
Уйку ўрнида ғам.

...Мени девона қилди шахло кўзинг,
Мени гирёна қилди подшо кўзинг.
Сўзларингдин шеър олурдим ҳар кеча,
Мени парвона қилди зиё кўзинг.
Бош олиб кетмоқ эдим қайларга мен,
Мени Фарғона қилди маъво кўзинг.
Анодин кўз очиб кўрдим кўзингни,
Мени мастона қилди фидо кўзинг.
Кўзларимда кўзларинг бебаҳодир,
Мени дурдона қилди баҳо кўзинг.
Сендан ўзга бойлигим йўқ, эл билур,
Мени мардона қилди дунё кўзинг.
Низомийга ошно эдинг, оқибат —
Мени ҳайрона қилди вафо кўзинг.

Тўртинчи кун

Сел ёшдан кўзим хира,
Остонага бош ура,
Таскин топмадим сира,
Шеъримга бергил тўзим.

Ичига қайғу сола,
Мажнундай қилур нола,
Мисоли етим бола,
Шеъримга бергил тўзим.

Ишқи билан банд бўлган,
Ҳуснига пайванд бўлган,
Шод бўлган, хурсанд бўлган —
Шеъримга бергил тўзим.

Қай сатрим васфин, деди,
Қай бандим аслин, деди.
Қай мисрам таскин, деди,
Шеъримга бергил тўзим.

Ҳамиша уйғоқ эди,
Кечалар қайноқ эди.
Сен билан иноқ эди,
Шеъримга бергил тўзим.

Бир шеър эди ҳар сўзи,
Ёз дер кеча-кундузи,
Ул — илҳом азал рўзи,
Шеъримга бергил тўзим.

* * *

Пешин чоғи мизғидим пича,
Киприklarим новдаси синди.
Ёшларимни симириб ича —
Тўймас кўзим булоқдай тинди.

...Фигон айлаб юзларим сўлғин,
Сўзларимда ловуллар ёнғин.
Киприklarим қуяди ёмғир,
Ўқтин-ўқтин юрагим оғир...

Кўз олдимда бўлдинг намоён:
«Чой дамладим, туринг, дадаси,
Тандир тўла пишар ёғли нон»,
Қайдан топай кўнгул далдасин?..

Бешинчи кун

Хурмо дарахти билан тиллашув

— Айвоним ёнида ўсган, ҳой, хурмо,
Марҳумам — гулимдан қолган ёдгорлик.
Ғуборларинг бўлсин кўзимга сурма,
Ёр кетди. Чорбоғим қилдими торлик?

— Менинг илдизимга берар эди сув,
Баргларимга кўндирмасди асло чанг.
Энди, еллар кезар шохимда ғув-ғув,
Мажруҳ новдаларим тортилмиш таранг.

— Ҳали тирик экан, сен эдинг ғўра,
Меваларинг пишибди, қондек қип-қизил.
Қизил қон нимадир, бағримдан сўра,
Япроғингдек титрар интиқ бу кўнгул.

— О, менинг ям-яшил хурмо дарахтим,
Сен каби баҳорим наҳотки ўтди?!
Қачон қайтар экан энди ул бахтим,
Шоҳ Бобур ғазали хаёлим элтиди:

Бевафо ёр қучоғида айтурға зор хуморим бор.
Ҳижрон баҳри ўйноқида ғам, аламдин озорим бор,
Оёғингни тупроғида энди жондин безорим бор,
Қаро зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор,
Юзунгининг иштиёқида на сабру на қарорим бор.

Ҳажринг аччиқ забон қилди, каклик каби нолон қилди,
Ҳам боғимни ҳазон қилди, куйдирди, хонумон қилди,
Тақдир мени арзон қилди, оқибат якка жон қилди,
Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, ман андин бир сўрорим бор.

Пешонам бекарам бўлса, ғанимлар бари жам бўлса,
Бир жаллоди одам бўлса, қийноғи дам-бадам бўлса,
Азоби анча кам бўлса, ризоман минг ситам бўлса,
Жаҳондин менга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим бор.

Агар девонамен, гар зобит, гар бургутмён, агар бир ит,
Агар телбадурмен, гар умид, гар пок дидмен, гар йигит,
Агар ўткинчимен, гар собит, гар ўғитмен, гар таҳдид,
Агар муслиҳмен, гар муфсид ва гар ошиқмен, гар обит,
Не ишинг бор, сенинг зоҳид, менинги ихтиёрим бор.

Сени асраб минг жоҳилдин, қасос олгум минг қотилдин,
Дил узмам қаро кокулдин, қаро гажакли сунбулдин,
Низомий кетмагай элдин, то қутулмас бу мушкулдин,
Фиғоним ошди булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,
Басе Бобур, ўшал гулдин, кўнгулда хор-хорим бор.

Олтинчи кун

Саҳар қулоғимда янгради бир сас:
«Жон дадаси, хўп денг, Тошкент борайлик?
Қаранг, шундай туғилди ҳавас,
Яқин дўстларингиз бир-бир кўрайлик?»

Ер янглиғ оғирдир берган саволи...
Муҳаммад Алини яна ўйладим,
Абдулла Орифга учди хаёлим,
Наим Каримийга дардим сўйладим,
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Нотаниш зўр ҳижрон отини айтди,
Боғимни тебратди, кўнглум тебратди,
Қайғусиз кўзларим тунда уйғотди,
Рухимга таскин, деб тошларни отди,
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Йўлларим чангиди, бошим гангиди,
Умрки, аёвсиз қонли жангиди,
Йигитнинг аҳволи шунча тангиди,
Кимнинг ҳам юраги совуқ санг эди,
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Тоғларга бормаيمان, чиққанман аввал,
Ул асрий тошлардан олмайман сайқал,
Қоялар устида арчалар ҳайқал,
Арчалар бошида кун ёнур ял-ял,
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Дарёда сузмайман, ўтганман кечиб,
Дарёга сифиндим, дарёдан ичиб,
Қуш бўлиб кетарман кенгликка учиб,
Бир кўрай, бир кўрай кафанни ечиб,
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Элма-эл кезмайман мен — девонавор,
Уз юртим ерида бир сиру асрор —
Отанинг хоки бор, онам хоки бор,
Ёримнинг қабри бор, муқаддас мазор,
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?..

Еттинчи кун

Хаёлимда қолган битта илтижо:
«Бир гап айтайинми дадаси, сизга,
Пайдо бўлди кўп ажойиб муддао —
Яна бир борайлик Қора денгизга!»

О, сеҳрли Қора денгиз бўйлари,
Қолганмидир сизда ёрим излари?!
Шўх тўлқинлар бўлса агар сўйлари,
Тинглар эдим севгилимнинг сўзларин!

Ўзимча сўйланиб хонамга кирдим,
Алқисса шеър ўқиб чиқардим ўчим.
Оппок қоғоз узра мен қалам сурдим —
Муқимий назмига етарми кучим:

Йиғларимнинг боиси назми китобим ким десун?
Ғам кўкида тутилгон нури офтобим ким десун?
Ҳам сарсари ел мисол умри шитобим ким десун?
Ул тағофул пешаға ҳоли харобим ким десун?
Ҳажрида мундоқ мени кўрган азобим ким десун?

Менки ўлдим ҳам тирилдим, мунча бардош кимда бор,
Йўлчивиндек йўлда оздим, фироқида хокисор,
Тонг ҳам отур, кун ҳам ботур, мулки ўзбек менга тор,
Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,
Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда хобим ким десун?

Ким ёнурки у билан, бордурур кимнинг иши,
Ичга сиғмай отилади ҳар юракнинг ташвиши,
Жонга етди айрилиқнинг Азройилдек қилмиши,
Ўз кўмочиға, масалким, тортадур кул ҳар киши,
Бас, куйиб ишқида чеккан изтиробим ким десун?

Бевафони ўхшатурлар ишқ аро бир тўтиға,
Қайси номард айланур номард кишининг мутеға,
Мен кўнмадим ҳийласиға, неча ёлгон шартиға,
Куймаган бўлса биров меҳру муҳаббат ўтиға,
Шеърмдек, то субҳ ўртаб таббу тобим ким десун?

Бошим узра ёғдурур тош, яхши-ёмоним сўйлар,
Таъна қилгай ҳасад бирла ўлчаб бўйимга бўйлар,
Садоқатим имонимдир, айтинг, буни ким ўйлар,
Ҳамнишиндурлар улуғларга хушомадгўйлар,
Йўлида жононим хайру савобим ким десун?

Гуноҳқор кўз билан кўрдим бу дунё баланд-пастин,
У жонимга бало бўлди, жонимдин олур қасдин,
Уйнатиб тақдир отин, не тиларки мен саргашдин,
Ғар қилич бошимга ҳам келса дегаймен ростин,
Сўзки ҳақ бўлса, саволимга жавобим ким десун?

Низомийни то оқибат дунё иши қилди ҳеч,
Низомийни оҳи кўкда ўрламоқда печу печ,
Низомийни парвардигор, мушкулотин ўзинг еч,
Дўстлар, сўрасанг, физосидан Муқимий, эрта-кеч,
Қон шароб ичсам жигарлардур кабобим ким десун?

Саккизинчи кун

Нонушта пайтида тушди ёдимга,
Бир куни қалтисроқ қилганди ҳазил.

Айтсам-да, ким етар, энди додимга,
Ғапларин оғири — тоғлар каби зил.

«Дадаси, яқинроқ келинг, бир ҳидлай?
Кўзимга, сиз, қарангиз тўйиб!»

Кетдим. Армон бўлди. Қаёқдан билай?
Термулардим ишимни қўйиб...

* * *

Энди, ҳол сўргали битта забон йўқ,
Аҳволим кўргали бир меҳрибон йўқ.

Булбулмен, сайрамоқ меним ишимдир,
Боғим йўқ, ошён йўқ, ер йўқ, осмон йўқ.

Навбахор қанидир, ёз фасли қани,
Синиқ руҳим ичра доруломон йўқ.

Ишқимдан яралган битта кишвар бор,
Унга бир ҳукмрон йўқ, битта хоқон йўқ.

Мени англар киши қайларда бордир,
Бир шафқат қилувчи чин мусулмон йўқ.

Ғамимни бўлгани, дардим айтурға,
Ушал буюқ қадим дарди пурон йўқ.

Йиғласам дастрўмол тутгучи менга,
Мушфиқ онажоним — Ўзбекистон йўқ.

Тўққизинчи кун

Ҳой, ким бор? Қарангиз, чақирди биров,
Дарвоза томонга шошилдим илдам.
Тилим сўзга келмас, ё бўлдим соқов,
Тошкентдан келибди ёронларим — жам.

Угитлар ёғилди баҳор селидай,
Руҳимга бердилар таскин ва далда.
Юпанч ўткинчидир тоғлар елидай,
Лекин, ҳажр чексиздир, ғам туни ялдо.

Бурчин адо этиб кетдилар улар,
Кўзларида кўрдим аянч ёшини.
Ахир, бўрон бўлиб келган қайғулар,
Бошимга урди-ку ҳижрон тошини.

Яна йиғлай кетдим бағрим яралаб,
Юпанч ҳисларини шу дам унутдим.
Улуғлар бисотин аста саралаб —
Фузулий ғазалин кўзимга суртдим:

Ҳижрон ўтин ёнмоғини ғами бисёр ўландан сўр,
Лаҳза-лаҳза фарёд қилур, иши озор ўландан сўр,
Жон риштасин узилмоғин ҳоли афгор ўландан сўр,
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Қаро зулфин ҳалқасини мен кўрурман, сен кўрма,
Киприкларин ўқларига нишондурман, сен турма,
Бир оловким яллиғланур, парвона бўлиб юрма,
Лабинг сириг гелуб гуфтора бандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Умрим елдай кечур, кўзим нури ўчур йилдан-йил,
Ҳажр тоши тегди, бўлди кўнгул ойнаси чил-чил,
Суйгулим шу тупроқ гули, Турон элинда дохил,
Гўзу ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Ой юзингни беркит, юзларинг севдим деганлардан,
Қошинг яшур, қаро қошинг, жоним, севдим деганлардан,
Оёғинг узра гул сочса келтуриб гар чаманлардан,
Хабарсиз ўлма фаттон гўзларин жаврин чеканлардан,
Хабарсиз мастлар беддини хушёр ўландан сўр.

Мурувват не, билурмикан доғули ҳаёт — золим,
Унинг турфа ҳийласидан саркаш бўлди хаёлим,
Жафо ўти ичрадурман, борми маним мисолим,
Ғамингдан шаямтак ёндим, сабодан сўрма аҳолим,
Бу аҳоли шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.

Кезиб юрсам ерни саросар, элга келур малолим,
Қотиб қолмиш лабимда ғам, тилимда заҳар болим,
Жафо энди ўлдурур, кимни тутар маним уволим,
Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,
Харобот аҳлининг аҳолини хуммор ўландан сўр.

Кел, эй банда, Низомийга тавоф айла, сиғингил,
Гар ошиқсан, ошиқлигинг, охират саховат бил,
Оллоҳ ёзмиш пешонангга, ўзингни чин инсон бил,
Муҳаббат лаззатидан беҳабардир зоҳиди ғофил,
Фузулий ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

Унинчи кун

Ажойиб бир туш кўрдим саҳар,
Чилдирманинг садоси таранг.
Карнай-сурнай элга солур жар,
Паранжида Ҳикматой, қаранг?

Эгнида товланур оппоқ шол,
Оёғида Анжон маҳсиси.
Кавишининг косиби ҳалол,
Тановарнинг сози, яхшиси.

Аравада шўх қизлар ичра,
Сал эгилиб келин турибди.
«Ёр-ёр»лардан гумбурлар кеча,
Бир ҳумо куш кезиб юрибди.

Кувёнавкар ёнимда хушёр,
«Қарғалар»га ўйнар аллаким.
«Дучава»га хўп тушар Хумор,
Бунда ҳеч ким туролмайди жим.

Аравадан кўтариб олдим,
Бўлди қий-чув, роса тўполон...
...Сўнг, тобутни мен кўриб қолдим,
Дастасидан ушладим шу он

Ва сесканиб ўйғондим, бироқ,
Қулоғимда «Ёр-ёр»лар қолди.
Хаёлларим бўлиб тумтароқ,
«Илк кеча»ни ёдимга солди.

«Бошқасини севар экансиз?...»
«Бекор гап. Сўзламанг қайта.»
«Ҳа, гул бўлмас асло тикансиз,
Дейилган-ку, қайси бир байтда.»

Алангага отиб ёшлигим,
Бир қизчани севганман рости.
Ишқ танимай, ул бебошлигим,
Бу дунёнинг баланду пасти.

«Бўлди, дейман, севаман сизни!»
Тун ёришди. Эслаш қийин-да,
Худо, дедим, асрагил бизни,
Тонг уйғониб зардан кийинди.

Шундоқ ўтди дамлар йилма-йил,
Меҳру вафо қўллардан тутди
Ва бошлади бахтга муттасил,
О, ўпичлар муродга етди...

Энди, ундан чин вафо қолди,
Эртак қолди, дostonлар қолди.
Садоқатдан илтижо қолди,
Гул қизлару ўғлонлар қолди.

Ул кетди-ю, бир садо қолди,
Яхшиликдан битта шон қолди.
Кўксим узра бир яро қолди,
Аччиқ, лекин рост забон қолди.

Мен ўтурман зўр армон билан,
Далда бўлиб бир бардош қолди.
Ҳар кеч йиғлаб еяр нон билан,
Ҳар кеч йиғлаб ичар ош қолди.

Қалбни абад зўр ҳижрон эзур,
Мозорида қора тош қолди.
Эл ичинда кўп сўзлар кезур,
Тўлан Низом яккабош қолди...

Яна ўн кун

Яна ўн кун ўтди, афсус, умримдан,
Ерга қанча тўкилди кўз нуримдан.

Кун санайман бор экан-да саботим,
Лочин эдим, қайрилди-я қанотим.

Давраларда маҳзун бўлдим, дўстларим,
Бир чеки йўқ, ғамга тўлдим, дўстларим.

Мозор томон борар бўлдим ҳар куни,
Ишқим қабрин бўлиб қолдим мафтунни.

Даста-даста гул қўяман бошига,
Манглаймни секин босиб тошига.

Мажнун мендай бўлганмикан чин ошиқ,
Тилларимдан тўкилади бу кўшиқ:

Мени ташлаб кетдинг ёр,
Зор-интизор этдинг ёр.

Суйганим — суйганлигим,
Куйганим — куйганлигим.

Гуллар узиб борайми,
Тўйлар тузиб борайми?

Онтим ёзиб борайми,
Жондан безиб борайми?

Суратинг менда қолди,
Қарай-қарай кўз толди.

Қайнашларим йўқолди,
Ғам қийин йўлга солди.

* * *

Хуфтон бўлди, кўнглумни
Илҳом билан доғладим.
Машраби девона пир —
Сўзига сўз боғладим:

Шод эдим, хурсанд эдим, бир ғамгузорим бор, деб,
Аҳдиға кўнгул бердим, буни қатъий қарор, деб,
Ўқситди фалак, охир, сен ошиқи хор, деб,
Ғам биёбонида қолдим, йиғладим кўп, ёр, деб,
Оҳ уриб, фарёд этиб, булбулдайин гулзор, деб.

Зил — бало тақдир юкин бошима қўйди худо
Ва ҳажр тошини урди кўнглума еру само,
Дарду ғам бўронида танҳо қолдим безиё,
Кечаю кундуз куярман ишқ ўтиға доимо,
Дарбадар излаб юрурман соҳиби асрор, деб.

Шўр пешонам номукамал дунёни тор айлади,
Шеърим ила йиғладим мени зор-зор айлади,
Дўсту ағёр олдида, элда ночор айлади,
Лашкари ғам синиқ кўнглумни афғор айлади,
То давосиз дардга қолдим, ожизу бемор, деб.

Менга дерлар, қақшама, ҳасратингни ичга ют,
Кўз очик бўлса агар, сен руҳин қилма унут,
Қабрига ёш тўкмагил, тупроқдан кўнглунг совут,
Гарчи, осийман, эмасман раҳматингдан ноумид,
Ҳар не қилса эрки бор ул, бандаси ночор, деб.

Жойинг беҳишт ародур, Низомий сендан ризо,
Суратингга термуларман тонглари қилгум дуо,
Сўзлашурман сен билан, ёдимдасан доимо,
Маърифатлик бир эгам, деб бўлма ғофил Машрабо,
Гарчи ғофурдирки, йўқдир меҳрибон, жаббор деб.

Йигирманчи кун

Ҳовлига тун чўкди, тушди қоронғу,
Ҳар битта хонага кирди зўр қайғу.

Хотинлар ҳу-хулаб тушдилар зикр,
Кўз ёшдан киприклар этади пир-пир.

Ёнур нигоҳларда ҳижрон қийноғи,
Тилларни қиймалар айрилиқ доғи.

Гўянда хотин йиғиси

Биродарлар, ўлим ҳақдир, деманглар,
Елгончи бу дунёдан панд еманглар,
У уммондир, фарқ бўлади кеманглар.
Вой, мусулмон бандаси,
Қилманг намоз кандасин.
Вой жигарим, жигарим,
Қонга тўлди юрагим.

Дил боғламанг ҳою ҳавас ишига,
У оқибат жафо қилур кишига,
Лаҳад ичра киши келиб ҳушига,
Сўнг пушаймон бўлмасин,
Қайта-қайта ўлмасин.
Вой жигарим, жигарим,
Қонга тўлди юрагим.

Онасидан туғилганда Ҳикматой,
Тенгсиз эди, унда эди бор чирой,
Кўзда кўёш, юзларида эди ой,
Капалакдай учди-я,
Бир шам каби ўчди-я.
Вой жигарим, жигарим,
Қонга тўлди юрагим.

Баланд тоғлар қулаб тушсин, паст бўлсин,
Муҳаббатсиз молу дунё хас бўлсин,
Бу дунёда Ҳикматойдай кас бўлсин,
Қайларга учди қушим,
Оғади ақлу ҳушим.
Вой жигарим, жигарим,
Қонга тўлди юрагим.

Ёмон яшар, яхшиларга кун йўқмиш,
Олам ичра бир бағри бутун йўқмиш,
Қаро қулга кундуз бору тун йўқмиш,
Меҳнаткашим Ҳикматой,
Заҳматкашим Ҳикматой.
Вой жигарим, жигарим,
Қонга тўлди юрагим.

Гўзалларнинг сараси-ей, гул Ойим,
Ўлим чангалига тушган гул Ойим,
Сафар қилдинг, мунча узоқ йул Ойим,
Йўлинг борса келмасдир,
Уни ҳеч ким билмасдир.
Вой жигарим, жигарим,
Қонга тўлди юрагим.

Ҳамма йиғлар, гоҳо ҳувласа бот-бот,
Қаро тун кўксига санчилур фарёд,
Хотинлар қурдилар ғамли анжуман,
Дарвоза ёнида Мажнунтол ўйчан —
Шохларини эгди ўксик ва ғариб,
Мунг билан ўқилди «Мавлуди Шариф».

Алқисса бошланди яссавийхонлик,
Дунё ишларидан кўп пушаймонлик.

Ҳувайдо, Ҳазиний бунда сўзлади,
Аёллар тўлиқиб роса бўзлади.

Тиниқ овоз билан ўқиди отин —
Сўфи Оллоёрнинг бир муножотин:

«Илоҳо, бандани соҳиб надам қил,
Сироти шаръ уза собит қадам қил.

Ҳидоят пирига топшир кўлимни,
Иноят йўлиға кенг қил йўлимни».

Хотинлар тарқалди, кўз юмди кеча,
Юлдуздан тўкилган нурларни ича.

Ҳов, зангор осмонда ловуллар Чўлпон,
Сен танҳо эмассан, шоирим дебон.

Мен эсам марҳумам ёди билан банд,
Фалак сирларини қилмайман писанд.

Дунё ҳавасига бермайин, деб тан,
Оёқ-қўлларимга соламан кишан.

Кейинги кунлар

Кунлар ўтар пайдар-пай,
Изларинг қайдин топай,
Излаб қайларга чопай,
Шамол тинса, мен тинмай?

Дунё керакмас энди,
Сабрим косаси синди,
Қалбим тўфони тинди,
Дийдам дарёни шимди.

Боғларда чирой йўқдир,
Тоғ бағрида сой йўқдир,
Оламда хумой йўқдир,
Сизга бир жой йўқдир!..

Оқин сувга роз айтганим

Ҳой, оқин сув, анҳордаги ўйчан сув,
Куз еллари юзларингни силамиш!
Қани сенда баҳор берган чўғ кулгу,
Хазон барглар сенда оқиб йиғламиш?!

Мен ҳам сендек кўп ҳоридим шу кунлар,
Қайнашларим завқу шавқим йўқолди.
Бағрим куяр, лек кўринмас тутунлар,
Мени ўтга ким ташлади, ким солди?!

Мавжинг қани, авжинг қани, шўх эдинг,
Бешик-бешик тўлқинларинг тиндимми?!
Укинасан ё бўрондан панд единг,
Орзуларинг арча эди, синдимми?!

Ахир, умр — бир гўдакки, у хуноб:
Гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди, не ажаб.
Тақдир хатин биз ўқиймиз телбатоб —
Гоҳо равон, гоҳ қийналиб, ҳижжалаб.

Туш

Кўзларимни элитди уйқу,
Киприкларим бердилар бағир.
Хаёлларим учагон оҳу,
Тушга кирди, ҳў йиллар сағир —

Етимлигим бир нола чалар,
Елғизликнинг тилида йиғи.
Армонларим аридай талар,
Жондан ўтар отамнинг йўғи.

Қайси кунни онам бечора
Елғиз бошим ўксиб силади.
Алла айтиб йиғлаб зор-зора —
Менга бахту иқбол тилади.

Алла

Тиниқ кўлга тушди ғоз,
Узига берур пардоз,
Чиқармагил сен овоз,
Боқмагил унга қиё,
Алла болам алла-ё,
Болагинам алла!

Осмон тўла юлдузлар,
Соч тараб ўйнар қизлар,
Учарда қолур излар,
Сайрагин булбулгўё,
Алла болам, алла-ё,
Шоир бўлгин алла!

Тоғда каклик сайрайди,
Мурғак дилинг яйрайди,
Ширин уйқу ўрайди,
Ором ол ақли расо,
Алла болам алла-ё,
Қулунгинам алла!

Қай кунларга қолдим-а,
Ўзни ўтга солдим-а,
Йиғлай-йиғлай толдим-а,
Умрим тушмиди — рўё,
Алла болам, алла-ё,
Сен — умидим, алла!

Оқшом кўнди, кеч бўлди,
Лабларинг майин кулди,
Бағрингга орзу тўлди,
Сени асрасин Оллоҳ,
Алла болам, алла-ё,
Елғизгинам алла!

Қуш қўшилур галага,
Ел учади жалага,
Мен кетаман далага,
Ухлаб қоласан танҳо,
Алла болам, алла-ё,
Ботир бўлгин алла!

Отанг ўтди дунёдан,
Бу каромат худодан,
Тилим куяр нидодан,
Меҳринг юрагимга жо,
Алла болам, алла-ё,
Етимгинам алла!..

Яна туш

...Паноҳ эди зангор чимилдиғ,
Етти қават кўрпа-ўриндиғ.

Бора-бора қизиди суҳбат,
Сўзлашурмиз навбатма-навбат.

Мен ёримнинг ҳар сўзин тердим,
Бир ҳикоят гапириб бердим:

Сизни кўрмоқ қасдида саҳар,
Дўстим билан айладик сафар.

Ишқингизда Қувага бордик,
Кўчалардан сизни ахтардик.

«Каркидон»га чиқдик тушдан сўнг,
Лек ишимиз ҳеч келмади ўнг.

Фарғонага аста йўл солдик,
Боғда ўйнаб чарчадик, толдик.

Сизга ўхшаш қизни кўрмадик,
Қўқонда ҳам бир кун турмадик.

Беговотга, сўнг, қилдик жазм,
Қурдик дўстнинг уйида базм.

Эртаси кун Тошкент жўнадик,
Икки кундир унда тунадик.

Ортга қайтдик, тоғ йўли билан,
Тожикистон Ашт чўли билан.

Наманганда, боғда яйрадик,
Шеър ўқишдик, тилни қайрадик.

Балиқчидан Андижон ўтдик,
Ҳар сония биз сизни кутдик.

Севги келди бизни етаклаб —
Асакага, сўлим «Чўнтак»жа.

Кун оққанда бўлиб диллар қон,
Кириб келдик қадим Шаҳрихон.

Оразийга таъзим айладик,
Ҳайратийни устоз сайладик.

Бўзга келдик чарчаб ва ҳориб,
Ишқ ўтида юзлар сарғориб.

Шундоқ, сизни топа билмадик,
Учрашмадик, сафо қилмадик.

Пешонамга сиққан экансиз,
Мени излаб чиққан экансиз.

Шукр, дейман, бир экан тақдир,
Бахт шамоли эсмоқда ғир-ғир...

...Йиллар кечди ширин туш мисол,
Тушлар кўриб ётдим неча кур.

Тушларимда тунлари беҳол
Алла айтиб ёрим йиғлатур...

Бир ой ўтди

Бир ой ўтди... билмасман кўним,
Кимларни-да айлай гуноҳкор.
Нола билан кечади куним,
Тунда эса, яна шу такрор.

Ойга боқсам жамоли хира,
Карашма йўқ юлдузларда ҳам.
Чексизликдан кўз узмам сира,
Зангор осмон мунчалар мубҳам.

Ойбекни-да ўқийман такрор,
Қодирийга сирим айтаман.
Фитрат каби бўлиб хокисор,
Чўлпонимга яна қайтаман.

Дўстларимдан топай деб таскин,
Қайларгадир боргим келади.
Борми мендай дунёда мискин,
Юрагимни ёргим келади?!

Ғариб келсин, Мажнун ҳам келсин,
Ишқ дардини ўргатур эрдим.
Ханжар олиб сийнамни тилсин,
Юрагимда зардоблар эрди...

* * *

Тилла узук олиб берайми,
Марваридлар тақайинми, ё?!
Қора сочинг ўзим тарайми,
Ўлиб-ўлиб ёқайинми, ё?!

Тилла сирға олиб берайми,
Билакузук солайинми, ё?!
Ширин-ширин кулгу сўрайми,
То уйқусиз қолайинми, ё?!

Истагинг не, жаҳонда борми,
Қайда бўлса топиб келайми?!
Кел, буюргил, амрингга зорман,
Еш боладай чопиб келайми?!

* * *

Дарёдай кетдинг оқиб,
Учиб ўтдинг ел мисол.
Кўксимга ғамлар тақиб,
Ёғиб қочдинг сел мисол.

Шаҳрихон сойи янглиғ,
Шўхликларинг эсимда.
Водийлар ойи янглиғ,
Кўҳликларинг эсимда.

Тонгдаги шабнам каби
Умр кўрдингми, санам?!
Қува анорин лаби —
Қонларга тўлди бирам.

Кетдинг бир эртак бўлиб,
Қўшиқ бўлиб ўтдинг ёр.
Ёдинг армонга тўлиб,
Чин дунёга кетдинг ёр.

Зарҳал рўмол қолди-я,
Хил-хил атлас кўйлак ҳам.
Ҳижрон қилич солди-я,
Тақдир азал бекарам.

Нима қолди мен учун,
Аччиқ ҳижрондан бўлак.
Қайғу ўтидан тутун,
Чиқмаган жондан бўлак...

* * *

Бир ой нима, ошиб ҳам кетди,
Уртамизда ўлим шамшири.
Ҳижрон юки телбалар этди,
Кор қилурми гапнинг таъсири.

Самарқандда, тушимда, икков
Рақс этамиз қай бир базмда.
Одам гавжум. Ўт ёнар лов-лов,
Кимлар турар бизга таъзимда.

Шоҳимардон Отага бордим,
Нақшбандни айладим тавоф.
Кўз ёшимни тупроққа қордим,
Ал Бухорий бермади жавоб.

Кимлар бизга дейди офарин,
Қарсак чалур ўзга оломон.
Сўнг йиғлатиб уларнинг барин
Шеър ўқиймиз — тилларимда қон.

Кўзим очсам соғинч куйдирар,
Борлиғимни ўртаб чўғли тер.
Елғон тақдир аччиқ кулдирар,
Давраларда ўқимаيمان шеър.

Ўттиз еттинчи кун

Дўст уйида

Исмоилжон¹, шоир дўстим, шеърим улфати,
Уйим ичра неки кечди бунда очаман.
Ерга сиғмас, кўкка сиғмас, қайғу кулфатим,
Бедаво дард ҳамласидан қайга қочаман.

Қаранг битта олма олиб зарҳал табоқдан —
Ҳидлагандим, ажиб, иси қилди маст-аласт.
Назокатда ўзни тийдим уни тотмоқдан,
Чуқур ҳисга ботиб кетдим шу асно бир паст.

Бу олмада атиргулнинг рангпарлиги бор,
Сада райҳон баргларида ухлаган шўх ел.
Бу гўзаллик бошқаларда бўлмайди такрор,
Бу хилдаги латофатни кўрмас энди эл.

Бу олмада Андижоннинг боғлари яшар,
Қорадарё мавжланади, уради тўлқин.
Шоир дилин пора қилган туйғулар тошар,
Ошиқларнинг қайғулари бунда олмас тин.

Бу олмада Ўзбекистон куёши порлоқ,
Хур Фарғона боғбонларин сўзлари жаранг.
Унда ёнур Қувадаги энг азиз тупроқ,
Унда ёнур менинг қалбим, чўғлари қон ранг.

Бу олмада балоғат бор ҳам камолот бор,
Етилибди оқи-оқу, қизили-қизил.
У — айни ёз. У — олтин куз. Қуёшдай дийдор —
Товланади, ёғдусида яширинган дил.

Унда ғазал, унда севги, унда муҳаббат,
Унда бордир юракка тил бахш этган илҳом.
Унда вафо, садоқатга айланган журъат,
Унда яшар айтилмаган энг олий калом.

¹ Исмоил Тўлак Андижоний.

Бу олмадан севгилимнинг бўйи таралди,
Жисму борим элтиб олди ажойиб атир.
У — оқ гулдан, қизил гулдан, нурдан яралди,
Ҳар тарамни тилларимдан тўкилган сатр.

Бу олмада мен ёримнинг пардозин сездим,
Тенгсиз гўзал юзларини қилдим томоша.
Сўнг йиғладим, тўлиқиблар бағримни эздим,
Юпанмайман энди, ойлари ва йиллари оша.

Бу олмага қарай-қарай: кўзларим тинди
Ва ёшларим ювди уни, қилди бокира.
Бу олмани мен кўйнимда сақлайман энди,
Бу олмани кўлларимдан кўймайман сира.

О, дўстгинам, яхши қолинг, шеърим ошнаси,
Руҳим ичра неки кечди, мен сизга айтдим.
Босилурми ҳижрон дарди, юрак ташнаси,
Ҳасратларим яширай деб, уйимга қайтдим.

Қирқинчи кун

Қирқинчи кун билмадим ором,
Тонгга яқин туш кўрдим яна:
Дарвозаси очиқ бир эҳром —
Саҳни узра ажиб тантана.

Ичкарида, хона тўрида,
Ҳикматхон ўлтирар ҳотам.
Ташқарида, боғда, сўрида —
Ота-онам, қайнам, қайнотам.

Чеккароқда турибман ёлғиз,
Борлиғимни ўртамиш бир рашк —
Ҳикмат келиб чўкмоқчийди тиз,
Кипригимдан сачраб кетди ашк.

— Тўхта, дедим. Тўхта, азизам!
Кўзларимни авайлаб артди!
Юзин ювди ёшлари тизим,
Ғамларини елкамга ортди.

- Мунча сўлиб қолибсиз?
- Андаккина чарчадим.
- Овқат еябсизми, чойингиз қалай?
- Тузук.
- Рўмолчангиз борми, жойингиз қалай?
- Бор.
- Раъно қараяптими, жуда чаққон у?!
- Ёмонлик кўрмасин дунёда.
- Дам олгани бордингизми денгизга?
- Йўқ.
- Озод шўхлик қилмаяптими, қараб турибсизми?
- Ҳа.
- Бунёднинг кийим-бошлари кир бўлмасин.
- Хўп.
- Опамга рўмол олиб беринг.
- Майли.
- Узингизга энди эҳтиёт бўлинг.
- Раҳмат.
- Нима ёзаяпсиз?
- Достон.
- Ким ҳақида?
- Сен ҳақингда. Улим ҳақида.
- Вафо ҳамда жафо ҳақида...

Умрим кўпи оққанда,
Кўксига дур таққанда,
Фикратим шам ёққанда —
Кўзимдан уйку қочди.

Саҳроларда бўрон йўк,
Дарёда тўполон йўк,
Майсаларда ларзон йўк,
Кўнгулдан ғулув қочди.

Гўё осмон пасайди,
Ер қариди, кексайди,
Тақдир нима тусайди —
Кипригимдан сув қочди.

Гулларда минг ранг қани,
Қушларда оҳанг қани,
Ҳаётда жаранг қани,
Ойдан-да ёғду қочди.

Мунғайиб қолди боғлар,
Чарчади, толди, тоғлар,
Яқин келди йироғлар,
Хуркиди, сурув қочди.

Қуёшмиди нурга бой,
Нимада қолди чирой,
Тенгсиз эди-я... вой-вой...
Дунёдан сулув қочди.

Кўнгул ғамим қайнатдим,
Оҳ, сизни-да, йиғлатдим,
Энди, қандоқ юпатдим,
Бардошим мангу қочди!..

Илтижо

Қачон бўлғайки то қиёмат-қойим,
Кўзим кўрса эди ул ботган ойим.
Узинг жуфт қилгансан еру осмонни,
Нечун айирасан бизни, худойим?!
Омин!

Сентябрь-декабрь,
1992 йил



Энг новча аёл. Марказий Хитойнинг Юнень вилоятида 1964 йил 26 июнь куни туғилган Сэн Чунлинь исмли аёл дунёдаги энг найнов хотин ҳисобланган. Унинг бўйи 247 см. бўлган. Бўйи новчалиги учун у муттасил икки букланиб юришга мажбур бўлган ва умуртқа суяги қийшайиб қолган. Бўйининг ҳаддан ташқари тез ўсиши қизалоқ тўрт ойлигида бошланган. Тўрт ёшида эса унинг бўйи 156 см. 13 ёшида 217 см. бўлган. Кафтининг узунлиги 25,5 см. оёқ кафтининг узунлиги эса 35,5 см. бўлиб, пойафзал масаласида бир қадар ноқулайлик сезган. Қизиғи шундаки, унинг ота-оналари бўй-басти рисоладагидай одамлар бўлишган.

Энг митти аёл. Голландиялик лилипутка — «Малика Полин» тахаллусли Полин Мастерс дунёда энг митти аёл ҳисоблан-

ган. У Осендрехт деган жойда 1876 йил 26 февраль куни дунёга келган. Уша пайтда бўйининг узунлиги 30 см. бўлган. 9 ёшга борганида бўйи 55 см.га, вазни эса роппа-роса 1,5 килога етган. Полин 19 ёшида АҚШда вафот этган. Бу пайтда унинг бўйи 48 см. бўлган. Медикларнинг текшириб кўришича, вафотидан сўнг ўлчаб кўрилганда марҳуманинг бўйи 61 см. лиги аниқланган. (Одам вафотидан кейин бўйи бир қадар чўзилади.) Полин хоним вояга етганда вазни 3 килою 400 грамм бўлган.

Энг митти эркак. АҚШнинг Массачусетс штатида 1791 йили 14 январь куни туғилган Калвин Филлипс ер юзидаги энг митти эркак ҳисобланган. У дунёга келганда вазни 907 грамм бўлган. 5 ёшгача рисоладагидай ўсиб борган. Бироқ кейин, ўсишдан тўхтаб қолган. 19 ёшида унинг бўйи 67 см. вазни эса кийим-кечаги билан қўшиб ҳисоблаганда 5 килою 400 грамм бўлган.

«ГИННЕСНИНГ
МУЪЖИЗАЛАР КИТОБИДАН»



Шукур
Ҳайитхонув

АЁЗ

Ҳикоя

Далани қалин қор босган. Чана из солиб бораётган кенгликда икки шарпа кетиб бораётир. Кирза этик остидаги қорнинг ғирчиллаши ва темир чананинг илондай сирпаниб, шувиллаши эшитилади. Чана судраб илгарилаётган эркакнинг этиги қўнжи қорга тўлган, юриш оғир кечаётгани учун силкина-силкина олдинга интилар, гоҳ мункиб кетар, шунда чанага боғланган ип таранг тортилар, чайқалаётган гавдаси ростланарди.

Қиш эрта тушди, кутилмаганда қор қалин ёғди. Ҳавонинг кескин совуши эркакдан кўра аёлнинг ташвишини кўпайтирди. Эркак эрталабданоқ эшикни очиб, худди табиатга зарда қилаётгандай, ғудранди. Сўнг хонага печ қуришга шайланди. Оғилхонадаги тезаклар орасидан карнайларни, чиғаноқларни олиб чиқди, бир жом лой қорди. Ҳадемай шом тушишини, тунги аёз бошланишини ўйлаб, шошилди. Чилвир ипни ўради, ойболтани белига қистирди. Чана судраб, очиқ далага чиқди.

Унинг ғайрати келиб турган бўлса-да, танасида илгаригидай куч-қуввати қолмаганди. Бугун англади... Тошлоқ дўнглигидаги сербутоқ катта тут кўзига чўғдай кўринди. Қуруқ каллакларидан чанани тўлдириб олса, бир ҳафтага етади. Сандалда чўғ бўлса, кўчага кам чиқишади... Танаси қаттиқ тут каллаклари чолни чарчатди. Терлаб кетди. Ойболта қўлининг мадорини олди. Чилвир ип бармоқларини қийди. Йўлда баттар ҳориди. Уйга келгач, юраги безовта бўла бошлади, ўзини нохуш сизди. Кампирига «қарилик» деди. Ётиб қолди.

Ҳовлида пайдо бўлган Сурон орқага ўгирилди-да, айвонга қайтиб чиқди. Бунга уни Бужур онасининг заиф овози мажбур қилди. Мункайиб қолган кампир остонада турар, қўллари қалтирарди. Тамшаниб, ёшинқираган кўзларини енги билан артар эди. Ниҳоят, ўғлига яқин сурилди, ҳовли томонга ўгирилатуриб, қўли билан ишора қиларкан, уни ичкарига киришга ундади:

— Отангга раҳминг келсин, ўғлим. Қартайган чоғида ёлғиз қолди... Сени бўйи билан тенг қилгунича адои-тамом бўлди, шўрлик. Наҳот, бир ойда

ҳам келмасанг. Ахир, сени ҳайдамаганмиз-ку... Узинг кетгансан. Уша тўрт томони тош уйда ой кўрдингми? Шу каптархонадай уйни томи ҳам шувоқсиз... Сен бўлсанг... шу ерда туғилгансан. Киндик қонинг тўкилган. Билиб қўй, болам, гапимни оғир олсанг ҳам айтай. Қулоғингда бўлсин. Ахийри топиб келарсан бир кун... унда кеч бўлади. Биз қариб қолдик, унутма, болам. От айланиб қозигини топади...

Кампирнинг дарди бу билан тугамади, яна ғудранди...

— Қўйсанг-чи, она, бу гапларни. Мен... келолмаётганимни сабабини айтяпман-ку. Иш кўп. Уйда ҳам кам бўляпман. Ҳозир... мана, бугун ҳам сафардаман...

— Ҳа-а, энди ям кўрдинг йўқми? Ана шу феълинг бор-да. «Тушунмайсиз, тушунмайсиз», дейсан. Сен ҳам отангга тортгансин! Нима каромат кўрсатсанг, болаларингдан тортасан... мана, отанг ҳам... — кампир пиқиллаб йиғлашга тушди, — сендан кўряпти. Сурон-а, шу ерда бўлганинда... Вой, уни тажанглиги... Шунча йил чидадим, энди юрагим кўтармайдиган бўлиб қолди. Кетганингдан бери ўзини қаерга қўйишни билмайди. Бўғилади. Ҳамиша ғудрангани-ғудранган. Мана, оқибати. Ҳаммаси беҳудалигини ётиб қолиб тушунди, бояқиш. Сен ҳам... шу кўйга тушмагин дейман.

— Сен қаёқдан биласан, она? — ўғлининг жаҳли чиқди. — Эр киши ўз билгича яшайди. Устирдинлар, улғайтирдинлар... раҳмат! Энди бу ёғини ўзимга қўйиб беринг. Шаҳарга кўникиб қолдим. Қишлоқда юз йилдаям ҳаёт ўзгармайди, одамлар қашшоқлигича қолаверади, билсайзи. Энди одамни аяб ўтирадиган замонлар қолмади. Пулингиз бўлмаса бир тийинсиз ҳамма ерда... Ҳалиям ўша... раисми? Ҳа, ана... Қишлоқни хароб қилди. Олиб кетай деса унашмайди, нолийдиган жойим йўқ.

— Яхши яшаяпсан, лекин болам, феълинг ёмон. Ужарсан. Ахир, онангман. Эшитдим, икки марта касалхонага тушибсан, юрагим ачишади-да. Хабар қилмадинг. Ота-она ҳам кўзингга кўринмайди. Ўзингникини маъқул топасан. Биз ўлгандан кейин эсингга ҳам олмассан.

— Яна йиғими?

— Бундан кўра йўқ бўлиб кетганинг яхшийди... Беш йил бўлди. Яна... йўл устида шунчаки, хабар олай дедим деганинг нимаси? Шошяпман эмиш. Ахир, шошиб қаёққа борасан, болам! Мен-ку, майли, отангни ҳолидан хабар ол! Сени кўриб қоламанми деб қуйиб кетди-ку, чолим... Ана уни шошяпти деса бўлади. Бечоранинг аҳволига қара! Уни ўлим шоштириб қўйди, болам.

Сурон энди бир оғиз гап ҳам ортиқча эканини англади. Сўзсиз, маъюс, ўйчан ҳолда ичкарига йўналди. У шошаётган эди. Ташқарида ўртоқлари кутиб турарди. Аммо, уйдаги тасодиф манзилига тезроқ етиб олиш иштиёқидан устун келди. У бетоқат бўла бошлади. Ой яримта бўлиб чиққан аёзда йўл юришдан ёмони йўқ?! Бугун эса, худди ўчакишгандай, совуқ забтига оляпти. Қор ёғиб, атрофни қалин туман қопляпти. Соатига олтмиш километр йўл босишганида ҳам, кўзланган довондан ўтиш вақти тунги ўн бирларга тўғри келади. Бу маҳалда эса довондан ўтиш авфли...

У айвонда туриб шуларни ўйлади. Энди онасига бунга айтишнинг ҳожати қолмади. Шошилаётган эди, кампирнинг дийдиёси кўзини очиб қўйди. Тўғриси ҳам шу-да! Шошқалоқлик қилиб, сўнг бир умр надоматда юриши мумкин. Пул дегани топилар, отаси-чи! «Чолнинг ҳовури пасайган. Анча қариб қолибди» деди-ку онаси.

Эшик очилди. Рўпарада меҳробга юзини буриб, бағрини совуқ кўрпага босиб ётган чолнинг кўзлари хира тортиб қолган, нурсиз эди. Аммо атрофдаги хатти-ҳаракатларни илғай оларди. Чол қимирлади. Беморнинг дарди фақат ўзига аён! Сурон учун бу ҳол оддий ҳақиқат. Фикри бояги тушунчани яна қувиб келди. «Чол қариган, ҳовури пасайиб қолган, энди ҳеч нарсага ярамайди». Демак, уни ўлим шоштираётгани аниқ! Ундан талаб қилинадиган — шундай пайтда кўнглини совутмаслик...

У икки қадам олдинга юрди. Чўзилиб ётган чол қимирламади. Шунда Сурон беихтиёр тўхтаб қолди.

— Ким у? — мунгли товуш вужудига ўқдек қадалди.

— Мен, бу менман, ота.

— Сурон... ўғлим...

Яна жимлик. Мунгли товуш тинган. Сурон отасини безовта қилишга журъат

этолмасди. Бироздан сўнг инграган товуш эшитилди. Чолнинг оёқлари ҳаракатга келди. Суроннинг кўз ўнгида судралиб юрувчи жониворга жон кираётгандек туюлди. Отаси чалқанча ўгирилди. Қандайдир куч танасида ғимирляпти.

Демак, ҳаёт! Ҳали баданида иссиқ қон жўш уриб оқмоқда. Пешонаси чўғдай, гоҳ кўзлари алангада тобланаётган олтин зарралари сингари ярқирайди. Тўлғанаётир. Танаси дард билан олишаётир! У кексаликнинг малъун ўргимчаклари тўрлари ичида жон сақлаш учун курашаётган пашшадек эди гўё. Тўрлар эса уни аллақачон тузоққа илинтирган... Бутун вужуди иситмада ёнаётир. Иссиқ пешонасидан совуқ тер қуйилапти. Жунжикаётир. Совқотаётганидан устидаги кўрпалар ҳам қалтироқни босолмайди.

— Совуқ тушди-а? — Чолнинг тишлари такиллади. У боласига ғалати тикилди, кўзлари мўлтиради.

— Совқотяписизми... ота?

— О, Сурон, ўғлим... — пичирлади чол. — Қор ёғди шекилли?

— Ҳа, ёғди, яна ёғяпти. Икки метр жойни ҳам кўриб бўлмайди. Туман.

— Бундай бўлишини ким ўйлабди дейсан, ўғлим...

Сурон юрагини ҳовучлаб турарди: отаси бироз дадиллашгандай бўлдимми? Шу пайт ташқаридан чўзиқ сигнал товуши эшитилди. Ота-бола сергакланди. Сурон отасига шошилиш келиб қолганини, ташқарида ҳамроҳлари кутиб туришганини қандай тушунтирсин? Лекин дўстларини совуқда қолдириш ҳам инсофдан эмас. Отаси сезиб қолса... Жимликни яна машинанинг сигнали бузди.

— Ташқарида оғайниларим бор. Ҳозир туман қалинлашяпти. Довондан ўтказиб қўяман дегандим, кузатиб юборақолай... Тузукмисиз, ота?

— Ҳа, сен ўғлим, яхшиси, бор дўстларинг билан, — деди чол кутилмаганда тетиклашиб, — биздан кўнглинг тўқ бўлсин. Қайтишинг яқинми? Машина миниш ҳам жонингга теккандир. Ёнингга боролмаймиз... онанга қийин бўляпти. Майли; тинч бўлсанг бас... Довонда шамол кучли. Совуқ бизга ҳам етиб келди... Уйларинг иссиқдир? Болаларинг қалай, дурустми?

— Сизларга кўмир олиб келиб бераман, ота. — Сурон отасининг кўнглини кўтармоқчи эди. — Баҳоргача етади.

Чолнинг шу пайт: «Шундай совуқда ҳаммани ташвишга қўйиб қийнашдан ёмони йўқ...» деган қарориям бор эди.

— Майлинг, агар... қийналмасанг.

— Нимага қийналаман, ота, қизиқсиз. Уч кунда қайтамиз... Кўмирни ғамлайман... баҳор келиб, кунлар илиб қолганда ҳам тугамайди, етадиган қилиб олиб келаман. Қиш чўзилиб кетмас. Кун тез ўтади, ҳадемай ҳафта тугайди. Қор бугун ёғса, эртага тинади. Кун чиқиб, ҳаво илиб кетади. Сиз тузаласиз, ота.

— Айтганинг келсин, ўғлим... — чолнинг овози яна ҳирқираб қолди. — Кунлар ўтаверади, ўғлим. Кеч қиряпти, мен тузалиб кетаман... шошяпсан, борақол!

Енгил қадам товушлари тиниб, қия очилган эшик ёпилди. Хонада чуқур хўрсиниш... «Кетди», пичирлади чол. Ғаш тортган юраги ҳиссиз, кўнгли чўккан эди. Худди шундай ўксинишни, асли кутиб ётган эди. Аммо парво қилмайман, сездирмайман, кутган нарсанга қарши чиқиб бўлармиди, деган эди. Биларди, бу хил кўникмалар уни алдади. Иродасизлигини фош этиб қўйди. Аслида одамнинг қатъиятли бўлгани маъқул экан. Энди ўлим олдида иккиланиб, паст кетяпти... Кампири нима дейди?

Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди! Нақадар ўхшашлик... Қўрқув ҳисси қамраб олди уни. Кўзлари чақнаб кетди. Ахир, отаси ажал гирдобига худди шу тарзда юз тутган эди. Уни ҳам совуқ оқим шундай осойишталик ва хотиржамлик билан тузоғига илинтирганди... Сўнги кўзлари у ҳам отаси қошида кам бўлган, хайр-маъзурга ҳам улгурмаган эди... Отаси ўлим тўшагида ётган онда болалигига бориб, қаёқларда юрувдийкин? Хаёлида ҳам йўқ! Эслай олмайди ҳам. Кун бўйи изғиб, шомда уйга қирар, тонглар эса оқариб келаверди. Энди-чи? Бу мудҳиш хонада ҳеч нарсани фарқлаб бўлмаяпти. Хаёлида тез ўтиб, бир сиқим бўлиб қолган кунларнинг ниҳояси йўқдай. Шундай бўлса-да, кутаётган нарсаси нима эканига ақли етиб қолгач, уни умидсизлик бадном қилар эди. Телбаларча ўксир, кўзига ёш олар, лаблари буришиб кетар, юз ўгираётган тириклик бахтига зорланар, муяссар бўлолмагач, яна умидсизлик чоғига йиқиларди. Наҳотки, эшикка чиқишга ҳам шунчалик муҳтожлик бўлса?

Ўғлининг шошилиш ташрифи унга ҳаёт ҳақиқатини англади-қўйди. Ўзлигини ўғлидан топди, истаган илинжини, кечиккан орзусини тополмади... Кечиккан эди, ҳа, кечиккан... Навбати келибдими, энди фикрлаб ўтирмайди. Улимнинг ўткир шамшири аёвсиз! Унинг на оҳ-нола тинглайдиган қулоғи, на қалби бор. Яшашга иштиёқи зўр одамларгина бу мовий осмон гумбази, совуқ бўшлиқ остида жим ётмайдилар. Ҳаракатда юраверадилар. Чолгина бу ерда совуқлик ва зулмат қаърига сингиб бормоқда. У кириб бораётган мулкнинг чегараси йўқ. Қоронғуликлар ичида ҳадемай у ҳам кўринмай кетади... Чол бундай ҳол юз беришини яна афсус билан эслади. Хўш, билганида ҳам қўлидан нима келарди? Улимнинг совуқ шамшири олдида бош эгишдан бошқа чора йўқ.

...Даҳлизда челақ тарақлаб, унинг ўй-фикрлари ҳавозадаги каптарлардай учиб кетди. Ҳа! Бужур кампири сувга чиқиб кетмоқда. Сувни қаердан ташиётганикин? Ҳойнаҳой челақнинг бирини қолдириб кетаётгандир? Шу биттасида ҳам ярим-яримлаб ташийди. Унинг эзилиб иш қилиши, зўрға ғимирлаб юриши чолнинг ётишидан ортиқ эмас. Баъзан бу хатти-ҳаракатлар чолнинг ғашини ҳам келтирган. Бужур кампир пойгакда тимирскиланяпти. Челақ эшик кесақисига урилиб, яна тарақлади. Ғудраняпти... Бечора, тақдирдан нолийди. Олтмиш беш йил яшаган бўлсаям, барибир, ҳаммаси унутилиб кетаверади, одамнинг бир-бирига бегона бўлиши бир дақиқалик...

Совуқ оқим унинг кўкракларига урилди. Кампири бир ҳафта илгари ташлаб қўйган қат-қат кўрпалар жонига оро кирмади. Эти уча бошлади... Жунжиқаётган танасининг ҳарорати пасая бошлади. Ўғли уч кундан кейин келмоқчи эди. Кўмир опкелса, сандалга чўғ тушарди... Кампири ҳам кира қолмади. Киргани билан чолнинг олдида узоқ ўтиролмади, барибир.

Чол тун ярмигача қорнинг кўп ёғаётганини, азонда эса ҳавонинг тиниқлашаётганини ва юлдузлар чарақлаб, аёз шабадаси эсаётганини сезиб ётди. Сезилар... Шуларгина сўнгги дақиқагача ҳамроҳ бўларкан. Совуқ ҳам, шамол ҳам ўткинчи. У юлдузларга боқиб тўймади, шамолга гап қотиб кўрди, совуқ билан тил топишолмади. Тонгда, ойналарни оппоқ қиров қоплаган палла кўзларини юмди... Сезилар... улар ҳам совуқни унутиб, ўлимнинг яқинлигидан далолат берувчи ҳисларнигина миясига суриб келарди. Танада ҳали нималардир ҳаёт эди... Кампири ҳам кела қолмади... Ўғли ҳам келавермади...

Унинг кўз қорачиғларига инсон юрагини эзиб юборадиган ожизлик аломатлари ёйилди. Аёз кучайди...

Андижон

*

*

Новча эр ва пакана хотин. Муҳаббат бўй танламайди, деганлари тўғри. Буюк Британияда истиқомат қилувчи Найджел Уилкс 1984 йил 30 июнь куни Беверли Рассел исмли хонимга уйланган. У пайтда кўевнинг бўйи 2 метру 6 см, келинники эса 119,3 см. бўлган. Эр-хотиннинг бўйи ўртасидаги тафовут 70 см.дан ошишига қарамай, 1986 йили 22 март куни келин пахлавондек ўғил туққан. Боланинг вазни 4 килою 22 бўлган. Тўғри, чақалоқни жарроҳлик йўли билан олишга мажбур бўлишган.

Энг қадимий жасад. Жасақларни мўмиёлаш эрамыздан 2600 йил аввал Миср фиръавнларининг 4-династиясидан бош-

ланган. Ҳозиргача маълум бўлган энг қадим мўмиёланган жасад Мисрдаги Хеопса пирамидасида жойлашган бўлиб, 2600 йил илгари вафот этган аёл мўмиёсидир. Жасад 1989 йил 17 март куни салкам икки метр чуқурликда топилган. Марҳуманинг бош суяги тўлиқ сақланиб қолган.

Энг узун соқол. Норвегияда 1846 йилда туғилган Ганс Н.Лангсет деган киши энг узун соқолли одам ҳисобланган. У 1927 йили АҚШда вафот этган. Серсоқолни дафн қилаётиб, ўлчаб кўришганида соқолининг узунлиги 5 метру 33см. бўлганлиги аниқланган. Дунёда энг узун соқолли аёл эса АҚШнинг Кентукки штатида истиқомат қилувчи «соқолли хоним» Дженис Девери бўлган. 1842 йилда туғилган хонимнинг соқоли 1884 йилда ўлчаб кўрилганда 36 см. бўлган.

«ГИННЕСНИНГ
МУЪЖИЗАЛАР КИТОБИДАН»



Учқун

НАҚШ ЎЛУР БАҒРИМГА ҲАЖРИНГДАН ТЎЛА ДОҒИ-ФИРОҚ...

Водийи Фарғона

Лоладек ҳажрида бағримни қизил қон
айладинг,
Бул ёруғлуқ дунёни кўзимга зиндон
айладинг.
Эй фалак, тоқай қилурсан бизлара
жавру ситам,
Дўстлар мотамда, душманларни
хандон айладинг.
Жаннат ал маъво каби эрди ватан
сахролари,
Оҳ, найлай куфр элиға кўшк айвон айладинг.
Маъдани илму адаб, маҳди тамаддун
юртими,
Бедиёнатлар оёғ остида ҳайрон айладинг.
Водийи Фарғонаким, дунёда эрди
беназир,
Фурқатида кўз ёшимни абри найсон
айладинг.
Айлабон тарож ваҳшийлар элида гулшаним,
Мулҳиду бегоналар илгида вайрон айладинг.

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм!

Юртдан айрилгандан кейин дунёнинг ҳар тарафига тарқалиб кетган ватандошларимиз ўзларига мувофиқ об-ҳаво ва шароитлари маъқул тушган ўлкаларда тарқоқ ҳолда яшамоқдадурлар.» Юртдошларимизнинг вужудлари ҳар жойда бўлса ҳам руҳлари бир жойда — Ватандадур. Унга нисбатан бўлган шавқ ва муҳаббатларининг шарорасини таскин этмоқ учун адабий асарлардан истифода этилур экан, тўғриси, ўз тилларидаги асарларни ўқир эканлар, бояги ҳижрон алангасининг шиддатидан осойиш топгандек роҳатланидилар.

Албатта, бу— адабиётни севиш масаласи кичиклигимизда мунглиғ онамизнинг ноилари, тўйларимиздаги «ёр-ёр» қўшиқларидан бошлаб, бизга миллий анъана бўлиб қолган. Мана шу руҳ йигитлик даврларида ҳам биз билан ниҳоят, қўлга қалам олиб, ўз эҳтиросларимизни ёздирмоқдадур.

Қўлингиздаги ушбу девон муаллифи, Ал Ҳаж Абдурахим бин ҳожий Абдурасул — Учқун Ҳўқанд шаҳрининг Боғдод ноҳиясида 1931 милодий йилда дунёга келганлар. Ҳануз икки ёшлик гўдак, ота-онасининг бошига келган чидаб бўлмайдурғон сиқинтилар натижасида Афғонистонга ҳижрат қилиб, Андхўй шаҳрида истиқомат қилмишлар. Оталари ҳаж фаризасини адо этар чоғида, ўғилчаларини ҳам биргаликда Маккатул Мукаррамага олиб келганлар.

¹ Абулқосим Абдурахим — Учқуннинг «ғурбат ноласи» шеърлар тўплами сўзбошисидан. Саудия Арабистони, Тоиф шаҳри, 1979 милодий, 1399 ҳижрий сана.

Қилсак Ватан, деб, жон фидо, бизға
мазиятдур бу кун.
Хар ерда фирқа-фирқамиз, бирлик
пайини қирқамиз,
Бу зиндалик эрмас биза, бизға азиятдур
бу кун.
Эй қавм, идрок айлағил, ҳиммат асосин
қўлга ол,
Тавқид ва ҳикмат, маърифат Учқун
ҳақиқатдур бу кун.

Чўлда қолдим

Чўлда қолдим, йўл йитурдим, ошёним
қайдасан,
Маҳв бўлдим, водариг, оби ҳаётим
қайдасан?
Пашшалардек сайди тори анкабут
бўлдим, нетай,
Олмадинг мендан хабар, оромижоним
қайдасан?
Зоғлар чанголидан қолдим қанотсиз
қуш каби,
Термулиб ҳар ён боқарман, ошёним
қайдасан?
Нақш ўлур бағримга ҳажрингдан тўла
доғи-фирок,
Эй гулистони эрам, эй бўстоним
қайдасан?
Очғил оғушинг менга, бас қил рақиблар
суҳбатин,
Учқуси ному нишоним, меҳрибоним
қайдасан?
Дарбадар юрдим сени ёдингда тинмай
бир замон,
Кўҳу саҳроларда кечди субҳу шомим
қайдасан?
Кўзима суртсам дедим: юрдим, югурдим, тоймадим,
Туфроғинг уммидида нури жаҳоним қайдасан?
Сарвзоринг соясинда бир нафас олсам агар,
Йўқдир армоним, аё, руҳи равоним қайдасан?
Унс олиб бегоналар бирла, менга бир боқмадинг,
Лутф қил, бошинг кўтар, фикри жавоним
қайдасан?
«Муддати наҳну қасамно»дан хабар
бергусидур,
Суврати ҳолим билур, ширин каломим,
қайдасан?
Тоқатим тоқ ўлди, Учқунча мадорим қолмади,
Эл аро бўлдим қадрсиз, эътиборим
қайдасан?

Сарви озод


Боғи умрим равнақи, эй сарви озодам,
келинг,
Тўти гуфторим, лаби гул, ғунча хандоним,
келинг.
Турмишам йўлинг кутиб мен интизоринг
кечкурун,
Ноз ила жавлон этиб кабки хиромоним,
келинг.

Икки чеккангда осилган кокилингни ўйнатиб,
Ҳар замон солмоқ учун бўйнимга зуннорим,
келинг.
Кўзларинг боқғонда, сеҳри сомарийки
ёдланур,
Сўзларинг жонбахш эрур, эй марҳами
жоним, келинг.
Кокилинг учиға аккоси гулин сочбоғ
этиб,
Гул юзингда гул кўриб ўртанди бу
жоним, келинг.
Эмди истиғнони кам қил, Учқуни парвонангга,
Куймасин ҳажрингда, эй шамъи шабистоним,
келинг.

Арзи ҳол

Мени бу арзу ҳолим, эй сабо, жонона
еткурғил,
Мусофир кўйида мен, дарғаҳи султона
еткурғил.
Қаёндур Юсуфим, деб наъраю во ҳасрато
урган,
Жудоликдан паришон ўлдиғим Канъона
еткурғил.
Кўзу ёшли, дили хун, ер узосида чопиб
кетмон,
Бели меҳнат юкидан ҳам ўлан ҳайрона
еткурғил.
Кўзимға гарди пойин, қиблагоҳим тўтиё
қилсам,
Туфайлидан илоҳи, давлати ғуфрона еткурғил.
Налар кечти дебон ҳоли отамнинг кўзда
уйқу йўқ,
Бу ғурбатномани ул кулбаи аҳсона
еткурғил.
Саҳарлар ёдима тушғай, ўшал аҳбобу
ҳамдамлар,
Яна маҳбуб жоним ул дили вайрона
еткурғил.
Ватан ишқида аскарликни таҳсил
айлағай Учқун,
Каримо, қайда олим, оқибат
аҳсона еткурғил.





ИНСОННИ КАШФ ЭТИШ БАХТИ

Шукӯр Холмирзаев билан Тоир Юнус сӯҳбати

Қисқача маълумот:

Шукӯр Холмирзаев. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Республика Давлат мукофоти соҳибдори.

Тошкент Давлат Университетининг журналистика куллиётини битирган. Талабалик кезларидаёқ «Оқ отлик», «Тўлқинлар» каби қиссалари билан кенг китобхонлар оммасига танилган. Кейинроқ адибнинг «Ун саккизга кирмаган ким бор!», «Тоғларга қор тушди» қиссалари эълон қилинди. Шукӯр Холмирзаев юзлаб ҳикояларнинг муаллифи. Кейинги йилларда ёзувчи йирик жанрларга қўл уриб, «Сўнгги бекат», «Қилқўприк», «Йўловчи» ҳамда «Олабўжи» романларини яратди. Адибнинг «Қора камар» ва «Зиёфат» пьесаларини театр саҳналарида муваффақият билан ўйналади.

- «Жўжани кузда санаймиз...» «... бўшашма, сендан ёзувчи чиқади».
- Менинг суякчигим адабиёт бўлиб қолганди.
- «Мен адабиётни қисмат деб билдим».
- Ёмонлик худосига эрк бериб қўймайлик!

Т. Юнус. Шукӯр ака, ижозатингиз билан сӯҳбатимизни анъанавий савол билан бошласак.

Сизнинг номингиз кенг китобхонлар оммасига яхши таниш. Бугун ўнлаб йирик асарлар, юзлаб ҳикояларнинг муаллифисиз. Шундай бўлса-да, ўқувчиларингиз ўзингиз, оилангиз ҳақида яхши билишмайди. Шу боис, ҳаётингиз, туғилган ерингиз, камол топган оилангиз... шулар ҳақида гапириб берсангиз?

Ш. Холмирзаев. Майли. Мен... 1940 йилда, онамнинг айтишича, кўкламда туғилган эканман. Кейинроқ аниқлаб топдик, Наврўз байрамидан кейин, 24 март куни Бойсунда таваллуд топган эканман. Отам Файзулла Холмирзаев асли Булунғурдан. У ерда маориф бўлимининг мудир бўлиб ишлаган. Уз даврининг мулла одамларидан бўлган. 1938—1939 йилларда отам қувғинга учраган. Қочиб, тўғри Тошкентга келган. Онамнинг ҳикоя қилишича, Тошкентнинг «Каллахона» маҳалласидаги чойхонада ака-ука Эрали, Шерали деган йигитлар отамни бир йил давомида яшириб юришган. Кейинчалик мен шу одамларни учратармиканман, деб қидириб бордим. Афсуски, улар оламдан ўтишган экан. Чойхона эса бузилиб кетибди. Хуллас... Усмон Юсупов отамнинг ҳаёти қил устида эканлигини сезиб, уни Сурхондарёга, тоғлар орасига жўнатган. У ерга боргандан кейин, отам район газетасининг муҳаррири бўлган. Онам эса райком секретари бўлганлар. Котиба десам, сал... оддий котибага ўхшаб қоларкан-а?

Т. Юнус. Шунақа шекилли!

Ш. Холмирзаев. Хуллас, танишишган, турмуш қуришган. Лекин уларнинг тинч ҳаёти узоққа чўзилмаган. Отам у ерда ҳам қувғинга учраб, 1944 йилда Сибирь томондаги қамоқда ўлган. Биз онамнинг қўлида қолганмиз: мен ёш, синглим Раъно қирқ кунлик қолган.

Шундай қилиб, Бойсунда катта бўлдик. Отамнинг биринчи хотинларидан ҳам фарзандлари бўлган. Улар Булунғурда, қариндошлари қўлида қолишган. 60-йилларда у ерларда бўлдим. Катта акамни кўрдим, сӯҳбатлашдим. Бир саҳро жой экан. Наҳотки, ота юртим шу, деб кўнглим бузилди. Ҳарқалай, менинг юртим Сурхондарё эди. Кўз очиб кўрган дунём Бойсун тоғлари бўлди. Мен, асосан, шулар ҳақида ёздим. Ўзимни Сурхондарё фарзанди, деб ҳисобладим.

Туғилган жойим, отам, онам ҳақида фикрларим шу. Онам ҳозир ҳам ҳаётлар. 52 йиллик коммунист. Ҳозирги кунда пенсионерларни нафақахўр деяпмизми? Шундай! Уларни тез-тез зиёрат қилиб тураман.

Т. Юнус. Шукур ака, мен Бойсунда бўлганман. Биринчидан, шу Бойсуннинг фарзанди бўлганингиз, Бойсун Шукур Холмирзаевдай ёзувчини тарбиялаб етиштиргани учун, қолаверса, дўстларимиз Усмон Азим, Эркин Аъзамлардай шоир-ёзувчиларни етиштириб чиқаргани учун ҳам алоҳида эътибор билан кузатганман. Ҳақиқатан ҳам қандайдир сеҳри бор Бойсуннинг...

Ш. Холмирзаев. Бор! Халиги... Ўзбекистондаги биринчи халқ ансамбллари ҳам шу Бойсундан чиқди-да! У ерда ўзига хослик бор.

Т. Юнус. У ердаги одамларнинг муносабатида, муомаласида қандайдир бошқача нарсалар сақланиб қолганининг шохиди бўлганман. Аммо 2—3 кунда англаш, ҳис қилиш қийин. Айтинг-чи, Бойсун нимаси билан Бойсун?

Ш. Холмирзаев. Бир нарсани айтиб ўтай. Усмон Азимнинг «Бойсун ҳақида ғамгин баллада» деб аталадиган балладаси бор. Ушани менга бағишлаган. Усмон, Бойсуннинг дараларини, кўкатларини, тоғларини, арчаларини, ўнгурларини севиш мумкин эканлигини сиз ёза бошлаганингиздан кейин ҳис қилган эдик, деганди.

Бойсун жуда қадимий ўлка. Унинг номи ҳақида минг битта гап бор. Асли ўзбек-қўнғирот тилида «Бойсин». Узимиз ҳам Бойсун демаймиз, Бойсин деймиз. Бу ер амирлик даврида жуда кучли бекликлардан бўлган. Бухоро амирлигининг жанубдаги дарвозаси ҳисобланган. Анвар пошшонинг жанг-жадаллари... Энг кучли қўрбошилар, лашкарбошилар шу жойларда ўтган. Абдулла Набиев ҳам ўша ерда ўлдирилган.

Энди... бу ўлгур, жуда қиройла жой-да! Бойсунтоғнинг ўзи еттига тизмадан иборат. Бирини Чўнтақтоғ, бирини Етимтоғ дейишади. Унинг табиатидай табиатни мен бошқа жойда кўрмадим. Ҳатто таърифлашга сўз топилмайди. Шу тоғлар билан боғлиқ яна бир нарсани айтиб ўтай.

Отамнинг вафотидан олти-етти йил ўтгач, онам бошини пана қилган. У кишини Орзиқул полвон дейишарди. Руҳлари шод бўлсин, яхши инсон эдилар. Чамаси 13 ёшларда эдим, отам қўлимга милтиқ тутқазиб, белимга ўқдон боғлаб қўядилар-да, эшакка миндириб, ёнингга ҳеч кимни яқинлаштирма, деб тоққа чиқариб юборардилар. Бир ўзим узоқ йўл юриб, отамнинг танишларини топиб борардим. Мирзабобо Абдуллаев деган киши бор эди. Шу киши белимдаги белбоғимни ечиб оларди. Белбоғда пул бўларди. Кейин билсам, улар шу пулга шафтолиқоқи, олмақоқиларни туяларга ортиб шайхарга юборишаркан.

Мен кечки пайт қайтардим. Қоронғи тунлар, бойқушлар, қуёнлар... Билмадим, эҳтимол ўша пайтларда Бойсун юрагимга чуқур кириб борган бўлса керак.

Т. Юнус. Шукур ака, сиз 1940 йилда туғилгансиз. Уша даврнинг шароитини, аҳволини ўзингиз яхши биласиз. 50-йилларнинг ўрталари... Сиёсатда урҳо-ур кетаётган пайтлар... Қизик, одамлар гангиб яшаётган даврда қандай қилиб сизда адабиётга ҳавас уйғонди?

Ш. Холмирзаев. Мактабда ўқиб юрган кезларимда Холмуҳаммад Қулниёзов ҳамда Зикир Умаров деган домлаларимиз бўларди. Менга адабиётдан дастлабки сабоқни ана шу кишилар беришган. Жуда фидойи одамлар эди улар. У пайтларда телевизор йўқ эди. Кинониям онда-сонда кўрардик. Битта кинови ҳафта давомида кўрсатишаверарди. Тўғриси, жонимизга тегиб кетарди. Суянганимиз фақат китоб бўлган. Бунинг устига менга момом раҳматли жуда кўп эртақлар айтиб берардилар. Гоҳо жонларига тегиб кетардим шекилли, эзма-чирик дердилар.

Шундай қилиб ёшимиз улғая борди. Мен саккизинчи синфгача, боя айтганимдек, яхши одамларнинг қўлида ўқидим. Негадир саккизинчи синфдан кейин ўқитувчиларимиз орасида бузилли бўлди. Бирини қувғин қилишди, бирини четга чиқариб қўйишди. Бири кўчиб кетди. Биз тайинли бир гапни билмасдик, лекин бу ҳодисалар кўнглимизга қандайдир туйғулар жойлади. Ана ўшундай кунларнинг бирида тоғда адашиб қолдим. Асли каклик овига чиққандим. Ов қилиб юриб, йўлни тополмай қолдим. Аксига олиб, тоққа қалин туман тушган. Хуллас, тоғда 3—4 соат қолиб кетдим. Қўрқдим. Кейин амаллаб қайтиб келдим-да... нимадир ёзгим келаверди. Уша кун «Хатарли сўқмоқда» деган ҳикоя ёздим. Узимизда «Ғалла fronti» деган икки саҳифали газета чиқарди. Улар «Ёшлар ижодидан» рукни остида эълон қилишди. Қарангки, худди шу пайтда мен билан мактаб ўртасида жанжал чиқиб қолди. Айтиб берайми?

Т. Юнус. Майли.

Ш. Холмирзаев. Пахтада бўлганимизда бир ўқитувчимиз синфдошимизни уриб чуррасини туширди. Мен деворий газета чиқарардим. Кейин амалгоям қизиққан пайтим, мактаб комсомол ташкилотининг котиби эдим. 400 комсомол бор эди. Ҳатто менга ойлик ҳам тайин қилишганди. Узим кичкинагина, шу... жикиллаб юрардим минбарлардан тушмасдан. Кейин мен конференцияда ҳисобот маърузаси қиладиган бўлдим. Конференция райкомнинг биносида ўтарди. Мени партком секретари Ҳайитова деган опамиз чақирди-да, Шукрулла, пахтадаги воқеани айтма. Узинг тушунасан, педагогнинг обрўси тушмагани маъқул, деди. Хўп, майли, деб чиқиб кетдим. Маъруза қиялман-у, ўртоқларимнинг кўзига қарайман. Уларнинг ҳаммаси бўлган воқеани кўрган-да. Уртоғимиз эса ногирон бўлиб Термизга кетди. Унга 10 сўмдан пул йиғиб ўзимиз кузатиб қўйганмиз. Ишқилиб, шу болани йўқлаб турардик.

Хуллас, минбардан қарасам, ҳамма менга тикилиб ўтирибди.

Т. Юнус. Ҳақиқатни айт деб...

Ш. Холмирзаев. Ҳа. Қандай қилиб мен ёлғон гапираман? Э, ўртоқлар, дедим, фалончи ўқитувчимиз ўртоғимизни майиб қилди, дедим. Шу одам президиумда ўтирибди, инсоф ҳам бўлиши керак-да. 30—40 та одам кўрган, бу киши эса мен қилмаганман деб турибди, дедим. Гапимни тугатмасимдан директоримиз пастга туш, деб ўшқирди. Мен минбардан тушиб кетдим. Директоримиз оғзидан кўпигини сачратиб, роса вайсади. Кувғинга учраб мактабдан ҳайдалиб кетган ўқитувчимиз Зиқир Умаровнинг номини айтиб, сени шу одам бузган, тўхмат қилгансан, деди. Мен чидай олмай мактабизгаям... дедим-да, кўпол бир гапни айтиб чиқиб кетдим. Чиқиб кетяпман-у ортимдан сен ўғри бўласан, палон бўласан, одам бўлмайсан, деган гапларни эшитдим. Шунда ортимга қараб, бор овозда: «Жўжани кузда санаймиз,» — дедим.

Шу гапим Бойсунда ҳалигача машҳур. Термиздаги муаллимлар олийгоҳида ишлайдиган домлаларим ҳанузгача кулиб эслайдилар. Шундай қилиб, мен у ердан чиқиб кетдим. Мактабгаям бормай қўйдим. Орадан уч кунлар ўтиб, ўртоқларим уйимга югуриб келиб қолишди. Зиёев деган бир одам мени Термиздан йўқлаб келибди. Термиз радиосининг бошлиғи экан. Келишган новча йигит эди. Ундан кейин шу ерда касаба уюшмасини бошқарди. Орадан бир йилча ўтиб, негадир ўзини осиб қўйди... Хуллас, Зиёев менинг ҳикоямни газетадан ўқиб, атайлаб излаб келибди. Мен уни район Бош врачининг уйдан топдим. Анча суҳбатлашдик. Бошимни силаб, сендан ёзувчи чиқади, бўшашма, ёзавер, деди. Газеталарда эълон қилишингда ёрдам бераман, деб айтди.

Қаранг-да энди, оддий бир мактаб ўқувчисига қандай эътибор. Умуман, мен тақдиримдан миннатдорман. Чунки олижаноб одамлар меҳр кўрсатишди. Уша оғир йилларда улар менга қанот, маънавий мадад бермаганларида, билмайман, бошқа одам бўлиб кетармидим?!

Т. Юнус. Шукур ака, Бойсундаги можаролар ўтиб, мактабни битирдингиз. Кейин бутунлай ўзга бир дунё бўлган Тошкент шаҳрига келдингиз. Талабалик йилларингиз, дастлабки жиддий машқларингиз ва таниқли ёзувчилар эътиборига тушишингиз... шуларни ҳам эсласангиз.

Ш. Холмирзаев. Эслаш кўп яхши! Келдим. Кирдим. Яхши баҳолар билан кирдим. Битта ўрисча диктантдан тўрт олдим, қолгани беш бўлди. Биринчи курсни ҳам битирдик. Омадни қарангки, иккинчи курсга ўтганимизда М. Қўшжонов тўғарак ташкил қилдилар. У киши адабий маҳорат соҳасида мутахассис эдилар. Шу тўғаракка Эркин ака Воҳидов, Иброҳим Ғафуров ва бошқалар қатнардилар. Уша кезларда М. Қўшжоновни ўзбекнинг Белинскийси деб аташарди. Тўғарак машғулотларининг бирида менинг «Куз ёмғири» деган ҳикоямни муҳокама қилишди. Ҳикоя домлага маъжул тушди. Эртага уйимга боргин, бафуржа гаплашамиз, дедилар. Эртаси куни домланинг уйига бордим. Домла урушда снайпер бўлиб хизмат қилган эканлар. Борсам милтиқ тозалаб ўтирибдилар. Менга беринг, тозалаб бераман, деб милтиқни қўлга олдим. Милтиқни қўлга олишим биланок, у киши менинг авваллари ов билан шуғулланганимни сездилар. Ушанда жарликларда ондатралар бўларди. Домла билан овга чиқдик. Домла жуда таъсирчан эканлар, йўлда кесилган нок дарахтини кўриб кўзларига ёш олдилар. Шу куни адабиёт ҳақида кўп гаплашдик. Сендан ёзувчи чиқади, тўғаракдан кетмагин, деб маслаҳат бердилар. Сен ҳам табиатни яхши кўр, сен ҳам йиғлашни ўрган, дедилар.

Домланинг бу гаплари менга гўё қанот бергандай бўлди. Тўғаракда жуда кўп нарса ўргандим. Буни қарангки, айна шу пайтда дорилфунунда драма тўғараги ҳам бор эди. Уни раҳматли Шукур ака Бурҳонов олиб борардилар. Биз мактабда ўқиб юрган кезларимизда ўзимизча спектакллар саҳналаштирганмиз. Ҳатто камина «Бой ила хизматчи»да Ғофир сиймосини яратган.

Т. Юнус. Умуман, 60-йилларда мактабларда шу нарса урф бўлган.

Ш. Холмирзаев. Ҳа, урф бўлган! «Оғриқ тишлар»гача қўйишган. Қандайдир санъатга ташналик бор эди одамларда. Ҳамма томоша қиларди. Кейин бу ерга келдик. Барибир санъатга қизиқиш бор-да кўнгилда, ўша тўғаракка бордим. Бир чеккада қисиниб ўтирдим. Шукур ака «Гамлет»ни саҳналаштириш иштиёқида юрган эканлар. Улар шу асарни қўйсам кейин тўғаракдан кетаман, деб айтган эканлар. Утирибмиз, қани сен бола, тургин, дедилар. Турдим. Қани, шеър-пер ўқиб бергин, дедилар. Ҳозир ёдимда йўқ, қандайдир шеър ўқидим. Тўсатдан, мен Гамлетни топдим, сен ўйнайсан, энди Офелияни топишим керак, дедилар. Сўнг мен Шукур аканинг уйларига бориб Гамлетнинг ролини ёзиб оладиган бўлдим. Бу Чўлпоннинг таржимаси эди. Шукур ака бировга айтмагин, бўлмаса майда-чуйда гаплар кўпайиб кетади, дедилар.

Умуман, Шукур аканинг санъатдан бошқа ташвиши йўқ эди. Бир куни уйларига борсам, оқаси, менга депутат бўлгин дейишяпти. Депутат бўлиб нима қиламан, мана, бантик боғлаб юрадиган (Олим Хўжаевни шундай дердилар) одам депутат бўлса, ана у ярашади. Мен ролдан бошқасига бўлмайман, деб айтибдилар.

Шукур ака туғма истейодд эдилар. Мен бу одамга сизинаман. Саволдан сал четлаб кетдим-а?! Хуллас, ундан кейин Офелия ролини Саидахон ўйнади. Чиройли ўйнади. Саидахон билан шу спектакль сабаб бир-биримизга кўнгил қўйдик.

Т. Юнус. Шукур ака, аниқлик киритиб кетсангиз. У киши ким бўладилар?

Ш. Холмирзаев. Саида, ўшанда фамилияси бошқача эди, у киши шарқ факультетида ўқирдилар. Ҳинд бўлимининг талабаси эдилар. Ҳозир ҳиндшунос, Ўзбекистон радиосида муҳаррир-диктор бўлиб ишлайдилар.

Т. Юнус. Яъни, сизнинг турмуш ўртоғингиз!

Ш. Холмирзаев. Менинг ўртоғим, ўшанда шу пьеса туфайли кўнгил қўйдик. Кейин тўйимиз бўлди. Буям тақдирнинг бир неъматиди.

Орадан кўп ўтмай М. Қўшжоновага биринчи қиссамни олиб бордим. Қиссани «Тўлқинлар» деб номлаганди. Домла ўша пайтда оғир эътиборда эдилар. Худди шу пайтда дорилфунунда талотўп бўлаётган, Қўшжонов тазийқ остига олинган кезлар эди. Домла шунга қарамай, касалхонада ётган бўлсалар ҳам асарни ўқиб чиқдилар. Тузук ёзиб-сиз, дедилар. Касалхонадан чиқар-чиқмай ўзлари қиссани «Шарқ юлдузи» журналига олиб бордилар. Ҳатто қиссага сўзбоши ёзиб бердилар. Шунинг кези келганда айтишим керакки, қисса буткул бошқа услубда ёзилганди. Ўшанда анча-мунча саводим кириб қолган, дунё адабиётидан хабардор эдим. Суюқ, шилта, йиғлоқ услубда эмас, анча яланғоч услубда ёзилганди. Асар журналда босилиб чиққандан кейин маълум бўлдики, кўпчилик адабиётшунос олимлар, танқидчилар бу услубни қабул қилишолмабди. Собир Мирвалиев ўшанда матбуотда эълон қилган мақоласида М. Қўшжонов истеъдодсиз бир ёзувчини қулоғидан тортиб адабиётга олиб кирмоқда, деган фикрни билдирганди. Унга қарши М. Олимов ва бошқалар мақолалар ёзишди. Ўшанда тўртинчи курсда ўқирдим. Домланинг менга кўрсатган ғажабдорлиги, шак-шубҳасиз, қанот берганди.

Шундай қилиб, қисса эълон қилинди, мен ўзимда йўқ хурсанд бўлиб юрибман. Бир кун болалар сенга Абдулла Қаҳҳордан хат келди, деб айтишди. Қарасам хат шундай: ҳаётни табассум билан тасвирлайсан, қисқаликка интиласан, палон-пистон деган. Хуллас, мақтаганлар. Менимча, номи тўғрима, ўйлаб кўр, деб хатни тугатганлар. Мен жуда хурсанд бўлдим. Биласизми, Тоиржон, ҳа, энди, катта ёзувчи бўлганидан кейин кичикларни бошини силайди-да, деган фикр хаёлимдан ўтди. Мен кўп яхши одамларга рўбарў келиб марҳамат кўриб катта бўлганим учун шундай, деб ўйлаган бўлсам керак-да?! Буни бир табиий ҳол, деб ўйладим. Аммо мутлақ табиий эмас экан. Бунақа одамлар битта-иккита ўтар экан. Кейин ўртоқларим Абдулла Қаҳҳор ҳузурига боргин, жуда бўлмаса бошим осмонга етди, деб хат ёзгин дейишди. Н. Фозилов ҳам шундай маслаҳат берди. Аммо боролмадим. Қандайдир журъат етмади. Орадан икки йил ўтди. Ўқиш битгач, мени «Еш гвардия» нашриётига ишга таклиф қилишди. Кейинроқ Учқун Назаров билан домланинг уйларига бордик. У киши унутмаган эканлар, э сенмисан, дедилар. Ҳа, мен дедим, аммо суҳбат давомида бир оғиз ҳам гапирмай ўтирдим. Шу одамга унча яқин бўлолмадим. Бир салобати босармиди? Бўлмаса қаранг, бу ерга тез-тез Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Учқун Назаров, Улмас Умарбеков, Уткир Ҳошимовлар келишар, домланинг ҳовлисида ош қилишарди. Даврада мен ҳам бўлардим, аммо суҳбатга аралашмасдим.

Т. Юнус. Бугунги кунда сиз элга танилган, минглаб мухлисларга эга бўлган ёзувчисиз. Адабиётни ўз қисматингиз деб билганингиз учун афсусланмайсизми? Айни пайтда санъатимиз оғир жудоликка учрамаганми?

Ш. Холмирзаев. Мен адабиётни қисматим деб аллақачон айтиб қўйганман. Буни ўзим биламан, Оллоҳ билади. Қисматим демаганимда, мен бу ерларда — ёзувчилар дала-ҳовлисида макон тутмай, хотин, бола-чақамнинг ёнида юрардим. Тузуккина рўзнома ёки журналга муҳаррирлик қилиш ҳам кўлимдан келади. Нима қилай, ҳаёт шундай бўлди. Боя айтдим-ку, мен чиқиб кетдим комсомол ташкилотидан, партиясидан ҳам, амалидан ҳам ҳаёт мени совутиб бўлганди. Менинг суянчиғим фақат адабиёт бўлиб қолганди. Шахсан мен бу йўлга кирдимми... йўқ, орқага қайтиб бўлмайди. Бошқача ҳаёт кечира олмайман.

Мана, ёшим ҳам элликдан ўтди. Мен шу йўлдан кетаман. Лекин бир нарсага афсус қиламан. Бу йўлдан кетган одам, бу руҳда тарбияланган одам рўзгордан қийналар экан. Мен яхши эр бўлолмадим, деб ҳисоблайман ўзимни. Яхши меҳрибон ота бўлолмадим. Ҳаётимнинг кўп дамларини адабиётга сарфладим. Бундан афсусланмайман. Хумори бўлиб қолганман. Ҳозир ижодкор учун қийин кунлар келди. Лекин нима қилай? Бошқача йўл тўтолмайман.

Т. Юнус. Шукур ака, мана, қарийб ўттиз йилдан буён ҳаётингиз адабиёт билан боғлиқ. Адабиётнинг ўзи нима? Унинг одамларга кераги борми? Адабиётсиз яшаса бўладими? Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Ш. Холмирзаев. Ўйлаганман. Жуда кўп ўйлаганман. Мен сизга савол беришим мумкин: булбул нега сайрайди? Бизга булбул одамлар учун сайрайди, деб ўргатишган. Йўқ, булбул ўзи учун сайрайди. Сайрамаса, ўлади. Менимча, адабиёт ҳам шундай. Бу бир табиий тўғу. Ибтидоий одам бировни тарбия қилай, деб суратлар чизгани йўқ. У табиатга тақлид қилган. Дарвоқе, Арасту ҳам шундай фикр билдирган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда адабиёт ҳам шундай. Бу бир эҳтиёж. Тинглаш ҳам, завқланиш ҳам инсоннинг табиатидан келиб чиқадиган эҳтиёж. Шу боис мен адабиётни ҳам эҳтиёж санъати деб биламан. Кейинги йилларда унинг жанрлари, турлари кўпайиб борапти.

Мана, эссе пайдо бўлди. Романи ўрслар Овруподан олишди. Бизда қисса жанри пайдо бўлди. Роман кириб келди. Тармоқланиб кетяпти. Бу жараён давом этиб кетаверар экан. Лекин бунинг ҳаммаси эҳтиёж амри бўлиб қолаверади.

Т. Юнус. Янглишмасам, 60-йилларнинг ўрталарида янги йил арафасида «Ўзбекистон маданияти» газетасига берган интервьюнгизда янглишмаган ёзувчиларга ҳавас қиламан, деб айтгандингиз. Мана, орадан салкам 30 йил ўтиб шу масалага аниқлик киритсак, деган умиддаман. Ушанда нимани назарда тутгансиз?

Ш. Холмирзаев. Яхши эслатдингиз... Ҳақиқатан ҳам янглишмайдиган ёзувчиларга ҳавасим келади. Битта услубни топиб олиб, ўша услубда умр бўйи «крутить» қиладиган ёзувчиларга ҳавасим келади, гашим ҳам келади, раҳмим ҳам келади. Ўйламайди. Биласизми, ёзувчи, ҳарқалай, ўзи учун ёзади. Аммо унинг бошқа роҳати ҳам бўлади. Аиниқса, ёзгани бошқаларга ёқса, о бунинг роҳати... Бироқ ижодкор ўсиб боргани сари ўзини бу услуб қаноатлантирмаслиги керак. Иккинчидан, шу касбни тутдингми, дунё адабиётидан хабардор бўлишинг лозим. Масалан, бир неча романчилик мактаби бор. Нега шуни босиб ўтмаслик ёки ўрганмаслик керак? Бир пайтлар ҳинд адабиёти билан шуғулланганман. Кейинчалик рус адабиётини синчиклаб ўргандим. Тургенев, Шолоховнинг жинниси бўлиб қолганман. Ҳозир уларни ўқимай қўйганман. Айтайми, нима учун? Шолохов, масалан, шундай деб ёзади: «Мана, бу ердан шамол эсди, кўкатларни учириб кетди, улар эса ертўлада гаплашиб ўтирарди». Эътибор беринг, ташқаридаги гапнинг ертўладаги суҳбатга нима алоқаси бор? Бутун «Тинч Дон» шундан иборат. Тургенев домланинг асарлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Хуллас, мен бундай адабиётлардан кечдим. Адашиб-адашиб, барибир, ўзимизнинг адабиётимизда қандайдир бошқача руҳ борлигини сездим. Ёзувчи миллат руҳидан келиб чиқмаса, бўлмас экан. Энди бир ҳисобда ўша янглишишлар ҳам фойда берган. Ана ўшанда менинг адашиб юрган пайтларим эди. Ҳозир ҳам баъзи одамлар адашиб юришибди. Лотин Америкасидами-ей... Улар ҳали ўзбекка қайтгани йўқ. Ўзлигини топгани йўқ улар.

Т. Юнус. Шукур ака, ёзувчилик касбми ё худо томонидан берилган иноятми? Умуман, ёзувчиликни бошқа бировга ўргатиш мумкинми?

Ш. Холмирзаев. Ҳа... Иккита савол экан-а? Абдулла Қаҳҳорга ҳам шундай савол беришган. У киши айтадики, ёзувчилик касбмас, ҳунар. Қаҳҳор домланинг ўзлари шундай уста эдилар. Баъзан ҳунар деб қараганлари ҳикояларидан сезиладди. Шундай ишлайдиларки, жумлаларнинг жонини суғуриб оладилар. Ички руҳига пугур етган. Мен бугунги кунда бундай наслни ҳазм қилолмайман. Аксинча, бутунлай бошқача фикрга келдим. Ёзувчилик касбмас, бу қисмат. Оллоҳ берган яна нимадир бўлар экан, лекин мен бунди қисмат, деб билдим. Ургатиб бўладими, дейсиз. Йўқ, бунди ўргатиб бўлмайди. Ўзида бўлса, тинимсиз ишласа ёзувчи бўлади. Йўқса, минг ўргатинг, гўр ҳам бўлмайди.

Т. Юнус. Сизни адабиётшунослар жуда сирқирра ижодкор дейишади. Романлар, қиссалар, бир қанча эсселар ёзгансиз. Кўп мақолалар эълон қиласиз. Сизнинг катта жанрдаги ижодингизни камситиш ниятида эмасман, лекин ҳикояларингиз машҳурроқ. Ҳатто жуда кўпчилик сизни Абдулла Қаҳҳордан кейинги ягона ҳикоянавис деб айтишади. Бунди ўзингиз биласизми?

Ш. Холмирзаев. Биламан шуни! Шундай эканлигимни биламан. Мен ҳикоя бобида жуда кўп машқ қилдим. Баъзи ҳикояларимни ўн марталаб ёзганман. Лекин чиқаролмаганман. Ростини айтиш керак, баъзи ёзувчилар ҳали ҳикоянинг кўчасидан ўтмай туриб, ёстиқдай қўлёзмасини роман деб журналларга олиб боришади. Бальзак битта роман ёзишдан олдин бешта романинг бошига етган. Шундай экан, нега машқ қилиб кўрмаслигимиз керак? Ҳозир 4—5 романим бор. Сўнггиси, «Олабўжи» ўтган йили «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинди. Шу асарнинг жанрини романдан катта ҳикоя деб белгиладим. Бу нарсани ўзимни ўзим алдаш учун қилдим. Роман десам, воқеалар тармоқланиб, сочилиб кетадигандек туюлди. Агар ҳикоя десам, демак, мен ўзимни тия биларканман. Барибир, шундай бўлса ҳам 400—500 қоғоз бўлиб кетди. Назаримда, ҳозирча энг яхши романим шу бўлса керак. Шунинг учун ҳам «Йўловчи», «Қилкўприк» романларимдан кечдим. Мабодо насиб этиб, сайланма асарларим нашр этилса, бир жилди «Ҳикоялар», иккинчи жилди «Олабўжи» романим бўлади.

Т. Юнус. Ўзингизга ортиқча талаб қўймаясизми?

Ш. Холмирзаев. Ўзимни алдаёлмасам, нима қилай?

Т. Юнус. Сиртдан қараганда ҳикоя ёзиш осон кўринади. Баъзи ёзувчилар бир зарбда ёзиб ташлайдилар. Бошқалар эса қийналиб ёзадилар. Сизда бу жараён қандай кечади?

Ш. Холмирзаев. Мен ҳозир «Қирқ оға-ини» деган 40 та ҳикоя ўйлаб қўйганман. Тунлари уйғониб кетиб, қоронғуда ўйлашни яхши кўраман. Чироқни ўчириб, сигаретни тутатиб минг бир хаёлларга бораман. Шу пайтларда ёзилажак ҳикоямни пиштаман. Ён дафтаримда минглаб қайдлар, қандайдир хулосалар бор. Ана шу қайдларда қандайдир ҳикоя яширин эканлигини ҳис қиламан. Одамнинг кайфиятига кўп нарса боғлиқ. Кайфият туфайли, бояги қайдлар сабаб бўлиб туйқусдан миямга алланарсалар келади. Тун узун, чекиб-чекиб пиштавераман. Энди бўлди, ёзмасам бўлмайди, деган хулосага келганимдан кейин ёзув столимга ўтираман. Ҳикоя қачон ўйланган, қачон пишган,

буни мен билмайман. Чунки бу жараён йиллар давом этиши мумкин. Лекин тез ёзаман. Сизга бир сирни айттайми?

Т. Юнус. Айтинг!

Ш. Холмирзаев. Ўзимга ёққан ҳикояни матбуотга бергим келмайди.

Т. Юнус. Нега?

Ш. Холмирзаев. Одам севган аёлини рашк қилади-ку... Менда шундай туйғу бўлади. «Кўк денгиз» деган ҳикоямни ёзиб бўлганимдан кейин шундай бўлди. Гўё матбуотга берсам сотқинлик қилгандай бўламан. Лекин тирикчилик-да! Тирикчилик ўтмай қолади. Айниқса, ҳозир оғир. Ишонасизми, ўша ҳикоя учун 130 сўм пул олдим. Олти ой ёздим. Менга 130 сўм беришди. 130 сўмга ўша пайтда 10 дона сигарета берарди. Ҳозир 130 сўмга бир дона сигарет олсангиз хўп-хўп...

Т. Юнус. Шукур ака, ижодингизни асосан ҳикоя ёзишдан бошлагансиз. Қиссалар, романлар яратдингиз. Роман жанрига қўл уришингизга нима сабаб бўлди? Ҳикоядаги имкониятларингизнинг доираси камлиги учунми ё қалин-қалин романлар қоралаб ташлаётган ҳамкасбларингизга ҳақиқий роман қандай бўлишини кўрсатиб қўйишмиди?

Ш. Холмирзаев. Йўқ, бўлмаган гап! Яқинда Шодмонбек Отабоев мени роман ёзиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман, деб ёзибди. Кимга кўрсатиб қўясан? Кўрсатиб қўйганинг билан тузаладимиз шу? Ҳеч нарса бўлмайди! Ҳикоянинг каттасини мен роман деб атадим. Четдан келган жанр бу. Катта ҳикоя бу. Шундай деб қарашимиз керак.

Т. Юнус. Маълум бир вақт ўтганидан кейин ўзингизнинг асарларингизни ўқиб турасизми? Агар шундай бўлса, бугунги кунда ҳеч бир азобсиз воз кеча оладиганларингиз борми?

Ш. Холмирзаев. Бор! Баъзи нарсаларимни ўқиганимда ўзимдан ўзим уяламан. Тасвир, тил... ҳаммаси жўн кўринади. Лекин ҳикояларимни яхши кўраман. Уларнинг ҳеч қайси бирини чиқитга чиқариб ташлай олмайман. Фақат айтганимдек, романларимнинг белини тирсаклаб қўйдим.

Т. Юнус. Сизнинг ижодингизни билган китобхон бир нарсага эътибор қилади. Айтайлик, 60—70-йиллардаги ва 80—90-йиллардаги ижодингизни алоҳида бир босқичлар деб қарасак, бир нарса аён бўлади. Дастлабки босқичда ёзилган асарларингизда табиат ва ҳайвонот олами мавзуси кўп учрайди. Кейинги босқичларда, айниқса, кейинги йилларда инсонни асраш, инсон экологияси муаммоларига оид кўп ҳикоялар ёза бошладингиз. Буни қандай тушуниш керак?

Ш. Холмирзаев. Инсоннинг яшаш қонунлари оддий ҳайвонларнинг яшаш тарзидан унча фарқ қилмайди. Ҳайвонларнинг руҳиятини қанча кўп ўргансангиз, инсонни шунча кашф этаркансиз. Нафақат одамни, балки ўзингизни кашф қила бошларкансиз. Менинг шу нарсага ақлим етди. Умуман, табиатни яхши кўрадим. Шунинг учун кўпроқ табиат ҳақида ёзган бўлсам керак. Кейин мен одамни ўзим орқали ўргандим. Аввал одамни ўрганишдан кўрққан пайтларим бўлган. Чунки мен қаҳрамоним нима ўйлаётганини билиб турардим. Аммо адабиётда кўрмаганман-да. Кўрсатилган йўллар мени қаноатлантирмаган. Шунинг учун кўрққангиздан асарни кўпроқ диалогларга қурадим. Орадан йиллар ўтиб инсонни ўрганиб олганимдан кейин кўрқмайдиган бўлдим. Бу жуда муҳим нарса. Э. Хемингуэй ўлимни ўрганиш учун, ўлимолди туйғуларини англаш учун Мадрид урушига борди. Оёғидан ажралишига сал қолди. Самолётларда фалокатга учради. Мана шу ёзувчи кейин ўз асарларида жуда моҳирлик билан шу нарсалардан фойдаланган. Атай шундай қилган. «Мис Мерининг шери»ми «арслоними» асари бор. Шундан у ўзини очиб юборган. Асар буткул ўйлардан иборат. Роҳатланиб ўқийсиз. «Чол ва денгиз»ни ҳам ёзувчи роса етилган пайтда ёзган. Аввалги асарлари «я сказал, ты сказал»дан иборат.

Нима дегандингиз? Мен чалғидим шекилли? Ҳа... Мен одамни аниқ кашф эта бошлаганимдан кейин у ҳақда ёза бошладим. Мана, яқинда «Кўёш-ку фалакда кезиб юрибди» деган ҳикоямни эълон қилдим. Ҳикоя қаҳрамони шоир йигит. У қадриятларнинг вайрон бўлиши мангу қадриятларнинг оёқости бўлишига олиб келганини ҳазм қилолмайди, азобланади, оғир изтироблар чекади. Олисларга юз буриб кетади. Лекин охир-оқибатда яшаш лозимлигини англайди. Мана, табиат билан одамнинг муносабати. Бу менинг қўйилиб, одам бўлган пайтимда ёзган ҳикоям.

Т. Юнус. Шукур ака, сиз босмачилар мавзусида қалам тебратган ёзувчиларимиздан бирисиз. Бу мавзу «Қилкўприк» романингизда ҳам, бундан етти-саккиз йил аввал саҳна юзини кўрган «Қора камар» номли пьесангизда ҳам бор эди. Шу пьеса сабаб Ҳамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдингиз. Орадан йиллар ўтди. Бугун босмачилар ҳаракати ҳақида бошқача тасавурларга эга бўла бошладик. Умуман, сизнинг ўша пайтларда ёзган асарларингиз бугунги кун сиёсатига тўғри келиб турибди. Саволим шуки, мабодо пьесани қайта қўлингизга олсангиз, ўзингизнинг кўнглингиздаги ҳақиқатни қайта туширишингиз, алланарсаларни янада ойдинлаштиришингиз, сайқал беришингиз мумкинми?

Ш. Холмирзаев. Йўқ. Орадан анча йиллар ўтганидан кейин қайта ишлаш одатим йўқ. Феълимни биланман. Қайта ишлаш бошласам, бутунлай чиқитга чиқариб юбораман. Бор нарса ҳам йўқ бўлади.

«Қора камар»ни яхши эслатдингиз. Биласизми, баъзан бир неча олимлар, Баҳодир Йўлдошев, мен, яна уч-тўрт киши учрашиб ҳангома қилиб ўтиргимиз келса, Абулқосим мадрасасига борардик. Уша ерда ўтириш бошқача кайфият беради-да! Бир чеккада Абдулла Қодирийнинг таҳсил олган ҳужраси бўларди. Шу ерда босмачилар ҳаракати ҳақида мен жуда очилиб-сочилиб гапирганман. Баҳодир жуда зийрак йигит-да, ҳозирги айтганларингизни ёзиб бераоласизми, деди. Сиз қўёлсангиз ёзиб бераман, дедим. Эртага пьесани театрда кутаман, деди. Хуллас, ўша куни уйимизга тарқалдик. Эртаси куни пьесани театрга олиб борганман. Уч кундан кейин қарасам, саҳнага чиқибди.

Т. Юнус. Пьеса бир кечада ёзилганми?

Ш. Холмирзаев. Ярми бир кечада ёзилган. Ярмини анча қийналиб ёзганман. Бу нарса ҳаммамизнинг кўнглимизда бор эди, аммо... Юрак ютиб айтадиган одамлар кам эди. Мана, Мамадалида юрак бор экан, ҳар ҳолда ёзди. «Улмас қоялар» асари бадий жиҳатдан жуда саёз, лекин жасорат билан шу ишни қилди. Биз ҳам ўша пайтда билиб-билмай жасорат қилганмиз. Бунинг учун Баҳодирдан миннатдорман.

Т. Юнус. Шукур ака, суҳбатимиз якунланиб қолди. Мен сизга анъанавий саволимизни бермоқчиман. Оддий инсон Шукур Холмирзаевнинг давримизни таниқли ёзувчиси — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевга қандай эътирозлари бор? Ёки акси?

Ш. Холмирзаев. Ёзувчи сифатида одамига эътирозим бор. Шу... боя айтдим. Рўзғор, оила, фарзанд, ота-она... иккинчи даражага тушиб қоларкан. Мана шу нарса ўқинтиради. Эзилиб кетаман. Лекин бошқача йўл тўтолмайман.

Ёзувчи сифатида унга эътирозим йўқдир-ов! Ҳалиги одамига сен нега бунақа бўлиб кетдинг, дейиш мумкин, лекин ёзувчисига эътирозим йўқ.

Т. Юнус. Асарларингиздан хабардор бўлмаган одам кўп, сиз шунча гапирдингиз, биродар, машҳур ёзувчи экансиз, лекин бир сўз билан айтганда одамларга қандай айтадиган тилагингиз бор, дейишса, нима дердингиз?

Ш. Холмирзаев. Яхшилик! Яхшилик! Яхшилик худосини қўллайлик! Айтадиган гапим шу.

Т. Юнус. Раҳмат, Шукур ака! Саломат бўлинг. Мен кўп сонли мухлисларингиз номидан сизга катта миннатдорчилик билдираман.

Ш. Холмирзаев. Аввало йўқлаганингиз учун сизга ташаккур! Мен бу гапларни оддий суҳбат эмас, ҳасрат деб биламан. Шу ҳасратларимни ўқувчиларга етказажакларингиз учун раҳмат!


«Ютоққан одамлар». Х. хоним дуч келган нарсани ютиш касалига йўлиққан, 42 ёшида ошқозони оғриётганидан шикоят қилган. Маълум бўлишича, у 2533та турли хил нарсаларни, шу жумладан, 947 та тўғноғични ютиб юборган экан. Канаданинг Онтарио клиникасида 1927 йил июнь ойида докторлар Чок ва Фукар аёлнинг ошқозонини операция қилиб, бу лаш-лушларнинг ҳаммасини олиб ташлаган. 1985 йил май ойида эса, Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳридаги «Грот-Шуур» клиникасига шундай касал билан эркак киши тушган. Унинг ошқозонидан 212 та турли нарсалар чиққан. Булар орасида 53 та тиш чўткаси, 2та телескопик антенна, 2та соқол оладиган писқа ҳамда 150 дона соқол приборлари чиққан. АҚШда эса 24 яшар телба аёл касалхона эшигидаги 12,7 см.ли темир лўкидонни ютиб юборган. Қизиғи шундаки, лўкидон ошқозон, ўн икки бармоқли ичакдан «омон-эсон ўтиб», чиқиб кетган. Фақат унинг оғирлигидан тувак синиб қолган.

**«ГИННЕСНИНГ
МУЪЖИЗАЛАР КИТОБИДАН»**

«Қилдек» хотин, «филдек» эр. Уйқу жой танламас, муҳаббат — чирой, деган мақол бор. Севги ҳусн ҳам, ёш ҳам танлаб ўтирмаслигини биласиз. Лекин келин-куёвнинг қадди-қомати бир-бирига мос бўлгани яхши. Бироқ Жон Бровер Миннок ва унинг хотини Жаннетт масаланинг бу жиҳатига ҳам эътибор беришмаган. Миннокнинг вазни 589 кило, хотиники эса бор йўғи 50 кило бўлган. Шунга қарамай, хоним эрига икки нафар қилчдек ўғил туғиб берган.

Энг кўп ухлаган одам. Днепропетровск вилоятининг Могилёв қишлоғида 1920 йили туғилган Надежда Артёмовна Лебедина дунёда энг узоқ ухлаган одам саналади. 1954 йили у эри билан уришиб қолиб, уйқуга кетган. Шу ухлаганча 1974 йилда уйғонган. Уни текширган дўхтирларнинг айтишича, 20 йиллик уйқуси мобайнида аёл соппа-соғ бўлган.

Энг «сертош» одам. 1987 йил август ойида Британиянинг «Уортинг» госпиталида ишловчи дўхтир К. Виттл Мартин 85 яшар бемор аёлнинг ўт қопчасидан 23 минг 530 та тош олиб ташлаган.



Маҳмуд Ражаб

ЮРАГИНГДА МИСОЛИ БИР ГУЛ

Асл шоирларнинг шеърларида,
сўзларни-ку қўя турайлик, ҳар
оҳанг, ҳар товушнинг теран маъни-
си, англашиқсиз бир сеҳри бўлади.
Бундай шоирлар сиёҳнинг бир қат-
расини ҳам увол қилмай, руҳий
салтанатлар яратдилар, ҳеч қан-
дай зўрма-зўракиликларсиз маъна-
виятимизга султон бўлиб оладилар.
Инсон маънавияти эса шундай бир
фуқароки, унинг муносиб султон-
лари кўп бўлгани яхши.

Биз, хоразмлик шеърхонлар,
Маҳмуд Ражабнинг шеърларини
ёзилгани заҳоти ўқиб, тинглаб, ал-
лақачон мухлис бўлиб улгурган-
миз. Давраимизни тагин-да, кенгай-
тириш истагида, унинг шеърларини
азиз «Шарқ юлдузи»га тавсия қи-
лаётиман. Қолаверса, шоир учун
энг юксак мукофот ҳам — унинг
ўқиладиган шеърдир.

Матназар АБДУЛҲАКИМ

Булбул боғимизга кўплаб ўтади,
Ҳазон гулимизни четлаб ўтади,
Ҳижрон устимиздан ҳатлаб ўтади,
Сен менинг ёнимда бўлганда, жоним.

Қуёш ҳар саҳарда ийманиб чиқар,
Ой ҳам тун бўйи жим ўйланиб чиқар,
Осмон чимилдиққа айланиб чиқар,
Сен менинг ёнимда бўлганда, жоним.

* * *

Онадан буюкроқ
қўшиқчи бўлмайди оламда.
Алладан сеҳрли
кўшиқлар яралмас ҳеч қачон.
Йўқдир бу оламда, мутлақо,
гўдақдан фаҳмли тингловчи.

* * *

Қаро эди тунларим
йўлимдан адаштирди.
Ёруғ эди кунларим
кўзимни қамаштирди.

Тонг отарда кўзимга
бир ширин оғу солдим.
Афсус, ҳамма нарса
кун боғар чоғ кўролдим.

* * * *

Мен дедим: кўз ёшим артмагин,
Қўлингни ачитар заҳарим.
Сен дединг: лабимдан тотмагин,
Тилингни ёради шакарим.
Мен дедим: жонгинам, сен учун
Бўйинимга олганман ўлимни.
Майлига ёрилиб бўлсин хун,
Қўй, жоним, қайғурма тилимни.
Сен дединг: ҳижрон бу — ўлимдир,
Жонингни асрайин, паноҳим.
Мен дедим: муҳаббат — йўлимдир,
Бу йўлда жон асраш — гуноҳим.

Сўлмасман мен сендан йироқда,
Сарғайиб кузги гул баргидай.
Жон омон қолса гар фироқда,
Сўнг сенга беришга арзигаЙ.

Беқарорлик

Ўзгармас қарорим беқарорликдир,
Бир шоҳада тура олмайман, доим.
Ўтириб олганим шох қуриётса,
Гуллаган шохларга ўзгарар жойим.

Янада беқарор бўлурман баттар,
Тарози устига чиқмоқчи чоғим.
Нисбий бўлса агар адолат, ўлчов,
Икки паллададир икки оёғим.

Негаки...

Жийрон отим, саман отим, йўрға отим,
Аравага қўшилмаган бебош отим.
Мен сени фақатгина силаб-сийпайман.
Сен менга эркаланасан,
негаки, қўлимда қамчи йўқ,
Қўлимда қамчи йўқ,
негаки,
юкли арава йўқ сенга қўшилган,
йўл ҳам йўқ арава юра олгудек.

Йўқлов

Ҳажр отлиғ саҳрода кун-бакун,
Кимсасиз қасрдай нурайман.
Мен сени мангуга жим ётган,
Кар-соқов саҳродан сўрайман.

Қайдасан? Осмону фалақни,
Ўз дуди, оҳимга ўрайман.
Олис-олисларда порлаган,
Хув ўша Зухродан сўрайман.

Келақол, сенга жон топширай,
ЎлолмаЙ йўлингга қарайман.
Азизам, ҳар кунИ, ҳар нафас,
Мен сени худодан сўрайман.

* * *
Умр қисқарган сайин орзу улғаяр.
Келгуси йил — кичкина орзу.
Келгуси ой, келгуси кун, келгуси соат,
Ниҳоят, энг буюк орзу — келгуси нафас!

* * *

Милтиқ кўтарилиб, ҳуркитар бирдан
қаноти бор ҳамма нарсани.
Қушлар талвасада учар, фойдасиз,
ўқ барибир қувиб етади.
Шунда, бирдан қайдандир келиб,
Милтиқнинг учига қўнар ниначи.

Ўтинч

Унут, жоним, борлиқни бирпас,
Йўқликни ҳам унут бир йўла.
Улар ўйларингга арзимас,
Биз зумгина сен мени йўла.

Ишқим менинг барқ уриб ўссин,
Юрагингда мисоли бир гул.
Гулни босган ёввойи ўтдек
Хотирангдан барчасини юл.

Барчасини унутган онинг,
Сен сари бахт келмоғи тайин.
Хотирангда бир нафас, жоним,
Ёлғизгина ўзим яшайин.

Орзу

Қошу кўзинг, яноқларингни
фақат орзу қиламан, орзу.
Яна орзу қиламан, яна
орзуйимга етишмасликни.
Тагин орзу қилавераман
сени кўпроқ орзу қилишни.

Гурлан





Озод Шарафиддинов

«АДАБИЁТ ЯШАСА— МИЛЛАТ ЯШАР...»

(Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашларига доир)

Ҳар қандай чинакам истеъдод соҳиби каби Абдулҳамид Чўлпон ҳам ижоднинг деярли ҳамма соҳаларида самарали фаолият кўрсатган. У ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург, ҳам таржимон, ҳам мақоланавис бўлиши билан бирга, баркамол мунаққид, моҳир адабиётшунос, ўзига хос тарзда фикрлайдиган санъатшунос ҳам эди. Унинг бадий асарлари халқ маънавиятини шакллантиришда қанча муҳим ўрин тутса, адабий-танқидий мақолалари ҳам шунчалик катта қимматга эга. Аммо истибдод замонида Чўлпон ижодини ўрганиш у ёқда турсин, номини тилга олиш тақиқлангани учун кенг жамоатчиликкина эмас, ҳатто адабиётшунос мутахассислар ҳам Чўлпон ижодининг бу қирраси тўғрисида ғоят мавҳум ва туманли тасаввурга эга эдилар. Фақат сўнгги йиллардагина Ш. Турдиев, Н. Каримов, Б. Дўстқороев, М. Олимов, У. Долимов, З. Эшонова, Д. Қурононов, У. Султонов каби адабиётшуносларнинг ҳаракати билан Чўлпоннинг инқилобдан олдин ва кейин чоп этилган, ҳозир эса топилиши амри маҳол бўлиб қолган журналлар ва газетларда сочилиб ётган адабий-танқидий асарлари илмий муомалага кира бошлади. Сурхондарёлик ёш тадқиқотчи Н. Йўлдошев эса биринчи марта Чўлпон мақолалари рўйхатини тузиб чиқди. Унда кўрсатилишича, шоирнинг 1914—1937 йиллар мобайнида чоп этилган адабий-танқидий мақолалари ҳозирча 63 та экан. Изланишлар давом эттирилса, бу рақамнинг кўпайиши турган гап.

Чўлпон ўзини профессионал мунаққид ёки муайян академик қоидалар асосида иш юритувчи адабиётшунос олим деб ҳисоблаган эмас. У эстетика бобида, санъат назариясида янги саҳифа ҳам очган эмас, жаҳон санъатини ва санъатшунослигини батамом янги йўللарга буриб юборадиган тугал таълимот ҳам яратмаган. Шунга қарамай, янги ўзбек адабиёти тарихини Чўлпоннинг адабий-танқидий фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Янги ўзбек адабиётини шакллантиришда, 20—30-йиллардаги ғоят мураккаб ижодий курашлар муҳитида изчил реалистик услубнинг устиворлигини таъминлашда Чўлпон катта хизмат қилган. У мунаққид сифатида, биринчи навбатда, адабиёт ва санъатнинг амалий масалалари билан шуғулланади, янада аниқроқ айтсак, шоир маънавий ривожланиш асосида адабий жараён олдидаги долзарб муаммоларга жавоб топишга, адабиётни ўз даврининг илғор ғоялари билан бойитишга, Шарқ ва Ғарбнинг бебаҳо тажрибасини янги ўзбек адабиётига олиб киришга интилади.

Чўлпоннинг адабий-танқидий мероси улўф адиб шахсиятини, эътиқоди ва дунёқарашини ўрганишда, ижтимоий ҳаётдаги муҳим нуқталарга унинг муносабатини аниқлашда, ижодий йўлини тўлароқ ёритишда ҳам ғоят аҳамиятлидир. Бу меросни муайян тартибда ўрганиш натижасида Чўлпоннинг ғоявий-эстетик юксалиши қандай кечгани ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Ҳатто «ижтимоий тузум ва истеъдод» деган муаммони қўйиб, Совет воқелиги Чўлпоннинг санъаткор сифатида ўсишига қандай таъсир этганини, бир адиб қисмати мисолида мустабид тузумнинг чинакам истеъдодга қанчалик душман эканини тўлароқ тасаввур этамиз.

Чўлпоннинг биринчи танқидий асари «Адабиёт надур?!» деган мақола бўлиб, «Садон Туркистон» газетасида 1914 йил 4 июнь кuni зълон қилинган. Бу — Чўлпоннинг матбуот юзини кўрган илк асари. Чўлпон уни 16 ёшида ёзган. Мақола шаклан ихчам бўлса-да, мазмунан ғоят теран. Ундаги фикрлар ва мулоҳазалар шу қадар пишиқки, 16 яшар ўсмирнинг шунчалик тийрақлик билан қалам тебратганига қойил қолмай иложингиз йўқ. Фақат фавқулдда иқтидорга эга одамгина 16 ёшида тафаккурнинг бунчалик юқори поғоналарига кўтарилиши мумкин. Сарлавҳани ўзиданоқ аён кўриниб турибдики, мақола жуда муҳим масалага бағишланган. Адабиёт дунёга келгандан бери Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам не-не буюк истеъдод соҳиблари «Адабиёт, санъат надур? Унинг кимга кераги бор? Санъаткор ким? У жамият олдида бурчдорми? Бурчдор бўлса, бу бурч нималардан иборат? Бурчдорлик билан ижод эркинлиги ўзаро қандай чиқишади?» каби муаммоларга жавоб излашган. Кўриниб турибдики, булар ижоднинг ҳаёт-мамот масалалари, санъаткор уларни лоақал ўзи учун ҳал қилмай туриб, эътиқод қилиб олса арзийдиган эстетик мезонларни аниқламай туриб, самарали ижод қилолмайди. Лекин шунга қарамай, адабиёт ва санъатнинг етакчи хоссаларини қамраб оладиган, даврлар учун баравар маъқул бўладиган оммабоп таъриф, мукаммал жавоб топилгани йўқ. Буюк санъаткорларнинг қайдларида ҳам масаланинг айрим жиҳатларигина, адабиёт ва санъатнинг айрим хислатлари, айрим фазилатларигина ифода-ланади.

Табиийки, Чўлпон ҳам адабиёт оламига қадам қўйиши биланоқ шу муаммога рўпара келди ва унга жавоб қидиришга мажбур бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, Чўлпон ўз изланишларида ёлғиз эмас эди. Худди шу даврда бошқа ўзбек зиёлилари ҳам «Адабиёт надур?!» деган муаммога жавоб ахтаришган. Масалан, қўқонлик машҳур маърифатпарвар, «Ашъори нисвон» мажмуасининг муаллифи Иброҳим Даврон 1909 йилдаёқ «Туркистон вилояти газетаси»да «Шоир надур?!» деган мақола эълон қилади. Адабиётшунос Беғали Қосимовнинг таъкидлашича, 1914 йилда Мир-муҳсин Шермухамедов билан Саидхамд Васлий ўртасида адабиётнинг моҳияти, вазифалари ва жамият олдидаги бурчи тўғрисида баҳс-мунозара бўлган. Қолаверса, бундай изланиш туркистоннинг бошқа жойларида ҳам мавжуд эди. Худди шу йилларда қўшни Қозоғистонда ҳам, Озарбайжон ёхуд татарлар орасида ҳам адабиётнинг моҳиятини излаш, унинг жамият ҳаётидаги, миллат равнақидаги аҳамиятини аниқлаш ҳаракати анча ажойиб олданда. Натижада, «Адабиёт надур?!» деган мангу саволга турли минтақларда бир-бирига яқин жавоблар пайдо бўла бошлади. Озорбайжон адиблари Жалил Мамадқулизода, Абдурахим Ҳақвердиевларнинг, татар ёзувчилари Абдулла Тўқай, Олимжон Иброҳимовларнинг XX аср бошларида чоп этилган мақолалари фикримизнинг далилидир. Шу ўринда бир мисолга мурожаат қилайлик: таниқли қозоқ журналисти, маърифатпарвар ва демократ М. Сералин ўзи муҳаррирлик қилган «Айқап» журнаlining 1922 йилдаги 1-сониде ёзади: «Тил ва адабиёт халқнинг қалби ва руҳидир... адабиётсиз халқ забонсиз боладай гап. Бундай бола бошқаларга ўзининг дарду қувончларини гапириб беролмайди. Халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган энг кучли восита тил ва адабиётдир. Ўз адабиётининг ҳақиқий қадр-қимматини билган халқларнинг фарзандларигина ўз тилини чинакам ардоқлай олади. Қозоқ халқининг ўз тили ва ўз адабиёти бор... бизнинг бурчимиз унутилиб ётган улкан хазиналарни юзага олиб чиқиш ва ҳаммининг мулкига айлантиришдир». (Матн «Дала вилоятининг газети» китобидан олинди. Олма-Ота, «Илм» нашриёти, 1990 йил, 17-бет.)

Энди Чўлпонга қайтамыз. Ёш мунаққид «Адабиёт надур?!» мақоласида, биринчи навбатда, сўз санъатининг ижтимоий моҳияти тўғрисида фикр юритади. Унинг фикрича, адабиёт миллатни тараққий эттириш воситаси, маънавиятини таъминлайдиган омил. Чўлпон бу хулосанинг чинлигига шу қадар ишонганки, мақолада ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган тарзда «адабиёт яшаса — миллат яшар» дея тасдиқлайди:

«Ҳа, тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар билан кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёт ўлмаган ва адабиётининг тараққиётига қолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур».

Бири Туркистонда, бири Қозоғистонда туриб, бир-биридан беҳабар ҳолда икки муаллиф деярли бир хил тарзда адабиётнинг моҳияти, жамият ҳаётидаги, миллат равнақидаги аҳамияти тўғрисида фикр юритмоқда. Бундаги муштараклик тасодиф эмас, албатта. Бу шу билан изоҳланадики, XX аср бошларида Туркистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам улғу Уйғонш шабадалари эса бошлаган эди. Туркистонда шу кезларда тарих майдонига кириб келган, кейинчалик «жадидлар» деб ном олган фикри очқи, тараққиётпарвар зиёлилар бу уйғоншни таъминлаган асосий куч бўлди. Улар мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон забун аҳволга тушиб қолганини, халқ жаҳолат ва нодонлик қўйнида, эрксизлик бўйинтуруғи остида иккиёқлама зулм исканжалари остида қаттиқ эзилиб ётганини чуқур англадилар ва бундай ҳаётни ўзгартиш зарурлиги ҳақидаги ғояларни олға сурдилар. Улар халқни маърифатли қилишни, савиясини кўтариб, оқ-қорани танитишни янгилашнинг бирламчи шарти деб биладилар ва шу олижаноб ниятни амалга ошириш учун фидойилик билан ишга киришдилар. Улар ҳар хил таъқиб ва тақиқларга қарамай, моддий қийинчиликларни енгиб мактаблар очдилар, дарсликлар яратдилар, газеталар чиқардилар, китоблар чоп этдилар, турли маданий-маърифий тўғарақлар туздилар... Хуллас, қисқа муддат ичида жадидлар миллатнинг садоқатли ва фидокор фарзандлари сифатида танилди.

Чўлпон шу улғу маърифатпарварлик ҳаракатининг қанотларида ижод майдонига кириб келди. У мустақил ўқиб-ўрганиши оқибатида ғоят юксак маданий савияга эга эди. Шарқ классиклари, айниқса, турк ва ҳинд ёзувчиларининг асарлари билан, шунингдек, Оврўпо, рус адабиёти билан чуқур таниш эди. Шунинг учун у 15—16 ёшларидаёқ маърифатпарварлик ғояларини қабул қилишга ҳар ҳиҳатдан тайёр эди. Чўлпон ёшлигига қарамай, Туркистоннинг тақдир тўғрисида, миллатнинг истиқболи ҳақида чуқур изтироб билан ўйлай бошлади. У ҳам жадидларга эргшиб, халқни жаҳолат ва нодонлик, эрксизлик ва қашшоқлик ботқоғидан қутқариб олишининг бирдан-бир йўли маърифат деган эътиқога келди. Миллатни равнақ топтириш учун, биринчи навбатда, уни мустамлака асоратидан халос этиш керак, бунинг учун эса халқ ўзини ўзи таниши, ҳаммини бирлаштирадиган, етқилишга миллий ифтихор туйғусига эга бўлиши керак. Чўлпон халқни шу даражада етказишга ёрдам берадиган имкониятлар, чора-тадбирлар излайди ва адабиёт уларнинг энг самаралисидир деб ишонади. Шунинг учун ҳам ёш мунаққид ҳатто қатъий тарзда миллатнинг яшашини адабиёт ривожига боғлиқ қилиб қўяди. Эҳтимол, Чўлпон бу ўринда бироз эътиросга берилгандир. Бироз муболагага йўл қўйгандир, лекин ҳеч шубҳа йўқки, XX аср бошларидаги Туркистон шароитида «адабиёт яшаса — миллат яшар» деган мулоҳаза тўғри ва самарали фикр эди. Муҳими шундаки, адабиётга бундай қараш, уни халқ ҳаётини янгилашнинг муҳим воситаси ҳаб ҳисоблаш шунчаки йўл-йўлақай айтилган бир фикр сифатида қолиб кетгани йўқ, балки Чўлпоннинг кейинги ижоди давомида доимий равишда раҳнамолик қилувчи дастурил-амал бўлди. Чўлпон шу эътиқоддан келиб чиқиб, 20-йилларда янги ниқобга кириб олган мустамлакачиликни фош этди, юрт учун кишан ясовчи турли-туман тўралар ва афандиларни қоралади, хурликни, эркинликни улуғловчи оташин шеърлар яратди, кейинчалик эса халқ ҳаётининг турли қатламларини ҳаққоний акс эттирувчи роман ва драмалар ёзиб, халқнинг маънавий улғайишига катта ҳисса қўшди.

«Адабиёт надур?!» мақоласининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, 16 ёшлик мунаққид адабиётнинг ижтимоий вазифасини таъкидлаш билан чеklangмайди, балки унинг ўзига хослиги, яъни образли табиатига алоҳида ургу беради. Мунаққид учун адабиёт куруқ ғоялар мажмуаси эмас, балки биринчи навбатда, инсон руҳияти билан боғлиқ ҳодисадир. У одамларнинг шууригагина

эмас, ҳис-туйғуларига ҳам таъсир этиши, уларни қувонтириш ёхуд маҳзун аҳволга солиш орқали ижтимоий бурчини ўташи зарур. Чўлпон бу фикрларни ўзига хос тарзда қуйидагича ифодалаган:

«Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, қаралган, ўчган, мажруҳ, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдурғон, ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурган, чанг ва тупроқлар тўлган кўзларимизни арғуб тозалайдурғон булоқ суви бўлганликдан бизга гоёт керакдур».

Қадимдан маълумки, бадий асар чинакам санъат даражасига кўтарилиши учун унда гоъвийлик билан бадийлик чамбарчас бирикиб кетган бўлмағи керак. Бадийятсиз гоъвийлик адабиётни муқаррар ўлимга маҳкум этадиган саратон касалига ўхшайди. Адабиёт фақат бадийият орқалигина, яъни теран ҳаётий мазмунни, муҳим ҳаёт ҳақиқатини, одамларни ҳаяжонлантирадиган, тўлқинлантирадиган шаклларда ифодалаганидагина бекиёс қудрат касб этади. Буни яхши англаган Чўлпон бадийят моҳиятини ўзига хос тарзда шундай уқтиради:

«...Баъзи вақтда фалак бир одамни қайғуга солар, ул ўзи тушуниб, ўйлаб туриб, оҳ тортиб йнғлар. Бу ҳасратларни ўз ичига сиғдирилмас. Бировга айтса, «вой, бечора» дермукин деб, албатта, ўз қайғусини бировга айтмакка тилар. Туб тўғри айтганда ул қадар таъсир қилмас. Адабиёт ила айтганда, албатта, таъсир қилар. Менинг бир ошманнинг ўлдиги хабари келар. Мен ҳеч ҳафаланмайман. Бир вақтда мактуб келар, мактубда аларнинг кўрган кунлари адабиёт ила бундай ёзилур:

Гуллар била пок қайғули маҳзун боқурди,
Кўз ёшларимиз тўхтамай тун-кун оқурди.

Мана шунини ўқиб, албатта, бир таъсир ила аларнинг қайғусига қўшилурмиз».

Чўлпон адабиётнинг янги гоъвий мазмуни учунгина эмас, айни чоқда юксак бадийят учун ҳам курашганида, албатта, ўша даврдаги адабий жараённинг хусусиятларига таянган. Маълумки, жаҳидлар XX аср бошларида маърифатпарварлик гоъялари билан суғорилган янги мазмундаги адабиёт яратдилар, аммо турли сабабларга кўра бу адабиёт ҳаммавақт ҳам юксак бадийят билан омухта бўлавермас эди. Шу тўғрисида Чўлпон адабиётни санъатга яқинлаштириш имконларини излади ва бунга эришишнинг тўғри йўли ҳаққонийликда деган хулосага келди. Ҳаққонийликнинг илдиэлари эса халқчиликда. Санъаткор халқ ҳаётининг ичида бўлмоғи, унинг ҳамма замзамаларини акс эттиришга интилоғи керак. Шу эътиқодга таянган, ёш Чўлпон «қалам аҳллари»ни халқ ҳаётига яқинроқ «аралашиб» юришга ундайди.

Чўлпон инқилобдан кейин ҳам ўз эстетик мезонларини шакллантириб борди. У кўпгина мақолаларида маълум ижодкорлар мисолида ёки муайян асарлар таҳлили орқали реализмнинг турли-туман масалаларини ўртага қўйди. Жумладан, у истеъдод ва ижодий меҳнат, ҳаётийлик ва ҳаққонийлик, самимият ва сунъийлик, матн устида ишлаш, бадий тасвирнинг чинлиги ва рангдорлиги, табиат манзаралари ва руҳият каби масалаларни қаламга олади ва уллар тўғрисида қимматли фикрлар айтади. Масалан, шоир мақолаларидан бирида адабиётнинг «туғалланиши» яъни такомиллашишига катта эътибор бериб, бунга «адабиётга кирмаган нарсаларни шафқатсиз суръатда майдондан ҳайдаш» билан ва бадий асар тилини соддалаштириш орқали эришилади деб ҳисоблайди. Чўлпон «Чигатой гурунги»га мансуб одамлар худди шу йўлда фаолият кўрсатганини айтади. Маълумки, бизнинг «совет» адабиётшунослигимизда бу ташкилот ҳамиша пантуркистик ташкилот, аксиланқобий гоъяларни олдинга сурган гуруҳ сифатида қораланиб келинди. Бунинг натижасида биз ҳозир «Чигатой гурунги» ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Бугунга келиб, билганимиз шу бўлдики, «Чигатой гурунги» ҳақида айтилган гапларнинг бари бўхтон экан. Шунинг учун Чўлпон мақоласидан олинган қуйидаги парча шоирнинг чин адабиёт учун курашини кўрсатиш билан бирга, ўша тўғрар ҳақида қисман бўлса-да, маълумот беради: «...У жамиятга мансуб кишилар тилини соддалаштирмак мақсадини асос қилиб ушлаганлари ҳолда ўзбек адабиётининг туғалланишига ҳам катта аҳамият бердилар. Туғалланадурғон адабиёт чин адабиёт бўлмоғи керак. Шунинг учун улзр адабий асарларга ҳақиқий қийматини бериб, адабиётга кирмаган нарсаларни шафқатсиз суръатда майдондан ҳайдай бошладилар... «Чигатой гурунги» асосини маҳкам қўрғонлиги ва чинакам тўғри чизғонлиги учун ўзи йўқ кетса ҳам, ўзбекнинг янги адабиётида янги, порлоқ, шарафли саҳифалар очди ва очмоқда давом этадир».

1918 йилда Чўлпоннинг ўзи ҳам «Чигатой гурунги» тўғрагининг фаол аъзоси бўлганини айтсак, «чин адабиёт» учун курашда унинг хизматлари аён бўлади.

«Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 1925 йил 7—8-қўшма сониде чоп этилган «Улуғ ҳинди» мақоласи бир қарашда жузъий масалага — буюк ҳинд шоири ва мутафаккири Рабиндранат Тагор сиймосини тарғиб этишга бағишлангандай кўринади. Бироқ аслида ҳақида Чўлпон Тагор баҳонасида ўзбек адабиётининг ривожини қай йўлдан бориши кераклиги ҳақида мулоҳазаларини баён қилади. Мақолада Тагор асарлари идеал даражасига кўтарилган чинакам санъат намуналари сифатида баҳоланган. Ҳўш, Чўлпон Тагорни қай жиҳатдан идеал ижодкор деб билади? Шуниси муҳимики, Чўлпон бу тўғрида фикр билдирар экан, фақат ўзбек адабиёти ёхуд ўзбек ёзувчиларинигина эмас, балки, умуман, янги адабиётни, XX аср бошларида адабиётга кириб келган Шарқ ёшларини назарда тутди. Чўлпоннинг наздида бу ёшлар «йўлсизлик» касалига чалинган. Қолаверса, Чўлпоннинг ўзи ҳам «йўлсизлик» дәрдида кўп азият чекади. Нима учун? «Йўлсизлик» деганини қандай тушуномоқ керак? Чўлпон ёзади: «Эски адабиёт билан янги адабиётнинг ўртасида қолган шарқлик ёш чинакам чучмал бир вазиятдадир. Эски адабиёт бир ширин, янгиси яна ширин, ғарбники тагин яна ширин. Қайси биттасига кўпроқ берилсин?»

Афсуски, Чўлпон бу ўринда эски ва янги адабиётнинг «ширинлиги» нималарда ифодаланишини айтмайди, фақат мақола давомида ёшларнинг йўлсизлиги, «бошлаб ўзи йўлсиз» эканини таъкидлаб, унинг моҳиятига ишора қилади:

«Узимнинг йўлсизлигимдан бироз сўзлаб ўтайин: Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Муқимийларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил... Кўнгил бошқа нарса қидирадир. Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқийман: қувонтирадир, халос! Улар менинг учун

ёлгон чироқлар бўлса ҳам, менинг эртаму учун! Авлоний, Тавалло, Сиддиқий ва Ҳақимзодаларни ўқимайман, ўқимайман. Мени шу ҳолга солган ўшалар!»

Бу парчада Чўлпон ўзбек адабиёти намоёндалари ижодида бир хиллик борлигидан, баъзиларида эса бундан ҳам жиддийроқ нуқсонлар мавжудлигидан зорланяпти. Шу парчага қараб туриб, Чўлпоннинг ўзбек мумтозларига салбий муносабати ёхуд менсимай қарагани ҳақида гапириш мумкинми? Афсуски, мен Чўлпон ҳақидаги мақоламда шунга яқинроқ гапни айтганман ва классикларимизни ўзимча Чўлпондан, Чўлпоннинг ўзини эса ўз мақоласидан ҳимоя қилмоқчи бўлганман. Мана, ўша парча:

«Ўйлайманки, бугун Чўлпоннинг бу хулосаси билан унчалик келишиб бўлмайди — классикларимизнинг ҳар қайсиси ўзига хос қиёфага, бир-бириникидан фарқ қилувчи услубга эга экани, оламни идрок этишлари ва олам ҳақидаги қарашлари билан ҳам, эстетик принциплари жиҳатидан ҳам бир-бирларини такрорламасликлари исбот қилинади. Лекин Чўлпон уларни «бир хил, бир хил, бир хил!» деб баҳолаётган экан, бунда Шарқ шеърятининг ўзига хос баъзи сифатларини назарда тутаетган бўлиши мумкин».

Гап шундаки, Чўлпон бу ўринда фақат ўзбек адабиётидангина эмас, балки Шарқ адабиётидан ҳам, Ғарб адабиётидан ҳам кўнгли унча тўлмаслигини айтяпти, бу адабиётлар ё «ортиқча шарқлиги» ёхуд «ортиқча ғарблилиги» билан таассурот туғдиришини изҳор қилляпти. «Тўқайдан тортиб Қави Нажмиёгача — татар адабиётини, Ходидан тортиб Ҳ. Жаводгача — озарбайжон адабиётини (Ҳусайн Жовидни ажратиб олиб қолди!), Номик Камолдан Али Сайфига довор усмонли адабиётини ўқиман: ё ортиқча янгилик, ғарблилик, ё ортиқча шарқлилик. Фақат усмонличадан Ризо Тавфиқнинг баъзи бир янги шахс билан эски руҳда айтган суфийларча шеърларини ўқийман, шуларга дурустгина қонаман. Ундан кейин Яҳё Камолнинг «Сайдобод» руҳида баъзи нарсалари. Фақат улар шу қадар озки...»

Савол туғилади: нима учун Чўлпон бирваракайига ҳам ўзбек, ҳам татар, ҳам озарбайжон, ҳам турк адабиётларининг намуналаридан қониқмаяпти? Бунинг сабаби шундаки, Чўлпон Уйғониш даврининг одами бўлгани учун адабиётнинг ҳам янгича бўлишини хоҳлаган. Янги адабиёт Уйғониш даврининг моҳиятига мос келадиган, халқ ҳаётига яқинроқ турадиган адабиёт бўлмоғи керак. Ортиқча «шарқликка» ёки ортиқча «ғарбликка» берилган адабиёт эса бу талабларга жавоб беролмайдди. Ҳўш, нима қилмоқ керак? Адабиётни «ширинликдан», «бир хилликдан» қўтқазишнинг йўли қанақа бўлади? Чўлпон бу саволларнинг жавобини Тагор ижодидан излайди. Мунаққид Тагор асарларини ўқиб, «улардан қонганини» маълум қилар экан, бунинг асосий боисини Тагорнинг «Шарқ ва Ғарб ўртасидаги олтин кўприк» эканлигида кўради. Дарҳақиқат, Тагор ижоди тўлалигича Ҳиндистон заминида оламга келган, бетакрор миллий рангларга эга бўлса-да, бу ижод миллий маҳдудликдан узоқ. У ўз асарларида ҳам миллий, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб анъаналарини бирлаштирди. Унинг шеърятини ва романларида шарқча хос шартлилик, кўтаринкилик, доғишманлик ҳам, ғарбга хос руҳий таҳлил, характерлар мантиғига амал қилиш, далиллини ҳам бор. Натижада у ҳинд халқи ҳаётини шундай гавдалантирдики, бу тасвир бутун жаҳон китобхонига — унинг миллати ва яшаш жойидан қатъи назар — баравар таъсир қиладиган кучга эга бўлади. Юксак бадият билан таҳлил этилган умумбашарий муаммолар Тагор асарларига алоҳида теранлик ва ўзига хос фалсафийлик бахш этган эди. Худди шу сифатларига кўра буюк ҳиндистон ижоди Чўлпон учун бағоят жозибатор кўринди.

Мақолада Чўлпон Тагор сабоги сифатида яна бир масалани кўяди. Юқоридан келтирилган матн парчасида Чўлпон бошқаларга қараганда Авлоний, Тавалло, Сиддиқий ва Ҳамза Ҳақимзода шаънига кескинроқ оҳангда гапиргани, «мени шу ҳолга солган», «яъни «йўлсизликка», мубтало қилганлар «ўшалар» деб, ҳатто бир марта эмас, икки марта уларни «ўқимайман, ўқимайман» деб таъкидлаганини кўрдик.

Афсуски, ўзбек «совет» адабиётшунослигида Чўлпоннинг бу мулоҳазаси ҳам илмий асосда ҳолисона таҳлил қилиниш ўрнига адибга сиёсий айблар тақиш учун яна бир баҳона бўлди. Ҳатто, «жиддий адабиётшунослардан бири» сифатида танилган Иззат Султон ҳам шу «далил» асосида Чўлпонни айблашдан тийила олмайди. «Бу ерда совет воқелигини сўзсиз ва изчил қабул қилган шоирларга салбий баҳо берганлиги (афтидан, Ҳамза ва Авлоний назарда тутиляпти, шекилли. Унда Тавалло билан Сиддиқий нима бўлади? — О. Ш.) Чўлпон «Йўлсизлиги»нинг маъносини очиб беради: у «ҳали шоир сифатида янги воқеликни тушунишга ва мадҳ этишга (!—О.Ш.) тайёр эмас».

Чўлпоннинг адабиётдаги «йўлсизликдан» қутулиш йўлларини излагани тўсатдан каттақон сиёсий айбга айланган қолган. Ҳолбуки, мақолада на совет воқелиги, на инкилоб ҳақида гап кетаётгани йўқ. Айрим шоирлар ҳақида кескинроқ руҳда гапирилаётган экан, буни Чўлпон уларнинг инкилобни «сўзсиз» қабул қилганлари учун эмас, бошқа сабаблар туфайли айтяпти. Маълумки, жадидлар адабиётдан жамиятни янгилаш жараёнида муҳим қурол сифатида фойдаланишган. Аммо айрим жадид ёзувчиларининг ижодида ғоялар тарғиботига кўпроқ эътибор берилиб, бадият масалалари кейинги ўринларга тушиб қолган эди. Натижада, санъатнинг энг муҳим шартларидан бири бўлмиш мазмун билан шакл бирлигига путур етиб, ғоявийлик бадият ҳисобига устивор ўрин эгаллай бошлаган эди. Бу нуқсон нафақат Ҳамза, Сиддиқий ёхуд Авлоний асарларидангина эмас, ҳатто жадидчилик ҳаракатининг энг йирик сиймоси Маҳмудхўжа Бехбудий ижодида ҳам кўзга ташланади. Афтидан, Чўлпон бу ҳодисани жуда чуқур ҳис қилган, унинг хавфини жуда аниқ англаган ва мақолаларида бундан огоҳлантирган. Айрим асарларни «ўқимайман» деб зорланишига сабаб ҳам шунда, — уларда ғояга урғу берилган-у, бадият оқсаб қолган.

Шундай қилиб, янги ўзбек адабиётини яратиш масаласи Чўлпоннинг 20-йиллардаги бир қанча мақолаларида, жумладан, «Улуғ ҳиндида анча тўлиқ ифодаланган. Чўлпоннинг назарида бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун Тагордек буюк санъаткорлар тажрибасидан келиб чиқиб, Шарқ ва Ғарб санъатларини пайванд қилмоқ ва мазмун билан шаклнинг уйғунлигига эришмоқ керак, зинҳор-базинҳор санъатни қуруқ ғоялар намунасига айланиб қолишига йўл қўймадлиқ зарур».

Афсуски, 20-йилларда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам Чўлпоннинг бу хитоби кўпчилик қулоғига етиб боргани йўқ. Чунки совет адабий сиёсати — чинакам санъат намуналарини яратишдан

кўра ёзувчиларни ҳукмрон мафқуранинг содиқ саллотларига айлантиришга қаратилган эди. Ёзувчи ўз ёига ўзи қоврилиб, минг хил ижод изтиробларини кечириб, матн устида жон куйдириб ишлаб ўтириши шарт бўлмади қолганди — у «долзарб» мавзу танласа, илғор ишчи ё садоқатли коммунистни қаҳрамон қилиб олса, халқлар дўстлигини улуғлаб, улуғ оғамизга мадҳиялар ўқиса, «ҳаётимиз фаровон, келажакимиз порлоқ, партияга минг раҳмат!» деган гапларни айтса кифоя эди. Бундай асар, бадийи савиясидан қатъи назар, ҳақиқий адабиёт деб баҳоланар, ортиқча тўсиқларсиз чоп этилар, бошқа тилларга таржима қилинар, ҳар били муқофотлару ун-вонлар билан рағбатлантириларди. Бу сиёсат муқаррар равишда адабиётда «схематизм» деган даҳшатли иллатни тўғдирди, ҳақиқий истеъдод эгаларини қадрсизлантирди, ўртағиёначиликка кенг йўл очди, санъат бобида истеъдодсиз, лекин иғволарга, физку фасодларга, хушомад ва лаганбардорликка, замонага мослашишга устаси фаранглар, нафси учун виждонини сотишга тайёр одамлар сув бетиде кўпикдек қалқиб юришига имкон яратди. Афсуски, бу ғайритабиий, тескари ҳодисанинг оқавалари ҳозирги кунга қадар ҳам сирқиб ётибди. Чўлпоннинг куюнишларига ва оғоҳлантиришларига эътибор бериб, ўша маҳалдаёқ бу ҳодисанинг олди олинганда, эҳтимол, аҳвол бошқача бўлиши мумкин эди. Ўзбек ёзувчиларининг асарлари ҳам ҳозиргидан кўпроқ даражада жаҳон мақолисида тан олинган ва танилган бўлармиди?

Чўлпон янги адабиёт яратиш йўлидаги мулоҳазаларини ўртага ташлаш билан чекланиб қолгани йўқ, балки амалий ижодида бу эътиқодларга жиддий амал қилиб, ўзи ҳам «Ғарб ва Шарқ ўртасида олтин кўприк» бўладиган асарлар яратди.

Чўлпоннинг аксарият мақолалари 20-йилларда чоп этилган. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам вақт синовиға дош беролган эмас, бир қисми бугун аҳамиятини йўқотган. Лекин бу ҳолат Чўлпон ижодига менсимай қарашга, танқидий меросини назар-писанд қилмасликка заррача асос бермайди. Афсуски, бугун баъзи бир ўртоқлар адиб фаолиятига ёндашишда яна ўша эски даврдаги хато-ларга, бир томонламалikka йўл қўймоқдалар. Авваллари Чўлпон фақат қораланган бўлса, эндиликда уни салкам фаришта сифатида кўрсатишга интилоқдалар. Бу йўл ҳам мутлақо хато ва ўта зарарлидир. Чўлпон буюк шоир, лекин у на авлиё, на фаришта эмас. У жонли одам бўлган ва фавқулодда истеъдодига қарамай, тирик инсонга хос заифликлардан холи бўлган эмас. Шунинг учун унинг айрим мақолалари жуда теран, айримлари мундоғроқ, баъзиларида адабий ҳодисалар мукамал ва холис баҳоланса, айримларида субъективликка йўл қўйилган бўлиши мумкин. Лекин уларнинг ҳаммаси, ҳеч шубҳасиз, қандайлигидан қатъи назар, биз учун жуда қимматлидир. Биз меросимизга, тарихий шахсларимизга, улуғ аждодларимизга холисонайилло муносабатда бўлмоқчи, яъни уларга беҳуда қора чапламаслик билан бирга илоҳийлаштирмасликни ҳам одат қилиб олмоғимиз лозим. Чўлпоннинг танқидий меросидаги «мундоқроқ» мақолалар бугун биз учун лоақал шуниси билан ардоқлики, уларнинг ҳар бирига адиб сиймосининг бирор қирраси жиловланган. Бу мақолалардан биз Чўлпон табиатини — бадийи дидини ҳам, ижодий йўлидаги айрим нуқталарини ва ҳатто ғоявий қарашларини ҳам аниқлаб олишда фойдаланишимиз мумкин. Шунингдек, улар Чўлпоннинг шўролар адабий сиёсатиға қандай муносабатда бўлганини тўлароқ тасаввур қилишимизда ҳам фоят қимматли манба бўлади.

Фикримизни далиллаш учун мисолларга мурожаат қилайлик.

1927 йилда «Ер юзи» журналининг 6-сониде Чўлпоннинг «Яна уйланаман» деган мақоласи босилган. Тадиқотчилар баъзи манбаларга таяниб, Чўлпоннинг шу номда эмса ёзганидан хабар топишса-да, аммо матн йўқлиги учун асар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар. Мен ҳам Чўлпон ҳақидаги рисоламда «бу эмса ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ» деб ёзган эдим. Адиб ҳақида анча самарали тадиқотлар олиб бораётган адабиётшунос Навим Каримов ҳам «Чўлпон» китобчасида бу эмса ҳақида умумий гаплар айтиш билан чекланади. Афтидан, у ҳам менга ухшаб Чўлпон мақоласи билан танишиб улгурмаган кўринади. Мақолада эса эмса тўғрисида анча муфассал маълумот бор экан.

«Юсуфжон акамнинг ҳар қаерда неча йиллардан бери айтиб келган бир ҳикояси бор. Унда бир имом-домланинг намоз вақтида ғалати ҳийла қилиб маҳалладан икки йиллик ҳақини ундириб олгани айтилади. Юсуфжон аканинг сўзлашида бир неча оғиздан ошмаган бу ҳикоя мазмуни ва мавзу жиҳатидан қизиқ ва бойдир. Режани яхши чизиб, уни бир адабий ҳикояға айлантирганда гўзал нарса чиқар эди. Мен шундай қиларман, деб ўйлаб юрардим.

...Свердлин бир мустақил асар қўймоқчи бўлади ва студиянинг кўрсатиши бўйича менга йўлиқди. Мен унга Юсуфжон акам ҳикоясининг қисқагина мазмунини айтиб бердим. Маъқул бўлди ва боши-кегиға кўринишлар қўшиб, тезлик билан ёзиб беришни буюрди. Ана шу билан «Яна уйланаман» деган 3 парда 7 кўринишли асар майдонға келди».

Бу асар Москвадаги ўзбек драма театр студиясида ўқиётган артистлар томонидан саҳналаштирилган ва 1926 йилда жамоатчиликка намойиш қилинган эди. Яна шуниси эйтиборға лойиқки, мазкур спектакль ҳақида «Правда» газетасида (1926 йил 92-сон) театршунос Февральскийнинг тақризи босилган. Чўлпон бу тақриздан ҳам парча келтиради. Охирида эса, «бу асарнинг мирзоси» сифатида «Юсуф акаға, Свердлинға, чоғи раҳбари Мироновға» миннатдорчилик билдиради. Кўринадики, бир қарашда жўнгинадай туюлган мақола адибнинг ижодий фаолияти ҳақидаги тасаввуримизни тўлатиш билан бирга, «Яна уйланаман»нинг ижодий тарихи, адибнинг рус санъаткорлари билан ҳамкорлиги» тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради.

Чўлпоннинг адабий-танқидий мероси бугун яна бир жиҳатдан катта аҳамиятга эға. Маълумки, Совет ҳокимияти йилларида 1927 йилдан бошлаб роппа-росса 50 йил мобайнида ҳукмрон мафқура муҳити Чўлпонни ашаддий миллатчиликда айблаб келди. Гўё унинг бутун ижоди миллатчилик оғуси билан заҳарланган, гўё у ҳамиша рус халқиға, унинг маданияти ва адабиётига қарши чиққан, халқларнинг ўзаро ҳамкорлигини, дўстона алоқаларда бўлишини кўролмаган, гўёки у ўзбек халқини бошқа халқлардан ажралган ҳолда, ўз қобилиға ўралиб олиб яшашға ундаган ва ҳаказо...

Чўлпон ижоди билан танишганда, хусусан, мақолаларини ўқиғанда буларнинг бари қуруқ тухмат, ашаддий бўҳтондан бошқа нарса эмаслигиға ишонч ҳосил қиламиз. Ақинча, Чўлпоннинг бутун ижоди шундан далолат берадики, шоир ҳамма халқларни бирдай ҳурмат қиладиган, уларнинг маданий бойликларини қадрлайдиган, аънаналарини эъзозлайдиган чинакам байналмилалчи инсон бўлган. У турли халқларнинг адабиётдаги ютуқларини, санъатдаги муваффақият-

ларини қувониб, яйраб тарғиб қилган. Чўлпон турк ва ҳиндилар, озарлар ва татарлар, форслар ва тожиклар ҳақида қандай эхтирос билан қалам тебратса, руслар ҳақида ҳам, итальян, француз, инглиз, хитой адабиётининг намоёндалари тўғрисида ҳам шундай тўлқинланиб, ҳаяжонланиб, тўлиб-тошиб ёзган. У фақат Пушкин ёхуд Толстой каби классиклар ёки Мейерхольд ҳамда Вахтангов каби улуғ режиссёрлар тўғрисидагина эмас, Горький, Леонид Андреев, Лидия Сайфуллина каби адиблар ҳақида ҳам мароқ билан қалам тебратган. Шундай экан, турли халқларга, уларнинг маданиятига, ўзининг ҳурмат-эхтиромини намоён этаётган одамни миллатчи деб бўладими? Йўқ, албатта.

Энг муҳими шундаки, Чўлпон ўзбек адабиётининг истиқболи ҳақида қайғуриб, уни дунё кенгликларига кўтариш йўллари йўлар экан, бу йўлни фақат бир нарсада — ҳам Фарб, ҳам Шарқдаги етакчи аъёналарни ижодий ўзлаштиришда, уларнинг бой тажрибаларига таяниб иш юритишда деб билади. Чўлпон бу ғояларини 20-йиллардаги чиқишларида бир эмас, бир неча марта изчил баён этган. Масалан, «Ота-бола санъаткорлар» деган мақолада Матёқуб ва Матюсуф Ҳарратовлар ижоди ҳақида гапиради-ю, йўл-йўлаккой Оврупа муסיқасида ўрганиш масалаларини ҳам кўяди. Бу ўринда ҳам Чўлпон ўзига хос теранлик билан иш тутади — у Оврупа муסיқасидан шунчаки хўжакурсинга ўрганишни рад этиб, масаланинг назик томонларини ёритади: «Бизга Оврупа музика билими ҳам керак», — деб ёзади Чўлпон. Фақат «Оврупа музика билими бошланғич назариядан (нота ўрганишдан) иборат эмас, унинг гармония (оҳанг илии), контрпункт сингари жуда муҳим, лекин оғир поғоналари бор. Оврупа музика билими зинасининг биринчи поғонасига қадам қўйганлар нариги поғоналарга ҳам тирмашиб чиқмасалар, чала билим билан музика соҳасида кўп нарса қилолмайдилар».

Айни чоқда, Чўлпон ижод соҳасида, театр санъати соҳасида Шарқ ҳам бениҳоя бой, рангбаранг тажрибага эга эканини таъкидлаб, ундан баҳраманд бўлиш, уни ижодий ўзлаштириш энг зарур вазифалардан эканини кўрсатади. «Мей Лан Ван» деган мақолада Чўлпон Хитой классик санъатининг биз учун ибратли томонларини алоҳида таъкидлайди: «Мей Лан Фаннинг театри жуда зиёли театр. Унинг директори билан директор ўринбосари даражасига эга бўлган санъат олимлари Мей Лан Фаннинг ўзини ҳам доктор деб атайдилар. Бу — минг йилларнинг театри, бу — аъёна театри, бу — юксак санъат театри. Биз эса ҳали шакл жиҳатидан ёшмиз. 15 йиллигимизни энди ўтказдик».

Ҳа, Чўлпон ҳақиқий байналмилалчи эди. Айни чоқда байналмилалчилик унга буюк миллатпараст бўлишга ҳалақит берган эмас. Аксинча, Чўлпон табиатидаги бу икки жиҳат бир-бирини тақозо этган, бир-бирига таянган, бир-бирини тўлдирган. Чўлпон ўз халқини севар, унинг бугунини ҳам, ўтмишини ҳам жуда яхши биларди. Чўлпон биронта миллатни камситмаган ҳолда ўзбекларни бой тарих яратган, дунёга буюк санъаткорлар, шоирлар, олимлар, мутафаккирлар етказиб берган халқ деб биларди. Баъзи бир Оврупалик калтафаҳм ва бефаросат одамлар ўзбекларни «осёблик» деб таҳқирлаган, уларни ярим ёввойи тарзда ҳаёт кечирадиган маданиятсиз ноҳоллар деб чуввос солган, «майда миллат» деб пастга урган бир шароитда Чўлпон бу халқнинг мислсиз маданияти, жуда бой руҳияти, букилмас эътиқоди ва пок имони, мазмундор тарихи учун фахрланди ва бу юксак туйғуни кўпгина асарларида, шу жумладан, танқидий мақолаларида баралла айтишдан чўчимади. Табиийки, адибнинг оташин миллатпарварлиги уни миллат истиқболи учун қайғуришга ундарди, шунинг учун у миллат баданидаги ҳали ўчмаган кишан излари ҳақида фиғон қилар, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка бошига кўланка ташлаб турган қора булутлардан нафратланар, на охи, на фарёди бор, суслашган юракларни эрк учун, инсоний кадр-қиммат учун курашга чорларди. Бир замонлар Пушкин ўз сози билан одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотганидек, Чўлпон ҳам эзилган ва таҳқирланганларни эрка, озодликка чорлади. У мақолаларида ҳам халқ қалбида миллий ифтихор туйғуларини уйғотишга алоҳида эътибор берди, бу йўлда ҳар бир имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилди. Негаки, миллий ғурурдан маҳрум одам ўзлигини танишга интилмади, демак, ўз инсоний кадр-қиммати учун ҳам курашмайди.

Адиб 1924 йилда ёзилган «500 йил» мақоласида ўзбек адиблари ичида биринчи бўлиб Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш масаласини кўяди ва бу даҳо санъаткор ҳақида кенг мушоҳада юритади. Чўлпон ўзбек халқи Алишер Навоий тимсолида жаҳон маданияти хазинасига жуда катта ҳисса қўшганини таъкидлар экан, фикрини далиллаш учун машҳур турк ёзувчиси Шамсиддин Сомибек асарларига мурожаат қилади. Мазкур адиб Алишер Навоийни «эсмонли адабиётнинг энг улуғ вакили бўлгон Фузулӣдан» юқори кўйган экан. «Ўз адибларига 5—6 асрлик бир тарих яшата олган халқлар унча кўп эмаслар» деб қайд этади Чўлпон. Айни чоқда, у бундай буюк сиймолари билан бутун халқ ғурурланиши кераклигини алоҳида таъкидлайди ва бу борада бошқа халқлардан ўрناк олишга даъват этади: «Ватандошларимиз руслар Пушкиннинг ҳар беш йили учун катта байрамлар ясайдилар, Фарбда эса ундай байрамлар жуда катта тантаналар билан ўтказилади».

Бундай миллатсеварлик руҳи билан суғорилган даъватлар Чўлпоннинг бошқа чиқишларида ҳам кўп учрайди. Масалан, «Мирзо Улуғбек» деган мақоласида маҳаллий аҳоли бундай улуғ сиймоларни етарли ардоқламаслиги тўғрисида таассуф билан ёзади-да, уларни муносиб тақдирлаш масаласини кўяди: «Туркистон халқи, айниқса, биз тубжой халқ ўзимизнинг шу олим кишиларимизни сира эсга олмаймиз. Унинг номига биргина, кичкина бўлса ҳам хотира, нишона йўқ. Шаҳарларда очилган мактаблар билангина улуғ олимни тақдир қилдик деб айта олмаймиз. Сира, сира айта олмаймиз».

Чўлпоннинг ҳасрат тўла бу сўзлари бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Биз ҳануз бой маданий меросимизни қадрлашни, авайлаб асрашни, у билан ич-ичдан ифтихор қилишни ўрганиб олганимиз йўқ. Сўнгги йилларга қадар ҳам бир буюк олимни подшо деб, иккинчисини ҳукмдор деб, яна бирини диний-мистик деб, тўртинчисини реакциян деб чиқитга чиқариб келдик. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири истаган халқнинг маданиятига ҳусн бўлаоладиган сиймолар эди. 1992 йилнинг охирларида Маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг қурултойи бўлиб ўтди. Ундаги маърузаларда одамни ларзага соладиган бир далил таъкидланди — сўнгги йиллар мобайнида ҳар хил сабабларга кўра минглаб ёдгорликларимиз бутунлай йўқ бўлиб кетипти. Демак, ҳануз бу масалага белисандлик билан қараш давом этмоқда. Демак, ҳали ҳам маданий меросимиз мил-

латнинг мулки, халқ бойлиги экани ҳақидаги фикр бутун вужудимизга сингиб, эътиқодимизга айланиб кетганича йўқ.

Чўлпонда миллий ифтихор туйғуси шу қадар ўткирки, у бирон ўринда миллат шаънига айтилган тақдирли гапларни назардан қочирмайди. Биринчи қарашда, бундай таъналар ёхуд пичинглар арзимас кўринса-да, Чўлпон улар ҳақида ўз мулоҳазаларини айтади ва яранинг газак олдирмаслик чорасини кўргандай бўлади. Бир мисол келтирайлик. Чўлпоннинг 1924 йилда ёзилган ва «Фарғона» газетасида босилган бир мақоласи бор. «Қаламнинг тойилиши» деб аталган бу кичик лўқма Чўлпон ўз халқининг миллий туйғуларини, шаънини нечоғли сезgirlрик ва ҳушёрлик билан ҳимоя қилганини яхши кўрсатади. Мақоланинг ёзилишига сабаб бўлган воқеа шуки, Москвада Главлхопком деган ташкилот пахта ҳақида бир китоб чиқарипти-да, унда «руссий хлопок» деган ибора қўллапти. Тошкентда чиқадиغان «Туркестанская правда» газетаси эса бир мақолада «Руссий Памир» деган иборани ишлатипти. Шунга ўхшаш биринчи қарашда ғайри мантиқий кўринган, аслида эса баъзи бир шовинистларнинг ўзбек халқига менсимай қарashi, Туркистонга отасидан қолган мулкидаги муносабатда бўлишини ифодаловчи иборалар Чўлпонни қаттиқ ғазаблантиради. «Руссий хлопок» дейиш мумкин бўлса, нима учун «русский Туркестан» дейиш мумкин бўлма-син?» дея истехзо билан сўрайди Чўлпон ва мақола давомида рус чоризмининг мустамлакачилик сиёсатини оқлашга уринувчиларни қаттиқ фош қилади. Чўлпон ўз мақоласида Туркистон иқтисодий шўроси чиқарган «Статистический ежегодник»дан қуйидаги парчани келтиради: «Туркистонни олган рус пошолари уни мустамлака қилмоқ учун муайян режа билан иқтисодий зарурат орқасида олгонлари йўқ. Балки Россияга чегарадош бўлгон қабилалар рус савдо қарвонларини талаб, ҳа, деб бесаранжом қила бергандан кейин, шуларни босамиз деб айланишиб келиб қолгон». Чўлпон чоризмининг бунақа ҳимоячиларини фош қилар экан, Туркистоннинг мустамлака бўлганини Октябрь мафкурачилари ҳам тан олганини эслатиб ўтади.

Чўлпон бошқа масалаларда, жумладан, маданият борасида ҳам халққа ўринсиз таъналар қилувчи, асоссиз равишда унинг «нодонлиги» ёки «маданиятсизлиги»ни пеш қилувчи одамларни қаттиқ танқид қилади. Чўлпон учун арзимайдиган «майда-чуйда» гап йўқ, у йўл-йўлакай айтилган гап-сўзларга жавоб беришни ҳам ўз бурчи деб билади. 20-йилларда ҳам баъзи спектаклларга томошабин кам қатнаган кўринади. Шу сабабдан бўлса керак, «халқ театрга юрмайди» деган гап тарқалиб, айбни маданий савиянинг пастигига қўймоқчи бўладилар. Чўлпон бунга кескин жавоб беради: «Халқ театрга юрмайдир» деган гап тўғри эмас. Халқ юради. Лекин театр-томоша исмида бўлатургон кўғирчоқ ўйинларига, ўз руҳига ёт бўлган, унга англашилмайтурган таржималик «ғарбий» асарларга юрмаса ҳақи бордир. Йўқ эса, ўзини қизиқтирадиган заминларда ёзилган ва яхши ўйналлатургон томошаларга халқ юрадир».

Чўлпоннинг миллатпарастлиги, миллий ифтихор туйғусининг ўткирлиги унга маданият, санъат, адабиёт ходимларини объектив баҳолашга ҳалақит берган эмас. Керак ўринларда Чўлпон маданий сиёсий бобдаги нуқсонларни кескин танқид ҳам қилган, халқ турмушидаги, урф-одатларидаги, дидадаги кемтикларни очик айтишдан ҳам сира тортинмаган. Демак, Чўлпоннинг 20-йиллардаги мақолаларида яққол кўринадиган миллатпарастлиги шунчаки ғайри шуурий, ўткинчи, «биологик» туйғу эмас. Ундаги миллий ифтихор туйғуси реал замин асосида шаклланган туйғу ва у ўз навбатида Чўлпоннинг байналмилалчилигига қанот ҳисобланади.

Чўлпон, албатта, профессионал танқидчи бўлган эмас. Шунинг учун унинг 20-йилларда ва кейинроқ яратган ҳамма танқидий мақолаларини мазкур жанрнинг ноёб ва бекаму кўст намуналари деб бўлмайди. Чўлпоннинг танқидий меросида бугун эскирган ёхуд анчайин жўн кўринадиганлари ҳам бор. Лекин шунга қарамай, унинг бақувват мақолалари ҳам, нисбатан заифроқ ишлари ҳам адабиётимиз тарихининг ҳужжатлари сифатида биз учун гоят қимматлидир.

1935 йилда «Гулистон» журналида Чўлпоннинг «Ашулага ишқибоз» деган мақоласи босилди. У истеъдодли ёш хонанда Ҳалима Носировага бағишланган эди. Чўлпон Ҳалимахоннинг қўшиқчилик санъати ҳақида теран бир самимият билан завқланиб ҳикоя қилар экан, уни порлоқ истиқбол кутаётганини башорат этади. Чиндан ҳам Чўлпоннинг қаромати тўла амалга ошди — кейинчалик Ҳалима Носирова ўзбек санъатининг порлоқ юлдузларидан бири бўлиб қолди. Аммо гап ҳозир бу ҳақда эмас. Мақолани ўқиётган бугунги китобхон бир нуқтага етади-ю, равон йўлда беҳосдан қоқилиб кетган одамдай сапчиб тушади: «Инқилобнинг файзли қўллари тегмаса, Ҳалима бугун кўриб турганимиз таланти, бошқа кўп ноёб талантларимиз сингари тўрт девор орасида қолиб, забун бўларди».

Ғалати гап-ку? «Инқилобнинг файзли қўллари» нима дегани? Наҳотки, Чўлпон ҳам истеъдоднинг рўёбга чиқиш-чиқмаслигини инқилоб самарасига боғлаб қўйса? «Ҳаётда нимаки ижобий нарсга бўлса ҳаммасига Октябрь шарофати билан эришдик» деган гап Совет ҳокимияти йилларида кенг сингдирилган бир афсона-ку! Наҳотки, Чўлпондай одам ҳам, шу афсонага лаққа тушган бўлса? Наҳотки, у ҳам ўз эътиқодларига хиёнат қилиб, Шўро дўмбирасига ўйнаган бўлса? Еки бундай муросасозлик Чўлпон мақолаларида фақат бир марта учрайдиган тасодифмикан? Ундай десак, бунга ўхшаш мулоҳазалар бошқа мақолаларда ҳам учраб қолади. Масалан, «Эпизодик роллар устаси» (1934) деган мақолада, Чўлпон «яхши театрлар ёлғиз «катта» ролларда ўйновчи актёрлар билангина яшайди», деган тўғри мулоҳазани айтади-да, сира кутилмаганда ва бирон-бир ички заруриятсиз давом этади: «Айниқса, бизнинг буюк элимизда!.. Ғарбда санъаткор тақдир этилмак учун мутлақо «юлдуз» бўлмоғи керак, ё гўзал хотин! Бизда эса ҳар кимнинг қуввати ва қудрати истеъдоди ва ҳунарига яраша жой ва ҳурмат таъмин этилган!»

Бундай таққослар совет ҳокимияти йилларида жуда кенг тарқалган бўлиб, «кеча ва бугун», «бизда ва уларда» деган шаклларда қилинар ва ҳар гал «кеча ёмон эди, бугун яхши», «уларда ёмон, бизда зўр» деган хулоса чиқариларди. Бу ҳам ҳукмрон мафкура томонидан совет турмуш тарзининг «улуғлигини» тасдиқлашга хизмат қилувчи сохта ривоятлардан бири эди. Хўш, буни қандай тушуниш керак? Демак, Чўлпон ҳам ҳукмрон мафкуранинг хизматини қила бошлаган экан-да?!

Албатта, бундай парчалар бугун эриш туюлади ва Чўлпон ҳақидаги ҳозирги тасаввуримизга тўғри келмайди. Лекин бунда бевосита Чўлпоннинг айби йўқ. Бунга кўпроқ биз — адабиётшунослар айбдоримиз. Чўлпонга нисбатан ўтмишда йўл қўйилган адолатсизликлар ва жабр-зулми бироз бўлса-да ўртадан кўтариш учун бугунги адабиётшунослар унга алоҳида меҳр-муҳаббат билан қа-

рамоқдалар. Бу муҳаббат мутлақо қонуний ва ўринлидир. Бироқ айрим нуқтада муҳаббат зўрайиб кетиб, объективликка путур етаётганга ҳам ўхшайди. Биз баъзан ҳужжатлардан ҳам кўз юмиб, Чўлпонни идеаллаштиришга, ўзи яшаган заминдан узиб олиб, замонавийлаштиришга ҳаракат қил-япмиз. Бунинг оқибатида бугун бизда Чўлпон ҳақида муайян тасаввур шаклланиб қолди. Унга кўра, Чўлпон ҳеч қачон совет воқелигини қабул қилмаган, ҳукмрон мафкура таъсирига берилмаган, замонасозлик қилмаган, мавжуд тузум билан муросан-мадорага бормаган. У яқкаш миллатпа-раст бўлган, яқкаш исёнчи бўлган ва бир умр совет тузумини ағдаришга чақириб ўтган. Ме-нимча, Чўлпонни бундай қиёфада кўрсатиш ҳам уни сохталаштиришдан, пардозлаб, жонли одам қиёфасидан маҳрум қилишдан бошқа нарса эмас. 70 йил мобайнида ҳукмрон мафкурага сидқидилдан хизмат қилган адабиётшунослик «илми» адабиётимиз тарихини етарли даражада сохталаштириб келди. Шоирлар ва адиблар сийратини эса андавалаб, авлиё сифат қилиб тасвирла-ди. Бунинг натижасида адабий жараён ҳақида ҳам, ёзувчи ва шоирлар тўғрисида ҳам бир томонла-ма, нотўғри ва ҳатто сохта тасаввурлар шаклланди. Сўнгги йиллардагина бу илмда ҳаққонийлик ва холислик мезонларига амал қилиш имконига эга бўлдик. Шундоқ экан, бугун эски хатоларни тақоррлашмаслик керак, ҳатто яхши ният билан бўлса-да, Чўлпон ва унга ўхшаш санъаткорларни идеаллаштирмаслигимиз зарур. Ҳақиқий истеъдод эгаси ҳеч қачон жўнгина доирага тушадиган юзаки одам бўлмайди. Унинг ҳаёти ҳамisha ошқора ва пинҳона курашга, кашфиётларга ва йўқотишларга, драмалар ва фожиаларга тўла бўлади. Чинакам истеъдод эгаси тинимсиз изланиш-да бўлгани, ҳамisha ҳақиқат қидириб яшагани учун бирда инсоннинг улуғлиги олдида боши кўкка етгунча гурурланиб кеккайса, бирда инсоннинг разолати қаршисида ҳафсаласи пир бўлиб, умидсизликка тушмоғи мумкин. Ҳақиқий адабиётшунослик эса санъаткор шахсиятидаги ана шу мураккаб силкишларни, кўтарилиш ва тушишларни, фазилатлар ва қусурларни кўрсата билмоғи лозим. Одамларга санъаткорнинг юзиде холи бўлганми-йўқми, неча марта уйланган, маишатни яхши кўрганми-кўрмагани каби тафсилотларнинг унча қизиғи йўқ, аммо замон тегирмони санъ-аткорни эзиб юбордими ёхуд ундан устун келдими, у инсон ҳақида қандай изланди ва бу жараёнда қандай изтиробланди, унинг маънавияти қандай босқичларни бошидан кечирди мана бу масалалар ҳамма учун ибратли. Шунинг учун Чўлпонни ҳам тирик одам сифатида, инсонга хос фазилату нуқсонлардан холи бўлмаган инсон сифатида қабул қилмоғимиз керак. Умуман, у ўз замонасида муайян жағият қўйида яшаган ва табиийки, бу жағиятдан ташқарида чиқиб кетолган эмас. Чўлпонга объектив ёндашиш, шахсиятини, ижодини холисанилло баҳолаш уни мутлақо камситмайди, балки юрагимизга янада яқинроқ қилади. Шундай экан, Чўлпоннинг ба-дий ижодидами ёхуд адабий-танқидий мақолаларидами, ҳукмрон мафкура ғояларига ён берил-ган ўринларни, адиб маҳоратида зидроқ келадиган парчаларни кўрганда бир сапчиб тушиб, унинг номига маломат тошларини отишга шошилмаслик керак. Билъакс, уни тушунмоққа ҳаракат қилайлик. Бу мулохазалар фақат Чўлпонга эмас, балки Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир каби кўп йиллар мобайнида адабиётимизнинг чинор-лари ҳисобланиб келган, кейинги йилларда эса ўринли-ўринсиз таъна-дашномларга рўпара лаётган одамларга ҳам тааллуқли.

Чўлпон ҳам бошқа истеъдод соҳиблари каби совет ҳокимияти йилларида тўрға илинган балиқ-дай ҳукмрон мафкура домига илиниб, ундан қутулиш илинжида таҳликада типирчилаб яшаган. Ай-ниқса, большевиклар тузуми мурватларни қаттиқроқ бураганда, тизгинлар қаттиқ тортилганда Чўлпонлар омон қолмоқ учун замона зайлига қараб иш юритишга мажбур бўлган. Агар 20-йилларнинг бошларида ҳали адабиёт ва санъат соҳасида нисбатан жиндай эркинлик бор бўлса, ҳали адабиётда бир-биридан фарқ қилувчи оқимлар яшаётган ва улар бир-биридан фарқ қилувчи ғояларни олға сурётган бўлса, 20-йилларнинг иккинчи ярмида жиндай-жиндай тоза ҳаво кириб турган тешиklar батамом ёпиб ташланди. Айниқса, РКП(б) Марказий Комитетининг 1925 йил 18 июнь қароридан кейин «пролетар адабиётининг гегемонлиги» учун кураш жуда қизгин тус олди. Бунинг оқибатида ижодда ҳар қандай эркинликка чек қўйилди. Янги пайдо бўлган РАПП ташиклоти ҳам ўзининг вульгар социологик қарашлари билан ҳукмрон мафкуранинг тегирмонига сув қўйди. «Мафкуравий соғломлик учун», «Ёт мафкураларга қарши кураш» шиори остида адабиётдаги ва санъатдаги ҳар бир мустақил куч, ҳар бир йилт этган истеъдод эгаси шафқатсиз таъзиқ остига олини бошлади. Бунга бўй бермаган, бўлар-бўлмас ривоятларни, ёлғон-яшиқ аф-соналарни қабул қилмаган адабиётчилар боши устида эса ҳеч муболағасиз ўлим хавфи қанот ёза бошлади. Ҳукмрон мафкура ўз ақидаларини НЖВД-ю, ГПУлар орқали зўрлик билан, қурол кучи би-лан ўтказишга киришди. Бундай шароитда ҳар қандай ижодкор ҳам табиий равишда жонини сақлаб қолиш йўлларини қидира бошлайди. Баъзилар кўпроқ, баъзилар камроқ даражада замо-насозлик йўлига ўтади. Шулар қаторида Чўлпон ҳам бор эди. Хўш, бунинг учун адибни қоралаш мумкинми? Нега у мардона равишда ўзини ўққа тутиб бермади? — дея унга таъна қилиш мумкин-ми? Менимча, йўқ. Чунки ўз-ўзини сақлаш туйғуси — инсоният табиатида, қониде, шуурининг аллақайси пинҳоний пучмоқларида. Ҳар қандай одам ҳам хатарга, ўлим хавфида дуч келганда, ҳатто истамаса ҳам, ҳимояланиш, ўзини асраш йўлига ўтади. Ижодкор одам ҳам бундан мустасно эмас. Бунинг ўз эътиқодидан чекиниш деб бўлмайди. Чўлпон эътиқодидан чекингани йўқ. Аввало шуни айтиш керакки, мустабидлик тузуми авж олиб, ҳукмрон мафкуранинг ҳужумлари кучайган сари, айниқса, 30-йилларнинг бошидан бошлаб, адабиётда «Совет воқелигини мадҳ этиш, партия-нинг раҳбарлик ролинини улуғлаш, дохий образини яратиш» жуда кенг қулоч ёйди. Бу йўлга кирмаган шоир-у ёзувчилар очикдан-очик аксиланқиллобчи, миллатчи сифатида қораланарди. Бунинг қарангки, Чўлпон бутун ижоди давомида биронта шеърда Сталиннинг номини тилга олмади, ҳатто бир неча йил қантаргач, созини яна қўлга олиб, яъни «Совет позициясига ўтиб» ёзган шеърларида ҳам бундай қилмади. Тўғри, «Соз» тўпламига кирган шеърлар ичиде «ғоявий» шеърлар ҳам бор — уларнинг айримлари инқилобга, партия қурултойига, янги ҳаётга бағишланган. Бироқ улар бадий жиҳатдан Чўлпоннинг асл шеърларидан заифроқ бўлсалар-да, ошқора шушомаддан ёхуд ҳамду-санодан узок. Афтидан, Чўлпон битта яхши шеърини яратиш учун ўша шароитда ҳукмрон мафкурага жиндай ён бериб, икки-учта «ғоявий» шеърлар битган кўринади. Унинг адабий-танқидий мақолалари ҳам шунақа. Фақат баъзи мақолалардагина, юқорида кўрганимиздек, у ҳукмрон

мафқурининг баъзи бир «қўшиқлари»ни куйлаган бўлса эҳтимол. Бунинг учун Чўлпонни қоралаш, меросининг айрим қисмидан воз кечиш мумкин эмас.

Баъзи мақолаларда эса Чўлпон «бисмилло» ўрнида айтилиши лозим бўлган ривоят ва афсона-ларни атайин четлаб ўтгани шундоққина сезилиб туради. Масалан, Горький ҳақидаги икки мақо-ласини олиб кўрайлик. Буларнинг бири 1936 йилда ёзилган — «Катта мактаб эгаси». Иккинчиси эса 1937 йил 18 июнь кuni — Чўлпон қамоққа олинишидан бор оз аввал «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Устоднинг хислатлари» деган мақола. Тўғри уларда бир-икки оғиздан Ле-нин ва Сталин шаънига мақтов айтилган — бу билан Чўлпон боши устида қуюқлашиб бораётган қора булутларни жиндай бўлса-да, таркатмоқни ўйлаган бўлиши мумкин. Аммо мақолаларни тўлиқ ўқиб чиқсак, Чўлпоннинг ўз эътиқодларига содиқ қолганини, «ғоявийлик» ва «партиявийлик» деган иллатлардан юқори турганини кўраемиз. Гап шундаки, 1934 йилдан кейин ҳукмрон мафқура Горькийни «пролетар адабиётининг доҳийси», «социалистик реализм методининг асосчиси», «энг яхши совет ёзувчиси», «партиясиз большевик адиб» сифатида кўкларга кўтарга бошлади. Бу йилларда ёзилган ҳар бир мақолада Горькийнинг бу сифатлари такрор-такрор тилга олиниши ва шу йўл билан унинг садоқатли партиявий адиб экани ҳақидаги афсонага ҳаққонийлик шаҳодатнома-сини бериш керак эди. Чўлпон ҳар иккала мақолада ҳам бирон ўринда на «социалистик реализм» деган иборани ишлатади, на Горькийнинг пролетар адабиётининг асосчиси тарзидаги сифатини тилга олади, на унинг инқилобчи қаҳрамонлари шаънига ҳамду-санолар айтади. Аксинча, мақолада биринчи ўринга Горькийнинг санъаткорлиги, бадий маҳорати қўйилган. «...наsr тилини тарашлаш-ни мен бошлаб Горькидан ўргандим, — деб ёзади Чўлпон биринчи мақолада. — У, менимча, ўзи ишлатадиган тилни жуда яхши кўради, уни ҳар қандай қийинчиликдан озода ҳолда кўрмак истади. «Она»нинг тили мана шундай бир тил. «Она» мен учун катта бир мактаб бўлди. Ўзимнинг «Кеча ва кундуз» романимда мен ҳам бу буюк услубчининг унумли таъсирини доим сезиб турдим».

Орадан бир йил ўтиб ёзилган мақолада эса Горькийнинг санъаткорлиги янада чуқурроқ очи-лади.

«Горький — шоир. Унинг асарларида фақат бир наsrчи (романчи) кўринмайди, ҳар ер-ҳар ердан нозик кўнгилли, гўзаллик севғучи ва табиат мафтуни бир шоир келиб чиқади.

Мен ўзим ҳар қандай наsrли асарда (роман, ҳикоя) гўзал ташбеҳлар ва табиат тасвирларини яхши кўраман. Горькида бу наrsa кўп эмас, оз, унинг ширинлиги ҳам шундан. Улар жуда кўп бў-либ кетса, рассомнинг санъат асари қолмайди-да, бўёқчи (сирчи)нинг андазасиз ва санъатдан маҳрум чизма чизми қолади».

Мақола давомида Горькийнинг табиат манзарасига қандай қилиб жон ато қилиши тўғрисида батафсил фикр юритилади. Кўринадики, Чўлпон ҳаётининг энг оғир дақиқаларида ҳам, адабий ҳаётда мафқуравий зуғум чекдан ошган пайтларда ҳам умумий оқимга тушиб қолмасликка, ман-қуртлик тақдирини бўйнига олмасликка интилган. Ҳукмрон мафқура тўхтовсиз ҳамла қилиб, Чўл-пондай буюк истеъдод соҳибининг «ўжарлигини» ҳар қанча синдиришга уринмасин, унинг шуури ва қалбини афсунлар асоратига олишга тиришмасин, шоир айрим ўринларда унга жиндай ён бер-гандай бўлиб, аслида ўзининг ўзлигини, руҳиятининг даҳлсизлигини сақлаб қола билди.

Шу ўринда баъзи ўртоқлар: «Ие, шошманг, ахир, Чўлпоннинг шўро ҳукуматини олқишлаган, унинг адабий сиёсатини кўкларга кўтарган мақоласи ҳам бор-ку! Унга нима дейсиз?» — дея эътироз билдириши мумкин. Бу ўртоқлар «Шўро ҳокимияти ва саное нафиса» асарини назарда тутсалар керак, албатта.

Чиндан ҳам бу мақола атрофлича мулоҳаза юритишни ва жиддий шарҳларни талаб қилади.

Бу мақола адабиётшуносларимизга анчадан бери маълум. У ҳатто 60-йилларнинг ўрталарида «Ўзбек тили ва адабиёти» журналарида эълон ҳам қилинган. Адабиётшуносларимиз шу пайтга қадар у ҳақида турли фикрлар айтиб келишган. Мен ўзим бу хусусда бир неча марта ёзганман. Гарчи мукамал таҳлил қилмаган бўлсам-да, унинг Чўлпон Октябрь инқилобини ижобий қутиб олганига далил деб баҳолаганман ва ҳатто мақола бевосита Лениннинг айрим асарлари таъсирида ёзилган деган тахминни ҳам айтганман. Бунинг боиси бор, албатта. Маълумки, кўп йиллар мобайнида совет адабиётшунослиги ёзувчини баҳолашда унинг Октябрь инқилобига муносабатини асосий меъёр қилиб олганди. Бу ақидага кўра қайси шоир «Яша шўро!» деган бўлса, у яхши, қайси шоир ё адиб индамаган бўлса, у ёмон, душман деб ҳисобланарди. Чўлпон ҳам кўп йиллардан бери «ёмонлар» қаторига киритиб қўйилганди. У инқилобни қабул қилмаган, уни қоралаган, унга қарши курашган дейиларди; унинг пешонасига «аксилнқилобчи» деган тавқи лаънат ёпиштирилган эди-ки, ўша кезларда уни бу маломатдан қутқаришнинг иложи йўқдай кўринарди. Мен эса Чўлпон-нинг совет шоирлари қаторида бўлишини жуда-жуда истардим. Негаки, ўша пайтда ҳам, ундан кейин ҳам кўп йиллар мобайнида «совет» дегани «энг яхши, энг аъло, энг тўғри, энг покиза» дегани эканига ишониб келган эдик-да! Чўлпоннинг мен билган шеърлари эса чиндан ҳам яхши шеърлар эди. Шундай шароитда кўлимга «Шўро ҳукумати ва саное нафиса» мақоласи тушиб қолди. Уқидим-у, жуда хурсанд бўлиб кетдим. Чунки ўша пайтдаги тасаввуримга кўра, мақола-да Шўро ҳукумати маълум халқ ҳокимияти деб таърифланган, унинг сиёсати қўллаб-қувватлан-ган, бинобарин, Чўлпон Октябрга ижобий муносабатда бўлган эди. Мақоланинг 1920 йилда 7 ноябрь кuni, яъни Октябрь инқилобининг 3 йиллиги нишонланган кuni «Иштирокиюн» газетасида бо-силгани ҳам шундан далолат берарди. Чўлпоннинг мақоласида «Шўро ҳокимияти саное нафисани халқники қилди, энди санъат эзилган меҳнаткашларга хизмат қилиб, уларнинг кўнглини олади» деганга ўхшаш гап бор. Шу фикрга қараб тахмин қилиш мумкинки, Чўлпон Лениннинг айрим фикрларига таянган. Эсингизда бўлса, Ленин 1920 йил 20 октябрда комсомолнинг III съезида «Ёшлар союзининг вазифалари» мавзуида доклад қилади ва унда пролетар адабиёти мутахассис-ларнинг калласида туғилган эмас, балки меҳнаткаш халқ оммаси яратган маданиятнинг қонуний давоми эканини айтади. Албатта, бу доклад ўша кезларда матбуотда эълон қилинган ва кенг кўламда тарғиб қилинганди. Афтидан, Чўлпон у билан яхши таниш бўлган-у, ўз ишида Ленин гоёларига асосланган. Хуллас, бу мақола Чўлпоннинг 1920 йилдаёқ узил-кесил совет позициясига ўтганидан далолат берувчи муҳим ҳужжат эди.

Кейинги йилларда кўпгина янги материаллар билан танишиш натижасида бу масалага қараш-

лар кескин ўзгарди ва Чўлпоннинг ижодий эволюциясини ҳам, миллатпарастлигини ҳам, инқилобга муносабатини ҳам, бадийи ва адабий-танқидий асарларини ҳам бошқача баҳолай бошладик. Шу жумладан, «Шўро ҳокимияти ва саное нафиса»ни ҳам бугун Чўлпоннинг совет йўлига ўтганини кўрсатувчи мақола деб билмайман. Тўғри, юқорида айтганимиздек, унда шўро ҳукумати шаънини айтилган мақтовлар йўқ эмас: Чўлпон шўро ҳокимиятини эзилган ишчи-деҳқонлар ҳукумати деб ҳисоблайди, мамлакатни чулғаб олган қонли фуқаролар урушини «эзилганларнинг ўз эгалликларини қуриш» учун олиб бораётган кураши деб билади. Кўришиб турибдики, инқилобнинг биринчи кунлариданоқ Октябрь тўнтариши ва яна ҳокимият ҳақида большевиклар томонидан тарқатила бошланган ёлғон-яшиқ гаплар ҳатто Чўлпондай одамни ҳам ўз асоратига ола бошлаган, лекин у бу ақидаларга тўлалигича асир бўлиб улгургани ҳам йўқ.

Афтидан, мақола газетанинг топшириғи билан муайян тазйиқ ва талаблар асосида ёзилган бўлиши мумкин. 1918—1919 йилларда шўро ҳукумати на фақат марказда, балки чекка ўлкаларда ҳам зиёлиларга қаттиқ тазйиқ ўтказа бошлагани, уларга қарши ҳам жисмоний, ҳам маънавий террорлар уюштиргани бугун яхши маълум. Айрим ҳолларда эса янги ҳокимият зиёлиларнинг фикрлаш тарзига таъсир ўтказиш учун қурол ишлатишдан ҳам сира ийманмаган. Жумладан, Фитрат 1929 йилда ёзган «Епишмаган гажаклар» мақоласида «Чигатой гурунги»нинг баъзи мажлислари қуролли қизил гвардиячиларнинг кузатувида ўтганини ёзади. Бундай йиғинларда Чўлпон ҳам иштирок этган. Эҳтимол, шуларнинг таъсиридадир, мақолада Чўлпон Лениннинг ёшлар съездидаги гапини маъқуллаб, санъат шўролар замонида халқники бўлиб қолганини айтади. Лекин, менинг назаримда бу мақолада Чўлпон жиндай «қувлик» қилган. Мақоланинг кўпгина жойи киноявий оҳангга эга, гўё муаллиф ўша пайтларда марказий матбуотда кўплаб босила бошлаган «совет руҳидаги» ташвиқий мақоаларга пародия ёзгандек. Чўлпон, айниқса, санъатнинг «синфийлиги» ҳақидаги таълимот устидан ошқора кулаётганга ўхшайди. Мана, ўзингиз кўринг:



«Бутун умрини ишламай, бекор ўтказатурғон бойлар, бойбаччалар, тўра болалари, хонзодалар бекорчиликдан зерикмас учун саное нафисага берилар; чалғи чалади, ўйинга тушалар, севиги шеърлари тўқийлар, ўқийлар эди. Буларнинг устига катта шаҳарларда 5—6 та бизнинг «Колизей»дай театрлари бўлар, шуларда пул билан, олтун билан санъатни сотиб олиб, завқланар эди».

Парчани ўқиганда ундаги юзакиликка таажжубланмаслик мумкин эмас. Наҳотки, ўтмишда санъатнинг ўрни оқсуякларнинг зерикмаслигига хизмат қилиш билан ўлчанади деб жиддий ўйлаш мумкин бўлса?! Наҳотки, санъат ялписига «олтунга» сотилган бўлса?! Ҳўп, бунга ҳам кўна қолайлик. Мана, инқилоб бўлди, мана, шўролар ҳукмронлигида уч йил ўтди. Хўш, нима бўлди? Эндиликда санъатнинг аҳволи қанақа? Унинг ўрни қандай?

«Саҳна бу дунёда юқори синфларнинг тумтароқли турмушларини кўрсатмайди эмас, кўрсатадир-ку, бироқ шу турмушнинг аччиқ ва жиркантирадурғон ҳидини томошачиларга ҳидлатмак учун кўрсатади. Чалғининг қиллари яна боягидай чертиб турар, бироқ бойлар кайфи учун ўйнағашга йиғлаб эмас, чарчағон халқнинг кўнглини очқони учун севишиб, эзилган халққа эзилув даврларини эслатмоқ учун йиғлаб чертилур».

Хўш, бу парча сизга бирон нарсани эслатадими? Менимча, ундан, айниқса, 1920 йилда юқори пардаларда «хониш қилган» ортодаксал пролеткультчиларнинг нафаси яққол сезилиб турипти. Бир лаҳза ўйлаб кўрайлик — наҳотки 16 ёшидаёқ «Адабиёт надур?!»ни ёзган Чўлпон орадан олти йил ўтгач, олти йил мобайнида ҳаёт қозонида обдан пишиб, янада кўпроқ нарсаларнинг сиру асрорини идрок этадиган даражага етгач, шу тарзда юзаки ва схематик фикрласа? Наҳотки, «Гўзал»дек дурдона шеърни ёзиб қўйган даҳо шоир адабиётнинг вазифасини юқоридек жўн тарзда изоҳлаб берса? Бу — ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. Ниҳоят, унинг шу йилда ёзилган ва шу йилнинг ўзида эълон қилинган «Марҳум Тавфиқ Фикрат» ва «Чин севиш» каби мақолаларини эслайлик. Буларнинг иккови ҳам жуда юқори савияда ёзилган бўлиб, юқоридагига ўхшаш мулоҳазалардан асар ҳам йўқ. Адабиётнинг «синфийлиги» ҳақидаги бундай бадбуруш тасаввурни Чўлпон 20-йилларда ёзган мақолаларида ҳам давом эттирган эмас. Шунинг учун ҳам бу мақолани киноявий оҳангга ёзилган пародия деб қараш мумкин. Албатта, бу фикр баҳсли. Лекин мен Чўлпон ижодини ва шахсиятини чуқурроқ ўрганганимдан кейин, аввалги қарашимдан кечиб, шундай хулосага келдим.

Чўлпоннинг адабий-танқидий асарлари эндигина ўрганила бошланди. Ҳозирча шу нарса аён бўлдики, бу мероснинг жуда зўр фазилатлари ҳам, ўзига яраша қусурлари ҳам бор. Уларда Чўлпон босиб ўтган мураккаб йўл муҳрланиб қолган. Бу мерос ўзининг жамики фазилатлари ва нуқсонлари билан адабий тафаккуримиз тарихининг қимматли саҳифасини ташкил қилади.



Толиб Йўлдош

ЙЎЛОВЧИ БИЛАН ЧУМОЛИ

Бир йўловчи деярли
Ҳар кун борар йўлида,
Ниманидир ортмоқлаб
Унгидами, сўлида.
У йўлин кесиб ўтган
Чумолига дуч келар,
Уни йўлдан қўймоқли
Йўловчига куч келар.
Йўк, ниҳоят бир куни
Чумолига яқинлаб,
Талмовсираб гап ташлар,
Томоғлари тақиллаб:
— Тавба, сени шу ерда
Учратаман ҳар куни,
Менга ошкор айтавер,
Қандай сири бор буни?
Қандай хизматга бунча
Жон-дилдан чоғлангансан?
Е, ўзингдан беҳабар
Ипсизми боғлангансан?
— Тўғри,— дейди чумоли,—
Айтганингча бор, ошна.
Ҳаёт борки, тирик жон
Эзгулик учун ташна.
Хув... анави тепани
(Кўли билан кўрсатиб)
Жарликка босмоқчиман
Дейди, гўё кесатиб.
Йўловчи, дейди, кулиб:
— А, чоғинг етармикан,
Чеккан машаққатларинг
Е зое кетармикан?

Бу шунча осон эмас,
Мушкул ишни ўйлабсан,
Ўзинг зиғирдай нарса,
Филмаҳмуд-ла ўйнабсан.
Умринг ҳам етмас, бунча
Тупроқни ташимоққа.
Бисотинг бўлса яхши,
Кўп-кўп ичиб, емоққа.
Чумоли мағрур дейди:
— Ниятим холис мани.
Бу жумбоқ ўйлантирар,
Бир сен эмас, ҳаммани.
Хоҳ ташиб улгурай, хоҳ —
Етмай кучу қувватим
Ўтиб кетсам ортимда,
Қолар-ку яхши отим:
«О... палончи чумоли
Тепа бузиб, ташмалаб
Умрин ўтказган бунда
Эзгуликка ташналаб».
Лоақал ёд олишар —
Хайрли иш қадрдон,
Йигит кучи далага
Кетган экан қадимдан,
Деб қопин ерга тўкса
Тариқча келмас тупроқ.
(Кўҳна дунё ўтмишдан
Кўра келгуси кўпроқ.)
Хўп, хайр, деб чумоли,
Жадал йўлга отланар.
Унинг бу эзгу иши
Мангуликка ёдланар.

Дердиларки, бир замонда,
Биздан олис томонда,
Ери суви осмонда,
Шарпаси жонда —
Кафтча ер қиммати
Зарга тенг бўлган.
Йўқолган олам тор,
Борга кенг бўлган.
Торозу паллага —
Тушган тоғу тош.
Мисқоллаб ўлчанган,
Муштлашу талош...
Шундай қаҳри қаттиқ
Оғир замонда —
Бир бечора яшар
Экан армонда.
Унга тишу тирноқ
Ота мероси,
Уй-жой, бола-чақа,
Э гапнинг рости,—
Шу парча ер бўлган;
Ҳеч вақоси йўқ.
Сўқа бош тентираб —
Утган бетуюқ!
Бир куни қараса,
Ери кўринмас...
— Вой тавба, билмаймиз,—
Дерлар, баланд-паст.

Сўроқлаб бормаган
Жойи қолмайди.
— Ерингни ер ютмас,
Ҳеч ким олмайди.
Сабр қил!— дейдилар.
Жавоблари шу,
Художўйликлари,
Савоблари шу.
— Бор-е!— дер камбағал,—
Ери ҳам кўрсин!
Розиман, ким топиб
Олса, у кўрсин...
У, тарки дунёни
Ихтиёр этар;
Умидсизлик кўзин —
Олдин беркитар.
Кейин, босиб келар
Уни тоғдек ғам:
«Мана, пешонамга
Сизмади ер ҳам!»—
Деб тўнин елкага
Ташлаган чоғи —
Ерга тушиб кетар
Қиндан пичоғи,—
Қараса, ери ҳам
Шу жойда экан!
Тўн остида экан!
Билмаган экан...

Либос ва мазмун

Одамга кийимига қараб баҳо бериб бўлмас экан. Буни донишмандлар минг йиллардан бери таъкидлаб келишади. Бу гап Толиб Йўлдошга ҳам дахлдор. У қимматбаҳо ялтироқ кийимларни ёқтирмайди. Шу даражада содда, жўн кийи-надик, уни кўрган одам шоирлигига сираям ишонмайди. Бу ҳақда орамиз-да латифанамо бир гап ҳам юради.

Бир вақтлар Саид Аҳмад Андижонда иморат қураётган эди. Шу муносабат билан у ерга тез-тез бориб, уста, мардикорлардан хабар олиб турар эди.

Бир гал Андижонга кетаётганида, Толиб Йўлдош:

— Мени ҳам ола кет, Андижонни соғиндим, бир айланиб келай,— дебди.

— Йўқ,— дебди Саид ака.— Унда икковимиз ҳам номусга қоламиз.

— Нега?

— Сени кўрган андижонликлар Саид Аҳмад участкасига Тошкентдан мардикор олиб келибди, дейишади.

Толиб Йўлдошнинг кўриниши шунақа, мардикорнамо. Аммо мана ман деган қулинг ўргилсин шоир. Халқнинг тилини, дилини яхши биладиган бунақа шоир камдан-кам ва бунчалик дарвешваш эмас. Дарвешвашлиги яна шундаки, нафси ғолиб эмас, озга қаноат қилиб яшайдиганлардан. Толиб Йўлдошнинг дарвешвашлигини исботлайдиган бир неча ҳодисани ҳикоя қилиб бермоқчиман.

БИРИНЧИ ҲОДИСА

1945 йили ёзида Толиб Йўлдош ўзининг «илҳом париси», яъни жуфти ҳалоли Тожихон опа билан биргаликда Шоҳимардондан Тошкентга пиёда келибди.

- Нега поездда келақолмадингиз?— деб сўрадим.
- Ҳаётни ўрганиш керак эди-да,— дейди.
- Нега бўлмаса опамни ҳам пиёда юргиздингиз?
- У ҳам ҳаётни ўргансин, дедим-да.

ИККИНЧИ ҲОДИСА

Уруш янги тугаган, карточка системаси бекор қилинмаган, нон ҳали ҳам «забор» билан бериладиган давр экан. Бу 1946—47-йиллар бўлса керак. Толиб Йўлдош чошгоҳ пайтида Чилонзордаги ота боғидан чиқиб шаҳар томон кетаётган экан.

— Ушанда кеч куз эди,— дейди Толиб ака.— Қиров тушиб ер сал-пал музлаган, лекин офтобдан эриб, оёққа лой ёпишадиган вақт эди. Четга чиқдим-да, бир боғнинг паҳса деворига ботинкамнинг тагини ишқалаб, лойини тозалаб турсам, девор пастак экан, боғ шундоқ кўриниб турибди. Қарасам иккита бўйрага буруннинг қонидай қип-қизил аччиқ гармдори ёйиб қўйилган. Бир чол мусаллас сузаяпти. Салом бердим-да: «Бунингиз жуда зўр-ку», — дедим гармдорига қараб. «Шундан ярим донасини еяоласизми?» — деди. «Ие, нима деяпсиз? Унтасини ейман», — дедим. «Бу ёққа киринг», — деди. Эшикдан кириб бордим. «Нонингиз борми?» — дедим. Қўрғонига кириб, чорак буханка қора нон олиб чиқди. Ҳалиги гармдоридан ўнтасини нонга қўшиб урдим. Устидан бир сопол коса мусаллас қўйиб берди. Бир симиришда ичиб юбордим. Яна ўнтача гармдорини олиб чўнтагимга урдим-да, хайрлашиб жўнадим. Кўчада кетяпману назаримда ёняпман. Бир тутам олов бўлиб осмонга чиқиб тушаётганга ўхшайман. Қарасам бўлмайдиган. Ечиниб ўзимни сойга ташладим. Кўрганлар ҳайрон...

— Бирданига ўнта қалампир ейиш зарурмиди?— дедим ҳам кулиб, ҳам ёйиниб.

— Ахир, ноннинг ҳурмати-да, ука. Ахир, ўшани емасам чол менга чорак буханка нон бермас эди-да. Биласан-ку ўша вақтдаги чорак буханка ноннинг қадрини.

Мана шундай кунларни бошидан кечирган шоир Толиб Йўлдош. У нонни ҳамиша эъзозлайди. Чойхонада ёки ошхонада нон еса, ортиб қолганини албатта ўраб олиб кетади. Дарвоқе, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, олим Рафаэль Тоқтош ҳам худди шунақа. Бу одат каминада ҳам бор. Нонни исроф қилмаслик учун жуда оз оламан. Уйдагиси ейилиб битганидагина янгисини сотиб оламан.

ЭНДИ УЧИНЧИ ҲОДИСА

Бутун республикамизда Толиб Йўлдошга ихлосманд мухлислар кўп. Ушандайлардан бири — юнусободлик ёш муаллим: «Шоирни бир меҳмон қилсам, суҳбатини олсам», — деб юрар, боғига таклиф қилаверар, шоир боравермас экан. «Қўймадинг-қўймадинг-да», деб ахийри борибди. Ёш муаллим шоирни роса сийлабди. Зиёфат охирлай деб қолганида боғини айлантириб, «саёҳат» қилдирибди. Кейин болохонага олиб чиқибди.

— Қалай?— дебди болохона шифтига осиб қўйилган юздан ортиқ қазини кўрсатиб.

— Яхши. Буюрсин. Ош бўлсин!— дебди Толиб ака бепарволик билан.— Болохонанг яхши экан, ҳаммаёқ кўринар экан.

Болхонадан тушганларидан кейин қазилик ош ейилиб, меҳмон жўнаб кетаётганида, мезбон унга қоғозга ўралган бир нарсани тутқазибди.

— Болаларга олиб борасиз.

— Нима бу?

— Қазӣ. Олтита.

— Керак эмас,— дебди Толиб ака.— Олган жойингга бошқатдан осиб қўй.

— Нега?— дебди мезбон ҳайрон бўлиб.

— Сен мени шоир деб сийладинг, шундоқми?— дебди Толиб Йўлдош.

— Ҳа, шундоқ.

— Балли, акаси. Энди бола-чақамни сийламай қўяқол. Бола-чақам шоир эмас.

ТЎРТИНЧИ ҲОДИСА

Пиёда юришни яхши кўраман. Бироқ бунга вақт топилавермайди. Бир куни шу хусусда:

— Пиёда юришга вақтим йўқ, таксида юришга пулим йўқ,— десам, Мирзиёев Мирзоедов мириқиб-мириқиб кулган эди.

Бу гапни у ҳаммага айтибди. Кейинчалик ҳам кўришиб қолган вақтларимизда эслаб хурсанд бўлар эди.

Лекин... пиёда юришда Толиб Йўлдошдан ўзадиган марди майдони йўқдир дейман. Бир куни ярим кечада уйига пиёда қайтаётган экан. Бешёғочдаги кўлни ёнлаб ўтиб, «Ўзбекфильм» томонга кетаётса, Бўрижарнинг кўприги устида уч нафар девдай-девдай олифта йигит йўлини тўсибди. Усти-бошини шилиб олай деса кийган кийими жуда ҳам жўн.

— Неча пулинг бор? Чиқар,— дебди биттаси.

— Керак бўлса ўзинг топиб олақол,— дебди шоир костюмининг тугмаларини ечиб.

Ўғрилар тинтув қилиб, бирорта чўнтагидан бир сўм тополмай, сўкиниб-сўкиниб жўнаб қолишибди. Кўприк устида қаққайиб турган Толиб ака қаҳ-қаҳ уриб кулибди.

— Нега куласан, қари эшак?— дебди йўлтўсарлардан бири ортига ўгирилиб.

— Уғри эмас экансанлар,— дебди шоир.— Агар чиста ўғри бўлсаларинг топардиларинг. Пулим бор, яхшироқ қарамадиларинг.

Ўғрилар қайтиб келиб яна тинтув қилишибди. Яна тополмай, сўкиниб кетишаётган экан, Толиб Йўлдош пайпоғининг ичидан йигирма беш сўм чиқарибди.

— Мана пул, номардлар,— дебди у.

Ўғрилар югуриб келиб пулни юлқиб олишибдию илдам-илдам жўнаб қолишибди.

Шоир бу воқеани энг аввал менга айтиб берди. Ушанда Чилонзорда кўздек қўшни эдик-да.

— Номардлар,— деди у сўзининг сўнгига.— Ҳаммаси ҳам номард ўғри экан. Лоақал ўн сўмини ўзимга қайтариб бермади-я...

— Узингиз ҳам қизиқсиз. Толиб ака,— дедим мен.— Ахир, нега ишлаб топган ҳалол пулингизни ўз қўлингиз билан бериб юбордингиз?

— Умид билан йўлимни тўсди, ноумид кетмасин дедим-да.

Сахийликни қаранг... Мана шунақа бизнинг Толиб Йўлдош. Бир маҳал чорак буханка қора нон учун қалампир чайнаб, ўзини сувга ташлаган одам биров дилидан чиқариб берган олтита қазини олмаса, ўғри болаларга ўз қўли билан йигирма беш сўмни бериб юборса, у дарвеш бўлмай ким дарвеш? Ахир, биласизми, йигирма беш сўмга қанча нон беради-ю уни неча ой ейсиз? Дарвоқе, у йилларда ноннинг баҳоси қанча эди дейсиз?

БЕШИНЧИ ҲОДИСА

1965 йилда «Ёш гвардия» нашриёти ёш шоирлардан ўн кишининг ўнта шеърини тўпламини бир хил шаклда чиройли қилиб нашр этди. Битта қоғоз қутичага жойланган бу ўнта китобча дўконларда узоқ ётмади. Жуда тез сотилди. Улар орасида Толиб Йўлдошнинг ҳам тўплами бор эди. Қаранг, кап-катта тажрибали ижодкор, Туроб аканинг таъбири билан айтганда, «Мулла Толиб» ҳам «замонанинг зайли билан» ёш шоирлар қаторига қўшиб қўйилган эди. Яна қалам ҳақини ҳам жуда оз тўлаган эдилар ўша вақтда. Ҳали тўпламлар босилиб чиқмасидан олдин бу ҳақда Толиб Йўлдошга айтдим:

— Буни қаранг, сатрига қирқ тийиндан тўлар эмиш. Шеърни жуда хор қилиб юборишибди-ку...

— Қўйвер, укам, чиққани ғанимат,— деди Толиб Йўлдош.— Ахир, қирқ тийин ҳам пул. Унга саккиз тийин қўшиб, магазинга борсанг, уч буханка нон беради. Уч буханка нонни мен бола-чақам билан камида икки кун ейман.

У шундай дедию хўрсиниб қўйди. Ахир, одамзод минг қаноатли бўлгани билан ўз қадрига йиғлайди-да.

Ўша қоғоз қутичада менинг ҳам тўпламим бор эди. Биласизми, ўша тўпламга, яъни — бутун бошли бир китобга икки юз қирқ сўм қалам ҳақи олдим. Мен уни неча йил ёзибману ишчининг бир ойлик маоши миқдоридан ҳақ олибман. Буни бир гуруҳ қозоқ шоирларига айтганимда ишонимасди, мендан хафа бўлишди. Улар олдида ёлғончи бўлдим.

— Бизда биринчи китоби чиққан ёш шоир ўзини ўнглаб олади,— деди қозоқ дўстлардан бири.

— Мен биринчи китобимдан олган гонораримни сарф қилиб, бир улкан қисса ёздим,— деди иккинчиси.

— Мен иккинчи китобчамнинг гонорари билан бутун бошли квартирамни жиҳозлаб олдим,— деди яна бири.

Мана шунақа. «Банда» бошига нималар тушмайди дейсиз. Лекин ҳамма вақт ўша «банда» маломат ўқларига нишон бўлади. Унинг не-не кунларга қолишига сабабчи бўлган атрофдаги баъзи «Аполлон» ва «апполонча»ларни жин ҳам урмайди.

Ҳа, майли... Донолар айтганидай: «Ин ҳам мегузарад».

Тожихон опамиз адабиётни яхши тушунади. Бир куни Толиб аканинг янги ёзган шеърларини машинкада кўчириб ўтирган экан.

— Мана буни ўқиб беринг,— деди машинкадан чиққан бир бет шеърни менга узатиб.— Қойилми?— деди ўқиб бўлганимдан кейин юзимдаги мамнуниятни сезиб.— Биласизми, Толиб акангиз ким бўлишдан қатъи назар, яхши шоир. Ҳақиқий шоир. Тагин эрини мақтаяпти деманг. Мен ҳалол гапни гапиряпман.

Бунақа ҳалол гапни кўпчилик ижодкорлар айтади. Баъзи истеъдодсиз, пасткаш кимсалар ҳар қандай шоирни ҳам камситади, ерга уради. Бир куни торгина доирада кимдир Толиб Йўлдош ҳақида бўлмағур ифво гапни бошлаб қолди. Шуҳрат ака унинг гапини бўлди:

— Нима бўлса ҳам Толиб Йўлдош катта шоир,— деди у киши.— Буни ҳали кўпчилик ё билмайди, ё сезмайди.

Шундан кейин даврадагиларнинг бири олиб, бири қўйиб, Толиб Йўлдошни мақтай бошлади. Уша ерда Шуҳрат акам бўлмаганида ифвогар сўзида давом этаверар эди. Мана сизга шахснинг аҳамияти. Дарвоқе, шахс ҳақида:

— Биласанми, Толиб Йўлдош шахс,— деди бир куни Саид Аҳмад.— Шахслиги шундаки, қачон тўртта одам тўпланса, Толиб Йўлдошдан гап очилади. Нега бўлмаса, баъзи лауреатлар, унвонлилар кўпдан эсимизга келавермайди?

Шу суҳбатда Саид ака Толиб Йўлдошга қилган насиҳати-ю, бу насиҳатга олган жавобини гапириб берди:

— Толиб, мана олтмишдан ошдинг. Одамларга ўхшаб сен ҳам каттароқ китоб чиқаргин. Союзимиз раҳбарига учрашгин, албатта ёрдам беради, қўллаб-қувватлайди. Ҳеч бўлмаганда, икки жилдлик танланган асарларингни чиқаргин. Ўғил уйлантирмоқчисан, қўлинг пул кўради.

— Икки жилдга неча пул беради?— деб сўрабди Толиб Йўлдош.

— Тахминан йигирма минг сўм оласан,— дебди Саид Аҳмад.

— Вой бў-ў...— дебди Толиб Йўлдош.— Кўп-кў. Шунча пулни нима қиламан?! Мана сизга шахс. Шахс демай кўринг-чи...

Мана шунақа шоир бизнинг Толиб Йўлдош. Шеъри ҳам, суҳбати ҳам кийган кийимдайд содда: шляпасиз, галстуксиз, халқона. Унинг бир мажлисда сўзга чиқиб айтган гапини эсласам, ҳали-ҳали кулгим қистайди. Бу олтмишинчи йилларда Ёзувчилар союзидаги ёш ижодкорлар семинарида бўлган воқеа. Ушанда аввал кичик мушоира бўлди. Кейин хоҳлаган одамлар сўзга чиқиб, ўқилган шеърлар ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини айтишди. Шоир Сайёр сўзлаб, ёшларнинг шеърларида ишқ-муҳаббат, гул, булбул кўпайиб кетганини айтиб, дедик:

— Ҳозир космос даври, техника даври. Биз шеърларимизда кўпроқ мана шу прогрессни куйлашимиз керак. Умуман, поэзиядан гулни олиб ташлашимиз керак.

— Буниси қандоқ бўлди?— дедим ёнимда ўтирган Толиб акага пичирлаб.

— Қўявер, ҳозир боппайман,— деди у.

Нотиқ минбардан тушиб кетганидан кейин, машғулоти олиб бораётган Пиримқул Қодиров:

— Яна ким гапиради?— деди ўтирганларга қараб.— Толиб ака, балки Сиз гапирарсиз?

— Мен нимани гапирман?— деди Толиб Йўлдош жўрттага меровсираб.

— Сиз гапирсангиз — яхши гапирасиз,— деди Пиримқул Қодиров.— Қани, ўзингиздан бўлсин.

Бошқалар ҳам «Қани, қани, Сиздан эшитайлик», — дейишганидан кейин Толиб ака ўрнидан турди. Бироз гапириб, Сайёрга бир қараб қўйди.

— Бу ерда сўзга чиққан баъзи одамларнинг гапи тахта полда ўтин ёргандай бўлиб эшитилди,— деди у.— Буни қаранглар, техника асрида поэзиядан гулни олиб ташлаш керак, деб ўтирибди. Техника нима? Темирдан бўладиган нарсами? Шундоқ бўладиган бўлса, темирдан бўладиган техника деб, шеъримиздан гулни олиб ташласак, нима бўлади? Унда йигитлар яхши кўрган қизига гул ўрнига бир даста темир-терсакни совға қиладими?

Бўлди кулги, бўлди кулги, асти қўяверасиз. Кейин бу воқеа адабий жамоатчилик ўртасида анча вақт тилга олиниб, ҳамма жойда гур-гур кулги кўтарилиб турди.

Мана шунақа шоир бизнинг Толиб Йўлдош. Уни яхши кўрмаган, соғинмайдиган одам оз.

— Толиб аканинг қоши ўсиқ,— деди бир куни Неъмат Аминов.— Бунақа одамдан ёмонлик чиқмайди.

Толиб Йўлдошга кимки маъқул бўлиб қолса, «Кўзингдан айланай!» дейди. Бу гапда жон бор. Ахир, кўз — кўнгил кўзгуси эмасми?

Бир сафар учрашиб қолиб, озгина гурунглашиб олдик. Кейин хайр-маъзур вақтида:

— Кўзингдан айланай!— деди.

— Қошингдан айланай!— дедим мен.

Толиб ака ҳузур қилиб кулди.
— Оқ қош ярашибди!— дедим.

Бу гап уни аввалги гапимдан ҳам хурсанд қилиб юборди. Чунки Толиб Йўлдош қарилликдан нолимайди, балки уни яхши кўради. Бу ҳам дарवेशона тантилик, мардлик бўлса керак.

Сафар Барноев

ЎЗИМИЗНИНГ АКАМИЗ

Бундан роппа-роса йигирма беш йил олдин Толиб аканинг 50 йиллигини «Ўзбекфильм» деган машҳур бинонинг шундай биқинидаги чойхонада ўтказдик. Ташкилий ишлар менга буюрилган эди. Шарт шу эдики, бу ҳақда Толиб акага нндамаймиз. Элликка тўлган куни тўпна-тўғри чойхонага бошлаб борамиз. Еш чолни бир хурсанд қиламиз.

Тайёргарлик ишларини зимдан бошлаб юбордик. Қарангки, орамизда кимдир сотқинлик қилиб, бўлаётган воқеадан Толиб акани хабардор қилибди. Мен у пайтда «Ленин учқуни» газетасида ишлардим. У киши ҳар куни камда икки-уч марта гоҳи сархуш, гоҳи ҳушёр, кулгисини тўхтатолмайдиган ҳолда келади-ю, аҳвол сўрайди.

Номард, нима ишлар бошлаб юрибсан. Айт, мен ҳам ўз ҳиссамни қўшай. Хотиндан яшириб юрган пулларим бор. Пайпогим қатида асраб юрибман.

Мен бўлсам сир бермай, майнавозчиликка ўтаман. Аниқ бир жавоб ололмагач, яна чиқиб кетади. Бир ёқда муштумчилар, бир ёқда ўзимиз, ўн-ўн беш қаламқаш дегани тўпланиб, у кишига костюм-шим олдик. Ҳазил аралаш ёзилган табриқномалар тайёрладик. Айтилган куни фалон жойга етиб келасиз, деб каттик тайинладик. Чойхонанинг маъқул жойини тапплаб, Толиб акани тўрға ўтказиб олиб, тантанали даврани бошлаб юбордик. Қошлари қуюққина акамининг мактади-ей. Шунда чойхонанинг яна бир бурчагида ошхўрлик қилиб ўтирган ажойиб санъаткор Эргаш Йўлдошев ҳам кўп ўтмай бизнинг суҳбатимизга қўшилиб кетди. Толиб ака суюқганидан бир бошдан бўйнимизга осилиб олиб, «укам бўласан»га ўтди.

Тўғриси, ўзимиз ҳам яйрадик. Толиб ака шоир сифатида ўшандаям ўз тендошларидан кам ёзмасдилар. Лекин кам эътиборда эди. Эътибор дегани ҳар донм уивони, мукофоти, амали борларда бўлиб келгани ҳаммага маълум. Хуллас, бизнинг бу тadbиримизни ёзувчи Носир Фозилов маъқуллади. Раҳмат айтди. Бошқа

ҳеч ким Толиб акани эллик ёшлигини эсламади. Матбуот ҳам нндамади. Кўнчилик учун Толиб ака дарवेशнамо, ярим Машраб бир шоир эди.

Толиб акани ўша куни то уйгача кузатиб қўйдим. У қандай қилиб миннатдорчилигини билдиришни билмасди. Ахийри кўнгли тошиб кетиб, пешонамдан ўпиб, деди:

— Сафар, ҳушёрхонага ишинг тунса, менинг номини айтсанг, дарров ёрдам беришадди. Ахир, бу яхшилигини мен ҳам узишим керак-ку.

— Мениям бу жойларда танишларим бор, — дедим мактаниб.


Қара-я, — деди у, — сира учрашмабмиз-а.

Албатта, бу ҳазил. Аслида эса бу шаҳри азимда Толиб Йўлдошнинг таниманган одам йўк. Айниқса, Фарғона томонларда. Акам бир Машрабхонлиқни бошлаб юборсалар, дув этиб одам дегани йиғилади.

Толиб аканинг даста-даста китоблари нашр қилинган. Ҳозир уларни санаб ўтишга ҳожат йўк. Унинг эртақлари, усмирларга бағишланган шеърлари аллақачон халқ мулкига айланган.

Толиб ака менинг ҳам кўп ҳожатимни чиқарган. Катталардан хафа бўлсам, дарҳол у кишига учардим. Ана шунда Толиб ака пайт пойлаб туриб, «Қаро кўзим»ни бор овоз билан айтиб, ўша раҳбарнинг хонасига кириб кетарди. Айтидиган термаларни айтиб, созлаб чиқиб кетарди...

Ҳаш-наш дегунча мана ярим Машраб акамиз 75 ёшни уриб қўйди. Шоирлиги элга таниш. Унинг яна бир фазилати шу ёшгача бировни ранжитмагани. Лекин унинг дарवेशлиги ҳақида адабий жамоатчилик орасида талай латифалар юради. Бундай ўйлаб қараганда, латифага бош қаҳрамон бўлиш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Шоир кўпу лекин Толиб Йўлдош битта. Нима бўлгандаям ўзимизнинг акамиз-да! Яна йигирма беш йил сабр қилсак, юзга кирадилар. Ҳозир ҳам, ундан кейин ҳам у кишининг хизматида қочмаймиз.



АЛИФБОМИЗ УФҚЛАРИ

Мустақилликка эришишимиз турмушининг бирча бўгинларида бўлгани каби маданий-маърифий ҳаётимизда ҳам қатор муаммоларни юзага чиқарди. Цирковардида жорий имломизни ислоҳ қилиш ёки араб, ё лотин алифбосига ўтиш ҳақидаги гап-сўзлар қўзғалиб қолди. Шу маънода биз журнал саҳифаларида шоир Миразиз Аъзамнинг «Алифбомиз уфқлари», (1992 й. 10-сон) мақоласини чоп этиб, кенг ўқувчилар оmmasини бу мунозарарага чорлаган эдик. Мақола юзасидан редакциямиз журналхонлардан талайгина хат-хабарлар олди. Аммо ҳеч бир имлони мутлақ кўпчилик ёқлаб чиқмаганки, буни қуйидаги фикр-мулоҳазалардан ҳам билса бўлади. Шу боис биз мўайян имло қабул қилиниши чоғида умумхалқ референдуми ёки илмий-амалий йиғин ўтказилса ва унинг натижаларига қараб ҳал этилса тўғри бўлади, деган хулосага келдик.

«КОДЕКС КОМАНИКУС» ЁКИ ИТНИНГ ҚЕЙИНГИ ОЁҚЛАРИ...

Афсуски, муҳтарам Миразиз Аъзам ҳаёт-мамотимизга доир бўлган ёзув муаммосига ўз ҳаётларидан бирмунча нохушроқ воқеани танлабдилар. Начора, яқин ўтмишимиздан бамаънироқ нарсани исташнинг ўзи маҳол. Аслида, маънавий қатағонни ислоҳот деб тушунишга ҳаракат қилган биродаримиз ҳам, у кишининг домлалари, ҳурматли тилшунос олим Ш. Раҳматуллаев ва ҳоказолар ҳам оддийгина бир ҳақиқатни англаганларида эди, нега бечора бир халқ «х» билан «ҳ»нинг сира фарқига бормасликлари боисини жуда осон илган бўлардилар. Зеро, араб ёзувида алайно-ошкор талаффуз қилиниб, ёзиладиган «ҳо» товуши билан ҳар икки «ҳа» товушининг ўртасида шу қадар катта фарқ борки, буни ҳеч қачон англамасликнинг яғона йўли ё лотин ҳуруфини қабул қилиш ёхуд империячи кирилл қанотларида абадул-абад даврон суришдир.

Ҳар уч ҳарфнинг ўрнига биргина «ҳ» ёхуд «х» ҳарфини қўллаш ўта кулгилик-ку. Бундай мисолларни «етти дона» эмас, сўнгсиз келтириш мумкинки, агар уларни биргина ҳарф билан ифодаладиган бўлсак, янги бир тил яратган бўлардик. Уни энди на турк, на форс, на араб деб номлашнинг маънисини қолмасди. Ҳайтовур, М. Аъзам айни ҳолни чуқур дарк этган кўринадиларки, мёрдонавор тан оладилар: «Араб ва форс тилларида «ҳ» билан «х»ни фарқламаса ер билан осмонча фарқлар чиқиши муқаррар. Аммо бизнинг турк тилимизда «ҳ» билан «х»нинг фарқи йўқ. Тўғри, аммо бунинг учун батамом янги тил яратиш лозим. Унда Алишер Навоий (Оллоҳ ул зотдан рози бўлсин) луғатидан бир сўз ҳам бўлмаслиги керак. Токи Алишер Навоий ва ўнлаб туркий тил даҳолари (Оллоҳ ул зотларни раҳмат қилган бўлсин) калом бобида пири муршид экан, юқоридаги маънисиз даъволар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Маълум бўладики, араб алифбосидаги шўрпешона нуқталар ва яна алланечук белгилар ёлғиз Энгельснинг эмас, Миразиз Аъзам ва унинг куллийтдош дўстларини ҳам ҳайратга солган экан: «Авалло ҳар бир ҳарфнинг ҳар жойда ҳар хил ёзилиши кишини танг қолдиради. Бир ҳарфнинг ўзи сўз бошида бўлакча, ўртасида бошқача ва сўнгида ўзгача ёзиларди...» Еруғ дунёда қайси ёзув ҳар уч ўринда — бошда, ўртада, охирида — бирдек ёзилади? Босма ҳарфи бир хил, ёзма шакли батамом бошқа хил бўлган кириллми? Худди шунга ўхшаш лотинми?.. Изоҳнинг ҳожати йўқ. Аммо, чин дилдан икром бўламанки, жаҳон тилшунослигида араб ёзувидек осон ўрганиладиган ва осон ўзлаштириладиган алифбо мавжуд эмас. Чунончи, кириллда биргина «а» ҳарфи бош ва кичик шакллари билан тўрт-беш йўналишдаги белгилар асосида ифодаланса, араб алифбосида биргина белги билан ифодаланади. «Б», «т», «с» («са»), «п» товушлари учун бир белги; «ҳ», «хо», «ж» товушлари учун бир белги; қолган товушлар учун ҳам бир белги қўлланилади, холос. Албатта, уларни бир-биридан айри турадиган нуқталар бордирки, фозиллар бу ҳақда ўз замонида ниҳоятда ибратли панд ҳам деганлар: «Оқилон пайи нуқат нагаранд», яъни «Оқиллар нуқтанинг ортидан юрмайдилар».

Собиқ Совет ҳукумати мактабларида бошланғич синфлар кирилл алифбосини батамом ўқиб-ўрганишлари учун уч ярим ой ажратилди. Бу роппа-роса юз, юз ўн кун дегани. Ҳар қандай ўртача қобилиятли бола узоғи билан бир ой давомида араб алифбосини тўлиқ ўргана ва ёза олади. Бу исботланган ҳақиқат.

М. Аъзам: «Арабчадаги «ҳо», «ҳа» белгилари (афсуски, бундай белгиларнинг иккитаси арабчада йўқ. — А. М.) туркчада битта «ҳе» белгиси билан ўз ифодасини толади», дейдилар-у, она тилимиз бўлган турк тилидан бунга мисол келтириб ўтирмайдилар. М. Аъзам: «син», «сод», «се» товушларидаги фарқлар бизнинг тилимиз учун тушунарсиз», дейдилар, лекин бунинг нимаси тушунарсиз эканини дўшунтириб ўтирмайдилар ва «биз фақат битта «се»ни ишлатамиз», деб яқун ясайдилар. Агар, одатдагидек биргина «с»ни ишлатадиган бўлсак, унда ёруғ дунёда кириллдан кўра саодатлироқ ёзув йўқ экан. Ҳаммани бир аравага солиб, бир ашулани айттирган дами зўрлар, албатта, битта «с»ни айттиришлари у қадар қийин эмасди. Зеро, «светофор»га ҳам битта «се», «со-бит»га ҳам, «Стаханов»га ҳам битта «се», «Совет»га ҳам..

Араб ёзуви қисқалиги, ихчамлиги, хусусан, ўнг томондан бошлаб ёзилиши билан ғоятда қулай ёзувдир. Талаффузда ниҳоятда кўп ишлатиладиган, бироқ сон жиҳатдан жуда оз унли товушларнинг қўлланмаслиги тежамкорлик намунаси ҳисобланадики, дунёдаги бирор-бир тил бундай тежамкорликини даъво қилолмайди.

«Мана, ҳозирги кунларда, — дейди М. Аъзам, — Навоий, Машраб, Нодири, Хоразмий нашрларидаги юзлаб хатолар маъни аҳлларини хуноб қилиб келмоқда... Ҳолбуки бу тўпламларни классик адабиёт билимдонлари, филология фанлари номзодлари тайёрлашган эди. Навоийнинг «Мукаммал асарлар тўплами»да хатолар кўплиги оғизларда афсона бўлиб юрибди. Бу нимадан келиб чиққан? Фақатгина (!) араб алифбосининг ўқилишдаги қийинчиликдан келиб чиққан...»

Йўқ, муҳтарам Мирозиз ака, бу фақат ва фақат ўша сиз айтган «классик адабиёт билимдонлари, филология фанлари номзодлари»нинг чаласаводлиги, чаламуллалигидан келиб чиққан. Худода шўкри, сиз бу даъволарни Алишер Навоий ва бошқа пирларимизнинг табаррук битикларини нашрга тайёрлаган ва бугунги кунда номлари ақалли кўнгил учун эсга олинмайдиган бетакрор тил билимдонлари Порсо Шамсиев ва Ҳамид Сулаймон (Оллоҳ улардан рози бўлсин) каби алломаларга қила олмайсиз. Шундай эмасми?

Хўш, дорилфунун билими билан классик адабиётимиз, классик ёзувимизни тадқиқ этган олимлар, улар чоп этган китоблар юз фоиз мукаммал бўлиши керак эди, дейишга ҳаққимиз борми? Ҳаммага шубҳасиз аёнки, классик адабиётимизни мукаммал бериш билан бу энг аввал араб ва форс тилини мукаммал билиш, Қуръони карим ва пайғамбар алайҳиссалату вассалам аҳодисини теран англаш демакдир. Бусиз классик адабиёт остоналаридан ҳатлаш, девор ошиб ўғирликка тушишдан бошқа нарса эмас. Биз эса, буни оддийгина қилиб саводсизлик, деб атай қоламиз. Начора.

Муҳтарам М. Аъзамнинг ўзлари ҳаққоний баҳони куйидаги бандда бериб кўйганлар: «Балки бу — бизнинг чаласаводлигимиз, 70 йил давомида ўз алифбомиздан узоқлашиб кетганимиз сабабли юз бераётгандир? Балки биргина мен, балки биргина гуруҳ билимсизлар бу масалага дуч келгандирми, дунёнинг бошқа маърифатли турк миллатларини учун ўртада бундай қийинчилик йўқдир...»

Дарҳақиқат, бу бизнинг чаласаводлигимиз ва ана шу чаласаводлик поғоналарида туриб ҳаёт-мамотимиз бўлган ёзув хусусида «маслаҳат»лар беришимиз, «йўл-йўриқ»лар курсатишимиз туфайлидир.

«Аммо ундай десам,— давом этади ҳақиқатдан узоқлаша бошлаган биродаримиз,— тарихда, айниқса, XIX асрнинг II ярмидан бери араб алифбосини ислоҳ қилишга уринишлар бўлиб келганини нималар билан изоҳлаш мумкин?...»

Исло оламининг таянчи бўлган ёзувни, мулоийм қилиб айтганда, «ислоҳ» қилиш (ҳайтовур ҳақиқий ислохотчиларнинг муддаолари хайрли бўлган, улар ёзувдан батамом воз кечамиз деганлари йўқ. Бу нуқтада «ислоҳ» ва «инкор»ни бир-биридан фарқлаш лозим бўлади) бу XIX асрнинг иккинчи ярмидан эмас, балки буюк Пётр Амударё ва Сирдарё соҳиллари оша узоқ Ҳинд ёқларга кўз олайтира бошлаган даврлардан бурунроқ бошланган. Наҳотки муҳтарам биродаримиз ёруғ дунёда бадбахт моддийоний (материалистик) мафкурадан илгари икки ҳукмрон мафкура мавжуд бўлганини ва башарият тарихи ана шу мафкураларнинг ўзaro курашидан иборат эканини билмасалар? Биладилар, албатта. Ҳатто бу ҳарблар қилич ва макрдангина иборат эмаслигини ҳам тушунадилар.

Ёруғ дунёда энг узоқ умр сурган Усмонли турк империясининг ёзуви, ҳарқалай, лотин эмасди. Дунёнинг тенг ярмини Туркиянинг ўзи билан қўшиб забт этган соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур (Оллоҳ у зотдан рози бўлсин) салтанати даълат ёзуви араб ёзуви эди, дейиш ҳам янгилик эмас.

Бу қадар оламшумул шаҳодат ва бурҳон турганда «1303 йилда Қора денгиз шимолидаги Қипчоқ бўзқирларида, қипчоқ туркларига аталган «Юдекс Команикус»нинг далолат қилиниши, намуна қилиб кўрсатилиши мантиққа тўғри келадими? Аммо бу кулгили шаҳодатга қаранг: «Бу даврларда готик ва лотин ҳарфлари билан ифода этилган Юнус Эмро шеърлари борлиги борлиги аниқланди...» Хўш, Юнус Эмро шеърлари ўз замонасида лотин ёхуд қандайдир готик ҳарфларга ағдарилган бўлса нима қилибди? Ахир, маърифатли Оврўпо мана, минг йилдирки улуғ боболаримиз Абу Али ибн Сино, Фарғоний, ал-Хоразмий (Оллоҳ уларни раҳмат қилган бўлсин)нинг битикларини неча бир ҳуруфга ағдаргани ағдарган.

Ростини айтганда, муҳтарам биродаримизнинг М. Фуот Кўпрулидан келтирган хийлагина катта иқтибослари мазмунини мен англай олмадим. Тўғрироғи, бу иқтибосдан муддао не эканини ҳам тушунмадим. Иқтибос аслида кимдан — М. Фуот Кўпрулидани, Номик Камол бейданми, Ҳасан Эренданми — аниқлаб бўлмади. Аммо, ҳарқалай, иқтибос менга шу қадар муҳкам туюлдики, шояд унга М. Аъзам шарҳ беришлари лозим эди.

М. Аъзам Октябрь тўнтаридан сўнг шахсан «халқлар дохийси»нинг кўрсатмаси билан амалга оширилган «лотинлаштириш» (лотинизация) сиёсати моҳиятини тўлиқ англаб етмаган кўрилади. «Совет жумҳурияларининг лотин алифбосига ўтиш тараддуди М. Камол Ота Туркни ҳам бу борада тайёргарлик кўришга мажбур этди. У, эндиликда бу масалани қолдириб бўлмаслигини кўрди. М. Камол Ота Турк буюк давлат одамларига хос илғор бир сезги билан Совет жумҳурияларида амалга ошириляётган бу ислохотларнинг асл мақсадини дарҳол англаган эди...»

Сўнги пайтларда лотин ёзуви ҳимоясига қалам чархлаётган кўплаб биродарларимиз лотин ёзувининг «империяча» моҳиятидан қасддан кўз юмаётгандек таассурот туғдирмоқда. Шахсан

мен ҳали қайта қуришдан олдинроқ миллий маданиятимиз, тилимиз, экологиямиз учун қаттиқ талашган муҳтарам Мирасиз аканинг бундай мавқеини тушунмадим. Модомики, биродарларимиз бу «сиёсатдан ихтиёран ё беихтиёр кўз юмар эканлар, биз ихтиёрий равишда қайтадан уларнинг қўйида келтириладиган далолийга таважжуҳ қилишларини сўраймиз. «Қайта» дейишимизнинг боиси шундаки, М. Аъзам баҳсга киришган мақола («Эркинлик садақа қилинмайди», «Эрк», 1992 йил 1—7 апрель) газетада шу қадар чўлтоқ ҳолда нашр этилди. Мен бу мақоланинг чиққанига узоқ вақт афсус чекдим. Унда мана бундай ўринлар бор эдики, М. Аъзамнинг юқорида келтирилган бандгаги даъволари тарихий ҳақиқатга зид эканини бир қадар исбот этади: «бу маккор режа қаерда пайдо бўлди? Унинг пешвоси ким эди? «Октябрь инқилоби, — ёзади «Е. Д. Поливанов» китобининг муаллифи В. Ларцев китобнинг тил қурилиши бобида, — халқ маорифи соҳасида тез ва сермаҳсул ислоҳот ўтказиш учун шароит яратди. Ёзуви йўқ халқлар учун алифбо таъсис этиш, ёзувни ислоҳ қилиш муаммолари вазифа қилиб қўйилди ва ҳал қилинди. Бу мамлакатда маданий инқилоб ўтказиш учун восита эди.

Мамлакатимиз олимлари, жумладан, В. В. Бартольд, Л. И. Жирков, С. Ф. Олденбург, А. М. Самолович, А. М. Сухотин, Л. В. Шчерба, Н. В. Юшманов, Н. Ф. Яковлевлар тил қурилиши ишида фаолият кўрсатдилар...» Энди айтинг-чи, бу олимларнинг қай бирлари араб ёзуви туркий халқлар тилига мутобиқ эмас, шунинг учун уни ўзгартирайлик, деб хаёл қилди экан. Ёхуд бу «мўътабар» зотларни ҳам «Турк бирлиги» гоёси чулғаган эдимиз? Шўро замонида муқаддас ёзувимизни яроқсиз деб топган ва уни лотин ёзувига алмаштиришга биринчидан бўлиб ҳисса қўшган Е. Д. Поливанов ким?

Баъзи бир зиёлиларимиз лотинлаштириш сиёсатида ўзбек уламоларини, жумладан, Т. Қориниёзий, С. Айний ва бошқаларни айблайдилар. Наҳотки улар умумимперия сиёсатининг хизматкорлари бўлганларини англаш қийин бўлса?!

Аммо бу ислоҳот фақат туркий элатлар бошига келган мусибат эди, десак хато бўлади. «Лотин алифбоси қабул қилингандан сўнг янги имло қондаларини аниқлаш масаласи ҳам кўндаланг бўлиб турарди. Тожик ёзувни лотинлаштиришга бағишланган иккинчи конференциядан сўнг, 1929 йил тожик адабий тилининг биринчи имло қондалари С. А. Сухарев томонидан тузилди ва алоҳида китобча ҳолида нашр этилди», деб ёзади Якуб Исхакович Калантаров «Луғати имлои забони тоҷикӣ» китобининг сўзбошисига. Мазкур сўзбошида келтирилган ушбу тарихий ҳужжат ҳам коммунистик тил қурувчиларининг сиёсатини бирмунча ойдинлаштиради: «1938 йилнинг февраль ва ноябрь ойларида Тожикистон КП(б) МК машварат ва мажлисларида тил, имло ва атамашунослик масалалари муҳокама қилинди. Унинг қарорлари асосида Тожикистон Маориф Комиссариатининг фармонлари нашр қилинди» («Тожикистони сурх» газети, 1938 йил 2 январь ва 1938 йил 26 январь).

Фармоннинг биринчи моддасида шундай дейилади:

«Тожик тилининг грамматикаси, терминология ва орфография соҳаларидаги масалаларини тартибга солишда бир қатор конкрет тадбирлар муайян қилинди. Бу тадбирлар тожик тилида архаизм, арабизм ва эронизмга барҳам бериш, адабий тил ва соғлом сўзлашув тили ўртасидаги сунъий тўсиқни олиб ташлаш, тожик тилида тирик тил шакллари ва советимизмларни жорий қилишга равона қилинди».

Жаҳон адабиёти саҳнасига мисли йўқ сўз қиролларини берган тожик тили Октябрь тўнтариши, большевойларнинг ғайринисоний сиёсати туфайли яроқсиз деб топилди ва «улуғ ислоҳотлар кушхонасига» топширилди. Тожиклар бутун туркий халқлар каби ўз миллий ва диний маданияти асосларидан зўрлик билан узиб ташланди.

«Инқилобгача маданият ходимлари, ёзувчилар, қисман Озарбайжонда ёзувни лотин асосига қуришни ва шу йўл билан ўрис-Оврўпо маданиятига юз буришни таклиф қилдилар. Совет ҳукумати ўрнатилгандан сўнг туркийзабон жумҳуриятларда бу кураш фақат ёзувчилик ва маърифатпарварларнинггина ёзмиши бўлиб қолмади», деб ёзади В. Ларцев.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг лотинлаштириш сиёсатида бевосита Масков, аниқроғи «доҳий»нинг ўзи бошчилик қилди.

«Ёзувни лотинлаштириш фоят оғир жараёнлар билан кечди, — давом этади Ларцев. — У буржуаца кайфиятдаги зиёлилар, клерикаллар ва «арабистлар», ёхуд Кичик Осиёдаги турклардан Хитойдаги уйғурларгача фойдаланувчи, шунингдек, мусулмон маълумотининг асоси ҳисобланган араб алифбоси тарафдорларининг жиддий қаршилигига дуч келди. Улар ёзувни алмаштириш анъанавий миллий ва диний алоқаларнинг бузилишига олиб келади, деб ҳисоблашарди».

В. Ларцев таъбири билан айтганда, «буржуа зиёлилари, клерикаллар ва «арабистлар»нинг жиддий қаршилиги» ундан-да жиддийроқ қаршиликка дуч келмаганда эди, бугунги умуммусулмон ва умумтурк парокандалиги рўй бермаган бўларди.

Аммо давом этамиз:

«Е. Д. Поливановнинг фикрига кўра лотинлаштириш муҳим идеологик қадамни англарди... Лотинлаштириш ҳаракатининг илҳомчиси Озарбайжон бўлди. 1922 йилнинг 11 августига В. И. Ленин Озарбайжон МИҚ раиси С. А. Оғамали ўғли билан уни кузатиб келган А. С. Енукидзени қабул қилди. Улар билан қисман Озарбайжон меҳнаткашларининг янги алифбо лойиҳасига муносабатлари ҳақида сўхбатлашди. Бу ёш Советлар мамлакатининг ёзув ислоҳотида катта эътибор берганлигидан далолат беради.

1922 йил янги турк алифбоси қўмитаси (НТА) ташкил қилинди. Озарбайжон МИҚининг 1923 йил 20 октябрь декретига мувофиқ тарзда лотин алифбоси давлат ёзуви ва мажбурий деб тан олинди» (В. Ларцев, «Е. Д. Поливанов»).

«Мен, — деб ёзади Поливанов, — лотинлаштириш ҳаракатида биринчилардан бўлиб киришган олимларнинг олдинги сафида эдим».

Лотинлаштириш қаҳрамони Е. Д. Поливанов Озарбайжонда ўз мудоаоси муқаррар амалга ошишига ишонч ҳосил қилгач, Тошкентга келди. В. Ларцев ёзади: «1922 йил Ўзбекистон маориф ходимларининг иккинчи съездида ташриф буюрган Е. Д. Поливанов лотинлаштириш ҳақида амалий нуқтаи назардан маъруза қилди. Жумладан, у ислоҳот муайян тартибда эмас, ноиттифоқчилик билан ўтказилса, «Вавилонча тўс-тўполон» бошланиб қолишдан огоҳлантирди...»

Афсуски, «Вавилонча тўс-тўполон» бошланди. Уни совет муаррихлари «босмачилик ҳаракати» деб номладилар. Бу тўполон, яъни миллий озодлик ҳаракати лотин ёзуви муқаррар қарор топган 30-йилларнинг биринчи ярмигача давом этди ва ёзув собит бўлиши баробарида интиҳо топди.

Хулоса қилиб шунини айтмоқчиманки, М. Аъзам бир ўринда ғоят қўпол ўхшатиш қиладики, мен эмас, Шарқ ва Ғарбни олам тарозусининг икки палласида кўришни мудом орзу қилган Киплинг ҳазратлари ҳам қаттиқ ранжиган бўлардилар: «Асқар Маҳкам «Биз Шарқ халқларимиз!» дейди. Ҳа, биз шарқликмиз. Аммо бу бизга олам цивилизациясидан орқада, итнинг кейинги оёғи бўлиб судралиб юриш ҳуқуқини бермайди...»

М. Аъзам қатъиян иқрордирки, агар биз бугун лотин ёзувига ўтмасак, эртагаёқ итнинг кейинги оёғи бўлиб қолаверамиз. Қандайдир итнинг олдинги оёғи бўлиш учун эса, албатта, лотин ёзувини қабул қилмоғимиз зарур...

Асқар МАҲКАМ,

шоир

Саводхонлик муаммоси

Сўнги пайтларда юз бераётган ижтимоий-тарихий ўзгаришлар сабаб алифбозимни ўзгартириш зарурлиги таъкидланмоқда ва шундай қарашлар баён этилмоқда. Модомики, қарашлар хилма-хил экан, улардан ҳар бирини атрофлича ва чуқурроқ ўрганишга тўғри келади. Албатта, ҳар бир қарашнинг ўз асоси бор, жумладан, биринчи қараш вакиллари рус ёзувига ўтишни шундай изоҳлашади: «Ўзбекистон ССР Олий Совети 1940 йил 8 мартда Ўзбекистон колхозчилари, ишчилари ва зиёлиларининг кенг оммасининг илтимосини қондириб, ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алфавитдан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитига ўтказиш ҳақида қонун қабул қилди» (УГ, 1990 й, 6 январь). Бошқа бир ўринда рус графикасига ўтиш «ҳаётимизнинг социал-иқтисодий эҳтиёжлари ва қозоси билан, республика илмий ва маданий жамоатчилигининг истакларига кўра амалга оширилган» дейилади (СЎ, 1990 й, 25 январь).

Қаранг, далил асосли туюлади, аммо қатор масалалар очиқ қолади: а) араб алифбозига ўтилса, бола мактабда бир-бирига ўхшамаган икки хил алифбони ўрганишда қийналади, дейилар экан, у ҳолда, дейлик, арман ва гуржи ўқувчилари рус ва бошқа хорижий тилларни ягона ёзув асосида ўрганишадими ёки ҳар қайси тилни ўз алифбоси асосида ўрганишадими; б) ўзбек алифбосини ўзгартиришни ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар тақозо қилган бўлса, ёзувини ўзгартирмаган халқларда ана шундай эҳтиёж туғилимади ё биздан қолақоқ мамлакатларнинг илғор мамлакатга айланиши ўз алифбосини ўзгартириш билан боғлиқми? Лотин ёзувидан кирилл ёзувига ўтишни «кенг омма» илтимос қилган дейиш ғоят муҳим масалани ҳаспўшлашдир. Афтидан, алифбозимнинг биринчи алмаштириш ҳукмрон тузумнинг асл мақсадига мос тушган: бирдангина рус алифбозига ўтказиш халқда катта норозилик туғдириши мумкин эди, акс ҳолда энди ўрганилиб келаётган алифбо яна қайта алмаштирилмас эди. Узоқ асрлик ёзувга эга бўлган халқ алифбосини алмаштириш Туркистонда нуфуз жиҳатдан салмоқли ўрин тутган, узоқ тарихий ва маданий бойликларга, қадимдан ўз давлат тузумига эга бўлган халқни маданий-маънавий манбадан тамомлаб ажратиб, асоратда сақлашни кўзда тутган.

Мавжуд алифбога айрим ўзгаришлар киритиш билан чекланиш ҳақида шунини айтиш керакки, бу усул Жумҳурият мустақиллигини таъминлаш, давлат тилини ҳимоя қилишда қўтилган натижа бермайди. Чунки айрим «байналмилалчилар» гоҳ-гоҳда муайян сабаб билан мавжуд алифбозимнинг ҳозирги кўриниши етмагандек, руслаштиришга шу даражада берилиб кетишдики, баъзилар Радицев, мешан каби сўзлар асосида ш; вывеска, выговор, выставка каби сўзлар асосида ы ҳарфларини алифбозимга киритишни; чор, чўтка каби сўзларни эса аслига кўра царь, счетка шаклида ёзишни тавсия қилган бўлса, кейинроқ бири Горбачев, Лихачев, актер каби сўзларни рус тилида гидек ўқиш учун Ё ҳарфини сақлашни тавсия қилди (қаранг, шу соҳада ҳам сиёсий хушомадгўйларимиз бор эди!).

Гап миллий тил хусусиятлари ҳақида борар экан, лотин ёзувига ўтишни сира ҳам турк алифбосини айнан қабул қилиш деб тушунмаслик керак. Лотин ёзуви халқаро ёзувларнинг бири сифатида талай мамлакатларда кенг тарқалган ва анчагина миллий ёзувларга асос солган. Энг муҳими шуки, ҳозирги кунда уни жонли тиллардан бирортасининг миллий ёзуви деб бўлмади, лотин тилида сўзлашувчи халқнинг ўзи эса йўқ. Бироқ туркий тиллар учун тавсия этилган алифбо лойиҳасидаги ҳар бир ҳарфни ўзгаришсиз қабул қилиш мақсадага мувофиқ эмас, чунки лойиҳада олдинги лотин алифбозимга номувофиқ ўринлар бор. Биз ана шу номувофиқлик бўлмаслиги учун ворислик сақланиши тарафдоримиз, шунинг учун айрим қўшимчалар киритишга эҳтиёж сезамиз. Биринчидан, баъзи ҳарфлар вазифаси алмашган. Масалан, портолочи жарангли Ж товуши учун С, унинг жарангсиз эши учун эса Ҷ белгилари тавсия этилган, яъни аввалги имлога ғирт тескари ҳолат юз берган. Натижада яқин ўтмиш адабий тилимиздаги саж, сип, синни, сим каби сўзларни жорий имлода жой, жин, жинни, жим тарзида ўқишга тўғри келади. Албатта, ёш авлодга С ва Ҷ ҳарфли сўзларни олдинги лотин алифбосида ундок, янгисида бундоқ ўқиш деб ҳам вақт йўқотиб, ҳам уларни қийнаб ўтирмасак керак. Ваҳоланки, муаммолар фақат шу икки ҳарф билангина чекланмайди.

Бундан ташқари, сирғалувчи жарангли Ж товуши учун ј, тил ўрта сирғалув И товуши учун У белгилари тавсия этилган. Бунинг натижасида аввалги Paris, zurnal сўзлари келгусида Parij, jurnal шаклида, jer, baj сўзлари эса yur, bay шаклида ёзилади. Кўринадики, иккинчидан z ҳарфи тушириб қолдирилган. Учинчидан, тил олди кенг А унли товуши учун ä ҳарфи, сирғалувчи чўқур тил орқа Ғ ундош товуши учун g ҳарфлари белгиланган. Бошқача айтганда, аввалги әә, әәә, әлә каби сўзларни янги имлода ää, äää, älä шаклида, qaz, taq, jamqir каби сўзларни эса ѓaz, tađ, jamqir шаклида ёзиш тавсия этилади. Тўртинчидан, янги алифбо сирасида апостроф (’) масаласи очиқ қолган. Агар апостроф олинмаса, дейлик, суръат, бидъат, санъат, қитъа, раъно каби сўзлар тақдирини мушкуллашади. Бироқ мазкур сўзларни апостроф билан ёзишдан кўра юмшатиш белгиси

билан ёзиш анча қулай кўринади, чунки апостроф қўл ҳаракатини тўхтатади ва вақт олади. Юмшатиш белгисидан фойдаланишда эса аксинча. Ана шундай ҳолат **а**, **ё**, шунингдек тил орқа қуйи даража О товушини ифодаловчи о ҳарфларида ҳам юз беради. Шунинг учун **а** шакли ўрнида **а**, **ё**, шакли ўрнида **ё**, **э** шакли ўрнида а ҳарфларини қўллаш лозим топилади. Хуллас, юмшатиш белгиси каби **э**, **а**, **қ** белгилари ҳам ёзув суръатини пасайтирмайди. Умуман, бирор ҳарфга тиркаладиган қўшимча белги ҳарфнинг устига алоҳида қўйилгандан кўра ҳарф остига ёки ўртасига тиркаб қўйилса, ёзувда қулайлик туғдиради. Саводхонлик, ёзувда нисбатан тезкорлик учун ҳарфдан ажратиб ёзилувчи қўшимча белгилар, қўл ҳаракатига ҳалақит берувчи ўринлар мумкин қадар кам бўлиши керак.

Ниҳоят, бизнинг ҳамма имломизда алифбо тартиби айнан олинган. Араб ва латин алифболари тилимиз хусусиятларига нисбатан мос келганидан бўлса керак, миллий товушларимизни ифодаловчи ҳарфлар алифбо таркибига сингиб кетган. Фақат рус алифбосига асосланган имломиздагина ўзбек тилига хос товушларни ифодаловчи ҳарфлар охирга ўтказилган. Қиссадан ҳисса шуки, бўлажак миллий алифбомиз а, э... тарзида бошланса, биз кўчирмачиликдан қутулиб, тилимиз миллий хусусиятини бир даража тўғри акс эттирган бўламиз. Умуман, мавжуд ҳамма алифболарда бирор белги билан фарқланувчи ҳарф ўз асосидан сўнг берилади. Масалан, 1959 йилги «Ўзбекча-русча луғат»нинг «Очқич»ида араб ёзувидаги алифбомиз а, о... тарзида бошлангани бежиз эмасдир.

Араб ёзувининг оммавий саводхонликни кўтаришда қийинчиликлар туғдириши табиий, аммо уни ҳар бир зиёли билиши шарт. Араб ёзувида таълим олган ота-боболаримиз ва ҳозирги ҳамюртларимиз арабча сўзларда икки хил ёзулувчи т, х, ух хил ёзулувчи с, тўрт хил ёзулувчи з товуш (ҳарф)ларининг ёзилишини ҳам, ўқилишини ҳам мукамал эгаллаганлар. Демак, араб ёзувини ўрганиш қийин деган баҳона бир томонлама ва ўта жўн раддиядир. Аммо араб ёзувини фақат оммавий саводхонлик ва миллий-архивий нуқта назардангина эмас, балки диний-ахлоқий жиҳатдан ҳам баҳолаш керак. Гап шундаки, мустамлака даврида бизнинг миллий, диний-ахлоқий урф-одатларимиз оврўполикларга хос урф-одатлар билан қоришиб кетди ва уларнинг айримлари доимий одатга айланиб қолди. Замон ўзгариб, аслий қадриятларимизни тиклаб, ёт урф-одатлардан халос бўла бошладик, аммо барибир қатор «байналмилал» урф-одатлардан тўла халос бўлиш мумкин эмас. Чунки тили, дини, тарихи, миллий урф-одатлари бошқа-бошқа бўлган халқ ва элатларнинг бир-бири билан аралашиб кетиши ва жаҳон бозорига оммавий тортилиши бирор халқнинг фақат ўз турмуш тарзи билан яшашига имкон бермайди. Мана шундай шароитда араб ёзуви биз учун муқаддас ёзув сифатида хизмат қилиши керак. Агар араб ёзувига ўтилса, сўзсиз ҳар қандай расмий ва норасмий фикрлар, асар ва ҳужжатлар шу ёзувда битилади, натижада «Қуръон» ва Ҳадислар билан бошқа ёзма манбалар орасидаги чегара йўқолиб, кимлардир муқаддас сўзлар битилган ҳар қандай қоғозни ўқиб ўтирмай, ҳозирда бўлаётгандек, истаган мақсадда ишлатаверади.

Энди тилимизга хос миллий товушлардан бирини ифодаловчи ҳ ҳарфи ҳақида тўхтаб ўтишга тўғри келади, чунки бу ҳарф ҳтто айрим атоқли олимларнинг ҳам «ғашига тегиб келади». Эҳтимол, вақтида бу товушга хос белги олинганда, бундай баҳолар бўлмас эди. Демак, ҳамма гап белгининг нотўғри танланганида. Мана энди алифбомизни ўзгартириш ҳақида гап борганда, унга қатъий равишда эътирозлар пайдо бўлди. Жумладан, М. Аъзам тўғри қайд қилишича, ҳ ва х ҳарфларида хато қилмайдиган киши топилмайди. Бироқ муаллифнинг мазкур ҳарф ва у ифодаловчи товуш ҳақидаги фикрлари ўта баҳслидир. Бу ўринда шунни айтиш керакки, биринчидан, тилимизда ишлатилиб турган ҳ ҳамда х билан фарқланувчи сўзлар бор-йўғи еттита эмас, иккинчидан, уларга туркий бўлган сўзлар деб қарамаслик керак. Ахир, дунёда ўз сўзлари билан яшайдиган бирорта тил йўқ, акс ҳолда тилларнинг луғат бойлиги тасаввур этиб бўлмайдиган даражада камбағал бўлар эди. Учинчидан, тилимизда ҳ билан х нинг фарқи йўқ дейиш тилимиз хусусиятларини бир томонлама баҳолайди. Тилимиз бойлигига баҳо берганда, унга фақат шу кунги ҳолати — сўзлашув нуқтаи-назаридан қарамаслик керак. Агар биз муаллиф келтирган сўзлар ёнига қуйидагиларни қўшсак фикрларимиз анча равшан бўлади: руҳ — рух, шоҳ — шох, ҳазар — хун, ҳазар — хазар (халқ), хотам — хотам, ҳаҳаламоқ — хаҳаламоқ, ҳурма (хурмоқ феълнинг иккинчи шахс буйроқ майлининг бўлишсиз шакли, бирликда) — хурма (идиш), ҳўп (сакрамоқ, ўрнидан турмоқ); ҳўпламоқ феълнинг ўзаги; хирум ўртасига ўрнатилган устун) — хўп, уҳламоқ — ухламоқ, ҳатм (аруз қоидаларидан бири) — хатм, ҳола (ой, кувёнинг кўрғонлашуви) — хола, ҳур (эркин, озод; ҳурмоқ феълнинг ўзаги) хур (қувёш, офтоб), ҳавос (ҳосса сўзининг кўплиги, яъни ҳислар, сезгилар) — ҳавос (хос сўзининг кўплиги), маҳзун (хафа, қайғули) — маҳзун (ҳазинада сақланган нарса) ва бошқалар.

Маълум бўлишича, муаллиф адабий тилнинг ёзма шаклини ҳисобга олган, аммо тилнинг амалий кўриниши — нуқт ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Адабий тилнинг ҳар икки шакли ўзаро шундай боғлиқки, улардан бирини иккинчисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жумладан, ҳамма ҳам ёзилган бирор манбани, айниқса, тўсатдан ўқиш, бирор тилни ўқиб ўрганиш чоғида сўз маъносини ўйлаб ўтирмайди. Дейлик, худхуд, боши ҳам, ҳар эшикка кириб қабиларни бирданга худхуд, боши ҳам, ҳар эшикка кириб тарзида ўқиб кетолмайди. Ёки эса бошланғич мактаб тасалимида болани айна бир шаклини икки хил талаффуз қилдириш оғир кўчади. Дарвоқе, ҳ ва х маълумида Тошкент шеvasини ҳамма учун ягона мезон қилиб олавермаслик керак, чунки Тошкент шеvasидаги ҳ товуши адабий тилдаги ҳ ҳам эмас, х ҳам эмас, балки ана шу товушлар йиғиндисига мос келадиган оралиқ товушдир. Иккинчидан, қатор тошкентлик зиёли ва ўқувчи, талабаларнинг бу икки товушини анчадан бери бемалол фарқ қилаётгани кузатилади. Гап кўнл билан ўқишда, билимдонликда.

Ҳ белгисини алифбодан чиқариш билан саводхонлик ошиб қолмайди, адабий тил бойлиги эса қашшоқлантирилади. Ваҳоланки, у худди ана шу ҳ ва х ли ҳарф (тсўшу)лар билан товланувчи минглаб ширали, маънодор сўзларга бойки, уларсиз тилимиз тарихини тасаввур қилиб бўлмайди, Жумладан, «Ўзбек адабий тилининг имло луғати» (1975 й.) да, бизнинг ҳисобимизча, 4085 та сўз таркибида х товуши учраса, 4216 та сўз таркибида ҳ товуши мавжуд (шу ва бошқа луғатларга кирмаган, шеваларда ҳисобга олинмаган бундай сўзлар анча экан).

Дарвоқе, алифбомизга ҳ ҳарфини олиш учун фонетик асос бор. Бунга М. Кошғарийнинг

«Девон»идаги сўзлар далил бўла олади. Масалан, ҳуқубари (маъдан эритадиган идиш), жаҳа (ту-тантирик), маҳ (ма, ол), маккаҳ (сиёҳнинг бир тури), йаҳ (тасдиқ сўз), таҳ-тах, қаҳ-қаҳ, чуҳ-чуҳ (ундов сўзлар). Биз учун энг муҳими шуки, қадимда унли билан бошланган баъзи сўзларни боши-дан ҳ орттириб талаффуз қилувчи қабилалар бўлган. Масалан: ҳата (ота), ҳана (она), чоғ: ҳасса (арабча: асо), ҳайван (айвон), ҳақил (ақл), ҳарра (арра), ҳари (ари), ҳаптика (аптека), ҳарава (арава), ҳаптовуз (автобус) ва б. Иккинчидан, қадимги туркий тилда ҳам ҳ товуши сўзнинг истаган ўрнида учраб туради, масалан: ҳач-ҳач (ҳайвонларни ҳайдашда қўлланади), аваҳ (кўз оғриғи), аҳлади (оҳ урди), уҳи (уки (укки) каби. Гарчи М. Кошғарий ҳ товуши туркий тилларга хос эмас деса-да, шу товуш айнан туркий қабилалардан канжаклар тилида учрашини қайд қилади.

Иккинчидан, Кошғарий қадимги туркий тилнинг ўзи яшаган даврдаги ҳолатини кўзда тутган ва туркий тиллар фонетик тизимида ҳ товуши бутунлай йўқ ва келгусида ҳам бўлмайди дегани эмас. Хуллас, туркий тилларда ҳ товушининг келгуси тараққиёти учун фонетик асос бўлган, бироқ ҳо-зирги замон қипчоқ тип шеваларда ва айрим туркий тилларда сўзбошида келган ҳ товушининг тушиб қолиш (айдар — ҳайдар, ар бир — ҳар бир) ҳодисаси айрим туркий тиллар тараққиётида юз берган акс йўналишни кўрсатади. Айниқса, XIV—XV асрлардан бошлаб адабий тилимизда ҳ ва х ли ўзлашма ва шулар асосида ясалган сўзлар шу қадар кўпайганки, улар тилимиз луғат бойлиги-нинг салмоқли қисмини ташкил этади. Эҳтимол, Туркистонда давлат бошқарув ишлари, мактаб ва мадраса таълими араб ва форс тилларида олиб борилмаганда, илмий, сиёсий, маънавий-ахлоқий, диний тушунчаларни ифодаловчи сўз ва иборалар туркий тил асосида шаклланар эди.


Энди кишиларнинг ҳ ва х хусусида хато қилишига келсак, шуни таъкидлаш керакки, саводхон-лик ҳам ўзига хос санъат, илм ва камолот белгиси, шунинг учун у ҳар кимга ҳам меҳнатсиз, ранжу машаққатсиз насиб этавермайди. Аслида ҳаммининг бир хилда тўла саводхон бўлиши амримаҳол, чунки ҳеч ким бирор тилда мавжуд бўлган барча сўз ва шаклларнинг қандай ёзилишини дарҳол англаб етмайди. Бунинг учун ҳар бир сўз ва шаклнинг келиб чиқишию маъноларини, шаклий ўзга-ришларини, қайси шева ёки тилга хослигини билмоқ керак. Ваҳоланки, бундай масалалар билан шуғулланувчи махсус илмий-тадқиқот идоралари, ҳар бир соҳанинг ўз мутахассиси бўлади. Биз эса, одатга кўра, ҳар бир нарсани ҳаммадан бир хилда талаб қилишга ўрганиб қолганмиз, шунинг учун бизда билимли олимлардан кўра ҳужжатли олимлар кўпроқ етишиб чиққан ва кишилар ҳуж-жатга қараб баҳоланган.

Кишилар нафақат араб ёзувини, балки хитой, япон, ҳинд ёзувларини ёки ўқилиши билан ёзи-лиши мутлақо тўғри келмайдиган, бир неча ҳарф бир товушни ифодаламайдиган оврўпо тилла-рини саноқли йиллар ичида муқаммал эгаллаб чиқади-ю, биз эса ўн-ўн бир йил мактабда, тўрт-беш йил олий билим масканида ўқиб, ҳатто илмий унвону даражаларга эга бўлсак-да, ўзимизнинг мил-лий товушларимизни фарқ қила олмаймиз. Бу ҳол товушларни ўқитиш услуби такомиллашма-гани, талабчанликнинг бўшлиғи, назарий билимнинг етишмаслигидир. Агар мўътабар асарлару кундалик матбуотда, дарслик ва қўлланмаларда шу соҳада хатолар учрар экан, бу муаллифлар-нинггина эмас, балки уларнинг рўёбга чиқишига фатво берувчи айрим тахрир қилувчиларнинг ҳам саводхонлиги талаб даражасида эмаслигидан далолат. Шу жиҳатдан, хусусан, адабиёт на-мояндаларининг асарларини тузатишсиз асл ҳолатида нашр қилмаслик керак, чунки улардаги тур-ли хатолар ўқувчида бутунлай нохуш сезги уйғотади.

Аминжон МАМАТОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

«Алифбомиз уфқлари» мақоласида амалдаги алифбодан лотин алифбосига ўтиш фикри илгари сурилганки, бу менда икки мулоҳаза туғдирди. Биринчиси — буюк алломаларимиз ат-Термизий, ал-Бухорий, ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Навоий, Бобур, Нодирабегим ва бошқалар ўз асарларини араб имлосида битишган, яъни авлод-аждодимиз шу ёзувдан фойдаланган. Қолаверса, халқимиз эътиқод қўйган ислом динининг муқаддас китоби — Қуръон ҳам шу ёзувда муҳрланган. Тўғри, гап ҳарфда эмас, калом ила амал бирлигида. Лекин лотин алифбосига ўтиш бизни кирилл алиф-боси каби қўҳна манбаларимиздан узоқлаштирмасмикин? Иккинчидан — лотин алифбосига ўтиш-га қаришлигим йўқ. Мабодо ўтилса, эски ўзбек ёзувини I-синфдан лотин алифбоси билан баб-ба-равар ўргатиш лозим, деб ўйлайман. Менингча, бу ёзувни унуттиш — тарихга оёқ қўйиш билан баробардир.

ЖИЯНОВА,
Асака туманидаги 49-мактабнинг 8-синф ўқувчиси



Ҳиллар, боққалар, ҳужжатлар

Заки Валиди Туғон

ХОТИРАЛАР

Шерали ТУРДИЕВ таржимаси

Қурбон ҳайит. Бир неча кун Қўзи Ҳайдарбек боғ ҳовлисини йиғилиш учун фойдалангач, ўзимиз, Хизир мачити деган ердаги бир уйга кўчдик. Қўзи Ҳайдар жуда бир яхши одам эди. Самарқанддагиларнинг кўпи турк бўлсалар ҳам форсийча гаплашарди. Қўзи Ҳайдарнинг боғи катта ва мева-чевага бой, бир олма дарахтининг ўзидан 40 га яқин тури бор. Ҳар хил узум навлари ўсиб ётибди. Умуман, жуда қаровли эски боғ. Қўзи Ҳайдар айрим руслар билан ҳам таниш чиқди. Бизни ҳовлининг ташқари томонига жойлаган эди. Ашхободда Островский деган бир рус билан бўлган воқеага ўхшаш воқеа бу ерда ҳам такорланди. Илгаридан яхши таниш ва яқин дўстим бўлган профессор Вяткин келди. Профессор Қўзи билан гаплашганда мен тахтадевор ортида ўтирган эдим. Гаплашганларини эшитиб турсам ҳам, ўзимни бу ерда эканлигимни билдирмадим. Профессор сўз орасида: «Валидий Бухорога келган эмиш, деган гап бор», деб қолди. Мен бир овоз ҳам чиқармадим, у тезда чиқиб кетди. У жуда яхши тарихчи эди. Айниқса, Темирнинг ва Самарқанд вилоятининг тарихини чуқур биларди. Кутубхонасига жуда кўп қўлёзма китоблар йиғди. Ёзган асарларидан энг муҳими, «Самарқанд вилоятининг топографияси»дир. Бу асарида вақф қоғозларига суяниб, Самарқанд вилояти ичидаги бир неча тарихий шаҳар жойларини белгиллаган. Профессор Вяткин ҳамда бундан олдин номи тилга олинган Наливкин билан 1913 йилда танишдим ва муттасил хат ёзишиб турдим. Унинг менга турли тарихий масалалар бўйича ёзган хатларининг ўзи бир китоб ҳажмига эга. Кейинроқ бу киши университетнинг профессори бўлди. Ҳозир вафот қилган бўлса керак. У билан учрашганимда гаплашганимга кейинроқ жуда ачиндим ва бу ачинганлигим тўғрисида икки йилдан кейин Эронга ўтгач, унинг ўзига хат ёзиб хабар қилдим.

Хизир мачитидаги уйга кўчиб ўтганимдан сўнг дўстларимиз билан Қўзи Ҳайдарнинг боғида учрашдик. Яшаган жойимизни Қўзи Ҳайдар, Ориф Мулла ва Мурот Хўжа номли уч кишидан бошқа бирор кишига ҳам билдирмадик. Олдимизда уч от турди. Шаҳар атрофидаги қадимги тарихий обидалар ва боғлар орасида кўп юрдим. Яширин ҳаёт менга Бухоро билан Самарқанд шаҳарларининг топографиясини жуда батафсил ўрганиш имкониятини берди. Айниқса, Афросиёб ва Шоҳи Зинда номли ёдгорликлар орасида яшаш, бу ерда тошлардаги ёзувларнинг кўпларини ўқишга имконият туғилди.

Харис Сасанбой. Шу орада ёнимдаги соқчи солдатим Харис Сасанбой терлама билан оғриб, вафот қилди. 1918 йилдан бери ёнимдан сира ажралмаган бу йигит жуда ақлли эди. Имконият туғилиб чет элларга кетсам, уни ҳам бирга олиб кетиб, у ерда ўқитмоқчи эдим, русча ёзган қоғозларимни машинкада у босар эди, менга эътиборли бўлди. Бошимиздан ўтган воқеаларни туркийча ёзиб, шишаларга солиб, Самарқанддаги муайян бир жойларга кўмувчи ҳам шу Харис эди... Баъзи вақтларда у ўзини Урта Осиё туркий халқлари романларидаги «Кемөн» деб атар, мен ҳам уни «Бўз йигит» дер эдим. Вафот этгач, уни Хизир мачити ёнидаги қабристонга кўмдик. Қабрига тош қўйдирдим. Қабр тошига «Бўз йигит» қиссасининг бир байтини ўйиб ёзирдим.

Узи ёлғиз бир эди,
Менинг ғамим ер эди.
Бўз йигитсан деганда,
Лаббай тақсир, дер эди.
Юрагимсан дер эди,
Ҳой, ҳой дунё, ҳой дунё!
Аёвинг кўп зўрлиға,
Сийловинг йўқ зорлиға.
Йўлдошингдан қайириб,
Ота-онадан айириб,
Олиб-олиб тўйғунг йўқ.

Маъноси: тенги бўлмаган бир одам бўлди, менинг ғамим ва қайғумга шерик бўлди. «Бўз йигит» деганда, жон дўстимсан дер эди. Эй золим тақдир, номуссизларга нисбатан раҳм-шафқатинг

Охири. Аввали ўтган сонларда.

мўл, ғамлиларга илтифотинг йўқ» ...Бошқирдистон мухторияти душмани, монархистлар мухлиси бўлган Минҳожни 1918 йил ўз қўли билан ўлдириб, револьверини менга олиб келиб берган ҳам ўша Харис бўлди. Бу револьверни Самарқандда ҳам ёнимда олиб юрдим. Паст бўйли Харис Сасанбой тенгсиз қаҳрамон бир йигит эди. Вафоти билан мени ҳам, хотинимни ҳам қаттиқ қайғуга солди.

Туркистон Миллий Бирлигининг олтинчи Конгресси. Сасанбой ўлгандан кейин ҳамма иш Нафиса билан менинг зиммамда қолди. Жамият ишларида энг катта фидокорлик кўрсатганлардан кирғиз Тўракул Жонзоқ ўғри ва андижонлик ўзбек Султон бўлди. Бу ўзбек йигити ўша вақтда бўлиш бўлган қозоқ зиёлиси Сарғозиева яқин бир одам эди. Уларнинг ҳаракати билан 5—7 сентябрда Туркистон Миллий Бирлигининг Конгресси тўпланди. Турли жойлардан келган аъзолар Кўзи Ҳайдарнинг боғида йиғилишди. Иккинчи сафар Матрид маҳалласидаги бир боғчада тўпланди. Бу Матрид йиғилишида қозоқлардан Диншен ҳам қатнашди. Узи терлама касали билан оғриганди. Аҳволи жуда оғирлашиб қолса ҳам Конгрессда қатнашди. Йиғилиш кетаётганда менга қараб: «Ениб кетяпман, ўт-олов ичидаман, менга Шумбурундан бирозгина сув олиб кел», деди. Шумбурун дегани Балхаш кўлининг ғарб томонида жойлашган чуқур бир қудуқ экан. Тўғишган уруғлар ўша қудуқ сувини ичар, чуқурлиги 100 қулоч, суви муздай экан. Диншен оғриқдан алаҳсираб, ўша қудуқ сувини сўраётган экан. Бироз ўзига келди. Лекин Шумбурун сувини ичмасам тузалмайдиганга ўхшайман, деб юртига қайтиб кетди. Узи бир шоир ва артист эди, сайёр труппаси бор эди, турли жойларга бориб томошалар кўрсатарди. Исмоил Сўфи бек Туркистон бўйлаб саёҳат қилганда, Қайилмачидга Диншеннинг театрини кўриб, унинг труппасининг катта бир расмини Истамбулга олиб келган. Самарқандда Конгресс давом этаётганда, Қошғардан Қудратулла келди. Қудратулла, Гиннатулла, Незьматулла ва Фитратулла биз Туркистонга келгач, бутун оила-сини олиб Кошғарга кўчишган эди, у ердаги миллий озодлик ҳаракатиға қўшилганлар. Ҳозир ўз аҳволларидан хабардор қилиб, бу ерларда нима ишлар қилиш кераклигини билиш учун Қудратуллани менинг олдимга жўнатганлар. У жуда яхши хабарлар олиб келди. Расмларини ҳам қолдирди. Болалигимданок таниш бўлган оиланинг раҳнамоси соғ-саломат эканлиги бизни жуда қувонтирди. Уларнинг отаси Султонғарай ҳазрат отамнинг эски дўсти эди. Бошқирдистондаги мухторият ҳаракатлариға ҳам жонбозлик билан қатнашдилар. Ўғиллари ва келинлари Шарқий Туркистонда хизмат қилди. Қудратулланинг икки ўғли билан қизи кейинроқ Тибет, Ҳиндистон йўли билан Туркияға ўқишга келди. Отатурк улар билан самимий тарзда қизикди. Ўғиллари Истамбулда оила қурдилар. Анвар Олтой ҳозир у ерда энг таниқли муҳандислардан бири.

Самарқанд Конгресси йиғилишларида Жамиятнинг 24 банддан иборат устави ва Туркистон байроғи қабул қилинди. Байроқни тайёрлаган комиссияда мен, Мунаввар Қори ва Жонзақул, яна бир киши иштирок этди. Самарқанд Конгрессиде қабул этилган байроқнинг асоси қилиб X асрдаги турк олими Маҳмуд Кошғарийнинг асариде келтирилган салжуқийлар ва қорахонийлар давридаги байроқ танланди. Бу миллий байроқ бинафша рангда бўлиб, уни Темур ва унинг ўғиллари замонида ёзилган қўлёзма асарлардаги миниатюраларға сўяниб ишлатдиқ.

Ҳозирги кунда бу рангдаги турк байроғининг оригинал намунасини 1449 йилда теурий Шохрўҳ замонида ёзилган китобда кўриш мумкин. Бу қўлёзма Истамбулда, Тўпқони саройида 781 рақами остида сақланади. Байроққа 5 қизил, 4 оқ йўл чизилган, четига қўқ попуқ тикилган. Биз бу байроқ қабул қилинган кунни (6 сентябрь) бир миллий байрам қилмоқчи бўлдиқ. Миллатимизнинг озодлик байроғи қабул қилинди. Байроқ учун чиғатойча ва тожикча шеърлар ҳам ёзилди. Уларнинг бирортаси ҳам ҳозир қўлимда йўқ. Шундай қилиб, Конгрессда ҳар бир босмачи раҳбари олдиға бир сийсий маслаҳатчи юборишға қарор қилинди. Самарқанд вилоятининг Бош кўрбоҳиси Очил баён (найман уруғи) ёниға ўзбек зиёлиларидан Қори Камол номли бир обрўли кишини гайинладиқ. Бу Конгресс Туркистонда тўпланган конгрессларнинг энг муваффақиятлиси бўлди ва хурсандчилик билан ўтди. Бухородаги сингари Файзулла Хўжа билан Абдулқодир орасида яширин кураш бу ерда бўлмади.

Анвар пошо Туркистонда. Сентябрь ва октябрь ойларида Бухородаги турк офицери Али Ризо орқали бизға ўша вақтда Москвада бўлган Анвар пошодан бир неча хат ва баъзи бир мажмуалар келди. Берлинда нашр бўлган «Ислом байроғи» номли ва бошқа мажмуаларда Анвар пошо ўртоқлари билан биргаликда Ислом дунёсини бирдамликка чақиради, иттифоқчиларға қарши ташвиқот олиб боради. Советлар билан келишишға чақиради. Туркларнинг иттифоқчиларға қарши олиб борган қонуний кураши билан Туркистоннинг Советларға қарши миллий мустақиллик учун йўналтирилган курашини бирлаштириб бўлмаслигини тушуниб, Анвар пошонинг бу насихатларидан жонимиз азобда эди. Унинг Туркистондаги курашға қўшилиши тўғрисида ҳам хабар келди. Биз яширин иш олиб бораётган бўлсак-да, бу курашни Совет муассасаларида ва коммунистлар партиясида расмий вазифада ишлаётган дўстларимиз билан тўла равишда маслаҳатлашиб, бир йўналишда олиб борардиқ. Туркистондаги бизнинг курашимиз Россиянинг эски масаласи бўлиб қолиши, расмий вазифаларда ишловчи ўртоқларимиз Туркистон муслмонларидан тузилган расмий қизил миллий аскарий бўлимларни кучайтириши, Совет муассасаларида ва партия сафида муслмон зиёлиларининг сонини кўпайтириш ҳақида чет эллар билан алоқа ўрнатилгандан кейин ҳам очиқ гапирмай юриш керак эди. Шунинг учун Бошқирдистондан келган бошқирд батальонини шундайгина босмачилар томонига ўтказа олсам ҳам, Турор Рисқулов сингари раҳбарлар (расмий равишда ҳукумат вазифасини бажарувчилар) бу батальонни босмачиларға қўшмасдан туриб, Советларнинг расмий аскарлари сафида миллий қисм сифатида қолишларини сўрадилар. Улар, шунингдек, бошқа миллий қисмларнинг кўпайишини, босмачиларнинг бир қисмини миллий армия бўлимларға қўшиб расмийлаштириши, агар бу иш яхши юришиб кетса, яширин иш олиб бориш билан шуғулланувчиларни ҳам Бухорода ёки Шарқий Бухорода расмий хизматчиликка жалб этмоқчи эканликларини айтдилар. Жуда қаттиқ кузатиш остиға олинган Турор Рисқулов билан кўриша олмадик. Лекин бошқа ҳукумат ва партия раҳбарлари билан Самарқандда ёки бошқа ерларда учрашиб турардим. Турорнинг хабарларини менға Ташкентдан бошқирд армиясининг баъзи бир солдатлари, Диншеннинг дўстлари олиб келар эди. Шу вақтларда Туркистондаги социал-инқилобчилар ва Украина уюшмалари билан алоқаларимиз жуда яхши бўлди. Агар Анвар пошо ҳам бизға қўшилиб, Советларға қарши очиқ курашға ўтса, Советлар ҳам иттифоқдош

давлатлардан ёрдам олиб босмачиларга қарши курашни кучайтиражак. Биз эса, яъни Туркистондаги босмачилар, ҳукумат доираларидаги ўртоқларимиздан ажралишга мажбур бўламиз, шунингдек, чет эллар билан алоқаларимизни ҳам йўқоатажамиз. Бизнинг халқимиз тўғрисида дунё миқёсида сўз кўпаяди. Лекин шу билан бирга эл ичида кураш имконияти ҳозиргига нисбатан жуда чекланиб қоларди. Анвар пошонинг Туркистонга жўнаши ҳақидаги хабар ҳам етиб келди. Бу гапни жамиятимизда таҳлил этдик. Бу ерга келмасдан четроқдан туриб ёрдам қилса, яхшироқ бўларди, деб жавоб юбордик.

Шу орада Бухородаги сиёсат биз учун қулай йўналиш берди. Мирза Абдулқодир билан Файзулла Хўжа гуруҳлари орасида давом этаётган курашга қизиллар шу кунга қадар бир хил қарагандай бўлиб кўринсалар-да, 27 сентябрда Файзулла Хўжаев томонини олишларини расмий равишда эълон қилдилар. Чунки, Файзулла Хўжа руслар билан яқинроқ алоқа бўлди. Ҳарбий нозир Орифов кўли билан Бухоронинг турли шаҳарларида тузилган гарнизонларнинг босмачиларга қўшилиши мумкинлиги, яъни, бу гарнизонларнинг қандай мақсадлар билан ташкил бўлганлигини Файзулла Хўжа яхши билар эди. Ҳатто Орифов билан гаплашган вақтда «гарнизонларингизнинг раҳбари амалда Заки Валидий», деб атаганини ҳам эшитган эдим. Бизнинг гарнизонларимиз таянчи Карманада, собиқ ёрдамчи Иброҳим Исоҳонов раҳбарлигида ташкил қилинган аскарий мактаб бўлди. У ерда ўқиган одамлар Иброҳимнинг ўзига, ҳатто ҳарбий нозир Орифов раҳбарлигида Советлар қаторини ташлаб, босмачиларга қўшилишга маслаҳат берганлар. Мирзо Абдулқодир сўянган полиция мудирини Мирзо Муҳитдин, Файзулланинг душмани бўлганлигидан босмачилар билан алоқа боғлади ва ўз полицияси билан уларга қўшилмоққа уринди. Яъни, воқеалар ўзидан-ўзи ривожланиб борди ва биз улар олдида тайёргарликсиз қолдик. Мирзо Муҳитдин: «Мен босмачиларга қўшилдим, қаерга бориб қўшилсам ва нима қилсам экан!» деб бир одам орқали жамиятимизга мурожаат қилди.

Анвар пошонинг Бухорога келиши ва у билан учрашиш. Бир кун кутилмаганда Анвар пошонинг баъзи ўртоқлари билан Бухорога келиши ҳақида хабар олдик. Эртасига унинг ўзидан: «Мен Бухородаман, тезда бу ерга келишингизни сўрайман», деган бир хат етиб келди. Бухорога 20 декабрда келган экан. Ҳеч кечикмасдан, отимга миниб, ёлғиз ўзим Бухорога жўнадим. 23 декабрда шаҳар четидага Афғонистон элчихонаси биносига келдим. Элчи Абдурасулхон эди. Кейинчалик у менинг жуда яқин дўстим бўлиб қолди. Кобулда ҳам, Берлинда ҳам кўп марта учрашдик. «Келишингизни билдириб, пошого хабар қилдим», деди у. Бир соат ҳам ўтмади. Пошо адъютанти Муҳитдин бек билан бирга келди. Анвар пошони умримда биринчи бор кўришим ўша вақтда бўлди, у штатский кийимда эди. Расмларда эса уни ҳар доим ҳарбий кийимда кўрардим. Уриндиққа ўтирар-ўтирмасдан Жамол пошонинг Кобулдан келиши, доктор Нозимни Чоржўй темирйўл станциясига Жамол пошони кутиб олишга юборгани, советларнинг Жамол пошого Анвар пошо билан учрашишга рухсат бермасликлари, Тошкентда тўхташига ҳам ижозат этилмаганлиги, тўғри Москвага жўнатиш ҳақида гаплашганлигини ва бу воқеадан жуда кайфи бузилганини сўзладим. Кейин унинг ишлари тўғрисида гаплашдик. Шўроларнинг риёкорона сиёсат олиб боражаги ҳақида Жамол пошого ёзганларим тўғри бўлишини билди. Анвар пошо: «Туркистонга фойдаси тегадиган қандай ишларни бошқара оламан, бу ҳақда менга қандай маслаҳатлар берасиз», деб сўради. Уйлашимча унинг ҳали аниқ фикри йўқ, биров паришон аҳволда эди. Мен унга: «Бухородаги турк офицерларининг мен билан алоқаси бор, улар сиз келишингиз ҳамоно босмачиларга қўшилмасиз, деб сўйламоқдалар. Бу ҳам бир йўл. Иккинчи бир йўл — Афғонистонга чиқш. Бурдалик деган ердан четга чиқа олмасиз, буни ташкил қилиш имкониятимиз бор», дедим. Пошо босмачиларга қўшилишнинг ноқулай, деб ҳисоблашим сабабини сўради. Мен унга: «Бу кураш Россиянинг эски масаласи тарзида бошланди. Биз большевикларнинг душмани бўлган турли рус доиралари ва партиялари билан келишиб иш қиламиз, ҳатто керак бўлса, Советлар билан яна бир марта ярашиш имкониятимиз бор. Сиз қўшилсангиз ва шунингдек, Жамол пошонинг тавсияси бўйича Ҳиндистон либераллари ҳаракатига қўшилсангиз, ҳамма иш халқаро масалага айланажак. Советлар бу тусудда икки хил сиёсат олиб борганлигидан, бизнинг кураш Россияга қарши қаратилган кураш бўлиши олажак. Иттифоқдошлар сизга иккинчи бир Вильгельмга (бу ерда гап Германия императори Вильгельм тўғрисида бормоқда) қарагандай қарайди. Биз четдан ёрдам олоқчимиз. Сиз қўшилишингиз билан биз бундай имкониятдан тамомила маҳрум бўламиз, иш тайёргарликсиз аҳволда халқаро майдонга чиқажак, оқ рус¹ тўдалари шундоққина бизлардан ўзларини тортажаклар. Жамиятимиз босмачилар ҳаракатига очиқдан-очиқ қўшилишига мажбур бўлади, расмий вазифаларда турган ўртоқларимиз ҳам босмачилар тарафига ўтишга ёки бўлмасам биз билан муносабатларини узиб, чиндан ҳам Советлар томонини ёқлашга мажбур бўладилар. Совет фронтида ва партия вазифаларида ишлаган дўстларимиз ҳам бугунгача бизни Россиянинг ички ишлари билан шуғулланувчи деб ҳисоблаб, бизга ёрдам қиладилар. Улар бизнинг чет мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш истагимизни бир фитна деб ҳисоблайдилар, бундай ҳамкорлик шубҳали эканлигидан бизга яқинлашмаяжаклар. Айниқса, инглизларнинг 1918 йили Туркманистонга кириб келганида, уларнинг ерли халқ тарафида бўлмаганлиги маҳаллий халқларга жуда ёмон таъсир қилди. Шунингдек, 1918 йилда Сибирга келган француз ва америкаликларнинг Бошқирдистон ва Қозоғистон ҳукуматига нисбатан тескари муносабатда бўлиб, уларнинг таянчи саналган миллий аскарларга душманларга хос хатти-ҳаракати, ҳатто ҳукуматимиз аъзолари ва офицерларни ҳарбий ҳукмга тортириб, ўлдиришга ҳаракат қилганликларини ҳеч ҳам эсдан чиқармаганлар. Инглизлар ўша замондаёқ ўзларига қўшилган ва ёрдам берган туркманларни ташлаб кетди. Ҳозир биз озодлик даъво қилиб, чет эллар билан алоқага киришсак, партия марказида ишлаган дўстларимизнинг кўпчилиги бизга қарши чиқажак, иккинчи томондан, Советлар ҳозир Польша фронтида кучайди. У ерда масалани тез ҳал қила олсалар, бутун кучларини бу ёққа қаратадилар. Бу йил Туркистонда озиқ-овқат ҳисобда. 4—5 минг аскарни бир ўлка ҳам асрай олмайди. Шунинг учун, Афғонистонга ўтиб, у ерда Ҳиндистон масаласи билан шуғулланмасдан Туркистон билан ўша ерда туриб иш олиб борсангиз жуда яхши бўларди. Энг оғири Бухоро амирлиги масаласи. У кетди, унинг яна тахтага ўтиришига ҳаракат қилманг, у жа-

¹ Оқғардиячилар кўзда тутилган (тарж).

дидларга ва бизларга ҳам душман. Бу ерда унга содиқ партизан гуруҳлар бор, улар сизга қарши иш қиладилар. Шундай бўлса-да, энг аввал амир гуруҳлари билан бирлашиш мажбуриятида қоласиз. Агар Афғонистонга чиқсангиз, балки, Бухоро амири билан кўришиб, уни фойдали йўлга бошларсиз. Омонуллохон ҳам, албатта бунга ёрдам қилар. Балки, Афғонистон ёрдамида бизга чет мамлакатлардан ёрдам қилиш йўлларини топарсиз, босмачи бошлиқлари билан алоқада бўлиб, йўриқчилар юборар эдингиз. Биз ҳам бу ерда ўз сиёсатимизни давом эттирамиз. Амирнинг ишончи ва ёрдамига эришгач, балки инглизлар билан ҳам тил топарсиз. Бундай тақдирда Туркистонга келиб, ҳаракат қилиб, бошқара оларсиз. Бизнинг жамиятимизга қараган барча гуруҳлар сизнинг ихтиёрингизда бўлар. Бўлмасам, орқа томони мустаҳкам бўлмаган ишга аралашингиздан кўпчилик шубҳаланмади. Советлар биз талаб қилган миллий қизил аскарга суянган миллий Туркистон Совет ҳукумати ғоясини қабул қилиб, дўстларимизни алдайдилар. Сизнинг ҳаракатингизни панисломизм ва пантуркизм деб атайақлар. Бу ғоя эса бу ерда машҳур эмас. Иккинчи томондан, сиз жаҳон урушида рус миллатининг катта душмани сифатида танилдингиз. Улар буни эсдан чиқаролмайдилар. Сизнинг бу ишга очиқ аралашингиз Туркистонда оқ ва қизил русларнинг бирлашувига сабаб бўлади. Афғонистонга кетсангиз, бизга оқ руслар ва Советга қарши бошқа гуруҳлар билан алоқага киришиш имконияти ҳам туғилади. Жамол пошо бир йилдан буюн Афғонистонда. Сиз ҳозирги вақтда Бухорода суриштириб билган ҳақиқатни унга тушунтиришга вақтимиз бўлмади. Афғонистонда Ҳиндистон иши билан шуғулланарсиз, бундан бошқа ишларингиз ҳам хайрли бўлади», дедим.

Анвар пошо: «Дўстларингиз ислом миллати ва турклар бирлигини нега қабул қилмайдилар?» деб сўради. Мен унга: «Туркистонда оддий халқ Усмонли халифати тўғрисида билади, унинг бошида ҳали ҳам турк султони туради, деб ҳисоблайди. Туркларнинг шу туркий тилда гаплашишларини билишмайди. Зиёлилар буни билишади. Лекин маданиятимизнинг бир эканлигини улар ҳам тушуниб етмайдилар. Иккинчи томондан, советлар панисломизм билан пантуркизмни бир хил даражада хавфли деб кўрсатганликдан, руслар билан иш олиб борувчи одамлар, бу ғоядан нарироқ туриш керак экан, деб ўйлайдилар. Ҳеч эсдан чиқармайдиган яна бир сабаб бор: туркий халқларнинг сиёсий бирлиги масалаларини бу ердаги халқнинг кўпчилиги эшитган ҳам эмас, шунинг учун уларнинг кўпчилиги ўзларининг жойлардаги ташвишлари билан овора. Бу бирдамлик фикрини ҳатто ҳожилар ҳам қабул қилмайдилар. Билганлари — Истамбулда ўқиб келган зиёлилар ва «Турк юрти» мажмуасининг ўқувчиларидир. Бошқалари буни билмайдилар. Бу ерда ҳаммаси ҳам туркистонлик. Ҳазор денгизининг шарқий томонида Эрон, ғарбда рус халқи яшаши тўғрисида статистик маълумотни билувчи ҳар қандай одам Туркия билан Туркистоннинг доим умумий сиёсий даъвоси бирлигига ишониб етмайди. Бу икки орадаги муносабатни исломият ва туркий маданият асосида ривожлантириш кераклигини тушунтириш бўйича тарғибот олиб борамиз, бунинг учун кулай шароит келди. Ҳар бир туркман, ўзбек, қозоқ кучи етса, Туркия бизни келиб олсин», дер, аммо панисломизмга ва пантуркизмга душман бўлган рус зиёлиларининг «бу иш амалга ошиб қолмасин», деб кўрқишларини ва шу асосда уларнинг бизга нисбатан муносабати кескинлашувини кўришади. Бутун туркий халқларнинг бирлигини билмаган кишилар зиёлилар орасида йўқ...» дедим. Анвар пошо гапларимни диққат билан тинглади ва: «Сиз айтган икки йўлдан бошқа, яъни бу ердаги курашга раҳбарлик қилиш, ёки, Афғонистонга кетишдан бошқа тағин бир йўл бор. У ҳам бўлса Москвага қараб жўнаш, у ердан султоним олдига қайтиш», деб Берлинда яшаган хотинини айтган эди. «Туркистон ишларига аралашмаслик керак», деди у. Мен унга: «Буни ўзингиз ҳал қиларсиз. Фақат менинг билан гаплашиш таъсиридагина иш қилмангиз. Мен фақат ўз фикрларимни айтдим. Сиз бошқаларнинг ҳам фикрларини билинг. Менга сиз пошони орқага қайтариб юборибсиз, демасинлар. Бухорогача келган экансиз, Туркистон учун курашда фойдали бўлишингиз шарт. Берлинда Тальят пошо бошига тушган балодан сизнинг бошингизни ким сақлай олади?» дедим. Афғонистон элчиси Абдурасулхон ўз қўли билан чой келтириб сийлади. Пошого нисбатан ҳурмати баянд эди. Бизнинг гапларимизга ҳам аралашмади, эркин гаплаштирди. Кечқурунги овқатни ҳам ўша ерда едик. Пошо кетгач, кечаси мен тушни ўша ерда ўтказдим. Пошонинг босмачилар ҳаракатига қўшилиши қандай оқибатларга олиб келишини 14 банддан иборат қилиб тушунтириш ёздим. Унинг бу масалаларни жиддий тушунгандан кейингина бирор қарорга келишини истардим.

Анвар пошо билан сўнги учрашувларим. Эрталабоқ Бухородаги аввал яшаган ҳовлимизга бордим. Кечқурун Бухоро ташқи ишлар вакили Ҳошим Шойқнинг уйига жўнадим. Ердамчиси Мухитдин ва Ҳожи Соми билан бирга пошо бу ерга келди. Ҳарбий шим ва пошнаси қалин немис этги кийган. 14 банддан иборат ёзганларимни ўқиб чиқиши, ўйлаб кўриши, Туркистон босмачиларининг аҳволини батафсил ўрганиши ҳақида гапирди. Мен ҳам унга бу тўғрида билганларимни, турли босмачи гуруҳлари раҳбарларининг феъл-атворлари ҳақида сўзлаб бердим. Бухорода таъсири кучли бўлган баъзи бир зиёлилар, айниқса, Мирза Абдулқодир, Самарқанддан дўстим Ақобиршоҳ пошонинг тамомила Туркистон ҳаракатига раҳбарлик қилишини хоҳлар эканлар. Буни ўша суҳбатда билдим. Бунга қарши: «Мирза Абдулқодир билан Файзулла Ҳужа орасида кураш боради, руслар ҳозир Файзулла томонда, Мирзонинг баъзи кишилари ҳозир босмачиларга қўшилди, шунинг учун у сизнинг босмачиларга қўшилишингизни истаydi. Мирзо Абдулқодирдан бошқалар билан гаплашсангиз яхши бўлар эди», дедим. Ҳожи Соми: «Пошонинг Афғонистонга кетиши умрини зое ўтказишга ўхшаган гап билан бир бўлади, Омонуллога ишониш ҳам хато», деган фикр билдирди. Бу одам ўзининг 1916 йилда, Еттисув кўзғолонидаги ўрнини кучайтириб кўрсатди ва «амалда, каминангиз бир оддий турк бўлса ҳам бутун Қирғизистонни оёққа кўтарди, Сизнинг (яъни, Анвар пошонинг) шуҳрат ва мартабаси билан Туркистонда не-не қиёматлар кўтара олишимиз мумкин», деди. Мен бўлсам, унинг фикрини тузатиброк: «1916 йилги кўзғолон ташвиқот оқибати эмас. Бу кўзғолон подшонинг маҳаллий халқларни фронт орасидаги ишларга жалб қилиш ҳақидаги 25 июндаги буйруғига умумий норозилик асосида келиб чиқди. Уша курашда иштирок этган кирғизлар Хитойга ўтган вақтда Қорақум ёнида сизнинг ва дўстларингизнинг Шабан Ботир ўғилларига қўшилганингизни эшитдик. Мен пошого бутун аҳволини очикдан-очик, ҳеч бир нарсани бекитмасдан тушунтираман, келгусида ҳам шундай ишлайман. Уни хато йўлга киришдан сақлаяжакман», дедим. Шу йўл билан пошонинг диққатини Ҳожи Сомий сўзларидаги ҳовлиқиларга жалб қилиш-

га тиришдим. Ҳожи Сомийнинг бунга рози бўлмаганлиги сезилди. Пошо кетгандан кейин мен айғоқчиларнинг қўлига тушиб қолишдан қўрқиб, ҳовлига чиқмай, шу ерда ухладим. Пошо билан кўришадиган уйга, улардан эртaroқ келиб, ётиб қолдим. Шундай қилиб, у билан тўрт марта учрашишга тўғри келди.

Бу кечаси Ҳошим Шойиқ билан узоқ гаплашдик. У масаланинг қайси бир томонларини, бутун аҳволни Файзуллага тушунтиришга қўрқарди. Файзулла билан мен ҳам кўришажакман. Лекин бутун ҳақиқатни унга айтиб бўлмайди, дедим. Уша кун кечасиёқ Ҳожи Соми Шойиқ олдига келди ва мен билан алоҳида гаплашадиган бир масала борлигини айтди. Ҳожи: «Пошонинг хотини олдига кетишга қаттиқ қарши туринглар, у ерда (Берлинда) уни ўлдирдилар, пошонинг бу ерга келиши биз учун катта имконият беради. Туркистон бу буюк одам томонидан озод қилинажак, келажақда пошо ва сизнинг номингизни байроқ қилиб, буюк ватанин озод қиламиз. Пошо сизнинг сўзингизга катта эътибор билан қарайди, зинҳор сиз унга Германияга қайтиб кетиш ярашмаслигини тушунтиринг», деди. Мен унга ваъда бердим ва пошонинг Туркистонда бошқачарoқ ишлари муваффақиятли бўлиши учун аввал Афғонистонга чиқиш зарурлиги ҳақидаги фикрни олдинга сурман, сиз ҳам бунга қарши турманг, ёки бу аҳволни бўрттириб кўрсатишдан эҳтиёт бўлинг», дедим. Учинчи кеча гаплашганимизда пошонинг Ҳожи Соми таъсирида бўлганлигини сездим. Пошо менад: «Закибек, сиз менинг Туркистонда иш олиб боришимни истамасизми?» деб сўради. Мен унга: «Худо сақласин, Туркистонда сиз сингари буюк фидойиларга иш етади. Бу мамлакатни фақат улуғ фидокорлар қутқара олади. Халқаро аҳвол бугун миллатларнинг озодликка бўлган интилишлари кучайishi асосида ривожланиб, мустамлакачилик ҳам битар, Туркистон ҳам бир кун келиб ўз мустақиллигига эришар. Ҳозирги мамлакатимизнинг аҳволидан келиб чиқиб гапирдим. Фикр-мулоҳазаларимни сўрадингиз. Мен билган ва ўйлаганларимни оқизмай-томизмай тушунтиришга мажбурман», дедим. Тўртинчи учрашганимизда пошо Афғонистонга кетиш фикрига ақиллашган эди. Бу ҳақда муружаат қилажак, улар ёрдам бермаса, бизнинг ёрдамиимиз орқали йўлга чиқажак. Мен унга хариталар тайёрладим. Жамиятимизнинг Чоржўй ва Бурдалиқ бўлимларидан туркманларни чақириб, пошони Бурдалиқ — Чуқурқудук — Андхўй йўли билан Афғонистонга ўтишига ёрдам беришга, кузатиб боришга, Керки вилоятидаги туркман босмачиларига пошони таништириши тайинладим. Бу ҳақда пошонинг ўзига айтдим. Чоржўйга бориб, туркманларнинг ёрдамини таъминлашни тезда уюштирдик. Бу ҳам пошога жуда ёқди.

27 сентябрда пошо Когонда рус консули Юренев билан учрашган. Жамол пошонинг Афғонистонга қачон кетишини сўраган, элчи унга: «Жамолга йўл бериш у ёқда турсин, сизнинг ҳам бу ердан нима ишлар билан шуғулланишингизни жуда яхши биламиз», деб жавоб берган. Пошо буни тўғридан-тўғри қўрқитув чораси деб тушунган. Босмачилар ичига кириб, кейин нариги томон — Россияга бориб, ундан Берлинга қараб йўл олишга ўхшаган хато фикрларга келган. Мен унга: «Босмачилар билан аралашгандан кейин Россия томонга йўл олишга ният қилганлигингизни ҳеч бир кишига айтмасангиз яхши бўларди», дедим. Бухородан чиқиб, Самарқандга жўнашга тайёрланаётган эдим. Пошо билан яна кўришдик. Ишининг узоқроқ чўзилиши, Шарқий Бухорога бориши, ўзда босмачиларнинг зиёлиларини тўплаб, бир конгресс чақиршини гапирди. Мена ҳам Хивага, Қозоғистонга, Фарғонага, Туркистонга жамиятимиз номидан хат ёзиб, ҳаммасининг Шарқий Бухоро конгрессига келишларини ташкил қилишни таклиф қилди. Мен конгрессга вакиллар ташкил қилиш мумкин эмаслигини тушунтириб, унинг ўзини Афғонистонга ўтишига яна бир бор қистадим. Албатта у бу сўзларни ёқтирмади. Мен эртасига ҳам йўлга чиқолмадим. Чунки, пошо яна учрашиш ниятини айтди. Мирза Муҳитдин Ҳакимбойнинг уйда икки-уч ўртоқларимизни яширин равишда тўпладик. Пошо бизга босмачиларга қўшилишини айтди. Шундай бўлса ҳам, масаланинг уziel-кесил ҳал бўлишига яна бир неча кун борлигини билдирди. «Сенинг айтганларингнинг барини тушундим, ҳамма гапларингнинг самимийлигига ишонаман. Бурдалиқ йўлига тайёрланиш ишларини ҳам ташлаб қўймасан», деди. Кўзларига ёш тўлган эди. Бу аҳволда у курашга ташланишга тайёр турган бир курашчи каби кўринди, оёғида ҳалиги немис этиги. Жуда самимий гаплашди. Фикрларини очиқ айтди. Афғонистонга кетсам, балки, Туркистон миллий курашида бошқа қатнашолмасман, деб ўйлар экан. Унинг бу мамлакатнинг озодлик ҳаракатига жон фидо қилиш қарори қатъий эди. Кавказдаги генерал Халиловнинг ҳам ўз таъсирида эканлигини айтди: «Сиз, туркистонликларни тайёргарликларингиз йўқ, яқин вақтларда ҳам тайёрлана олмаясизлар», деди. Бу одамнинг жуда катта бир идеалист бўлганлигини, ҳатто ҳаёт шартлари ва воқеалар билан ҳам ҳисоблашмаслигини, Туркистоннинг географияси, статистикаси бўйича Европа ва рус нашрларини ўқимаганлигини ҳам ўша кунларда билдим. Жамол пошо билан учрашиши, элчи Юреневнинг қўрқитиши уни шундай қарорга келишига асосий сабаб бўлди.

Ситоран Моҳи Хосса саройида Файзулла билан учрашув. Кечаси Бухородан чиқиб кетишим керак эди. Файзулла Хўжадан от сўрамоқчи бўлдим. У менга кечқурун соат 9 да амирнинг Ситоран Моҳи Хосса саройига келишини айтиб, хабар юборибди. Бу — амирнинг янги саройларидан бири эди. Бироз вақт ўтгандан кейин Файзулла Хўжа янги саройга келди. Молия вакили нозир Ҳаким ўғли кўрсатган икки отни сира ёқтирмадим. Енимга йўлдош ёки кузатиб борувчи олмадан ёлғиз кетишимни, от зотдор, эгар-тўқими бўлмаса-да, аммо чопқир бўлиши зарурлигини тушунтирдим. Амирнинг отхонасидан бир қора тўриқ, бир оқ тўриқ от етаклаб келдилар. Қора тўриқ от пастроқ бўлса ҳам жуда чопқир ва йўрға экан, оқ тўриғи эса, йўрға, наслдор экан. Мен қора тўриқ отни танладим, Ориповга оқ тўриқ отни Самарқандга поезд билан юборишини тайинладим.

От масаласи ҳал қилингандан кейин, Файзулла мени ичкарига чақирди. Туркистонда жуда жиддий қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлган суҳбатлар худди шу вақтда юз берди. Файзулла Хўжа: «Анвар пошо бу ерда нима қилаяпти? Сен билан учрашиб гаплашганлари тўғрисида эшитдим», деди. Мен «Афғонистонга кетсамми, Берлинга қайтсамми, деб иккиланяпти», деб жавоб бердим. Файзулла Хўжа: «Москвада эканимизда Сталин сенинг номингни яна эслади. Мартда кўрганимизда ғазабда эди. Ҳозир, қайтиб борсанг, аввалгидай ҳурмат билан қабул қилишини айтди. Нима қилишингни ўзинг биласан», деди. Мен унга: «Мен учун орқага қайтиш йўли йўқ. Балки чет элларга кетарман», дедим. У: «Анвар ҳам, сиз ҳам босмачиларга қўшилмоқчи бўлсангиз, биз очик курашга ўтамиз. Сизга яқин бўлган шубҳали кишиларни вазифаларидан бўшаттирамиз. Ориповни ҳарбий нозирликдан бўшатишимни руслар кўп вақтдан бери талаб қилади, буни билиб қўй,

бундан кейин сен билан кўриша олмасмиз. Раҳм йўқ, муносабат шафқатсиз бўлади. Шундай бўлса-да, Султонов ўрнида қолади. У орқали алоқа қилиш йўли очиқ бўлади», деди. Кўзлари жиққа ёшга тўлди. У, албатта, Анвар пошонинг босмачиларга қўшилиши нақадар жиддий оқибатларга олиб келишни тушунар ва мен ҳам ўз билганларимни унга айтмаслигимни, ўртамизда чуқур жарлик пайдо бўлганини сезарди. Бундан кейин эски дўстларига ва ўртоқларига қарши аёвсиз урушишга мажбур бўлажагини тушуниб, ранги ўчарди. Ийғлашининг сабаби шу эди. Унинг кўзёшларини кўргач, беихтиёр менинг ҳам кўзларим ёшга тўлди. Файзулла билан хайрлашиб, аввал яшаган Харгуш қишлоғидаги боққа келдим. Бу ерда уч бошқирд солдатини қолдирган эдим... Боғ ичидаги бинода анчагина қурол ҳам бор эди. Ориповчи шаҳардан чақиртирдим, кечикмасдан етиб келди. Қуролни, уч солдатни унинг ихтиёрига топширдим. Терлама билан оғриб, азоб чеккан бу солдатни, бироздан кейин Самарқандга жўнатмоқчи бўлдим. Солдатларни жуда яхши кўрардим. Улар бу ерга мени излаб Бошқирдистондан келган эди. Ўша кечаси улар билан бирга бўлдим, келажак тўғрисида узоқ суҳбатлашдик, хафа бўлиб қайғурдик, чунки бошқа кўришолмаслигимиз эҳтимоли бор эди. Ориповга оқ тўриқ маъқул тушди ва уни алмаштирди. Қора тўриқни бошқа одам орқали Самарқандга юборишга ваъда қилди. Берган оти қора тўриқ эди. Бир қарашда оддий кўрингани билан бақувват ва югуртак экан. 8 ноябрда Ғиждувон йўли билан Самарқандга бориш учун отга ўтиришдан олдин мендан ҳеч ажралгиси келмаган солдатларим билан қучоқлашиб хайрлашдим. Қўлга тушмаслик учун Зарафшон дарёсининг кун ботиш томониغا қараб йўл олдим. Лекин Вобкент рўпарасидаги бир жойга келгач, Зарафшон дарёсига қурилган Ғиждувон кўпригини қизиллар қўриқлаб турганини эшитдим. Орқага ҳам қайтиб бўлмасди, чунки, Карманага борадиган йўлни ҳам солдатлар назорат қилаётган эди. Ҳар кун и ёмғир ёққанидан дарё жуда тошқин эди. Ғиждувон кўпригидан бир неча чақирим пастроқдаги бир жойдан отимни Зарафшон дарёсига солдим. От ҳақиқатан ҳам бақувват экан. Сузиб ўтгунимизча сув бизни ярим чақиримча оқибиб кетди. Бир ўзбекнинг боғига кириб усти-бошимни, эгарларни қуритдим, овқат бердилар. Уй эгаси, бошинга бир бало тушдими, нега ўзингни тошқин дарёга солдинг, деб сўради. Мен унга: «Вобкентга бориш учун Ғиждувон кўпригигача боргим келмади, дарё оқими бунчалик тезоб деб ўйламагандим», дедим. Тушдан кейин йўлимни давом эттирдим. Бу атроф Бухоро зиялиларидан Садрриддин Айнийнинг ватани эди, у кейинчалик, Тожикистон Фанлар Академиясига раҳбарлик қилди. Нақшбандийнинг улў пири Абдуллоҳиқ (Ғиждувоний) ҳам шу ерда туғилган, бу ердан яна бир қанча олимлар чиққан. Қадимги ёдгорликларни ўрганиб юриш вақти эмасди ҳозир, тўғри Қалқон ота номи ерга тезда етиб келдим, кечаси шу ерда қолдим. Ундан кейин Сўғд марказларидан бири бўлган Аферинкентга келдим. Икки кун деганда Самарқандга етиб бордим. Бир неча кун ўтгач, Файзулла берган қора тўриқ ва оқ тўриқ отларни бир ўртоғим поезд билан Самарқандга етказиб келди. Бухоро амيري саройидан олинган бу икки отдан у ер-бу ерга бориб келишда фойдаландим. Аммо урушларда минмадим. Харгушдаги солдатларнинг бири Самарқандга келди, унга бу ерларни қарашни топшириб, Самарқандда қолдирдим. Балки, керак бўлар, дедим. Улар кейин ҳам бир неча марта жонимни сақлаб қолдилар. Бу сەъҳатимда Бухорода кўришган зотлардан Анвар пошо, Ҳожи Соми, Файзулла Хўжа, Абдулхамид Орипов, Султонов ва бошқа баъзи бир кишиларнинг бирортасини ҳам кейинчалик кўрмадим. Фақат ўша 8 ноябрь, ҳақиқатан ҳам йиғлаб эслайдиган бир кун бўлиб қолди. Менинг тақдиримдаги энг катта бурилиш, чет мамлакатларга кетиш зарурияти ўша кунда аёнлашди.

Анвар пошонинг босмачиларга қўшилиши. Бухородан жўнаб кетганимдан уч кун ўтиб Анвар пошо олдимга одам юборди. «Шарқий Бухорога ўтишга қарор қилдим. Енгсак гоzi, енгилсак шахид бўлармиз. Бурдалик туркманлари бизни кўп кутиб ўтирмасин» дебди у. Пошонинг бу воқеалардан кейин Истамбулга қайтган адъютанти Муҳитдин бек Истамбулда «Вақт» газетасида хотираларини бостирди. Газетанинг 1923 йил 25 ноябрида чиққан сонларида у шуларни ёзган: «Пошо Бухородан кетадиган кунни қўйидаги гапларни айтди: «Туркистон учун курашиш керак. Ҳақ иш учун ўлимдан қўрқсанг, ўзингни ҳам ит ҳолида яшашга дучор қиласан. Агар бу ишга киришмасак, келажак авлодларнинг лаънати оғир бўлади. Қутулиш йўлини излаб, ўлсак ҳам, ўзимиздан кейин келадиган авлодларга озодлик ва бахт йўлини таъминлаган бўламиз». Бунга кўра Муҳитдин бек Анвар пошонинг Самарқандни марказ қилиб, Туркистон давлати тузиш ҳақидаги фикрини айтди. Муҳитдин бек ўша газетادا менинг пошо билан гаплашувим ва иш олиб боришларим ҳақида ҳам жуда илиқ фикрлар кўлдилар. Уни Туркияга келгандан кейин ўқидим: «Шарқда туркларнинг уйғонишини катта куч билан кўрсатувчилардан бири Заки Валиди бўлади. Турк-татар тарихини ёзган бу одамнинг илмийлиги қанчалик кенг бир манбаларга сўянса, раҳбарий ишлари ҳам шу илмга хос самимийлик ва фидокорликка эгадир. Заки Валиди рус инқилобига катта умид боғлади. Туркий халқларга инқилоб бир наҳот ва бахт келтиради, деб ишонди, лекин умидлари рўёбга чиқмади. Заки Валиди Анвар пошо билан алоқа боғлаб, большевикларнинг хийла-найрангларини яхши тушунгандан кейин, бир қанча вақт бекиниб юришга аҳд қилди ва шундай қилди ҳам. Биз биринчи маротаба у билан Москвада Халил пошо келган вақтда учрашган эдик. Иккинчи марта Бухорода 23 кун яшаган вақтда кўришдик. Заки Валиди шарқни уйқудан уй-фотиш учун турли қиёфага кириб ҳамма томонларга боришга улғуриб, имони комил валий каби иш олиб борди. Заки Валиди Бухорода Анвар пошо билан кўришди ва бошқаражак ишларининг йўллари, усулларини пошога тушунтиргандан кейин, яна туркманлар орасига кетиб қолди».

Муҳитдин бек қайтиб келгандан кейин ҳукуматга Анвар пошонинг можаролари тўғрисида батафсил бир рапорт ёзган. Унинг бир нусхасини аввал Туркистонда сەъҳат қилган Муҳаммад Қозим бекга берган экан. У ерда ҳам мени мақтаб эслаган: «пошо Заки Валиди бекнинг айтганларига қўлоқ солиб, Афғонистонга борса, қандай яхши ишлар олиб борган бўларди, қўлоқ солмади, Ҳожи Сомийга ишонди». Ҳожи Сомий эса, 1923 йилда, бу воқеалар давомида муваффақиятсизликларга учраб Афғонистонга келгач, Кобулдаги Туркия элчиси Фахриддин пошога «Заки Валиди Туркистондаги сиёсий аҳволни қоронғи қилиб кўрсатади», деб ёзган. Фахриддин пошо билан унинг ченгелкўйдаги ёзги дам оладиган уйда учрашганимизда бунни ўзи айтди. Анвар пошо 11 ноябрда Усмон Хўжага ёзган хатида босмачилар билан учрашгандан кейин Афғонистонга кет-

моққа шайланганини билдирган. Яъни, бундан менинг таклифимни тамомила четга суриб қўймаганлиги сезилади.

Анвар пошонинг босмачиларга қўшилиши ҳақида хабар олишимиз ҳамано Миллий Бирлик Комитети аъзолари Самарқанднинг ғарбидаги Қаниқул номли жойда тўпландик, ҳаммамиз ҳам пошонинг ҳаракатига ёрдам беришга ва ҳамма томонда комитет номидан яширин иш юритувчи аъзоларимиз босмачиларга қўшилишга, пошо Шарқий Бухорода тўпламоқчи бўлган Конгрессга боришга қарор қилдик. У ерга борадиган одамларнинг бошида мен, самарқандлик шоир Ножий, турк офицерларидан Собир бек бўлишимиз керак эди. Қарорларимизни хабар қилиш учун пошога одам юбордик. Уша одам йўл давомида Жаббор бек номли босмачига бизнинг келишимиз ҳақида дарак беради. Ун кун ҳам ўтмади, Самарқанд вилоят идорасида ишлаган ўртоқларимиз орқали пошонинг Шарқий Бухородаги босмачилар билан алоқа боғлашлари, лекин уларнинг пошони шубҳаланиб кутиб олганликлари хабари келди.

Босмачилар сафига қўшилишимиз ва қизиллар билан биринчи тўқнашувимиз. Бу шaroитларда бизнинг Шарқий Бухоро босмачиларига қўшилишимиз заруратга айналди. Менга Шаҳрисабз вилоятида Жаббор қўрбоши олдида қолиб, шу ердан бошқартиш топширилди. 20 ноябрда Ножий, Собир бек билан Самарқанд ёнидаги Баҳрин деган қишлоққа, Самарқанд босмачиларининг бири Баҳром бек олдида келдик. Босмачилар қароргоҳига биринчи марта келишим эди. Бухородан олиб келган отларни Самарқандда хотиним яшаган ҳовлида қолдирдим. Баҳром бек менга бир тарғил бия берди. Кечқурун Шаҳрисабз вилоятига кетмоқчи бўлдик. Уша кечаси Самарқандга келган комитет аъзоларимиз билан бирга Баҳром бекнинг меҳмони бўлдик. Самарқанд вилоятида уч босмачи гуруҳи бор эди: Баҳром, Очил бек ва Каттақўрғон томонда Қорақўл бек тўдалари. Баҳром бекнинг келиб чиқиши тожик... У сиёсатнинг моҳиятини тушунган одам эди. Очил бек Самарқанднинг кунчиқар томонидаги бир қишлоқдан. Найман уругидан. Жуда меҳр-муҳабатли. Бу келишда уни кўрмадик. Баҳром бек йиғилишга ўз яқин кишиларини юборган эди. Ҳар икки қўрбошининг 300 нафардан йигитлари бор эди. 21 ноябрь душанба кечаси Баҳром бек бизга соқчи қилиб берган 25 йигит билан бирга тошйўлдан Самарқанднинг ғарбидаги Тахтиқорача деган довонга чиқдик. Қор ёғар, кучли шамол эсарди. Шаҳрисабз томонга чиқаётганда мен минган семиз бия довондан зўрға ўтди. Бошқа от йўқлигидан манзилга қандай етиб оларканман, деб ўйлаб қолгандим. Қутилмаганда олдимиздан руслар чиқиб қолди. Қорбўронда улар ҳам бизни кўтмаган. Бир-биримизга қараб тўхтаб қолдик. Қизил командир, отряд бошлиғи кичик Баҳром, Собир афанди ва мен олдинда келардик. Бир-биримизга ташлашиб, қиличлаша бкшладик. Бизнинг орамизга кириб келган қизил командирнинг боши Собир афандининг қиличиданми яраланди. Қизил командир менга ҳужум қилгани, қиличи билан менинг чарчаган биямнинг бошини яралади, бошқа зиён келтиролмади. Бошқа қизилларга қарши йўқ уза бошладик. Улар командирларини ташлаб қочди. Пастликка учиб йиқилган командирни бизникилар юқоридан отиб ўлдиришга ҳаракат этдилар. Мен чарчаган ва боши яраланган бизни қазни қилинглр, деб йигитларга бериб, қизил командирнинг отига миндим. Кичикроқ, лекин жуда яхши, ўтдай бир жондор бўлиб чиқди. Қочган қизилларнинг бир-иккитаси ҳалок бўлди, биздан яраланган одам бўлди. Қизиллар отларидаги юкларини ҳам ташлаб кетдилар, қўлимизга анча патрон тушди. Қисқаси, Шаҳрисабз шаҳрининг шарқий томонидаги Қорасув қишлоғига келдик. Командирдан мерос қолган отнинг эгарига сумка билан қилич ҳам боғланган экан. Бу халтада командирнинг бутун қоғозлари, хатлари, бошқа командирларнинг ўз оилаларига, дўстларига ёзган хатлари чиқди. Улар Шеробод юрти атрофидаги воқеалар ҳақида рапорт бериш учун Самарқандга жўнатилган эканлар. Бу рапортларни ўқиб, Анвар пошо билан турк офицерларининг ҳаракатлари, рус аскарларининг ҳисоби ва қуроллари тўғрисида тўла маълумот олдик. Бу бизга худо томонидан юборилган катта бир омад бўлди. Чунки, бундай тўла маълумотни Анвар пошо олдига бориб етганимизда ҳам ололмас эдик.

Хуттал оти. Бир ой чамаси ўтгандан кейин билдикки, менинг қўлимга тушган отни қизил командир Кўлобда бўлган вақтида эндигина уйланган бир йигитдан тортиб олган экан. Бу от тарихларда ёзилган, шоир Фаррухийнинг ва бошқаларнинг шеърларида эсга олинган. Марко Полонинг саёҳатномасида Хуттал оти деб аталган зотдан экан. Пастроқ, аммо бақувват, ишончли зот. Тошлоқда оҳуни ҳам қувиши мумкин, бошқа от, масалан, 40 қақирим йўл ўтган вақтда, бу от 100 қақирим йўл босади, чарчамайди, лекин боши жуда қаттиқ... Кечаси ухламай, ҳалиги ҳарбий қоғозларни ва хатларни ўқидим. Бу омадли ишдан энг кўп севингани ўзбоши Собир афанди бўлди.

Шоир Рожий. Мен бу ишлар билан машғул бўлган вақтимда ўртоғим Рожий бурчақда «уф», «уф» деб оғриганини билдиришга ҳаракат қиларди. Эрталаб Китоб шаҳридаги қариндошлариникига юборишга рухсат сўраб ёлворарди. Йўлда бўлган воқеа уни жуда кўрқитгани, олдинга қадам босишга ҳам ҳоли қолмаганлиги сезиларди. «Бир кун даволанайин, кейин Жаббор қўрбошига бориб қўшиламан», деди. Сўзлари албатта, ёлғон эди. Мен унга: «Яхши, кўриниб турибди, жуда рангинг ўчган, бир-икки кун даволан», дедим. Чунки, ундан барибир фойда йўқ эди. Рожий вафот этганига анча вақт бўлди. Фахриддин Рожий самарқандлик шоир Васлий ва Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ёшлиқдаги дўсти. Туркий адабиётни севган тожик. Балки тожиклашган туркдир. Мен туғилган йиллардаёқ вафот этган отаси Мирзо Нуриддин ҳожи ҳам шоир бўлган. Унинг форсча ёзган шеърларини Рожий 1913 йилда Самарқандда нашр эттирган эди. Мирзо ҳожи форсча ҳинд ҳикоятларини туркий шеърий шаклда ҳам таржима қилган эди. Қисқаси, Рожий ўз нутқларида жуда жасур бўлиб, ҳаммага ақл ўргатарди. Уртоғимиз Рожий қизиллар билан 15 дақиқа давом этган урушни кўтаролмай оғриққа учради ва биздан қочди. Жаббор қўрбоши олдида ҳам бормади. Қўрқоқлиги орқасида кулгига қолди. Зарари йўқ. Бироздан кейин ёнимизга келажак ёки келтирилажак.

Жаббор қўрбоши. 23 ноябрда биз Ғузор мавзеидаги Тол деган қишлоқда Жаббор қўрбоши олдида бкрдик. У жуда ғалати бир ўзбек эди. Бу ерда бир неча кун бўлган, Шарқий Бухоронинг лақай ўзбек уругидан қўрбоши Иброҳим бекдан бир неча вақил келди. Улар турли томонлардаги ўзбек босмачиларини амир номидан Иброҳим бек ёнига тўпланишга даъват этарди. Бизни танимасдилар. Узини Анвар пошо деб танитган бир одамнинг лақайлар орасида Иброҳим бек томонидан асир қилиниши ҳақида гапиришди... Анвар пошонинг қўлга олиниши биз учун бир хўрлик. Лақай вақиллари Бухоро атрофидаги босмачи раҳбарларидан Қаҳқор мулла номли зот ёнига кетиши ке-

рак эди. Мен уларга бу атрофда қолмай, Иброҳим лақайнинг қўлида асир бўлган пошони озод қилиш учун тезроқ орқага қайтиб, Иброҳим бекни бунга кўндиришни тавсия қилдим. Қаҳҳор мулла билан ўзимиз гаплашармиз, дедим. Улар юртлирига бориб қайтишди. Самарқанддан бу ерларга келишимдан асосий мақсад, Ғузор-Шаҳрисабз — Қарши шаҳарлари ўртасида ҳукм сураётган Жаббор бекнинг ёнида бўлиб, бу шаҳарларда ҳарбий нозир Абдулхамид Ориф ўғли ёрдамида аскар-ий қисмларга тайинланган офицерларимиз билан алоқа ўрнатиш эди. Анвар пошо русларни Шарқий Бухородан қувиб чиқара бошласа, эслаб ўтган учала шаҳардаги офицерлар ихтиёридаги гарнизонлар билан пошога қўшилиб, шарққа йўналувчи русларнинг йўлини кесиб, асир олиш, қурол-яроғларини қўлга тушириш эди. Бунда Нурота ва Хива билан алоқани ҳам таъмин этиш зарур эди. Шаҳрисабздаги гарнизон раҳбари бўлган бошқирд аскар-ий офицери Суюндиқов билан шу орада алоқа ўрнатдим. Қаршидаги гарнизон ҳам унинг таъсири остида эди. Пошо атрофидаги 30 турк офицерининг Шаҳрисабз, Қарши томонлардаги одамларга суяниб, Бухоронинг мазкур қисмларини тезгина қўлга олиш имконияти бор эди. Шарқий Бухоро ҳукумати бошида Бухоро Жумҳурияти раиси Усмон Хўжа турарди. Бухорода тўпланган динамит билан Амударё-Зарафшон кўпригини ҳавога учирмоқчи бўлди. Бухоро ҳукумати тўлиғича бизга қўшилажак. Лекин Бухоро амир-ига содиқ қолган таваккалчи лақайларнинг ўзлари ҳам билмасдан руслар фойдасига иш қилиб, пошони асир қилиши, бутун режаларимизни остин-устун қилиб ташлади. Ёнимдаги Собир афанди, пошо асирга олингач, бу ерда қолишни хоҳламади, Самарқандга, босмачилар олди-га қайтмоқчи бўлди. Жабборнинг ташкилотчилиги бўш эди. Шаҳрисабздаги гарнизон офицерларининг ҳаракатини руслар сезиб қолди, шунинг учун улар босмачиларга тезроқ ўтишга ҳаракат қилди. Кейинроқ ўртоқларини Чимқўрғон деган ерга юборди, мен улар билан шу қишлоқда гапла-шуб, яна Шаҳрисабзга қайтмоқчи бўлиб турдим. Аҳволни уларга тушунтирдим. Пошонинг асир бўлганини улар руслардан эшитган эканлар. Мен эса: «Нима бўлса бўлар, сабр қилин-глр, вақти келганда хабар қилармиз», дедим. Баъзан ёлғиз ўзим отга миниб, Қарши шаҳрига келиб, у ерда Умархўжа деган одамнинг уйда тўхтардим. Асли Бошқирдистондан, Давлатлоҳ эшон оиласи-дан. Тошкент, Бухоро, Самарқанддан одамлар келиб, унинг ҳовлисида учрашардилар, алоқани шу йўл билан таъмин қилди. Анвар пошога қўшилишни хоҳлаган Усмон Хўжа, Али Ризобекларнинг Душанбедаги ишлари пароканда бўлгач, Дониёлбек, Тошкентдан Абдурасул, Бухоро ёшларидан Абдулла Ражабий, бир қанча одамлар билан бирга Бойсундан бу ерга келиб Жаббор бекка қўшилди. Дониёл Доғистондан келган бек, Озарбайжон аскар-ий қисмида хизмат қилган, кейинча-лик Бухорога келиб турк офицерлари билан бирга Бухоро аскарини тузиш билан шуғулланган ташкилотчи бир одам эди. Тошкентлик бўлса ҳам Бухоро ҳукумати-га ишга кирган Абдурасул ёш ўртоқлари билан ғавго қилиб юришдан бошқа ишга ярамади. Абдулла Ражабий Бухоронинг ғарби-даги сунний руҳонийлар оиласидан. Номус-ориятли бир зот эди. Кейинроқ Анвар пошо олдидаги кишилар орасида бўлди. Туркияга келгач, 1945 йилда «Туркистон миллий ҳаракатлари» номи остида хотираларини бостирди. Ўзи жуда кўрқоқ эди. Руслар Толқишлоқ деган ерга келиб, бизни тўпга тутмоқчи бўлди. Жаббор қишлоғимни вайрон қилиб ташламасин, деб уларга қарши тоғу тошлардан туриб ҳужум этишга уринди. Абдулла Ражабий ёнимдан ажралмайдиган бўлди. Русларнинг портловчи қуроллари анча яроқсиз бўлиб, юмшоқ тупроққа тушса портламас, шунинг учун Абдулла Ражабий жангга кирганда юмшоқ ер изларди. Лекин қўлига қурол олиб отмади. Турган-битгани бир мадраса халифаси ва мулласи эди. Уша вақтда Бухоро амирининг юқори мансабдорларидан Авлиёкул тўқсоба номи бир ўзбек беги ҳам бўлди. Балки, қовчин уруғидан-дир. Ҳеч ишончли одамга ўхшамасди. Советлар билан келишолмаган одамлар келиб-кетиб турар-ди. Тўқсобанинг улар билан гаплашуви шубҳали туюлди. Жаббор ва Дониёлбекнинг гуруҳидаги йигитлар учраган тасодифий кишилар бўлмай, яқин-атрофдаги одамларнинг фарзандлари эди-лар. Яқинда яшаганларининг ҳам, узоқда яшаганларининг ҳам қишлоқларига бориб, айниқса, Те-мур тарихида номлари тилга олинган қишлоқларни ва қарлуқларни излаб, улар тўғрисидаги ри-воятларни тўпладим. Кейинроқ руслар бош штабининг «двухверстная» деб аталган икки қақирим-лик ҳажмдаги карталарини ҳам тузатиш билан шуғулландим.

28 декабрь қарорларининг амалга ошиши. Бошқирдистон офицерлари. Жамиятимизнинг Марказий Комитети 28 декабрда Ғузор шаҳрида тўпланиши керак эди. Жаббор бекдан битта одам олиб, гаплашадиган жойимизга бордик. У ерда 1941 йилда танишган Мустафо Қовчин деган одам бор эди, унинг юртига келдим. Пошо Бухорода бўлган вақтдаёқ Хивага, Жунайдонга юборган ўртоқлари у топширган ишларни яхши бажариб, Бухородан етиб келдилар. Улар пошонинг бошига тушган балони Бухорога келганларидан кейин билганлар ва бундан жуда хафа бўлиб, қайғурандилар, мен уларни тинчлантиришга ҳаракат қилдим. Пошонинг тез вақтда қутулишига ишониб, унинг олди-га одам юбордим. Уч ойдан кейин ҳаракатнинг кенг ёйилишини айтдим. Рус офицерларидан олган Жилдиқулнинг отини ҳам пошога юбордим, от эгаси бўлган йигитга ўз номидан топширсин, деб маслаҳат бердим.

Ғузордаги йиғилишда жамиятимиз энг жиддий қарорлар қабул қилди. Шу орада Анвар пошога ёрдам қилин-глр, деб, Бухородаги Афғонистон элчиси орқали Кобулга ҳам мурожаат этилган эди. Анвар пошони қутқариш иши тезлатилса, Бухоро, Кармана, Шаҳрисабз, Қарши тарафлардаги доимий аскарлар ҳам, жамиятнинг айрим аъзолари ҳам уч ойдан сўнг — 23 мартда ҳар тарафлама босмачиларга қўшилажак. Уша вақтга қадар босмачилар уларни қабул қилишга тайёр бўлиб туриш-лари керак эди.

Ғузордаги йиғилишдан бир неча кун ўтгандан кейин Бухоро амирининг лақайларга буй-руғи ва Афғон ҳукуматининг аралашуви орқасида Анвар пошонинг асирликдан қутулганлиги ҳа-қида хабар келди. Пошонинг ўзидан ҳам хатлар олди. Бироздан кейин бизнинг олдимизга юзбо-ши Халил бекни юборди, Шарқий Бухоро ишларини ўзи бошқаражагини хабар қилибди. Менга Зарафшон бўйидаги ҳаракатларни бошқаришни топширибди. Самарқанддаги отларимни солдат-лар билан бирга Каттақўрғон ёнида иш олиб борувчи Қорақул бекка юборишни тайинладим. Ўзим ҳам ўша томонга йўлга чиқдим. Шаҳрисабздаги Суюндиқ мингбоши билан мингбоши Худоев алоқа боғлар эди. Унинг билан Чимқўрғон қишлоғида кўришиб, қабул қилган қарорларимизни тушунтирдим ва Худоевга бизни соқчилар билан таъминлашни топширдик. Бироздан кейин биз Худоев ва Жаббор бекнинг бир ўзбек йигити (қовчин уруғидан) билан Касби деган жойда

учрашиб, Каттақўрғон атрофидаги босмачилар раиси Қорақул бек олдига жўнадик. Шу йўсинда мен 23 мартга мўлжалланган ҳаракатни ташкил қила бошладим.

Биз бу ерда тоғ орасидаги Сарой қишлоғидан бир йигитнинг (Қорақул бек йигити) соқчилиги остида Нурота, Уксум, Фориш ва Қўйитош номли жойларга бориб, Қўйитош ғарбида Ҳамроқул Мулла номли бир зиёли тожик раҳбарлигида тузиладиган отлик гуруҳнинг тоғдаги бўлимини уюштирдик. Шундай қилиб, январь-февраль ойларида Нурота билан Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон билан Ғузор орасида ҳар доим от устида юриб, ташкилий ишлар билан шуғулландим. Чарчаган отларимни бошқатдан Самарқанддаги хотиним олдига қолдириб, яна Жаббор бекка бордим. Яхши одам эди. Лекин ёнидаги Абдурасул билан Авлиёқул тўқсобега ишонмасдан тургандим. Суяндиқнинг солдатлари рус аскарий кийимида бўлганликларидан, бу ердаги нодон халқ шубҳа билан қарашини сезиб, уларнинг Қорақул бекка бало-қазосиз қўшилишларини таъминладик. 23 мартда Суяндиқнинг солдатлари, Бухоронинг ҳарбий нозир Абдулхамид Орипов ҳам бош кўтарувчиларга қўшилди. Мени сақлайдиган мингбоши Худоёров ҳам сафдан қикди. Качан деган жойда даволаниши керак эди, лекин ўртоқларим билан бирга Советларга қарши кураша олмай қолсам, руслар қўлига тушаман, деб ўзини-ўзи ўлдирган. Худоёров жуда идеалист, қаҳрамон ва ҳақиқий ҳалол йигит эди. Унинг ўлими Орипов учун ҳам, мен учун ҳам, ўртоқлари учун ҳам катта йўқотиш бўлди. Абдулхамид бизнинг олдимизда қолмай, Анвар пошонинг ёнига кетди. Шу вақтда Бошқирдистондан заҳира полк офицери Ҳибатулла Янбухтин бизга келиб қўшилди. Мамлакат аҳолини билдик. Суяндиқ ва унинг ўртоқлари билан бирга Қарши қўлида ўзбеклар орасида анча шуғулландик. Бу ойлarda ўзбеклар қорақул барралар сўйганликдан гўшт жуда кўп бўлди. Ҳар қишлоқ меҳмонга қақирдилар. Ҳаммамиз бирга тўпналиб, Қорақул бекниқига бордик. Бирга бўлганлигимиздан ниҳоятда хурсанд эдик. Тез орада Бухоро ўлкасида кураш бошланмак. Бир куни эрта билан Қорақул бекнинг саройи атрофидаги тоғлар орасидаги штаб-квартирасига қизиллар очик ҳужум қилдилар. Қаттиқ жанг бўлди. Қорамтир отим енгил яраланди, ўқ эгарга боғлаб қўйилган харитага, дурбинга тегди, ўзимга ҳеч нарса бўлмади. Уша тўс-тўполон орасида эски дўстим Абдулқодир Инон ва бошқа ўртоқлар Қозоғистондан Самарқандга, ундан Қорақул бек ёнига келди. Абдулқодир (Фатхелқодир) 1920 йилда Бошқирдистондан қочгандан сўнг Қозоғистонда, бошлиғи Арка деб аталган Урта Қозоғистонда жамиятимизнинг иши билан шуғулланганди. Ҳозир унинг ёнимга келиши мен учун катта бир таянч бўлди. Олдимида, шунингдек, ўртоқлари билан бирга Суяндиқ, Карманадаги аскарый мактабдан ёрдамчим Иброҳим Исҳоқ ҳам бор эди. У ҳам аскарый мактабнинг ўқитувчилари билан бирга Нуротага келди, ҳаммамиз Нурота билан Жиззах орасидаги Уксум, Фориш деган қишлоқларда ташкилий ишлар билан шуғулландик. Анвар пошонинг раҳбарлиги омадли бўлса, биз Зарафшон бўйида Очил ва Қорақул беклар билан бирга бутун атрофни босиб олардик. Русларнинг Қорақул бекка қарши ҳужумлари орқага сурилди. Иштирок қилган солдатларимиз ўзбекларнинг хурматини қозонди. Мен уларни бу ерда қолдириб, Жом орқали Самарқанд вилоятидаги партизан гуруҳига Очилбек олдига кетдим.

Анвар пошо вакиллари. Самарқандда бўлган вақтда Анвар пошодан икки-уч киши келди. Улар жамиятимиз номига Анвар пошодан бир узун хат олиб келганди. Пошо бу икки одамни Қозоғистондаги кўтарилмишга қўшилиш, пул билан таъминлашни буюрганди. Лекин шу орада келган Абдулқодир билан қозоқ вакилларидан Қозоғистонда кўзғалиш бўлмаслигини билардик. Шунинг учун бу икки киши пошодан қайта буйруқ олгунга қадар Очил бек билан менинг олдимида қолишига тўғри келди. У вақтда Зарафшон бўйида беш нуктада бекиниб яшайдиган жойим бор эди. Бири Самарқандда Мадрид маҳалласидаги уйимиз, бошқаси Самарқанднинг ғарбидаги Чимбойда, шунингдек, Виденеда, кунботишдаги Жарқўрғон ва Қўйитош номли жойларда эди. Оилам билан шуларнинг бирида яшардим. Мен билан учрашмоқчи бўлганларни Очил бек ёки Қорақул бек ёнига қақирардик. Шу орада Жиззах билан Нурота ўртасидаги ўзбекларни уюштириш учун Чинтошда Муқрулла Ҳамроқул деган тожик раҳбарлигида янги партизан гуруҳи уюштирдик. Кармана ва Бухорода бўлган ҳарбий мактаб Нуротага кўчиб, Ҳамроқул билан бирга хизмат қилиши керак. Самарқанд вилояти бутунлай жамиятга содиқ отрядлар қўлида қолди. Руслар қишлоққа чиқмади, бошқаришлари темирйўлдан четга ўтмади. Анвар пошо Бойсун билан Термиз томонларни қўлга киритса, Нурота билан Жиззах орасидаги тоғлар бизга таянч бўлиб, Зарафшон бўйидаги русларнинг зўли кесилар эди. Бухоро ҳукумати хизматида бўлган Бошқирдистон ҳарбий нозир абхази Ишмурзин ҳам бизнинг ҳаракатимизга келиб қўшилди. Абдулқодир Инон эса мен бошқа томонларга кетган вақтда Қорақул бекнинг ўртоғи Тонготар бек олдига қоларди. Бу Тонготар бек ҳаракатимиз муваффақиятсизликка учрагач, Афғонистонга ўтиб, савдо ишлари билан шуғулланди. Улар билан чет элга ўтиб кетганлардан бирини бу йил (1969 й.) Англияда кўрдим. Қорақул билан савдо қиларди. Шундай қилиб, босмачилик ҳаракати Туркистон халқини дунёнинг турли тарафларига сочиб юборди. Вақт ўтиши билан улар муҳим ишлар қилди. Буни кўриб ҳар доим севинаман.

Самарқанд тарафларда ишларнинг бузилиши. Шу орада Першиба, Желак ва Янгиқўрғон атрофида ҳужум қилган қизил аскарлар билан бир неча марта жанг бўлди. Бу жангларда ўртоғим Абдулқодир, Абхази ва пошодан келган одам билан бирга бўлдик. Лекин бу қулай бошланғич уч муҳим воқеа тўғайли бузилди.

Энг аввал амир тарафдорларининг Анвар пошога қарши бўлиши орқасида у бир ой чамаси ҳаракатсиз қолди. Шу орада руслар Шарқий Бухорога аскар жўнатиб улгурдилар. Пошо Бойсунни, Шерободни ололмади. Иккинчи воқеа шундай бўлди: Бухоро атрофидаги амирга содиқ фанатик босмачилар ўзларига ёрдам қилишга Бошқирдистондан келган офицерларни ҳийла билан хиёнаткорона ўлдирдилар. Бу ишда касбилик муаллимлардан Нуриддин Оғалиқнинг ўрни катта бўлди, у ўзи амир ёқли ва шу вақтнинг ўзида Совет жосуси эди. Шаҳрисабдан март ойи бошида чиқиб Қорақул бекка қўшилган Ҳибатулла Суяндиқов ва унинг ўртоқлари 8 апрелда, Қарноб деган ерда Мустаф мулла номли амирга тарафдор бир босмачи томонидан ўлдирилди. Жамиятимиз номида берилган буйруқни бажараятиб, Бухоро ҳарбий мактаби ўқувчиларидан бўлган 4 офицеримиз Иброҳим Исҳоқ билан бирга босмачиларга қўшилиш учун Нурота томонга кетаётганда Қаҳҳор мулла раҳбарлигидаги амир тарафдорлари бўлган босмачилар ҳукмига дучор бўлди. Бир қисми, шу ҳисобдан, уч бошқирд ўлдирилиб, иккинчи қисми асир қилинди. Кейинроқ асир бўлганларнинг деярли ҳаммаси сўйиб ташланди. Жоҳиллик ва фанатизм миллатимиз учун энг даҳшатли душман

эканлигини исботловчи бундан-да ёрқин мисол йўқ. Худои таоло бундай аҳволни ҳеч қачон кўрсатмасин. Ҳибатуллонинг 12 ўртоғи Уфа ёнидаги, қадимги тарихларда «Тулон татарлари» деб аталадиган зотлардан чиққан йигитлар эди. Ҳаммаси ҳам рус ҳарбий мактабларида ўқиган... Улган йигитларнинг номлари: Янги Қарғалидан Ҳибатулла Суяндиқов (полковник), Исмоил Суяндиқов (юзбоши), Усмон Суяндиқов (юзбоши), Илёс Ачиев (юзбоши), Физиддин Яникеев (юзбоши), Исмоил Яникеев (юзбоши); Тошлиқўлдан Салоҳиддин Сакаев, Усмон Мамлев. Котиб; Ислонқулдан Яхин; Буздактан Илёс Мамлев (мингбоши). Улар бошқирд захира полкининг офицерлари эди. Туркистоннинг мустақиллиги учун курашда қатнашувга Бухоро аскарига келиб қўшилган эдилар. Мингбоши Иброҳим Исҳоқов билан ёнидаги уч бошқирд Старлитомоқ атрофидан, қаҳрамон ва зиёли ёшлар эдилар. 1917—1920 йилларда доимо ёнимда ёрдамчи бўлдилар. Бошқирдистондан келганлардан Иброҳим Суяндик, Ислонқарай Ачиев, Аюб Сакаев, мингбоши Ходзяров, юзбоши Ҳибатулла Янбухтин, Аҳмат Варис, Абхази Ишмурзин менинг ёнимда бўлганликлари учун ўлмай қолдилар. Улардан уч киши Туркиягача келдилар, иккитаси ҳали ҳам ҳаёт. Такдирларини бутунлай миллат манфаатига бағишлаган, мен ўз болаларимдай кўрган фидокор йигитлар. Аскарларимизни алдаб, қуроолларини қўлларидан олиб, кейин уларнинг ваҳишона равишда ўлдирилиши Туркистонга ёрдамга келган кўпчилик офицерларимизни бу ишдан совутди. Бундан кейин мен билан бу ерга келганлар ҳеч бир вақт қуроолларини қўлларидан қўймайдиган бўлдилар.

Учинчи муҳим воқеа: Совет — Польша урушининг рус фойдасига бурилиши туфайли русларга Туркистонга қўллаб аскар юбориш имконини берди.

Қаҳқор мулла билан Мустаҳ мулла Кармана билан Қарши орасида юрардилар. У ерда яширина олмасликларини кўриб, Нурота атрофига кўчдилар. Бу фожиалар ҳақида кейинроқ хабар топдик. Абдулқодир Инов ва баъзи бошқа ўртоқларимиз Чинтошдаги Ҳамроқулнинг солдатлари билан бирга 2 майда Нуротага келди. Одам ўлдирувчи Қаҳқор мулла билан Мустаҳ мулла у ерда эди. Билмасликка солиб, кечирим сўрашга тушдилар. Бир кенг далада юзга яқин одам ош едик. Бунда уларга мурожаат қилиб: «Миллатимиз фожиасининг асосий сабабчиси ўша нодонлик ва таассуб. Сиз ўлдингиз одамлар сизни қурол ушлашга, бомба ишлатишга ўргатажак, темирйўлларга мина кўяжак, орамизда алоқа ўрнатажак, босмаҳоналар куражак, юртда матбуот уюштиражак, радио ишлатадиган кишилар эди. Ана энди ўзингизнинг кўлингиздан нима иш келади?» дедим. Ҳаммаси ҳам бошини эгиб эшитди. Лекин, бундай гапиргандан кейин, балки, ўзимиз ҳам ҳалокатга дучор бўлармиз, деб Аюб билан Исмоилни ўзимиз билан бирга олиб, ёнларида кетдик. Уқсул исмли ерда Туркистон озодлиги учун курашишимизни билдириб, деворларга баъзи қоғозларни ёпиштирдик. 9 майда Самарқандга қайтдик.

Мочай тоғларидан Қизилқум йўли билан Тошкентга. Тошкентда тўпланадиган махфий конгрессга Қизилқум чўлини қандай ўтиб, етиб борса бўлади? Учалакмизда иккита от, очликдан энтикмасиз. Лекин, бошимиздан оғир меҳнатларни кечирсак ҳам бориб етдик. Саёҳатимизнинг бутун машаққатлари ҳақида тасаввур қилар эдим, иккала ўртоғим бўлса бунини кўз олдларига ҳам келтирганлари йўқ. Катта ёшдаги Минҳож билан Қалқамон менинг иккинчи отимга мингашишга мажбур бўлишди. Оллоҳ таоло менга имон билан идеал берган-у, лекин бунинг оғирлигини ўзимдан бошқа одамларга юклаган экан. Иккаласи ҳам касалликка чалинган. Бири менга: «Биз бу қорли тоғлардан, бу чуқур зовлардан ўзганга (воҳога) чиқа олмасмиз. Рози бўлсанг, револьверни бошимизга тираб, жонимиздан кечайлик-да, сен иккала отни навбатма-навбат миниб Тошкентга етиб оларсан», деди. «Йўқ, нима кўрсак ҳам бирга кўрамиз», деб уларни тинчлантиришга ҳаракат қилдим. Қор остида асрлар бўйи топталган бир йўл изи бўлгандай. Балки қадимги қорлуқлар ҳокимияти вақтида солинган йўлдириш... Лекин, қор қопланган ердан бир оз юргач, Сангзор жилғаси томонга йўл йўқлигини кўрдик. Мен ўртоқларимга: «Икковларингиз ҳам от устида бўлинглар. Мен яёвлаб олдинга кетиб, йўл ахтараман. Келаверинглар, деб қўл силтамаганумча турган жойларингиздан қўзғалманглар, бўлмасам, мени тошлар орасида йўқотиб кўясизлар», деб кун чиқмасданоқ олға қараб жўнадим. Уларни узоқдан кўриб борардим. Олдимда, чуқурларда қор бор-у, йўлдан асар йўқ. Лекин жуда узоқда ўт қидириб чиққан қўйларнинг қораси кўринди. Бир вақт устимдан тош уча бошлади. Бир-бирига урилиб, кўпайиб ваҳимали бир оқимга айланди. Тезда бир булоқ ёнидаги қояга беркиндим. Бир соат чамаси вақт ўтгандан сўнг, тош учини тўхтади, от туёқлари товуши эшитилди. Бироздан кейин яқинлашдилар. Мен ҳам беркинган еримдан чиқиб турдим. Икки ўртоғим ҳам эргашди. «Худога шукр, кечки урушда ўлмадик, тунги қорларда чуқурларга йиқилмадик, совуққа қотмадик, ҳозир ҳам кичкина қоя орасида тирик қолдим», дедим... Тикка тоғлардан юзларча маротаба айланиб, соғ-саломат пастликка тушиб, бир қор кўприкка келиб етдик. Тоғдаги қалин қаттиқ қор кўприк хизматини бажарар, деб ўйлардик, лекин отларимиз бу қорни босишга кўрқдилар... Қоя ўртасида йўл излайвериб, этикларимнинг ўқчалари кўчиб кетди. Қалқамоннинг этигини кийдим. Ун тўрт соат йўл юриб, одам изини учратмадик... Қоронғи тушгандан кейин, кечаси соат ўнларда кичкина бир қишлоққа етиб келдик, у ерда биз яхши билган кишининг кечаси онаси яшар экан. Кампир бизга қатиқ, нон берди.

Ўзининг ҳар икки томонида ўрнашган Бекназар овулига рус аскарлари келган экан. Қўлимиздаги винтовка билан уч револьверни қоя орасига беркидик, қизилларнинг қўлига тушиб, қўлга олсалар, шубҳа туғдирадиган баъзи бир нарсаларни йўқ қилдик. Кечаси соат ўн бирда йўлга чиқдик. Ун учинчи август кунини тун ярмида олдимиздан бир ўзбек қарши чиқиб, тўхтатди. Ёнимизга келгач, бу ўзбек бизни таниди: ўша атрофдаги босмачи тўдаларидан бирида бўлган киши экан. Бир неча кун аввал Сангзорда қир-яйловда бирга бўлганмиз. Қизил аскарларнинг ниҳоятда чарчаганликлари, ухлагша ётганликлари ва қишлоқ одамларини йўл пойлаб туришга жўнатганликлари, ўзининг ҳам шулардан бири эканини айтди. «Кучингиз етса, бориб, уларни қўлга олишларингиз ҳам мумкин», деди. Мен унга: «Мақсадимиз уруш эмас, мумкин бўлса ўзандан ўтиб, қишлоққа бориб, бир оз дам олиш. Кўктепадан келяпмиз», дедим. Ҳайрон бўлди: «У ердан шу вақтга қадар отда омон келган одамни кўрганим йўқ», деди. «Биз сой бўйлаб, Бошқуруқ қишлоғи ёнидан ўтсак, от туёғи товушига қизиллар уйғонар, отларни сизларникига қолдирайлик, яёв ўтармиз. Балки бошқа отлар кўрсатарсиз», дедим. «Бу қишлоқдан ўтгандан кейин чуқурда тамба қолдиғи бор, ўша ерда кутинглар, балки, отларингизни олиб борармиз. Бу ерда бир ўртоғим бор, балки, у ҳам

ёрдамлар. Агар қизиллар, отларни қаердан олдиларингиз, деб сўрасалар, эгасиз юрган экан, ушлаб олдик, дерсизлар, — деди у. — Бўлмасам, отларни тортиб оладилар». Тайинланган жойда кўп ҳам кутмадик, у отларни ўртоғи билан бирга етаклаб келди. Раҳмат айтдик, қучоқлашиб хайрлашдик. Кечга яқин Евош қишлоғига етиб, бир таниш одамнинг дарвозасига келдик, аҳволини тушунтирдик. У бизга: «Мол сўяман, гўшт пишгунча ушлаб олинглар, кундузи бу ерда қололмай-сизлар, кўрганингиздай ҳар бир қишлоқ қизил солдатларга тўлган», деди... Отларимизга ҳам қаради. Ош пишгандан кейин уйғотишди, 11 август кечасидан бери биринчи маротаба оғзимизга иссиқ тегиши эди. Бир оздан сўнг шундай хабар олиб келди: «Қизилларнинг бир қисми бизнинг қишлоққа жўнашган. Сизнинг бу ерда бўлганингизни ҳеч ким кўрмаслиги керак. Ким бўлди, деб суриштирадилар, сизларнинг ҳам орқангиздан тушарлар», деди...

Бизга анча гўшт, еб-ичкилик тайёрладилар, отларимизга арпа беришди. Улар билан ҳам кўнгилмиз тўлиб, хайр-хўшлашдик. Бу тарафдаги ўзбекларнинг Туркистон озодлигига содиқликлари, ҳар қандай шартлар билан бўлса-да, уларга суяниб ишлаш мумкинлиги маълум бўлди. Евошда таниш оила аъзолари хайрлашиб олдидан милтиқ ва тўппончани патронлар билан бирга қайтармоқчи бўлишди. Лекин мен: «Биз ҳозир Тошкентга борамиз, ёнимизда қурол олиб юрмаймиз», дедим. Бу содиқ инсон билан ҳам самимий хайрлашдик. Соё ичидига сўқмоқдан илгарилаб жўнадик. Ҳеч бир ерда қизиллар кўриб қолмасин, деб тепага чиқмадик. Тошкент — Самарқанд темируйлининг Янгиқўрғон станциясидан шарқ томонга чиқдик. Минхож ака бу ердан станциягача пиёда боражак, поездга тушиб, Самарқанддаги дўстларимизга хавфу хатарли йўллардан эсон-омон ўтиб олганимизни хабар қилиб, сўнг Тошкентга келажак; ўша ерда қаришишга аҳдлашдик. Минхож кўзимиздан узоқлашгач, янги бир чўқур топдик. Евошда беришган таомларни еб, отларимизга арпа бериб, бирор соат ухлаб, дам олдик. Бир оздан кейин Мақуру қишлоғига йўл олдик, кун ботишга яқин қолган эди. Қаршимизда эшак минган икки киши кўринди. Бири қария, иккинчиси ёш эди. Ёш одам қариянинг қулоғига бир нималарни шивирлади. Қари киши бизга йўл бўлсин, деди. Мен уларга Мақуруга боришимизни айтдим. «Мустаҳ мулланинг хиёнат қилганини эсдан чиқарманглар, — деди у. — Олдинда қизил солдатлар бор, сизларни уларга ушлаб беради, қаёққа боряпсизлар, бошқа йўл кўрсатайин».

Тошкентга борамиз, демадик, Қизилқумда таниш қозоқлар бор, ўша ерга борамиз, дедик... Еши Қуйитошдаги Ҳамроқул мулла аскарисида бўлган, у таркагандан кейин уйига қайтган экан. Мени таниб, эшагидан тушди, қўлларимни, узангини ўпиб хайрлашди, отларимизни бироз дам олдиarmoқчи бўлди. Вақт ярим кечадан ўтиб, 14 август тунги соат икки эди. Қалқамон эгарда ўтиролмай йиқилиб тушди. Уни яна отга миндириб, ўтқазининг иложи йўқ эди. «Мени жонимни ол, эзгу иш йўлида мени пичоқлаб ўлдириб, шу ерда қолдириб кет!» деди. Унинг бу сўзлари қозоқларда машҳур бўлган Суработир достонидан олинган. Отларни тушовлаб, ўлан-ўтларга қўйиб юбордим. Қалқамон балки, эртагача бир оз дармонга келар, деб умид қилдим. Бошини тиззамга қўйиб, уйқуга кетди, мен ҳам бир тошга бошимни қўйиб, уйқуга кетибман. Кунботардан майин салқин шабада эсарди, эрталаб соат олтида уйғондим. Қалқамоннинг аҳволи бир оз ўнганди. Биз тунаган тепадан анча узоқда чиқаётган қуёш шуълалари остида қозоқ ўтовлари кўзга чалиниб, тепасида нимадир ялтирарди. Қалқамоннинг кайфи кўтарилди. «Отга мина оласанми? Отни тошга яқинроқ олиб келай-да, отни устига ётқизай», дедим. «Қўлтиғимдан, оёғимдан от устига боғла», дегандан кейин боғладим. Тўғридаги узоқда кўринган қозоқ ўтовларига қараб жўнадик. Йўлдошимнинг от устида ўтиришга мадори йўқ, бир ерда ушлаб туролмадим, отнинг ёнига оғиб кетаверди. Бойлаганларимни ечдим, бир оз дам олдик. Мен ўтов ёнига бориб кўрай, балки у ерда йўловчи одам борди, деб жўнадим. Қалқамон ётиб қолди, отнинг тизгинини оёғига боғладим. Қозоқларнинг яйловига етиб боргандан кейин, «Касал ўртоғим бор, отидан йиқилиб қолди, олиб келолмадим, ёрдам беринглар», дедим. Шундан сўнг икки йигит билан ортга қайтдик. Қалқамонни отга миндириб, иккови икки томонидан суяб олиб келишди. Ўтов бошида ялтараб кўринган нарса мис қубба бўлиб чиқди, шу уйда қолдик. Қозоқлар, умуман, жуда меҳмондўст халқ. Вақт жуда эрта бўлишига қарамасдан (биз ярим соат айланиб келганимизча), биз учун мол сўйилиб, қозон осилибди. Ёш келинлар касал учун қайғуриб турибдилар. Жуда бой оила бўлмасалар ҳам, қимизлари бор экан. Касалга қимиз, гўшт пишгунча, ёғоч товоқда шўрва ичиришди. Шўрва ичishi билан касални кўзлари ёришди. Гўшт егандан кейин: «Оғриғим кетди, тузалдим», деди. Тарихчи Рашидиннинг «турклар касалликларини сафар машаққатлари орасида ўтказадилар, гўё бу машаққатлар уларга бир дору дармондир», деб айтган сўзларининг маъносини мен шунда англадим. Келган еримиз Қизилқумдаги «Туз кони» деган тузли кўлнинг кун чиқишидаги бир қозоқнинг уйи эди. Ойнинг ўн бирида Усмадан тоққа чиқиб, эртасига тоғдан тушишимиздан, учинчи кунни Сангзордан ўтиб, Қизилқумга келганимизча икки юз чақиримдан ортиқ йўлни босиб ўтдик. Бу йигит оғир ва машаққатли йўлда ўлмади, ниҳоят, Қашқирқўй, Тилак деган ерда касалидан тузалди. Тушдан сўнг йўлга чиқмоқчи эдик. Лекин бўлисинг мудир ўн икки солдат билан бир томонга келяпти, деган хабар келди. Бизга мезбонлар жилмайиб: «Қоронғи тушгандан кейин, темирқозқичқа қараб кетаверинглар. Эртага Мирзачўлни топасизлар, — дедилар... — Икки-уч соат ўтгач, бир қозоқнинг уйига учраб, ўша ерда дам оласизлар», деб тушунтирдилар. Гарчи биз уларга ким эканлигимизни айтмаган бўлсак ҳам, бизни қизил аскарларга қарши курашгандан кейин, Қизилқум қозоқлариникида бир оз ҳордиқ олган «икки мирзо», яъни миллат учун курашиб юрган зиёли, сиёсий кишилар, деб тушундилар. Улар бизнинг отларимизни ҳар томонлама кузатдилар, ҳатто думларини кўтариб кўрдилар, лекин исмишимизни суршитирмадилар. Қалқамон ҳайратомуз чидам кўрсатди. Одамлар ёрдами билан бўлса-да, отга минди. Қоронғи тушиш олдидан қозоқлар айтган ёлғиз ўтовни кўрдик, шу томонга юра бошладик. Иккала от ҳам йўрга эди. Салқин тушиши билан улар илдам йўрғалай бошладилар. Қалқамон ҳам хурсандлигидан тетикланди. Узоқдан кўринган ўтовга ҳадемай етиб келдик. Икки соат дам олдик. Жуда яхши кутиб олишди. Тузланиб, кунда қотирилган гўшт солишиб, шўрва қилдилар. Шўрвани ичдик. Олдинга, юлдузга қараб, йўлимизни сира ўзгартирмай, чўл ичига кириб кетдик. Бирор қуш ҳам, ҳайвон ҳам учрамайди. Ора-чира саксовул билан янтоқ ўтплари ҳаракатларимизга гувоҳ бўлиб қоладилар. Кечга яқин отларимиз чарчаб қолди. Лекин шунга қарамасдан охириги кучлари билан бўлса-да, олдинга интилдилар. Тонга яқин, 15 августда бир хон саройи қолдиқларига дуч келдик, отларга

суб бердик. Йўлда давом этиб, қуёш чиққан вақтда мирзачўл номли қишлоққа етиб келдик. Бозор кун экан. Қишлоқ четида, жуда яхши ёшдан қурилган бир уйнинг яқинидаги қозоқ ўтовига ёнига келдик. Боғчалари ҳам бор, қовун сўйдилар, чой ичдик... Уй эгасининг ўғли эса тамакини газетига ўраб, папирос қилиб чекаркан, биз ҳам буни роҳат қилиб чекдик, лекин, Қалқамон ўзини оғир сезди, шунга кўра тагин касал бўлиб қолмасин, деб анча кўрдим, ярим соатлардан кейин тузалди. Отларимизга ем бериб, бозорда одамлар йиғилгунча дам олдик. Бизни танийдиган бирорта одам учрамади. Тошкентга борадиган йўлимизни давом эттиришимиз учун келган уйимиз — қозоникига қайтиб келдик. Улар ош тайёрлаб қўйишган экан. Туш вақтида йўлга чиқдик. Темирйўл кўпригидан узоқ бўлмаган ерда от кечиб ўтадиган жой бор эди, шу ерга келдик. Йўловчи кўп бўлганлигидан кечиб ўтишга шошилмадик. Ҳеч ким, ҳеч нарса суриштирмади, пастликка тушиб, кечувдан ўтиб, Чиноз овулида таниш бир оиланинг уйига келдик. «Отларимизни дам олдиришга рухсат берсаларингиз, ўзимизга эса бир чойнак чойдан бошқа ҳеч нарса керак эмас», деб ўтиндик. У одамнинг боғида 15—16 соат чамаси ухлабмиз. Эрталаб уйғонганимизча ош пиширишибди. «Ўз отларингиз билан олдинга қараб йўлга чиқолмасаларингиз керак, улар узоқ йўл юриб, ҳориганлиги кўриниб турибди», дейишди. Бошқа отлар беришди. Отларимизни кейинроқ орқамиздан олиб бориб бермоқчи бўлишди. Бу отлар ҳам жуда зотдор отлар экан. Етмиш чақиримча келадиган орани яхши тезликда босиб ўтиб, пешин намоз вақтида Тошкентга кириб келдик. Бунда бизнинг учрашадиган еримиз — шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган Қозоғистон Педагогика институтига биноси. Бу бино подшо замонида бир гимназия бўлди, атрофи боғ. Отларимиз билан шу боққа кириб келдик, бизни муаллим Азимбек Беримжон кутиб олди. У билан бир неча йилдан сўнг Берлинда учрашганмиз... Отларимизни шаҳар четидаги бир боққа олиб кетдилар. Уша кун кечқурун, Туркистон жумҳурияти раиси, яъни, аввалги Қўқон Миллий ҳукумати раиси Мўхаммаджон ака Тинишбоевни кўрдик. Жуда чарчаганимизни, аиниқса, Тошкент билан Чиноз ўртасида неча кундан бери энтикиб, ҳолдан тойганлигимизни, ухламоқчи бўлганимизни, воқеаларни эртага тушунтиришимизни, келган хатларни ҳам кейинроқ ўқияжгимизни айтиб, Тошкент марказида, ҳукумат доиралари орасида ширин уйқуга кетдик. Бу сафар ҳам 15—16 соатча ухлаб қолибмиз. Самарқанднинг Усматидан Мочай тоғлари, Қизилқум йўли билан Тошкентга етиб келган одам бўлганлигини ҳеч бир тарих китобларида ўқиганим йўқ. Бу йўл бошимни совет жосусининг қўлидан қутқарди, ўша вақтлар ўзбек халқининг миллий озодлик фикрига қанчалик садоқатли бўлганлигимни ҳам кўрсатди.

ТОШКЕНТ КОНГРЕССИ

Туркистон масаласи халқаро масалалар орасида ўрин олиши керак

Тошкентдаги яширин ҳаёт. Эрталаб бир файтун олиб Иванов боғига келдик, мени бу ерда кутиб туришганди. Июль ва август ойларини Туркистон шаҳридаги дўстларимиз олдида ўтказган Нафиса ҳам дўстим Абдулқодир билан бирга бу ерга келди. Биз учун Тошкентда ва унинг яқин атрофидаги тўрт ерда яширин жой тайёрлашганди. Бири боғ ичида. Иккинчиси, Бешоғоч маҳалласидаги бир уй. Учинчиси, Келес деган ерда яшовчи қозоқлардан Абдурахмон мингбоши номли кишининг уйи. Тўртинчиси, овлоқдаги ўз уйимиз. Кундузлари Келесда бўлиб, йиғилишларни Бешоғочдаги ҳовлида ва ўша Иванов боғида ўтказмоққа келишдик. Менга келишим ҳамоно икки муҳим хабарни етказмоққа шай турган бўлсалар ҳам, ухлалмай чиқади, деб айтишмаган экан. Бу хабарларнинг бири бир-икки кун аввал Кўлоб тарафларда Анвар пошонинг рус солдатлари тарафидан ўлдирилиши, иккинчиси, ўша кунларда Самарқанд вилоятининг ташкилотчи раиси Қори Комилнинг ўлдирилиб, боши русларга олиб борилиши хабари эди. «Анвар пошонинг ўлдирилишига ишонасизми?» деб сўрадилар мендан. «Босмачиларнинг қалъа, қўрғонлари йўқ. Баъзан одам бир кун ичида бир неча бор ўлшат хавфи остида бўлади», дедим. Қори Комилни ўлдириган одам, бундан беш-олти кун бурун Усмат тоғларида бир-биримиздан ажрашгандан кейин бизга, отимни бераман деб қолган Мустах Қори эканлиги маълум бўлди. Қори Комил ўша кунги соқчилар олмасдан оиласи ёнига ёлғиз ўзи кетибди. Хиёнаткор Мустах унинг соқисини йўқлигидан фойдаланиб, намоз ўқиб турган ерида олисдан милтқ билан отиб ўлдириган-да, бошини кесиб, Жиззаҳга, ундан кейин, шу кунлар ичида Тошкентда тўпланадиган Коммунистлар партияси Конгрессида иштираётган этувчиларга кўрсатиш учун Тошкентга олиб келган. Йигитлар жуда ғазабланибди. Мустах қаерда бўлишидан қатъи назар уни қўлга тушириб ўлдириш керак, деган фикрга келибдилар. Бу хон одам узоқ яшай олмади. Большевикларнинг қўриқлашига қарамасдан уни йўқ қилдилар. Қори Комилнинг ўлими ниҳоятда аянчли бўлди. Самарқанд вилоятининг энг фидокор, зиёли ва самимий бир курашчиси эди. Оила билан узоқ вақтлар униқанда яшаган эдик. Туркистондаги маънавий ва маориф соҳасидаги курашда Мунаввар Қори Тошкентда қандай ўрин тутса, Самарқандда Қори Комил ҳам шундай ўрин эгаллади. Йилларга чиққан пайтлари Қори Комил шеърлар ёзиб, ёшларни ҳаяжонлантириб ўқирди.

Қозоғистоннинг Балхаш кўли атрофида яшовчи қабилалардан ўттиз-қирқ нафари Бешпақдала деган чўлда бўлган чоғларида шоир Диншен ҳаракати тўғрисида бизнинг аскарларга келиб қўшилишга буйруқ олганлар. Самарқандга, бизга ёки Анвар пошога қўшилиш учун от сотувчилар сифатида Тошкентга келганлар. Ҳаммаси ҳам олов юракли йигитлар, туриш-турмуши билан дала болалари. Кўпчилиги уйларида олма, нок, шафтоли ёки қовун деган нарсаларни татиб кўришмаган. Қалмақон билан бирга келган қозоқ йигитлари ҳам овлоқдаги бизнинг боғимизда эдилар. Шоир ва театр ходими Диншен ҳам келиб кетибди, бизга қўшилмоқчи бўлган бошқа ёшларни ҳам олиб келмоқчи экан. Анвар пошо ўлгандан кейин бу ёшлар нима қила оларди? Юртларига қайтиб боришга мажбур бўлдилар. Бу қозоқ йигитлари ҳам, Тошкентда йиғилган ўзбек ёшлари ҳам Анвар пошонинг ўлими ҳақидаги хабарга ишонмадилар. Инонишни хоҳламадилар. Ғарбда нашр этилган асарларда, большевиклар матбуотида, босмачилар ҳаракатига бағишланган тадқиқотларда июнь-август ойларида бутун Туркистон зиёлиларининг ўлгунча курашмоққа қарор қилганлари ҳа-

қида бирор сатр ёзилмаган, у вақтдаги руҳий кўтаринкиликдан беҳабарлар. Агар Анвар пошони қизил солдатнинг ўқи ўлдирмаганида, Совет Армияси Ғарбий фронтда омади юришиб, аскарларини Туркистонга ташламаганида, шу август ойининг охирида Тошкент билан Ашхабод орасида темирийўллар ҳар ердан бекилар эди. Хива, Бухоро ва Фарғонадаги Совет армиясида хизмат қилган кўпчилик мусулмонлар босмачилар томониغا ўтишга ҳозир эдилар. Шу боисдан Анвар пошо ҳаракатига панжа ортидан қараш жоиз эмас. Буркут Эшиқоға бошининг, Юсуф Охун ва Усмон Човушнинг Шарқий Қозоғистондаги Бўкан тоғигача бориб, қозоқлар билан учрашишлари, пошонинг ўзи томонидан, Самарқанддан эса бизнинг жамиятимиз номидан Хивага, Жунайдхонга юборган даъватномамиз ҳам таъсирсиз қолмади. Жамиятимиз бешинчи августда Самарқандда йиғилиб, 20 сентябрда Тошкентда яширин Туркистон Конгресси йўташишга қарор қилдилар. Жуда умидвор вақт эди. Конгрессда ташкилий ишлар ва миллий ҳаракатнинг режалари кўриб чиқиши керак эди. Ҳозир бўлса биз Самарқанд вилоятидаги босмачи тўдаларини руслар келтирган катта ҳарбий кучлар эзиб ташламасин, деб тарқатиб юбориб, Тошкентга келдик. Узун-қулоқ гапларга ҳамон ишонмаган бўлсак ҳам Анвар пошонинг шаҳид бўлганлигини билдик. Озодлик учун кураш тамомла энгилган тақдирда Конгрессда бундан сўнг нима ишлар қилишимиз ҳақида гаплашиб олишимиз зарур эди. Конгресс сентябрь ойининг ўн саккизи — йигирмаларида уч кун давом қилажак. Лекин, Туркистоннинг таниқли сиёсий арбоблари Алихон Бўқайхон, Турор Рисқулов, Аҳмад Бойтур-сун, Муҳаммадҷон Тинишбой, ўзбеклардан Мунаввар Қори, Бухородан Ҳакимзода, Мирза Абдулқодир Муҳиддин, туркманлардан адвокат Қақажон Бердиев ва бошқалар бу Конгрессга, узоқ вақт большевикларнинг таъкиби остида бўлганликлари туфайли кела олмаяжаклар. Кўп одамнинг бир ерга йиғилишига имкон бўлмаганлигидан, Конгрессга нари борса ўн-ўн беш киши йиғилажак. Уша вақтда конгрессга юқорида номлари тилга олинган ўртоқларнинг ўринларини босадиган обрўли кишиларнинг, энг фаол ёшларнинг кузатув остига олинмаганлиги маълум бўлгач, кекса ёшдаги зиёлиларнинг иштроқ этишларини ҳам таъминладик. Ҳукумат доираларида махфий полицияга хизмат қилган миллий жамият аъзолари конгресснинг тинчлигини сақлаш юзасидан тадбирлар кўрди... Совет органларига ўзим ва яқинларим, Тошкент ва унинг атрофида яшашим тўғрисида қизилларга ҳеч қандай хабар бориб етмаган экан.

Еттинчи Туркистон Миллий Конгресси. Конгресс 18 сентябрда очилди. Ун олтига аъзоси бўлганлиги эсимда қолган. Айниқса, қозоқ вакиллари эътиборли зиёлилардан иборат эди. Уч кеча уч ерда тўпландик. Уюшма дастлаб Бухорода номланган «Ўрта Осиё Мусулмон Миллий Халқ Жумҳуриятлари федерацияси» деган ном ўрнига «Туркистон Миллий Бирлиги» номини олди. Қозоғистонда «Алаш ўрда» номи ўрнига «Ғарбий Туркистон» номини қўллашга қарор қилинди. Давлат идораларини ташкил қилиш ва миллий маданиятни ўстиришда жойларнинг устунликка эга бўлиши даъволаридан воз кечилиб, ораларида тенглик ҳам қардошлик асосларини таъмин қилиб федерация мезонларини мустаҳкамлаш, Туркистон талабларини Россиянинг эски масаласи деб эмас, халқаро бир масала, деб кўрсатиш йўлига ўтиш, Туркистоннинг миллий талабларини чет эллардаги жамоатчиликка етказиш керак, деган қарорлар қабул этилди. Бу йиғилиш менга Туркистонда қолмасдан, Эрон, Афғонистон, Ҳинд йўли орқали Европага чиқиб, Мустафо Чўкай ўли билан биргаликда Туркистон Миллий Бирлигини чет элда тузишни вазифа қилиб қўйди. Менга бу ишнинг юкланганлиги тўғрисида Конгресс раиси имзо чеккан бир қоғоз ҳам берилди. Фақат бу қоғоз орамизда Ғарбий Европа тилларида ёзадиган киши бўлмаганлигидан, рус ва турк тилида бир товар парчасига ёзилди. Хотинимни ҳам чет элга бирга олиб кетдим. Уни темирийўл орқали Ашхабодга, таниш бир оиланинг уйига жўнатдим. Конгресснинг сўнгги кунинда Шарқий Бухородаги аҳволни билдирган бир хат ҳам келди. Хатда Анвар пошо ўлгандан кейин раҳбарлик юки Ҳожи Сомий билан доғистонлик Дониёлбек елкасига тушиши айtilган эди. Конгрессдан кейин мен Тошкентда ва унинг яқин атрофларида тагин бир ой турдим. Уша вақтда бир ёш йигит кўзойнақсиз ҳолдаги фотосуратимни олиб, Бошқирдистонга юборди. Минҳож чол ҳам бу суратнинг бир нусхасини ва қирғизларнинг бош муҳофиди Парпи бекка ёзган хатни олиб, Фарғонадаги Узган тоғларига жўнади. Бу хатда Парпи бекка Кошғар томонга кетишга маслаҳат бердим. Минҳож ака бу бекнинг расми ва саломларини олиб келгандан сўнг, Бошқирдистонга қайтиб кетди. Кейинроқ биз Парпи Ҳожи билан Туркияда учрашдик. У Хўтан, Тибет ва Ҳиндистон йўли билан келибди. Кечган умри ақлли бир қаҳрамон тўғрисида дoston бўларлик даражада мазмундор. Яна бир бошқирд билан қозоқ Фарғонанинг ғарбиди Ғарбий раҳбарларга бориб келдилар.

Тошкентдаги сўнгги кеч. 22 октябрда Тошкентдан Туркменистонга кетажакман. 21-кунни кечқурун ўртоқларим тўпланишни таклиф қилишди. Эронга чиқиб кетишдан аввал бир неча ой Туркистон Миллий Бирлигининг турли жойлардаги бўлимларининг ишлари билан шуғулланишимни зарур, деб ҳисобладилар. Ҳаммамиз ҳам бу йиғилишни жамиятимизнинг энг сўнгги умум йиғилиши эканини тушунардик. Ҳаммаси чин кўнгилдан гапирарди. Бошқа кўриша олмасмиз деб йиғлаганлар ҳам бўлди. Бу тўпланишда келажакимизга яхши умид, ниятлар, бир-биримизга нисбатан чин кўнгилдан қардошлик туйғулари ҳукмронлик қилди. Йиғилишдан кейин кечини қирғиз ва қозоқларнинг таниқли бир зиёлиснинг уйда ўтказиб, эрталаб йўлга чиқишим керак. Бу зот Петербургда ўқиди, хотини ҳам ўша ерда ўзи билан бирга ўқиган мусулмон қиз. Ҳали ҳам ҳаётлар, шунинг учун исмларини айтмайман. Петербургда эканида менинг яқин дўстларим бўлишди. Биз уйларига келганимизда хотини ҳали қайтмаган экан. Ош иситиб едик. Мен овул қозоғи кийимида эдим. Кўзойнагимни ҳам беркитишга қўлай бўлиши учун икки қўзликнинг ўзигина бўлиб, сафар вақтларида жуда керак бўлиб қолгандагина тақардим. Соқол-мўйловим қозоқларникига ўхшаш. Хўжа мени бир бурчақдаги ўриндиққа ўтказди. «Хоним сени танимас-ов, қозоқча гаплаш», деди. Бир оздан кейин хоним келди, эрига рус тилида овулдан ким келса ҳам тўрга ўтказасан, ҳатто оёқ кийимларингни ҳам кийдирасан», деб нолий бошлади. Мен бўлсам ҳеч бир нарсани тушунмаган, дунё аҳволдан беҳабар бир сахройига ўхшаб гаплашавердим. Бир оздан сўнг уй эгаси, хотинининг қаршилигига қарамасдан ичкари хонадаги диванда ётиб дам олишга ишора қилди. Уларни қўшни хонада ётишди. Шу икки хонани ажратиб турган деворнинг тела томони очик эди. Хоним русчалаб, битлиқи қозоқни уйга олиб келгани, устига-устак диванга ётқизгани... учун эрини койиб, ухлашга ҳам қўймай қийнади. Уй эгаси: «Молчи, молчи», дейишдан бошқа бир нима ҳам демади.

Эрталаб кетмоқчи бўлдим. Бир қоғоз парчасига русчалаб: «Хурматли хоним! Эрингизни мен учун зинҳор хафа қилманг. Петербургдаги ҳаётимизни эслаб, гаплашиб ўтиролмаганимизга ачинаман. Дунё аҳволи мени шунга мажбур қилди. Бу қоғозни йўқотинглар», деб ёзиб, конвертга солиб, стода қолдириб чиқиб кетдим. Бир йил чамаси вақт ўтгач, мен Ҳиндистон, Франция орқали Германияга келгандан сўнг Совет ҳукумати Германияга ўқишга юборган ёшлар орасида бу дўстимнинг бир қариндоши ҳам келди. Унинг гапига қараганда, хоним эрталабоқ хатимни ўқигач, ўқиниб йўллаган, эрига нега айтмадинг, уятга қолдирдинг, бир кун кўришиб қолгудек бўлсак, юзига қандай қарайман», деб аразлаганмиш.

Тошкент билан хайрлашув. Бешоғочдаги уйимизда мени Чиноз қишлоғига кузатиб бориши керак бўлган бир ўзбек йигити турарди. Тошкент, Самарқанд каби шаҳарларда пассажир поездига ўтириш кўрқинчли бўлганлигидан, бир-икки станция юк поездига ўтириб борсам, деб ўйлардим. Лекин Чиноз станцияси билан Мирзачўл орасида, поезд Сирдарёдан ўтиш олдидан бутун пассажирларнинг ҳужжатлари текширилишини эшитдим. Бу текшириш Сирдарё билан Чоржўй ўртасида ўтказилар экан. Шунинг учун Чинозгача от билан бориб дарёдан сузиб ўтгач, Мирзачўлда поездга ўтироқчи бўлдим.

Уша куни Нўғайқўрғонда касал ўртоғим Фариднинг аҳволини билиб, кечқурун Қовунчидаги Хўжа Мақбул ўғли Умарникига келиб ухладик. 24 октябрда Ховос станциясига келиб, кечаси поездга ўтирдик, чунки, поездда фақат кечалари юрардим. Самарқандга етмасдан бир станция бурун поезддан тушдим, у ерда от тайёр эди. Дўстим Шахвали билан Самарқандга келдик.

Самарқанд билан хайрлашув. Самарқандда тўрт кун турдим. Тошкентда хоржий мамлакатларга кетишим қатъийлашгандан кейин, хорижда ташкил қилинадиган нашрларга мақолалар тайёрлаш учун одамларнинг номини эсламай, маълумотлар йўға бошладим. Кечқурунлари дўстларимизнинг уйда йўғилишлар уюштириб, самимий суҳбатлар қурдик. Пойкабоқ дарвозаси (дахаси) яқинида яшовчи дўстимнинг уйдаги йўғилишда Тошкентда келишилган масалалар ва қарорлар тўғрисида яна бир бор гаплашиб олинди. Менинг чет мамлакатларга жунашим тўғрисидаги қарорни ўртоқларимиз бир-бирига темирйўл орқали аввал хабар қилиб қўйган эди.

Самарқандликлар, бугун ҳам аввалгидай, ҳақиқий мард инсонлар эканликларини кўрсатдилар. Рус аскарларининг бошлиғи генерал Каменев шу ерда бўлишига қарамасдан, йўғилишларимиз хавфу хатарсиз, бир-биримизга тўла ишонган ҳолда ўтди. Чунки, Самарқанд вилоятида ишончли одамларимиз бор эди. Пойкабоқ даҳаси яқинидаги боғда бўлган йўғилиш менда ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган дўстлик хотиралари қолдирди. Уларнинг ўзлари ҳам менинг қалбимда унутилмас хотиралар қолдиришга ҳаракат қилдилар. Қози Ҳайдар мен учун бир Самарқанд дўпписи ва ипак чопон тайёрлабди. Иккинчи бирови Самарқанднинг энг машҳур шароб тайёрловчисидан бир неча шиша шароб олиб келибди. Уларни ўртамизда алоқа ўрнатувчи бошқирд йигити Шахвалидан Туркменистонга бериб юбордим. Энг яқин дўстим бўлган эшон Мурад Хўжа бошқа дўстлари билан бирга чин кўнгилдан бир даста гул соғға қилди. Унда «йигитлик ва бахтлиқ гулдастаси» деган сўзлар ёзиб қўйилган эди. Орада стол йўқ, гилам устида ўтирибмиз. Дўстларнинг бири ўтирган ерида ёзувни бир қайта ўқиб чиқди, уни кейинчалик Бухородаги Афғон элчиси ёрдами билан Кобулга Ҳошим Шойиққа жўнатдилар. У ёзувнинг айрим жойларини эслаб ўтмоқчиман: «Бу гулдасталарни самимий қабул этинг, уни қандай тўтсангиз ҳам сўлир, лекин, у сенинг қалбингда сўлимай яшасин ва бизнинг сенга нисбатан чексиз эҳтиромимизни ҳаммиша эслатиб турсин. Гулдаста тепасига «Йигитлик ва бахтлиқ гулдастаси», деб ёздик. Бу сизнинг ўз сўзларингиз. Туркистоннинг ҳар вилоятида кураш байроғи кўтарилди. Лекин, сиз яширин миллий курашга чақирган жамиятнинг ташкилотчилиқ маркази қилиб нега бизнинг шаҳарни ва вилоятимизни танладингиз? Бунинг сабабини ўтган йилги кўрбон байрами кечасида Обираҳматдаги йўғинда тушунтирдингиз ва бизни ўзингизга асир қиларлик даражадаги сўзлар сўзладингиз: «Қадимги араб олими самарқандликлар ҳақида, Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятларидаги халқлардан фарқли равишда, «йигитлик ва бахт эгаси бўлган инсонлар» деган. Қараб кўрайлик, ҳақиқатан тўғримикин? Ҳақиқатан ҳам Самарқанд вилояти халқи сизнинг кўнглингизни қолдирадиган даражада бирор иш қилмади. Сиз бу ерга 1921 йилнинг 9 августида, чоршанба куни келган эдингиз, тўрт кундан кейин кўрбон байрами кунларида муҳим қарорлар қабул қилиб, бир ойдан сўнг VI Кенгрессга тўпланиб, Туркистоннинг Миллий байроғи ва жамият уставини қабул қилдик. Ҳаммамизга вазифалар топширдингиз ва Самарқандга келган кўнглингиздан бошлаб бугунги (23 октябрь) кунга қадар давом этган 14 ою 15 кун ичида биз сизни Туркистон Миллий Бирлиги жамиятининг раҳбари сифатида амр берувчи одам, деб билдик ва буйруқларингизни бажаришга кучимизни сарф этдик. Сиз келиб, жамият ташкил бўлгунгача, бу вилоятда бирлашган мужоҳид тўдаларигина эмас, бир-бири билан тўқнашиб, изгишиб юрган, нима бўлса ҳам миллий идеал (мақсад)дан маҳрум бўлиб, муллалар таъсирида қолган бир қисм босмачи тўдалари бор эди. Жамият уларга бутун Туркистон учун намуна бўладиган даражадаги ички тартиб ва уюшқоқлиқни вужудга келтирди. «Йигитлик билан бахт эгаси бўлиш» бизга қадимдан хосдир, ҳозир биз бу сифатларни сизда ҳам кўрдик. Сиз Ургуут тоғларида, Ҳожӣ Абдулқодир олдида бўлган вақтда, Бухорога келган Анвар пошо сизни ўз ҳузурига чақирши биланоқ отда икки кунда Бухорога бориб, пошо билан Туркистон озодлиги учун курашга Туркия буюкларининг иштироки масаласини ҳал қилдингиз. Ғузордаги Жаббор хўжа, Каттақўрғондаги Қорақул, Уратепадаги Холбўта хўжа, Бухородаги Қаҳҳор мулла — сиз уларнинг ҳаммасини ҳам от устида юриб кўрдингиз, ҳатто Баттол Ғози каби душман сафлари оша ўтиб, ҳаммамизни бир марказга, жамиятга бўйсунми мезонларини қабул қилдирдингиз. Қаҳҳор мулла одамлари сизнинг Бошқирдистондан эргаштириб олиб келган дўстларингизни хоннона ўлдирди. Сиз шунга ҳам қарамасдан, Нуротда уларнинг олдига бориб, соғ қолган дўстларингизни кўзқардингиз ва ақлли муомалангиз билан босмачиларни ҳам жамиятга тарафдор қилдингиз. Бўлмасам, уларнинг жамиятдан ажралиб, бошқатдан амир томонига ўтиб, сизни ҳам ўлдиришлари жуда эҳтимол бўлган бир ҳол эди. Сиз Самарқандга келгандан сўнг бир ҳафтадаёқ шаҳарнинг қоқ ўртасидаги Улуғбек мадрасасининг бир хонасини ўзингиз учун «учрашув жойи» қилиб белгиладингиз, бу эса, ўзи бир «йигитлик», лекин Гўри Амирга бормадингиз, чунки, у ерда мунтазам ва узоқ давом этадиган кузатув бўлишини билдингиз, бу ҳам бўлса бир «бахтлиқ» эди. Муҳиддин маҳсумга ёрдам қилиш учун баъзи ўртоқларимиз сиздан Тош-

кент, Фаргона тарафларида хизмат қилган бошқирд ва қозоқ солдатларининг босмачиларга қўшилишини уюштирингиз, деб талаб қилдилар. Улар бугунги кунга келиб уялиб қолдилар, чунки, ҳозир бу махсум русларга қўшилди. Босмачилар томонига ўтсалар, бугунги кунда солдатларингиз қандай оғир аҳволда қолган бўларди. Сиз бунга ҳам хафа бўлмадингиз, биз билан раҳбарликни давом эттирдигиз. Биз буни ҳам бир «бахтлилик» деб атаймиз. Анвар пошо ҳалокатга учради. Шу туйғайли миллатимизнинг кўнгли чўкмаслиги учун сиз тўри йўллар топарсиз ва озодлик учун хорижий мамлакатлар ва миллатлар ёрдамига эга бўлурсиз...»

Мен бунга жавобан: «Келажакда ҳам бу ишга содиқлигимни исбот қилишга имкон бўлса, ўзимни бахтли деб ҳисоблардим», дедим.

Ҳақиқатан ҳам, мен бу жанглар орқасида Самарқанд шаҳри ва вилояти халқи билан яқиндан танишдим, уларга жуда ачиндим. Эшон Муродхўжа каби дўстларни унутиб бўладими ахир? Қози Ҳайдар: «Биздан Бурҳониддин Сағирчи номли одам чиқди. Бағдод, Ҳиндистон, кейинроқ Хитой мамлакатларида миллат манфаати билан шуғулланди, иншооллоҳ сиз ҳам шулар каби бўларсиз, сизга омадлар тилаймиз. Сағирчи вафотидан сўнг бизга ишониб, халқимизнинг бир азиги айландингиз. Сизнинг яқин замонда қайтиб келишингиз учун доимо дуо қилажакмиз», деди.

Сасанбой. Самарқандда яширин ҳолда қолган кунларда мазкур шаҳар қабристонларида ётган шаҳидларнинг қабрларига бордим. Дўстим Харис Сасанбойнинг қабри Хизир мачити ёнида эди. У жанг майдонида эмас, безақ касалидан ўлган.

Мен жудо бўлган Иброҳим Қасқинбой, Олимжон Таған ва Харис Сасанбой сингари содиқ дўстларимнинг қабрларига бориб видолашувни умрим давомида ўзимнинг муқаддас бир бурчим, деб ҳисобладим. Қишлоққа келганимда ёшлик вақтларидаёқ вафот этган, яхши кўрган қайндошим Ғайнулҳаётнинг қабрига, 1919 йилнинг қишидаёқ Шарқий Уралдаги оғир жанглар пайтида Қасқинбойнинг қор кўмиб кетган қабрига, 1954 йилнинг қишида Гамбургда Тағаннинг қабрига бориб, билган оятларини руҳларига бахшида қилиб ўқидим. Ҳозир ҳам Хариснинг қабри ёнида шунга ўхшаш бурчимни бажардим. Уларни қиёмат қойим қуни яна бир бор кўришни умид қиламан... Харис бу дунёдаги ҳаётни чиндан ҳам ўткинчи бир аҳвол, деб ҳис қилди. 1922 йилнинг 6 майида бошини тиззаларимга қўйиб йиғлади ва Нафиса билан икковимизга: «Улсам, қиёматда кўришамиз, шундай бўлса ҳам мени доимо эсланглар, вақти-вақти билан дуо ўқиб руҳимни шод қилинглар», деди ва қўлимда жон берди. Бухорода терлама билан орган ўғлим Ирисмуҳаммад ҳам кучоғимда жон берган эди. Ниҳоятда яхши кўрган дўстларимизнинг қабри олдида тиз чўкиб оят ўқишдан, ўртамиздаги шахсий боғлиқликнинг давомийлигига ишонмоқдан ҳам ширин нарса борми? Харис менга алоқадор бўлган барча ишлар билан шуғулланди, отларимни боқди, қўлимга тушган барча пул муаммолари билан ҳам у машғул бўлди. Яширин қурол сақлайдиган жойимиз ҳам, Харгўшдан Бухорога олиб келган икки ўртоғим ҳам Харис ихтиёрида бўлди. Бир марта Бошқирдистонга, икки марта Хивага, кўп мартабала Бухорога бориб, оғзаки айтиладиган хабарларимни етказди. Миллатимизнинг озодликка эришган кунларини кўришдан, ёки бўлмаса, шу йўлда шаҳид бўлишдан бошқа муроди йўқ эди. Русчани яхши биларди, Бухоро ва Самарқандда форсча ўрганди. Мен хорижий мамлакатларга чиқиб кетмоқчи бўлсам, бирга кетмоқча шайланди. Жуда ақлли, ориятли, жасур, олдидан кўра билатуриб иш олиб боровчилигидан, уни давлатни бошқариш ишларида фойдаси тегади, деб ўйлаб юргандим. Бўш вақтларида Мирхонд тарихларини ўқирди. Хотинимга нисбатан ҳам ниҳоятда эҳтиромли эди, мен билан баъзан баҳслашарди. Кейинчалик эса бунга ўзи кўп ачинарди ҳам. Салжуқий бекларини Чингизхон билан тўқнашувни, келиб чиқишлари ҳақида ривоятларни тарихдан ўқигач, ўзининг ҳам бошқирдларнинг ҳалёт уруғидан бўлганлигидан: «Балки бу ўжарлик бизнинг қонимизда бордир», деб ҳам қўярди. Бошқа икки дўстимга Бошқирдистонга қайтишга рухсат бердим. Харис эса мендан ажралиб, қаердадир, қандайдир бир вазифани бажаришни хоҳламади. Бугун Туркияда олдимда бўлса, ҳеч шубҳасиз, илмий соҳада муваффақият билан иш олиб борар эди. Саркарда ва шоир Бобур каби шахсларни улўф деб билди. Олтойларнинг аллетратив шеър тузиш йўлларини тушунтирган эдим. Темурнинг «Кўкғумбаз» деб аталган қабрини кўргандан кейин, кечирган туйғуларини ифодаловчи бир гўзал асар яратди, айрим сатрлари ҳали ҳам эсимда қолган:

Кўкғумбазинг гумбурлатиб,
Хуркитма бизни, Бек Темур,
Қорақош тошинг тебратиб,
Кўрқитма бизни, Бек Темур.

«Қорақош» Хўтан вилоятидан олиб келинган қаттиқ нефрит. Буларни Бартольд китобидан ўқиди. Қозоқ ва нўғай дўстларига ошиқ бўлди, шуларга эргашиб кўп гўзал асарлар ёзди. Оллоҳ таоло умр берганда, қандай яхши бўлар эди.

Самарқандда кечирган бу тўрт кун мени мазкур шаҳарга ва у ердаги дўстларимга яна ҳам яқинлаштирди.

Яна бир бор Туркменистонда. Дўстим Шахвали Ашхободга жўнади. Мен Самарқандда поездга ўтириш хавфи бўлганлигидан Утарчи станциясигача от билан бориб, сўнг юк поездига чиқиб, Амударёгача келдим. У ерда Фароб Дўрт Кўн станциясида поезддан тушиб, таниш туркманлар уйда уч кун дам олдим. Икки йил аввал шоир Сайитғарай Мағаз билан бирга бу ерда меҳмон бўлган эдик. Улар мени кемага ўтқазиб Чоржўй томонга олиб чиқдилар. Ундан юк поездидан Марвга келдим. Бу ерда эски дўстим Берди ўғли Қақажонникида бир неча кун туриб, 18 ноябрда отда Ашхободга келдим. Шахвали мен келганча уй топиди. Самарқанддаги дўстларим билан бўлган сўзлашувлардан ҳам жуда қониқди. Сўйлашилган гапларни, одамларнинг номини эсламасдан ёзиб борди. У ҳам бошқирд аскарий қисмларининг босмачиларга келиб қўшилишига шошилмаганини маъқул, деб ҳисоблади. 1 декабрда хотиним Нафиса ҳам бир қозоқ йигити ҳамроҳлигида Туркменистонга келди. Нафиса Шахвали билан поездда, мен эса отда Янги Марв яқинида яшайдиган туркман дўстимиз Қози Маҳмуднинг қишлоғига келдик. Ашхободда яшадик, шаҳарнинг чекка маҳалласида келган-кетган одамлар билан кўришишга жой сақладик. Янги Марва ҳам шундай қилдик. Вақти-вақти билан жойини алмаштириб, бу икки шаҳарда яшадик. Дўстим Фатхил-

қодир ҳам 8 декабрда Ашхабодга келди. У Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Европа ва Туркия бўйлаб мен билан бирга саёҳат қилмоқчи. Шахвалини Самарқандга юбордик. Бир неча кундан сўнг ўқиш-ёзишни биладиган икки ўзбек йигити билан бирга Янги Марвга қайтиб келди. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро билан алоқамизни таъмин қилдилар, айрим вақт Оренбургга ҳам бориб келдилар. Шундай қилиб, Эронга ўтиб кетгунча бу ерда тўрт ой бўлдик. Жамиятнинг туркман ташиклоти бизни отлар билан таъмин қилди. Хоҳлаган еримизга бориб, меҳмон ҳам бўлиб келдик. Шу вақтда Маҳмуд Кошғарийнинг асари билан машғул бўлдим ва Туркистоннинг сўнгги давридаги тарихини ёза бошладим¹. ГПУ доираларида ишлаган дўстларимиз ёрдамиде «Валидий ҳали ҳам Самарқанд тарафда бўлиб, Анвар пошонинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитгач, Шарқий Бухорога кетишга ҳозирланмоқда», деган хабар тарқатдик. Тошкентда бўлганидек, Ашхабодда ҳам тинч яшадик. Русларга ҳеч қандай маълумот етиб бормади. Уша вақтда бизни туркманлардан жуда оз одам танирди. Анвар пошо ҳалок бўлгандан кейин, унинг ўрнига раҳбарлик қилган Ҳожи Сомиё билан Дониёлбеклар Туркистон Миллий Бирлиги Жамияти марказига пошонинг ҳалокати тўғрисида тафсиллий рапорт ёзиб, одамлар юборди. Ярим ой чамаси вақт ўтгандан сўнг, Анвар пошонинг ўлими тўғрисида олган биринчи рапорт ўша эди.

Анвар пошонинг ўлими. Пошо ҳалок бўлганде ҳамроҳларидан бир гуруҳи 17 августда босмачи Фузайл махсум ёнида тўлпаниб, менга Тошкентга одам ва хат йўллаб, ҳаракатнинг бошида туринг, деб мурожаат қилган эди. Лекин хатда пошонинг ҳалокати ҳақида етарли маълумот йўқ эди. Ҳожи Сомиё ҳам ўша вақтда Афғонистонда бўлган. Ниҳоят у келиб, мазкур тафсиллий рапортни ёзган. Унинг ёзганлари, чуқур, самимий ҳислар билан суғорилган бир шеър каби ўқилади. Уша вақтда Анвар пошо ёнида бўлган солиқ бошқирд ҳукумати ходимлари Мустафо Шаҳқули билан Ҳибатулла Янбухтиндан ҳам хатлар келди. Энг батафсил маълумотни Мустафо Шаҳқули олиб келди. Пошо қурбон байрами куни, 4 август (жума) куни, Балжувондан етти-саккиз чақирим узоқликдаги Чекен қишлоғида руслар билан бўлган жангда вафот этган. Русларнинг ўзлари ҳам бу воқеа тўғрисида батафсил ва аниқ маълумотга эга эмасликлари маълум бўлди. Улар ўртасидан «Анвар пошони мен ўлдиридим», деган бир неча одам чиқди. Бу ҳақда ФК офицери Оғабеков босиб чиқарган мақола ҳам бор. Буни жанг пайтида Россияга асир тушган Густав Крист деган австриялик киши «Жиловланган жой орқали» асарида, «Оғабековдан ўзим эшитдим», деб худди ҳақиқатдай ёзган. Кейинроқ бу ҳақда югослав Маҳмуд Муфтич ҳам К. Говард Эллис «Ислому бўйича кузатишлар» («Исламское обозрение») журналининг 1962 йил март ва декабрь сонларида сўз юритадилар. Буларнинг ҳаммаси уйдирма. Пошо рус солдатларининг ўқидан ўлди, ammo унинг ҳаётини кимнинг ўқи кесганлиги маълум эмас. Марҳум Анвар пошони камситмоқчи бўлганлар унинг Чекендаги ҳалокати тўғрисида анча бемаъни сўзлар ёзишган ва ёзишда давом этмоқдалар. Бу билан улар туркистонликларни ҳам камситмоқ истайдилар. Гўё бундан пошо ҳарбий тактикачи билмаган бир доводир, туркистонликлар эса сира ҳам ишониб бўлмайдиган бир куч эмиш. Ҳақиқатан ҳам, бу — партизанлар уруши. Юқорида айтиб ўтганимдек, пошонинг ҳам, бошқамизнинг ҳам жонимиз ҳамиша таҳлика остида кечди. Кейинроқ Мунажжим Бошининг тарих китобидан Анвар пошонинг Чекендаги ўлимига ўхшаган бир воқеа тўғрисида ўқидим. 1210 йилда Салжук султони Қиличчанднинг ўғли Фиёсиддин Кайхусравнинг салбчилар билан бўлган жангда ҳалок бўлиши ҳам Анвар пошо билан рўй берган воқеага ўхшайди. Фиёсиддин Кайхусрав енгилган кофир аскарларини қувиб, душманнинг қурол ва ўқ-яроғларини қўлга олишга ёлғиз уринаётган бир пайтда, уни сира кўрмаган бир қизил саллал киши ўлдириб, устидаги кийимларини ечиб олиб, яланғоч ташлаб кетган. Анвар пошо менга: «Марғум Талъат пошо сингари, Берлин кўчаларида бир армани ўқидан ўлишни истамайман, жонимни турк миллати озодлиги учун фидо қилишни хоҳлайман. Ҳозир бўлмасак, шахид бўлармиз», деган эди. У, шак-шубҳасиз, бир идеалист ва унинг Туркистон озодлиги учун жонини беришга тайёрлик туйғуси, албатта, самимий эди. Орзусига эришди ва номи Туркистон тарихида абадий қолди. Агар дунё ғолиб келишни олдинданок каромат қиладиган кишилардан иборат бўлганида эди, бу жангчиларга сира ҳам қарши турмасди. Мағлуб бўлишни аввалдан билгач, курашишдан фойда борми? Марҳум Жамол пошонинг нияти бошқача эди. Кобулдан юборган хатларида босмачиларни Советлар билан тил топишга ундаб, уларни Афғонистонга жалб қилиб, инглизларни Ҳиндистондан ҳайдаб чиқаришда босмачиларни жалб этишга ҳаракат қилди. Жамол пошо 1921 йили Бухорога келган вақтида кўп босмачилар уни бир ҳаёлпараст, авантюрист деб тасаввур қилардилар. Жамол пошонинг ҳам бир идеалист бўлганлигига ҳеч шубҳа йўқ. Лекин Анвар пошо жуда очикқўнгил идеалист эди. Унинг Бухорода бўлган вақтда менга: «Ютуққа эришиш, учун ҳеч бўлмаганда, танани шу ерда қолдириб бўлса ҳам туркларнинг келажига хизмат қиларман», деган сўзлари чин кўнгилдан айтилган сўзлар эди. У нима иш қилганини яхши билди. Афғонистонга кетишини бир авантюра деб ҳисоблади. Бу йўлга кирмаслигини қатъий равишда баён қилди. Пошонинг ҳалокатга учраши вақтида бошида бўлган бир неча ўртоқлари кейинчалик Туркияга келди. Улардан, айниқса, Мустафо Шаҳқули билан Мирзо Нафис туркманнинг айтганлари шундай: «Пошо топшириғига кўра Кўрғонтепани идора қилган туркман Абдурахмонга қурбон байрамидан бир неча кун аввал: «Руслар Амударё бўйида Кўлобга кўп аскар юбориб, Афғонистон йўлини кеса бошладилар», деб хабар қилишган. Афғон хони Омонулла пошони сақлаш учун Афдалитдин номли бир офицер бошчилигида уч юзга яқин аскар юборган. Улар Бойсун сафариде ҳам бирга бўлганлар. Пошо чекиниб Балжувон билан Кўлоб орасидаги Геврекли деган жойга келгач, Омонуллахондан бир хат келган. Бу хатда у пошони яна бир бор Афғонистонга келишга даъват этган: «Сенга миллатимизнинг бағри, юртимизнинг дарвозаси очик», деб ёзган. Гевреклидаги аскарлий қисмининг раҳбари Дониёлбек эди. Бундай вақтда пошо афғон аскарли қисмининг раҳбари Афдалитдин хонни чақириб: «Сизнинг бу ердаги вазифангиз тугади, юртингизга қайтинг», деб бу юрган ва Оммонуллахонга хат ёзган: «Мен қатъий равишда бу ерда қоламан. Улсам, дўстларимнинг юртида устимга тортиладиган тупроқ топилажак. Бу ердан кетиш катта хато булар. Аскарларнингизга қайтишга рухсат бердим». Пошони лақайлар қўлга олган вақтда ҳам Омо-

¹ 3. Валиди ўзининг «Бугунги турк эли (Туркистон) ва унинг яқин тарихи» номли китобини кўзда тутмоқда. Миср ва Туркияда босилиб чиққан.

нуллахон Хонободдан ўзининг Нурулло номли бир аскарини жўнатиб, уни Афғонистонга қақирган, пошо ўшанда ҳам бот тортган экан. Пошо Чекенда қизилларга қарши қаҳрамонона жанг қилди. Қочиб кетаётган руснинг ўқидан ўлди. Аскарлар тарқалди, аммо Дониёл ва Фаруҳ беклар бутун кулларини янгидан тўплаб, ғанимларни ўраб олиб, Чекенгача келиб етган батальонни деярли йўқ қилиб ташладилар. Мустафо Шаҳқули фикрича, қарши томондагилар пошонни кимнинг ўқи ўлдирганлигини ҳам, ўлган кишининг ким эканлигини ҳам билмаганлар. Уша вақтда пошо ёнида бўлиб, ҳозир Туркияда яшаётган Мирза Муҳитдин билан Мирза Нафис туркманнинг айтишича, ўлган ўликнинг пошо бўлишини билмаган тожиклар унинг кийимларини ечиб, салласидан кафан тикиб, дафн қилганлар. Пошоннинг кийимлари билан баъзи бир қоғозлари бир оздан кейин тожиклар орқали рус айғоқчилари қўлига тушган бўлса керак. Ашхабодга Ҳожи Сомийнинг хати билан бирга олиб келинган хатларда турк офицерлари ва босмачи бошиқларидан Исмоил Ҳаққи, Нафисбек, Халилбек, Ҳасанбек ва бошқаларнинг имзолари бор эди. Ҳибатуллонинг хатида 11 августдаги Усмаат жангидан сўнг Мочай йўли орқали Балжувонгача бўлган жанглarning тўлиқ рапорти келтирилган. Унда Мочайга жўнашдан олдин кетган жанглarning бирода Абхаз Ишмузининг қамалда қолиб, асир тушиши, бошқа йўқотишлар бўлмаганлиги тўғрисида ҳам хабар қилинган. Ҳибатулла Абхазининг ҳалокати ҳақида жуда тўлиқ маълумот берган. Шунинг учун бу дўстимни ҳеч вақт бегонадай кўрмадим. Абхаз эски қадрдоним, миллий ҳаракатнинг бошидан охиригача мен билан бирга бўлди. Рус хотинга уланган эди, оилавий муносабатлари нотинч кечди, мен унга: «Бу аҳвол сени бирор бахтсизликка дучор қилмасин, ажралишгин», деб турардим.

Марвдан келган меҳмонларимиз. Бу хатлар келган вақтда дўстларим Абдулқодир билан Шахвали Тошкентга кетган, уйда хотиним билан икковимиз қолган эдик. Хивалик Отабой билан Қурбон, туркманлардан Қози Маҳмуд номли дўстларимиз Марвдан келиб қолдилар. Бизни хотиржам қилишга уриндилар. Қози Маҳмуд бизни уйига меҳмонга қақирди. Нафиса боришни истамди. Қози бир ўзимни қишлоғига олиб кетди. Хотини тайёрлаган ноёб шаробни роҳат қилиб ичдик. Туркманлардан бир чоғучи ҳам бўлди, гўзал куялар чалиб, кўнгилини завққа тўлдирди. Жалолиддин Румийнинг ижодини яхши билган Қози Маҳмуд унинг шеърларини ўқиди. Мен уларни таржима қилдим. Бу эса Қозини жуда завқлантирди:

*Жаҳонни сотиб олганинг,
Савдосига арзимас.
Оламини тасхир қилганинг,
Фаввосига арзимас.*

Бу уларга шу даражада ёқдики, қалбимда шоирликдан ҳеч бир асар бўлмаса-да, ўзимни ўша кунни шоирдай ҳис қилдим. Ярим кечада қози мени Қурбон билан бирга Ашхабоддаги уйимизга (табризлик Ҳусайн Қосим ўғлининг уйи) олиб келди. Йўл-йўлакай от устида ўйнаб-ўйнаб туркман қўшиқларини куйлади. Қози Маҳмуд тарих билан ҳам машғул бўлган, қизиқувчан бир одам эди. Марв атрофида ҳам ери бор эди. 1920 йили Туркманистонда биринчи бор яширинганимда мени шу ерга олиб келиб, Темурий амир Ҳусайннинг 1362 йилда Ойрат амирлари билан баҳслашган жойини кўрсатган эди. Йўлда бир қишлоққа дуч келдик. Бу эса Жунайдохон аскарлари тўхтайдиган жой экан. Улар олдида бир неча соат хушвақт дам олдик. Улуғвор кўренишидаги униформа (расмий кийим) кийиб олганлар. Кейинчалик Ашхабоддан расмчи олиб келиб, уларнинг суратларини ишлатдик, ўзимиз ҳам суратга тушдик.

Рудзутакка ёзган хатим. Ойнинг йигирмаларида, Тошкентдан, дўстим Турор Рисқуловдан бир хат олиб келдилар. Валидов Партия Марказий Комитети томонидан авф этилди, хоҳласа, дарҳол Рудзутак билан учрашсин, дебди. Лекин у мени Рудзутакнинг «кейинги йиллардаги ишчанлигидан сўнг қайси томонга кетгани номаълум ўртоқ Валидов», дейишини кўз олдинга келтирган, деб огоҳ ҳам қилган эди. Рудзутак менга ёзган шахсий хатида: «Орқага қайтишни истамасангиз, ўзингиз хоҳлаган чет мамлакатга кетишингизни таъмин қилишни ўз зиммага оламан», деган эди. Бу вақтда бутун Туркистонни қўлида ушлаб турган Рудзутакнинг маънодор таклифига шундай жавоб бердим: «Х партия конгрессида профсоюзлар масаласи тўғрисида гаплашган вақтимизда сиз ва ўртоқ Томскийга: Совет давлатида партия аъзоси бўлмай, профсоюзга ёзилган иштининг ихтиёри ва ишдаги мустақиллиги таъминланиб, улар билан армиядаги солдатга ўхшаб муомила қилинмаса яхши бўлади, буни мен чин кўнгилдан айтаётирман, деб ўз фикримни билдирганимда, сиз қўлимни икки қўллаб қисган эдингиз. Лекин, бугунги кунда нима келиб чиқди? Шу конгрессдан уч ой ўтиб, Коминтерннинг II конгресси учун тайёрланган Миллий мустамлакалар масаласи тўғрисида» номли 12 банддан иборат тезисларни Ленин «фикрларингизни билдиришингиз учун», деб менга берган эди. Бу конгрессда Ленин бутун дунё миқёсида, инқилобий ғалабадан сўнг метрополия (мустамлакаларига эга бўлган капиталистик давлат) пролетариати билан мустамлака пролетариати етакчилиги қилиши керак, деган тезисни қабул қилдирди. Менинг бу фикрга қарши туршим «фикримни ўрганиб қўйиш» учунгина хизмат қилди. Ленин Троцкий билан Бухариннинг «фаоллик фронтида фикр ва ихтиёрли мустақиллик бўлиши керак», деган фикрларини ёқловчи киши бўлиб кўринса-да, у шу фикрлардан келиб чиқиб иш олиб борган кишилар ихтиёрини чеклаш ҳамда инкор қилиш йўлига ўтди. Бу аҳволда Сталингагина эмас, Лениннинг ўзига ҳам ҳеч ишониб бўлмайди ва Россияда социализм қуриш рус империализмига ялтоқланиш йўлига кириш эканлигини Троцкий ҳам, бошқаларимиз ҳам ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳозир мен кимга ишониб орқага қайтаман? Сизга ишонсам, ўз аҳволингиз аъло бўлишига шубҳангиз йўқми? Ижтимоий масалалар соҳасида фикрларимизда фарқ бўлмаслигини, фақат инқилобчилар орасида бир-бирига ишонч ва самимийлик бўлиши керак, деб ҳисоблашимни яхши биласиз. Сиз каби самимий инсонлардан бошқа кимга ишонши мумкин? Мен мусулмонлар орасида машҳур бўлган «бир марта илон чаққан арқондан кўрқади», деган иборанинг тўғрилигига ишонаман. Расмий вазифа бажармай яшаган шароитда ҳам озод ва эркин нафас олиб яшаш орзуимга содиқ қоламан. Сизга, Томский, Фрунзе ва Риков каби мени дўст ҳисоблаган ва менга ишонган ўртоқларга соғлиқ тилайман».

Ленинга ёзган хат. 20 февралда Ленин номига юборилган хат шундай эди: «Кўп ҳурматли Владимир Ильич! Қасаллигингиз сабабли бу хат сизга ўқитилмас ҳам, эшиттирилмас ҳам, лекин мен

унинг нусхаларини бошқа дўстларимга ҳам юбораман, у келажак учун бир тарих намунаси бўлиб қолажак. Уртоқ Сталин уртоқ Рудзутак ёрдамида, мени партияга қайтаришга уринмоқда. 1920 йилда Марказий Комитетга Бокудан ёзган хатимда Москвага қарши қаратилган фаолиятимни, босмачилар ҳаракатига қўшилишимни очиб билдирганман, лекин улар билмасликка олишяпти. 1919 йилнинг мартда сизнинг, Сталиннинг, менинг ва дўстларимизнинг имзолари билан нашр қилинган Келишув ўн тўрт ойдан сўнг — 1920 йилнинг 19 майида сизнинг ва Сталиннинг имзолари қўйилган буйруқ билан йўққа чиқарилганидан кейин ким сизга ишониб орқага қайтади? Бу бир томонлама фармонингизга қарши мен норозилик билдирганман. 1919 йилнинг 20 мартида қабул қилинган ахдномени бир парча қозоқ, деб баҳо бердингиз. Ҳолбуки, бу Келишувда Бошқирдистоннинг алоҳида армияси бўлажаги, Совет Марказий қўмондонлигига тўғридан-тўғри буйсунажаги эълон қилинган эди. Ҳозир, 1920 йилнинг 19 майидаги фармонингиз билан бошқирд аскарини бу ҳуқуқдан маҳрум қилиб, Олд Волга округига бўйсундириб, айрим қисмларга парчалаб, унинг қарамлигига қолдирдингиз. Бугунги кунда бошқирд аскарни амалда йўқ. Шунга ўхшаш бир фармондаги «Уфа вилояти Бошқирдистонга қўшилади», деган ёлғон сўзларингиз амалда Бошқирдистонни Уфа вилоятига қўшиб деган маънони билдирарди. Совет ҳукумати 1917 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Россия мусулмонларига» номили декретдаги Россиядан ажралиб чиқиш ҳуқуқи (до отделеция от России) 1920 йилнинг 19 майида чиқарилган фармонингизда илдизи билан йўқ қилинди. Бундан сўнг, гарчи бошқирд, қозоқ ва туркистонликлар ҳозир мағлубиятларга учраган эсалар-да, эртанги кун Совет Россиясидан чиқиб кетажак ва шарқий — кун қиёш мусулмонлари тарихида янги бир давр очилажак: мусулмонларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини, Россиянинг ички курашлари ҳал этолмаслик тажрибаси ачинарлидир. Шунинг учун уларни ҳал қилиш халқаро кураш майдонига чиқади. Менинг мақсадим ва асосий ишим озодликка бўлган даъволарнинг тарихини эркин дунё орқали башариятга маълум қилишдан иборатдир. Бу хатимда бизнинг эзилувларимизнинг айрим масалаларига ҳам тўхталаман.

Великорослар ҳозир ўз қўли остида қолган элат ва миллатларга қарши қаратилган сиёсатини ижтимоий ва иқтисодий соҳадагина эмас, маданият соҳасида ҳам қатъий равишда амалга ошира бошлади. Утган йили ташкил қилинган «Шарқ университетини» мазкур сиёсатини бошқарадиган бир марказ тусини олди. Марказий Комитет қошида великорослардан иборат шарқ ишлари мутахассислари гуруҳи кўзга ташлана бошлади. Марказий Комитет Советлар қўли остидаги шарқ миллатларининг баъзи вакилларини чақириб, уларга ўз қошидаги «шарқшуносларга» зарур материаллар тайёрлаб беришларини топширган. Баъзи китоб ва рисоалар ҳам нашр қилганлар. Лекин, улар номидан ёзилган фикрлар великорослар тарафидан зўрлаб киритилган. Рус бўлмаган зиёлиларнинг ўз юртлири учун ёзган «конституция»ларидаги баъзи бандлар текширилмасдан олиб ташланган. Шарқ университети ва Марказий Комитетнинг Шарқ ишлари билимдонлари бугун шуғулланган катта иш айрим элатларнинг маҳаллий диалектларига мувофиқ равишдаги алифбо ва адабий тилларни майдонга келтиришдир. Бу ишларнинг мезонларини белгилашда ҳам рус бўлмаган коммунистлар асосий мақсадчилар ўрнини ўтаганлари, Шарқ университети ходимлари томонидан чиқарилган «Қизил шарқ» журналининг сўнги сонида доғистонлик Умар Алиев номили бир киши, ғарбий Кавказда турк тиллари учун рус (кирилица) алифбоси қабул қилинса, унинг вазифаси насронийликка ўтиш бўлади, шунинг учун уларга Озарбайжонда қўлланажак лотин алифбосини қабул этиш зарурдир. Бу алифбо ва адабий тил масалалари руслар раҳбарлигида эмас, фақат ўша вақт миллий сиёсий озодлик асосига қурилган мустақил ўлкаларнинг мустақил ҳукуматлари ёрдами билан маҳаллий билимдонлар томонидан ишлаб чиқилиши керак, деб ёзган. Бундай мақолалар, шунингдек, қандайдир бир озарбайжон беллетристикини «Қизил шарқ» журнали орқали турк мусулмон элатларининг бир алифбо теварагида йиғилишга интилишлари великорос билимдонларида норозилик уйғотди. Узбек ва қозоқ зиёлилари ҳам иштирок қилишган бир кенгашда лотин алифбоси асосида бир алифбо майдонга келтириш фикрини ёқлаган озарбайжон Шахтаханский билан Жалил Гулиева профессор Поливанов қарши чиқди. Профессор Поливанов ва бошқа руслар лотин алифбоси қабул қилинса, кейин унинг ўрнига кирилица қўлланилажаги, қарийб қирққа яқин туркий талаффузларнинг ҳар бири учун айрим алифбо ишлангани тўғрисида гапирганлар. Шахтаханский эса туркий халқларнинг ҳар бири адабий тил яратма олимаслигини тушунтирган. Бундан кейингиси тушунарли, сиз великорос ўртоқларингиз билан бирга оддий бир миллатнинг тилидан ва ёзувидан бошлаб, уларни бутунлай руслаштириб бўлмагунча ёқаларидан қўйиб юбормаяжаксизлар... Бошқа асарларингизда миллатларга ўз ҳуқуқларини тўлиқ бир шаклда ўз қўлларига топшириш ҳақидаги сўзларингиз билан ҳозирги сиёсатингиз орасидаги тафовут қабул қилиб бўлмас даражададир. 1919 йилнинг ёзида, биз армиямизнинг ташкилий ишлари билан Саранскда бўлган пайтда, сиз томондан вакил қилиб юборилган уртоқ Зарецкий халқимизга «Маълум миллатларимизнинг ўз мустақиллиги, уларнинг миллий ҳукумат, миллий аскар ташкил қилиш масалаларини, тарихда биринчи бўлиб, фақат Совет ҳукумати охиригача ҳал этажак», деб бир ой давомида кўп йиғинларда тушунтириш ишлари олиб борди. Мен ҳам «Правдада бу ишонтиришларга мувофиқ бир мақола бостирдим. Тўрт йил ҳам ўтмади, сиёсатингиз тамомила тескари томонга бурилиб, амалга ошди. Балки, кейин ҳам РКП(б) номи билан миллатларни озод қилиш ҳақидаги сўзларни Россиядан узоқда бўлган Осие ва Африкада сўйлашлар давом этар. Фақат ҳақиқат шундай: Григорий Сафаров каби инсонпарвар одамларнинг Туркистонга келиб, подшонинг бу ерда илк бор ўрнатган мустамлака сиёсати ҳозир ҳам давом этаётганини танқид қилиб, мақолалар эълон қилгани учун унга ачиққанган великоросларингиз, кичик миллатларни китга ем бўлувчи майда балиқларга қиёслаб, маҳаллий халқлар орасидан чиққан коммунистлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бордилар ва ўша фикрни бир таълимот ўрнида гапириб қувондилар. Уртоқ Артём биз томонларда бўлган вақтида маҳаллий халқдан етишган коммунистларимизнинг баъзиларига мустақил ўлкаларда яшашимизга ишонтириб гапириш баробарида Хитой ва Ҳиндистондан бошқа бутун Шарқий Осиеда совет (рус) маданиятининг рақибсиз ҳукмронлик қилишини очиб гапирарди. Бунга бирорта ҳам маҳаллий тил ва маданиятлар қарши тура олмаяжаклар, бу тиллар фақат коммунизм ғояларини тарқатиш учунгина хизмат қилажаклар, деб тушунтирарди. Шундай ва шунга ўхшаш гаплар бошқа ерларда ҳам такрор-такрор айтилди. Бу сўзлар Россия доирасида қолмас, ҳеч шубҳа йўқки, бу сўзларингиз келажакда ҳам тарқалади

ва пировард-оқибатда ўз хоҳиши билан яшамоқчи бўлган, лекин сизнинг қўл остингизда қолган ҳар бир миллатнинг биринчи душмани Совет Россияси бўлажак.

Сизга булар ҳақда «Мустамлака ва миллий масалалар» мавзuidaги тезисларингиз бўйича фикр алмашган вақтда бир оз билдирган эдим. Кейинроқ бу тезисларни «Коммунистический интернациональ» журналида (№ 11) яна бир бор ўқидим. Сиз пролетар диктатураси жаҳон миқёсида галаба қилгандан кейин ортда қолган миллатлар илгор миллатларнинг (улар сафига ҳукмронлик қилувчи миллатлар ҳам киради) фаол ёрдамида социализм қуришни амалга ошириши шарт эканлиги тўғрисидаги фикрларингизни илгари сурасиз. Бу эса «Хиндистонда инглиз, Туркистонда рус, Африкада француз ва Бельгия ишчилари ташкилотлари мустамлакачилик сиёсатини давом эттиражак», деган сўздир. 1915 йили Уфада, сизнинг ўртоқларингиз билан гаплашилган вақтда, сиз қуражак социалистик тузум кишиларнинг ҳуқуқларини йўқотишга асосланган бир террористик режим майдонга келтириши тўғрисида сўз бормаган эди. Ҳозир эса нима бўлди? Инқилобларнинг мақсади шу эдимиз, ахир! Сизга, профсоюз мунозарасида мазкур саволни қўйган Пятков ҳақли эди. У сизга, инқилобларни тер ва қон тўкиб таъминлаган ишчилар ташкилотларининг ихтиёрини тортиб олмангиз, деган эди. Роза Люксембург ҳам, социализм ғоялари империалистик анъаналардан қутулмаган буюк миллатларнинг хоҳишларига хизмат қиладиган томонга ўтса, бундан яхшилик кутиб бўлмаслигини айтган эди.

Эҳтиёт бўлинг, балки, юзага келган хатоларда ўзингиз айбдормассиз. Сизга фақат бир ўтинчим бор. Енимда бўлмаганлиги боисидан Эрон йўлига чиқолмаган хотиним Нафисага мен билан қайта қўришуви учун Германияга ўтишга рухсат беришингизни илтимос қиламан.

Аҳмад Заки ВАЛИДОВ»

Рудзутак ва Ленин номига ёзилган хатларни шахсий кишилар орқали юбордим. Эронда пайтимизда Машҳадга келган Саъдуллаҳўжа Турсунҳўжаев бу хатлар тақдири тўғрисида бизга маълумот олиб келди. Ленинга ёзган хатни аввалги адъютантим БМИК аъзоси Абдурашид Бикбой ўз қўли билан топширган экан.

Баъзи ўртоқларимга ёзилган сўнги хатлар. Икки кундан кейин Эронга ўтиш керак бўлганлигидан, бир-икки борширд зиёлиларига бериб юборилажак хат ёздим. Шаҳвалининг кўнжига тикилган бу хатни юртга етиб борганлиги, кўп кишилар тарафидан ўқилиб, «Машҳур хат» номини олганини 1943 йилда немисларга асир тушган дўстларимдан эшитиб хурсанд бўлдим. Хатнинг бир нухсасини, бошқа баъзи муҳим қогозлар билан бирга биз Эронга ўтгандан кейин Муҳаббатободга олиб келгин, деб бир туркман савдогарига бердик. Дўстларимга юборган хатимнинг мазмуни қуйидагича:

«Миллатимизнинг ҳуқуқлари ва ҳурриятини ҳимоя қилиш йўлида қўлимдан келганча кураш олиб бордим. Ҳаракатимиз Бошқирдистондаги каби Туркистонда ҳам беҳисоб ватандошларимизни курашга отлангирди. Бу ишда Туркиядан, Доғистондан, Озарбайжондан ҳатто Афғонистондан кўп киши иштирок этди, ниҳоят, Анвар пошони ҳам жалб қилди. Бахтга қарши Польша билан жанг Москва фойдасига ҳал бўлди. Агар бу жанг, ҳеч бўлмаганда, яна бир ой давом этганида борми, Анвар пошо Бойсун-Ғузордан, Самарқанд вилояти босмачилари эса Жиззах-Нуротадан келиб Самарқанд билан Бухорони қўлга олардилар. Темирўлнинг кўп жойларини портлатиш учун динамит тайёрланди. Август ойида бу йўл Қизил Арвот ва Сирдарё томонларда Қизил Армия учун бежитилар эди. Афсуски, Москвадан бу томонларга катта ҳарбий кучларни жўнатиш имконияти туғилди. Аммо воқеалар тескари бурила бошлади. Анвар пошо жангда ҳалок бўлди. Худди шу пайтда (сентябр) Шаҳрисабз ва Самарқанд томондаги босмачиларни, бошқирд, татар ва қозоқ офицерларини август охирида Бойсун вилоятига йиғиш, Анвар пошо билан бирлашишни таъминлашни ўйладим. Аммо воқеалар тескари бурила бошлади. Анвар пошо жангда ҳалок бўлди. Худди шу пайтда (сентябр) Тошкентда махфий равишда йиғилган Туркистон Миллий Бирлик Конгресси менга бу курашнинг чет элларда давом этиши; унинг тарихини ёзиб, жаҳон афкор оммасига етказиш, бизнинг талабларимизни халқаро масала сифатида уюштириш ишларини юклатди. Европада ёки Туркияда қолиб, рускор иш билан шуғулланажакман. Аммо ҳақиқатга тўғри қараш керак: бу ҳаракатнинг ҳозирги ривожини, яъни маҳаллий кўламда ҳаракат қилиб, курашиб Советларни чекинишга мажбур қилишга урушиш натижа бермайди. Ҳозир миллатимиз бўри оғзига дуч келган қўй аҳолида.


Аммо бу масаланинг янгидан бошланадиган томони бор: курашни бошқача ташкил қилишдир. Россияда советлар ҳукмронлиги масаласи, ҳозирги ички кураш сифатида тамомлангандан сўнг давлатлараро масалага айланажак. Унинг билан кейинроқ буюк давлатлар шуғулланажак. У келажакда буюк давлатлар масаласи бўлмишидан чиқиб, бутун дунё масаласига айланажак. Советлар миллатларини ва мустамлакаларни озод қилиш тўғрисида ёлгон гапириб, ишчиларнинг ҳақ ва ҳуқуқлари масаласини кўтарган социализм таълимотини бир худбин миллатнинг империалистик мақсадларига хизмат қилган ҳаракатга айлантирди. Ленинга мени афу қилишлари ҳақида, Сталин ва бошқа ўртоқларга бу масалалар тўғрисида иккита хат ёзиб, Тошкентда бўлган Рудзутакка шу кунларда юбордим. Уларнинг бундан кейин ўтказажак сиёсатининг йўналиши Россиянинг ўзидагина эмас, Европа ва Осиёдаги курашувчи мамлакатларда ҳам рус тили ва маданиятининг ҳукмронлигини таъмин қилишдир. Бутун дунё миллатларини социализм қуришга даъват этишлари ҳам мазкур мақсадга эришишнинг бир кўринишидир. Бутун дунёни руслаштириш амалга ошириб бўлмайдиган ишдир. Аммо бу ҳаракатни бошқа эллар ҳам тезда тушуна олмайдилар, чунки бўйинтуруксиз, озод миллатларга рус масаласининг амалдаги империалистик қиёфасини тушунтириш мушкул. Ҳатто Хивадаги ёш сиёсий фаоллар тўрт ой аввал ҳам руслар уларнинг ўз ҳукуматларини кулини кўкка совуражагини тушунмаган эди. Балки, бу ҳақиқатларни англаш учун ҳар бир миллат бир муддат рус ҳукмронлиги остида бўлиши шартдир... Сулаймон Мирзапўлатовнинг ҳаракатлари сингари ҳаракатлар бугунги кунда миллатимизга зафр келтиради. Бу ҳақда мен унга Бухородан хабар юборган эдим. Бахтимизга, катта талафотлар бўлмаганга ўхшайди. Ҳозир қўлингиздан келганча, аҳамият берадиган масалаларингиз қуйидагилардир: 1) Ёшларнинг ўқиши; 2) Хусусий-хўжалик ишларидан бўшаб, ширкатларга кириб, социализм аппаратида ўрнашиб, миллатга шу йўлда хизмат қилишни — истаган масъул ишчилар қалбига сингдириш. Буни 1919 йилнинг августидан Старлетамоқдаги йиғилишда ҳам гапирган эдим; 3) Дин ва тилимизни сақлашга куч

сарф қилиш. Энг ярамас зулмлар шу икки асосда, яъни, дин ва таълимий тил устида олиб борилажак. Бунга қарши ҳеч қандай уюшмани яшатиб бўлмайди. Чунки, у Совет муассасалари томонидан бўйсундирилади, уларнинг манфаатига хизмат қилажак. Шунинг учун дин ва тил учун курашни қонун рухсат қилган чоралар билан ҳам, яширин равишда ҳам олиб бормоқ керак; 4) Курашнинг иккинчи даврида бу масалаларга миллатларнинг камолотга кўтарилишига ишониб тайёргарлик кўриш. Эдил ва Уролбўйи турклари учун ўша вақтда Туркистонга сиғиниброқ ҳаракат қилишнинг му்தлақлигига ишонishi зарур бўлади. Бу йўлда 1917 йилдан бунга олиб борган курашимизни уйдаги болаларимизга тушунтириш керак. Эркин дунё миллатлари бирлашиб, бўлше-визмнинг тарқалишига қарши тура олмас-да, Осиё миллатларининг кўпчилиги Советлар йўлига ўтса, коммунизм миллий зиддиятлар алангасини энг кучли алангалатуви бир таълимот бўлганидан бу миллатларни бир-бирлари билан уруштиради. Биз жаҳон қитъалари орасида хилма-хил кўп алоқаларнинг, шу жумладан, савдо алоқаларининг ривожланган бир даврида яшаймиз. Шунинг учун Россиянинг шарқ билан ғарб орасидаги эски савдо йўлларини ўз қўлида тутга билмаслиги ноҷор оқибатларга олиб боражак. Руслар турк қавмларини бир аср ичидагина юта олмас. Чунки, бу иш Кавказ, Украина каби ўлкаларни руслаштиришнинг қандай боришига боғлиқ. Ҳолбуки, руслаштириш сиёсатининг қурбони бўлажак миллатлар ҳаракатсиз қолмаяжак, руслар кўпайсалар, улар ҳам кўпаяжак. Бу хусусда, келажак тўғрисидаги баъзи фикрларимни ёзаман, авлиёлик қиялпти, деб ўйлангангиз: русларнинг империализм ва жаҳонда инқилоб ғалабасини таъминлашга қаратилган ҳаракатлари Россияда бўлган воқеаларни йиғирманчи асрнинг энг катта ҳодисалари қилиб кўрсатажак. Бугун миллатларнинг тақдирини ўша воқеаларга боғлиқ бўлиб кўринаяжак. Лекин нафсларини тия олмасликлари натижасида руслар бу буюк воқеалар асосида фақат ўз фойдалари кетидан қувадилар. Бунинг оқибатида келиб чиққан катта ҳодисалар билан янгидан бош кўтариш имкониятлари туғилажак. Мусулмонлар кўп яшаган Туркистон каби ўлкалар бу аҳволдан фойдаланар. Яҳудийлар Исроил давлатининг тирилишига ишонгани каби, бизникилар ҳам ишониб яшаш ва янги авлодга тушунтириши зарур. Биз чет элларда бу масала билан шуғулланармиз, аммо ишонаманки, бизнинг аср ўша озодлик кунларини кўргунгача тугаб кетмас. Биз Бошқирдистонда миллий ҳаракатни қонуний равишда кенгайтирдик, қурултойларнинг қарорлари бўйича миллий армия ташкил қилдик, очикдан-очик курашдик, миллий матбуотда, мактабларда фикрларимизни очик айтдик. Туркистонда эса бу ҳаракат бир норозилик ва кўзғолон сифатида биз келганча бошланган, кўпчилик босмачилар жоҳил муллалар таъсирида бўлган эди. Биз бу ҳаракатга миллий фикр, идеал олиб кирдик, ниҳоят бу ишга Туркиянинг буюк ва тарихий шахси ўз офицерлари билан келиб қўшилди. Бу воқеалар бир неча йилда, ҳатто бир-икки аср давомида эсдан чиқарилиб тугайдиган иш эмас. Турк миллати озодлик фикрига содиқ қолиши сабабли мустақил даврларига мансуб бўлган Жонибекхон, Темур, Едигей, Кўчим ва ўғиллари Қаюмхон ва Аблайхон қабиларга бағишланган хотираларни ҳали ҳам сақлаб келишади. Ҳатто тарихимизнинг қадимки даврларида турк бўлмаган халқлар орасида озгина қолиб, тилини унутган ёки унуттиш даражасига етган қаби-лаларимиз ҳам имкон бўлиши билан оёққа қалққан ва бошқатдан давлатлар тузган. Бундайлардан хитойлар орасида туйхун ва шато ва овғач; ҳиндлар орасида қарлуқ ва қалоч, угро-финлар орасида араблар; эрон, араб ва курдлар орасида ўғизлар, агачерлар ва оққуйин сингарии, озчилик бўлиб қолганда ҳам, аҳволини сақлаб, кейинроқ давлатларини тузган қабилалар тарихи бизлар учун ҳайратомуз бир ибрат намунасидир. Буларни романлар шаклида ёзиб нашр қилар эдим. Эрче ноқун деган афсонавий бир қаҳрамон турк жамоасининг ўлди-битди дегандан сўнгги тирилишини англатади. Биз ҳозир руслар орасида тарихий ҳаётимизнинг энг даҳшатли бир даврини кечирсак ҳам, аслида қўриқиб турмадик. Мен ўзим, қадимгиларни билганимдан, муваф-фақиятсизликларга учраган вақтларда ҳам ҳеч бир умидсизликка тушмадим. Тилга олинган қавм-лар озодлик учун ватанларини ташлаб кетганлар, аммо озодлик олганлар. Бизнинг миллатимиз буғдой донаси каби тупроқ орасида кичкина бир уруғи қолса ҳам янгидан уйғониб бутун боққа таралур. 1917—1922 йилларда кўзғалишимизга фурсат бўлган ҳолда ҳам ҳаракатсиз қолсак, бизга яна шунга ўхшаш пайтлардан фойдаланиш қийин бўларди. Ҳолбуки, бу фурсат қисқасгина да-вом этган бўлса-да, фойдалана олдик. Биз бошқарган ишлар Кичик Султон, унинг ўғли Мурод Султон, Бишай Султон, унинг ўғли Ирисмуҳаммад Султон, Султонғарай (Қорасоқол), Ботиршо, Саловат, Аблай ва Кенесари ҳақидаги ҳикоялар каби буюк хотиралар яратажак. Бу кураш давомида ижод қилинган шеърлар, байтларни унуттиб бўлмайди. Албатта, душман уларни унутти-риб юбориш учун катта куч сарфлайди. Аммо Россияда босилмаган нашрлар хорижий элларда босилар, Россия чегараларини доимо бекик сақлаб тура олмас. Ҳуррият ва миллий озодлик фикрлари тарқатилган адабиётни бизникилар ўз элида ўқимаса, чет элда ўқиб келар. Худди шу кунда муқаррар кўринган, террорга асосланган ҳокимлик миллатимизни умидсизлантIRMасин. Имомиз ва озодликка бўлган муҳаббатимиз бизни доимо қутулиш йўлларига қорлар ва олдинга ундар».

Кўзонлик Ашурали Зоҳирий ва қозоқлардан Серкабой Ақайга ёзган хатларимда шундай жум-лалар бор эди: «Улар бизнинг тилимизни, динимизни, «Юрт»да босиб чиқариб, ёшларни руҳ-лантирган «Миллий руҳдаги дostonларимизни унуттиришга ҳаракат қиладилар. Аммо биз ислоҳ қилинган исломият фикримизга содиқ қолажақимиз. Менга бугун қайғули бир кайфият тушгандир, балки, мен турк миллатининг энг катта бахтсизлигини гавдалантирувчи одамдирман, балки, босмачиларга қўшилган дўстларимиз, миллатимиз учун сўнгги мартаба курашга кўзғалгандир. Ким билади... бир-биримизни яна кўра олмасмиз. Миллатимиз жаҳон миқёсида бир кўзғалиши мумкинлигини кутиш мажбуриятида сизга энг сўнгги сўзим: бу кураш тарихини халқ хотирасидан ўчиришга қаратилган чораларга қарши бутун ғайратингизни сарф қилиб, қарши турунглар. Икки кундан кейин чет элга чиқиб кетамиз. Юрт мустақиллигини Оллоҳ таоло биз бўлмаса, болалари-мизга кўришни насиб этсин».

Бошқирдистондаги дўстларимнинг бирига қуйидаги сўзлар ёзилди: «Бугун фақат бир ишга қу-вонман, Суяндиқовларнинг Шаҳрисабздаги, Иброҳим Исҳоқовнинг Кармана билан Нуротадаги гарнизонлари босмачиларга қўшилмоқчи бўлдилар. Тошкент яқинидаги Троицк казармасидаги ба-талёнларимиз ҳам қўшилмоқчи шошилдилар. Мен уларни тинчитиб турдик, шошилмасликка чақирдим. Ҳозир мамлакатимиздан Фатхилқодир билан менгина эмас, полкларимиз ҳам чиқиб

кетил мажбуриятида қолса, уларни Эронга ёки Афғонистонга олиб чиқиш энг катта ташвиш бўлади. Энди бу ҳаракатда иштирок этган ўзбек ва туркманларнинг кўпчилиги чет элга чиқажак. Мен уларнинг исмлари маълум бўлмаганларига яшириниб, мамлакатда қолишни маслаҳат берман. Бу хусусда Ашхободдан хатлар ёзиб юбордим. Сиз учун энг яхшиси, шартларга мослашиб, мамлакатда қолиш ва халқ орасида дин ва тилимиз, миллий табиатимиз учун яширин равишда кураш олиб бориш. Мамлакатдан қочиш ҳозир жон сақлаш ёки дипломатик фаолият бошлаш учун керак. Мамлакатда қолганлар Туркистонга ва Шарқий Туркистонга келиб ўрнашсинлар. Иложи бўлса, ёшларни Туркия ва Европа мамлакатларига ўқишга юборинглар».



Ассалому алайкум, ойнома ижодий жамоаси!

«Шарқ юлдузи» — мен севиб, орзиқиб кутиб, ўқийдиган ойномаларнинг бири. Унда эълон қилинаётган ҳикоя, қисса, рўманларнинг аксарияти бадиий етуклиги, ишонарлилиги билан китобхонлар меҳрини қозоняпти.

Яқинда («Шарқ юлдузи» 3-4) Ёқутхон Акрамованинг «Қалдирғоч» ҳикоясини ўқидим. Мен бу ижодкорнинг кўп кичик ҳикояларини ўқиганман, хурсанд бўлганман. Лекин бу ҳикоя мени хафа қилди. Сабаби, ўзим ўрта мактабда адабиёт фанидан дарс берман. Кўпроқ 8-11-синфларни ўқитаман, 10 йилдан бери 14-17 ёшли ўқувчиларга синф раҳбариман. Севиб турмуш қурганман, оилам ширин, мустақкам, икки фарзандим бор. Ўқувчилар ўртасида ҳеч қачон севгини тақиқламайман. Лекин, афсуски, ўсмирлар ўртасида севги, меҳр ҳозир кам. Жуда ачинаман, муҳаббат ҳақида мунозаралар ўтказсак ҳам, уни кўкларга кўтариб шеърлар ўқиб берсак ҳам ўқувчилар учун биринчи ўринда кино, кийиниш, бойликка, яхши яшашга интилиш туради. Ҳозирги ўқувчилар учун севги — қулғили, ўткинчи туйғу бўлиб туюлади. Ёқутхон опа эса, ўқитувчини жуда ҳиссиз, ибосиз қилиб тасвирлаганлар. Нега, доим ўқитувчилар ўқувчини ҳақоратлайди, севгини тушунмайди, деб ёзаверадилар? «Гуруч курмаксиз бўлмайди» — бу халқимизнинг доно нақли. Айрим ўқитувчилар мисолида барчани шундай кўрсатаверишга чек қўйиш керак. Қолаверса, ўқитувчи ҳам — она, ижодкор.


Худди шу сонда Сабриддин Садриддин маҳдум ўғлининг «Олмос қўнғироқлар» ҳикояси берилган. Раҳмат, минг раҳмат бу ҳикоя учун. Кўшиқ, шеър каби юксак бадиийлик билан ёзилган. Аёлларни инсофга, турмуш ўртоғига меҳрли бўлишга чорлаяпти бу ҳикоя. Ҳақиқатдан ҳам ҳозир инсонларга Меҳр етишмайди. «Мажнун» ҳам севгига эмас, «меҳр»га ташна. Оддий муҳандис Анвар ака 4 фарзанди туфайли хотини билан яшаб келмоқда. Лекин хотинининг ўз болаларини «ер юткур», «ҳўкиз», «Бутун умримни заҳар қилдиларинг», дея ҳақоратлашлари унинг асабларини емириб борарди. У фарзандлари — «олмос қўнғироқлар»нинг етим бўлиб қолмасликлари учун чидади, лекин у «имон ва имкон» даражасидагина ҳамма нарсага рози. Мен бу ўринда ҳикояни таҳлил қилмоқчи эмасман. Шундай ҳикоялар кўпроқ босилишини, айримларнинг кўзларини эртароқ очилишини, кишиларнинг «меҳр»га зор бўлиб «Мажнун»га айланмасликларини тилардим. Айниқса, фарзанд тақдирига ота-она ўртасидаги низоларнинг салбий таъсир кўрсатиши (Нигоранинг дарсдан чиқиб уйга келишни хоҳламаслиги)ни ҳеч вақт унутмасликка чақиради бу ҳикоя. Нега Анвар аканинг онаси сингари сабрли, меҳрли, бир бурда нонини ҳам қайнонасига илинувчи, эрининг қўнғилини кўтара оладиган аёлларимиз камайиб борапти? Уйлашга мажбур қилади бу ҳикоя...

Азиз ойнома жамоаси! Мен яна бир бор «Олмос қўнғироқлар» ҳикояси ва унинг муаллифига ажойиб, шеърдай ёқимли, айтилиш вақтда дардли, изтиробли асари учун миннатдорлик билдираман, Сизларга эса омад тилайман.

Ҳурмат билан, ВАЛИЕВА МАҲМУДА,
Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг
олий тоифадаги она тили ва адабиёти муаллимаси.

Муҳаммаджон Соипов

ДЕВОР ОРТИДАГИ КИШИ



Ҳужжатли саргузашт

қисса

Эгам Раҳимов ким биландир телефонда гаплашаётган экан. Мухтор бошлиғига халақит бергиси келмай, сассиз юриб келди-да, қатор терилган курсиларнинг бирига ўтирди.

— Хўш, қандай янгиликлар бор? — деб сўради бошлиқ, телефон гўшагини жойига қўйгач.

Мухтор ўтирган курсини столга яқинроқ суриб, гап бошлади:

— Қотилнинг биронта из қолдирмагани мени шубҳага солаётган эди. Дарвоза олдида қолган ёлғиз этик изидан ташқари, калаванинг яна бир учи бор экан.

— Бу нима деганинг?

— Кампирнинг ён қўшниларида бири ўша куни тонгда Бегим Исматовни кўрибди.

— Қаерда кўрибди? — бошлиқ ажабланган ҳолда кўзойнагини ечиб, стол устига қўйди. — Кампирниқидами?

— Йўқ, йўлда, таксида кетаётганини кўриб қолган экан. Мен адашгандир десам, аёл гапида қаттиқ турибди. Аниқ танидим, дейди. Ҳатто мўйловини олиб ташлаганига ҳам эътибор берибди.

Эгам Раҳимов ўрнидан турди. Деворга тақаб қўйилган темир сандиқдан қоғоз папка олди. Ундан сурат олиб тикилди. Қорачадан келган, қисик кўз, қирра бурун, кўзлари ўлжасини пойлаётган бургут кўзидек ўткир. Мўйловли йигитнинг кўзларига у алоҳида эътибор берди. Унинг бу қарашларида қандайдир маъно бор эди. У суратни Мухторга узатар экан, қўшиб қўйди:

— Кўзбойлоғичларга ўхшар экан...

— Тўғри топдингиз. Кашпировский аслида сиздан дарс олиши керак. Бегим Исматов сиз айтгандай кўзбойлоғичликдан хабардор экан. Шамни гугуртсиз ёқармиш.

Полковник толиқди шекилли, жойига ўтирди.

— Қолган қўшнилари нима дейишди? Ахир, уни ёлғиз ўша аёл кўрмагандир?

— Толиб ота деган оқсоқол бомдод

намози вақтида кимнингдир қаттиқ акса урганини эшитибди.

Узинг нима деб ўйляяпсан?

— Менимча, Бегим Исматов қайнонасиникига ярим тунда келгану қўшниларнинг мол ташвишида юрганини кўриб, режасини сал орқага чўзган. Толиб отанинг гапидан кейин товуш келган томонга ўтиб қарадим. Кеч кузда похол келтириб босилган экан. Болалар похол устида сакраб ўйнашар экан. Юмшоқ, иссиқ жой. Энг муҳими — кўздан холи. У похол ичига кириб пайт пойлаган бўлиши ҳам мумкин.

— Шундайми? У ҳолда тонгда таксини қаердан топибди?

— Ҳозир нима кўп ширкат бўлиб ишлаётган машина кўп. Уларга фақат пул керак. Ҳақини берсангиз, дунёнинг у бурчига ҳам элтиб қўйишади. Керак бўлса изма-из ортингиздан қолишмайди. Улар учун тўғри одамдан пул олиш нимаю, жинойтчида пул олиш нима, барибир эмасми?.. Муҳими бензини зое кетмаяпти. Филдирак текинга айланмаяпти.

Полковник тирсақларига суянди.

— Тахминларинг — сал пучроқ. Бегим Исматов улоқ кўрган от. Билиб-билмай ўзини тўдага урмайди, пайт пойлайди.

* * *

Қишлоқ чойхонаси гавжум эди. Қалин соя ташлаб турган тол остига тахта сўрилар қўйилган. Тўшалган кўрпачалар чойхоначининг нозик дидидан дарак беради. Тўрқовоқлардаги беданаларнинг сайраши ҳар қандай одамнинг чарчоғини тарқатиб юборади.

Мухтор четдаги сўрига ўтди. Нотаниш одамни кўрган ўрта бўй, бошидаги марфилон дўпписи остидан жингалак сочлари патила бўлиб чиқиб турган қирқ беш-эллик ёшлардаги чойхоначи у томон юрди.

— Хуш келибсиз, меҳмон. Қанақа чойдан дамлай? — деди у қўлини кўксига қўйиб.

— Раҳмат, ака, — деди Мухтор унинг илтифотидан мамнун бўлиб, — кўк чойга нима етсин?

Охири. Бошланиши ўтган сонда.

Чойхоначи меҳмонни кўп куттирмади. Аввал гулли патнисда иккита иссиқ нон, бир ховуч майиз ва беш-олти дона парварда келтирди. Сўнг пахта гулли чойнак билан икки пиёла кўтариб келди. Чойнакни хонтахта устига қўйиб, чойни қайтарди. Сўнг шаманинг тинишини бир оз кутди. Уз ишини рисоладагидек бажарганига ишонч ҳосил қилгач, чойдан пиёлага қўйиб узатди.

— Биз томонларга қайси шамол учирди, ука. Кимни йўқлаб келдингиз? Бемалол сўрайверинг. Етти ёшидан етмиш ёшигача танийман.

Мухтор пиёлани қўлига олиб, жилмайди:

— Йўқлаб келган кишимни ахтаришга ҳожат қолмади. У ҳозир рўпарамда ўтирибди.

Чойхоначининг ҳайрати ошди. Меҳмоннинг бу гапи чинми ё ҳазилми, деб ўйланиб қолди.

— Мени назарда тутмаяпсизми?

— Ҳа, сизни. Гаплашиб олишимиз керак, — Мухтор шундай деб унга гувоҳномасини кўрсатди.

Чойхоначи энди қандайдир хавотир билан меҳмонга қараб олди.

— Мумкин бўлса бир нафасга ижозат берасиз. Пешинга Туроб агроном ошга айтган. Машинасини сотди. Шу баҳонада уч-тўртта оғайнисига эримоқчи. Мен ошпазга гўшт ажратиб берсам. Ҳарқалай қишлоқнинг раҳбари. Яна уялиб қолмайлик. Ишимиз шулар билан-да, ука.

У бир пиёла чой ичилгунча қайтиб келди. Кавушини ечиб, кўрпачага чордона қуриб ўтирди.

— Сиз маҳаллангиздаги Шарофат Зокировани яхши танисангиз керак. Яқин орада, аниқроғи, ўлимидан олдин уни ҳеч ким йўқлаб келмадимиз? Бир эслаб кўрмайсизми?

Чойхоначи ўйланмасдан, аммо шошилмай жавоб қайтарди:

— Ҳеч ким йўқлаб келгани йўқ.

— Эшитишимга қараганда ошхўрлар қалампирни кампирнинг уйдан олиб келишаркан. Бунга нима дейсиз?

Чойхоначи пиёла тубидаги шамани ерга сочди.

— Рост. Кампир пул олмасди. Шундай берарди. Савоб йўлига. Утган йили қишда ошпазининг қўлига бир кило қуйруқ ёғи бериб кампирниқига киритдим. Кун совуқ эди. Кўпчилик-да. Ҳадеб боравериб кампирни қийнаб қўйишмасин дедим. Аммо, кампир тушмагур думбани олмапти-ю, ўн шода қалампир бериб юборибди. Ушандан бери ошхўрлар унинг уйига боришмайди.

— Йигирманчи мартдан йигирма биринчи мартга ўтар кечаси чойхонангизда кимлар ошхўрлик қилишди?

— У кунлари қозон қайнамади. Сўйишга қўй бўлмади. Муштдек қўйга беш юз сўм сўради. Олмадим. Узини-ўзи қопла-

майди-да. Бегона одамлар бу ерга кам келишади.

— Кампирнинг куёвини танирмидингиз?

— Нега танимас эканман. Қишлоққа ҳар келганида автобусдан шу ерда тушиб қоларди. Қайнонасига бир-икки қадоқ гўшт олиб кетарди. Ишбилармон йигит. Бироқ жанозада кўринмади. Азонда такси ёллаб шаҳарга кетган эди. Дўхтирлар шу куни операция қиламиз, дейишган экан. Чамаси қайнонасининг ўлимидан бехабар қолган.

— Сиз уни саҳарда кўрдингизми?

— Ҳа. Барвақт туриб самоварга кўмир ташлаётган эдим. Такси келиб тўхтади. Шопири ўрси шекилли, катта гулли термосига сув олди. Шопирнинг ёнида Шарофат кампирнинг куёви ўтирувди. Ҳойнаҳой мени кўриб мошинадан тушса керак, деб ўйладим. Кўмирдан бўшаган челақни бостирма остига қўйиб келиб қарасам — такси жойида йўқ. Кетиб қолибди.

— Яхши. Шу куни азонда яна кимлар ўтди?

Чойхоначи увишган оёқларини хонтахта остига узатди.

— Бегона одамнинг ўтганини кўрмадим. Шу куни биринчи бўлиб Туроб агрономнинг машинаси ўтди. Унинг иши шунақа. Тонг отмай марказга, дори омборхонасига боради. Сўнг Мамат сартарош бир одамни миндириб ўтди. Аммо, ёнидагини танимадим. У бечора қатиқ сотади. Биринчи бориб бозор кираверишидан жой олмаса иши юришмайди. Ундан сўнг Расул беданавознинг тошбақаси ўтди. Бирам тутайдик, ундан менинг самоваримнинг карнайи дуруст. У бекорчи бедана жинниси. Ишқибозларни ахтариб юради. Қолганларини кўрмадим. Новвойхонага иссиқ нон олиш учун ўтиб келдим.

Шу пайт чойхона яқинида эски «Газик» машинаси келиб тўхтади. Чойхоначи пешвоз чиқиш ниятида ўрнидан турди. Аммо Туроб агроном машинадан шошилиб тушди-ю, улар томон илдам қадам ташлади.

— Қимирламанглар. Бемалол ўтираверинглар. Бунга қаранг-а, Мухторжонни қайнонаси яхши кўраркан. Ошнинг устидан чиқибдилар.

Агроном эски қадрдонлардек қуюқ сўрашди.

Зум ўтмай дастурхонга янги узилган қулупнай, икки боғ саримсоқ, уч-тўрт боғлам кашнич билан бир шиша қатиқ келтириб қўйишди. Майкалари шимидан чиқиб турган семиз йигит уч шиша ароқни хонтахта остига қўйиб кетди.

Мухторнинг ўнг томонига ўтириб олган Туроб агроном қулупнай солинган ликопчани унга яқинроқ суриб қўйди.

— Қулупнайдан олинг, Мухторжон. Янглик-да. Парникда пишган. Турган-битгани витамин. Бугун биз ҳам мошинни

сотиқ. Ҳозирги ўтириш шунинг шарофатига. Сотмасдим-ку, бензини қийнаб қўйдим. Охирги пайтларда пулга ҳам топилмай қолди. Турган-битгани чўнтакка зиён. Ахир, ўн етти сўмга бир қоп ун беради, ука. Бола-чақа билан нақ ўн беш кун еймиз. Бу сабилга ўн етти сўм сарфласангиз икки кунга етмайди.

— Машинага ўрганган одамга пиёда юриш осон бўлмаса керак-а? — савол берди Мухтор, қип-қизил бўлиб пишган қулупнайдан бирини олиб.

Туроб агроном ёнидан катта чуст пичоғини чиқарди-да, пиёлаларнинг бирини тўнтариб, қайраган бўлди. Сўнг ошпаз йигит келтирган муштдек пиёзни қиз боланинг сочидек ингичка қилиб тўғрай бошлади.

Бу ёғи бир гап бўлар, ука. Ота-боболаримиз ҳам пиёда юришган. Зарурат бўлса иложини топармиз. Қишлоқда қимирлаб туришга ҳўжалик мошин ажратган. Шаҳарга бориш бўлса, ана, автобус. Икки сўм билан бориб келасиз. Қутулганимга шукр.

Редиска билан тўғралган саримсоққа қатиқ аралаштираётган, ўзини бош ҳисобчи, деб таништирган тепакал, юзини қалин сепкил қоплаган киши агрономнинг гапига кулган бўлди.

— Туроббой, эсингизни танигандан бери агрономсиз. Топар-тутарингиз бинойи-ку, аммо, нолиганингиз нолиган. Ана, қаранг, қишлоқда сиздан берироқлар ҳам мошинни фидиратиб юришибди. Тоғни суяб турган ака-укаларингиз бор. Бири Бухорода катта дўхтир. Бири Тошкентда самолот ҳайдайдими? Нолиганингиз ортиқча, камтарлик ҳам эви билан-да, оғайни?

Бош ҳисобчининг тўқмоқдек гапидан Туроб агрономнинг жаҳли чиқди. Шу тобда унинг тепакал боши-ю, энкайиб олган гавдаси кўзига балодек кўринди. Мухтордан уялди, бўлмаса, боплаб адабини бериб қўймоқчи эди.

— Ака-ука ўз йўлига, Омонбой, — деди ўзини босишга ҳаракат қилиб. — Ҳозир биров бировнинг қозонига овқат соладиган вақт эмас. Қалдирғочнинг боласидек ойликка кўз тикиб ўтирсак. Э... ўлганни устига тепгандек, яна чўтнинг бошига сиздек қишда қор бермайдиган одам ўтириб олган. Шундай экан, ҳар ким ўз кўрпасининг иссиқ-совуқлигини ўзи билади, Омонбой.

— Бошқаларни билмадим-ку, аммо сизнинг кўрпангиз қишнинг чилласида ҳам совимаса керак. Фақат об-ҳавога қараб тўнингизни ўзгартириб турасиз. Бироқ мошинни бекор сотдингиз, Туроббой. Чўтнинг бошида биз бор эканмиз, хавотир олманг эди. Етим-есирни кўндириб бўлса-да, уларнинг ҳақидан сизнинг тегирмонингизга сув қуйиб турардим. Сиздек бечорага ҳайр-эҳсон қилиш-

са уларга худо беради, Туроббой. Ҳўш, бу гапга нима дейсиз энди?

Бу гапдан Туроб агрономнинг астойдил жаҳли чиқди. Пешонаси тиришиб, кўзлари косасидан чиққудек бўлиб олайди. Болохонали қилиб сўкиш мақсадида энди оғиз жуфтлаган ҳам эди-ки, Мухтор унинг титроқ босган қўлидан тутиб четга чиқишини сўради.

Улар ҳовуз томонга ўтишди. Мухтор энгашиб қўлини ювди.

— Одамларнинг айтишига қараганда, Шарофат кампир ўлган куни сиз район марказига борган экансиз. Шу ростми?

Бош ҳисобчининг кейинги гапларидан ўзига келмаган Туроб агрономнинг оёқларида, сўнг бақувват қўлларида кучли титроқ турди. Ранги оқариб, лаблари ҳам титради. Ҳовуз лабига ўтириб юзини ювди. Чунонам асабийлашганидан терговчининг саволини эшитмади. Мухтор яна сўрашга мажбур бўлди.

— Улфат деган бир-бирининг гапини кўтаради-да, Туроб ака. Шунга ҳам сиқиласизми? Хафа бўлманг. Вақти келганда сиз ҳам бир гап билан боплайсиз. Уша куни ноҳия марказига тушганингиз ростми?

Сув унинг кайфиятини кўтарди чоғи, бошини кўтармасдан сўради:

— Сизга ким айтди бунди?

— Чойхоначидан эшитдим. Ҳар куни эрталаб марказга қатнашингизни айтди.

— Тўғри. Бизнинг ишимиз шунақа. Пахтанинг ўзи ўсмайди, ука. Унинг ҳам Омонбойга ўхшаган, бўлар-бўлмасга ёпишиб оладиган кушандалари бор. Кўсак қурти, шира касаллиги деган гапларни эшитгандирсиз. Ҳаммасини даф қилиш учун химикат керак. Бу заҳарлар далага ўзидан-ўзи келиб қолмайди. Эртдан-кечгача ўғлимиз тенги болаларнинг ортидан югуриб юрамиз, ялинамиз-ёлворамиз. Яхши-ёмон кунига қовун-тарвуз ваъда қиламиз. Хуллас, йўлини топиб келтирамиз. Буёқда эса кун бўйи хонадан чиқмай, оёғи терлаб ўтирган оқ билаларнинг гапи ортиқча.

Ҳар қандай гапни, ҳатто ўз улфатларининг ҳазилини ҳам кўнглига тез оладиган бу кишига Мухторнинг ичи ачиди. Аммо ҳасратлашишга унинг вақти ҳам, истаги ҳам йўқ эди.

— Шу куни йўлда биронта бегона одамга кўзингиз тушмадими?

— Масалан, кимга?

— Масалан, қишлоқда яшамайдиган бегона одамга.

— Йўқ, ука. Ҳеч кимни кўрмадим.

— Сизни йўлда такси қувиб ўтмадими?

Туроб агроном ўйланиб қолди. Ўзини ўзи чалғитиш мақсадида қўлларини сувга солди.

— Утгандай бўлувди... Ҳа, ўтди. «Волга» эди. Ҳайдовчининг ёнида бир киши бор эди. Орқа ўриндиқ бўш эди.

Мухтор унга бошқа савол бермади.

Мезбонларнинг «Ошга қолинг», деган қистовларига қарамай, иши кўплигини баҳона қилиб, изига қайтди.

* * *

Душанба куни эрталаб Эгам Раҳимов билан Мухторни бошлиқ ҳузурига чақирди.

Уттиз бешлардан ошган узун бўй, кенг елкали, кишига доимо кулиб боқувчи бу раҳбар тергов ишига кўп ҳам аралашмасди. Бироқ, ҳаракатдаги ишнинг боришини, тергов якуни ва айрим ҳолларда суддан қайтган ишларнинг ҳисоботини Эгам Раҳимов орқали билиб турарди. Шунинг учун бўлса керак, бошқа терговчиларни хонасига чақириб вақтини олмасди.

Улар қора чарм қопланган икки табақали эшикни очиб, кенг ва ёруғ хонага кириб келишганда милиция бошлиғи Анвар Собиров телефонда ким биландир гаплашарди. У ходимларига «ўтиринглар» деган ишора қилди. Чап қўли билан ярми чекилган сигаретини кулдонга эзди.

— Мен-ку гапингизни тушунапман, — деди у куйиниб, — аммо сиз нима учун мени тушунишни истамайсиз? Тўғри, буни айтмасангиз ҳам биламан. Бизнинг устимиздан назорат қилиш сизларнинг вазифангизга киради. Бироқ назорат зулм ўтказиш дегани эмас-да. Жиноятнинг очилишига сизнинг ҳам, ходимларингизнинг ҳам қизиқишлари табиий. Умулан олганда, халқ олдида ҳар иккимиз тенг жавоб берамиз. Шундай бўлгач, аравани тенг тортишимиз керак. Ҳеч бўлмаса аравани тортаётган одамнинг оёғига тош ташламаслик керак.

Бошлиқ шундай деб жим бўлди. Ҳам-суҳбатининг сўзларини диққат билан эшитиб, жавоб қайтарди:

— Ўртоқ прокурор, мен 119 модданинг III қисми билан айбланган Ғафуровни айтяпман. Ахир, уни тез қамоққа олиш керак. Унга қарши кўрсатма берган айрим шахслар ҳозирданоқ ўз гапларидан қайтишмоқда. Бизнинг ҳалол иш олиб боришимизга ишонишмаяпти. Бунақада эрта-индин унинг устидан жиноий иш қўзғатган менинг ходимим майиб бўлиб қолмайдими? Биласизми, сувга чуқаётган одам хасга ҳам тармашади. Ғафуровнинг уйма-ўй юриб гувоҳларни сўзидан қайтишларини талаб қилаётганлиги ҳақида бизнинг қўлимизда етарлича маълумотлар бор.

Симнинг у томонидаги одам бир оз жим қолди. Бундан фойдаланган милиция бошлиғи чойнақдан пиёлага чой қуйиб, симирди.

— Келишдикми? Ҳатто тушгача кутиш ҳам мумкин эмас. Терговчи ҳозироқ боради. Ҳўп, майли, хайр.

Майор Анвар Собиров телефон гўшагини жойига қўйиб, ўрнидан турди.

— Ҳўш, қандай янгилик бор?

— Омонат касса мудиридан ёзма ҳабарнома олдик. У ерда кампирнинг жамғармаси йўқ экан. Лейтенант Мухтор Мўминов айрим шахслар билан суҳбатлашиб чиқди. Улар, асосан, қишлоқ одамлари. Ҳозирча қотилнинг аниқ изи йўқ. Ҳатто унинг кимлиги ҳам номаълум. Қотил кампирни зебигардон учун ўлдирган. Бу аниқ.

Бошлиқ полковникнинг гапини бўлди.

— Тушунарли. Бегим Исмаатовнинг иши нима бўлаяпти? Уни кўрганлар бор, деган эдингиз?

— Тўғри. Ўша куни қишлоқда бир неча одамлар уни кўрган. Машинада кетаётган экан. Лекин бу уни қотил дейиш учун асос бўла олмайди.

Милиция бошлиғи кулди.

— Ахир, қотил қишлоққа пиёда келмагандир? Иши битгач, мўлжаллаган жойига тезроқ етиб олиш учун, одамлар кўзига ташланмаслик учун бирдан-бир нажоти машина-ку.

— Сиз ҳақсиз, ўртоқ бошлиқ. Айни пайтда бирдан-бир гумонимиз ҳам ўша Бегим Исмаатовдан. Чунки, кампирда зебигардон борлигини билган ягона одам шу. Унинг қамоқдан қочганини эса зебигардон учун дастлабки уриниш деб ҳисобласак бўлади.

— Нега шундай фикрдасиз? Балки у бошқа нарса учун келгандир?

— Бўлиши мумкин. Мен башоратчи эмасман. Бироқ ҳозирги ўғрилар арзимаган пул учун қўлларини совуқ сувга уришмайди. Қилганга яраша каттароқ иш учун жавоб беришни афзал кўришади. Ўғирликнинг кичигига ҳам, каттасига ҳам қарийб бир хил жазо олишади. Қонуннинг бўшлиғи биздан кўра уларга кўпроқ аён. Бегим Исмаатов эса анойилардан эмас. Умр бўйи бой яшашни орзу қилиб келган бу кимсага олтин жуда керак. Уни қўлга киритмагунча жим юролмайди.

Милиция бошлиғи Мухтор томонга юзланди:

— Қишлоқда нима гап?

Тартиб буйича Мухтор ўрнидан туриб жавоб қайтармоқчи бўлди. Аммо Анвар Собиров унинг елкасига қўлини қўйиб, ўтириб гапираверишини сўради.

— Шу куни Шарофат Зокированинг ўйида бегона одам бўлмаган. Мен суҳбатлашган одамларнинг ҳаммаси буни тасдиқлади. Шу боис жумбоқ жумбоқлигича қоляпти.

— Демак, қотилни ҳеч ким кўрмаган. Гувоҳ йўқ. Энди жумбоқ жумбоқлигича қолаверадими? Бунга ким жавоб бериши керак?

Мухтор ўз жавобидан истиҳола қилди. Аслида у бошқача маънода тушунтирмоқчи эди.

— Йўқ, ўртоқ майор. Қотилни, албат-

та, топамиз. Шунча кун бекорга югуриб юрганамиз йўқ.

— Ҳовлида этик изидан бошқа из қолмаганми?

— Худди шундай, ўртоқ майор.

Анвар Собиров столи устидан бир ва- рақ қоғоз олди-да, Эгам Раҳимовга тутди.

— Мен кечқурун қамоқхона бошлиғи билан телефон орқали суҳбатлашдим. Антиқа янгилик бор. Сизларни бу ерга чақирганимнинг сабаби шундан. Унинг айтишича, ўша кунни Бегим Исмаатовнинг оёғида кирза этик бўлган.

— Нечанчи размер экан? — шошилиб сўради Эгам Раҳимов.

— 42 размер. Ҳа, айтмоқчи, қамоқхонада уни шериклари «Мўйлов» лақаби билан чақиринган. Энди этик кийган қотилни топиш сизлардан. Ахир, кампирнинг ҳовлисидаги из ҳам 42 размер эди. Бу ерда қандайдир ўхшашлик бор. Жиддий шуғулланишларингга тўғри келади...

Улар орқама-орқа бошлиқ хонасидан чиқишди...

Полковник Мухторнинг тирсагидан тугиб эшик томон юрди.

— Хафа бўлмайсан, қаричилик-да. Узим ўтиб келаман дедим, хаёлимдан кўтарилибди. Қайта қуришга тааллуқли шиор осимиш керак экан. Райкомдан шунақа топшириқ бўлганмиш. Уч кун илгари эски танишимга тайинлаб қўйгандим. Уйига бориб хабар олсанг. Исми Сергей Петрович, Баҳор кўчасидаги ўн учинчи уйда яшайди. Бир илож қилиб ўтиб келгин.

Эгам Раҳимов машинага ўтириб кетгач, Мухтор юқорига чиқмади. Хонада ўтириб қиладиган иши ҳам йўқ эди. Шу сабабли «Баҳор» кўчасига қараб юрди.

Полковник айтган уйнинг анчадан бери оҳак кўрмаган деворлари кўчиб, пастки томони шўрлаб кетган эди. Тор ҳовлида уч-тўрт олма дарахти қалин соя ташлаб турибди.

Мухтор эшик тирқишидан ичкарига бир назар ташлаб олиб, қўнғироқ тугмасини босди. Ичкаридан кимдир овоз берди. Мухтор баланд товушда русчалаб уй эгасини чақирди.

Эгнига узун қора халат кийиб олган олтмиш ёшлардаги киши унга пешвоз чиқди. Уй соҳибининг ориқ, тарашадек узун қўлларига, тут танасидек бужмайиб кетган юзининг айрим ерларига бўёқ сачраганди. Кўп чекишнинг аломати бўлса керак, сўрашиш учун узатган ўнг қўлининг икки бармоғи сарғайиб кетганди.

— Остонада туриш яхши эмас. Ичкарига бемалол киравермайсанми? Хўш, Сергей Петрович мен бўламан, қандай хизмат билан келдинг? — деди у ўзбекчалаб.

Мухтор уй соҳибини русчалаб чақирганига хижолат бўлди. У рус одамнинг

ўзбек тилида бунчалик соф, қийналмай гапиришини кўрмаганди.

Меҳмондаги ўзгаришни уй эгаси сезиб, уни ичкарига бошлаб туриб изоҳ берди:

— Ҳайрон қолаётган биргина сен эмас. Мен Воронезде туғилганман. Ҳозир у ерда ҳеч кимим йўқ. Етти ёшимда бу ерга келиб қолганман. Шу-шу ўзбеклар орасидаман. Шундай бўлгач, бу тилни билмаслик уят-ку. Ҳатто чойхона палов дамлашни ҳам биламан.

Тор ҳовли озода бўлгани учун Мухторнинг кўзига кенг бўлиб кўринди.

Сергей Петрович ичкарига кириб курси олиб чиқди. Ўзи эса турли бўёқлар тегавериб ола-була бўлиб кетган ёғоч курсига ўтирди. Чўнтагидан папирос олиб бир донасини лабига қистирди-да, гугурт ёқди. Тутаётган папиросини бирикки чуқур тортиб, сўради:

— Кечирасан, мен сени танимадим? Мухторга уй соҳибининг очик феъли ёқди.

— Сергей Петрович, мени Эгам Раҳимович юбордилар.

Уй эгаси кулди. Бу беғубор кулги остида қандайдир самимият бор эди.

— Э, ҳа... полковник юборди, дегин. Қалай, ўзи тузукми? Кеча келмоқчи эди-ку?

— У кишининг ишлари кўп.

Уй соҳиби шошилмасдан ўрнидан турди. Пешайвондаги газ плитасида шақиллаб қайнаётган човғумни кўтариб келди-да, чой дамлади.

— Бошлиғингни ёшлигидан танийман. У билан бирга ўқиганмиз. Илгариги уйимиз бу ерда эмасди. Онам билан Эгамларнинг маҳалласида яшардик. Бўш вақтларимизда бирга ўйнардик. Мен унга кунора варрак ясаб берардим. Мактабни битирган йилим мени қамаб қўйишди. Ҳа, тухмат билан кетганман. Ёш бола эдим... Кейин яна йўлланма беришди. Кейин яна... Энди ўйласам, юрагим орқамга тортиб кетади. Умримнинг энг яхши онлари қангалак симлар орасида ўтиб кетибди. Бу ақл деганлари менга жуда кеч кирди, ука. Ушанда ҳам бечора онамга ачинардим. Иккинчи бор қамалганимда толган-тутганини менга олиб борганди. Бутун аламинни йиғидан олардим. Кейинчалик бормай қўйди. Бетобдир, деб ўйладим. Кейин билсам, онам ўлган экан. Остонага ўтириб олиб роса йиғладим. Лекин бундан нима фойда. Шундан сўнг ўз билганимча яшадим. Пскентдан уйландим. Кўп ўтмай худо фарзанд ҳам берди. Исми Лариса. Ҳозир у Сибирга кетган. Биринчи турмуши бўлмади. Ажралишди. Аммо, эри Никита яхши йигит эди. Қизимнинг инжиқлиги унга тинчлик бермади. Жонидан ўтганмикан, ҳаммасига, ҳатто ёшгина чақалоғига ҳам қўл силтаб кетди. Сен билмайсан, ука, дунёда инжиқ хотиндан ёмони йўқ. Утмас эгов-

дек асабингни чархлайди. Ҳатто, бора-бора унинг товушини эшитишга ҳам чўчиб қоласан. Ҳозир Лариса бошқага турмушга чиққан. Неварамни ўзим олиб қолганман. Исми Игор. Бола-да, ҳовлини тўлдириб ўйнаб юради. Нақ ёнаётган олов. Тавба, ёшлигимда мен ҳам Игордек жуда тўполончи эдим. Чамамда набирам менга тортган.

Мухтор қаршисидаги беозор, кишига оғир гапирмайдиган инсоннинг қай йўсинда кетма-кет қамалганга қизиқиб қолди. Сўрайман, деб оғиз жуфтлади. Аммо гапиролмади. Уша оғир, ташвишли кунларни эсига солиб ранжитиб қўйишдан қўрқди. Тўғри, терговчилик унинг касби. Бироқ жазо муддатини ўтаб, осойишта яшаётган бир инсонни сўроқ қилиш ҳуқуқи унга берилмаган.

Сергей Петрович меҳмоннинг хаёлга чўмганини кўриб, савол беришга ботинолмай турганини сезди.

— Сен яхши йигитга ўхшайсан. Баъзи терговчилар ўтириб чиққанларни одам қаторига қўшмайди. Узига қолса ким қамалишни хоҳлайди. Лекин ҳаёт — ҳаётда. Доим сенинг айтганинг бўлавермайди. Кимдир йиқилади, кимдир қоқилади. Адашганлар қанда. Буларга чидаса бўлади. Аммо, қилаётган ишининг охири ёмонлик билан тугагини билиб жиноятга қўл урганларни сира кечириб бўлмайди. Бу шахсан менинг фикрим. Сен билан тортишмоқчи эмасман. Сен қонунчисан. Бу сенинг нонинг. Ипидан игнасиғача биласан.

Уй эгасининг бу мавзуда гап очиши Мухторга савол бериш учун йўл очгандай бўлди.

— Сергей Петрович, агар сир бўлмаса айтинг-чи, бу йўлга қандай тушиб қолдингиз?

Уй эгаси бир дона папиросни қўлига олиб, тамаки ўралган қисмини бармоқлари билан обдан эзди.

— Биринчи гал ўғирлик учун ўтирдим. Аслида бунини ўғирлик дейиш аҳмоқлик. Уйимизга бир киши келиб турарди. Киночи. Онам уни яхши кутиб оларди. Ҳатто, баъзида ичиб олиб онамни уриб, ҳақоратларди. Гапнинг очиғи, у киши менга ёқмасди. Унинг қип-қизил башараси менга қайсидир ҳайвонни эслатарди. Бир кунни ўша киночини уйга қўймадим. Эшикни ичкаридан қулфлаб олдим. Дўқ урса дўқ урдим. Сўкса сўқдим. Ҳатто девор устига чиқиб ортидан тош отдим.

Шу-шу уйимизга келмай кетди. Бир кун кинога чиқсам, унинг ўғли Петка мотоциклини чуқилаб ўтирибди. Юрма-япти экан. Мендан кўриб бер, деб илтимос қилди. Кўндим. Фақат тузатгач, қишлоқнинг нариги бошига бориб келишимни айтдим. Келишдик. Мотоциклни тез тузатдим. Келишганимиздек, қишлоқнинг у бошидан қайтмай, қизиқиб,

узоқроқ кетдим. Ярим йўлда бензин тугаб, ўчиб қолди. Анча ергача етаклаб келдим. Қишлоққа кираверишда ортимдан бир мошин келиб тўхтади. Озро бензин олдим. Қайтиб келсам, кинотугабди. Клубда ҳеч ким йўқ. Киночининг уйига боришга қўрқдим. Петканинг ўзи келиб олиб кетар, деган хаёлга бордим-да, мотоциклни уйимизга миниб кетдим. Эрталаб мени кимдир туртиб уйғотди. Кўзимни очсам, Федобзи. Ушанда у жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи эди. Ҳовлидан эса киночининг оймга қараб бақирган товуши эшитилди:

— Евгения, арзанданнинг дастидан қишлоқда тинчлик бўладими, йўқми қанақа бола туққансан ўзи? Бу шўҳратшўхнинг дастидан одамларнинг товуғи қолмаса, тухуми қолмаса? Бу ним деган гап? Ҳаммасига чидадик. Оқибат мана: куппа-кундуз кунни ишонамдан мотоциклимни ўғирлаб кетибди. Эртаниндин бунингни дастидан машина ҳам минолмай қоламиз.

Уша кунни Федя обзи мени бўлимга олиб кетди. Сочлари оппоқ, семиз, қари терговчи гапимга сира ишонмади. Ёшлигим учунми, роса йиғладим. Бўлмади. Охири терговчига ялиндим. Бу эсанга унга бошқача туюлди шекилли, чақчайган кўзларини менга қадаб, дўқ урдим.

— Учир овозингни, шумтака. Сен ўғирсан. У томонлардан мулла минга эшакдек ювош бўлиб қайтасан.

Мезбон гапидан тўхтаб қўлида эзиб ўтирган папиросни лабига қистириб тугатди.

— Тўрт йил ўтирдим ўшанда. Аммо шунча қамалиб чиқсам-да, ҳатто чумчуққа ҳам озор беришдан қўрқаман. Одам у ёқда турсин, энг кучсиз жониворга ҳам қасд қилиш гуноҳ. Худо берган жонни худонинг ўзи олгани маъқул. Қолганларидан қалбаки пул ва ҳужжатлар ясаганим учун жазоланганман. Аслида бу қалтис ишга қўл урмасдим. Аммо қамоқдан чиққач, ҳеч қаерга ишга олишмади. Айниқса, ўғирлик учун ўтирганимни эшитгач, ҳамма идоранинг эшиги мен учун тақа-тақ беркилди. Бирок ерда ишламагач, ким сенинг киссангга беш тийин солиб қўярди. Ҳеч ким қорнинг очгач, тўйғазишнинг йўлини ўзинг топишинг керак. Қарабсанки, ишга киришиб кетдим. Кўп эмас, фақат қорин тўйғазиш учун етадиган миқдор дагина пул ишлардим, холос. Сира чегарадан ўтмасдим. Чунки бу ишнинг охири нима билан тугагини яхши билардим.

— Ҳозир ҳам ясай оласизми? — деб қизиқиб сўради Мухтор.

Сергей Петрович индамади. Ток зангидан гоҳ пастга, гоҳ юқорига қараб ўрмалаётган чумолилар тизмасига бир зумгина тикилиб қолди.

— Йўқ. Бунақа ишларни ташлаганимга анча бўлди. Энди қаридик, ука. Набирам бор. Тинчлик керак. Умримнинг қолган қисмини ҳамма қатори тинч ўтказмоқчиман. Ҳатто отам тирилиб келганда ҳам бу ишга қўл урмайман, деб қасам ичганман. Қасам ичилдими, уни бажариш керак. Акс ҳолда худонинг қаҳрига учрайсан. Яқинда эски танишлардан бири келиб қолди. У томонда тўрт йил бирга бўлганмиз. Жуда қадрдон эдик. Ўзи ёмон йигит эмас. Вақти келганда бир бурда нонни бўлиб еганмиз. Уша оғайним ҳам худони ўртага қўйиб илтимос қилди. Ҳатто ялинди ҳам. Мен эса кўнмадим. «Шу учун келган бўлсанг, эшикни орқасидан беркитиб қўй» дедим. Бир тунгина меҳмон бўлди. Уни биз қамоқхонада Бегим Ақопян деб қақирардик. Сабаби яхшигина кўзбойлағич эди.

Бу гапларни эшитгач, Мухтор ўтирган еридан қандай туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Дастлаб қулоқларига ишонмади. Сухбатдошининг айтган гапидан қайтиб қолишдан чўчиб, унинг тирсагидан ушлаб ўзига қаратди. Сўнг ўткир нигоҳини унга қадаб сўради:

— Сергей Петрович, сиз қайси Бегимни айтяпсиз? Илтимос, бошидан тушунтириброқ гапирсангиз?

Терговчининг бунчалик тез ўзгаришидан уй эгаси бир дақиқа шошиб қолди. Бирон ноҳўя гап айтиб қўйдимми, деб хавотирланди.

— Одамни қўрқитиб юбординг-ку, ука. Бегим деганим, қамоқхонада танишган оғайним. У ерда каравотлар устмас-ўста бўлади. Унинг ўрни пастда эди. Аммо менинг ёшимни ҳисобга олиб, ўрнини менга берганди. Жуда эпчил йигит. Чўнтагиндаги нарсани қандай олиб қўйганини сезмай қоласан. У мендан олти ой олдин қутулиб чиққанди. Ҳозир тинч яшайди. Қайсидир ширкатда ишлар экан.

— Ширкатда дедингизми?

— Ҳа, ширкатда. Адашмасам, улар қурилиш ишлари билан шуғулланишар экан. Бегим бригадир экан. Бошлиқлари Уралга қўчиб кетаётган эмиш. Урнига Бегимни қўйиб кетармиш. Шу учун паспорти янги бўлиши керакмиш, ўзининг паспортида қамалгани ҳақида белги бор. Бу белги билан дурустроқ ишга қўярмиди?

— Фақат шугинами? Ё бошқа нарсаларни ҳам айтдимми?

— Биз паспортдан бошқа мавзуга ўтмадик. Ҳа, исмини ўзгартириб олишини ҳам айтди. Нимагадир исми ўзига ёқмасмиш.

— У сизникида неча кун бўлди?

— Атиги бир тун.

— У сиздан бошқа ёрдам сўрамадими? Балки пул сўрагандир?

Сергей Петрович тирсақларини столга тираб, кулги аралаш жавоб қайтарди.

— У пулни эмас, пул уни ахтаради. Кўринишидан ёмон яшамайди. Ярим тун-

да ароқ тугаб қолди. У эса топиб келишни буюрди. Бугун иши юришганини, бу омадни ювиш лозимлигини айтди.

— Қанақа омад экан, айтмадимми?

Уй эгаси бепарво қўл силтади.

— Суриштирмадим. Менга бунинг нима қизиғи бор. Шу кўчамизнинг нариги бошида бева аёл яшайди. Ёши бир жойга бориб қолган. Тунда ароқ истаб келганларнинг ҳожатини чиқариб туради. Пулига чидасанг бас. Лекин унинг кимлигини сенга айтмайман. Бировни сотиш инсофдан эмас. Бегимга фақат шу кампирда борлигини айтдим. У икки дона бели синмаган элликтиликни қўлимга тутди. Бу пул кўплигини, биттаси ҳам етиб ортинини айтдим. Қайтиб олмади. Аксинча, чўнтагимга солиб қўйди. «Кейинги келишимга ғамлаб қўй, шунда ярим тунда туртиниб юрмайсан», деди. Минг қилса ҳам меҳмон-да. Раъинни қайтаролмадим. Уч шиша ароқ олиб келдим. Кабоб пишириб эрталабгача ўтирдик.

Мухтор ёнидан дафтарчасини олиб сухбатдошининг гапларини ёзиб олмоқчи бўлди. Ён чўнтагига қўлини солишга солди-ю, бироқ тезгина бу фикридан қайтди. Чунки ортиқча ҳаракат уй эгасини чўчитиб қўйиши мумкин. Масаланинг шундай нозик томонларини ўйлаб, мезбоннинг гапларини ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Шу боис у ҳам-сухбатининг киприк қоқишидан тортиб, оғиз қимирлатишигача кузатиб ўтирди. Шу тобда унинг бутун вужуди қулоққа айланган эди.

— Бегим сизнинг уйингиздан қачон чиқиб кетди? Ортидан биронта енгил машина келдими ёки автобус бекатига чиқдими?

— Гапим ёлғон бўлмасин. У эрталаб озроқ ухлаб олди. Уйқудан тургач, Маруся бизга қуймоқ пишириб берди. Аммо Бегим нонушта қилмади. Хотинимдан аччиқ кўк чой дамлаб беришини сўради. Биз қора чой ичардик. Уйда кўк чой йўқлиги сабабли холанг ўшниларикига чой сўрагани чиқиб кетди. Бироқ у кампирнинг қайтишини кутмади. Муҳим ишлари борлигини айтиб ўридан турди.

— Демак, уни олиб кетиш учун ҳеч қайдай машина келмаган. Шундайми?

— Мен кўрганим йўқ.

— Кийимлари қанақа эди?

— Жуда ясаниб олган эди. Бўйинга галстук тақиб, пошнаси баланд қора туфли кийиб олган. Худди Ақопянга ўхшарди.

— Бегим қайси томонга кетди? Балки бу ҳақда у сизга айтгандир? Ахир, унинг иши битмабди-ку?

— Менимча, у Бухоро томонга кетди.

— Нима учун?

— Ғиждувонлик бир йигит биз билан

қамоқхонада ўтирган. Илоннинг ёғини ялаган бола. Уришни пулга сотиб оларди. Тилла билан шуғулланган. Исми ҳам ёдимда. Тожибой. Ҳа, ҳа, Тожибой эди. Чап қўлининг бош бармоғи йўқ. Болта кесиб кетган.

— Бегимни Тожибойда қандай иши бўлиши мумкин?

— Мен сенга тушунмаяпман. Ахир, сен мени аста-аста алдаб тергов қиялсан-ку? Бу қандай гап? Мени йўқлаб келган меҳмоннинг, қамоқхонада ортирган оғайнилариمنىнг сенга нима қизиги бор? Тавба, мен Эгам тайинлаган иш юзасидан келдингми ё мени сўроқ қилишгами? Бу ишингни қандай тушунсам бўлади?

Уй эгасининг айниб қолишдан қўрққан Мухтор гапни узоқдан бошлади.

— Сергей Петрович, мендан бекорга ранжияпсиз. Сизни ўзимга яқин олиб, айрим нарсаларни сўраганим учун узр. Ахир, сиз Эгам Раҳимовичнинг дўсти бўласиз-ку. Демак, мен учун ҳам бегона эмассиз. Менинг ўрнимда Эгам Раҳимович бўлганларида ҳам шу одам билан қизиқардилар.

— Тинчликми? У яна бирон ишқал қилибдими? Ахир, бекорга сўрамаётгандирсан?

Мухтор гапни қисқа қилди.

— Мен ҳозирча Бегимни айбдор ёки жиноятчи дейишдан йироқман. Буни тўғри тушунишингизни истардим. Бир иш юзасидан унинг ёрдамига муҳтожмиз. У бизга керак. Тушундингизми? Ахтараётганимизнинг боиси ҳам шунда. Бегим дўстингиз Эгам Раҳимовичга сўз берган экан. Ишонмасангиз, ўзидан сўрашингиз мумкин.

Мухторнинг шошилмасдан, босиқлик ва бепарволик билан қайтарган жавоби уй эгасининг кўнглини хотиржам қилди. Айниқса, болаликдаги дўсти, оғир кунларда озми-кўпми ёрдам қўлини чўзган Эгам Раҳимовичнинг номи яна тилга олинган, юрагидаги хавотир кўтарилди. Шу боис билганларини яширмади.

— Тожибой ҳам катта уста. Қалбаки ҳужжатлар тайёрлашда мендан қолишмайди. Қамоқхона бошлиғининг уйида биргаликда гул солганмиз. Мен кўнмагач, ишнини у орқали битказмоқчи бўлди.

— Наҳотки, Тожибой бу қалтис ишга қўл урса? Ахир, унинг ҳам оғзи куйган-ку?

— Билмадим. Олдиндан бир нарса дейиш қийин. Сен у томонлардан ҳамма мулла бўлиб қайтади, деб ўйлайсанми? Бе, инсофга келмайдигани келмайди. Юз йил ўтирса ҳам ақли кирмайдиганлари бор. Ундайларни фақат гўр тўғрилайди.

Мухтор Сергей Петровичнинг елкасига қўлини қўйди.

— Раҳмат, сизга. Бир жумбоқнинг ечилишига анча ёрдам бердингиз.

Улар ўринларидан туришди. Мухтор Сергей Петровичга яна миннатдорчилик билдириб, эшик тутқичига қўл узатган ҳам эдики, уй эгаси уни тўхтатди:

— Қаёққа шошяпсан? Сени полковник менинг олдимга нима иш билан юборган эди. Ё эсингдан чиқиб қолдимми?

Шундагина Мухтор бу хонадонга нима мақсадда келганини эслади. Шошқалоқлигидан хижолат чекди.

— Кечирасиз, умуман хаёлимдан кў тарилибди. Яхши эсимга солдингиз. Бўлмаса ярим йўлдан қайтиб келардим. Буюртма тайёрми? Олиб кетаверсам бўладими?

Сергей Петрович деворнинг офтоб тушадиган томонига суяб қўйилган шиорга ишора қилди.

— Олиб кетишинг учун машина керак. Бир-икки киши эплолмайди. Юпқа тунукага ёзганман. Улчаб чиқдим. Уласаларинг бутун бино пештоқини эгаллайди.

Мухторнинг кўзи тунукага бир текис ёзилган ҳарфларга тушди:

«Қайта қуриш сиёсатининг кучи милиция хизматининг қай даражадалигига боғлиқдир».

* * *

Эгам Раҳимовичнинг хонаси берк экан. Мухтор зиналарни бир-бир босиб пастга, навбатчи милиционерлар ўтирадиган бўлимга тушди.

Сочларига оқ оралаган, чап юзида чандиғи бор милиция майори юмшоқ курсига ўтириб олиб кроссворд ечарди. У Мухторнинг кириб келганини сезиб, бошини кўтарди. Кўзойнагини ечиб, ундан сўради:

— Қурама тоғи этагида Бобур тўхтаб ўтган жой. «Б» ҳарфидан бошланиши керак. Етти ҳарфдан иборат экан.

Мухтор «кроссворд жинниси» деб ном олган майорнинг саволига унчалик эътибор бермади.

— Эгам Раҳимович қаердалар, зарур ишим бор эди?

— Ҳозир қаердалигини биламан. Лекин шу саволга жавоб топишиб юборсанг, айтаман. Розимисан?

Мухтор саволни қайта ўқишини сўради. Шундан сўнг шошилмай жавоб қайтарди:

— Бу ҳозирги Пискент шаҳри. Бобур мирзо маълум муддат ўша ерда тўхтаб ўтган. Буни билмаслик уят. Ҳадеб Бүдённийни мақтагунча ўз ўтмишингизни ўргансангиз бўлмайдимми?

Навбатчи майор ҳарфларни санаш билан овора бўлиб ҳамкасбининг киноясига унчалик эътибор бермади. Кейин худди Мухтор кетиб қолаётгандек, навбатчи шошиб у томон ўғирилди. Кўзойнагини ечиб мароқ билан қулди.

— Оббо тарихчи-ей. Сенинг жавобингдан Бобурнинг лашкари бўлганми-

сан, деб ўйлабман. Кимни лақиллат-
япсан? Савол шарти бўйича, ўша жой-
нинг номи «П» билан эмас, «Б» билан
бошланиши керак. Хўш, халқимизнинг та-
рихчиси, бунга нима дейсан? Е ўтмиш-
да бунақа жой бўлмаганми? Балки га-
зетадагилар буни адашиб беришдими-
кан?

Мухтор навбатчи майорнинг пичинг
гапига мулоим жавоб қайтарди.

— Утмишда ўша ерда бор-йўғи йи-
гирма хўжалик яшаб, боғдорчилик би-
лан шуғулланишган. Шу боис ҳам Бис-
кент деб аталган. Вақт ўтиши билан
унинг номи Пискент бўлиб кетган.

Навбатчи яна қўлига қаламни олиб,
рўзнома устига энкаяр экан, тушунтир-
ган бўлди:

— Бошлиғинг Анвар Собировичнинг
олдиларида. Киришингни сўраган.

Анвар Собировнинг эшиги олдида
Мухтор бир муддат тўхтади. Чўнтаги-
дан тароғини олиб, сочини таради. Кўй-
лак ёқаларини тортиб тўғрилаган бўлди.
Шундан сўнг эшик тутқичидан ушлаб
ичкарига итарди.

Икки бошлиқ ака-укалардек ёнма-ён
ўтириб, ниманидир муҳокама қилишар-
ди. Мухтор одати бўйича ичкарига бир
қадам ташлади-да, тек турган ҳолда
сўради:

— Киришга рухсат этинг, ўртоқ май-
ор?

Анвар Собиров ўрнидан турди. Юм-
шоқ гилам устидан бир-бир қадам босиб
юрди-да, ўз ўрнига бориб ўтирди. Сўнг
Мухторга буюрди:

— Кел, ўтир. Сени кутиб тургандик.
Хўш, ўртоқ лейтенант, бизни нима билан
хурсанд қилмоқчисан?

Мухтор «бошлайверайми» деган маъ-
нода ёнида ўтирган Эгам Раҳимовга маъ-
ноли тикилиб олди. Бошлиқдан рухсат
бўлгач, гап бошлади:

— Кеча айрим чигалликларни еча
бошладик. Аниқлашимизча, Бегим Ис-
матов Баҳор кўчаси, 13 уйда яшовчи
Кварчук Сергей Петрович деган шахс-
нинг уйида бўлган. Улар илгаридан та-
ниш. Қамоқхонада бирга бўлишган.

— Тўхта, — чап қўлини кўтарди мили-
ция бошлиғи. — Сен мен билмаган янги-
ликлардан гапир. Бу кечаги гап.

Мухтор шошиб қолди. Кеча тундаёқ
қилган ишлари ҳақида Эгам Раҳимовга
ҳисобот берганди. Ҳойнаҳой полковник
бошлиқни вақтида огоҳлантирган кўри-
нади.

— Кеча Эгам Раҳимовичга айтиш хаё-
лимдан кўтарилибди. Бу учун узр сўрай-
ман. Иш ўнгидан келганидан ҳаяжонла-
ниб кетдим, — деди Мухтор. — Шаро-
фат кампир ўлган куни эрталаб Бегим
Исмамов Сергей Петровичнинг уйига
келган. Уй эгасининг айтишига қараганда,
у телефон орқали ким биландир гаплаш-
ган.

— Ким билан? Нима ҳақда гаплашган-
ини эшитмабдими?

— Эшитмаган. Бегим номер теришдан
аввал «сим бошқа аппаратга уланма-
ганми?» деб сўраган. Сўнг хона эшигини
ёпиб гаплашган.

Орага оғир сукунат чўкди. Ҳар ким
бу воқеа тафсилоти мағзини ўзича чақа
бошлади. Қизик, наҳотки «тез ёрдам»
бўлимига сим қоқиб кампирнинг аҳволи
ҳақида хабар берган одам шу бўлса? Ан-
тиқа қарама-қаршилик. Хўш, гумондор
нега бу йўлни танлади? Аввалига кучдан
қолган бир бечора кампирни ўлдирса-ю,
зум ўтмай бутунлай олдинги ҳаракатига
тескари йўл тутиб, кампирга ёрдам ча-
қирса. Бу не кўргиликки, қўли қон одам
яхшиликка қўл урса?

Орадаги сукунати милиция бошлиғи
бузди.

— Шошилиш керакмас. Буни синчик-
лаб текшириш лозим. Қўлимизда уни
қотилликда айблаш учун асос йўқ. У
қамоқхонадан қочган. Қўлга тушган чо-
ғида ҳам фақат шу айбини тан олади.

Шу пайт эшик очилиб, ичкарига котиба
кирди-да, бошлиққа хат узатди:

— Ички ишлар вазирлигидан, махфий
экан.

Анвар Собиров кўк муқовали хатни
оча туриб сўради:

— Бошқа ҳеч гап йўқми?

— Бор. Прокуратурадан котиба қиз
келди. Бир талай чақирув қоғози олиб
келибди. Ташлаб кетмоқчи. Участка
инспекторлари тарқатиб чиқармиш.
Олиб қолаверайми? Прокурор милиция
бошлиғи билан ўзим гаплашаман, деган-
миш.

Анвар Собиров хатжилдни очиб, унинг
ичидан оппоқ варақни олар экан, баланд
овозда жавоб қайтарди:

— Милицияда почтачилик вазифаси
йўқ. Участка инспекторларининг ўз ишла-
ри бор. Прокурорнинг эсидан чиққан
бўлиши мумкин. Котибасига айтинг, эс-
латиб қўйсин.

Котиба изига қайтгач, Анвар Собиров
хатни шошилмасдан ўқиди.

— Зап замонлар бўлди-да! Қаранг,
олтин ишқибозлари фақат бизда эмас
экан, — деди ўқиб бўлгач. — Кўп жой-
ларда қадимий ёдгорликларни ўғирлаш-
га ҳаракатлар қилишибди. Вазирлик шун-
дан ташвишда. Мени эса бошқа нарса
ташвишга соляпти. Келинг, яхшиси, бир
бошдан ўқиб берай.

«...Шу оянинг бошларида Бухоро ви-
лояти Ғиждувон туманида жумҳурият Ич-
ки ишлар вазирлигининг оператив вакил-
лари жойлардаги милиция ходимларининг
ҳамкорлигида «ПРОТЕЗ» операциясини
ўтказишди. Унда ўғирланган олтинлар-
дан узлуксиз равишда қиммат баҳо-
да тиш ясаб келаётган бир неча тиш
докторлари ва фирибгарлар қўлга олин-
ди. Аниқланишича, улар узоқ йиллар мо-

ХАБАРНОМА

байнида жиноятчи гуруҳ билан тил бириктириб, иш олиб боришган. Қўлга олинган буюмлар, асосан, аёлларнинг никоҳ узуклари, бўйинга осадиган тилла тақинчоқлар ва сирғалардан иборат. Шунингдек, бу буюмлар орасида ўтган асрнинг ўрталарида Кўқон заргарлари томонидан ишланган тилла тақинчоқлар ҳам мавжуд...»

Хат тугагач, Анвар Собиров айланма курсисига чўкиброқ ўтирди. Сўнг Эгам Раҳимовга савол берди:

— Хўш, сиз қандай фикрдасиз? Уша заргарлик буюми биз ахтараётган Шарофат кампининг мероси эмасмикан? Кўнглим ниманидир сезяпти. Менимча, биз ахтараётган калаванинг учи Бухорога бориб тақалади.

Тергов бошлиғи, одатига кўра, дарҳол жавоб қайтармади. Хаёлидан кечаётган турли фикрларни жамлаб, ўзига кўпроқ маъқул бўлганини айтди:

— Бўлиши мумкин. Биз шу кунгача Бегим Исматовдан гумон қилиб келяпмиз. Демак, тутган йўлимиз тўғри. Сергей Петровичнинг таъкидлашича, Бухорода, айнан Гиждувонда олтин ўғирлагани учун қамалиб чиққан Тожибой деган шахс яшайди. Бегим Исматов айнан ўша йигит билан қизиққан. Менимча, гумондор уни бекорга сўрамаган. Ишини у билан битказмоқчи бўлган. Менинг фикрим шундай: Бегим олтинни фақат пуллаш учунгина Тожибойнинг олдига кетган. У учун паспорт иккинчи даражали нарса. Сергей Петровични синаш мақсадида чалғитган бўлиши ҳам мумкин. Чол унинг ҳамма гапларига, ҳатто қайсидир ширкатда ишлайман, деганига ҳам ишонган. Бироқ, мени бошқа нарса ташвишга соляпти. Ҳамкасбларимиз қўлга олган заргарлик буюмлари орасида биз ахтараётган зебигардон бўлмасачи?

Анвар Собировга полковникнинг гапи ёқмади. Шу боис, кинояли кулди.

— Хўш, энди нима қилмоқчисизлар?

— Қўлингиздаги хатда тилла буюмининг номи ёзилмабди. Балки у бутунлай бошқа нарсадир. Агар сиз рози бўлсангиз, Мухтор бугуноқ Бухорога учса. Тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқарди. Балки ушланганлар орасида Бегим Исматов ҳам бордир? Шундай қилсак, иш тез ҳал бўларди.

— Лейтенантни овора қилиш шартмас. Яхшиси, махфий телеграмма юборсин. Улар, албатта, жавоб қайтаришади. Жавоб келгунча лейтенант бошқа ишларини қилсин.

Анвар Собиров шундай деб ўрнидан турди.

... Эрталаб Мухторнинг хонасига ёш милиционер йигит кириб унинг қўлига оқ қоғоз тутди:

— Бухородан жавоб олдик.

Мухтор шошилиб қоғозга кўз югуртирди.

Гиждувон район ички ишлар бўлими сизнинг сўроқномангиз бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

Жумхурият ички ишлар вазирлиги оператив ходимлари билан ўтказилган Протез» операцияси давомида ғайриқонуний равишда фуқароларга тилла тиш қўйиб келаётган икки тиш доктори ушланди. Улар:

1. Шодмон Ўсаров, 1937 йил туғилган. Маълумоти олий. Оилалик. Беш фарзанди бор. Дастлаб қамалмаган.

2. Иzzат Носиров, 1947 йил туғилган. Маълумоти олий. Уч фарзанди бор. Илгари судланмаган.

Ҳар икки докторнинг уйдан турли шаклдаги тилла тақинчоқлар ва тайёр ҳолга келтириб қўйилган тилла тишлар топилди. Шунингдек, Шодмон Ўсаров уйдан топилган тилла тақинчоқ ўтган асрнинг ўрталарида Кўқон заргарлари томонидан ишлаган зебигардон бўлиб, унинг пастки томони кемтик ҳолда.

Олтинфурушлик билан шуғулланиб келаётган жиноий гуруҳнинг бошқа иштирокчилари устидан тергов ишлари олиб борилаётгани сабабли, уларнинг тўла номларини Сизга кечиктириб маълум қилишни лозим топдик...»

* * *

... Шифохонанинг қабул қилиш бўлими даҳлизида Мухторни ҳамшира тўхтатиб, юқорига кўтарилишига йўл қўймади.

— У ёққа шахсан профессорнинг руҳсати керак.

Мухтор диванга бориб ўтирди. Сўнг ўриндининг бир томонида беҳол ўтирган аёл билан саломлашди.

— Вой, ўзингизмисиз, ука? Биз Ойбек билан Нодира қизни кўргани келувдик. Бизни қўйишмаяпти. Мумкин эмасмиш. Кўрмай қайтсам, акангиз уришадилар. Кўздай қўшни бўлиб хабар олмасак иснодга қоламиз-ку?

Мухтор аёлни юпатган бўлди. Дам ўтмай профессор кўринди. У ўйчан ҳолда юриб келиб, Мухтор билан совуққонлик билан сўрашди.

— Сиз ҳам ўша аёлнинг олдигами?

— Ҳа, доктор. Икки оғиз гапим бор.

Профессор кескин бош чайқади. Ҳатто кетиш учун орқасига ўгирилди.

— Утган кун операциядан чиққан. Уриниб қолади. Нега тушунишни истамайсизлар? Олдига кириш мумкин эмас. Бирон ҳафтадан сўнг хабар олинглар.

Мухтор докторнинг гапига қўшилди.

— Тушунарли. Лекин барибир мен

унинг олдиги киришим керак. Сиз ҳам тўғри тушунинг.

Профессор юришдан тўхтаб, жаҳл билан сўради.

— Нимага?

Мухтор ноқулай бўлса-да чўнтагидан гувоҳномасини олиб, ўзини таништирди.

— Онасининг қотилини топиш учун бир нарсга аниқлик киритиш зарур. Бир ҳафта у ёқда турсин, бир соатдан кейин ҳам кеч бўлади.

Профессор терговчининг аҳволига тушунди шекилли, ичкарида кимнингдир касаллик варақасини ёзиб ўтирган ҳамширага бурурди:

— Муқаддас, бу йигит билан Исмаатованинг олдига бирга кириб чиқинг. Фақат уч минутга. Тушундингизми?

Ҳамширанинг ортидан эргашган Мухторни аёл тўхтатди:

— Ука, сиздан илтимос. Озроқ овқат олиб келгандим. Ўзимни қўйишмайди шекилли. Сиз киритиб берақолинг. Яна айтиб қўйсангиз: кеча маҳалланинг одамлари мошин топиб, кўчини онасиникига келтириб қўйишди. Биз кўз-қулоқ бўлиб турибмиз. Хавотир олмасин.

... Кенг ва ёруғ хонада ётган Нодира Мухторнинг товушини эшитиб, кўзини очди. Мухтор каравот олдига ҳамшира қўйган курсига ўтирди.

— Яхшимисиз, Нодира опа? Мени танидингизми?

Аёл аста бош қимирлатиб жавоб қайтарди.

— Танидим, яхши юрибсизми?

Мухтор аёлни уринтириб қўймаслик учун мақсадга ўтиб қўяқолди:

— Опа, сиз ўша зебигардонни қўлингиз билан ушлаб кўрганмисиз?

— Ҳа.

— Қачон?

— Ушанда, онам кўрсатган пайтда.

— Ҳозир ўша зебигардонни кўрсангиз танийсизми?

— Танийман.

— Қанақасига? Уларнинг ҳаммаси бир ишланган бўлса-чи? Сиз кўрган зебигардоннинг белгиси бормиди?

— Ҳа, бор эди... — Нодира шундоқ деб кўзларини юмди тин олди. Сўнг кўзини очмаган ҳолда гапини давом эттирди. — Зебигардоннинг таг томони кемтик эди.

Мухторнинг юраги ҳаприқиб кетди. Азобни тортиб ётган бу аёлга меҳри товланиб, ўрнидан турди:

— Раҳмат, опа. Соғайиб кетинг. Мен, албатта, яна келаман. Уйингизга ўзим элтиб қўяман.

... Автобуслар жўнайдиغان бекатда Мухтор сув сотиладиган дўкон томонга юрди. Аммо у ерга яқин йўлаб бўлмасди. Навбатда турганлар занжири катта йўлгача чиқиб кетганди. У ортига қайтди. Йўл четидаги дўкончадан музқаймоқ олди. Ҳали унинг қоғозини очишга ул-

гурмасидан радио карнайдан эълон эшитилди.

— Ҳурматли йўловчилар, Тошкент — Майдатол маршрути буйича қатнайдиغان автобус иккинчи йўлақдан жўнайди. Автобусдан ўз жойларингизни олишларингизни сўраймиз.

Мухтор автобусга чиқаётган одамлар орасида музқаймоқ ялаб юришдан уялди. Шу боис уни бир четга ташлаб юбормоқчи ҳам бўлди. Аммо одамлар орасида ўзига кулиб турган Ойбекни кўргач, бу фикридан қайтди. У боланинг олдига яқинлашиб, музқаймоқни унинг қўлига тутди.

— Ол, оғайни. Менинг тишим оғриб қолди. Шоколадли экан. Фақат эртага беш оласан. Хўпми?

Ойбекнинг ўрнига онаси жавоб қайтарди:

— Вой, қўйинг, бу ширин томоқ. Сира уялмайди. Шу ернинг ўзида уч донасини еб ташлади. Лекин сира тўйдим, демайди. Ҳой, кўзингга қара. Амакингнинг устига оқизма. Раҳмат, дедингми?

Автобусда одам кўп бўлмаганлиги учун Ойбек Мухторнинг ёнига ўтирди.

Иштаҳа билан музқаймоқ ялаётган Ойбекни кўриб, Мухторнинг болалик пайтлари эсига тушиб кетди. У ҳам ҳеч қачон музқаймоққа тўймаган. Қишлоқда яшашганидан шаҳарга кам туришарди. Фақат байрамлардагина район марказига келишиб, ўзларини музқаймоқ дўконига уришарди. У шу онларни эслаб ёнидаги болага яхшилик қилгиси, кўнглини кўтаргиси келди. Чўнтагига қўлини солиб митти нарсаларни ҳам жуда катта қилиб кўрсатадиган заррабин ойначасини олиб, унга тутди:

— Ойбек, қани айт-чи, бу нима? Номини тополсанг, сенга бераман.

Болакай атрофи қора пластмасса билан ўралган ойначани қўлига олиб қизиқиш билан тикилди. Сўнг уни бош бармоғининг тирноғи устига қўйди. Қизиқ туюлди шекилли, юзида табассум югурди.

— Бунақаси бизнинг мактабда ҳам бор. Ўқитувчимиз «лупа» деган. Сиз буни қаердан олдингиз?

Боланинг топқирлигидан Мухторнинг кайфияти кўтарилди.

— Топдинг, полвон. Энди бу сенга. Мендан эсдалик.

Қувониб кетган бола унинг семиз сумкасига кўз югуртириб, сўради:

— Амаки, сизнинг ҳам отадиган тўппончангиз борми?

— Бор.

— Ҳозир ёнингиздами? У билан ўғрилари, ёмон одамларни отасизми?

— Буни ким айтди сенга?

— Отам айтдилар. Шарофат монгонни ўлдирган одамни топишса, пешонасидан отишади, дедилар.

— Сен отангнинг гапларига ишондингми? Милиция одам отмайди. У фақат

жиноятчини, ўғри ва қаллобларни ушлайди.

Бола энди астойдил қизиқиб сўради:

— Сиз-чи, сиз уни ушладингизми?

— Кимни?

— Шарофат момони ўлдирган одамни айтяпман.

Мухтор Ойбекнинг ўсиқ сочларини силаб, уни чалғитмоқчи бўлди.

— Оббо, полвон-ей, бу сенга нимага керак бўлиб қолди? Ундан кўра ўзингнинг ўқишингдан гапир. Катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан? Олимми ё шоир?

Бола катта одамлардек кескин, аммо ўйчан жавоб қайтарди:

— Мен мелиса бўламан.

Мухтор бу жавобни кутмаганди. Шу боис, баланд овозда кулиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Шунақа дегин. Оббо, сен-эй. Демак, ҳамкасб бўларканмиз-да?

Ойбек энди Мухторнинг кўзларига тик қараб гапирди:

— Ушанда мен Шарофат момони ўлдирган одамни ушлайман. Момом яхши эдилар. Тўйлардан менга туршак билан конфет келтириб берардилар. Ширмон нон ёпганларида чақирардилар.

Мухторга ёш ҳамроҳининг гаплари ёқди.

— Ғайратинг чакки эмас, ўртоқ начальник. Хўш, момонгни ўлдирган одамни қандай ушлардинг? Орқасидан қувибми ё йўл пойлармидинг?

— Орқасидан қувмасдим. Тўғри бориб қўлига шартта кишан солардим.

— Қанақасига? Ахир, уни билмайсан-ку?

— Нега билмас эканман? Мен уни танийман. Уша куни эрталаб ўзим кўрганман.

Бу гапни эшитиб, Мухторнинг вужуди ток ургандек титраб кетди. Хурсанд бўлганидан боланинг тирсагидан ушлаб ўзига қаратди.

— Нима дединг? Кимни кўргансан?

Отасининг берган танбеҳларини унутиб, терговчига билганларини валдираётган болакайнинг қилиғи онасига ёқмади. Урнидан туриб келди-да, ўғлининг қўлидан ушлади. Мухторнинг гапига ҳам эътибор бермай, эшик томон юрди-да, машинани бир маромда бошқариб кетаётган ҳайдовчига қараб бақирди:

— Ҳой, ука, якка саданинг олдида тўхтатиб юборинг. Бир йўла холамни ҳам кўриб кетамиз. Эртага ҳайит. Яна келиб юрамизми?..

* * *

... Мактаб директори яхши одам экан. Мухторнинг илтимосини ерда қолдирмади. Бўш синф хоналарининг бирига Ойбек Саломовни бошлаб келди. Мухтор бола билан батафсил гаплашиб

олгач, йўл-йўлакай «тез ёрдам» бўлимига кириб, ҳамшира Гулноза Иномованинг қачон ишга келиши билан қизиқди.

У ўзини эртанги кун учун тайёрларди: хаёлан сувдан қуруқ чиқишга интилаётган жиноятчи билан олишар, уни тузоққа тушириш йўлларини ахтарар эди.

* * *

Оқшом қоғи Мухтор Шарофат кампирнинг қўшниларига чақирув қоғози ёзгач, эртагача ўзига дам бермоқчи бўлди. Кетиш олдидан хўжалик идорасига сим қоқди. Телефон гўшагини Туроб агроном олди.

— Мухторжон, ўзингмисиз, ука. Биздан хафамисиз, дейман? Уша кундан бери келмай кетдингиз. Унча-мунча гапни кўнглингизга олиб юрманг. Бу Омонбой деганимиз шунақа. Унга бу касал йўрақда теккан. Обизамдан ичиб олгач, меҳмон борлигига ҳам қарамайди.

Мухтор Туроб агроном билан қуюқ саломлашар экан, илтимос қилди.

— Сизга малол келмаса, битта хизмат бор. Қйшлоқда сиздан бошқа яқинимиз йўқ. Айтсам хафа бўлмайсизми?

— Бажонидил, ука. Айтаверинг. Шу пайтгача сира хизматдан қочмаганмиз.

— Эртага Шарофат кампирнинг икки ён қўшнисини олиб келсангиз. Уларни гувоҳ сифатида сўроқ қилишим зарур. Қари одамлар. Шу боис, сизнинг иштирокингизда гаплашмоқчиман. Менга ёрдамлашиб, тушунмаган ерларини тушунтиришиб турасиз. Келишдикми?

Трубкадан Туроб агрономнинг иккиланган товуши эшитилди.

— Ука, у ёққа бориш қанақа бўларкин? Қари одамлар туртиниб юрса яхши бўлмас? Менга раис рухсат берармикан? Номини эшитса тепа сочи тикка бўлиб, ўзини кўярга жой тополмай қолади. «Нега улар билан алоқа қиласиз?» деб кўпчиликнинг ичида уялтиришдан ҳам тоймайди. Ичи кир одам. Бировнинг ўсганини кўролмайди. Шу боис, сизларга яқинлигимни билмасин, дегандим. Аммо ихтиёр сизда. Кел, дегангиз боравераман.

Мухтор агрономни тинчлантирган бўлди:

— Сиз бу ёғидан хавотир олманг. Мен керакли одамларнинг ҳаммасига чақирув қоғози ёзиб, участка инспекторига бериб қўйдим. Бугун кечгача олишади. Гувоҳларнинг келиши учун эса раис машина беради. Бу томонларини келишиб қўйганмиз. Маъқулми?

— Майли. Сиз айтганча бўлади.

Мухтор телефон гўшагини жойига қўйиб ташқарига чиқди. Бетон зиналарни бирма-бир босиб паства тушар экан, ўша жумбоқ ечишга ишқибоз навбатчи

майорнинг кимгадир берган саволи эшитилди:

— 1865 йил Худоёрхон Тошкентда қайси босқинчи генерал билан уришган? Бош ҳарфи «Ч»дан бошланиши керак? Ким билади? Ярим соатдан бери тополмаяпман?

Ҳеч кимдан садо чиқмагач, навбатчи дарчадан бошини чиқариб, Мухторга бақирди.

— Ҳов тарихчи, сен билмайсанми? Қўқон хони Тошкентда ким билан уришган?

Мухтор чиқиш эшигини ортидан беркиртар экан, баланд овозда жавоб қайтарди:

— Генерал Черняев билан...

* * *

...Эрталаб келишилган вақтда Туроб агроном билан Қодир мироб хонага орқама-орқа кириб келишди. Агроном терговчи билан эски кадрдонлардек қуюқ саломлашар экан, тушунтирган бўлди:

— Кеча сиз билан телефон орқали гаплашганимдан сўнг керакли одамларни уйма-уй юриб, айтиб чиқдим. Ортимдан инспекторингиз ҳам бориб қолди. Фақат Толиб оқсоқол сал кечикиб келади. Уғли бугун азонда қаёққадир учиши керакмиш. Кузатиб қўймасам кўнглим тинчимайди, дейди. Ҳеч бўлмаса дизелга миндириб юбораман, деди. Ҳозир раиснинг машинасини автостанцияга юбордим. Чолни олиб қайтади.

Гувоҳлар билан бўлган сўхбат узоқ давом этмади. Улар оғзига талқон солгандек жим ўтираверишди. Ҳатто мироб ҳам биринчи галдагидан кам гапирди.

— Бизлар дала одами бўлсак, кунимиз далада ўтса... Ҳатто кеча еган овқатимни ҳам эсдан чиқариб қўяман. Борини ёзаверинг. Имзо чекиб бераман. Ҳозир калламга ҳеч нарса келмаяпти.

Туроб агрономнинг жон куйдириб гапиргани ҳам фойда бермади. Мироб деворга осиглиқ турган соатдан кўзини ўзмай мум тишлаб ўтираверди.

Бу орада хона эшиги очилиб, Толиб чол кириб келди.

Толиб чолдан ҳам тайинли гап чиқмади. Шу боис, Мухтор уларга жавоб бериб юборди. Фақатгина Туроб агрономдан бир дақиқага қолишини сўради.

Уйқусизликми ё гувоҳларнинг лоқайдлигимми, Мухторнинг юрагига таъсир қилди. Шундай бўлса-да, Туроб агрономни қуруқ қайтаргиси келмади. Электр чойнакни токка улаётиб, юрагини ушлаб, ингради.

Терговчининг бу ҳолатини кўрган агроном шошиб қолди. Узун столни айланиб ўтди-да, энгашиб қолган Мухторнинг елкасини ушлади.

— Мухторжон, сизга нима бўлди, ука? Қаерингиз оғрияпти?

Мухтор инграган ҳолда жавоб қайтарди:

— Юрагим санчди, Туроб ака. Илтимос, сиз «03»га сим қоқиб докторни чақирсангиз.

Шошиб қолган агроном айтилган рақамни терди-да, навбатчига тушунтирган бўлди. Зум ўтмай етиб келган «тез ёрдам» машинаси беморга хонанинг ўзидаёқ ёрдам кўрсатиб кетди.

— Сизни ҳам безовта қилиб қўйдим. Кечиринг. — деди Мухтор, ўзига чой узатган агрономга.

— Безовтаси борми, ука. Озроқ қўрқдим, холос. Юрак билан ҳазиллашиб бўлмайди. Бу палидлар сизни ҳам сиқиб юборишди. Гапга тушунмайди. Ҳали ҳам бизга раҳмат, денг. Шу одамлар билан эртадан-кечгача тил топишиб юрамиз.

Мухтор тили остига дори ташлар экан, қайноқ чойдан ичиб ўтирган Туроб агрономдан сўради:

— Айбга буюрмайсиз. Сизга бир савол берсам, майлими?

— Бош устига, ука.

— Айтинг-чи, сиз йигирма биринчи март куни эрталаб район марказига нима учун бордингиз?

Туроб агроном бўшаган пиёлани стол устига қўйди. Пешонасидан қуюлиб келатган терни рўмолчаси билан артди. Сўнг қалин қошларини чимириб эслagan бўлди:

— Мен шу куни дорихонага келганман. Биринчи сувга озроқ амафос бериб керак. Пахта яхши ўсади. Назаримда, ўн тоннача кераж эди.

— Яхши. Сиз у ерда ким билан учрашдингиз?

— Омбор мудирини билан. Адашмасам, биринчи учрашганимизда сизга бу ҳақда айтган эдим. Ёдингиздан кўтарилган шекилли?

— Гапларингиз ёдимдан чиққани йўқ. Лекин мени бошқа нарса безовта қияпти. Уша куни сиз айтаётган омбор мудирини ишга чиқмаган. Заводга буюртма бергани кетган.

Нимагадир Туроб агрономнинг дастлаб қўллари, сўнг оёқлари титрай бошлади. Бу ҳолатини терговчига билдирмаслик учун зўраки кулди. Бўлмади. Мухторнинг синчков кўзлари унинг тиззаси устида титраётган қўлларига тушгач, агроном юзини ишқаб титроғини тарқатмоқчи бўлди.

— Сиз буни қаердан биласиз, ука. Ё мендан шубҳа қиялмасизми? Биз даладан ташқарига чиқмаган одаммиз. Шунанга ҳазиллашасизми? Қўрқитиб юбордингиз-ку!

Рақибининг бир қадам бўлса-да, чекинаётганини сезган Мухтор яна ҳужумга ўтди:

— Демак, омборчининг бўлмагани рост. Бироқ сиз марказдан куруқ қайтмагансиз. Кимгадир сим қоққансиз. Кимга?

Туроб агроном кул остидаги чўғни босиб олган ялангоёқ одам ҳолига тушди.

— Мен сизга тушунмаяпман? Қаерга сим қоқишим мумкин? Сиз кимни назарда тутяпсиз?

Мухтор стол тортмасидаги магнитофонга кўз қирини ташлаб кўйди. Унинг бехато ишлаётганига ишонч ҳосил қилгач, гапида давом этди:

— Қаерга ва кимга сим қоққанингизни ўзингиз яхши биласиз. Ё ким билан гаплашганингизни эслатиб кўяйми?

Агроном бор кучини тўлаб, бошини кўтарди. Терговчининг юзига тик боқди. Четдан қараган одамга унинг бу ҳолати кўпроқ яраланган шернинг сўнгги ҳамласига ўхшаб туюларди.

— Сиз бекордан-бекор оддий одамларга зулм қилманг, ука. Отангиз тенги одамман. Қишлоқи, ҳеч нарсага тушунмайди, деб тепавериш керакми? Бизнинг ҳам, оз бўлса-да, давлатга фойдамиз тегиб турибди. Ишонмасангиз, ана, райкомнинг олдидаги деворда суратим осиглиқ турибди. Ҳойнаҳой у ерга жиноятчининг расмини осиб кўйишмаса керак? Бундоқ атрофга ҳам қаранг-да, ука?

Мухтор телефон гўшагини кўтариб навбатчи милиционерга тайинлади:

— Менга бир қиз келиши керак эди. Яхши, келган бўлса хонамга кирсин.

Бир оз фурсат ўтгач, аввал хона эшиги беозор тақиллади. Сўнг эшик очилиб остонада чиройли қиз кўринди. Ҳеч нарсага тушунмаган агроном яна терговчига тикилди.

Мухтор қизнинг кўп вақтини олмади. Пастга тушиб кутиб туришини илтимос қилди-да, агрономга юзланди.

— Қаерга сим қоққанингизни билмайман. Аммо ҳозирги қиз «тез ёрдам» бўлимида ишлайди. Тушунтириброқ айтадиган бўлсак, фуқароларнинг телефон орқали бўладиган қакирувларини ёзиб олиб, одам жўнатади. Хотираси яхши экан. Эшитган овозини танийди. Унинг бу қобилиятини синая ҳам кўрдик. Бу ўйинда ўзингиз ҳам иштирок этдингиз. Ҳозир телефон орқали сиз ана шу қизга мурожаат қилдингиз. Тўғри, сиз уни танимаган бўлишингиз мумкин. У эса ўзингизни танимаса-да, овозингизни танибди. Ё бунга ҳам ишонмайсизми?

Туроб агроном бу зарбани кутмаганди. Ўзини йўқотиб кўйди. Аммо, масала унинг зиёнига ҳал бўлаётганини ҳис қилиб, яна ҳужумга ўтди:

— Гапингиз ёлғон. Сиз тухмат қиляпсиз. Мен ҳеч қаерга сим қоқмаганман. Одам — одамга ўхшагандек, овоз ҳам овозга ўхшайди. Билдингизми? Ана,

телевизорда наманганлик Жакбарали деган йигит не-не артистларнинг товушини қилиб ашула айтди. Ё сиз бунга ишонмайсизми? Менинг айбим одамгарчилик юзасидан сизга «тез ёрдам» чақириб берганимми?

Мухтор ўриндан турди. Худди Эгам Раҳимовдек бир-бир қадам босиб дераза олдига келди. Ҳарир пардани бир четга суриб, қўлларини чалкаштирганча дераза раҳига орқаси билан суянди. Унинг бу ҳолати баланд қояда туриб ўлжасини пойлаётган бургутга ўхшаб кетарди.

— Мен адашган бўлсам, узр. Тўғри, дунёда Жакбарали сингари истеъдодлар кўп. Бироқ улар ошини кўчада ичишади. Ҳалол-да. Майли, сиз менинг мана бу саволимага жавоб беринг.

— Яна қандай савол?

— Сиз Шарофат кампирнинг жанозасидан сўнг қаерда эдингиз? Қўшнилариңизнинг айтишига қараганда, ўша кунни уйингизда бўлмагансиз. Шундайми?

Агроном асабийлашиб юзини тескари бурди.

— Ёлғон. Мен ўша кунни уйда эдим. Шу ёшга етиб қўшним яхши деган одамни учратмадим. Менинг қўшниларим ҳам сиз айтганчалик фаришта эмас. Мени кўришолмайди. Ҳасад қилишади. Болонхонага чиқиб ухлаганман.

— Бўлса бордир. Айтинг-чи, машинангизни сиздан бошқа одам ҳам минадими?

Туроб агроном терговчининг анча бўшашиб қолганини сезиб, томирлари тортишган оёқларини чалиштириб олди.

— Қизиқ. Шу пайтгача эшитмагансиз? Ювиш ошида ўзингиз ҳам бор эдингиз-ку. Машинамни аллақачоноқ сотиб юборганман. Буни бутун қишлоқ биледи. Ҳозир эшак аравам ҳам йўқ.

Сухбатдошининг шундай жавоб қайтаришини олдиндан сезган Мухтор шошилмади. Аксинча, яна бошлиғидек ўта босиқлик билан суради:

— Машинангизни сотиб юборганингизни эслайман. Мен машина сотилишидан олдинги кунларни назарда тутяпман. Уни сиздан бўлак ким минарди?

Агроном чап қўлини силтаб жавоб қайтарди:

— Ҳеч ким. Машинани пешона терига олганман. Уни бировга бериб бўладими? Раҳматли отам «Уғлим, бу дунёда хотинингни, остингдаги отингни, ёнингдаги пичоғингни дўстингга ҳам ишонма», дердилар.

Мухтор рақибининг кавланган хоҳолдига ўз оёғи билан юриб келишини кутиб турганди.

— Мен ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлагандим. Тўғри, машина пулга келган. Қизиқ, болохонада ухлаётган, отасининг васиятига содиқ қолиб рулни бировга ишонмайдиган одамнинг машинаси нима қилиб Самарқанд томонларда

юрибди экан? Балки бунинг сабабини сиз биларсиз?

— Кимни назарда тутяпсиз? Менга шамма қилаётган бўлсангиз, адашасиз. Сотган машинам эски эди. Узоқ йўлга чидамасди. Қишлоқдан нарига чиқмаган. Бу ҳам ўша ғаламис қўшнилари берган маълумот бўлса керак. Пишмаган чучварани санаш яхши эмас, ука. Пишганида эзилса, адашиб кетасиз.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат. Буни эсда сақлашга сўз берман. Лекин сиз ҳам барча айбни қўшниларига юклайверманг. Уларда айб йўқ. Биласизми, то Фиждунга етгунингизча, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро йўлларидаги ГАИ постларида машинангизнинг номери ёзилган. Ҳатто ўша ерлардан соат неччида ўтганингиз ҳам махсус қайдномаларда кўрсатилган. Тезликни оширгангиз учун тўхтатишмоқчи бўлишганда, қўшнларингиз эмас, сиз тўхтамагансиз. Шундай экан, Фиждуннинг Улфатбиби қишлоғида тиш доктори бўлиб ишлайдиган акангизнинг қўлга тушишига ҳам қўшнларингизни сабабчи дерсиз? Чучварани хом санаш яхши эмас, деб тўғри айтдингиз. Чиндан ҳам пишганда адашиб кетиш мумкин.

Агроном шу гаплардан кейин енгилганини, қарийб икки ойдан бери тортаётган азобларидан бир йўла қутулганини, эндиликда қайсарлик қилиш нодонликдан бошқа нарса эмаслигини тушунди. Қисик кўзларидан ёш сизиб чиқди. Паст, қандайдир дардли овозда гапирди:

— Ишонинг, ука, менда айб йўқ. Кампирнинг ўзи айбдор. Уни ўлдириш ниятим йўқ эди. Мени шайтон йўлдан урди.

Мухтор стол тортмасидан беш-олти варақ қоғоз олиб унинг олдига ташлади.

— Бу бошқа гап. Ўз айбини виждонан тан олган одамга қонун енгиллик беради. Ҳаммасини бир бошдан ёзинг. Сизни шоширмайман...

* * *

«Район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция майори Анвар Собировга «Илғор» жамоа хўжалигининг агрономи Туроб Суяровдан.

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мен, Туроб Суяров, беш боланинг отасиман. Ўн икки йилдан бери жамоа хўжалигида бош агроном бўлиб ишлайман. Муқаддам судланмаганман. Марҳума Шарофат Зокировани яхши танир эдим. Бир қишлоқда яшардик. Кўпни кўрган, бировнинг оғирини енгил қилдиган аёл эди. Бўш пайтларимда ўтиб

ҳолидан хабар олиб турардим. Қишлоқ учун картошка ва пиёзни ҳам ўзим холисанилло элтиб берардим. Хурсанд бўлганидан кафтларини кенг очиб, узундан-узун дуо қиларди. Кенжабойимни ҳам яхши кўрарди. «Сен Тураббойнинг эмас, менинг ўғлимсан. Агар Нодира опанг эри билан яхши яшаб кетишса, шу ҳовлини номингга хатлаб бераман». дерди. Қишлоқда кўпроқ менга суюнарди.

Аниқ куни эсимда йўқ. Икки қоп пиёз олиб унинг уйига бордим. Кампир ёлғиз ўзи бир сават қалампирни ипдан ўтказиб ўтирган экан. Пиёзни кўриб хурсанд бўлиб кетди. Дарҳол дастурхон ёзиб, чой-нон келтирди. Бир кося мастава иситиб олдимга қўйди. Хуллас, тушликни ўша ерда қилдим.

Энди ўрнимдан туриб кетмоқчи эдим, кампир тўхтатди. Яна бирон нарса буюрса керак, деб ўйладим. Адашган эканман. Кутилмаганда бозорда олтиннинг нархи қанча туришини сўради. Ростини, ҳеч ҳам ишим тушмаганди. Кампир акамни танир эди. Тиш доктори бўлиб ишлашини ҳам биларди. «Мабодо акамг келса, менга учрашин», деди.

Дастлаб унинг гапига эътибор бермадим. Шунчаки сўраб қўйди-да, деб ўйладим. Кампирнинг олтин ҳақида гапиргани ҳам эсимдан чиқиб кетди. Шу йил март ойининг бошларида Мамат сартарош қизил соч ўғлига суннат тўйи қилди. Пешинда ошига бордик. Ҳали ошни еб тугатмасимдан бир бола келиб кампир қақираётганини айтди. Бордим. Тавонхона олдида аёллар кўп эди. Шарофат кампир қўлимга икки дона седана сепилган иссиқ нон тутиб, кечқурун учрашишимни сўради.

Шу куни кечки пайт идорада мажлис бўлди. Аниқроғи, бир кунлик ишнинг ҳисоботи. Сал кечикиб бордим. Кампир мендан хавотир олиб, дарвоза олдида кутиб турган экан. Ичкарига кирдик. Ҳатти остидаги супага ўтирдик. Тўйдан қатлама олиб келган экан, олдимга қўйди.

Яна гап айланиб, акамга бориб тақалди. Мен у эрта-индин келишини айтдим. Шундагина кампир қўлига ёш олиб, ёлғиз қизининг касалхонада оғир ётганини, куёвининг эса тинчлик бермаётганини айтди. Ўзида озроқ олтин буюм борлигини, акам келса бир нархга келишмоқчи эканлигини билдирди. Кейин кампир олтин буюмини бошқа одамга кўрсатишга қўрқшини айтди. Иши ўнгидан келса, мени ҳам рози қилишини эслатиб ўтди.

Мен дастлаб олтин буюм тангалар бўлса керак, деб ўйладим. Нархини сал тушириб берса, ўзим олиб қолмоқчи ҳам бўлдим. Тўғриси, акамдан қизғандим.

Йигирманчи март куни пешинда қиш-

лоқ магазини олдида кампирни учратдим. Новвот-қанд олиб кетаётган экан. Бир оз гаплашдик. Мен унга бугун кечкурун акам келишини айтдим. Бу юмни тайёрлаб қўйишни сўрадим.

Кечки пайт Шарофат кампирнинг уйига келишга чўчидим. Айни шу пайтларда кўча-кўйда бекорчи одам кўп бўлади. Шу туфайли тўнғич ўғлимни юбордим. Лекин ундан ҳам бор гапни яширдим. Минг қилса ҳам бола-да. Кимгадир мақтаниб айтиб қўйиши мумкин. Бувингга айт, дадам қизингизнинг олдига олиб борарканлар, де. Соат нечада чиқсинлар, деб сўра, дедим. Кампир пишиқ эди.

«Сахарда келишаверишсин», дебди.

Вақтли турдим. Ҳали осмонда юлдузлар бор эди. Ҳар эҳтимолга қарши машинами тайёрлаб қўйдим. Бироқ кампирнигига пиёда бордим. Кўчада ҳеч ким йўқ эди.

Толиб чолнинг дарвозасидан ўтгач, тўхтадим. Аста пахса девор томонга ўтдим. Бир оз нафасимни ростлаб, атрофни кузатмоқчи бўлдим. Шу пайт нимагадир кўзим ёшланиб, акса урдим. Иккинчи бор қаттиқ акса урганимда, деворнинг у томонидан Толиб чолнинг «ким у?» деган товуши эшитилди. Қўрқиб кетдим. Шу боис, девор остига ўтириб олдим.

Кампирнинг эшиги очиқ эди. Шу боис, ичкарига бемалол кириб бордим. Кампир пешайвонда кутиб ўтирган экан.

У одатдагидек елкамни сийпаб кўришди. Супанинг бир четига ўтирар экан, акамни сўради. Мен чўнтагимдан уч боғлам ўнталикни чиқариб, унга бердим. Акам кеча бир оз ичиб боши оғриб ётганини айтди.

Кампир пулни олди. Лекин қониқмади. Камлигини айтди. Мен ҳам бўш келмадим. Оладиган буюмимизни аввал кўрсатишни сўрадим. Кампир бир оз ўйланиб қолди. Пулни олиб, ўрнидан турди. Пешайвонга кўтарилиб, кўрпача остидан бир нима олди. Мени чақирмасам-да, ортидан бордим.

Қўлидаги тугунчани ечиб, аёллар тақадиган бениҳоя чиройли зебигардонни кўрсатди. Кампирнинг айниб қолишдан қўрқиб, камзулининг чўнтагига яна бир боғлам беш сўмлик солиб қўйдим. Аммо кампир зебигардонни менга бермади. Яна қийиққа ўраб қўйнига солмоқчи бўлди. Шу топда менда зебигардонни қўлга киритиш ҳисси уйғонди. Лекин уй эгаси сира мурасага кўнмади. Фақат акам билан савдо қилишни айтди. Қийиқчага ўралган олтин мени сеҳрлаб қўйди. Вужудимда қандайдир ёввойи, ўз иродамга бўйсунмайдиган куч пайдо бўлди. Бир ҳамла билан кампирдан тугунчани тортиб олиб қўйганимни ўзим ҳам билмайман.

Кампир менга ташланди. Мен эса

шошилганимдан бор кучим билан уни итариб юбордим. У боши билан бетон зинага бориб тушди. У бақириб одам йиғмоқчи бўлди. Қўрқиб кетдим. Нима қилишимни билмай қолдим. Қочиб кетсам, кампир мени танийди. Қўрқанимдан ёқасидан ушлаб кўтардим-да, яна ташлаб юбордим. У яна бетон зинага тушди. Нимагадир бақирмади. Уни кўтариб пешайвонга олиб чиқдим-да кўрпача устига ётқаздим. Шундагина орқа миясидан қон сизиб чиқаётганини пайқадим.

Шу пайт қўшни ҳовлидан миробнинг хотинини сўққан товуши эшитилди. Бутун вужудимни титроқ босди. Уларнинг кўриб қолишларидан кўрқдим. Шу боис, ўзимни дарвозага урдим. Йўлнинг нариги томонидаги пичан босилган болоҳона устида алланима шитирлади. Тепага қарашга чўчидим. Товуқ бўлса керак, деб ўзимни оувтдим.

Олтинни тортиб олганимдан сўнг, кампир пулларни башарамга отган эди. Ҳовлига тушган экан. Чиқиб кетишда олдим. Олмасдим-ку, пулга бармоқ изларим тушган, деб чўчидим. Шошилганимдан зебигардон ўраган қийиқчани қарерга ташлаганимни эслолмайман. Чунки, катта кўчага чиқиб то муолишга етгунча ортимга қарамадим. Уйга етиб келгач, дарвозани ичкаридан қулфлаб ётдим.

Мен кампирни ўлмагандир, деб ўйладим. Чунки уни қаттиқ урмадим. Ўз оғирлиги билан йиқилди, холос. Чунки қўлимда куч ўрнига титроқ бор эди. Уйда бир оз ётгач, машинамни миниб марказга кетдим. Катта балиқ дўкони олдидаги автоматга ўн тийин ташлаб «тез ёрдам»га хабар бердим.

Кампир тирик бўлганда милицияга ўзим бориб ҳамма бўлган воқеаларни айтишни, кечирим сўрашни ўйлаб қўйгандим. Улганини билиб, кўрқиб кетдим. Жон ширинлик қилди.

Аввал зебигардонга ишқим тушган эди. Кейин ундан қутулиш йўлини излаб қолдим. Жанозадан сўнг Бухорога жўнадим. Акамниқига тун ярмида кириб бордим. Бироқ у ерда кўп ўтирмадим. Чамаси бир соатлар ичида яна ортимга қайтдим. Акам олтинни қўлига олиб ҳайрон қолди. Ҳатто уйқуси очилиб кетди. Сира бунақаси учрамаганини, бозорда бунинг эвазига бир этак пул беришини айтди. Унга қолдириб келавердим. Гап-сўз кўпаймаслиги учун бир катта амалдорга тегишли, дедим.

Уша куни нархини келишмадик. Иштинчиб кетса, Бухорога бориб келмоқчи эдим. Ёшлигимда олтиннинг шайтони бўлади, деб эшитардим. Шу гап тўғри экан. Қилган ишимдан пушаймонман. Кечирилларингизни сўрайман. Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим ва имзо чекдим...»

...Хонага Эгам Раҳимов кириб келди. Кўринишидан унинг кайфияти ёмон эмасди. У Туроб агрономнинг тушунтириш хатини ўқиб ўтирган шогирдига қараб гапирди:

— Болам, янгиликни эшитдингми?

— Йўқ, тинчликми? — ҳайратини яширмай сўради у.

Полковник шошилмади. Агроном ёзиб тугаллаган тушунтириш хатини ўқиб чиқар экан, бошини ерга эгиб ўтирган айбдордан сўради:

— Нега сизнинг фамилиянгиз акангизникидек Усаров эмас?

Туроб агроном паст овозда жавоб қайтарди:

— Мен дадамнинг номида, у эса бобомнинг фамилиясида. Шу учун икки хил бўлиб қолган.

Жавобдан полковник қониқди шекилли, боя айтмоқчи бўлган янгилигига қайтди:

— Сен ахтариб юрган Бегим Исмамов Толдикўрғонда қўлга тушибди. Поездда ичиб олиб проводникни роса дўппослабди. Қизик, Алининг аламини Валидан олиш, деб шунга айтишса керакда.

Бегим бир оз кечиккан. Ярим соат олдинроқ келганида, балки девор ортида

ким акса урган экан, деб бошинг қотмас эди. Қамоқдан-ку, шу олтинни деб қочган. Бегим, назаримда, олтинни олиб яшириб қўйишни, сўнг яна тавба қилиб қамоққа қайтишни мўлжал қилган. Мўлжалига етдим, деганида йиқилган. Сиз, — полковник агрономга юзланди, — унинг оғзидаги луқмасини юлиб олгансиз. Олтин илинжида келган Бегим қайнонасининг ўлигини кўрган. Унинг қамоқдан қочгани, ҳовлида этигининг изи қолгани сизнинг фойдангизга хизмат қилди. Лекин... Ҳа, айтмоқчи, мучалингиз нима?

Туроб агроном полковникка ажабланиб қаради. Унинг жиддий равишда сўраётганини англаб, паст овозда «сигир» деб қўйди.

— Ажаб, — деди полковник, — агар миробнинг сигири бўкмаганида, сизни топиш осон бўлмас эди...

Туроб агроном бу ишга мучалининг, бўккан сигирнинг нима алоқаси бор, тушунмади.

Мухтор навбатчи милиционерни чақирди. Унинг буйруғи билан Туроб агроном қўлини орқасига қилди. У елкасига оғир юк ортган одамдай букчайиб қолди.

«Миробнинг сигири бўкканда сўйиб юборган эди шекилли, — деб ўйлади у. — Полковник нимага буни эслатди?»

— *

Энг йирик сўт эмизувчи. Сўт эмизувчининг орасида энг йирик жонивор кўк кит ҳисобланади. 1909 йилда энг катта кит рўйхатга олинган. АҚШнинг Жанубий Джордания штатида қирғоққа чиқариб ташланган урғочи китнинг узунлиги 33 метр 58 см бўлган.

Қуруқликдаги энг катта ҳайвон. Қуруқликда яшовчи энг катта ҳайвон Африка филидир. Эркак филнинг ўртача баландлиги 3 метр 20 см. оғирлиги эса 5,7 тонна бўлади. 1974 йил 7 ноябрь куни жанубий Африканинг Мукуссо деган жойи яқинида отиб ўлдирилган филнинг баландлиги 4 метру 67 см. чиққан. Олдинги оёғининг айланаси 1,8 метр. Вазни 12 тонна 240 кило бўлган.

24 ой чўзилган ҳомиладорлик. Осиё фили ҳомиласини 609 кундан 760 кунгача кўтариб юради. Демак, унинг ҳомиладорлиги 2 йилгача бориши мумкин.

«ГИННЕСНИНГ
МУЪЖИЗАЛАР КИТОБИДАН»

— *

Энг йирик қуш. Юқори Сенегалнинг Атлас тоғлари жанубида, Судан, Марказий Эфиопия ва Нигерда учрайдиган туяқушлар дунёдаги энг йирик қуш ҳисобланади. Баъзи эркак туяқушларнинг бўйи 2 метр 74 см. га, оғирлиги эса 156,5 килога боради.

Энг узоқ масофага учиб. Маълумотларга қараганда, Қутбда яшайдиган крачка (ўрдаксимон қуш) энг узоқ масофага — 22минг 530 км.га учган. Уни туҳум босиб ётган пайтида 1955 йили 16 май куни ҳалқаланган. Қуш Атлантика океани бўйлаб жанубга қараб учган. Африка қитъасини айланиб ўтган. Ҳинд океани устидан учган. Лекин афсуски, орқасига қайтиб келишга улгурмаган. Шунингдек, Гренландиядан Афстралиягача учиб борган қушлар ҳақида ҳам маълумот бор.

Энг оғир илон. Жанубий Америка ва Тринидад мамлакатида тропик ўрмонларда яшовчи анаконда дунёда энг оғир илон ҳисобланади. 1960 йили Бразилияда ўлдирилган урғочи илонни тортиб кўришганида, узунлиги 8 метр 45 см, йўғонлиги 1 метр 10 см, вазни эса 227 кило чиққан.

**«ГИННЕСНИГ
МУЪЖИЗАЛАР КИТОБИДАН»**

Энг заҳарли қурбақа. Даҳшатли заҳарга эга бўлган қурбақа Жанубий Америкадаги Колумбиянинг ғарбий минтақаларида кўп учрайди. У терисидаги безлардан батрахатоксин деган қаттол заҳар чиқаради. Қурбақа заҳари нақадар хатарли эканлиги 1973 йилда аниқланган. Бу қаттол қурбақани ушлаш учун қалин қўлқоп кийиш шарт. Акс ҳолда, унинг биттасидан чиққан заҳар 1500 кишини тил тортмай ўлдириши мумкин.

Энг заҳарли балиқлар. Дунёдаги энг заҳарли балиқ Ҳинд ва Тинч океанларининг тропик сувларида учрайдиган «сўгалли» балиқлар ҳисобланади. Уларнинг махсус заҳарли безлари бўлади. Тиканига тегиб кетган одам аксарият ҳолларда ҳалок бўлади.

Энг ашаддий балиқ. Тиши пискадан ҳам ўткир бўлган пиран чучук сувларда яшайдиган энг «жангари» балиқ саналади. Улар Жанубий Африканинг катта дарёларида учрайди. Сувга нимаики тушса ёки кескинроқ ҳаракат қилса, балиқлар дарҳол «ҳужумга ўтади». 1981 йил 19 сентябрь кuni Бразилиянинг Обидос порти яқинида йўловчи кемаси тўнкарилиб кетган. Пиран балиқлари 300 кишини бир зумда еб қўйган. Кемадаги 178 киши амаллаб қутулиб қолган.

Энг заҳарли ўргимчак. Бразилияда учрайдиган «дайди» деб ном олган ўргимчаклар жуда кучли заҳарга эга. Ниҳоятда йирик бундай ўргимчаклар одамларнинг кийими ёки пойафзали ичига кириб олади. Жиндай безовта қилсангиз, ўргимчак бир неча марта кетма-кет чақиб олади. Яхшиямки, ҳозирги пайтда унинг заҳрига қарши эмлаш чоралари топилган. Лекин ҳозир ҳам ўргимчак етти ёшгача бўлган болаларни чақса, дарҳол ўлдиради.

Энг йирик чаёнлар. Экватор Гвинеясида ер юзиде учрайдиган 800 хил чаённинг энг каттаси учрайди. Баъзиларининг узунлиги ҳатто 18 см.дан ҳам ошади. Танаси қора бўлади. Баъзан ҳавонинг ўзгаришига қараб танасининг рангини ўзгартириши мумкин.

Энг заҳарли чаён. Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Қизил денгиз соҳилларида учровчи сариқ фаластин чаёни ниҳоятда заҳарли ҳисобланади. Яхшиямки, у одамни чаққан пайтда кўп заҳар чиқармайди. Шу боисдан катта одамларни ўлдиролмайди. Фақат беш ёшгача бўлган болаларгина бундай чаён заҳридан ўлиши мумкин.

Ер юзиде яшаган энг катта ваҳший ҳайвон. Бундан 70 миллион йил аввал ҳозирги АҚШнинг Монтана, Вайоминг ҳамда Техас штатларида, шунингдек, Канаданинг Альберта ва Саскачеван вилоятларида гўштхўр динозаврлар — тиранозавр кўп бўлган. Бўйининг узунлиги 10,6 метр, вазни тахминан 5,7 тонна бўлган.

Энг ҳайбатли тирноқ. Мўғулистон жанубидаги Немегт ҳавзасида топилган кейинги Бўр даврида яшаган теризинозаврларнинг тирноғи айниқса ҳайбатли бўлган. Тирноқнинг узунлиги 91,4 см.га борган. Бундай тирноқ ҳар қандай кучли ҳайвонни ҳам тилка-пора қилиб ташлашини тасаввур қилиш қийин эмас. Лекин мазкур жонивор бош суягининг нозиклиги шундан далолат берадики, бундай динозаврлар кўпроқ термитлар — чумоли билан овқатланган.

Энг узун илон. Бундан тахминан 38 миллион йил аввал ҳозирги Миср минтақасида энг узун илонлар яшаган. Илон қолдиқлари шундан далолат берадики, унинг узунлиги 11 метрга борган. Мали минтақасида эса узунлиги 23 метрга етдиган илон қолдиғи топилган. Бироқ олимлар бу ҳисоб-китоб тўғри эмаслигини исботлашган. Мазкур илоннинг узунлиги 9 метр бўлганлиги аниқланган.

Энг катта бургут. Ҳозирги Аргентина минтақасида бундан 6 миллион йилча аввал яшаган бургутлар ниҳоятда ваҳимали бўлган. 1979 йили Буэнос-Айресдан 160 километр нарида шундай бургутларнинг тош қотган қолдиқлари топилган. Бургутнинг қаноти 7 метрдан 7,6 метргача борган. Вазни эса 120 кило бўлган.

Энг кекса дарахт. АҚШнинг Жанубий Калифорния штатида 1980 йил февраль ойида дунёдаги энг кекса дарахт топилган. Профессор Фрэнк К. Вазекнинг таъкидлашича, ушбу клон дарахтининг ёши 11 минг 700 йил экан.

Энг катта узум токи. 1842 йили АҚШнинг Калифорния штатидаги Карпинтерия деган жойда энг катта узум токи ўтқазилган. Бир туп узум токининг ўзи бир неча йил мобайнида муттасил тўққиз тоннадан ҳосил берган. Кейинчалик, ўртача, йилига 7 тонна узум ҳосили берадиган бўлган. Ушбу серҳосил ток 1920 йил ҳалок бўлган. Қизил Томсон деб номланувчи уруғсиз узумнинг бир бошини Сантьяго шаҳрида 1984 йили тортиб кўришганида вазни 9 кило 400 грамм чиққан.

**«ГИННЕСНИГ
МУЪЖИЗАЛАР КИТОБИДАН»**

Мундарижа

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА

Ҳамид Ғулом. Рухий парвоз 3

НАСР

Ғафур Йўлдошев. Уйшун ота ғори. Қисса 7

Виктор Илюхин. Қатағон 41

Тўлапберген Қаипбергенов. Қорақалпоғистонликлар иккинчи ватанига
кўчмоқчи 70

Шукур Ҳайитохунов. Аёз. Ҳикоя 112

НАЗМ

Абдулла Шер. Тоқатимнинг бу сокин шами 38

Нурилла Остонов. Ниғоҳимнинг тўлқинларида 65

Марзия Эрденова. Қуш жонига туташдир жоним 67

Паҳлавон Содик. Салбасил қатрасин лабимга томиз 68

Тўлан Низом. Гиря. Достон 94

Учқун. Нақш ўлур бағримга ҳажрингдан тўла доғи фироқ 116

СУҲБАТ

Шукур Холмирзаев, Тоир Юнус. Инсонни кашф этиш бахти 120

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Маҳмуд Ражаб. Юрагингда мисоли бир гул 127

АДАБИЙ ТАНҚИД

Озод Шарафиддинов. «Адабиёт яшаса—миллат яшар» 129

БОЛАЛАР ДУНЕСИ

Толиб Йўлдош. Йўловчи билан чумоли 139

Азиз Абдураззоқ. Либос ва мазмун 141

Сафар Барноев. Ўзимизнинг акамиз 144

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Асқар Маҳкам. «Кодекс команикус» ёки итнинг кейинги оёқлари 145

Аминжон Маматов. Саводхонлик муаммоси 148

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Заки Валиди Туғон. Хотиралар 151

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Муҳаммаджон Соипов. Девор ортидаги киши. Ҳужжатли саргузашт
қисса 172

Ф. СП-1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» 75458
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

обуна соми

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в.	жойи

75458

(нашр кўрсаткичи)

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(нашр номи)

обуна янгиланган жўбориш	баҳоси	сўм	обуна соми

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

Қадрли муштарийлар!

1993 йил учун обуна бошланди. Обуна барча «Союзпечать» бўлимлари, корхоналар, хўжалик ва муассасалар, алоқа бўлимларида **ЧЕКЛАНМАГАН** миқдорда қабул қилинади.

Обуна баҳоси.

Бир йилга 3600 сўм.

Обунани расмийлаштириш учун юқоридаги варақани тўлдириб, алоқа бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Бадий ижодни, маънавий қадриятни ҳурмат қилишингизга, сеvimли ойномангизни мунтазам ўқиб боришингизга ишонамиз.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси»да расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ МУШТАРИЙ

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатсиз, сўзларни кесқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ИВ-Жойн» деган ёзувларни катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» ходимлари тўлғазилади.

На ўзбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 9

Журнал писателей Узбекистана

Издательско-полиграфический концерн «ШАРҚ» при управлении
делами аппарата президента республики Узбекистан.

Ташкент — 1993

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев

Мусаҳҳиҳ М. Насриддинова

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.

Таҳририятга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 04.06.93 й. Босишга рухсат этилди 09.08.93 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8.
Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 24852 нусха. Буюртма
№ 2069. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. 700083, Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.**